

R 440 15

ШАРҚ



ЮЛДУЗИ



*Adabiyot jurnali*

2005  
Иккинчи -  
учинчи  
фасл

# ЯНГИ ЙЎЛЛАР МУБОРАК!

Янги қурилган раён йўллари қулай кўприклар, аввало, халқимизга хизмат қилмоқда. Қолаверса, Ўзбекистон пойтахтини замонавий давлатлар пойтахтларига монанд юксак даражага чиқармоқда.

Ислом Каримов

MUSTAQILLIK - ENG AZIZ BAYRAM !

Юрганг келаверар, юрганг сари,  
Шаҳарнинг йўллари кўркам ва раён,  
Бир-бирига йўлдош, қадрдон бари,  
Бир-бирини эттирар давом.

Кўприклар хислати мустаҳкам боғлаб,  
Манзиллар риштасин манзилга улар.  
Ҳориқмай, толиқмай шаштини чоғлаб  
Қалблар саломини ташийди йўллар.

# Шарқ юлдузи



Адабий-ижтимоий журнал

2005

Иккинчи ва учинчи фасл

## ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Абдулла Орипов—  
таҳрир ҳайъати раиси  
Бобур Алимов  
Эркин Воҳидов  
Хуршид Дўстмуҳаммад  
Жуманиёз Жабборов  
Омон Мухтор  
Тўлан Низом  
Хайридин Султонов  
Сирожиддин Саййид  
Александр Файнберг  
Омонулла Юнусов  
Ибройим Юсупов  
Пиримқул Қодиров  
Рустам Қосимов  
Ўткир Ҳошимов

## ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Абдулазиз Абдуқаҳҳоров  
Аъзамжон Гадоёбоев  
Нурбой Жабборов  
Туробжон Жўраев  
Алишер Каримов  
Файзулла Муллажонов  
Фатҳиддин Муҳиддинов  
Холмуҳаммад Нуруллаев  
Ботир Парпиев  
Бахтиёр Сайфуллаев  
Неъматилло Худойберганов  
Файрат Шоумаров  
Ислом Шоғуломов  
Ашур Қодиров  
Қаҳрамон Қуронбоев

БОШ МУҲАРРИР  
МИНҲОЖИДДИН МИРЗО

Бахтиёр Карим  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Юсуф Файзулло  
(Масъул котиб)

Икром Отамурод  
(Назм ва адабиётшунослик  
бўлими)  
Баҳодир Мурод Али  
(Наср ва мақоланавислик  
бўлими)

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,  
РЕСПУБЛИКА «МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ»  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

# Ушбу сонда



*Наср*



## Муҳаммад Али УЛУФ САЛТАНАТ

Тарихий роман  
Умаршайх Мирзо

Вазият бамисли симобдай тизгинсиз эди, омад гоҳ у томонга кулиб боқарди, гоҳ бу томонга... Тўхтамишхон ўнг ва чап қанотлари кучсизланиб бораётганини ҳис қилди. Энди ҳамма кучни йиғиб Умаршайх Мирзо лашкарига уриш, шу ердан ёриб ўтиб бутун Соҳибқирон қўшинини пароканда қилиб бўлиб ташлаш керак, деган қарорга келди. Бу унга осондай туюлди...



*Шоғу шоғу шоғу*

## Чоршамъ

*САДОҚАЯНИ БОШИНАЪА  
ШУЪ ЭЯИ-Э, ҚУНЪЛИМ*

Шеърлар

Муҳаббат даҳрига киргил,  
баҳор бағрини тўлдиргил,  
Гўзал ошиқ, гўзал маъшук,  
гўзал ишқзорлари борлар.



*Ушлар, макдўфлар, воқалар*



## Шараф Уснатдинов МЕНИНГ ОЗОД ДЎСТИМ

Эссе

Озоднинг ёшига ёш қўшилиб, тафаккури чарклана боргани сайин, унинг нимадандир бир ташвиши борлигини англай бошладим. Бу қанақа ташвиш эканлигига авваллари ўзи ҳам унчалик эътибор қилмаган бўлиши керак, вақт ўта боргани сайин, бу ташвиш ҳам ўсиб, теранлашиб борган бўлса, эҳтимол. Бу — қанақа ташвиш ёки дард эди? Муҳаббат дардими? Ёки эркинликни қўмсаб юриб, бора-бора якка-ёлғизликка мубтало қилиб ташлаган туйғуларми?



Иброҳим Муҳаммад

## Ялпиз ифори

Ҳикоя

1

Муолажадан қайтаётсам, ҳамхонам Исмоил чинор остидаги ўриндикда оёқларини чалиштирганча ўтириб, хаёлга толган кўйи кундалик дафтарига нималарнидир тез-тез ёзаётган экан.

Исмоил билан танишганимизга атиги тўрт кун бўлди, холос. У — китоблик, мен эсам — шахрисабзликман. Исмоил — ўттиз бешларга кирган, сочларига эрта оқ тушган, камгап, ўйчан йигит. Касби — муаллимлик, мактабда адабиётдан дарс бераркан. Яхши кўрган машғулот «Утган кунлар»ни қайта-қайта синчиклаб ўқиш ва кундалик дафтарига кўрган-кечирганларини ёзиб бориш экан. Кеча оқшом Исмоил хонада йўқлигида, «Утган кунлар»ни олиб ўқишга тутиндим. Китобнинг 15-саҳифасида «уйланган, хотининг таъбингга мувофиқ келса бу жуда яхши: йўқса, мунчалик оғир гап дунёда бўлмас... мен ота-онамнинг ёқтиришлари билан уйландим... аммо хотиним ота-онамга мувофиқ бўлса ҳам менга мувофиқ эмас...» деган гапларнинг тагига қора қалам билан қалин қилиб чизиб қўйилган экан. Нега энди Исмоил атайин шу гапларнинг тагига чизиқ тортиб қўйганига бироз ҳайрон бўлдим.

— Илҳом парилари эртаю кеч сизни ҳеч тинч қўйишмас экан-да, яна ижодми? — дея Исмоилнинг ёнига келиб ўтирдим. У ёзишдан тўхтаб, дафтارينинг четга қўйиб: — Қалай, бугун анча энгил тортдингизми, дея жилмайди. Икки-уч дақиқа ўтар-ўтмай, Исмоил дафтارينинг ичидан қандайдир кўм-кўк бир гиёҳни олиб чуқур-чуқур ҳиллади.

— Нима бу, раъноми? — деб сўрадим ундан.

— Йўқ, — дея хаёлчан бош чайқади ҳамхонам. — Бу ялпиз-ку.

— Янглишдингиз чоғи, ука, ёзда ялпиз бундай кўм-кўк бўлмайди, тезда қариб қолади, — дея эътироз билдирдим.

Ишонмасангиз, мана, бир ҳиллаб кўринг-чи, — деб Исмоил кўлидагини бурнимга яқин олиб келди. Бирдан гуркираган ялпиз ҳиди димоғимга гуп этиб урилди.

— Бу ўзимизнинг баҳорда кўкарадиган жайдари ялпиз эмас, ака, —

дея тушунтира кетди Исмоил. — Бу доимо кўм-кўк бўлиб турадиган тоғ ялпизи.

— Қаердан олдингиз буни? — қизиқсиниб сўрадим ундан.

— Хув анави ариқ бўйидан, — дея нимадир эсига тушгандек ўйчан жавоб қилди у.

Биз даволаниб, дам олаётган сиҳатгоҳ тоғли ҳудудда жойлашгани эсимга тушиб, ҳидлаб турган ялпизим ариқ бўйида кўкариб туришига ишонгандай бўлдим.

Исмоил чуқур хўрсиниб, қандайдир ғамгин, дилгир овозда ўзига-ўзи: «Ялпизни яхши кўрган қиз», деб қўйди.

— А? Нима дедингиз? — Гапини унча англамагандай бўлиб сўрадим. Исмоил дарҳол жилмайди-да: ўзим шунчаки айтдим-қўйдим-да, — дея гапни бошқа ёққа бурди. — Юринг сизга ялпиз ўсган ўша жойни кўрса-таман.

У мени бу ердан қирқ-эллик қадамлар нарида тераклар остидан оқиб ётган ариқ бўйига бошлаб келди. Бу ажиб кўм-кўк ялпизларни қўлим билан силкитгандим, шу заҳотиёқ атрофимизни унинг гуркираган муаттар иси тутиб кетди. Кафтларимга иниб қолган ҳидини тўйиб-тўйиб ҳидладим.

Доктор муолажадан кейин ҳеч бўлмаса ярим соат ётиб дам олишни тайинлаган эди. Хонага қайтиш тараддудида ўрнимдан қўзғолдим. Исмоил тоғ ялпизидан бир даста юлиб олиб, ортимдан эргашди. У хонага келгач, дераза олдидаги гулдонга яримлатиб сув қуйди-да, ҳозиргина олиб келган ялпизларини унга солиб қўйди. Шу кундан эътиборан хонамиз ялпизнинг мастона исларига бурканди.

Исмоил ёстиғи остидан «Ўтган кунлар»ни олгани заҳоти уни суҳбатга тортдим. Агар ҳозир шундай қилмасам, кейин уни бирор соатлар чамаси гапиртиролмаслигимга амин эдим. У мен каби китоб ўқиётган пайтида диққатини бузган кишини хуш кўрмаслигини сиҳатгоҳга келган кунимоқ билиб олгандим.

— Менга қаранг, Исмоилбек, боя ташқарида ўтирганимизда хўрсиниб: «Ялпизни яхши кўрган қиз», деб қўйдингиз. Сизнинг гап оҳангингиздан дилингизда қандайдир армон борлигини иллагандек бўлдим, ука. Жуда ҳам муҳим сир бўлмаса, ўша «Ялпизни яхши кўрган қиз» ким ўзи?

Исмоил ғамгин нигоҳ билан бошини кўтариб, менга юзланди. Эски ярасини тирнаб юбордим, шекилли, дея дамимни ичимга ютиб, ҳам-хонамнинг гап бошлашини интиқлик ила кутдим. У бироз ўйланиб олди-да, китобини ёпиб: — Тўғри илғабсиз, ака, — деди ўшандай чуқур хўрсиниб. — Ҳақиқаттанам бу менинг энг катта армонимдир. Шу чоқ-қача бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмагандим, тўғриси. Кўнглимдагидек киши бўлганингиз учунми, сизга ҳаммасини бир бошдан сўзлаб бермоқчиман. Ичимдаги эски дардларимни сизга тўкиб солсам балки бўшашиб, сал енгил тортарман, эҳтимол, бунинг акси бўлиб қайтадан ғам-ғуссага ботарман... Начора, нима бўлса бўлар, у ёғи энди худодан...

## II

— Бу воқеа бундан ўн беш йиллар муқаддам, диққинафас июнь кунларининг бирида юз берган эди, — дея ҳикоясини бошлади Исмоил. — Уша пайтлар мен пединститутнинг тўртинчи курсини битказиш арафасида эдим. Сиёсий иқтисод деган эзма фандан эртага бўладиган имтиҳонга кун бўйи тинимсиз тайёрланиб, жудаям зерикиб кетгандим. Китоб ўқиб зериккан чоғларимда чарчоғимни ёзиш мақсадида кўчага чиқардим. Ҳеч нарса харид қилмасам-да, дўконларни бир-бир айланиб тамоша қилар эдим. Бугун ҳам шу мақсадда «Чилонзор савдо маркази»га йўл олдим.

Соат олти-еттилар чамаси бўлса-да, «Савдо маркази» одам билан гав-

жум экан. Аввал биринчи, кейин иккинчи қаватдаги бўлимларни ҳафсала билан айланиб чиқдим-да, кўнглим сал тасалли топгач, бекат томон юрдим. Бекатдаги газета дўконидан «Тошкент оқшоми» газетасини олиб бурилгандим, автобус кутиб турган, енгсиз қизил кўйлакли, сочларини елкасига ёйиб ташлаган бир қиз негадир диққатимни ўзига тортди. Бекатдан кетолмай, бир неча дақиқа унинг ортидан термулиб туриб қолдим. Қиз бир маҳал биров кетидан синчиклаб кузатиб турганини сезгандек секин орқага бурилиб қаради. Биласизми, менда ҳеч маҳал мундай кескин ҳолат юз бермаган эди. Юрагим ўз-ўзидан «жаз» этиб кетиб, ундан кўз узолмай қолдим. «Бу ўша, охири уни излаб топдинг-а?» деди кўнглим. Кўзларимга сира ишонмасдим. Наҳотки, бу ўша қиз бўлса дея шивирладим ўзимга-ўзим. Эҳ-ҳе, мен уни неча йиллардан бери излайман-а?! Ун етти ёшимдан то ҳозирги кунгача қарийб етти йилдан бери излардим уни. Наҳот, охири топган бўлсам-а? Энди кеч эмасмикин? — дея сўрадим шунда нозик кўнглимдан. Сизда қандай билмадим, мен эсам бир ишда сал иккилансам кўпроқ кўнглимга қулоқ солиб ундан маслаҳатлар олиб тураман. Ақлга ҳам қулоқ тутиб тураман-у, бироқ кўнглимнинг йўл-йўриқлари менга кўпроқ ёқади. Кўнглим ўшанда: «Нега кеч бўлар экан, айна вақти, дадилроқ бўл. Етти йил қийналиб излаганинг айнан унинг ўзи. Вақтни бой берма, кейин афсус қиласан. Ҳозир у кетиб қолиши мумкин. Тезроқ ёнига бориб, у билан таниш», — дея маслаҳат берди.

Ун етти ёшимда уни бир мартагина кўрган эдим, халос. У ҳам бўлса тушимда рўй берган эди. Ушанда менинг рози-ризолгимни олмайин мажбуран, ўзим танимаган, ҳатто бир мартагина ҳам кўрмаган қизга уйлантираётган эмишлар. Тўй қандай ўтганини ҳеч эслай олмайман. Чимилдиқли уйга амакию тоғалар, янгаю опалар ортимдан итариб киргизиб юборишганини эслайман, халос. Чимилдиқ гулдор сўзана-ю, атласлардан эмас, қандайдир оппоқ ҳарир пардадан тутилганмиш. Унинг ичида, қалин кўрпалар устида бир қиз тиззаларини қучоқлаганча пиқ-пиқ йиғлаб ўтирганмиш. Пардани кўтариб, унга яқин боришим биланок, у дарҳол йиғидан тўхтаб, ёшли кўзлари ила ялт этиб менга қарабди. У, ниҳоятда, сулув бир қиз эмиш. Бундай чиройли қизни аввалроқ учратмаганимдан бироз ҳайрон бўлган эмишман. «Биласанми, мени сенга мажбуран уйлантиришди. Ҳали уйланиш ниятим йўқ эди ўзи. Шу йил институтга ўқишга бормоқчи эдим. Булар бўлса мендан сўрамай, нетмай бундай иш қилиб ўтиришибди», дея гўлдирабман, нима дейишимни билмай. Қиз бўлса яна пиқ-пиқ йиғлай бошлабди. «Менга қара, уйингда кетишни хоҳлайсанми?» деб сўрабман ундан. У, «ҳа кетаман» дегандай секин бош ирғаб кўйибди. «Агар шуни хоҳлаётган бўлсанг, нима ҳам қилардим, майли кетавер мен рухсат бердим», дебман унга. Шу заҳотиёқ, қизнинг юзлари ёришиб кетиб, «вой қандай яхши йигит экансиз», дея кўз ёшларини енги билан апил-тапил артиб, шодонлик ила уйдан чиқиб кетибди.

Тоғаларим, амакиларим, янгаю опаларим афсус билан бош чайқашиб: «Эҳ каллаварам, нима қилиб кўйдинг, ахир, шундоқ қучоғингда турган ойдай келинчакнинг кўнглини тополмадингми-а, мунча ношуд бўлмасанг! Энди унақасини топиб бўлсан!» дея роса койишибди мени.

Кейин уни узоқ йиллар изладим. Аммо у йўлларимда учрамади, тушларимга қайта кирмади. Дилимдаги қачондир уни учратаман деган илинж, умид сўнаётган бир паллада унга рўбарў бўлиб турганимдан ҳайрону лол эдим.

Бир пайт бекатга узун, сариқ рангли автобус келиб тўхтади. Қизил кўйлакли ўша қиз автобуснинг олди эшиги томон юрди. Ҳали ҳануз тушунолмайман: ўша лаҳзада кимдир ортимдан итариб, унинг кетидан боришга мажбур қилди мени. Унга эргашиб автобусга чиқдим. Қиз ҳайдовчидан: «Автобус 23-кварталгача борадими?» деб сўради. Ҳайдовчи йўқ бормади дегач, қиз бурилиб, мен билан юзма-юз бўлиб қолди.

Олдинма-кейин автобусдан тушдик. Четдан туриб уни кузата бошладим. У буни сезгандек икки-уч марта менга ғалати қараб-қараб қўйди. Сал ўтиб бекатга бошқа автобус келди. Бу қизни манзилига олиб борадиган автобус экан. Тирбанд автобусга орқа эшикдан қиз олдинда, мен орқада бир амаллаб илашиб олдик. Ичкари шунчалик тикилинч эдик, ярим қадам на олдинга, на кейинга сурилиб бўлар эди. Узимни қанчалик орқага олишга уринмайин одамлар орқадан суриб, мени қизга тобора яқин келишга мажбур қилишар эди. Қиз бошини сал буриб, бир-икки марта менга бошқача қараб қўйди. Мен буни атайлаб қилмаётганимни юзимдаги ҳижолатпазлимдан сезди, шекилли, иложсизликдан индамай кетаверди. Автобус ҳар тўхтаганда, қизнинг олма ҳиди келиб турган майин қора сочли боши юзларимга тегиб-тегиб кетаверарди. Бир маҳал ақлим қатъийлик билан: «Бу нотаниш қизнинг орқасидан қаёққа бораяпсан ўзи? Унда нима ишинг бор? Ахир, боши боғлиқ бир одам бўлсанг, қиз боланинг ортидан юришни ким қўйиб-ди сенга?» дея сўроққа тута бошлади. Нима қилай энди, дегандай маҳзунлик билан кўнгилга қулоқ тутгандим. У бўлса бирдан аччиқланиб: «Э, қанақа лақма йигитсан ўзи? Уни учратишни неча йиллардан бери орзу қилар эдинг, ахир! Энди излай-излай топдим деганингда, бир мартагина ақлингга эмас, менга — кўнглингга қулоқ тутиб иш қилсанг-чи. Сен уни қанчалар ардоқ билан яхши кўришингни бир эслаб кўр-а! Ахир, у юрагингдан сира ўчмайдиган илк муҳаббатинг эмасмиди?!» деди. — Э, нима бўлса бўлар, шу сафар кўнглимга қулоқ тутиб иш қилайин-чи, — дедим қатъий қилиб. — Охири бахайр бўлиб кетса, эҳтимол.

Шундай қилиб, эртага сиёсий иқтисоддан бўладиган эзма имтиҳонни ҳам, бир йилдан бери бошим боғлиқлигини ҳам, узоқларда бир қуралай кўз яқинда манга ўғилми, қизми туғиб беришини ўйлаб, суратларимга тикила-тикила қишлоққа қайтишимни интизорлик билан кутаётганини ҳам унутишга ҳаракат қилиб, хаёлчан ёнимда турган ўша қизнинг ортидан боравердим.

Тўрт-беш бекат юрилгач, йўловчилар тушиб кетаверишиб, автобусда одам сийраклашиб, ўриндиқлар ҳам бўшаб қолди. Қиз олдинга юриб, ўнг томондаги ойнага яқин ўриндиққа бориб ўтирди. Худди шуни интиқлик ила кутгандек, мен ҳам дарров унинг ёнига ўтириб олдим. Шунда қиз ортидан илашиб келаётганимни пайқаганини, ҳатто, бундан сал хурсанд эканлигини сезиб қолдим. У гоҳ жилмайиб, лабларини қимтиб мамнунлик билан ойнага қараб-қараб кўяр эди. Мен эса буни гўё сезмаётгандек тутардим ўзимни. Аслида эса, унинг бу ажиб нозик ҳолатини ойнадаги аксидан кўриб турардим.

Ўша вақтларда ёзувчи бўлишни орзу қилиб, ул-бул нарсалар ёзиб юрардим. Қаламқаш ўта кузатувчан, синовчан бўлиши даркорлигини китоблардан ўқиб, бунга қатъий амал қилиб, ёзадиган ҳар бир нарсамни ипидан игнасиғача яхшилаб текширишга одатланиб қолгандим. Шу сабабдан ёнимда сал қимтиниб ўтирган бу нотаниш қизни зимдан кузата бошладим. Унинг эгнидаги енгсиз қўйлаги қизил грибдишин матодан тикилган бўлиб, сал эскироқ, бироқ тоза-озода эди. Ундан қандайдир аёллар атрининг хушбўй ҳиди келиб турарди. Қўлидаги малла ранг сумкачаси ҳам икки-уч йил бурун урфдан қолган, елкага осадиган қайиши узилган бўлиб, темир балдоққа мошинада эмас, қўлда тикиб қўйилган эди. Шулардан, ўзимча, бу қиз бориға қаноат қилиб кун кўрадиган оиладан бўлса керак, деган хаёлга бордим.

Автобус сўнгги бекатга — қизнинг манзилига етиб келди. Олдинма-кейин автобусдан тушдик. Қиз ҳеч нарсага эътибор қилмай, мендан атиги олти-етти қадамлар олдинда кетиб боряпти. Нима десам экан-а, унга? Мен учун бегона, нотаниш бу қизни қандай қилиб гапга солсам экан-а? дея бошим қота бошлади. Биласизми, умримда қиз боланинг ортидан шундай юрмагандим. Бадқовоқлигим, камгаплигим туфайли гуруҳимиздаги қизлар билан ҳам унча гаплашолмас-



дим. Үзимни нутқи нўноқ, нотавон одам ҳисоблаб, кўп эзилардим ўша кезларда.

Бу қизнинг орқасидан шунча жойгача овора бўлиб нимага келдим ўзи? Гап-сўзсиз уйигача кузатиб қўйиш учунми?

— Лаллайма, дадилроқ бўлсанг-чи, — дея ичимдан маслаҳат бера бошлади шунда кўнглим. Э нима бўлса бўлар, таваккал дея илдам-илдам юриб унга етиб олдим-да, сал ҳаяжон босиб:

— Ҳой қизгина, сизнинг орқангиздан келаяпман, — дедим, ниҳоят, юрак ютиб. У менга қаради-да, ажабланган тарзда:

— Нима учун? — дея сўради.

— Үзим шундоқ, сиз билан танишмоқчиман-да, — дея жавоб бердим дарров. Мабодо турмушга чиқмаганмисиз, ишқилиб? Қизиқ бу гап ўша пайт қайдан келиб қолди хаёлимга, ҳайронман.

— Нима, турмушга чиққанлар билан танишиб бўлмайдами? — боягидек сал ажабланиб сўради у.

— Қаҳрамон деган ошнам бир қиз билан суриштирмай танишиб, гаплашиб, уни яхши кўриб юрган экан. Кейин билса, унинг эри ва икки боласи бор экан, — дея ёлғонладим. — Ошнам қилган ишидан роса пушаймон бўлиб, анча вақтгача ўзига келолмай юрди. Энди, аввалдан билиб қўйган яхши-да, мен ўша ошнамдай оғзим куйиб, хижолат бўлиб, қолмайин дейман-да.

Қиз бу гапимга ғалати кулиб қўйди. Унинг шу ҳолатидан, кўрқманг, мен ҳали турмушга чиқмаганман деган маънони ўқдим.

Уйига яқинлашиб қолдикми, қиз жиддий тортиб, аланг-жаланг атрофга қарай бошлади.

Биласизми, мен сизни ўхў қанчалар кўп изладим, — дедим илк севги изҳор қилаётган ошиқдек юрагим гурсиллаб. — Мана, ниҳоят, излай-излай, ахири, топдим, сизни!

Шу заҳотиёқ, бирдан унинг кўзларида: «Ростданми?» деган севинч акс этди.

— Раҳмат кузатиб қўйганингиз учун, мен етиб келдим. Ана бизнинг уйимиз, — деди қиз жозибали жилмайиб, муюлишдаги уйини кўрсатаркан.

— Келинг танишайлик, исмингизни айтинг, — дедим интиқлик билан. — Менинг исмим — Исмоил, сизникичи?

— Мен уйга боришим керак, — деди у исмини айтишни истамай.

— Бирпас тўхтанг, дарров кетиб қолманг, — дея унинг билагидан ушлаб олдим.

— Вой, кўлимни қўйворинг, қўйсангизчи! — деди у ҳаяжонланиб. — Қўшниларимиз бизга қарашвотти. У шундай деди-ю, юлқиниб кўлимдан чиқиб, тез-тез юриб муюлишдаги кўп қаватли уйнинг биринчи йўлагига кириб кетди. Ичида суюниб кетганини сезиб турардим.

### III

Кечкурун қанча ҳаракат қилмай имтиҳонга тайёрланомай қийналдим. Саҳифаларда ўз-ўзидан ўша қизнинг ним табассум билан боқиб турган сурати кўриниб кетаверди, кетаверди... Ахири, китобни ёпиб, кўлларимни бошим остига қўйганча бугун у билан бўлган учрашувни бирма-бир кўз ўнгимдан ўтказа бошладим. Кейин эртага бўладиган учрашувда у билан нималар ҳақида сўзлашсам экан-а, дея бош қотирдим. Аммо, ҳар қанча ўйламайин, қандай мавзуда гап бошлашни тополмай, роса хунубим ошди.

Эртаб соат олти яримларда туриб, кеча уни кузатиб борган жойимга жўнадим. Уни ўша охириги бекатдан бошқа жойда учратолмаслигим аниқ эди.

— Э, шошманг, ахир, сиз сиёсий иқтисоддан имтиҳонга боришингиз керак эди-ку, дўстим, бу ёғи қандоғ бўлди, энди? — дея Исмоилнинг гапини бўлдим.

— Ҳа-я, яхши эсимга солдингиз, сизга аввалроқ айтиш ёдимдан қутарилибди, ака, — дея изоҳ берди ҳамхонам. — У пайтларда мен пединститутнинг филология факультети кечки бўлимида ўқир эдим. Имтиҳонлар эса бизда тушдан кейин соат тўртларда бошланар эди.

Шундай қилиб, ўн беш дақиқаларда кечаги жойга етиб бориб, бекатда унинг келишини кута бошладим. Соат еттидан ўн бешталар ўтганда, тоқатсизланиб, у бугун кўчага чиқармикан ўзи, деган ҳавотирда унинг уйи томон юрдим. Муюлишга етмасданоқ, у кўзга ташланди. У бугун енгсиз узун оқ кўйлак кийиб олган, сочлари кечагидек елкаси узра ёйилган эди. Уни бугун ҳам кўриш насиб қилганидан кўнглим бирдан таскин топиб, ичимда хайрият-эй, деб кўйдим. Қиз ёнимга келгач, ғамгин нигоҳ билан менга боқиб: — Ассалом, — деди дилгир овозда. Унинг биринчи бўлиб салом берганидан хурсанд бўлиб кетдим.

— Эрталабдан бу ерларда нима қилиб юрибсиз? — дея сўради у секингина гўё менинг қандай илинжда келганимни билмагандай.

— Сизни жудаям кўргим келаверди, шунинг-чун келдим-да, — деб гапнинг тўғриси айтдим-кўйдим.

— Балким мен сиздан каттадирман, нима қиласиз овора бўлиб? — деди у қандайдир умидсиз хастаҳол овозда.

Мен шундагина унинг не сабабдандир турмушга чиқолмай қолиб кетган, эндиликда ўзини бахти очилмайдиган қари қиз ҳисобловчилар тоифасидан эканлигини сезиб қолдим. У мен нотавонни ўзидан анча ёш ҳисоблаб, ёшим катталигини билмасдан туриб тагин кўнгили бериб кўймасин, дея мени аяб, шундай муомала қилаётганини тушуниб турардим.

Автобустга чиқиб, худди кечагидек ёнма-ён ўтирдик.

Ёшини билиш мақсадида:

— Нечанчи йилда туғилгансиз ўзи? — дея сўрадим кулимсираб.

У шу саволдан юраги зада бўлиб қолгандек юзини четга ўтириб, деразага қаради. Бошгинасини эгиб, хўрсиниб олди-да, паришонхотирлик ила:

— Олтмиш тўртинчи йил, — дея жавоб қилди маҳзун овозда.

— Унда мен сиздан тўрт ёш кичик эканман-да, — дедим ҳазил оҳанги билан. Қиз шу заҳоти, наҳотки, сиз мендан кичик бўлсангиз, дегандай таажжуб ила менга жиддий қаради.

— Мен олтмишинчи йилман. Аниқ қилиб айтсак, минг тўққиз юз олтмишинчи йилда туғилганман, — дедим қувноқлик билан.

Қизнинг қарашларида энди ишонсизлик зоҳир бўлганини кўриб, ёнимдан «Синов дафтарчам»ни чиқариб, исм-шарифим, туғилган йилим ёзилган биринчи саҳифани очиб кўрсатдим. У «Синов дафтарчам»га ёпиштирилган бундан тўрт йил бурун тушган сувратимга тикилиб қараркан, шу ондаёқ тиниқ чеҳрасидаги ишончсизлик ва тушкунлик аломатлари йўқолиб, кўзлари қувнаб, юзлари ёришиб кетди. Бечора қиз! Мана, ниҳоят, узоқ йиллар ўтиб, орзусидаги ўзидан тўрт ёш катта йигитни учратганидан ич-ичидан бирам хурсанд бўлган эдики, бирам хурсанд бўлган эдики, буни мен сўз билан тасвирлаб беришга ожизман.

Бир-икки бекат ўтгач, автобуста одам кўпайиб кетиб, хотиржам суҳбат қилолмадик ҳам. Икки кексага жой бериб, тиқилинчда худди кечагидек бир-биримиз билан жуда ҳам яқин, юзма-юз бўлиб кетавердик. Бир маҳал у қулоғимга шивирлаб: — Чилонзор метросида тушаман, — деди. Автобусдан тушиб гуррас-гуррас оломоннинг кетидан метрога кирдик. Биласиз, эрталаб метро ҳам одам билан тирбанд бўлади. Тезкор поездда ҳам бемалол гаплашишга имкон бўлмади. — Мен «Пахтакор»да тушаман, сиз-чи? — дея сўради у қизиқсиниб.

Мен ҳам айнан ўша жойда тушаман, — дедим жилмайиб. «Пахтакор»дан чиқиб, телевидение биқинидан секин юриб, ўнгга бурилдик-да, Навоий кўчасига ўтдик.

Мен асли шахрисабзлик эканлигимни, кундузи «Кино архив»да ишлаб, кечкурун пединститутда ўқишимни айтгандим, қиз кулиб кўйиб:

— Шаҳрисабз, Шаҳрисабз, зеленый город Шаҳрисабз, — деди қувноқ ёқимли овозда. — Агар «Ялла» шу ашулани айтмаганда, дунёда Шаҳрисабз деган шаҳар борлигидан бир умр беҳабар ўтарканман.

Мен унинг қаерда ишлашини суриштиргандим, у Урлада жойлашган Давлат таъминот бошқармасида ҳисобчи бўлиб ишлашини (у мактабни битиргач, бухгалтерия техникумида ўқиган экан) кечда Политехника институтининг энергетика факультетида учинчи курсда ўқиётганлигини айтди.

— Кеча исмингизни айтмадингиз, — дедим, энди бугун айтасизми дегандай қилиб. У саволимга жавоб бериш учун мен томон қайрилган эди, турмакланмаган сочлари ярим юзини қоплаб олди. У чап қўли билан сочларини юзидан олар экан:

— Исминми, исмим — Маҳзуна, — деди истар-истамай. — Қандайдир эскича-а? Сизга ёқмади-а, шундай эмасми?

— Нималар деяпсиз ўзи? — дедим ҳаяжонимни яширолмай. — Бу жудаям ажойиб исм-ку, бунинг нимаси эскича, ахир?!

У, билмасам, дегандай елкасини қисди-да:

— Ҳозир ҳеч ким қизига бундай исмни қўймайди-ку, — деб қўйди.

— Сизга бу исмни ким қўйган ўзи? — дея қизиқсиндим.

— Адамла, — дея вазмин жавоб қилди у.

— Дадангиз қандай касбда хизмат қиладилар? — деб сўрадим.

— Адабиёт ўқитувчиси, — деди қиз боягидек вазминлик билан.

— Исмингиз мазмунини ҳеч сўраб кўрмаганмисиз дадангиздан?

Шу заҳоти, қизнинг чеҳрасига андуҳ соя ташлади. У секингина ютуниб олди-да:

— Адам. Адамла уч яшарлигимда оламдан ўтган эканлар, — деди дилгир овозда.

— Худо раҳмат қилган бўлсин, — дедим унга тасалли бериб. — Биласизми, дадангиз мумтоз адабиётни яхши биладиган инсон бўлган эканлар, чамамда. Бўлмаса сизга мундай ажойиб исмни қўймаган бўлар эдилар. Сиз XIX асрда Қўқонда яшаган Маҳзуна исмли гўзал шоира ҳақида ҳеч эшитмаганмисиз?

У йўқ дегандай бош ирғаб қўйди.

— Менимча дадангиз сизга ўша шоиранинг исмини қўйган бўлсалар керак, — дедим ишонч билан.

Маҳзуна соатига қараб-қараб қўйди. Соат ўн минут кам саккиз бўлиб қолган эди.

— Энди мен борай, иш вақтим ҳам бошланай деб қолди, — деди у энгил тин олиб.

— Нечада ишдан бўшайсиз? — Интиқлик ила сўрадим ундан.

— Соат олтида, нима эди? — дея сал чимирилди у.

— Сизни кузатиб қўйгани келсам майлими, Маҳзуна?

— Ўзингиз биласиз, вақтингиз бемалол бўлса, майли, — дея жавоб қилди у хушҳоллик билан.

У келишимни хоҳлаяптими, демак, Маҳзунага сал бўлса-да, ёқиб қолибман-да, дея ўйладим.

#### IV

Ҳаётимда юз берган бу ажиб ҳолдан тушкун руҳим анча энгил тортгандай бўлди. Севилган бахтиёр ошиқ сингари ижара уйимга қушдек учиб қайтдим.

Эрталаб Маҳзунани кўргани бораётганимда ҳамхонам Нурмуҳаммад ҳали ухлаб ётган эди. Унга сездирмасдан кўчага чиқиб кетгандим. Келсам, у чой хўплаганча «Сиёсий иқтисод» дарслигини варақлаб ўтирган экан. — Ҳа-а, каллаи саҳардан қайга гум бўлдингиз, — дея сўроқлади.

— Амакимда ишим бор эди. Вақтлироқ бормасам, сўгин кечгача кутиб ўтиришга тўғри келарди, — деб унга сал ёлғонладим. Уша пайтлар раҳматли амаким Музаффархон Чилонзорда турардилар.

Кеча оқшом Маҳзуна билан учрашиб қолганимни, бугун ишхонасига кузатиб, у билан танишганимни дўстимга айтмасликка, нафақат, унга, бошқалардан ҳам сир тутишга қарор қилдим. Агар сал учини чиқарсам борми, у мени койиб, насиҳатлар қилиб, албатта, бу йўлдан қайтарган бўлар эди.

Эрталабдан кайфиятим чоғлиги, хурсандлигим боисми, сал ўтгач, дўстимнинг «Сиёсий иқтисод»дан берган саволларига ҳеч қийналмай, қарсиллатиб жавоб бериб ташладим. Жавобларнинг мундай тез миямга қуйилиб келаётганидан, тўғриси, ўзим ҳам ҳайрон бўлар эдим.

Соат тўртта уйдан чиқиб, э худо, ўзинг қўлла, дея институт сари равона бўлдик. Имтиҳон бешда бошланди. Мен биринчи бўлиб кирдим. Сал мураккаброқ саволлар тушган бўлса-да, бир амаллаб тўрт олиб чиқдим. Нурмуҳаммад ҳаммадан кейин имтиҳон топширишга одатланиб қолганди.

— Сиз кириб чиққунингизча мен бир жойга бориб келаман, агар бироз ушланиб қолсам, мени қутмай кетаверинг, — дедим унга. Қарасам, соат беш ярим. Аввал троллейбус, сўнг метрога учиб кириб, учиб чиқиб беш дақиқа кам олтида Маҳзунанинг ишхонаси олдига етиб келдим. Олтидан беш-ўн дақиқалар ўтгач, катта бинонинг ойнаванд эшикларидан бирин-кетин хизматчилар ташқарига чиқа бошлашди. Сал ўтиб, тўрт беш дугонаси билан Маҳзуна ҳам ташқарига чиқди, менга кўзи тушиши биланоқ, чиройли жилмайиб қўйди.

— Яхшимисиз, кўп кутдингизми, мени? — деди ёнимга келгач, хушҳоллик билан. Эрталаб мен ҳақимда қизларга айтган, шекилли, ҳали шуми йигитинг дегандай улар менга бошқача қарашиб, бош ирғаб салом берганча, ёнимдан ўтиб кетишди.

— Имтиҳон топшириб келяпман, тўрт олдим, — дедим, елкамдан тоғ ағдарилганидан севинч билан.

— Вой қандай яхши, табриклайман, — деди Маҳзуна самимийлик билан.

— Хўш, Маҳзуна бону, қаерга борамиз, уйгами, киногами? — дея сўрадим.

— Бизда бугун физикадан имтиҳон бор, институтга боришим керак, — деди у бироз ташвишланиб. Уларда имтиҳон соат еттидан кейин бошланар экан.

— Ойим эрталаб суваракларга қарши дори опкелгин деб тайинлагандилар. Юринг, аввал магазинларга бир кириб ўтамиз, — деди у ним табассум ила. — Бу ер ютурларни энди йўқотдим деганимизда, яна битта-иккита пайдо бўлаяпти уйимизда.

— Мен суваракларни йўқотишнинг йўлини биламан, Маҳзунахон, — дедим жиддийлик билан. — Истасангиз сизга ўргатишим мумкин.

Ростданми? — кўзлари қувнаб сўради у. — Мен жон-жон деб розиман. Қани, тезроқ ўргатинг, бўлмаса.

— Аввал сизга битта латифа айтиб бераман, хўпми? Кейин шундан ҳаммасини билиб оласиз-қўясиз.

— Қани, бошланг латифангизни, — деди Маҳзуна қизиқсиниб.

— Ётоқхонада турадиган менга ўхшаган бир талаба бўлган экан, дея бир дўстимдан эшитган ҳангомани шавқ ила унга сўзлай кетдим. Уша талабанинг хонасида сувараклар шу даражада кўпайиб кетибдики, асти қўяверасиз, энди... Нима қилишни билмай, буларни қандай йўқотишни билмай, боши қотиб, хуноби чиқиб юрган экан, бир кун бошқа ётоқхонада яшайдиган бир ўртоғи бу хусусда унга сал ғалатироқ маслаҳат берибди. «Сувараклар ҳам одамлар билан бирга яшайвериб, уларнинг гапларини тушунадиган бўлиб кетишган, дўстим, — дебди у. — Ҳозир бориб хонанга киргин-да, чироқни ёқиб, ўта жиддийлик ва қатъийлик билан:

«Хей, сенлар, жонларимга тегиб кетдинг-ку, ахир! Ҳамманг йўқолларинг, бу ердан! Сенларни кўргани кўзим йўқ энди!» — дея бақиргин, хўпми? Бирпасдан кейин Ҳаммаси кетма-кет саф тортиб хонангдан чўқиб кетмаса, мени айтди дейсан, ошна. Аммо, шарт шуки, то улар остонангни тарк этишмагунча қовоғингни очмайсан, салгина бўлса-да жилмаймайсан, тушундингми?»

Жиги бийрони чиққан ҳалиги талаба қани буям бир таваккал-да, деб ўртоғининг айтганини қилиш учун ётоқхонага югурибди. Келасолиб чироқни ёқибди-да, хонанинг ўртасида ғоз туриб, худди ўртоғи ўргатгандек қилиб бақириб-чақирибди. Шунда кўз ўнгида лаҳза ўтмаёқ бир мўъжиза юз берибди. Сувараклар ростдан ҳам бирин-кетин саф тортиб, бошларини экканча хонани тарк эта бошлашибди! Сўнги суварак энди эшикка етганида, талаба ўзини тутолмай, пиқ этиб кулиб юборибди. Шунда ҳалиги сўнги суварак ташқарига чиққанларга қарата: «Эй биродарлар, тўхтанглар, ортга қайтинглар, хўжайинимиз ҳазиллашибдилар!» — дея қичқирибди. Сувараклар шу заҳотиёқ, қувонч ила изларига қайтиб, тагин эски жойларини мамнунлик билан эгаллашибди. Студент дўстининг маслаҳатига тўлиқ амал қилмаганидан пушаймонлар бўлганича бошини чангаллаб ўтириб қолибди. Эртасига ноилож у яна ўша дўстининг олдига бориб, кеча бўлган воқеани айтиб бериб, тагин бир жўяли маслаҳат сўрабди ундан. Бу гал дўсти унга шундай маслаҳат берибди: «Ҳозир бориб, эшикдан кирмасдан: — Вой дод, ёрдам беринглар, қадрдонлар, нариги хонанинг сувараклари бостириб келишяпти! — дея ростдакамига бақирасан. Овозинг табиий чиқишига ҳаракат қилгин, хўпми, дўстим. Кўрасан, зум ўтмай хонада биттаям суварак қолмайди. Улар чиқиб кетишгач, эшикни маҳкам ёпиб, сувараклар кирадиган тешикларга пахта тиқиб ташлайсан, тушундингми?» — дея маслаҳат берибди. Студент худди дўсти айтгандек қилибди. Барча сувараклар унинг ёлғонига ишониб, нариги хонанинг сувараклари билан олишгани ташқарига чиқиб кетганини кўрган студент ёқасини ушлаганича ҳайрон бўлиб қолибди. Дарҳол, у ёқ бу ёқни йиғиштириб, дўсти айтганидек, тешикларни беркитиб, сўнг сал хотиржам тортиб, севган қизи билан кинога тушиш учун жўнабди. Кинодан сўнг қизни кузатиб, масрур ҳолда ётоғига қайтиб, хонага кириб, чироқни ёқса не кўз билан кўрсинки, у ерда аввалгидан тўрт-беш баравар кўп сувараклар бижғиб ётганмиш. Студент энди нима қиларини билмай, анграйиб турганида, суваракларнинг орасидан бири ажралиб чиқиб: «Хўжайин, хўжайин, биз нариги хонанинг суваракларини асир қилиб олиб келдик!» — дебди.

Маҳзуна бу латифадан қотиб-қотиб кулди.

— Бу билан суваракларни умуман йўқотиб бўлмайди демоқчисиз-да-а? — деди у.

— Суваракларни қириб битирдим деган кишини шу чоққача учратганимча йўқ ҳали, — дея жавоб бердим.

Йўл-йўлакай магазинга кириб, суваракка қарши дори олдик. Кейин трамвайга чиқиб, талабалар шаҳарчасига жўнадик. Уша пайтлар Политехника институтининг энергетика факультети талабалар шаҳарчасида, шундоқ университетнинг биқинида жойлашган эди. Трамвайдан тушгач, Маҳзунани факультетгача кузатиб қўйдим. Маҳзуна бино эшигига ўн беш — йигирма қадамлар қолганида, ёйиқ сочларини тартибга солди-да, сумкачасидан иккита ингичка қистириғич олиб, чакка сочларига қистириб қўйди.

— Исмоил ака, энди шу ерда сиз билан хайрлашамиз, — деди у. Исми унинг оғзидан шундай жозибали эшитилдики, ҳали ҳанузгача бу жозибали овозни унутолмайман, ака.

— Имтиҳондан кейин уйингизгача кузатиб қўймоқчи эдим, — дедим умидворлик билан.

— Сиз йигит кишисиз, сизга ҳеч гап эмас, — деди у хокисорлик

билан. — Ичкарига ортимдан эргашиб кирсангиз, мен ҳақимда гап-сўз бўлиши мумкин, мен буни истамайман, тушундингизми? Энди боринг.

— Эртага якшанба, бирор жойга айлангани борайлик, — дея умидвор термилдим унга.

— Эртага ишларим кўп, уйдан чиқолмайман, — деди у. — Кейин ойимга бир йигит билан танишдим, шаҳар айлангани бормоқчимиз, рухсат бера қолинг деёлмайман-ку.

— Нима учун? — эзмаландим мен. — Тўғрисини айтаверинг, нима, айби борми мунинг?

— Э, нималари деяпсиз? Ойимга бундай гапни айтишга уяламан, — деди у кўзларини пирпиратиб.

— Бўлмаса имтиҳонга тайёрланиш-чун бирор дугонамникига бормоқчиман денг, — дея йўл-йўриқ кўрсата бошладим унга.

— Биласизми, ойимни ҳеч қачон алдамаганман. Ёлгон гапиришга тилим бормайди-да, — дея эътироз билдирди у.

— Бўлмаса эртанги якшанбани сизнинг хаёлингиз-ла зерикиб ўтказарканман-да, — дедим ноумидлик билан хўрсиниб.

Маҳзуна, начора энди, дегандай бошини бир томонга эгганча елка қисиб қўйди.

## V

Кейинги имтиҳонимиз «Ўзбек адабиёти тарихи» фанидан, чоршанба куни бўлиши керак эди. Имтиҳон кезлари институт кутубхонаси якшанба кунлари ҳам ишлар эди. Куним унумли ўтсин деб эрталаб соат тўққизларда кутубхонага бориб, имтиҳонга тайёрланиш учун зарур бўладиган бир-иккита қўлланмалар ва қўшимча Тўхтасин Жалоловнинг «Ўзбек шоирлари» номли ажойиб китобини ёздириб олдим.

Шу ноёб китобнинг малларанг муқовасида ишқ изтироби, ҳижрон ва айрилиқ дарду азобларидан бағри хун бўлган зебо санамнинг узун қайрилма киприкларидан алам ёшлари томиб турган ҳолатдаги суврати ажиб маҳорат билан тасвирланган эди. Бу сувратни чизган рассомнинг инсон руҳиятини нақадар нозик тушунганига, ўтмишда ўтган шоирларнинг дил изтиробини жуда ҳам теран тасвирлаганига қойил қолмасдан илож йўқ эди. Худди шу сувратдаги аёлни мен бахтиқаро, мискин шоира Маҳзуна бонуга қиёсладим ва, ҳатто, уни айнан Маҳзунанинг ўзи деб қабул қилдим. Аввалдан бу шоиранинг тарихини яхши билсам-да, ўқув залида ўтириб, яна қайтадан синчиклаб ўқиб чиқдим.

Маҳзуна Бошмон қизи XIX асрда, Умархон подшолик даврида, Кўқонда яшаб, ижод қилган. Аммо, у ҳақда, унинг ижоди ҳақда тўлиқ маълумот бизгача етиб келмаган. Фақатгина шоир Фазлий Намангонийнинг «Мажмуот уш шуаро» тазкирасида у тўғрида қисқача маълумот ва Фазлий билан қилган мушоираси, форс тилида битган бир ғазал, бир мухаммаси етиб келган, холос. Шу иккита-учта шеърларданоқ, Маҳзунанинг нозиктаъб, чинакам истеъдод эгаси бўлгани кўриниб туради, дейилади китобда. Маълумотларга қараганда, у ниҳоятда гўзал қиз бўлган экан. Ҳатто, Фазлий унга ошиқ бўлиб, бир қанча ғазаллар битган экан.

Шоирани илм ва маърифатнинг кўчасидан ўтмаган золим ва жоҳил бир кимсага турмушга узатишади. Фазлий буни эшитиб, қаттиқ ғазабланиб, изтироблар чекади. Латиф гулдек зебо санамнинг умри тезда хазон бўлишини фаҳмлаб афсусу надоматлар қилади. Бироқ, минг таасуфлар бўлсинким, унга ёрдам қўлини чўзолмай, бу дунёдан армон билан ўтиб кетади.

Китобларни қўлтиқлаб, тушга яқин ижара уйимга қайтдим.

Ижара бекаси Нина опа гул кўкартириб, парвариш қилишни яхши

кўрар эди. Чоғроқ ҳовлидаги икки-учта дарахтнинг остига ҳам эринмай ҳар хил гуллардан экиб чиққанди. Хурмо дарахтининг остига Нина опа раънога ўхшаган қандайдир гул эккан. Ўтириб, яхшилаб разм солсам, бу тамоман бошқа гул экан. Ҳидлаб кўрсам, ялпизнинг ўзгинаси. Нина опадан бу қандай гул ўзи? — деб сўрагандим у русчалаб: — Это мятник, — деб жавоб берди. Уни шу ҳолда ёки қуритиб дамлаб ичилса, юрак оғриғига даво бўлишини тушунтирди. Уйга кириб, дарҳол «Русча-ўзбекча» лугатни varaқладим. Мятник тоғ ялпизи эканлиги ёзилган экан. Нина опа айтгандек қилиб, бир-иккита баргини чойга қўшиб дамлаган эдим, бирам хуштаъм чой бўлдики, асти қўяверасиз...

Эрта-индинги учрашувимизда, албатта, шу ялпиздан олиб бориб, Маҳзунага бераман, дея кўнглимга тугиб қўйдим. Тошкентдек тош шаҳарда, кўп қаватли уйларда яшайвериб, бечоралар ялпиз нималигини ҳам билишмай ўтиб кетишса керак. Тўғрида, тўрт йилдирки, пойтахтда яшайман, бироқ, баҳор кезлари бирорта бозорда ялпиз сотиб ўтиришганини кўрмаганман. Маҳзуна дунёда ялпиз деган муаттар ҳидли, ажойиб хуштаъм гиёҳ борлигини кўриб роса ажабланса керак, дея хаёлимдан ўтказдим, ўзимча.

## VI

— Мана бунинг нималигини биласизми, ўзи? — дедим Маҳзунани ҳайратда қолдириш мақсадида бир тутам ялпизни унга тутқазиб.

Маҳзуна бир зум ажабланди-да, сўнг ҳидлаб кўриб:

— Вой, бу ялпизнинг ўзгинаси-ку! — деди юзлари ёришиб. — Қайдан олдингиз, буни?

— Мен тошкентликлар ялпизнинг нималигини билишмайди деб ўйлаб янглишибман, — дедим, уни ҳайратлантиролмаганимдан ҳафсалам пир бўлиб.

— Ҳар йил баҳорда ялпиздан сомса пиширишни яхши кўраман, — деди у хушҳоллик билан. — Шанба-якшанба кунлари опам ва жиянларимни кўярда-қўймай, қариндошларимиз турадиган қишлоққа чиқиб ялпиз териб келамиз. Ойим ҳам ялпизни жуда яхши кўрадилар. Кўк сомса, кўк чучвара, кўк манти пиширамыз, — деди у.

Бир тутам ялпизни офтобда қуритиб, Маҳзунага кўрсатиш учун опкелгандим.

— Сиз ҳеч ялпиз чой дамлаб ичганмисиз? — дедим қоғозга ўроғлик қуритилган ялпизни чўнтагимдан чиқариб. — Айтишларича юраги хаста одамга дармон бўлар экан. Мана, уйга бориб, бир дамлаб ичинг-а, қандайлигини кейин айтасиз, — дедим.

Маҳзуна қуритилган ялпизни мамнун ҳолда сумкачасига солиб қўйди. Бояги ялпизларни эса йўлма-йўл маза қилиб ҳидлаб кетди.

— Вақтингиз бемалол бўлса юринг бироз ўтириб суҳбатлашамиз, — дегандим, Маҳзуна бу таклифимни рад этмай, майли дея рози бўлди. Биз Панорама (ҳозирги Алишер Навоий номидаги кино санъат саройи) кино театри атрофидаги дарахтлар қуюқ соя солган ўриндиқларнинг бирига бориб ўтирдик.

— Қўлингиздаги қандай китоб? — қизиқсиниб сўради Маҳзуна.

Мен Тўхтасин Жалоловнинг «Ўзбек шоиралари» китобини унга бердим. Маҳзуна китоб муқовасидаги кеча мен ўзимча тасвирлаб, таърифини келтирган ўша — кўзидан ёш томиб турган гўзал малак сувратига тикилиб қолди.

— Бу қайси шоира? — дея сўради Маҳзуна сал ўтиб астагина.

— Буми, бу — Маҳзуна! — дедим ишонч билан.

— Маҳзуна ҳали шундоқ гўзал бўлганми? — деди у бироз ажабланиб.

— Худди сиз сингари мафтункор ва малоҳатли бир санам!

Маҳзуна таърифимдан уялди, шекилли, ёноқларига ажиб бир қизиллик югуриб, ним табассум қилиб қўйди.

— Маҳзуна дегани нима маънони билдиради? — дея сўради у қизиқсиниб.

— Ғамгин, хафаҳол юрувчи деган маънони, — дея тушунтирдим ўзимча. У ҳа-а, энди фаҳмладим, дегандек, қошларини кўтариб қўйди. Мен унинг қўлидан китобни олиб, Маҳзуна ҳақида билганларимни айтиб, китобдан ўша қисқача маълумотни ва Фазлий билан шоира ўрта-сидаги мушоирада айtilган шеърни ўқиб, мазмунини қизга тушунтириб бердим. Маҳзуна ўқиганларимни ҳам, тушунтирганларимни ҳам киприк қоқмай диққат ила тинглаб бўлгач: — Исми жисмига монанд бўлиб, бутун умри ғамгин ўтган экан бечоранинг, — деб қўйди шоирага дил-дилдан ачиниб.

Сухбатимизнинг давоми адабиёт, бадиий ижод тўғрисида бўлди. Мен ундан «Ўтган кунлар»ни ўқиган, ўқимаганлигини суриштирдим, у китобни ўқимаганман, киносини кўрганман, деб жавоб берди.

Шундан сўнг мен унга Абдулла Қодирийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида, хусусан, «Ўтган кунлар»нинг яратилиш тарихи тўғрисида билганларимни завқу шавқ ила жўшиб гапириб бердим.

Менинг бир ғалати одатим бор, ўзим билган нарсани бошқалар ҳам билишини жуда ҳам хоҳлайман, билганларимни ўзгаларга ҳам ўргатгим келаверади.

Қодирийдан сўз очишимнинг боиси мен шу йили улуғ адиб тўғрисида, «Ўтган кунлар»нинг яратилиш тарихи ҳақида курс иши ёзиб, анчамунча маълумотларга эга бўлган эдим. Улуғ рус ёзувчиси Лев Толстой Қодирийнинг тушларига кириб чиққанларини сўзлаб, Толстой ижодини ҳам тинимсиз мақтай кетдим. Айниқса, «Уруш ва тинчлик»даги князь Андрей Балконский ва Наташа Ростова ораларидаги муҳаббат ҳақида сўзлаганимда, Маҳзуна оғзини очганча анграйиб қолди. Мен сўзимни тугатгач, у ўқимаганига ўқиндим, икки-уч марта уф тортиб қўйди.

— Биласизми, мен тўққизинчигача рус мактабида, кейин икки йил ўзбек мактабида ўқиганман, — деди у ўзини айбдор ҳис қилгандек, бошгинасини эгиб. — Мактабда ўқитувчилар адабиётга қизиқтиролмаганларми ё ўзим қизиқмаганманми, жуда кам китоб ўқиганман.

— Бўлмаса сиз ҳали Эркин ака, Абдулла ака, Омон ака, Ҳалима опанинг шеърларини ҳам ўқимаганмисиз, — дедим таажжубим ортиб.

Маҳзуна боягидек айбдорларча йўқ дея бош ирғаб қўйди.

Ўзбек шеърятининг дурдоналаридан бебахра юрган бу қизга иччимдан ачиниб кетдим.

— Мен бу шоирларнинг шеърларини билмаган кишини ўзбек деёлмайман, тўғриси, — дедим Маҳзунадан ўпка қилгандек.

— Сизда уларнинг китоблари борми? — деди у умидвор оҳангда.

— Албатта, бор-да, нега бўлмас экан, — дедим кўтаринки руҳда. — Эртага сизга опкеб бераман, маза қилиб ўқийсиз!

Маҳзуна бирдан чеҳраси ёришиб, ростданми дегандай қувониб жилмайди.

— Эртага ишхонамга бориб, овора бўлиб юрманг, — деди Маҳзуна хайрлашар чоғимиз.

— Нега энди? — дея ажабландим бирдан. — Орқангиздан келавериб, жонингизга тегиб кетдимми дарров? Ёки менинг мундоқ эзма суҳбатларим сизни зериктириб қўйдими ҳалитдан? — дедим хавотир билан.

— Нималар девотсиз ўзи? — дея шўхчан кулди Маҳзуна. — Вой мунчалар қўрқасиз-а? Хавотир олманг, имтиҳонларга тайёрланиш-чун бизга ўн кунга ишдан жавоб беришди, холос.

— Хайрият-э, — дея эркин нафас олдим кўнглим хотиржам бўлиб. Мен бўлсам дарров сизга ёқмай қолибманми деб ўйлабман, — дедим. Маҳзуна ундоқ эмас, менга ёқасиз дегандай кўзларини юмиб қўйди.

— Унда, эртага қаерда учрашамиз? — дедим тоқатсизланиб.

Маҳзуна билмасам дегандай елка қисиб қўйди-да, сўнг:



— Насиб қилса, эртага тагин учрашиб қолармиз, хотиржам бўлинг,— деб суҳбатга яқун ясади.

## VII

Эртаси сешанба эди. Тушгача йил давомида «Ўзбек адабиёти тарихи»дан ёзган лекцияларни диққат билан ўқиб, кўзларим толиб, роса зерикдим. Бунинг устига уйда бир ўзим, гурунглашиб кўнгилни ёзадиган одам ҳам йўқ. Нурмуҳаммад қандайдир юмуш билан ишхонасига кетган эди. Бир маҳал кўнглим кўча айланишни, «Чилонзор савдо маркази» томонларни сайр қилиб келишни тусаб қолди. Уша ёқларга борсам, гўё бугун Маҳзунани учратиб қолишим мумкиндек туйилаверди. Абдулла аканинг «Йиллар армони», Эркин аканинг «Муҳаббат» тўпلامларини олиб, таваккал дея йўлга тушдим. «Чилонзор савдо маркази»нинг бўлимларини илинж ила уч бора айланиб, нотаниш оломон орасидан кўзларим жовдираганча уни ахтардим. Излаб тополмагач, ҳафсалам пир бўлганча, магазиндан чиқиб, бекат томон юрдим. Бир пайт мундай қарасам, бекатда Маҳзуна турибди! Мана бу кароматни кўринг, энди! Уша дақиқаларда тушимми ё ўнгимми деб кўзларимга сира ишонмайман, денг. Бу қандай гап бўлди энди, деб ҳайрон бўламан.

Маҳзуна мени кўриб ҳайратдан оғзи очилиб қолаёзди.

— Биласизми, негадир ўзимдан ўзим шу ерга келгим келаверди, — деди у нимадандир таажжублангандай. — Гуё шу жойга келсам, бугун сизни учратишим мумкиндай туйилаверди.

— Ажаб! Бу қандай сир-саноат бўлди энди?! Кўнгиллар бир-бирига яқин бўлса, бир-бирига талпинаверса, шундай мўъжизалар юз бераверар экан-да?!

Ногоҳ кўзим Маҳзунанинг сумкасидан бир чети чиқиб турган қалин муқовали китобга тушди.

— Мутолаани бошладингизми? — дедим китобга ишора қилиб.

— Ҳозиргина анави ердаги кутубхонадан олдим, — деди у китобни сумкасидан чиқариб. Бу рус ёзувчиси Алексей Толстойнинг «Пётр Первый» романи эди.

— Кеча Толстойнинг китобларини мақтаганингиз учун бир ўқиб кўрайчи, қандоқ экан деб олдим, — деди у.

Мен афсус ила хўрсиндим-да:

— Кеча мен сизга Алексей Толстойни эмас, Лев Толстой асарларини мақтаган эдим, — дедим. — Сиз бунинг янглиш олибсиз, Маҳзуна. Бу гапимдан кейин у шундоқмиди ҳали дегандай қошларини кўтариб кулиб юборди.

— Бунинг ўқиб, вақтингизни бекорга кетказиб ўтирманг, боринг, Лев Толстойникига алмаштириб олинг, дедим. У бўлса: — Ҳозир қайтиб борсам, кутубхоначи мени гаранг қиз экан деб ўйлайди-да, бир-икки кун ўтсин, кейин алмаштириб оламан, — дея эътироз билдирди.

— Худди шу бугун сизни учратишимни билгандек, мана бу китобларни ўзим билан бирга олиб келгандим, — дедим «Йиллар армони» билан «Муҳаббат»ни унга бериб. Маҳзуна кечаги ваъдамнинг устидан чиққанимдан мамнун бўлиб, раҳмат дея жилмайиб қўйди.

— Қаранг, соат бирдан ўтибди, — дедим унинг қўлидаги соатига қараб. — Бирон жойга шошмаяпсизми?

— Йўқ вақтим бемалол, — дея жавоб қилди Маҳзуна.

— Жудаям қорним очди, юринг бирон жойга бориб овқатланайлик.

Маҳзуна эътироз билдирмай дарров рози бўла қолди. У шу тобда менадан сира ажралгиси келмай, суҳбатимга кўпроқ қулоқ солиш истагида эканлигини яхши сезиб турардим.

«Савдо маркази»дан нарироқдаги, хилватда жойлашган «Маржон» кафесига кирдик. Овқат маҳали қизиқ-қизиқ латифаларни айтиб, Маҳ-

зунани кулдириб ўтирдим. У кулганда яна ҳам чиройли бўлиб кетар эди. Тамадди қилиб бўлгач, мен уни шу атрофдаги паркни (боғни) сайр қилишга таклиф қилдим. У майли дея рози бўлди. Боғнинг хилватроқ бир чеккасида, дарахтлар қуюқ соя ташлаган ўриндиқларнинг бирига бориб ўтирдик.

Мен унга Абдулла ака билан Эркин аканинг ҳар хил мавзудаги зўр-зўр шеърларидан шавқ билан ўқиб бердим. Маҳзуна иягига кафтини тираганча маза қилиб эшитди. Кейин китобларни қўлимдан олиб, айрим шеърларни ўзича, ичида ўқиб кўрди. Бир маҳал Абдулла аканинг «Ииллар армони»ни варақлаб туриб, маҳзун бир ҳолатда мана бу шеърни ўқий бошлади:

*Нечун мени севмадинг?  
Кўзларинг юлдуз учун.  
Нечун мени демадинг?  
Қошгинанг қундуз учун.  
Юлдузи йўққа боқай,  
Юлдузим талош бўлур.  
Кундузи йўққа боқай,  
Кундузим талош бўлур.*

Маҳзуна шу тобда ўзи билмаган ҳолда юрагимдаги ҳали-ҳанузгача бирор кимсага айтолмай юрган эски дардимни қўзғаб юборган эди. Бу армонли сатрлар менинг дардимдан воқиф бўлиб, гўё атайин мен учун ёзилгандай эди!

Маҳзуна менинг мудҳиш сирымдан — оилам борлигидан воқиф бўлиб қолса, қандай аҳволга тушар экан-а? «Кўзларингиз аввал бошқа биров учун юлдуз бўлиб порлаган экан-ку...» демасмикин?!

Маҳзуна Эркин аканинг «Ўзбегим» қасидасини ўқир экан:

*Суйласин Афросиёбу  
Суйласин Урхун хати,  
Кўҳна тарих шодасида  
Битта маржон ўзбегим—*

сатрларидаги Афросиёб ва Урхун хати нима эканлигини сўради. Маҳзунага буюк ажлодимиш Афросиёб, яъни? Алп Эр Тўнганинг қаҳрамонликлари, IV-VII асрлардаги буюк Турк хоқонлиги, Билга хоқон, Тунюққ, Кул Тегинларнинг салтанатни мустақамлашлардаги жасоратлари ҳақида, эски туркий ёзувимиз бугунги кунда Урхун-Энасой ёзуви деб юритилиши тўғрисида ўзим билганча муфассал тушунча беришга ҳаракат қилдим. Маҳзуна сўзларимни бўлмай, ҳикояларимни жон қулоғи билан тинглаб бўлгач: «Миллатимиз тарихи улуғ ва қизиқарли экан. Билмай юрган эканман. Раҳмат сизга, шунча нарсани ўргатганингиз учун», дея миннатдорчилик билдирди.

Эртага чоршанба, икковимизда ҳам имтиҳон бор, шунинг учун индин пайшанба куни «Чилонзор савдо маркази» олдида соат ўн бирларда учрашишга ваъдалашиб хайрлашдик.

### VIII

Ижарамга келсам, қишлоқдан оилам Маҳфузадан мактуб келган экан. Уни кўриб, шодон кайфиятимдан асар ҳам қолмади.

Сизни жуда соғиндик дебди хатида. Соғиндим дейишга уялибди, шекилли. Бу гал Тошкентда мунча қоп кетдингиз? Эртаю кеч эшикка қараймиз, кириб келармиканмисиз, дебти. Худди бир нимани кўнгли сезгандек ё сочи кесик бошқа биттасини топиб, бошини айлантириб юрибсизми, деб сал ўпка ҳам қилибди. Яқин бир ойнинг ичида ўғилми, қизми дунёга келишини орзиқиб кутса-да, илк бора кўзи ёришидан жуда ҳам чўчиётганини ёзибди.

— Энди нима қилай, биродар? — дея кўнглимга тушкунлик ила му-рожаат қилдим. — Сенинг маслаҳатингни тутиб, боши берк кўчага ки-риб қолдим-ку, ахир?! Ушанда сенга эмас, ақлимга қулоқ тутиб, қада-мимни билиб боссам бўлар экан. Ҳозир бундай танг аҳволга тушиб ўтир-масмидим?!

— Ақл, ақл дейсан, — дея шу заҳоти эътироз билдирди кўнглим. — Унинг гапига кириб, суймаганинга уйланиб, нима, бахтли бўлдинг-ми? Ушанда мен нима дедим сенга? Ҳали уйланишга ошиқма, бироз сабр қил, ўша тушингда кўрган сулув қизни албатта учратасан дема-ганмидим, ахир. Мана оқибати. Тагин бу кишим ақлга суяниб, мендан ўпка қилиб юрибдилар.

— Нима қил дейсан бўлмаса?! — дея фиғоним чиқиб, зорландим.

— Ҳали ҳам кеч эмас, ёшсан. Суйганинг билан даври даврон суриб, кейинчалик шундоқ қизни қўлдан чиқардим-а, — дея пушаймон қил-маслигинг учун, у билан ҳақиқий висол лаззатидан баҳраманд бўлгин, дейман-да, — дея жавоб айлади кўнглим.

— Унинг гапига кирма! У сени йўлдан оздиради! — дея қатъий таъ-кидлади шунда ақлим. — Сен мулоҳазали йигитсан, ўйлаб иш қил! Кўнглингга қулоқ солаверсанг, охир-оқибат яхшиликка олиб бормай-ди, тушун!

— Икковингиз ҳам жонимга тегиб кетдингиз, намунча мени тер-гайверасизлар, ахир? Бирпас ўз ҳолимга қўйсаларингизчи. Сизларсиз ҳам ўзим нима қилишни яхши биламан! — дея уларни жеркиб бердим.

Маҳфузанинг хатига термулганча мана шундай тажанглашиб турга-нимда, дўстим Нурмуҳаммад келиб қолди. Боя амакингиз ишхонамга телефон қилиб, сизни бир келиб кетсин дея тайинладилар, деди.

Амаким Чилонзордаги «Шўхрат» магазинидан бир бекат нарида беш қаватли уйнинг учинчи қаватида истиқомат қилар эдилар. Борсам, ама-ким уйда ёлғиз эканлар. Таътилга чиққан янгам билан жиянларимни Шаҳрисабзга жўнатиб юборибдилар. Ўзлари эртага эрталаб икки ҳафта-га Хоразмга хизмат сафарига кетаётган эмишлар. Уй ёлғиз қолмасин, мен келгунча беш-ўн кун шу ерда яшаб тургин, дея тайинладилар.

## IX

— Ҳозир сизга қалтисроқ нозик бир воқеани гапириб бераман, — деди Исмоил бироз ўйланиб олиб. — Бундай ҳодисалар ўнгда ҳам, туш-да ҳам бўлиши мумкин, шунинг учун мендан дарров аччиқланиб, на-фратланмайсиз, бўптимми?

Ноилож, мен рози бўлдим.

Маҳзуна менга шунчалар ишонар, шунчалар итоаткор бўлиб қол-гандики, қаерга етакласам, ортимдан эргашиб кетаверарди. Мен унинг бундай соддалигидан, ишонувчанлигидан фойдаландим. Кейинги галги учрашувимизда тушдан сўнг уни амакимникига олиб бордим.

У залга кириб, амакимнинг жавонларга тартиб билан терилган китобларини эътибор ила кўздан кечираётганида, юрагим гурсилла-ганча орқасидан аста қучоқлаб, эҳтирос билан бўйинларидан ўпа бошладим. У менинг ҳаракатларимга қаршилиқ кўрсатмай, кўзларини юмиб олди. Кейин менга ўтирилди-ю, бўйнимдан маҳкам қучоқлади. Биз узоқ антикиб ўпишишлардан ўзимизни йўқотиб қўяёздик. Маҳ-зуна бутун танасини, бутун ихтиёрини менга топширган эди. Ўша кезде кўзимга ҳеч нима кўринмасди. Беихтиёр мен уни даст кўтариб, ётоқ бўлмасига олиб кирдим...

— Энди кўнглинг жойига тушдими, нодон?! — ярқ этиб миямни ёритиб юборди шунда ақлим. — Шайтоннинг йўлига кириб, оғироёқ ҳолда сени зориқиб кутаётган гулдек аёлингга хиёнат қилдинг-а?! Энди Маҳзунанинг юзига қандай қарайсан? Диёнат борми сенда, ўзи?

— Эҳ, нақадар аблаҳман-а?! Мени жонидан ортиқ кўрувчи аёлимга кечириб бўлмас хиёнат қилиб, содда бир қизнинг иффатини булғаб, қандай ифлос иш қилиб қўйдим-а?! Қанчалар пасткашман-а! Бу гуноҳим эрта-индин дунёга келажак норасида гўдагимга урмаса эди! — деган даҳшатли ўй қалбимга ўқ бўлиб қалалди. Эй худойим, йўлдан озган мен гумроҳни ўзинг кечир! — дея ўзимни туголмай йиғлаб юбордим. Сархуш ётган Маҳзуна бирдан сергак тортиб, елкамдан кучоқлади-да: Сизга нима бўлди, жоним? Нега болаларга ўхшаб ўксиб-ўксиб йиғла-япсиз? — дея ҳайроналик ила сўради. — Мен кўнглимга қулоқ солиб, шайтон йўлига кириб, сизни алдаб, номусингизни булғаган бир аблаҳман! — дея ўзимдан нафратланиб жавоб қилдим унга. Маҳзуна наҳотки дегандай, анграйганича кўзларимга алам билан тикилиб қолди.

— Э, Исмоил, кўзингизни очсангизчи, турсангизчи, нима бўлди ўзи сизга? — дея биров елкамдан турткилади бир маҳал. Кўзимни очсам, тепамда таажжубланган кўйи Нурмуҳаммад турибди.

— Иссиғингиз йўқми оғайни? — деди у пешонамга қўлини қўйиб. — Касал-масал эмасмисиз ишқилиб?

— Ҳа, нима эди? — дедим кўзларимни уқалаб.

— Уйқунгизда алаҳлаб, қандайдир Маҳзунаними-ей, Манзураними-ей исмини айтиб, гапириб, оҳ-воҳлаб чиқдингиз, тинчликми ўзи?

— Хайрият, худога минг бора шукрки, буларнинг ҳаммаси тушимда кечганлиги! — дея хавотирим кўтарилиб, елкамдан тоғ ағдарилгандек енгил тортидим бирдан.

Нурмуҳаммадга ёмон туш кўриб босинқирабман, деб қўя қолдим.

Бундан кейин кўнгилнинг эмас, фақат ақлнинг сўзига кириб, ҳаракат қилишга қатъий аҳд қилдим.

## Х

Келишилгандек пайшанба куни соат ўн яримларда Маҳзуна билан «Чилонзор савдо маркази» ёнида учрашдик. У бугун яна-да очилиб кетган эди. Эгнига енгли сарғимтир чиройли кўйлак кийиб, уқпар янглиғ майин сочларини бурунгидек елкаси узра ёйиб ташлаган, кўзларига офтобдан соя қиладиган қорамтир кўз ойнак тақиб олган эди.

— Бугун жаа бошқачасиз? — дедим салом-алиқдан кейин дилим орзиқиб.

— Қанақаман? — жилмайиб сўради у.

— Жуда ҳам тез кўзга ташланадиган, янаям чиройли бўп кетибсиз, — дедим.

— Комплемент учун раҳмат, — деб қўйди у боягидек жилмайиб.

— Хўш, нима қиламиз? Кинога тушамизми? Ё аввал овқатланиб, музқаймоқхўрлик қиламизми? — дея сўрадим ундан.

— Бугун бир дугонаминг туғилган куни. Юринг шунга бир совға оламыз, — дея у мени «Савдо маркази»нинг ичига бошлади. «Галантерия» бўлимидан чиройли бежирим қизил рўмол, аёллар атри ва гардиши нақшли тутқичли ойна олди.

— Худди Искандарнинг ойнасига ўхшар экан, — дедим ойнада қошу кўзимни томоша қилиб.

— Қайси Искандарнинг? — қизиқсиниб сўради Маҳзуна.

— Кетдик бу ҳақда кейин бафуржа сўзлаб бераман, — деб уни ташқарига бошладим. Биз ўша боққа томон йўл олдик.

Шу кечадаги тушим эсимга тушиб кетиб, ўша беҳаё, шармсиз ишлар тушимда эмас, гўё ҳушимда рўй бергандек, қизнинг юзларига қарашга ботинолмай қолдим. Маҳзуна ҳам орамизда қандайдир нозик гап бўлгандек, ёноқлари қизариб-қизариб кетиб, нигоҳини ҳуркаклик билан мендан олиб қочар эди.

Кечаги жойимизга бориб ўтиргач, у кўзидан қора ойнагини олди. Шундагина қошларини қалам билан бўяб, кўзларига сурма тортиб, киприкларига узун ясама киприк ёпиштириб келганини кўрдим. — Ясама,

сунъий чирой табий гўзаллиғни бўғиб қўйибди, — дедим тагдор қилиб. Маҳзуна бундан ҳижолат бўлганича худди айбдордек бир пас индамай ерга қараб қолди.

— Шу кеча ғалати бир туш кўрибман. Сиз билан... — дея қизариб, қимтиниб секин гап бошлади у.

— Ё худо, наҳотки мен кўрган тушни у ҳам кўрган бўлса?! Йўқ ишонмайман. Дунёда ҳали шу чоққача икки киши бир хил туш кўрмаган, бу бўлиши мумкин эмас! Агар шундай бўлган бўлса, мен расво бўламанку, ахир!

— Тушимда сиз билан тўйимиз бўлаётганмиш, — дея боягидек қимтиниб гапини давом эттирди у. — Бир маҳал, энди чимилдиққа кирар пайтимиз, чақалоқ кўтарган бир аёл пайдо бўлиб, сизнинг кўлингиздан тортиб олиб кетиб қолган эмиш.

— О, худойим, бу ёғи қандоқ бўлди энди? Ахир, бу эрта-индин кўзи ёриши керак бўлган аёлим эмасми?! Уша аёл оилам эканлигини қайси юз билан бу масъума қизга айта оламан, ахир?! «Оҳ, бечора, Маҳзунагинам, мен сен ўйлаганчалик фаришта эмасман. Хотинга хиёнат қилишга чоғланиб, сенингдек содда қизнинг бошини айлантириб юрган бир аблаҳман!», дея ҳайқирдим ичимда. Бу аламли ҳайқиригимни ичимдаги кўнглим билан ақлим эшитди холос.

Боя учрашувга келаётганимда, севимли шоирим Омон Матжоннинг «Сени яхши кўраман» номли тўпламини Маҳзунага олиб борсаммикин деб ўйлаган эдим, шу заҳотиёқ ақлим: — Сира ундай қила кўрма. Агар шу китобни унга берсанг, гўё шу орқали унга севги изҳор қилиб қўйгандек бўласан. Бунинг оқибатида у сенга яна-да қаттиқроқ боғланиб қолади, — дея маслаҳат берди. Ҳа, ақлимга қулоқ тутиб, бу гал тўғри иш қилганимга инондим.

Сухбат мавзусини бошқа томонга буриш мақсадида Маҳзунанинг елим халтасидан ҳалиги гардиши нақшли ойнани олдим.

— Сиз Искандарнинг ойнаси ҳақида гапириб бермоқчи эдингиз, — деди Маҳзуна кўзларимга тикилиб.

— Ким эди ўша Искандар?

— Александр Македонскийни Шарқда Искандар деб аташган, — дея тушунтириб кетдим унга. Искандарга бир сайёҳ табиб сеҳрли кўзгу тақдим қилган экан.

— Нимаси сеҳрли экан ўша ойнанинг? — дея сўради Маҳзуна.

— Мабодо, ўша кўзгуни бирон-бир қизнинг нафасига тутсангиз, агар қиз шу чоққача ҳеч кимсага кўнгил бермаган, у ҳақда бир онгина ҳам ўйламаган бўлса, кўзгу шу ондаёқ янада ярқираб, тиниқлашиб кетар экан. Агар бунинг акси бўлиб, бирон мартагина биров ҳақида ўйлаган бўлса ҳам, кўзгу юзида қоп-қора қурум пайдо бўлиб, қиз қалбан бокира эмаслигидан далолат берар экан, — дедим жиддийлик билан.

— Менимча, ўша Искандарнинг ойнасини аввал ўлдим-қуйдим, сиздан бошқасини деган бўлсам ўлай агар деб онт ичувчи йигитларнинг нафасига тутиб кўриш керак, — деди Маҳзуна норози оҳангда.

Назаримда, кўзгу фақат қизларнинг сирини фош этиши унга ёқмаган эди, шекилли. Мабодо, унинг қўлидаги ойна Искандарники бўлиб қолса-ю, у қани сизнинг кўнглингизни бир билайликчи дея, нафасимга тутса, нималар юз берар эди-я?! Ўзингиз ҳам фаришта эмас экансиз-ку, тагин қизларни гапирасиз-а! — дея аразлаб кетиб қолган бўлармиди?

Маҳзуна Абдулла аканинг «Йиллар армони» китобини сумкачасида олиб юрган экан.

— Менга шеърларидан ўқиб беринг, — дея китобни узатди менга.

— Яхшиси сиз ўқинг, мен эштай.

— Йўқ, мен сизчалик чиройли ўқий олмайман, Исмоил ака. Сиз таъсирчан қилиб ўқийсиз, — деди у.

Мен китобни аста варақладим...

Маҳзунани кулдириб, хурсанд қилиш учун «Хангома» ва «Самовий меҳмон, беш донишманд ва фаррош кампир қиссаси»ни ўқиб бердим. Кутганимдек, Маҳзуна дилдан ёзилиб кулди, жуда ҳам хурсанд бўлди.

— Мана бу сатрларнинг тагига нима учун чизгансиз? — дея сўради у кутилмаганда.

— Қайси сатрларни? — ажабланиб сўрадим ундан.

— Мана, эшитинг-а, — дея китобни варақлаб ўқий бошлади у.

*Сени кеч топгандим, эрта йўқотдим,  
Қарғагин лойиқман сенинг қаҳрингга.  
Узгалар қалбида қадр уйғотдим,  
Бироқ, етолмадим ўзим қадрингга.*

Маҳзунани кеч топиб, эрта йўқотиб қўйишимни аввалдан билгандек шу армонли сатрларнинг тагига чизиб қўйганимни қаранг-а! Шунча йиллардан бери излай-излай кеч топганим ҳам сиз, эрта-индин ўзим истамаган ҳолда йўқотиб қўядиганим ҳам сиз — Маҳзуна деёлмадим.

Буни мен эмас, ҳамхонам Нурмуҳаммад чизган эди, деб қўя қолдим.

— Ҳалиги нима эди, «Ўтган кунлар»ингиз борми? — дея сўради у мутолаага ташналик билан. — Кеча уйимиз олдидаги кутубхонадан сўрагандим, у ерда йўқ экан. Менга икки-уч кунга ўқишга бериб туролмайсизми?

— «Ўтган кунлар» менда бор, — дедим ўйчанлик билан вазмин овозда. Келаси сафар уни, албатта, сизга олиб келаман.

— Вой қандай яхшисиз-а! — деди у болаларча қувониб.

## XI

— Эй кўнглим, нега жимсан, ахир? — дея алам билан сўрадим Маҳзуна билан хайрлашгач, уйга қайтарканман. — Энди нима қилай, айт?

— Ахир, сен бундан сўнг ақлга таяниб иш кўришга аҳд қилгансан-ку, менинг маслаҳатим нега керак бўлиб қолди сенга? — дея эътироз билдирди кўнглим. Кўриб турибман, аҳволинг танг дўстим. Бундай қалтис вазиятда бирон-бир жўяли маслаҳат беришга ҳам ожизман. Агар менинг гапимга қулоқ тутсанг, охири вой бўладими, деб ўйлайман. Яхшиси, сен мени тинч қўй, ошна. Гапимга кириб, бирон-бир ишқал чиқариб қўйсанг борми, кейин мендан бир умр ранжиб юрасан. Яхшиси, ақлга қулоқ тут, у жўяли маслаҳатлар бериб, сени тўғри йўлга солади.

Кўнгил мендан юз ўгиргандан кейин ақлга мурожаат қилдим. У Маҳзунага ҳаммасини айтиб бериб, у билан алоқани узгин дея маслаҳат берди. Қандай қилиб, қайси юз билан айтаман дегандим, ақлим унга хат ёз, деб маслаҳат берди. Қанчалик мушкул ва оғир бўлмасин, энди қизга ҳақиқатни ётиғи билан тушунтиришим лозим эди. Уйга боргач, ўйлай-ўйлай унга мактуб битиш учун қўлимга қалам олдим. Роса икки соат қийналиб, уч-тўрт саҳифани тўлдириб, ундан яшириб айтолмай юрган дардларимни, сирларимнинг барини бирма-бир батафсил баён қилдим. Маҳзунани муқаррар даҳшатга соладиган бу аянчли мактубимни унга қай тарзда беришни ўйлаб роса бошим қотди. Унинг кўнгил шишасини шафқатсизларча синдириб қўйишдан жуда ҳам чўчир эдим. Шунинг учун мактубни дарҳол бермасликка қарор қилдим.

## XII

Эсингизда бўлса, Маҳзуна мендан «Ўтган кунлар»ни сўраган эди.

Шу баҳона мен уни Қодирийнинг сирли оламига олиб киришга аҳд қилиб, «Ўтган кунлар»ни унга ўқишга бердим.

Уч кундан кейин китобни қайтарар чоғида унинг кўзлари қизариб кетганини пайқадим. Нима бўлди, кўзингиз оғридимми? — деб сўрагандим, у китобни ҳеч қўлидан қўймай, кечалари билан ўқиб чиққанини, Кумушбибининг ўлиmidан қаттиқ таъсирланиб роса йиғлаганини айтиб берди. — Китобни ҳеч сизга бергим келмаяпти, тагин бир қайта ўқиб чиқсам деган ниятда эдим, — деди у умидворлик билан.

— Ундай бўлса шу китобни сизга ҳадя қиламан, бир умрлик ҳамроҳингиз бўлсин! — дедим унинг райини қайтармай. Бу илтифотимдан Маҳзунанинг сўлғин чеҳраси бирдан ёришиб кетиб, лабларида миннатдорлик изҳори бўлмиш ажиб табассум жилва қилди.

— Бугун сизга «Меҳробдан чаён»ни олиб келдим, — дея унга Қодирийнинг иккинчи романини бердим.

— Агар тўққизинчи, ўнинчи синфларда ўқитувчимиз сиз каби адабиётга қизиқтирганларидами, ҳозир муаллимами, журналистми бўлармидим, эҳтимол, — деди у сал ўкиниб.

Маҳзуна тагин уч кундан кейин «Меҳробдан чаён»ни қайтаргач, энди мана бу китобни синчиклаб ўқиб чиқсангиз, Қодирийнинг ҳаётини, оилада, кўча-кўйда одамлар билан бўлган муносабатлари ва сиз ўқиб чиққан романларни қандай қилиб ёзганларини билиб оласиз, дея адибнинг ўғиллари Ҳабибулло Қодирийнинг «Отам ҳақида» номли китобини унга бердим.

Маҳзуна шу китобни ўқиб бўлгач, орамиздаги муносабатлар бошқача нозик тусга кирмасданоқ, у билан алоқани узишга аҳд қилган эдим. Ниҳоят, мен учун оғир кечадиган айрилиқ куни ҳам етиб келди.

— Бу китобдан айтганингиздек, ҳали ҳам кўп кишилар билмайдиган жуда кўп маълумотларни билиб олдим, — деди Маҳзуна мамнун бўлиб. Сиз билан учрашмасимдан аввал сира ўзбекча ўқимасдим. Дугоналарим билан русча гаплашавериб, ўзбекча гапиришга орқилиб қолган эдим, ҳатто! Бугун буни бўйнимга олишим керак. Узим ўзбек қизи бўлатуриб, руслашиб кетишимга сал қолган экан. Абдулла Қодирийнинг ажойиб китобларини, Абдулла Орипов билан Эркин Воҳидовнинг шеърларини ҳалигача билмаганим, ўқимаганимдан ўзимдан жуда ҳам уялиб кетдим. Сиз вақтида кўзларимни очиб, ўзлимга қайтардингиз! Бунинг учун сиздан бир умр миннатдорман.

Икки ҳафта бурун ёзиб, конвертга солиб қўйган ўша даҳшатли мактубимни юрак ютиб бугун ўзим билан бирга олиб келган эдим.

— Маҳзуна, бу хатни уйга боргач, хотиржамлик билан ўқиб чиқасиз деган умиддаман, — дея қўрқа-писа унга мактубни тутқаздим. — Бундаги гапларни ўқигач, мен ҳақимдаги фикрларингизнинг ўзгариши табиий, албатта. Мен сиз ўйлаганчалик фариштасифат одам эмасман. Ўзимга яраша айбу нуқсонларим, ҳатто, сиз кечира олмайдиган гуноҳларим ҳам талайгина. Шунинг учун мен ўзимни унчалик яхши одам деб ҳисобламайман, ўзимни-ўзим ёмон кўраман.

— Нега ундай дейсиз? Мен сизни қанча гуноҳларингиз бўлмасин, дунёдаги энг яхши одам деб ҳисоблайман, — дея кўнглимни кўтариб қўйди Маҳзуна.

— Хатимни ўқисангиз, ўша заҳотиёқ, менга нисбатан фикрингиз тубдан ўзгариб кетади ҳали, — дедим оғир хўрсиниб.

Кечаси аламаҳалгача Маҳзунани ўйлаб, уйқум келмади. Бечора хатимни ўқигач, қай аҳволга тушди экан-а? Тасаввур қиялман: мендан нафратланиб, руҳи тушиб, роса йиғлаган бўлса керак? Ҳа, унинг мендан ранжишга, нафратланишга ҳаққи бор. Мен шунга лойиқман, деб ўйладим.

Эртаси куни ортимдан биров итаргандай, базўр, оёғим тортмай, соат ўнларда у билан сўнги бора учрашгани бордим. Ҳар гал учрашгани-

мизда, у кўзлари қувнаб, кайфияти чоғ бўлиб, жилмайганча ёнимга келарди. Бугун ўша кўзларда қувонч учқунлари сўнган, ҳар кунги шодон кайфиятдан асар ҳам йўқ. Юзи бир кечада дардчил одамникидек сўлгин бўлиб қолган эди. Маҳзуна паришон бир алпозда секингина ёнимга келиб ўтирди. Мен нимадан сўз очишни билмай, қийналиб ўнғайсизланаётганимда у:

— Ҳаммасини яширмай ёзганлигингиз учун раҳмат, — деди секингина ютиниб олиб.

— Бу аччиқ гапларни аввалбошданоқ айтишим керак эди сизга, — дедим ўзимни нима деб оқлашни билмай. — Беқарорлик, журъатсизлигим туфайли айтолмадим. Тўғриси, сизни энди топдим деганимда, дарров йўқотиб қўйишимдан жуда кўрқардим.

— Нега ундай гапларни ёздингиз? — деди Маҳзуна хўрсиниб. — Ҳали орамизда ҳеч нарса бўлгани йўқ-ку?!

— Эҳ, Маҳзуна, Маҳзуна орамизда айнан ўша гапнинг бўлиши шартмиди, ахир? Бир ой ичида орамизда мен истаган ва истамаган кўп нарсаларнинг бўлиб ўтганини билсангиз эди?! — дедим ўкинч билан.

— Кейинги кунларда сал ўзгариб, мундай ўйчан бўлиб қолганингиздан кўнглим ниманидир сезгандек бўлувди ўзи, — деди у. — Кейин анови мен тушунолмаган ғалати туш...

Ичимдан зил кетиб, Маҳзунадан кўзларимни олиб қочишга мажбур бўлдим.

— Мана китобларингиз, — дея Маҳзуна сумкасида «Муҳаббат» билан «Йиллар армони»ни чиқарди.

— Бу тўпламлар қисқа вақт ичида кадрдон китобларингизга айланганига шубҳам йўқ, Маҳзуна, — дедим унинг қўлини қайтариб. — Буларни сиздан ҳеч қайтариб олгим келмаяпти. Келинг, шулар ҳам «Ўтган кунлар» сингари мендан сизга эсдалик бўлиб қолсин. Маҳзуна бу илтифотимга раҳмат дея секингина жавоб қайтариб, китобларни сумкасига солиб қўйди.

Маҳзуна ўша мактубимни қўллари сал титраб қайтарар экан:

— Хатингиздаги илтимосингизга мен рози эмасман, — деди мени ажаблантириб. Мен мактубимда яқинда фарзандлик бўламан. Агар қиз дунёга келса, сиз рози бўлсангиз, унга исмингизни қўйсам, деб ёзгандим.

— Нима учун? Ёмонми? — дея сўрадим ҳайрон бўлиб.

— Исмда ҳам ҳикмат кўп, дейишади, — деди у хўрсиниб, хастаҳол овозда. — Нима, бир умр хафа бўлиб юришни истайсизми? Маҳзуна исмлилар ўтмишда ҳам бахтли бўлишолмаган эканлар-ку! Мана ҳозир ҳам...

У мана мен ҳам деёлмай юзини ўгирди. Унга эътироз билдиролмадим, балким, гапи ростдир, дея ўйладим.

Шу билан гап-сўзларимиз тугагандек эди.

— Соат ўн бирларда бир дугонамникига боришим керак эди, — дея соатига қараб ўрнидан турди у. Мен ҳам ўрнимдан кўзфолгандим Маҳзуна ғамгин нигоҳ ила менга боқиб:

— Илтимос мени қузатманг, — деди кўзойнагини тақиб. — Ёлғиз ўзим кетмоқчиман. Хайр, омон бўлинг. Яхшиликларингиз, китобларингиз учун раҳмат.

Қора кўзойнак остига яширинган кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетганини ортидан ҳис қилиб қолавердим.

— Хайр энди, кеч топиб, эрта йўқотган севгим! Хайр, ялпизни яхши кўрган малагим! — дея ортидан бўзлаб термулиб қолавердим...

Исмоил ғамгин ҳикоясини тугатгач, хўрсиниб ўрнидан турди-да, дераза олдида борди. Гулдондаги яшнаб турган ялпизлардан тўйиб-тўйиб ҳидлади. Кейин худди кўнглимдагини ўқиб тургандек менга ўгрилиб деди:

— Биламан, бу гапларни ҳикоя қилиб ёзиш ҳақида ўйлаб ўтирибсиз



ҳозир, ёсангиз майли, фақат битта илтимосим бор, қандай бўлса шундайлигича ёзинг ака. Узингиздан қўшманг, хўпми? Мабодо Маҳзуна ўқиб қолса, мендан ранжиб юрмасин тагин дейман-да.

Уч кун ўтиб гулдондаги ялпизлар қовжираб қолди.

Тўртинчи куни Исмоилни кўргани кўҳликкина аёл етти ёшлардаги қизалоқ билан кириб келди. Бу аёл унинг оиласи экан...

Эр-хотин ариқ бўйида ҳар хил гуллардан гулдаста териб юрган қизларини деразадан кузатиб туришарди, бирдан қизчанинг шодон овози янгради:

— Дада қаранг, мана бу ерда ялпиз бор экан.

Кўп ўтмай қизча бир даста ялпиз билан кириб келди.

— Дада, буни сизга териб келдим. Шишага солиб қўйсам майлими?

Хонани ялпизнинг хушбўй ифори тутиб кетди. Исмоил негадир ғалати бўлиб кетди:

— Майли Маҳзуна, майли қизим...

Унинг овозида қандайдир маҳзунлик сезилса-да, ёлқинли нигоҳида эса қўлида бир даста ялпиз тутиб турган қизига нисбатан оталик меҳри порлар эди.





**Эркин Самандар**

НЕКИ ПОК КЎЗГА КЕЛТИР  
ДУРРИ МАЪДАН КИЛ

## **Муножот**

*Илоҳо, боғи умримни музайян қил  
Ва унда ишқ шаробини муайян қил.*

*Қувиб кўздан нари журму гуноҳимни,  
Савобингга дилу илгим муҳаян қил.*

*Кўзим олдидан ол, неки нукс эрса,  
Неки пок кўзга келтир, дурри маъдан қил.*

*Мени ножинсу нокасга сифинтирма,  
Сифинмоқни ўзингга шавкату шаън қил.*

*Нигоҳинг тушмаган ердан йироқ айла,  
Назар солган ерингни мулки маҳзан қил.*

*Дилимга сол тавоф этмоқни исмингни  
Ва исминг ёди бирла они равшан қил.*

*Умид бирла Самандар ерга гул экса,  
Ўшал ерни, илоҳи, боғи равзан қил.*

## **Устина**

*Ёр сочи сиргинди сунбул устина,  
Пуркади атрини гул-гул устина.*

*Чеккама берди Худо ҳиндуни деб,  
Сунбул они илди кокул устина.*

*Сунбули ҳиндусига шайдо бўлиб,  
Келди булбул боққа булбул устина.*

*Гулларин бир саф этиб тизди чаман,  
Тегса соч деб лола, жамбил устина.*

*Тотди гуллар соч ҳидидан бирма-бир,  
Ичдилар шабнамни хил-хил устина.*

*Юзларига жилвалар бахш этди тонг,  
Ранг бериб ранг сурди нуқул устина.*

*Бор, Самандар, сочига қул бўлакўр,  
Шунча шодлик келса бир қул устина.*

## **Лутфу карам**

*Шукр, қўл берди ёр, лутфу карам қилди,  
Сўник қалбимни тиклаб муҳтарам қилди.*

Худуд очди бағоят масканим-мулким,  
Мени ёр соҳиби Турон-Ажам қилди.

Мени — бир ложарамни ишқда хон айлаб,  
Ўзини хон деганни ложарам қилди.

Қаро айлаб рақиб рўзгори базмини,  
Муҳаббатнинг биносин мухташам қилди.

Қарам эрдим шум ағёр ҳукмига ожиз,  
Уни тиз чўктириб менга қарам қилди.

Деб эрдик балки онийдур, ўтиб хўблик,  
Э, йўқ, хўбликни узмай дам-бадам қилди.

Базм бундоғ бўлури ким хаёл этмиш,  
Хусн нури ила базми ҳашам қилди.

Гул эқмоқ хайлида гулшанга қўл урсам,  
Назар этди — уни Боғи Эрам қилди.

Самандар бахтини топган эса, нетонг,  
Бахтки, илги бирла ёр рақам қилди.

### Учрашув

Кўзимиз учрашди боғ аро ногоҳ  
Ва бизни висолдан айлади огоҳ.

Мундоғ сўзлагувчи кўзни кўрмовдим,  
Кўзни кўзлугувчи кўзни кўрмовдим.

Вожаб, бўларкан мундоғ шахлолик,  
Сузгинлик бобида танҳолик.

Сен бир ён кетдинг, сўнг, мен бир ён,  
Кўзларинг кўзимнинг ўнгида ҳамон.

Қаршимда ҳамон у сузгинлаб турар,  
Иссиғи кўзимга, қошимга урар.

Оташ ёгиларкан қабоқларингдан,  
Ўзимни кўраман қароқларингда.

Қароққа қоришиб қароғим өнгил,  
Кўзингнинг ичига кетаман сингиб.

### Лолазордандур

Ўйинга мойил эпкилар баҳордандур,  
Муаттар бўйи саҳбо лолазордандур.

Мени кўнглимни кўзгатган мушк анбар  
Ёйиб зулфини келган гул узордандур.

Недин деб сўрасангиз сархушлигим сиррин,  
Лаби ол оғзима тутган ифдордандур.

Ичимнинг ўтлиги, кўнглим хуморлиги  
Баҳорий лолаваш, кўзи хумордандур.

Унинг лафзини кўнглима хумор этдим,  
Бари девоналик менга тумордандур.

Саҳарлар ёнишим, тўлғонишим, оҳим,  
Дилимдан — бесабр, беихтиёрдандур.

Самандар, барча ошиқ тупроғи битта,  
Жаҳонга номи кетган шул диёрдандур.

## Юлдуз билан

Ул мени сеҳр айладики кўз билан,  
Не бўлганимни айта олмам сўз билан.

Бир оёқ остига тушдим хас каби,  
Бир ўсиб тенг келдим ул юлдуз билан.

Ерда, кўкда изларин излар кўзим,  
Оҳ урарман тун билан, кундуз билан.

Субҳидам излаб уни гулшан аро  
Кўз тутарман йўлига нарғиз билан.

Бошларимдан ҳуш учар келганда дуч  
Киприги ўқ, қошлари кундуз билан.

Ҳажрида рангимни худ сомон этиб,  
Талашур ҳусни гули қирмиз билан.

Кетдинг ўздан сен — Самандар кўзни деб,  
Элда юргайсан, ахир, не юз билан?!

## Сендан баҳор уфурар

Тоғдан ўтиб келдингми,  
Виқор сендан уфурар,  
Лолазорни кездингми,  
Ифор сендан уфурар,  
Наҳорларда юзингни  
Шабнамларга ювдингми,  
Ёнингга яқин борсам  
Наҳор сендан уфурар.

Лахча-лахча чўғларни  
Кафтларингга олдингми,  
Гулханларнинг тафтини  
Юрагингга солдингми,  
Кўлинг олсам кўлимга,  
Юзим боссам юзингга,  
Ёниб бошдан-оёғим  
Шарор сендан уфурар.

Қай шоирнинг қай ўтли  
Мисраларин олдинг ёд,  
Навоийми, Фузулий,  
Сеҳрлади қай устод,

Сўзларингга қарасам,  
Кўзларингга қарасам,  
Кўп шиквали, кўп инжа  
Ашъор сендан уфурар.

Айни кузда сен ўзинг  
Баҳор бўлиб балқингми,  
Чечаклардан дилингда  
Нажиб шамлар ёқдингми,  
Куз шамоли танимни  
Жунжиқтириб ўтганда,  
Сочларингга тегинсам  
Баҳор сендан уфурар.

Тотиб кўрди Самандар  
Оламда ҳуш бўйлар кўп,  
Ҳуш бўйлардан яралган  
Ширин-ширин ўйлар кўп,  
Аммо, севги гулига  
Тенг келгувчи тот борми,  
Ўшал гул атрлари  
Эй ёр, сендан уфурар.

## Хабар бер

Оқар эрди бир ирмоқ,  
Бетоқату шошқалоқ,  
Дарё, билсанг, айт, тезроқ,  
Ул ирмоқдан хабар бер!

Олисларда бир қирғоқ,  
Йўлимга эрди илҳақ,  
Дарё, билсанг, айт, тезроқ,  
Ул қирғоқдан хабар бер!

Қирғоқда бир қизғалдоқ,  
Висолга эрди муштоқ,  
Дарё, билсанг, айт, тезроқ,  
Қизғалдоқдан хабар бер!

Ям-яшил эрди ўтлоқ,  
Ўйнарди унда тойчоқ,  
Дарё, билсанг, айт, тезроқ,  
От, тойчоқдан хабар бер!

Майсазорда бир сўқмоқ,  
Пинҳон сўқмоқ, сир сўқмоқ,  
Дарё, билсанг, айт, тезроқ,  
Сир сўқмоқдан хабар бер!

Куйлар эрди қизалоқ,  
Овозлари кўнғироқ,  
Дарё, билсанг, айт, тезроқ,  
Кўнғироқдан хабар бер!

Хива нурга эрди ғарқ,  
Хаёллари тонгдай оқ,  
Дарё, билсанг, айт, тезроқ,  
Хива ёқдан хабар бер!



Усмон Кўчқор

ШУНЧАЛИК КЎП ТАЛВАСА ҚИЛСАМ,  
ШУНЧАЛИК КЎП БОТИБ БОРАМАН...

\*\*\*

Хотиралар...  
Мени ўз домига тортар хотирот.  
Ботқоққа оёғи ботган от каби  
Қанчалик кўп талваса қилсам,  
Шунчалик кўп ботиб бораман...

Фуруб пайти.  
Фурбат ўкинчидан қон бўлган қуёш.  
Мозий тўзонларин изғитиб,  
Увлаб дарахтларга осилган шамол.

Видо мақомида ҳазин, беилож,  
Тўкилиб-тўкилиб тушган хазонлар.

Юлдузлари бола кўзидек  
Йирик-йирик шабнамли тунлар.  
Юлдузли тунларнинг сўриларида  
Кўкка боқиб ётган болакай...

Хотиралар...  
Эгасидан анча олислаб кетиб,  
Эгам ҳам ияриб келяптимиқан,  
Деган иштибоҳда бот-бот тўхталиб,  
Ортга қараб-қараб қўяётган ит —  
Шу ит каби югурик умр...

Хотиротнинг қояларидан  
Ўчиб кетган акс садолар.  
Уларнинг барини худди гирдобдай  
Ўтиб юборгандир ломакон.  
Хотиротнинг овозлари йўқ,  
Бир қолгани — суратлар, холос.

Фуруб...  
Хазон.  
Қон бўлган қуёш.  
Ботаётган ой.  
Ортга боқаётган ит.  
Сукунат...  
Сукунат...  
Сукунат...

\*\*\*

Сен — гулсан.  
Поёнсиз оловда ёниб,  
Ўзин ёнмоғидан тонаётган гул.  
Фунчанинг ичида ўтга айланиб,  
Фунчанинг ичида ёнаётган гул.

Сен — гулсан.  
Ўзининг қадрларини  
Ўзининг кўнглига қуйлаган наво.  
Ҳеч кимга сочмаган атирларини,  
Тиконин ҳеч кимга кўрмаган раво.

Сен — гулсан,  
Ўзининг бардошин синаб,  
Ўзининг кўнглига исён этган гул.  
Ҳар кеча минг битта азобда тунаб,  
Ҳар тонгга мусаффо шабнам тутган гул.

Сен — гулсан,  
Яшнаган яшил боғингдан  
Тақдирга кўз юмиб турибсан беткай.  
Мен кўрқаман сенинг очилмоғингдан,  
Очилсанг, дунёга ўт тушиб кетгай.

\* \* \*

Қиш фаслими ёки баҳор,  
Ой ҳамалми, ҳутлуғ бўлсин —  
Майда-майда ёғавер, қор,  
Ташрифларинг қутлуғ бўлсин.

Гоҳ йўталиб, томоқ қуриб,  
Шакар каби ялайман, мен.  
Сендан оппоқ ўчоқ қуриб  
Қулларимни қалайман, мен.

Дуннинг чиркин алдовидан  
Юракларим қондир менинг.  
Паға-паға оловингда  
Ёндир мени, ёндир мени.

Парво қилма оҳ-ухимга,  
Парво қилма кўз ёшимга.  
Инавер енгил руҳимга,  
Кўнавер энгил-бошимга.

Тонг кетма, гуруб кетмагил,  
Жоним сугуриб кетмагил.  
Бу балчиққа, бу лойларга  
Сен мени бериб кетмагил.

Бошлагайман майдакашлаб,  
Паға-паға бошлагайман.  
Қетар бўлсанг мени ташлаб,  
Ўзим ёға бошлагайман.

\* \* \*

Атрофга термулдим кўзларим ёшлаб,  
Бу андуҳ саҳнида туриб қолдим, мен.  
Бу ерга ким мени келмишдир бошлаб,  
Қачон бу йўлларга кириб қолдим, мен?

Адашдим қайғунинг саҳроларида,  
Сароблар жонимга солдилар таҳдид.  
Чиқилмас йўллар бор унинг барида,  
Менга йўл кўрсат, эй, Тангрининг Аҳди!

Бошидан тураркан олов қуйилиб,  
Бу йўлсиз йўллардан йўл ахтарган ким?  
Мени келажакнинг бағридан юлиб,  
Мозийнинг қаърига улоқтирган ким?

Сув дедим, тутдилар қон тўла чаноқ,  
Ҳаво — елим каби. Нафасим етмас.  
Гўё минг йил аввал ўлганман.  
Бироқ,  
ҳамон ҳаёт кўзим олдидан кетмас...

\* \* \*

Мен сендан кетмадим, кетдим ўзимдан,  
Муҳлик вайронани мен ташлаб кетдим.  
Ўзимнинг ҳақлигим чиқди эсимдан —  
То қачон сен ҳақни мен англаб етдим.

Эриб битдим сўнгги заррамга довур,  
Холбуки, кеча бут, кеча бор эдим.

Бугун — мен дунёга таркаган ҳовур —  
Кеча эримасдан ётган қор эдим.

Шукуҳли тоқингда руҳим мушаккал,  
Қайта зарра-зарра йиғилсам кошки.  
Ушатса фалак-да мени ушатган,  
Пойингга қор бўлиб йиқилсам кошки.

Боғларингда ётсам бағримни бериб,  
Фасоналар айтса фарзона тупроқ.  
Энсам-да нафасинг кетаркан эриб,  
Оловинг ҳақида ўйласам кўпроқ...

Хар битта ашёда ройишинг-ройинг,  
Жамолингдан ушбу кўшк обод, ахир.  
Абадий барқарор сенинг саройинг,  
Ишқ абад, ишқ абад, ишқ абад, ахир!..

\*\*\*

Сенга боқиб сарғайди юзим,  
Нелар ёзмиш котиби азал?!  
Нега бунча маъюссан, кўзим,  
Ҳасратларинг бунча ҳам гўзал?!

Олиб келдинг олис ғамларни,  
Қадим қайгуларни уйғотдинг.  
Кўзларингдан силмай намларни,  
Оловларга ўзингни отдинг.

Елкам узра қўнган залворли  
Ҳазонлардан букилди қаддим.  
Кўзим, сенга нечун ёлвордим,  
Кўзим, сени кимга ўхшатдим?

Сунбуланинг сойлари тинди,  
Дарё қалбим тинмади маним.  
Қай ўзанда оқаман энди,  
Заъфар боғим, сариқ чаманим?!

Қора булут... Куёш йўқ энди,  
Ойнинг нурларида исиндим.  
Қалб сингари барглар тўкилди,  
Юрак каби хазонлар синди.

Дунё томиб тушар ёшимдан,  
Биз — хокмиз, биз — тупроқ, биз — туроб.  
Паға-паға ҳасрат бошимдан  
Сочар ҳовуч-ҳовуч изтироб.

Юракдаги бу оғир зангни  
Кетказгали мажол етмайди.  
Кўзим, ювма энди бу рангни,  
Кўзим, энди бу ранг кетмайди...





Ҳасан Манзуоров

## МЕҲР

Отаси вафотидан уч йил ўтса-да, Ҳусаннинг руҳидаги парокандалик барҳам топмади. У ҳеч вақт бундай эзилмаган, руҳан тушқунликка тушмаган, ҳеч бир нарса уни бунчалик узоқ ва оғир изтиробга солмаган эди.

Ҳусан Румий асарларини ўқидию бундай ҳолат кишилар руҳида юз бериши табиий ҳол эканлигини англади. Ўлимнинг ҳақлигини тан олган ҳолда, ҳаётнинг тўхтаб қолмаслигини, айрилиққа кўникиши лозимлигини тушунди. Ўқишини кечкига ўтказиб, кундузлари ишлай бошлади.

«Йигит киши ота вафотидан кейин ҳақиқий эркак бўлади». Бу фикр бежиз эмас чоғи, бурунгиларидай ўйинқароқлик қилмас. Фақат кўпроқ пул топишга интиларди. Бундай яшаб ҳам бўлмас экан. Кўнгли тубида пайдо бўлган бўшлиқ кенгая борди.

Кенг, кети кўринмас цеҳда қаторлашган станоклар гувиллаб ишлар, ишчиларнинг дами чиқмас, тепада юраётган осма кўтаргич ҳайдовчиси билан пастдаги ёрдамчи ишчиларнинг ора-сира русча сўқинишини айтмаса, қулоққа шовқиндан бўлак ҳеч нарса чалинмасди.

Вақт тун ярмига яқинлашиб станоклар бирин-кетин тўхтаб бошлади. Ҳусанга тегишли бўлган беш станок гувиллаб ишлар, ишда ингичка бўлган ранг-баранг тусдаги симлар бир тешикка келиб эшилар, сўнг ундан темир валтакка ўралиб чиқарди. Станоклар ора-лаб юрган Ҳусан бутун иши унумли бўлаётганини сезиб кўнгли кўтарилди. Ишини тўхтатгиси келмасдан станокларга янги сим ўрамларини келтириб қўйди. Унинг ишини олисдан кузатаётган ҳисобчи қизнинг қошлари чимирилди.

— Сиз ишни тўхтатмайсизми? — сўради у Ҳусаннинг рўпарасига келиб.

Қиз кабелларни синовдан ўтказар, шунга қараб иш ҳақи ёзиларди.

— Озроқ шошманг, бирга кетамиз, — Ҳусан бепарво тарзда ишини давом эттирди. — Мен озроқ ишлаб олай...

— Кейин кузатиб қўясизми? Ишчиларнинг автобуси кетиб қолади.

— Кузатиб қўяман.

Ҳусан сими тугаган станокка сим ўрами жойлаштирди.

— Ҳусан, бас қилайлик, — ялинди қиз. — Мени сира қолгим келмаяпти.

— Саодат!!!

Цех тўрида кийинган қизларнинг қораси кўринди.

— Саодат мен билан қолади!

Навбатдаги станокнинг симини алмаштираётган Ҳусан уларга қўл кўтариб кетаверинглар ишорасини қилди. Қизлар маъноли кўз уриштириб олишди.

— Живнивой, улар нима деб ўйлашади?

— Ювиниб чиққунимга қадар станокларга қараб туринг, сими узилмасин. — Саодатнинг сўровига жавоб беришдан қочган йигит тепадаги ювиниш хонасига қараб йўл олди.

У ярим соатлардан кейин кийиниб чиққанида беш станокнинг бари гувиллаб ишлар, чеккадаги электр платада чой қайнарди.



— Барибир кеч қолдик, — қиз тепасида осивлик турган елим халтадан икки-уч бурда нон, уч-тўрт дона қант олди. — Қорин оч қолди. Бир тишламдан нон еймиз.

Станоклардаги сим ўрамлари тутагунга қадар тамадди қилган бўлдилар. Хусан иш жойини тозалагунча Саодат чойнак-пиёлаларни чайди: рўпарасидаги кўзгуга қараб ороланди. Қизи тушмагур чиройли, эмин, эркин эди. Йўлга тушганларида худди ўз суюқлиси билан кетаётгандай Хусанни қўлтиқлаб олди. Тунги сменага ишга келганлар узук-юлуқ гаплар ташлади. Қиз бармоқларининг учини силкитиб улар билан хайрлашган бўлди. Бирга-бирга заводдан чиқдилар.

Ёзнинг бошлари, ҳаво майин. Греklar обод қилган кўчалардаги гилослар қизара бошлаган, ўригу олчалар қўл еттулик жойда эди, чўқиладилар. Хусан олчага оёқ учида туриб бўй чўзаётган қизнинг қадди бастига суқланиб боқаркан, ўзини худди ҳушидан айрилаган ошиқдай тутди.

— Ҳей, — ҳамроҳи қўлидан силтади. — Сизга нима бўлди?

— Ҳушимдан кетаёзим, бугун жуда очилиб кетибсиз?

— Оббо! Худди энди кўраётгандай! Аввал қайдайдингиз?

— Мен энди уйғонаяпман...

Хусан чўчигандай сесканиб олди. Қиз шарақлаб кулди. Унинг шодон кулгиси олис-олисларда акс-садо берди. Йўл чеккасидаги ёроч ўриндиқда ўтирган йигитлар ўтирилиб қараб қўйсалар-да, аҳамиятсиз бир ҳолда ўз суҳбатларига берилдилар.

Ажойиб! Қизнинг қўллари ёқимли, кўзлари бағоят фусункор, қоронғи кечада ҳам ёлқинланарди.

— Отам вафотидан кейин узоқ вақт ўзимга келолмай юрдим, — гап бошлади Хусан.

— Ҳали ҳам алланималарни йўқотган одамдай юрибман.

— Сиз ўзингизни чалғитинг.

— Қандай қилиб?

— Во, анови кишини. Ким айтади сизни студент деб.

Ҳамроҳи бурунгидай кўнгирак товушда кулди. Икки қўли билан йигитнинг тирсагидан тутиб, кўзларини унга тикди.

— Бир куни отам билан девор ураётгандик. Мен лой олиб бераётгандим. Шу пайт олдимиздан Тошкентда ўқийдиган бир қиз ўтиб қолди.

Хусан ҳамроҳига бошдан-оёқ назар ташлаб олди.

— Кейин-чи?

— У шу қадар чиройли, шу қадар келишимли... Бунақа соҳибжамолни ҳали учратмагандим.

— Қўйинг, рашқимни кўзғаманг...

Ҳамроҳи сочларини силкитаркан, юз-кўзларини йигитнинг елкасига суйқади.

— Билмайман, бу қандай юз берди. Ҳушимдан кетиб, қўлимда лой билан худди илон авраган бақадай қотиб қолибман.

— Илон авраган бақадай, тасаввур қилаяпман...

— Отамнинг олдида эканлигим ҳам унутилибди.

— Ҳўш, чайнамай гапира қолинг энди?

— Шу вақт қўлимдаги лойнинг катта бир бўлаги узилиб тушди-ю, лойқа сув қизнинг қўйлагига сачради.

— Ажаб бўпти.

— Отам жонимга оро кирди. «Қўявер, қизим, хафа бўлма, ҳуши сенга кетиб қолди», — деб кулишди.

Саодат энгашган кўйи қиқир-қиқир куларди. Хусан бир зум унинг юз-кўзларини чуллаган қоп-қора сочларига назар солди. Ер остидан термулган кўзларга маҳдиё бўлди.

— Мен сизни сира бундай одам эканлигингизни билмасдим, — қиз чорраҳага келиб тўхтаган ҳамроҳини тўғридаги кўчага қараб етаклади. — Отаси борларга менинг ҳавасим келади.

— Отангиз йўқми?

— Бору йўқдай... Ёшлигимда ойимни ташлаб кетган. Ойим бошқа киши билан турмуш қурган. Мен тоғамнинг қўлида қолганман. Тоғам отамдан ҳам меҳрибон, лекин, барибир, отангни ўрни бўлакча...

— Узр, ярангизни янгиладим.

Хусан кафтини ҳамроҳининг елкасига қўйди. Қиз бир қўли билан унинг синчаловига осилди.

— Биз олисда, Маданият институтининг яқинида турамиз. Кечга қўймаганингизда ҳозир маза қилиб ухлаётган бўлардингиз.

— Мен жуда кам ухлайман.

— Шунинг учун ҳам асабий, жиррақисиз, ҳамиша қовоғингиздан қор ёғади. Қиз бола бўлганингизда ҳеч ким қарамасди.

— Худо билиб ўғил яратган.

— Хусан, яхши кўрган қизингиз борми?

Саодат юришдан тўхтади.

— Ҳизматда юрган чоғларим эр қилиб кетган.

— Куйганларданмисиз?

— Куйганларданман. Отам ундан ўн чандон чиройлигини олиб бермоқчи эди, афсус...

— Отангиз яхши киши бўлган эканлар.  
— Бутун отамнинг вафот этган куни, — Хусан отаси билан боғлиқ хотиралардан гап очди. — Отамдан қутилмаган фикрлар кўп чиқарди. Декабрнинг ўрталари, отам билан даладан эшақда ғўзапоя таширдик. Тушлик вақти бўлганда отам мени етакладилар-да, ёзда қовун-тарвуз эккан пайкалларига қараб юрдилар. Қор ёғиб турибди. Совуқ. Бир жойни қовладилар, сасиган тарвуз қолдиқлари чиқди. Иккинчи жойдан бус-бутун тарвуз топдилар. Совуқдан тиш-тишга тегмаяпти-ю, у киши совуқни совуқ кесади, деб тарвуз сўйиб бердилар.

— Чиндан ҳам ажойиб эканлар. Сира урганларми?  
— Урганлар... Мактабни битираётган йилим..  
— Қизларга тегажовлик қилгандирсиз-де?  
— Йўқ, басавлат, баджаҳл, отамиз отаси ўрнида кўрадиган амакимиз бўларди. Шу киши мени картошка қовлашгани олиб кетди. Амаким қовлаяпти, мен тераяпман. Дам олиш йўқ. Кетмон урган у киши мен фарқ терга ботиб кетдим.  
— Дангаса, — кулди ҳамроҳи. — Ҳозиргидай ишмил эмасмидингиз?  
— Амакимга ўнга теримчи ҳам етказолмасди. У киши бир кунда тўққиз юз кило пахта терганлардан, шу ишмиллиги билан урушдан омон қолган. Анча-мунча одам у кишининг ишини қилолмасди. Хуллас, — Хусан бош қашиди, — оқшом уйга базўр кириб келдим. Отам ҳол сўради. .... амаким ишлаб ўлдирди, деган шалақ сўз оғзимдан чиқиб кетди. Қулоқ чаккамга тушган тарсакидан учиб тушдим.

Хусан сукут сақлади, ҳамроҳи қисталанг қилмади. Анча вақт жим бордилар.  
— Урушга уриб қўйиб, кейин анча вақт афсусланиб юрдилар..  
— Ота қизини урмаса, бас, отасидан қалтак еган қиз бахтсиз бўлади. Бувам ароқхўр бир кимса бўлган. Ароққа пул топиб бермаса, хотинига қўшиб қизларини ҳам дўппос-лайверган. Шунданми онамининг ҳам холамнинг ҳам турмуши яхши бўлмади.

— Бу ҳам бир иримда.  
— Иримлар ҳам бежизмас. Хусан, анчайин сергал йигит экансизку, шу вақтгача да-мингизни чиқармай юрганингизга ҳайронман.  
— Бутун сизга бир ёрилгим келди..  
— Ҳамма қизлар билан шундаймисиз?  
— Менга анча-мунча одам ёқмайди, одамовилигимнинг боиси ҳам шундан.  
— Мен-чи?  
— Сиз жуда мафтункорсиз. Сиз билан юриш менга ёқади, лекин..  
— Нима, лекин?..  
— Барибир, хушомад қилолмайман.  
— Илтифотли бўлиш — хушомадгўйликка кирмайди.  
— Яхши фикр.

Бирга-бирга институт ёнидаги бозорчага келдилар. Тун ярмидан ўтган бўлса ҳам бозорчадаги одамлар уйғоқ, қовун-тарвуз сотаётганлар уч-тўрттадан бўлиб гурунглашарди. Хусан қизни уларнинг олдига етаклади. Кичикроқ тарвуз танлаб деҳқондан сўйиб беришни сўради.

— Боя тарвуз ҳақида гапирганингизда тарвуз егим келганди, — кулди қиз.  
Деҳқон тарвузни икки бўлакка ажратиб коса қилди. Хусан узатган пулни олмади. «Ейверинглар, тўймасанглар яна сўйиб бераман», — дея шериклари ёнига бориб ўтирди.  
— Танишингизми? — сўради қиз.  
— Йўқ.  
— Ҳозир бу тарвузларни текинга берадиган замон эмас.  
— Хайр-худойи деган нарсалар бор, ахир.  
Термулишган қўйи тарвуз едилар. Сўнг кўча охирига бориб кўк дарвоза олдидаги ёғоч ўриндиққа ўтирдилар.

— Ростини айтсам, менга ҳеч вақт бутунгидай ёқмагандингиз, — қиз йигитнинг қўллари-ни қафтлари орасига олиб сиқди. — Ҳаммаси учун каттақон раҳмат.

— Агар отам ҳаёт бўлганида, зртагаёқ сизга уйланган бўлардим. Сиз яхши қизсиз. Сизга уйланган йигит, албатта, бахтли бўлади.

— Овутаверинг-чи, бир гап бўлар.  
— Йўқ, бу менинг чин сўзим.  
— Нима халақит бераяпти?  
— Журъатим етмаяпти. Отам йўқ. Ҳаммасини бошидан бошлаш керак.  
— Ҳаёт ҳеч вақт тўхтаб қолмайди. Хусан, ўтганларни хотирлаш яхши, лекин улар учун яшаб бўлмайди. Ҳар ким ўз келажаги пойдеворини қуриши лозим.  
— Сиз кутганимдан ҳам ақллироқ чиқиб қолдингиз. Мен сизни сирти сув кўтармайдиган эркатой қиздай билардим.

— Биринчи таассурот алдоқчи бўлади. Мен ҳам сиз ҳақингизда яхши фикрда эмас-дим.

— Сиз мени тамом ҳайратга солаяпсиз.  
— Юрагингизга ғулув ҳам солдимми?  
Хусан беихтиёр қизнинг елкасидан кучиб эркалади.  
— Ҳадемай тонг отади. — қиз кўзини кўкда хиралашаётган юлдузларга тикди.  
Саодат ўрнидан жилмасдан Хусаннинг юргиси келмади. Хайрлашган ҳамроҳини уйига

кириб кетишини кутди. Дарвозасига борган қиз негадир тўхтади. Унга ўтирилди. Кейин яна бояғидай оҳиста қадамлар билан қайтиб келди. Ҳусаннинг икки қўлидан тутиб ўзига яқин олиб бордида, икки юзидан тортинмай ўпди.

— Нима деб ўйласангиз, ўйлайверинг, — деди. — Мен сизни яхши кўриб кетаяпман. Куйиб қолишдан чўчияпман, холос.

Қиздан келаётган муаттар бўйдан Ҳусаннинг боши айланди. Қўлларини қизнинг елкасига қўйганча, бошини унинг кўксига қўйди. Қиз худди укасини эркалагадандай йигитнинг юзига шапатилади.

— Яхши боринг, яхши тушлар кўринг.

Ҳусан кўнгли каби бўшаб қолган кўчалардан шошилмай ётоқхонасига қайтди. Бундай юриш отаси руҳига хиёнатдай туюлса-да, қиз боланинг кўрсатган илғифоти унинг кўнглида мудраб ётган ҳисларини уйғотган, у билган ҳаётдан ташқарида ҳам ўзгача ҳаёт борлигини кўрсатганди. Кўнглининг туб-тубида шодлик, қувонч, туйғулари уйғонди. Олам кўзига ҳар вақтдагидан бўлақчароқ, тароватлироқ кўринди. Илк бор ётоғига кўтаринки кайфиятда алақайси қўшиқни хиргойи қилиб кирди.

Ҳамхонаси хавотирланиб ўтирган экан. Ўзгаришни кўриб ажабланди.

— Тилла топдингизми? — деб сўради.

— Мен бутундан янғича ҳаёт бошламоқчиман.

Ҳусан ечинмасдан кароватига чўзиларкан, қўлларини боши остига қўйиб, шифтга кўз тикди. Ширин хаёлларга берилди ва ўз истағига қарама-қарши ўлароқ қаттиқ уйқута кетди.

\*\*\*

Бу сафар баҳор сездирмай келди. Узоқ ва тинимсиз ёққан ёмғирдан сўнг тиниқлашган осмонда қуёш мавжланар, куни кеча куртаклаган ўрик ва олчалар оппоқ гул билан қопланиб, ариқ ёқалари, деворларнинг кунгай тарафидаги ерлардан ўсиб чиққан кўкатлар илиқ ўтган баргларини ёзиб юборган, ўрик шохларида ҳурпайган мусичалар бири-бири билан савалашар, қўшнингнинг бўй етган қизи магнитофонида «Қиш сонатаси» фильмидан ёзиб олинган мунгли қўшиқ янграрди.

Саодат кир ювар, қизи уй кўтарарди.

— Шу куни кир ювмасанг бўларди, — тўнгилади Ҳусан. — Хогира куни эканлигини биласан, қабристонга кечикиб бориб бўлмайди.

— Шунинг учун саҳар уриндим, — хотини ўзини оқлади. — Сал сабр қилинг.

Ҳусан отасидан қолган боғнинг тўрига чиқиб кетди. Неча йиллар бурун йиқитилган, неча-неча қору ёмғирни кўриб могорлаган ёнроқнинг илиқ ўтган танасига ўтирди. Чумчуқлар «чирқ-чирқ»лашар, мусичалар «ку-ку»лашар, алақаердан сассиқполишакнинг бир тарздаги «пүф-пүфи» эшитилар, ортидан чопиб келиб, оёғи остига чўзилган ит бошини икки оёғи устига қўйганча мудрар, иссиқ ўтган ердан кўтарилган шабнам дарахтлар орасидаги беда баргларида кўниб, кўтарилаётган қуёш нурларида олмос янглиғ товланарди.

Отаси вафотидан кейин ишлов берилган боғ бурунги тароватини йўқотмаган, гуркирарди. Боғнинг этагида пайдо бўлган қиз отасининг қорасини кўриши билан уй тарафга чопди.

— Дада-чи, дада, мен бобомнинг қалпоғини топиб олдим. Қирғиз қалпоқ.

— Қани олиб кел-чи?

— Ойимга бердим юваяптилар.

Отаси бир вақтлар чақмоқ қалпоқ киярди.

— Офтобда ўтириш мазами? — сўради қизи.

— Маза!

Ҳусан қизининг юзига тушган соч толаларини кафти билан сидирди. — Ойинг нима қилапти?

— Ойим бобомнинг йигирма йил бурунги қалпоғини меҳр билан юваяпти. Мен бу ёқда сиздан суюнчи олгани чопдим, — қизи пинжига суқилди.

— Суйкалма, кап-катта қиз.

— Сизни яхши кўраман. Сизнинг ҳидингиз ширин.

Қизи худди ёш болалардай юзини кўксига босиб бўй олди.

— Мен ҳам бобонгни бўйдан ажратардим, — эслади Ҳусан. — Бир сафар...

— Нима бир сафар, айта қолинг?..

— Ёшгина бола эдим. Бобонг тўнини олиб боришимни сўради. Ҳовузнинг атрофидаги ёғоч панжаралар тўла тўн экан. Нима қилишни билмай бир бошдан ҳидлаб чиқавердим...

— Вуй...

— Қувонган бобонг бели синмаган қоғоз пул берган.

— Сиз ҳам бели синмаган пул бермайсизми?

— Нимага?

— Ахир, бобомнинг нақ йигирма йиллик қалпоғини топдим-ку!

Ҳусан ёнини тимирскилаб униқмаган пул олди. Ота-бола кулдилар.

— Озроқ тер, озроқ тамаки ҳиди ўтиришган чопон ҳали ҳам эсимдан чиқмайди.

— Қалпоқларини ҳидлаб кўрдим, — деди қизи. — Заҳ тупроқнинг бўйидан бошқа нарса қолмабди. Ростини айтмайми?

— Айт.

— Ойимга айтмайсизми?

— Йўқ.

— Мен сизни ойимдан кўра кўпроқ яхши кўраман. Тўнингизни мингга одамнинг тўни орасидан ҳам топа оламан.

Ота-бола анча суҳбатлашдилар.

Кўп ўтмай бошига рўмол ўраган Саодат ўғли билан боғ этагида кўринди. Бирга-бирга қабристонга йўл олишди.

— Қизингиз тушмагўр ажойиб. Омборхонани кўтараётиб қутининг тагидан қайнотамнинг қалпоғини топиб олдик. Қўй десам бўлмай ювдиртирди.

— Ёстиққа тикиб қўй, кейин болалар ҳам эслаб юришади.

— Нимани сирлашаялсизлар? — Кулиб турган қизнинг қошлари чимирилди.

— Сенинг гийбатингни қилаялмиз. Отасига ўхшаган қиз бахтли бўлади. Сен худди отангни қўйиб қўйгандек ўзисан. Одатларинг ҳам ўхшайди.

— Сиз-чи, ойи?

— Ойим отангга ўхшайсан, дерди.

— Отангиз ташлаб кетган-ку!

— Ташлаб кетган бўлса ҳам отам-да, ўхшашим рост, шекилли, мана бахтлиман. Отанг бор, сен бор, мушукчам ёнимда, — Саодат ёнида келаётган ўғилчасини бағрига тортди.

— Отангни излаб борсак нима қиларкин, — сўради Хусан. — Кўксимиздан итармас. Анчадан бери шу гапни кўнглимга туғиб юргандим.

— Қайдам, омонмиканлар, ичиб турардилар. Тўйимизга келмаганларидан кейин излаб бормадим.

— Сен таътилга чиқ. Бу савобли ишни қиламиз.

Қабр бошига келиб етдилар.

— Нега чинор эмас, беҳи эккансиз? — сўради қиз.

— Беҳи пайгамбаримизнинг назари тушган мева, — ўйчанлик билан жавоб қилди Хусан. — Бобонг яхши кўрарди. Отамдан эшитганим бор. Пайгамбаримиз жаннатни айланаб юриб, бол томиб турган мевага дуч келибдилар. Тотиб кўрсалар, шунақанги ширин эмиш. «Вой, юзингни тук боссин», деган эканлар.

— Бобонг жаннати одам бўлганлар, — тасдиқлади Саодат.

— Сиз хафа бўлманг, ойи, дадам айтдилар-ку, дадангизни излаб борамиз.

— Менинг дадам ҳам сенга бобо бўлади.

Сўзсиз қабр бошига тизилишдилар. Хусан тиловат бошлади. Негадир овози титраб чиқди. Болалар буни сезди. Уларнинг кўзига ёш қалқди.



Сирожиддин Салоҳиддинов

## ОҚПОПУК

Боланинг ўртоғига ҳаваси келарди. Чунки унинг қаптарлари бор. Бола кўпинча мактабдан қайтишда ўртоғиникига борар, биргалашиб қаптарларга дон беришар, сўнг ҳуштакбозлик қилиб уларни учирешарди. Турли рангдаги қаптарларнинг осмонни тўлдириб учиши болага завқ бағишларди. Айниқса, у оқ қаптарни ёқтирарди. Ўша қаптар бошқалардан ажралиб булутлар томон учар, сўнг ҳавода ўмбалоқ ошиб пастга шўнғир, яна қутилмаганда қанотларини силқитиб осмонга кўтарилар, турлича ўйинлар кўрсатиб боланинг завқини кўзгарди. Ҳамма қаптарлар том бошига қўнишганда ҳам оқ қаптар осмонларга интилиб учишдан тўхтамасди. Бола эса оқ қаптарнинг учишини кузатиб чарчамасди... Баъзида ҳамма нарсани унутиб оқ қаптарнинг атрофида парвона бўларди, ҳатто қўлларида унга дон берарди. Оқ қаптар ҳам боладан ҳайиқмасди. Бола бу завқли машғулотга берилиб уйга кеч қайтган дамларида онасидан дакки эшитар, шундай бўлсада яна орадан бир-икки кун ўтиб, ўртоғиникига равона бўларди. Бола ҳам ўзининг қаптарлари бўлишини истарди ва бу ҳақда уйдагиларга сўз очиш ҳам мумкинмаслигини биларди. Сабаби онаси қаптарни ёқтирмасди. Бир куни бола ўртоғидан қаптар сотиб олган, энди менинг ҳам қаптарим бўлади, деб роса қувонганди. Уйга олиб бориши билан тўпалон бошлади. Бола қаптарни ўртоғига қайтариб беришга мажбур бўлди.

Ҳаммаси оддий қуналарнинг бирида бошлади. Ўртоғи қаптарлари бола очиб чиққанлигини айтди. Икковлашиб уларникига йўл олишди. Ҳақиқатдан ҳам ўртоғининг қаптарлари жўжали бўлганди. Энди янада завқли томоша бошланди. Ҳар куни икки ўртоқ қаптарларнинг болаларига дон беришини соатлаб кузатишарди. Орадан кўп ўтмай қаптарча-

ларга чирой кира бошлади. Уларнинг биттаси оппоқ эди. Каптарчалар аста-секин ўзлари дон ейдиган бўлган кунларнинг бирида бола ўртоғига деди:

— Мана бу оқ каптарингни менга бер?

— Ҳали жуда кичкина-ку, — деди ўртоғи унга қараб.

— Ўзи дон ея бошлади-ку? — дея ялинди бола.

— Хўш, ўрнига нима берасан? — деб сўради ўртоғи.

— Пулим йўқ, лекин алмашгани бирон нима топсам бўлади, — дея бола ўйланиб қолди.

Бола балад қаватли уйлarning энг юқорисида турарди. Уртоғи баъзида уларникига борарди. Унга боланинг дурбини ёқарди. Уйдагилар ишда бўлган дамларда аста томга чиқиб олишиб атрофни томоша қилишарди. Бола қизганчиқ эмасди, бир неча кунга ҳам ўртоғига дурбинни бериб юбораверарди.

— Дурбинга алмашасанми? — деб сўради кутилмаганда ўртоғи.

Бола мана шу оқ каптар уники бўлишини жуда-жуда истарди. Дурбиндан аллақачон совиганди. У ҳафталаб дурбинни қўлига олмасди. Икки ўртоқ келишишди. Ҳозир уйда ҳеч ким йўқ, ҳамма ишда. Икковлари каптарни олиб боланикига йўл олишди. Вақтни ўтказмай чордоққа чиқишди. Уртоғи дурбинда шаҳарни томоша қила бошлади. Бола эса, каптарчага уя ясади. Унинг қувончи ичига сиймасди. Оқ каптарча уники бўлганидан хурсанд, ўртоғига кулиб боқар, каптарчани қандай боқиш ҳақида тинимсиз гапирарди.

— Биламан, онасини соғинади, ҳали жуда кичкинада, сеникига олиб бориб тураман, катта бўлганида сенинг каптарларинг билан учираман. Буям онасига ўхшаб балад учса керак-а?

Боланинг ҳаётида англаб бўлмас ўзгариш рўй берди. Уйдагилар ҳам ҳайрон. Аммо, бунинг сабабини ҳеч ким билолмади. Мактабдан қайтиши билан чордоққа чиқар, каптарчаси билан бирга бўлар, қўлларига кўндириб дон берар, аста силкитиб қўлларидан тушириб учишга ўргатарди. Орадан кунлар ўтди. Бола каптар ҳақида ҳеч кимга чурқ этмади, фақат ўртоғигина бу сирдан воқиф эди. Кундан-кунга каптар янада ҳозибали бўлиб оппоқ қушга айланиб борарди. Бола унга Оқпопук деб ном қўйди. Илк бора учган куни эса бола қувончини ичига сийдиrolмай ўртоғига айтди. Энди ҳар куни улар мактабдан қайтишиб чордоққа йўл олишарди, боланинг овунчоғи бўлган Оқпопукни учирешарди. Уйда ҳеч ким йўқлигида эса бола каптарни чордоқдан олиб тушарди. Онаси ишдан қайтadиган пайт яқинлашганда яна чордоққа олиб чиқарди, дон-сув бериб уячасига яшириб қўярди. Бола энди каптарсиз кунларини тасаввур ҳам қилолмасди. Каптар худди ўша ўртоғининг оқ каптаридай осмонга кўтарилиб, турли ўйинлар қилиб учадиган бўлди. Бола Оқпопукнинг учинини кузатганда оламда ундан шод одам йўқ эди. Оқпопук шунчалар баландаб учардики, бола уни кузатиб ўтириб чарчамасди. Бола баъзида каптарни учириб юбориб уйга қайтарди. Оқпопук ҳеч адашмай кўп қаватли уйлар орасидан хонадонни топар ва деразага кўнарди. Бола бундан қувониб унга қўлида дон тутарди, каптар ҳам худди шунини кутиб тургандай билагига кўниб олиб боланинг қўлидаги донларни чўқирди. Кўпинча бола мактабдан қайтиши билан каптарни учириб юборар, сўнг уйга кириб овқатланишга тутинарди. Оқпопук эса ошхона деразасига кўниб, аста боланинг ёнига учиб ўтарди, бола кичкина ликопчага бир қошиқ овқатдан солиб берар, каптарнинг овқатни чўқилаб ейиши унга завқ бағишларди. Бола дарс қилганда эса Оқпопук дам елкаларига кўнар, дам стол четига қўниб уни кузатарди. Каптарнинг бу ҳаракатлари боланинг дарс тайёрлашига сира ҳалақит бермасди.

Бола билан каптар ўртасидаги сир узоққа чўзилмади. Кутилмаганда, ишдан эрта қайтган онаси бундан воқиф бўлди.

— Қаердан келди бу каптар? — деб сўради онаси остонадаёқ.

Бола бир оз довираб туриб қолди:

— Ўртоғимники, — дея жавоб берди.

У ўзиники эканлигини айтолмасди. Онасининг жаҳли тез эканлигини биларди. Айниқса, бугун, нимадир сабаб бўлиб ишдан эрта қайтганлиги юз-кўзларидан сезилиб турарди. Ўзимники, деса тамом, савол-жавоб бошланади. Онаси охирига етмасдан қўймасди.

— Тез эгасига олиб бориб бер, иккинчи бу ерда кўрмайин, — дея онаси ичкарига ўтиб кетди.

Ҳаммаси ҳал бўлди. Бола ортиқча гап қайтаролмасди. Каптарни олиб йўлакка чиқди, лифтни чорлаб пастга тушди, сўнг аста сездирмай зинадан кўтарила бошлади. Хонадонларига яқинлашганда эҳтиёткорлик билан эшикка қаради, жимлик, аста чордоққа йўл олди. Каптарга дон берди, сўнг уячасига беркитиб ортига қайтди. Уйга кириши билан онасига дуч келди.

— Сенга неча марта айтганман, бу уйда қуш бўлиши мумкинмас, деб, яна ўз билганингдан қоламайсан-а? — деди онаси қовоғини ўйиб.

Бола жавоб бермади. Индамай ўз хонасига ўтиб кетди. Бундай пайтларда дарс тайёрлаш қўл келади, китоб ўқиётганда онаси унга индамасди. Бола худди шундай қилди, қўлига китоб олиб ўтираверди, лекин хаёллари Оқпопукда эди. Эртасига дам олиш куни, онаси ишга бормади, кун бўйи уйда бўлади. Бола айни дамда қўлига китоб ушлаганча эртани ўйларди.

Бола эрта уйқонди. Онаси ошхонада нонушта тайёрларди. Истамайгина нонушта қилди. Унинг хаёли Оқпопукда эди. Кун бўйи онаси уйда бўлди, биронта қўшниникига ҳам

чиқмади. Дам-бадам болага ҳам турли юмушларни буюриб турарди. Бола эса ўзини қаерга қўйишни билолмасди, тезроқ бирон-бир баҳона билан ташқарига чиққиси, чордоқдаги каптарга дон бергиси, уни қўлларига олиб ўйнатгиси келарди. Онаси ахлат тўкиб келишни буюрганда қувониб кетди. Шўшиб челақни олиб эшикка интилди. Тезда челақни бўшатиб келдида, уйга кирмай чордоққа йўл олди. Вақт зиқ эди, аввалгидай каптарни учирмади, қўлларига қўндириб силамади ҳам, тез дон берди-да ортига қайтди. Овқатга уннаётган онасининг ёнига, ошхонага кирганида деразага қўниб турган каптарга кўзи тушди. Шундагина, шўшиб уйча эшигини очиқ қолдиргани ёдига тушди. Аввалига сабзи арчиётган онаси каптарни кўрмади. Бола нима қиларини билолмай жим қолганди. Аксига олиб Оқлопук очиқ деразадан ичкарига учиб ўтди. Онасининг кўзи каптарга тушиб тутоқиб кетди.

— Бу нимаси, қаердан келди яна?

Бола индамади.

— Мен сенга эгасига бериб келгин демабмидим? — дея яна сўради онаси.

Бола жавоб бермади. Каптар боланинг елкасига учиб ўтди.

— Қани, ол-да, тез ўша ўртоғиникига олиб бориб бер, бошқа кўзимга кўринмасин, сен китоб ўқиб, дарсингни қилишинг керак. Каптар ўйнаб юришингни истамайман, қани бор-чи! — дея онаси боланинг қўлидан ушлаб эшик томон етаклади.

Бола каптарни тутганча йўлакка чиқди. Ўртоғига олиб бориб беришдан бошқа йўл қолмаганди.

— Мендан хафа бўлма, — деди бола ўртоғиникига қараб кетаркан каптарига.

— Кўрдинг-ку, онамлар кўнмаяптилар. Ялинганим билан бефойда. Мактабдан қайтишда ҳар куни бораман, сенга ўзим дон бераман.

Ўртоғи болани каптар билан кўрганда ҳайрон бўлди.

— Нега олиб келдинг?

— Ойим уришяптилар, — деди аста бола.

— Майли, ана катакка қўйиб юбор, — деди ўртоғи, сўнг уйга кириб дурбинни олиб чиқди.

— Керакмас, — деди бола дурбинни кўриб. — Каптар барибир меники бўлиб қолади, ҳар куни келиб тураман.

Бола катакка тикилиб-тикилиб ортига қайтди. Эртасига мактабдан чиқиб-ла ўртоғи билан уларникига борди, каптар йўқ эди. Атрофни ахтарди, тополмади, сўнг савол назари билан ўртоғига қаради.

— Бегона каптарни баъзида қўшишмайди, — деди бола ўртоғига тикилиб.

— У бегона эмас, шу ерда очилган-ку?

— Анча ўтди, бегоналашиб кетганда.

— Қаёққа кетган экан? — деди бола ўйланиб.

— Билмадим, бир марта тоғамларникидан битта зўр каптар олиб келганимда ҳам қўшишмаганди, кейин учиб кетган.

Бола ноилоҳж уйга қайтди. Каптар уни излаб излаб кетганини кўнгли сезгандай.

— Энди уйни тополмайди, — дея ўйлади бола. — Ахир, ҳаммаси бир хил кўп қаватли уйлар. Агар адашиб Самад сингариларнинг қўлига тушиб қолса борми, роса қийнайди. Бир марта мактабдан қайтаётганларида Самад дайди мушукни тутиб олиб азоблаганди. Ўшанда болалар зўрға Самаднинг қўлидан мушукни тортиб олиб қутқариб қолишганди.

Бола бир оз ўйлари атрофни айланиб, ахтарди. Сўнг, балким, уйини топиб боргандир, деган ўй билан чордоққа чиқди. Не кўз билан кўрсинки, каптарга ясалган уя бузиб ташланганди. Бола баттар вашланди. Демак, Оқлопукни томда сақлаётганини онаси сезган, сўнг уяни бузиб ташлаган. Боланинг ўйлаганлари ҳақ бўлиб чиқди, уйга кириб келиши билан онаси сўроқни бошлади.

— Мен ишда, даданглар ишдалар, сен бўлсанг қаердаги каптарни топиб олиб томда юрасан, хўш, ўша каптарни учираман, деб томдан тушиб кетсанг нима бўлади, биласанми?

Бола онасининг тинимсиз гапириб, бераётган саволларига жавоб бермади, индамай эшитди. Бирон нима деб онасинг жаҳлини чиқарса баттар бўлишини биларди. Кечки овқат пайтида қутилмаган воқеа содир бўлди. Ҳаммалари ошхонада тамадди қилиб ўтиришарди, бирдан Оқлопук учиб келиб деразага қўнди. Хонадаги можародан беҳабар қуш аста ичкарига ўтди. Онаси қошиқни зарда билан косага қўйди-ю ўрнидан турди. Каптарни ушлаб, янги туфлидан бўшаган қартон қутичага солди-да, қайтиб келиб ўтирди. Бола ҳайрон бўлиб онасига тикилиб турарди.

— Эртага ишга олиб кетасиз, — деди онаси эрига қараб. — Ўша ёқларда бирон тудага қўшилиб кетар.

Бола овқатини емади. Ҳар доимгидай онаси ҳам зўрламади. Бола онасининг феълани биларди. Гап қайтариш беҳуда, айтганини қилмасдан қўймасди.

Эртасига дадаси каптарни ишхонасига олиб кетди. Бола бирдан ўзгариб қолди. У дунёдаги энг азиз нарсасидан ажралганди. Осмонга учганда завқ бағишловчи оппоқ каптари энди йўқ эди. Орада икки кун ўтди, бола каптарини унитолмади, уни қўмсарди, чордоққа қараб, каптари билан ўтказган дамларни эслаб хўрсиниб қўярди. Учинчи куни мактабдан қайтиб уйга келганда деразанинг орт томонида турган Оқлопукга кўзи тушди-ю қувониб кетди. Сумкасини улоқтириб деразани очди. Каптар ҳам шуни кутиб тургандай ичкарига учиб ўтиб боланинг қўлига қўнди.

— Охири топиб келибсан-да, мен сени тополмайсан, деб ўйлагандим, — дея бола бир ҳовуч дон олиб каптарга тутди. Каптар донни тез-тез чўқир, очиққани кўриниб турарди.

— Мендан хафа бўлма, ойимнинг одатлари шу, бир нарсани йўқ, дедиларми, тамом, баҳслашиш беҳуда, — деди бола каптар худди уни тушунаётгандай гапираркан.

Каптар эса шошиб дон чўқилар, боланинг ҳовучидаги дон токчага тўкиларди. Бола яна бир ҳовуч дон олиб келиб токчага тўқди-да, вақтни ўтказмаслик учун чордоққа йўл олди. Тездагина яшиқдан уйча ясади. Онаси ишдан қайтгунча Оқпопукни яширишга улгуриши керак эди. Шундай қилди ҳам. Онаси ишдан қайтганда, ҳеч нарса бўлмагандай ўзини тутди. Ва, лекин, сир очилди. Онаси дераза тоқчасида қолган дон ва бир донга патни кўргач, болани чақирди.

— Бу нима? — деди дераза тоқчасини кўрсатиб. — Яна қайтиб келибди-да, ё бу бошқасими?

— Ҳа, — дея жавоб берди бола йиғламсираб.

— Кўнглим сезиб турибди, шу каптар сени бир балога йўлиқтиради, қаерда у? — деб сўради онаси жаҳл билан.

Бола ҳар галгидай жавоб бермади.

— Қаерда деб сўрайман сендан зумраша?! — дея дағдаға қилди онаси. Боланинг кўзлари ёшланди, лекин жавоб бермади. Онаси бу ҳолатга чидаб туролмай чордоққа чиқиб кетди. Бола нима қиларини билолмай ўйнинг ўртасида туриб қолди. Охири нима билан туташини шу ҳолатда кузата бошлади. Онаси чордоқдан каптарни олиб тушганда эшиқдан дадаси кириб келди. Воқеадан хабар топгач, ажабланди.

— Шунча жойдан топиб келганини қаранглар-а? — деди ҳайратини яширолмай дадаси.

— Тамом, вассалом, мана каптарни олгинда, ўзинг йўқот, агар яна бир марта кўрсам шартта бошини узиб ташлайман, — деди онаси каптарни болага тутқазаркан қатъий оҳангда.

— Балким ҳожати йўқдир? — дея аралашди дадаси.

Бола нажот излагандай дадасига тикилди.

— Нима, шу каптарни деб болангиз томдан йиқилишини истайсизми? Гапингизни қаранг, ўйлаб айтаяпсизми? — деди онаси ва болага ўтирилди. — Қани, бўл, тез, ўзинг биронтасига бериб юбор. Бола ноилож ташқарига чиқди. Каптарни бағрига босганча йиғлаб юборди. Бориб зинага ўтирди.

— Мендан хафа бўлма, энди сени чордоққа ҳам яширолмайман. Онамлар топиб олсалар аччиқ устида сени ўлдириб қўйишлари мумкин. Мен эса, бундай бўлишини асло истамайман. Қаерда бўлсанг ҳам майли, сени ўлдириб қўймасалар, бас.

Эшик очилиб онаси чиқиб келди.

— Ҳалиям шу ерда ўтирибсанми, бор, йўқол, йўқса уйга киритмайман, каптаринг билан чордоқда яшайверасан, — деди онаси овозини баландалатиб.

Бола ноилож пастга тушди. Каптарини бағрига босиб уйдан узоқлашди. У каптарни қаерга олиб боришини билмасди. Каптар ҳам ниманидир сезгандай болага кўзлари ёниб қарарди. Қандай қилиб трамвай бекатига бориб қолганини билмайди. Бекатда бир оз ўтирди. Трамвай келиб тўхтади.

— Сен мендан хафа бўлма, — дея аста каптарга гашира бошлади бола, трамвайнинг охирига бориб ўтираркан. — Уйга қайтариб олиб боролмайман. Ойимлар аччиқ устида сени ўлдириб қўйишлари мумкин, ойимлар шунақалар. Ана, ўртоғимнинг ойиси ҳамма нарсани боқишга рухсат беради. Менга эса мумкин эмас.

Бола борлиқни унутганди. Каптарига алланималарни пичирлаб ўтирарди. У болаларча соддалик билан Оқпопукдан узр сўрарди. Қушча эса ундан беҳабар, у болани тушунолмасди, дам болага, дам атрофга қараб эгасининг бағрида кетиб борарди. Трамвай сўнгги бекатга келиб тўхтади. Ҳамма тушиб кетди. Бундан беҳабар бола каптари билан дардлашарди.

— Ҳой болакай, бу сўнгги бекат, тушмайсанми? — деди ҳайдовчи. Шундагина бола ўзига келди, ўрнидан туриб, эшик томон юрди.

— Ў-ў-ў, каптаринг зўр-ку, сотмайсанми? — деб сўради ҳайдовчи.

— Йўқ, — дея бола трамвайдан тушди.

Охириги бекат шаҳар четида бўлиб, атроф дарахтзор эди. Нима қиларини билолмай каптарига тикилди.

— Қайтиб борма, майлими, биламан, сен мени яхши кўрсан, мени ҳам сендан ажралгим йўқ. Мени излама Оқпопук, агар ойимлар сени кўрсалар баттар жаҳллари чиқиб, сени бир нима қилиб қўйишлари мумкин.

Бола каптарига тикилганча гапирар, кўзларидан оқиб тушаётган ёшлар қушга тўкиларди. У узоқ гапирди. Каптарини яхши кўришини, ундан ажралишни истамаётганини айтди. Оқпопукни кўз ёши ювган юзларига босиб узр сўради, ияклари билан аста каптарнинг қанотларини силади. Сўнг уни учириб юборар экан, баралла йиғлаб юборди. Оқпопук боланинг ҳолатидан беҳабар кўкка учди, баланд кўтарилиб, ўмбалоқ ошиб бола томонга қайтар, унинг боши узра чарх уриб, яна кенг осмонга қайтарди. Бола эса йиғлаб ўтирар, неча ойлардан буён энг яқин ҳамроҳига айланган қушчадан айрилишини тасаввурига сиғдирилмасди. Унинг ўрнини ҳеч нарса босолмаслигини сезиб ич-ичидан йиғларди. Бола каптарни кузатарди, қуш болани қувонтириш учун янада баланглаб уча

бошлади. Бола худди шу ҳолатни кутиб турганди. Қуш уни ташлаб кетаётганини кўриб қолишини истамасди. Каптар булутлар томон учиб, кўздан йироқлашиб, миттигина бўлиб қолганда, бола чопиб трамвайга чиқиб олди. Каптар одати бўйича дам пастлаб, дам баландлаб учар, бола кўринмай қолгач эса, ер узра шўнғиб уча бошлади. Бола трамвайнинг орқа ўриндиқлари орасига яшириниб олди. У қушча кўриб қолишидан чўчирди, каптар чарх уриб трамвай бекати узра уча бошлади. Оқпопук аввалги сокинлигини унутганди, чарх уриб, турли ўйинлар кўрсатиб учмас, атрофига аланглаб, болани ахтариб қанот қоқарди. Ниҳоят, трамвай ўрнидан кўзгалди. Каптар эса баландламас, болани атрофдан ахтариб учарди.

Бола уйга кўзлари қизариб кетган бир алфозда қайтди. Эртасига мактабга отланиб уйдан чиқиб кетди-ю, трамвайга ўтириб сўнгги бекатга борди. Каптарини узоқ ахтарди, балким шу атрофдадир, деган ўй билан дарахтларни бирма-бир кўздан кечирди, тополмади. Уйга кеч қайтди. У ҳаловатини йўқотганди. Орадан кунлар ўтди. Дарсдан сўнг бола бир неча мартаба трамвайнинг сўнгги бекатига бориб, каптарини ахтарди. Лекин Оқпопукни тополмади.

Бутун ҳам бола одатдагидай мактабдан қайтиб, уйга кирди. Ошхонада онаси тайёрлаб кетган овқатга қараб ҳам қўймади. Сумкасини йўлакка ташлаб ётоққа кирди. Шунда бирдан дераза тоқчасида ўтирган каптарига кўзи тушди. Шошиб бориб деразани очди. Ҳар доим унга интиладиган қуш бепарво тикилди. Қўлларини чўзган эди учиб четроқдаги кир ёядиган аргамчига бориб қўнди. Бола ҳайрон бўлиб унга тикилди. Каптарнинг очикқанлиги, бир оз кирланганлиги шундоқ кўриниб турарди. Бола шошиб дон олиб чиқди-да, дераза тоқчасига сепди. Каптар бир қараб қўйди-да, ўрнидан кўзгалмади.

— Мендан хафа бўлдингми? — деди бола астойдил дераза тоқчасига чиқиб ўтираркан. — Ахир, мен атайин сени ташлаб келганим йўқ. Ойимлар мажбур қилдилар, нега тушунмайсан, агар менда ихтиёр бўлганида ҳеч қачон бундай қилмасдим. Биламан, неча кундан буён саргардон бўлгансан, кел, очикқандирсан, ма, дон еб ол, мендан хафа бўлма. Сени энди ташлаб келмайман, бирга бўламиз, майли, мени ойим уйдан ҳайдаб юборсинлар, бирга чордоқда ётамиз, энди сендан ажралмайман. Кел, энди, мен сени соғиндим, сени излаб трамвай бекатига неча марта бордим, тополмадим.

Бола қатъий аҳд қилганди. Энди нима бўлса ҳам каптарни хафа қилмасликка сўз бериб, қушга тикиларди. Каптар эса, аргамчига қўнганча дам осмонга, дам болага қараб қўярди. Бола анча ялинди, каптар деразага яқинлашмади ҳам. Оқпопук кутилмаганда учиб осмонга кўтарилди, сўнг қайтиб дераза ёнидан чарх уриб қанот қоқиб ўтди. Каптар бу ҳолатни бир неча марта такрорлади-да, узоқлашди. Бола қайтар, деб умид билан каптарнинг ортидан тикиди. Қуш қайтмади, бола йиғлаб юборди. Деразадан каптар учиб кетган томонга қараб ўтираверди. Кеч кирганда ҳам каптар қайтмади. Бола йиғлаб, кароватга ҳам чиқмай гиламда ухлаб қолди.

Ишдан қайтган онаси болани гиламда ётганини кўриб шошиб қолди:

— Вой ўлмасам, сенга нима бўлди? — дея уни кароватга ётқизди. — Бирон жойинг оғрияптими болам?

— Йўқ, — деди бола онасига қараб.

Онаси кафтини боланинг пешонасига қўйди.

— Иситманг борку, ҳозир дори бераман, — дея эшик томон юрди.

— Мен катта бўлганимда ўғлимга каптар боқишга рухсат бераман, — деди бола йиғламсираб.

Онаси тўхтаб қолди. Аста боланинг ёнига қайтиб, кароват четига ўтирди, лекин, боланинг ўкинчли боқишларига дош беролмай ўрнидан турди.

— Энди каптарим ҳеч қачон қайтиб келмайди, — деди бола овози титраб.

Ўғлининг бу ҳолатини кўрган она бирон жўяли гап айтишга ожиз эди. Бола тескари ўтирилиб, кўрпача билан бошларигача ўраниб олди, у йиғларди, ўксиб-ўксиб йиғларди. Бола каптарини соғинарди. Бир неча мартаба тушига кирди. У Оқпопукни узоқ кутди. Лекин, Оқпопук бошқа қайтиб келмади.







# МУШОИРА ЭТАДИ ДАВОМ

Марҳабо Собирова

\* \* \*

Узун йўл қўйнида севинч ҳилтирар,  
Салом айтар дарахтларнинг қадди дол.  
Соғинчин пойимга тўшаб югурар—  
Суврати қалбимга чизилган аёл.

Мени кўриб қушчалар ин қуради,  
Туполончи укам жабрини тортиб.  
Оқшом ишдан чарчаб қайтади отам,  
Куз ёшларин менинг кўзимга артиб.

Қачон келишимни еллардан сўраб  
Анорин асрабди Норбийи момо.  
Момога айтолмай яширин дардин  
Кўшни бир йигитнинг юраги хино<sup>1</sup>.

\* \* \*

Кўзимга қадама сукутни жоним,  
Сукутни аллалаб кўзларим толди.  
Ой беркинди, номингдаги эртақлар  
Оқшом— сағир туннинг қўйнида қолди.

Дарахтлар— оқшомнинг тилсиз гувоҳи,  
Бағрида армоннинг суврати қолди.  
Шивирлаб сукутнинг сунгги гуноҳин,  
Кўкка буй чўзган терақлар толди.

\* \* \*

Иложсиз тўкилар япроқлар заъфар,  
Еллар хазонлардан гилам тўқийди.  
Дарахтлар аламдан аччиқ куй чалар,  
Маҳзун барглариға виро ўқийди.

Шамол япроқларнинг сунгги умидин  
Олис ўлкаларга олиб кетади.  
Хазонли маъводан келган бу фарёд  
Бир лаҳза дилимга қўниб ўтади.

ШАМС НАРЛАРИДААН ДАР  
САОДААН

<sup>1</sup> Хино — хун маъносида.

\* \* \*

*Ўртар дилимни ҳижрон, ҳижрон шириндан-ширин,  
Эй лаби ғунча хандон, хандон шириндан-ширин,  
Бузилди аҳду паймон, паймон шириндан-ширин,  
Парво қилмайди жанон, жанон шириндан-ширин.*

*Кўзларида аксим бор, яширсайди кўзига,  
Дилимдаги ишқини чиқармас ҳеч юзига,  
Мен-ку, майли, мен ғариб, қийин қилар ўзига,  
Чиқарсанг-чи ёр забон, забон шириндан-ширин.*

*Алдамчи ёр алдади, узун ташлаб арғамчи,  
Юрагимни титратган ёлғонмикан ё қамчи,  
Сизиб-сизиб оқади юрагимдан қон томчи,  
Бунча гўзал бу ёлғон, ёлғон шириндан-ширин.*

*Ишониб қолдим сенга, дилда ишқим туфайли,  
Бўлолмадим мен— Мажнун, бўлсанг ҳамки сен— Лайли,  
Алдовлар дунёсида алданиб яшай майли,  
Сен бўлдинг менга армон, армон шириндан-ширин.*

*Қирққа кирмай қийноғинг қаддимни қайирди ёр,  
Дўстларидан Муҳаммад Умарни айирди ёр,  
На ёр қолди ва, на дўст, қолди ва, на-да ағёр,  
Ўзинг бўл дардга дармон, дармон шириндан-ширин.*

\* \* \*

*Чорла, бу кеч ёр қошингга, висолдин анжуман қилғил,  
Кўзим фақат сени кўрсун, кўз ўнгимни туман қилғил.  
Қаҳратондай қаҳирли дил, дилни айла ишқингга қул,  
Билсанг, ҳижрон захри қотил, кўнгишларни чаман қилғил.*

*Елдай елиб ўтар ёшим, тугади сабру бардошим,  
Аламлардан чиқмас бошим, мушкулимни осон қилғил.  
Тилга келмас тайинли сўз, дўст бўлолмас кўзингга кўз,  
Алдаб кетди кўздайин дўст, дардларимга дармон қилғил.*

*Савобимдан кўп гуноҳим, ишқ-сиғинган саждагоҳим,  
Ишққа сажда қилган чоғим, ишқдин сен ҳам Ватан қилғил.  
Ишқингга ким шоҳу султон, мен— гадойинг, ўзинг— ҳоқон,  
Бир танга сен бўлолсанг жон Муҳаммадни кел, тан қилғил.*

## Сулаймон Ҳайдар

\* \* \*

*Хаёлимдан ёниқ чехранг фаромуш бўлмагай ҳаргиз,  
Туш, ўнгимда ёдинг, бу кўнглим тўлмагай ҳаргиз.*

*Сенга бегона ишқимдан, юзим намдур сиришкимдан,  
Кўзум уйқуни истар, лекин, уйқу келмагай ҳаргиз.*

*Дилин дардлар хароб этган, аламни ихтиёр этган,  
Киши андуҳ чекар, аслоки, шодон ўлмагай ҳаргиз.*

*Ғам-андуҳни унутмоқ-чун, яқин бир-бирга келмоқ-чун,  
Кулар кўзлар-ку, аммо, бу диллар кулмагай ҳаргиз.*

*Ажиб шмо қилур лабинг, баландпарвоз эрур таъбинг,  
Буки, мен қалби шайдони назарга шлмагай ҳаргиз.*

*Сенинг қошингда йўқ қадрим, Сулаймон қолмади сабрим,  
Деса рост, чунки зугмингни бегона билмагай ҳаргиз.*

\* \* \*

*Келур жонимга боз бот-бот, кеча-кундуз жафо сенсиз.  
Рафиқ сўзига муштоқ, мен, бўлибдурман гадо сенсиз.*

*Юраги хаста беморинг, нетаймен, кунда бедоринг,  
Соғинтирди гулузоринг, бўлибдурман адо сенсиз.*

*Ёшим оқса ювилгай юз, фақат унсиз тикилгай кўз,  
Топай қайдин демакка сўз, тилимга иқтидо сенсиз?*

*Бошим узра хусуматдин, чиқолмасдин уқубатдин,  
Ғаним бошимга тухматин тузибди иштиро сенсиз.*

*Айб этма, ишқ гадо қилди, Сулаймон кўп хато қилди,  
Ки, дардлар мудоао қилди, топилмаиди шифо сенсиз.*

## Наргиза Асатбек қизи

\*\*\*

*Кўчангизга гуллар экилган,  
Гултожшю гулисафсарлар.  
Улар яшар, гулдек умрида  
Учрагани ишқ деб атарлар.*

*Атиргуллар бўса тутади,  
Утган-кетган йўловчи елга.  
Мойчечаклар кулиб боққанда,  
Шаҳд бойлайди болари белга.*

*Кўчангизни яхши танийди,  
Райҳон исин суйган шалола.  
Шу ерликдек тутар ўзини,  
Тондан тушган қирмизи лола.*

*Фақат бир гул осуда, маъюс,  
Кўёшга-да бермас ўзини.  
Гул бўлса-да сурати хаёл,  
Уйингиздан олмай кўзини.*

*Кўклам чоғи ошиқиб келди,  
Соғинганми... бағри сап-сарик.  
Билсангиз, гар, сизни ушбу гул  
Бекангиздан суяди ортиқ.*

*Гумон қилманг гулбеорлардан,  
Эргашимайман изларингизга.  
Фақат, баҳор тугаб боряпти—  
Боқиб қолинг Наргизингизга.*

*Кўчангизга бир гул экилган...*

\*\*\*

*Автобуслар ўтиб, қайтади,  
Пойтахтнинг кенг кўчаларида.  
Нигоҳингиз видо айтади,  
Ёзинг сўнги кечаларига.*

*Лабингизга томган ёш тахир,  
Кетиш, демак, кечани ютиш.  
Ортга боқманг, тўхтаманг, ахир,  
Бу бекатнинг қисмати— кутиш.*

*Бекат томон бесўз боқасиз,  
Уртамизда тилмочми ёмғир?  
Хаёл уммонида оқасиз,  
Бу уммоннинг мавжлари оғир.*

*Йўлингизда шубҳа кезади,  
Изингизда қолади хотир.  
Тезроқ боринг, кўнглим сезади,  
Уйингизда интиқ хавотир.*

*Тунчироқлар боқиб қолар зим—  
Намозишомлар йиғлаб очар юз.  
Бугун август, биз-чун азизим,  
Эрта чиндан бошланади куз.*

*Темирюрак элтади бизни,  
Автобуснинг манзили сўлдир.  
Олиб кетар трамвай сизни,  
Унинг йўли— узгача йўлдир...*

\* \* \*

Паришон хаёллар жунжикар, кузнинг—  
Хазонрез боғлари аро саргардон.  
Сенинг бир чақнамай сўнган юлдузинг  
Япроғлар оҳидан бағримда сарсон.

Энтикиб, сен томон талпинади дил,  
Қурбатинг пойида чўкканича тиз.  
Сен излаган ўшал қирқ ўрим кокил,  
Ҳижрондан қомати мункиллаган қиз.

Ўтинчлар— кўзлардан тўкилган маржон,  
Бағирни ўртайди озорлар атай.  
Ғамлар юрагимни қилади вайрон,  
Мен ичиб ўлмаган заҳри қотилдай.

Паришон кезаман, нигоҳимда муз,  
Хаёлим хазонрез ичра саргардон.  
Мен— ҳамон осмонда ҳиллолдек ёлғиз,  
Мен— ҳамон висолга етмаган армон.

\* \* \*

Оёғим остида бир парча юрак  
Жонсарақ бир ҳолда типирчилайди.  
Кўксимда зориққан соғинчни сийлаб  
Оққушлар самодан мени излайди.

Осмон тунд, бағрида чанқаган фалак  
Оймома қизига сўрар июнат.  
Замин атрофимда гирдиқапалак,  
Шамс нурларидан элар саодат.

Кўксим теграсида парвона руҳим,  
Вужуд саҳнасида айланади жон.  
Юракнинг шиддатли силсиласида  
Муаллақ осилиб яшайди имкон.

## Ғайрат Абдурахмонов

\* \* \*

Юракка нималар ёзилган,  
Сехрли нолалар биладир?!  
У-да ишқ ёди-ла эзилган  
Кувончу аламга тўладир.

Гўзалдир юрак-да яшаган:  
Ишқ ила, дард ила, бахт ила.  
Нима бор юракка ўхшаган  
Муҳаббат ўтирган тахт ила?!

Уни-да, қийнайди сўровлар,  
Алдовлар, ёлғонлар, тугунлар.  
Унга-да, ўхшайди оловлар,  
Осмонлар, уммонлар, тўлқинлар.

Юраги чиройли инсонлар  
Сақлайди юракда чаманни,  
Чаманда ўқилар дostonлар,  
Чаманда расми бор Ватаннинг.

\* \* \*

Қисиниб, қимтиниб яшайсан жоним,  
Қийиқ кўзларингга боқсам сезилар.  
Уйласам, қийналиб боряпти жоним,  
Қалбим рубобининг тори узилар.

Оҳ, сенинг вужудинг титрайди бунча,  
Оҳ, менинг қалбимни босади туман?!  
Кўзингда йилт этган бахтни кўргунча  
Пойингда хазондек тўзғиб кутаман.

Ул қаро кўзингда, бир маҳзун мағно,  
Ногаҳон тоғдай юк эзди дилимни.  
Эй фалак, ҳозиқсан ва, лекин, аммо  
Нечук изтиробга кўйдинг гулимни?

Кўнглим ўртаб учар кузги турналар—  
Товуши тирноқдек тирнар ярамни.  
Фиғоним гўёки кўкка ўрланар,  
Қорақўз, кўзинг-ла сўзла чорамни.

Бир гўзал насимни иштайман ёлғиз,  
Итқитиб дилимдан иқир-чиқирни.  
Ичимда яшайман сен-ла, қорақўз,  
Қўлларингдан тутиб, кезиб адирни.



Муҳаммад Али

# УЛУҒ САЛТАНАТ

Тарихий роман<sup>1</sup>  
Иккинчи китоб

Умаршайх Мирзо

Ўн учинчи боб

## I

Гарчи Тўхтамиш ўғлон ишлари бир қараганда юришиб кетгандай кўринса ҳам, Соҳибқирон назарида ҳали оламга жар солгудай даражада эмас эди. Юрт дориломонлик палласига кирди, энди мамлакат ободончилиги билан шуғулланишга фурсат етди. Юртни фарзандлар обод этмоғи лозим, ишни Кешдан бошлаши керак... Кўпдан шундай паллаларни кутар эди Соҳибқирон...

Шундай деб турганда, Хоразм томонларга вазиятни ўрганиш учун пинҳон юборилган ва салкам олти ойча Хоразмда бўлган Аббос баҳодир Қипчоқ нохуш хабарларни олиб келди. У Хоразмдан қайтганидан сўнг қаттиқ бетоб бўлиб ётиб қолди, оёққа турганча бироз вақт ўтди... Кейинги икки йил ичида Хоразмшоҳ Юсуф Сўфи бир неча марта Бухорога ва Котга қўшин юбориб, юрат қилибди, қўлига нима илинса олиб кетибди. Умуман, Хоразмшоҳда ҳали ҳам аввалгидек ёғийлик кайфияти ҳукмрондир, ҳатто бу нарса баттар кучайгандек ҳам туюлади...

Амир Темур бунга ортиқ чидаб бўлмаслигини, Хоразмшоҳга зудлик билан расмият юзасидан бир элчи юбориш лозимлигини англади. Элчи нуфузли кишилардан бўлмоғи керак... Унинг фикри Давлатшоҳ бахши уйғурда тўхтади. Соҳибқирон Давлатшоҳ бахши уйғур билан Умаршайх Мирзонинг Жаҳонгир Мирзо ҳарами Бахт Малик оқага уйланиш тўйида кўришди. У Хоразмшоҳ Юсуф Сўфи билан нималар ҳақида гаплашишни тайинлади. Милодий 1377 йил кузида, мезон бошида Давлатшоҳ бахши уйғур Хоразмга жўнаб кетди.

Бахт Малик оқа ҳали ҳануз амирзода вафотидан сўнг ёлғиз яшарди. Қутлуғ Туркон оқа Соҳибқиронга шу маслаҳатни берди, эски удумларимиз бор, ака ҳарами унинг вафотидан кейин укага раво кўрилса мақбулдир, деди у. Чунки, набира Пирмуҳаммад Жаҳонгир

<sup>1</sup> Давоми. Боши ўтган сонда

катта бўлмоқда, валиаҳднинг ўғли, ахир... Наҳотки, етим бўлиб энди кимсанинг ўғлига қараб қоладир?..

Соҳибқирон эгачи маслаҳатига рози бўлди.

Тўйдан кейин, саратоннинг ўрталари эди, Амир Темур қурбон ҳайити арафасида Кешга боришга қарор қилди, Сароймулкхоним, Хонзода хонимларни, Муҳаммад Султонни ўзи билан бирга олиб кетди... Икки яшар Муҳаммад Султон Холдона биби қўлида маофада эди.

Амир Темур Шайх Шамсиддин Кулол, Тарафай баҳодир ҳамда Жаҳонгир Мирзо мазорларини зиёрат этишни кўнглига тукканди. Ётганларнинг пок руҳларига қурбонликлар қилиниб жонликлар сўйилди, худойиларда дуо-ю тиловатлар янгради. Шаҳрисабз аҳли оқиб келди, Соҳибқирон мискину бечораларга хайру эҳсонлар кўргизди, ҳайитликлар тарқатди, фуқаро-ю мустаҳидларга ҳадя-ю садақалар улашишда саховатда ягона бўлди. Шаҳрисабз ҳокими Амир Мусо ҳамини Соҳибқирон ёнида юрди. У Шайх Шамсиддин Кулол ҳовлисига қўшни уйда истиқомат қиларди, ҳоким ўз уйига таклиф этганда Соҳибқирон негадир рад жавобини берди.

Маликалар зиёрат сўнгида Жаҳонгир Мирзо қабри томон йўналдилар. Сароймулкхоним Хоразм маликасининг соғона бошига ёлғиз кириш одати борлигини яхши биларди, шунинг учун зиёратни ўзи бошлаб берди. Кейин Хонзода хонимга навбат етди. У Самарқандда эканликларида икки йилдан бери кўз қорачиғидай асраб келган, Жаҳонгир Мирзонинг доимо юрак устида тақиб юрадиган уч бурчак қора баҳмал туморини йиғлай-йиғлай икки ёшли ўғилчасининг бўйнига осиб қўйди...

Малика бу гал ёлғиз эмас, Муҳаммад Султонни етаклаганча соғонага яқинлашди. Қурбон тиловатидан сўнг, қабрнинг совуқ тошларига гунчадек лабларини босди, нозик қўллари билан соғонани силаб чиқди, у-бу гўборлардан тозалади... Кўзларидан эса тинимсиз ёшлар оқарди.

Шу ерда ҳали-ҳануз учрамаган бир ҳол юз берди. Ҳар гал тиловатдан сўнг, қабрни тавоф қилиб, йиғлаб-йиғлаб чиқиб кетаверар эди. Бу сафар нечундир биринчи марта бошини кўтариб тепага қаради. Шифтда Муҳаммад Мустафо ҳадисларидан бири ёзиб қўйилган экан: "Ал-оқилу яъатамиду ала амалиги, Вал-жоҳилу яъатамиду ала амалиҳи"<sup>43</sup>... Хонзода хоним унинг маъносини тушунди, тушунди-ю бутун аъзои бадани жимирлаб кетди! Рост, ҳою ҳаваслар қайдадир қолдилар, уларга ишониб яшамоқ нодонликдир, ақлли бўлмоқ керак, ақлли!..

Шўрпешона малика ёрининг соғонасини кучоқлаб, унсиз-унсиз йиғлади. Йиғлар экан, не-не армонлари унинг атрофида мунгсираб турганини ҳис этди... Муҳаммад Султон эса ҳеч нарсадан беҳабар мақбара ёнгинасида тетапоя ўйнаб юрарди...

## II

Амир Темур кийимларини ўзгартириб, дарвиш бўлиб, бошида тит-питиси чиқиб кетган кулоҳ, эгнида уриниброқ қолган жанда, бозору маҳалла-гузарларни айланиб чиқди. Бу унинг одати эди, у ҳар гал келганда шундай қиларди, ҳамма нарсадан холи бўлишни, вақти-вақти билан танҳо кезиб, подшоҳ эмас, Аллоҳнинг бир бандаси сифатида дунёга қарашни истарди. Самарқандда ҳам ҳеч кимга билдирмай, йилда бир шундай қилиб турарди, бозорлардаги нарх-навони кузатар, одамларга қарар, карвонсаройларга борар, тақяхоналарга кириб гапларга қулоқ соларди... Шаҳрисабзда Симхона, Чақар, Дегрез, Кўкнорихона, Кунчиқар, Ҳазрати Имом ва бошқа маҳалларни кезди. Ҳамма жудурвоқи дарвишга ҳайрат билан қарар, чурвақа болакайлар ортидан эргашишиб: "Дарвиш бобо! Дарвиш бобо!.. Таёғингизни беринг! Таёғингизни беринг!.." деб тегажовлик қилишар, гоҳ-гоҳда:

Анави бовани-я,

Кўзи олани-я.

Хом ошқовоқ,

Елпиш товоқ! — қабилда қўшиқ ҳам айтиб қўйишарди.

Ҳазрати Имом маҳалласига борганда болакайларни кўрибми, болалигини эслаб кетди. Уша пайтлар ҳов анови эски масжиднинг орқа томонидаги кенг майдонда жаъми болалар йиғилишиб "подшо-вазир" ўйнашарди. Темурбек подшо бўларди, бошқа болалар эса доно вазиру жасур амир вазифасини адо этишарди. Ёрочу қамишдан "одам" ясардилар. Подшо унга ҳар хил иш буюриб, фармон қиларди. "Одам" ёрлиққа қулоқ солмай, гуноҳга йўл қўйгач, подшо томонидан: "Боши кесилсун! Токи жаҳон аҳли кўриб, бундан кейин бирон кимса ўзбошимчалikka юз бурмағай, шаҳаншоҳ ҳукмидан чиқмағай!" дея фармон бериларди. Шундан сўнг ҳалиги "одам"нинг бошини кесардилар....

Кеш шаҳри... бурунлардан уламои исломнинг марказларидан эди. Бундан беш юз йиллар аввал яшашган машҳур муҳаддислар - Абу Муҳаммад аш-Кашший, Абдураҳмон ад-Дорамий, Муҳаммад ал-Бухорийлар бу ерни ватан қилганликларини Соҳибқирон яхши биларди. У маҳалларда диний масалалар тагига етмоқ учун атроф олам — ҳатто Машҳаду Нишопурлардан ҳам кишилар бу ерга оқиб келардилар. Муҳаддисларнинг дарслари ҳамиша гавжум кечарди. Шу важдан ҳам Кешни "Қуббатул илм вал адаб" — илм ва адаб қуббаси, деб улуғлардилар. Баҳор вақти шаҳар атрофи кўм-кўк тусга киради, Шаҳрисабз деган ном шундан пайдо бўлган...

Ҳазрати Имом деб аталадиган зоти бобаракот Абу Муҳаммад аш-Кашший қабри худди мана шу ерда... Қабр атрофида бинолар қурилмоғи жойиз, масжид бунёд этилмоғи зарур. "Дорус-сиёдат" деб номланадиган бу маскан Амир Темурнинг ўз ҳазирасига<sup>44</sup> айланмоғи лозим. Инчунин, Жаҳонгир Мирзони шу ерда дафн этдилар, сўнг маҳобатли мақбара қад кўтарди. Нарироқда Соҳибқирон ўзи учун бир дахма тиклатмоғи керак... Ҳеч ким бу дунёга устун бўлмаган, бўлолмайдиган ҳам. Вақти келиб, Аллоҳ ҳузурига қайтса, то рўзи маҳшаргача она шаҳри бағрида тинчгина ётсун...

Соҳибқирон ҳассасини дўкиллашиб кезиб юраркан, шаҳарнинг шимоли-шарқидаги бош майдонда, аслзодалар маҳалласи ёнида бир лаҳза тўхтаб қолди. У она шаҳри Шаҳрисабзни яхши кўрар, дунёдаги энг доврқли шаҳарлардан бири бўлиши керак, деб ҳисобларди. Қараса, ҳали ундай бўлишига анча бор экан. Шаҳарларнинг кўрки - унинг муҳташам бино-ю иморатларида... Бундай иморатлар эса ҳозирча Шаҳрисабзда йўқ.. Соҳибқироннинг бир орзуси бор. Даставвал худди шу ерда маҳобатли сарой бунёд этилиши лозим. Амир Темур барини ўйлаб қўйган. У беихтиёр хаёлларга берилди...

Қурилажак сарой жуда улғувор, буржлари гўзал бўлади, баландлиги олтмиш газдан ошади. Унда гумбазли девонхона, турли бўлмалар, ҳарам жойлашади. Деворлари, беҳисоб хоналари турли ислимий гириҳлар, нақшларни ўзида акс этдирган сиркор парчинлар билан қопланади. Гумбаз ичи ва ташқи айланаси нақшинкор кошин-ғиштлар фусунидан гаройиб манзара касб этади. Бурчақлардаги силлиқланган ғишт ва феруза парчинларда ёзилган куфий хатлар билан безанган миноралар худди йўтон маҳобатли кўк белбоққа ўхшаб кетиши лозим. Фақат куфий эмас, сулс ёзувлари ҳам ишлатилади, турли ранглар уйғунлашиб, жилвалар ичра инжа ёғдулар таратиб туради... Анвойи ранглар ой ёруғида ярқ-ярқ этиб жилоланиб оқариб кўринадиган бўлсин, ярақлаши атроф борлиқни ёритсин, номи шундан "Оқсарой" деб аталсин... Сарой тепасида бунёд этиладиган ҳовуз доим зилол сув билан лиммо-лим тўлиб туради. Кўрғошин қувурларда Тахти қорача довонидан олиб келинадиган сув ҳовуздан ошиб шаршара бўлиб паства тушади... ва ҳовлидаги ранг-баранг балиқлар сузиб юрадиган нақшинкор кошинлар билан қопланган ҳовузчаларга бориб қуйилади... У барчасини якқол кўриб турибди.

Амир Темур ширин энтиқди... У шу кунларда негадир маъюс эди, Тўхтамиш ўғлондан ҳали хабарлар йўқ, иши бу гал ўнгидан келдимикин, шундан яна кўнгли нотинч, Хоразмга элчи юборди-ю, натижаси қандай бўларкин?..

Соҳибқирон хаёлларни нари қувиб, атрофга назар ташлади. Ажабо,

Шаҳрисабз чеккасидаги пирлари Шайх Шамсиддин Кулолнинг чорбоғига келиб қолибди. Бирдан, бундан йигирма беш йиллар чамаси нарида юз берган воқеалар эсига тушди. Ўша чорбоғ, ўшанда ҳам саратон эди, Шайхнинг уйига дарахтлару гуллар орасидан кириб бориларди, йўлак бошида ҳовлидан берироқда кичиккина ариқ оқиб ўтарди. Ариққа иккита энсиз ёғоч ташлаб қўйилганди... Ва унда қирқ кокил сулув қиз сув ўйнаб ўлтирарди...

Ҳа, бари хаёл бўлиб қолди, энди улар йўқ...

Боғ ҳамон ўшандай гўзалмикин, гуллар очилиб-сочилиб ётибдимикин?.. Киши ҳаминша болалигига қайтишни истайди, хотираларини титкилашни яхши кўради. Соҳибқирон беихтиёр йўлакка бурилганини билмай қолди. Юриб борар экан, шу палла йўлакнинг бошида уни нималар кутаётганини етти ухлаб хаёлига ҳам келтирмас эди.

Уни инсон ақли бовар қилмайдиган фавқулодда мўъжиза кутарди!

Йигирма беш йиллар муқаддам қўлида тол хипчин тутиб ўтган ўн беш ёшли йигит энди ҳассага суюнган қирқ икки ёшли "дарвиш" бўлиб борарди. У фарқ пишган меваларга, олтиндай олмалар, нок-нашватиларга қарар, боғ ўша-ўша, аввалгидан ўзгармагандай эди. Соҳибқирон бундан ажабланди.

У бепарво йўлак бошидаги ариққа яқинлашди-ю қотиб қолди! Кўприкнинг ёнида қизил баҳмал дўппи кийган, сочлари майда ўрилган ўн олти-ўн етти ёшлар чамасидаги бир қиз лим-лим тўлиб оқаётган ариқни томоша қилиб сув ўйнаб ўлтирарди. Қиз эгилганда уч-тўртта чилвир сочи сирғалиб сувга тушар, ҳар сафар ҳафсала билан уларни орқасига ташларди. Кўзлари шахло, суюкдук, юзлари ширмой нондай хушрўй бу қиз шунчалар гўзал ва истарали ширин эдики, Амир Темур унга боқди-ю кўзини ололмай қолди...

Халлоқи безаволга салламно! Бу — ўша қиз эди, йигирма беш йиллар аввал кўрган, ўзига муътало қилиб қойиб бўлган фаришта! Ўша қиз... Йўқ,... у эмас, аммо ушанинг нақ ўзи! Фақат унда дўпписи кўк эди, энди эса, қизилидан кийиб олибди...

- Исмингиз нима экан?.. — сўради энтиқиб Амир Темур, аввал исмини билиб олмагани эсига тушиб.

Одатда, дарвишу қаландарлардан кўрқиб чўчимасдилар, уларга худонинг беозор бандаларидай қараларди. Қирқ кокил қиз, исмин дарвишга нима учун керак бўлди экан, деб ҳам ўтирмади, аввалгиданда жозибалироқ табассум ила жавоб берди:

- Туман оқа... - Шаҳрисабз ҳокими Амир Мусо жанобларининг ожизасимен... Онамлар Хўжанд ҳокими Амир Боязид жалойир қизи Орзумулк оқа бўладилар... — худди ўргатиб қўйгандай деди одоб билан.

"Ие!.. Амир Мусо ожизасимен, дейдирму?.. Орзумулк оқа қизи?... Вожаба!.." Унинг тобора ҳайрати ортиб борарди. Соҳибқирон азали тақдир хоҳиши шундай эканлигини дарҳол фаҳм этди. Йўқ эса, худо Амир Темур тилини боғлабасиймеф, дейдирму?... Ури бўлган нарсасини Туман оқа дилига жойларҳайрати ортиб борарди.

Ногаҳон бир воқеа Соҳанлигини дарҳол фаҳм қилди. Бундан ўн уч-ўн тўрт йил муқаддам Қарши қалъаси учун Амир Мусо қўшини билан жанг қилдилар. Бешафқат жангда инояти илоҳий шарофати, Амир Темур икки юз қирқ уч кишидангина иборат чериги билан Амир Мусонинг ўн икки минг кишилик қўшинини энгиб тўзитиб юборди, шаҳар Ҳисорини эгаллаб, аёлларини асир қилди... Талотўлда кўплар тумтарақай қочмоққа юз бурдилар. Иттифоқо, Орзумулк оқа, Амир Мусонинг ҳарами, Боязид жалойирнинг қизи, канизаклари билан Малик баҳодир деганнинг черигида қочиб борар эди. Соҳибқирон ёлғиз улар ортидан от қўяр экан, Малик баҳодирга қичқирди:

"Сенинг гуноҳингни кечдим! Хотинлар аросидан чиқ!.."

Малик баҳодир жон ҳолатда дарҳол тўдадан ажралиб бошқа ёққа кетди. Аёлларни кўриқлаб бораётган Ошиқ деган навкар орқасига ўтирилиб Соҳибқиронга кўзи тушди ва ёйини тўғрилаб мўлжалга ола бошлади. "Оббо!.. Борди-ю бу навкар отса, ўқ тегса, кейин Соҳибқирон бир хотин таъмаида ўққа учди дейдилар-да" — деб ўйлади Амир Темур ўзи олдида ўзи хижолат. Бу эр киши шаънига



ярашадурган иш эмас. Нима қилиш керак?.. Тўхтасинму? Ортага қайтсинму?.. Қайтса, қўрқди, дейди. Соҳибқирон учун бундай тавқи лаънатдан оғири йўк...

Шу пайт, қаёқдандир Давлатшоҳ бахши уйғур етиб келди ва қалқон тортиб, Ошиқ ортидан от қўйди. Саросимада қолган Ошиқ шоша-пиша Соҳибқиронга қараб ўқ отди ва, хайриятки, бу ишда беҳунарлиги ошкор бўлди: мўлжалга теккизолмади. Давлатшоҳ бахши уйғур "Ҳай-йо!.." деганча уларни қувиб кетди, аммо, ҳарчанд чиранса ҳам ета олмай қайтиб келди...

Парвардигорнинг чеварлиги шундан аён бўлдики, у пайтда Орзумулк оқа фарзанди саодатманда Туман оқага юкли эди, шу туфайли таадди<sup>45</sup> қўли уларга тегмади!

Соҳибқирон Туман оқани ҳарам соҳибасига айлантиришни кўнглига тутди. Тамом! У шу малак сиймони ўз аҳди никоҳига олади! Малак сиймо ҳарамининг безаги бўлади!

Чиндан ҳам, азалда ул давлатманда малакнинг аҳди Соҳибқирон толеи билан боғланган экан-да.. Амир Темур Аллоҳнинг иноятдан ҳайратда ҳанг-манг эди

Қўлларини сувга солган сулув қиз Соҳибқирон кўнглида кечаётган хаёллардан мутлоқ беҳабар жуддирвоқи дарвишга ҳамон табассум ила қараб турарди.

Амир Темур худди бошқа одамга айланиб қолгандай бўлди. Ётганларнинг руҳларини ёд этиб хайру садақалар қилганиданми ёки неча йиллар кутган армони ушалиб, қирқ кокил ойимчасини топиш насиб этганиданми, ҳарқалай дунё кенгайиб кетгандай туюлди назарида. У мамнуну масрур эди.

### III

Сарой хонимлари бу янгиликни эшитганларида ҳар кимнинг кўнглида турли фикрлар уйғонди. Ҳурилиқо канизақлар аллақандай гаш ва ҳасад билан қарадилар, маликалар ҳаяжонга тушиб қолдилар. Сароймулкхоним барчасини кузатиб турарди. У Дилшод оқада катта ўзгариш сизди. Саҳройи офатижон Дилшод оқа куюнчақлиги ичида, шунданми камсуқум эди, гапга ҳадеб аралашавермас, қоп-қора чиройли кўзлари кўпинча ерда бўларди. Аммо гапирса чақиб оларди.

- Ҳазратим... янги гунчага қўл узотибдиларму, хоним ойим?.. — тортиниоғина сўради Маҳди улёдан Дилшод оқа. — Ким экан?..

Уч йил олдин Соҳибқироннинг саҳройи офатижон билан тўйлари бўлиб ўтганди. Дилшод оқа кенжа малика ҳисобланарди. У ўздан олдингиларни иложсиз тан олар, аммо кейин келаётганларга бефарқ эмасди.

- Ҳа... — деди маъноли қилиб Маҳди улё. — Туман оқа бўламиз Амир Мусо жаноблари билан дугонам Орзумулк оқа зурёдлари... Бошига бахт қуши қўниб, олий назарга мушарраф бўлибди.

- Шунақа, денг?.. Бўлангизнинг қизлариму ҳали?.. — ажаблангандай сўради Дилшод оқа. — Оқа Беги хоним қайинсинглиси?.. Бахтини берсун...

Амир Қамариддин қизи кўнглида озгина ўксиклик борлигини Сароймулкхоним яхши биларди. Дилшод оқа ҳарамга келганига уч йил бўлмоқда, аммо ҳамон фарзанддан дарак йўк... Уша кунларда анови канизақ "лўп" этиб сухсурдай ўғил туғиб берса бўладими!.. Еш малика шундан кейин кўп эзилиб юрди. Энди бўлса, устига янги кундош келаётир... "Ноумид шайтон, дейдилар... Худо бериб қолар..." деб юпантирди саҳройи офатижонни бу савдоларни ўзи бошидан кечириб қуйиб кул бўлган Сароймулкхоним.

Маҳди улё бирдан Боғи Чинорда Наврўз кунлари сумалак сайли ўтказганини эслаб қолди. Барча маликалар, Соҳибқирон қизлари ва келинлари жам бўлдилар. Боғ ўртасидаги тубига зангор лаппакчалар қопланган ҳовуздан чап томонда гулбоғчаларга яқин ерда дошқозон осилди. Кун ҳам ажойиб, ҳаводаги аллақандай илиқлик олдинда қайноқ ёз келаётганига ишорадай туюларди. Оқа Беги хоним билан

Султон Бахт бегимлар толкучуқдан баргак қилишиб сочларига боғлаб олганларидан ҳамманинг ичида ажралиб туришарди.

Ўн иккига кирган Мироншоҳ Мирзо икки ёшли амирзодалар Муҳаммад Султон билан Пирмуҳаммад Жаҳонгирларни етаклаб олган, ҳовуз атрофида шовқин солишиб юришибди. Шоҳруҳ Мирзо эса энага қўлида йўрғақда...

Ўчоқ бошида қайвонилардай ўтирган Қутлуғ Туркон оқа узун капкир билан дошқозонни дамба-дам кавлаб қўяр, сумалак таги куймасин учун ташланган тошлар шалдираб овоз берарди. Бонуйи кубро маликалару келинчақлар, ёш-ялангларни ўз оғзига қаратиб, расулиллоҳ билан чорёрлар ҳаётидан, Биби Сешанба ривоятлари-ю, Биби Ойша розияллаҳу анҳу фазилатларидан ҳикоялар сўйларди. Айниқса, Ҳазрат Али билан Биби Фотима онамиз тўйлари ҳақидаги қиссалар ҳаммани ўзига маҳлиё этди-қўйди. Биби Фотимани узатиб бораётганларидаги ёр-ёрлар жаранглаганда маликаларнинг кўнгиллари ийиб кўзларида ёшлар пайдо бўлди... Улус оқа, Дилшод оқа ва Тағой Туркон оқалар ўчоқ олдида ўтга қарашар экан, қулоқлари бонуйи куброда эди. Бахт Малик оқа бир неча канизаклар билан нарироқда бир эмас, ўн сумалакка етарли тахлаб қўйилган ўтинлардан танлаб олиб ўчоққа ташлаб туришарди. Сароймулкхоним, Орзумулк оқа билан Хонзода хонимлар рўпарада туриб қасрни томоша қилардилар. Хоразм маликасининг ҳам Боғи Чинорга кўпдан бери биринчи бор келиши. Улар ўнг томонда тарвақайлаб ўсиб кетган чинорга боқишиб, чапда бўлган, энди эса йўқ чинорни эслашар, аммо ҳеч нарса дейишмасди... Ҳовуз олдида ипак тўшаклар ташланган, парқув ёстиқлар қўйилган дастурхон ёзилган сўри... Дастурхон ноз-неъматларга тўла, айниқса, Кониғил ёқларга, адирларга чиқиб териб келинган исмалоқ, жағ-жағ, отқулоқ, ялпиз ва бошқа кўклардан пиширилган сомсалар диққатни ўзига тортарди.

Шу палла юз берган бир ҳодиса эндигина қаймоқ боғлаб келаётган ширин суҳбатнинг белига тепди. Сароймулкхоним бор этакроғида эғнига пушти тўн ташлаган Дилшод оқа билан кўк абришим либосдаги Тағой Туркон оқаларнинг бир-бирларига тиклашиб турганларини кўриб қолди.

- Тағин кундошлар орасида галва чиқди шекилли, қиз... Тез борайлик... — оғриниброқ деди Маҳди улё...

Орзумулк оқанинг чиройли чеҳрасида ранжиш аломатлари кўринди. Икки дугона ўша томонга ошиқдилар.

- ...Энди битта туғиб бердим, деб бошимизга чиқиб олмоқчимусен?.. — дерди Дилшод оқа титраб-қақшаб, овози сал кўтарилиб кетаётганини ҳам сезмай. — Чиқиб бўлсен! Сени чиқариб қўядирган лақма йўқ, билдингму? Ҳадеб битта туғиб бердим, деб...

- Туғиб бердим!.. Ажаб қилдим! Хўб қилдим!.. — Тап тортмай тик қараганча тарсиллатарди Тағой Туркон оқа. — Яна туғиб берамен!.. Куйиб ўласен!..

- Беҳаё! Уятсиз! Қаланғи-қасанғи бўлмай ўл!

- Қаланғи-қасанғи эмасмен! Нуфузли маҳалла оқсоқолининг қизимен! Билмасанг, билиб ол!

- Шунақа де?.. Канизаклигингни унутма!

- Жа-а-а оқсўяқлардан экансен, нега туғмайсен? — Фигони фалакка чиқиб деди Тағой Туркон оқа. — Алам қиялптимми? Алам қилса, сенам туғиб бер! Билдингму?..

Бу гап Дилшод оқанинг жон-жонидан ўтиб кетди. Худди оғриб турган ярасига тив теккандай ҳис этди-ю, шартта Тағой Туркон оқанинг сочига ёпишганини билмай қолди! Канизакнинг қўли эса малика ёқасига чўзилди!..

- Ҳай-ҳай!.. Бу нима қилиқ?.. Айб эмасму?.. — ҳаяжонланганча деди етиб келган Сароймулкхоним. — Хайриятки, атрофда эшитадиган одам йўқ, ҳамма ўчоқ бошида... Бас қилинғиз! Биров кўрмасун тағин! Ҳазрат қулоқларига бу гап етса, нима деган одам бўламиз?..

Сароймулкхонимнинг секин, шивирлашдан баландроқ босиқ овози дарров малика билан канизакнинг эс-хушларини жойига келтирди.

- Ундай қилманглар! Уят бўлади-я!.. — гапга қўшилди Орзумулк оқа ҳам.

Аламлари ортган малика билан канизак бамисоли тўлиб, тегсанг тўкиламан, деб турган косага менгзардилар. Тағой Туркон оқа чидамади, бошини Маҳди улё тўни пешига буркаганча, ўксиб йиғлаб юборди.

- Хоним ойим! Ахир, менда не айб?.. Ўтирсам ўпоқ бўлсам, турсам сўпоқ... Доим шунақа... Нима қилай, ахир, нима қилай? Худо фарзанд берган бўлса менда не айб?.. Тўғри юрсанг ҳам эгрига чиқавераса.

- Ким бўпти ўзи?.. Ҳаммани оёқ учида кўрсатади... Гердайиб юргани-юрған... Худо бизга ҳам бериб қолар, ахир... Бериб қолар...

Дилшод оқанинг охирги сўзлари йиғи аралаш чиқди. У Маҳди улё кўксига бош қўйганча чексиз изтиробларини ичига ютиб, унсиз-унсиз йиғлади...

Сароймулкхоним: "Ие! Ие! Айб бўлади!..", "Биров кўрмасун", "Йиғламангиз!.." дея нечоғлик кундошларини юпатишга уринса ҳам, сўзлари қумга сепилган сувдек бесамар кетишини яхши тушуниб турарди... Фақат бу машмашалар Ҳазрат Соҳибқирон қулоқларига етмаса, бас...

#### IV

Амир Темур маъсуд туйғулар оғушида Самарқандга қайтганида Сигноқдан ҳам чопар келиб турган экан. Тўхтамиш ўғлон ўз валинеъматига ёзган бахтиёрлик ҳисларига йўрилган мактубида, Ҳазрат аълога фатҳ муждасини етказиб, қутлаб, Темур Маликхон билан юзма-юз келиб бир ҳамладаёқ асфаласофилангга юборганлигини, ғолиблик камарини белига мардонавор боғлашга мушарраф бўлганлигини ва музаффарият ила Сигноқ тахтини эгаллаганлигини маълум қилганди.

Бу муждадан Амир Темурнинг чехрасига нур югурди, бағоят хурсандлиги ортиб, "Хайрият!.. Шу кунларга ҳам етдик..." дея Аллоҳга шукроналар келтирди. Энди унинг ўғли "Тўхтамиш ўғлон" эмас, балки "Тўхтамишхон" деган юксак номга эгадир! Бир лаҳза кўз олдига шимойий сарҳадлари кўрғонланган, хавфу хатарлардан холи, дориломон Туркистонзамин намоён бўлди... Энди юрт дориломонликка юз тутмоғи, шубҳасиздир.

Соҳибқирон бир неча кеча-ю кундузни Боғи Чинорда айш-ишрат ва фароғатда ўтказди. Вазири аъзамга, хуррам айём шарофати билан, зиндондаги маҳбусларни озод қилиш ҳақида фармон тайёрлашни топширди. Тўхтамишхоннинг чопари Тармочуққа катта илтифотлар кўрсатиб, эгару от, заррин хилъату мурассаъ камар тухфа айлаб, иззату икром билан Сигноққа кузатиб қўйишларини буюрди. Иттифоқо, шу вазифа Амир Муҳаммад Миракка юклатилганди.

Орадан бир ой ўтар-ўтмас, сунбуланинг ўрталарида Конигилда янграган карнай-сурнай садолари Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон билан Шаҳрисабз ҳокими Амир Мусонинг қизи Туман оқалар туйлари бошланганидан хабар берди.

#### Ўн тўртинчи боб

##### I

Ҳали тўй авжида эканлигидаёқ Соҳибқирон элчиликка юборган Давлатшоҳ бахши уйғур ва унинг ўн кишидан иборат ҳамроҳлари Хоразмга етиб борганлари-ю, Хоразмшоҳ Юсуф Сўфи томонидан зиндон қилинганлари ҳақида хабар етиб келган эди. Аммо, бунини Амир Темурга билдирмадилар...

Тўй ўтгандан кейин Амир Сайфиддин некўз билан Муҳаммад Чурога додхоҳ қандай йўл тутиш, вазиятни Соҳибқиронга қандай билдириш ҳақида ўзаро кенгаш қурдилар.

- Ҳазратга бу гапни ким айта олади? — сўради Муҳаммад Чурога додхоҳ кўй кўзлари жавдираб, унинг овози одатдагидан ингичка тортиброқ чиққандай туюлди Амир Сайфиддин некўзга. - Хоразмдан

яхши хабар келади, Юсуф Сўфи албатта инсоф этагидан тутади, адоват-низолат орадан кўтарилиб кетади, деб юргандилар Соҳибқирон. Энди нима бўлади?..

- Аслида-ку, бор хусуматларни сулҳу сафога айирбош қилиш вақти аллақачон етди... Киши англамаса қийин экан — деди Амир Сайфиддин некўз. — Хўш... Ким айта олади?..

- Бонуи кубро улуғ эгачи айтсалар-чи?.. — маслаҳат берди Муҳаммад Чуроға додхоҳ бироз ўйланиб.

- Давлат ишлари бағоят зил-замбилдур, аёл кишига оғирлик қилмасмукин? - Амир Сайфиддин некўзга таклиф унчалар маъқул бўлмагани сезилди. — Бу вазифа пири муршид Мир Саййид Барака ҳазратларига тааллуқли, назаримда... Хў-ў-ш...

- Қариндош бўлгондан сўнг не заруратки, муҳолифат этагини тутадир?.. — деди афсус билан пири муршидга Амир Темур нохуш хабарни эшитар экан. — Тақдирда ёзилғони бўлар экан-да... Кимники ферузбахту саодатманд айлади, у жаҳон ичра тахт соҳиби бўлди. Кимники хору ғамнок қилди, унга хосу ом баббаравар баҳраманд бўлиб турган офтобнинг ҳам нури тегмади...

- Амир Соҳибқирон! Бандасининг тутумларига ҳайрон қолмағайсиз... — таскин бергандай давом этди Мир Саййид Барака. — Ҳаракатга тушган азим тоғлар йўдини тўсгувчи қумтепалар илгидан не келур?.. Аллоҳ кўриб турибди, ўз саъжийангизга муносиб кечиримлилик этагини тутиб келмақдасиз? Кенгашим шулдурки, Юсуф Сўфига яна бир мактуб битилсун. Қариндошимиз-да, ҳамиша инсофга келиб қолар, деган умид дилмизни ёритиб турадир. Ахир, бегуноҳ қонлар тўкилмоғи жоизму?.. Алҳамду лиллаҳир раббил оламин!

"Маъқул дедилар!", "Айни муддао!" қабилида пири муршидни қўллаб-қувватлашди Амир Сайфиддин некўз билан Муҳаммад Чуроға додхоҳ.

Ғазаб отига миниб келаётган Соҳибқирон бу сўзлардан кейин ўйланиб қолди. Сўнг Мавлоно Убайдни чорлатиб, яхши мактуб ёздирди ва шу кунгидея Ахий Жаббор баҳодирни Хоразмга элчи қилиб жўнатди.

Бу сафар энди Соҳибқироннинг кўнгли тўқ эди, Юсуф Сўфи мактубни олгач, албатта, адолат сасига қулоқ осади, инсоф йўлига юз буриб Давлатшоҳ баҳши уйғурни зиндондан озод қилади ва омон-эсон юртга қайтаради...

\*\*\*

Ахий Жаббор баҳодир ўз йигитлари билан мезоннинг охирларидагина Хоразмга етиб келди.

Даставвал Гурганжда чиқаверишдаги машҳур Шайх Нажмиддин Кубро мақбарасини зиёрат қилдилар, сўнг аср намозини Шайхнинг ҳамиша гавжум зовиясига<sup>46</sup> кириб адо этдилар. Наврўздан сўнг қиш бўлмас, мезондан сўнг ёз, деганларидай об-ҳавонинг бироз совиб қолгани сезилди.

Хоразмшоҳлар пойтахти Гурганжда Ахий Жаббор баҳодир кўп бор бўлган. Қутлуғ Темур минораси ёнгинасида жойлашган Қайсария карвонсаройи шаҳарга алоҳида кўрку салобат бахш этиб туради. Бу ер билан Султон Такаш мақбараси орасида карвонсарой ва бозор жойлашган. Хоразмшоҳлар саройига боришда карвонсарой чапда қолади, бозор ўнгда... Олти йил аввал келганда бозор кичикроқ эди, энди кенгайиб, дарвозаси ҳам ўзгарибди - жез дарвоза ўрнига нақшиннигор дарвоза ўрнатилибди... Зангори кўлга боришаётган малика Хонзода хоним ва дугоналарини "қароқчи"лардан қутқариб қолганлари ҳов анови муюлишда юз берган эди-да...

Ахий Жаббор баҳодир ўша кунларни эсларкан, мийиғида кулиб қўйди.

Хоразмшоҳ Юсуф Сўфи Ахий Жаббор баҳодирни келганларининг еттинчи куни - пайшанбада қабул қилди. Одатда шу куни элчилар қабулга кирар эканлар.

Элчилар кўп эди. Ҳеч ким ҳеч ким билан гаплашмас, барча Хоразмшоҳ ҳузурига чорлашларини кутарди. Ахий Жаббор баҳодир

бирдан тўртта одам нарида яширингандай бўлиб, ерга қараб ўлтирган Тармочуққа кўзи тушди-ю анграйиб қолди! У кейинги пайтларда Тармочуқнинг Тўхтамишхон қиличини чопиб юрганлигини яхши биларди. Бу бетайин кимларнинг қиличини чопмади-я? Лекин қандай эҳтиёж туғилдики, Амир Темур Кўрагонга тутинган ўғил бўлган Тўхтамишхоннинг элчиси Соҳибқирон билан уруш ҳавосидаги Хоразмшоҳ Юсуф Сўфи қошига келади?.. Яқингинада Самарқандга борган эди-ку? Бу ерда нима қилиб ивирсиб юрибди?..

Шу палла Тармочуқни ичкарига чорлаб қолишди. Ахий Жаббор баҳодир, Хоразмшоҳ кўринишхонасига кириб чиққач, албатта, Тармочуқ билан учрашишни ўйлаб қўйди. Ундан сўрайдиган нарсалари бор.

Амир Темур элчисига бешинчи бўлиб навбат етди. Сарой кўринишхонаси узунлиги ўттиз газ, эни йигирма газ келадиган, шифти баланд, деворлари инжа нақшлар билан безатилган кенг хона эди. Меҳроб олдида заррин тахтада Хоразмшоҳ Юсуф Сўфи ўлтирар, ўнг томонда уламо-ю фузало, чап томонда амирул умаро, бекларбеги ва нўёнлар саф тортиб туришарди. Ахий Жаббор баҳодир улар орасида бекларбеги Хожа Шайхзода, Шайхулислом Киромиддин ас-Самарқандийларни кўрганига ҳайрон қолмади. Аммо эски танишларини бу ерда учратаман, деб асло ўйламаганиди. Сафда... ўзларини Амир Темурдан азият чеккан деб ҳисоблаган, шундан бир-икки йилдан бери шу ерлик бўлиб қолган Маҳмудшоҳ Бухорий, Абу Исҳоқ Ясовурий, Султон Маҳмуд ибн Кайхусравлар аёнун ақобирлар қаторида қад ростлаб турардилар.

Уни, айниқса, ажаблантирган нарса Султон Маҳмуд ибн Кайхусравни бу ерда учратиши бўлди. Ажабо, у нима қилиб юрибди? Баланд бўйли, шокоса кўз, шошилиб, тупук сочиб гапирадиган, бир гапни икки марта такрорлайдиган бу нокас беш-олти йил аввал Алуфа тавочи билан ҳам бирга келганиди. Ўшанда ҳам кимлар биландир учрашиб, пичирлашиб юрганди.

Ахий Жаббор баҳодир юкунуб бориб Хоразмшоҳга таъзим бажо келтирди ва Соҳибқирон мактубини узатди... Юсуф Сўфи мактубни шу заҳотиёқ ёнидаги мулозимга берди ва "Ўқи!" ишорасини қилди. Юзи япалоқдан келган Хоразмшоҳ сал озганиданми ёноқ суяклари бўртиб қолган, соқолига битта-ярим оқ ҳам оралаган эди.

Амир Темур Кўрагоннинг Хоразмшоҳга мактубида даромаддан кейин шундай сўзлар битилганиди: "...Подшоҳлардин раво эрмаским, боргон элчини банд қилгайлар... Сабабки, аларда гуноҳ бўлмас, алар холис кишилардур... Подшоҳлиқ русумида бундоқ одат йўқдур. Бас, лозимдурки, элчи Давлатшоҳ бахши уйғурни бизга йиборғайсиз, ортиқ бундай ишларга қўл урмағайсиз, то пушаймон бўлмағайсиз..."

Кўринишхонадаги жимликни фақат Хоразмшоҳ Юсуф Сўфининг тиш гижирлатишлари бузиб турарди, холос.

Ҳеч ким чурқ этмасди.

- Подшоҳлик русумини бизга ўргатибдилар-да - бироз жимликдан кейин деди мазах қилиб Юсуф Сўфи. — Элчини юборайликму?.. Бундай ишларга қўл урмайликму?.. Пушаймон бўламизму?.. Оқсоқ подшонинг меҳрибончилигини кўрингиз! Хо-хо-хо!.. Бир насиҳат айлай дебдилар-да...

- Насиҳатларини кўрингиз!

- Меҳрибончиликларини ўзларига қилсунлар!

- Хо-хо-хо!.. Ана, Темурнинг марҳамати!

- Шохимиз насиҳатга муҳтож эмаслар!..

Атрофдан ана шундай сўзлар ёғилар, Ахий Жаббор баҳодир ўзини игна устида ўлтиргандай сезарди. Бир муддат шундай сурон давом этди, ҳар ким нимадир деб ўз норизолигини, таажжубини ошкор айлади.

Дарғазаб бўлган Юсуф Сўфи уч бор қарсак урди. Эшиқдан аввал мулозим, кейин икки ясовул кириб келдилар.

- Тездан Тўй Буқа ўғрини бу ён чорла! Уни тўхтата оладиган куч йўқ. Фармон қилғилки, Бухоро томонларга от солсун! Вилоятни горат этсун, элининг мол-мулк, теваларини суриб қайтсун!..

Ахий Жаббор баҳодир қотиб қолди! Наҳотки, Хоразмшоҳ бундай тутумнинг беоқибатликка олиб келишини идрок этмаса! Қариндошнинг юзига оёқ қўйиш Аллоҳга ҳам, бандасига ҳам ёқмаслигини англамаса! Мадҳиябоз хушомадгўйлар сўзига қулоқ осса!.. Амир Темур элчиси Тўй Буқа ўғрини утакетган шафқатсиз каллакесар деб эшитган эди.

- Мана бу элчини бўлса... — Ахий Жаббор баҳодирни кўрсатиб деди бирдан Хоразмшоҳ. — Банд этиб, зиндоннинг энг чуқур катагига ташла! Каналарга таланиб ётсун!.. Бундан кейин дағдағали мактублар олиб келмайдурун бўлади!..

Ахий Жаббор баҳодир Хоразмшоҳнинг охирини ўйламай қилинган кутилмаган фармонидан ҳанг-манг эди. У бирон нарса деб ҳам улгурмади. Икки ясовул унинг қўлларини қайириб, диканглатиб олиб чиқиб кета бошладилар. Ахий Жаббор баҳодирнинг кўзи, иттифоқо, Султон Маҳмуд ибн Кайхусравга тушиб қолди: у мийиғида кулиб қараб турарди.

Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав Хоразмшоҳга юзланди:

- Ҳимматларига офарин! Ҳимматларига офарин! — Унинг шодлиги чексиз эди. — Шавкатли подшоҳнинг тутуми шундоқ бўлади! Кўнглимизда худди шуни тилагон эрдик... Бу бадбахтнинг тўғри жазосини бердингиз!

- Темур нимасига чиранади?.. — озғин, новча, эркаксабзига ўхшаган, тепакал Маҳмудшоҳ Бухорий битта ҳам сочи қолмаган тақирбошга айланганди. — Ўзи яримжон, бир оёғи чўлоқ, бир қўли ишламайди... Ҳе-ҳе-ҳе. Агар жанг қилсам борми, бир ўзим саранжом қилиб ташлардим. Ваҳмаси бор, холос. Ундан асло ҳайиқмаслигимиз керак, подшо ҳазратлари!

Абу Исҳоқ Ясовурий ҳам нимадир деб минғирлади, аммо, гапини ҳеч ким тушунмади.

- Нима десам... — сўзга қўшилди барвастан келган беклар беги Хожа Шайхзода. — Тўхтамишхон элчисининг келгани аъло иш бўлди. Чунки Амир Темурдай подшо билан ёлғиз туриб курашиб бўлмайди, бизга шериклар керак... Тўхтамишхон билан иттифоқ қўлимизни узун, белимизни бақувват қилгусидур...

Бошқалар гапга қулоқ солиб туришар, алақандай истиҳолада сўзга қўшилишмасди.

Юсуф Сўфи тишларини бир вижирлатиб қўйди, бу Хоразмшоҳнинг сўзга оғиз очишидан далолат эди. Барча унга юз бурди.

- Бир ой аввал Тўхтамишхон жанобларига элчи юборгон эрдим... — деди Юсуф Сўфи. — Ва унга таваккал қилиб ашаддий душманнимиз Темурга қарши бирга курашишни тақлиф этгондим. Албатта, у тутинган ўғил, лекин ўғиллар... айниқса, тутингани отага энг биринчи душмандир. Буни билишимиз керак. Ҳе-ҳе-ҳе... Ахир "ота" соҳиби давлат, ўғил эса қарам ҳисобланадир... Шайхулислом жаноблари не дейдилар бунга?

"Офарин!", "Мантиқнинг теранлигини кўрингиз!", "Ақлу идрокларига ҳасанот!" сингари мақтовлар эшитилди.

- Подшоҳим... — шу пайтгача жим ўтирган Шайхулислом Киромиддин ас-Самарқандий сўзга қўшилди. У "Амир Темурни ота тутиб, унга вафо қилмагон одамга ишониш мумкинмикин?.. Ҳар нечук, ҳушёр бўлмак жойиздур..." демоқчи эди, негадир фикрдан қайтди ва қўлини кўксига қўйиб деди: — Биздан кўра ўзлари йироқни авлороқ кўрадурулар, биз ақли қосирлар илғамаган ерларни фаҳму идроклари ила осонроқ илғаб оладурулар... Ақлу идрокингизга тан бермай илож йўқ, Хоразмшоҳ ҳазратлари!..

Киромиддин ас-Самарқандий ортиқ бирон сўз демади.

Шайхулисломнинг аждодлари асли Самарқанддан келиб қолгандилар. Муҳаммад Хоразмшоҳ замониде бешинчи бобоси шайхулисломлик мартабасида эди, падари бузруквори тақводор Жалолиддин ас-Самарқандий эса энг буюк сўфийлардан бўлиб, шаҳардан чиқаверишда Шайх Нажмиддин Кубро мақбарасига яқин ердаги зовияда шайхлик қиларди. Машҳур араб сайёҳи Ибн Баттута

милодий 1338 йилда Хоразмга келганида айнан шу Шайх уйида меҳмон бўлганди.

- Тўхтамишхон ҳозир Сарой мамлакатига борди, амир Мамоқ элини мусаххар қилди, Жўжи улуси барчаси унга муте бўлди... — давом этди Хоразмшоҳ. - У энди Мангқишлоқ ҳокими Тўйхўжа ўғлон фарзанди эмас, балки бир пайтлар Ўзбекхон тасарруф этган Олтин Урда хони! Ўрусхонни тахтдан ағдарган валломот! Кейин улуғ Чингизхон авлоди бўлган Тўхтамишхон қандайдир даштдан чиққан номсиз амирнинг ўғли бўлиб қола олмайду. Олтин Урданинг хони бировга муте бўлар эмишму?... Ҳеч жаҳонда шундоқ бўлганму?... Асло! Асло!

Хоразмшоҳ Юсуф Сўфининг гаплари мантиқли эди, бу ҳаммани ўйлантириб қўйди.

- Шоҳим! — Яна мурожаат этди Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав таъзим бажо келтириб. — Шоҳим!.. Ўзингиз биласиз, падари бузрукворимиз Амир Кайхусрав Хутталоний Кўрагоний худо раҳмати Хоразмшоҳ Ҳусайн Сўфи жаноби олийлари билан эскидан садоқатли дўсту қадрдон эдилар... Улар бизга ибратдир... Тўхтамишхон жаноблари билан "борди-келди" мизни яхшилашимиз даркор! Эҳтимол, доимий бир одамингиз унинг ҳузурида бўлсун, дер эдим... Лозим топсангиз, каминани ўша юмушга юборингиз, у ерда кўз-қулоғингиз бўлайин, ҳамма нарсадан хабарлар етказиб турайин, жону имонимни бериб хизматингизни қилайин!.. Тўхтамишхонга, ахир, Туркистонзаминга борса ҳажарчи<sup>47</sup> ҳам керак бўлар... Амир Темур падари бузрукворимиз Амир Кайхусрав Кўрагоний хизматидан роса фойдаланиб тахтга минди... Кейин уни қатл этдирди... Ҳа-а... Ҳаммаси эсимда...

Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав жануб ёқдаги деразага тикилганча негадир Юсуф Сўфига ўхшатиб тишлариниғижирлатиб қўйди.

Хоразмшоҳ "Маъқул!" дегандай билинар-билимас бош ирғади.

## II

Тарих 780-ҳижрий қўй йили, шаввол ойи<sup>48</sup> кун ҳут буржига борганда, Амир Темур зафаргарин қўшинини бошлаб Хоразмга отланди. Хоразмшоҳ Юсуф Сўфининг кажбаҳслиги, кераксиз ғурурдан ҳаво пайдо қилган тутумлари, элчиларга ўтказган ўринсиз зуғумлари, Кот, Хива ва Бухоро вилоятларига чопқунлар уюштиргани, мусулмонларнинг молларига таъма кўзи билан қарагани бунга сабаб бўлди. Соҳибқирон ёнида подшоҳлик бўстонининг гули, жаҳон амирзодаси Умаршайх Мирзо, Амир Жоку барлос, Амир Сайфиддин некўз ва бошқа амирлару баҳодирлар шиддат билан борардилар. Ададсиз лашкар Хоразм қалъасини ўраб олди, атрофдаги барча йўлларга қоровулар қўйилди. Лашкар кеча-ю кундуз сурон солиб ваҳима қилиб чиқар, олам зилзила бўлгандай титрар эди...

Юсуф Сўфи пойтахт остонасида улкан қўшин тўпланганини кўриб турар, юрагини тобора кўрқув-ҳарос қамрар, умидга жила бўлсин жой қолдирмасди. У Амир Темур шундоқ қўшин билан келади, деб асло ўйламаган эди.

Шошилинч машварат чақирилди...

- Нима десам - биринчи бўлиб сўз олди бекларбеги Хожа Шайхзода. — Нима дейишга ҳам ҳайронмен... Шоҳим! Тан олиш керакки, бу беаёв қўшинга ҳеч нарса бас келолмайди... Чора - сулҳ тузмақда... дейишга журъат этамен...

- Жанг қиламиз! Сулҳ тузмаймиз!.. Ўлсак - ўламиз, қолсак - қоламиз! — деди вазабда Маҳмудшоҳ Бухорий.

Ўз хаёллари билан машғул Юсуф Сўфи индамасди. Шайхулислом Киромиддин ас-Самарқандий гапга аралашди:

-Хоразмшоҳ ҳазратлари! Бу тўфонга рўбарў бўлмақдан худо асрасун! Кўнгилини чўктирмангиз! Қадим паҳлавон подшоҳлар тутумини қилмак керак...

Шайхулислом нимадир айтмоқчи бўлди-ю, негадир жим қолди. Шу палла Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав дадил сўз олди:

-Шайхулислом жанобларини тушунгандай бўлдим, шоҳим!

Фикримча, рост дедилар! Қадим паҳлавон подшоҳлар тутумини қилайлик! Хоразмнинг паҳлавон подшоҳи эрусиз, ахир... Эски тажрибалар доим кишига қўл келадур... Мен сизга айтсам, ҳеч тап тортмай Амир Темурнинг узини жангга чақирингиз!.. Ҳа-ҳа, ёлғиз ўзини жангга чақирингиз!

Ҳамма ялт этиб Хоразмшоҳга қаради. Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав давом этди:

- Уни, албатта, жангга чақирингиз! Бу мардоналик белгиси бўлур! Ул киши яримжон, бир оёғи чўлоқ, ногирон, юрганга ҳам оқсаб зўрға юради. Ўнг қўли майиб, ишга ярамайди. Яримта одам-да, яхши биламен! Қандай жанг қилади?... Йў-ў-ў-қ?! Қилолмайди! Ахир, қилични ўнг қўлда тутиш боболардан бизга мерос-ку! Аввало, у жангга чиқмайди, жуда ориятли одам, шарманда бўлишдан қўрқади. Борди-ю чиқса ҳам, сиз ўз шижоатингиз билан бешубҳа уни енгасиз, енгиб чиқасиз!.. Нима жони бор!..

Шайхулислом бу сўзларни эшитаркан, ичида бундай ўйларди: "Адолатли бўлади... Агар икки ҳукмдор жанг қилса, нари борса бир одам нобуд бўлади... Юрт, элу халқ омон қолади-ку!.."

Таклиф оҳанрабодай барчанинг диққатини ўзига тортди.

- Тўғри айтдилар... — деди Маҳмудшоҳ Бухорий гапга пишанг бериб.

— Тўғри айтдилар! Шундай қилингиз, подшоҳим! Бир шарманда бўлсун ҳамманинг оддида! Оҳ, сизнинг олдингизда товукдай писиб қочганини, ялиниб-ёлворганини бир кўрсам эди, армоним қолмасди!.. Кўрсам эди!.. Аммо у қўрқади, чиқмайди, мана кўрасиз!..

Маҳмудшоҳ Бухорий бўркини олиб, терлаган тепакал бошини ҳузур қилиб артар эди.

- Агар шоҳим ижозат берсалар, ўзим чиқар эдим ўша билан саваш қилгани! — Гердайганча мақтаниб юборди шу палла Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав. — Ўзим гумдон қилар эдим! Унинг мучали сичқон-ку!.. Хе-хе-хе! Сичқондай қочирардим, чийиллатиб!.. Ҳа!..

Бошқалар ҳам кўпдан орзу қилиб юрган нарсасига энди эришган одамдай манун Хоразмшоҳга тикилдилар... Ҳамма бу таклифга олий ҳазрат жаноблари қандай қарар эканлар, деб жонҳалак эди.

Чошгоҳга бормай Амир Темур Хоразмшоҳ Юсуф Сўфидан шундай мазмунда қисқа мактуб олди: "...Биз икки кишини деб, қачонгача мусулмонлар азоб чекадурлар, икки одам деб бир жаҳон хароб бўладур? Бас, ҳаққа таваккал қилиб, эл оддида ялғуз иккимиз майдонга тушиб урушгайбиз!.. Кўрайлик-чи, тақдир кимга жабру, кимга меҳр инъом айлағай, кимни сарбаланду кимни хор қилгай?.."

Амир Темур мактубни ўқиб қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Бу кулгуга аччиқ заҳарханда оҳанг қоришиб кетганини ҳамма сезиб турарди. Амир Жоку барлос ичида: "Аттанг!.." деб қўйди. Амир Сайфиддин некўз кўп бор кузатган, бундай ҳол Соҳибқиронда камдан-кам юз берарди. Атрофдаги беклар Соҳибқиронга таажжубда қарадилар.

-Худодан ушбуни тилар эрдим, жаноблар!

Халлоқи безаволга салламоки, тилагимга еткурди!.. Жангларга кирмағонимга хийла бўлди... Қудамиз менинг ташвишимни чекиб, жанглар русумини унутмаслигимни истабдур, майдонга чорлабдур... — Мамнунликдан Амир Темурнинг катта-катта кўзлари чарақлаб ёнарди. — Хоразмшоҳ Турон султони билан ёлғиз жанг қилмакчи бўлибдур!.. Ўзим ҳам шундай орзуда эрдим, бироқ қариндошлиқ эҳтироми юзасидин бунга андиша қилардим, холос. Тездан уруш анжомимни келтурингиз!..

Соҳибқирон шиддат билан отта минди ва Ҳисор томон юра бошлади. Ҳанг-манг бўлган беклар йўлни тўсишга уриниб: "Амир Соҳибқирон! Бу феълингиздан қайтингиз!", "Тўхтангиз!.." "Бормакка маслаҳат бермасбиз!.." қабилида ёлвордилар, аммо улур амир ҳеч бирига илтифот қилмасди.

Умаршайх Мирзо илтижоли кўзларини Амир Жоку барлос билан Амир Сайфиддин некўзга тикди, ҳушёр Амир Сулаймоншоҳ ҳам улар ёнига етиб келди. Амир Жоку барлос жойидан жилмади, чунки бундай ҳолларда Соҳибқиронни йўлдан қайтаришга уриниш



бефойдалигини яхши биларди. Амирзода билан икки амир беихтиёр боришиб, Соҳибқирон отининг жиловидан тутишиб, йўлга туриб олдилар.

- Ҳазрат Соҳибқирон! Шафқат айлангиз! — Зори тавалло қилди Амир Сайфиддин некўз... - Фалокат оёқ остида, дейдилар. Бизни гуноҳга ботирмангиз! Катта гуноҳнинг тагида қолғоймиз! У дунё-ю бу дунёмиз куйиб кетадур! Аллоҳга шукур, ҳали ўлғонимиз йўқ! Ёнингизда турибдурмиз!.. Қуллари тирик туриб Ҳазратнинг урушғали бормови раво эрмасдур!..

- Раҳмингиз келсун, эй валинеъмат Соҳибқирон! — ялинди Умаршайх Мирзо... — Мени юборингиз! Мен борурмен!.. Ахир, мен бормен-ку!.. Мен!..

Амир Сулаймоншоҳ ҳам қараб турмади:

- Мен чиқамен, Амир Соҳибқирон!.. Мен!.. Нега қараб турар эканмен!..

"Биз бормиз!", "Биз бормиз!.." - дейишарди бошқа амирлар ҳам илтижолар ила Соҳибқирон отини ўраб олишиб...

Амир Темурнинг кўзларида фавқулодда қаҳру ғазаб учқунлари чақнади. Унинг чеҳрасида ҳалиги мамнуликдан асар ҳам куринмасди.

- Четланингиз!!! Турон султони Амир Темур Кўрагонни шарманда-ю шармисор қилмакчимусенлар?!.. Майдонга тушмакка журъат этмади, жангдан қочди, қўрқди, писди, деган тавқи лаънатни унинг бўйнига илмакчимусенлар?!.. Буңдоқ бўлгандан кўра майдонда мардона ўлмак афзалдур! Бас! Қочингиз йўлдан!.. Четланингиз!.. Четланингиз, деяпмен!!!

Амир Темур отига шиддат билан қамчи урди! Қанча қаттиқ тутмасин, отнинг жилови Амир Сайфиддин некўзнинг қўлидан силтаниб чиқиб кетди! Атрофни қамраган Турон қўшини, амирлару баҳодирлар, навкарлар — барча юракни ҳовучлаб Соҳибқиронни кузатиб туришарди. Чунки кўзи пишган, жанг кўрган саркардалар ҳам шуңдоқ — худди эртақларда бўлганидай икки подшоҳнинг куппа-кундузи лашкарлар кўз ўнгида жанг қилганларини эслай олмас эдилар.

Бир зумда хандаққа етган Амир Темур Ҳисор томонга қараб қичқирди. Унинг ўктам овози борлиқни жаранглатиб юборгандай бўлди:

- Хоразмшоҳ Юсуф Сўфига айтингиз: биз унинг сўзи билан келиб турубтурбиз! Унинг шавкат соҳибби эканини билурмиз! Бас! Ваъдага вафо қилсун, шаҳардан чиқиб маъракаи майдонга тушсун! Кўрайлик, худо кимга нусрат бергай!..

Бутун борлиққа сукунат чўқди. Атрофни қуршаган Хоразм ва Мовароуннаҳр аскарлари нафас ҳам олмай вазиятнинг нима билан тугашини кутарди. Осмон тил-тиник, вақт чошгоҳдан ўтганди.

Аммо Ҳисор томондан ҳеч ким чиқмади, бирон садо ҳам бўлмади. Соҳибқирон, оти бир жойда тўхтамасдан сабрсизлик билан ер тепиниб у ёқдан-бу ёққа юрганидан, дамба-дам жиловни тортиб-тортиб қўярди. Атрофдан ҳеч қандай сас эшитилмас, хандақ ёнлари, теварак майдон сув сепилгандай жимжит эди.

Ҳануз Хоразмшоҳ Юсуф Сўфидан жавоб келмасди.

Бироз фурсат кечди.

Амир Темур юқоридаги даъватини яна такрорлади.

Яна натижа бўлмади.

Хоразмшоҳ барини Ҳисордан кўриб турарди. У таваккалчиликка бориб, Амир Темур зинҳор урушга чиқмайди, деган ўйда катталик қилиб юборганди. Соҳибқироннинг майдонга дадил кириб келиши, ўнинг ҳайбати Хоразмшоҳнинг кўнглига қаттиқ қўрқув солди, ичида ўз қилмишидан пушаймон бўлди. Аммо энди кеч эди. Уни бу жангга гиж-гижаб маслаҳат берганлар эса лом-мим дея олмасдилар.

Амир Темурнинг:

- Ҳар кимки сўзига вафо қилмас, тирик юрғондан кўра ўлғони яхшироқдур!.. — деган сўзлари Хоразмшоҳ қулоғига етди шу палла. Соҳибқирон, курашга тушиб талабгор чиқмаган полвондай мағрур майдонни яна бир неча бор айланди, сўнг қийқириқлар остида қўшин ёнига волибона қайтиб келди. Барча — амирлардан тортиб

навкарларгача Соҳибқироннинг журъату жасоратидан ҳайратда қолдилар. Сурон кўпди:

- Соҳибқиронимиз омон бўлсунлар!
- Баҳодирлиқларига офарин!
- Офарин! Ур-ҳо-о!..
- Аҳсанта! Аҳсанта!..
- Амир Соҳибқирон пойдор бўлсунлар!..
- Дунё тургунча турсунлар! Ур-ҳо-о-о!..

Беклар келишиб ботир ва кўркмас Амир Темур узангисига лаб қўйишар, довудий совут пешини тавоф айлаб ўпишар, фахру ифтихор туйғуларини аён этишарди.

Атрофдан ёғилаётган олқиш садолари қулоқларни тешгудай бўлиб Ҳисор девори оша Юсуф Сўфига ҳам баралла эшитилиб турарди.

Шу пайт мамлакатнинг жанубидан — Термиздан "омонлиқ-сомонлиқ"қа эрта пишган илк қовундан юборганларини маълум қилдилар. Юртда йилнинг энг биринчи пишган меваларини Турон султони Амир Темурга илиниш одат тусига кирганди, энг аввал Соҳибқирон татиб кўрарди. Хоразмда ҳали қовун пишмаган эди. Амир Темур хурсанд бўлиб кетди:

- Бу яхшиликкадур. Юсуф Сўфи бизга ўтру ўлтирибдур. Ўринсиз муҳолифатга боргон бўлса ҳам, қариндош эканлигимизни унутмайлик. Биринчи қовунни усиз ёлғиз ўзимиз тановул айласак бўлмас... — деди. — Қовунни олтун табаққа солиб қудамизга ҳам юборилсун!

Хоразмшоҳ тутумидан кўнгли зада бўлган Амир Сайфиддин некўз эътироз билдиргандай деди:

- Бир қошиқ қонимдан кечасиз, Амир Соҳибқирон. Олтун табақ ҳожат эрмас шекилли... Хў-ўш... Ёғоч табаққа солиб берсак кифоя қилур, балки...

Соҳибқирон норизо бўлгандай қовоқларини уйди:

- Йўқ,... У ҳолда ҳимматимиз қусурли бўлиб қоладур... Юсуф Сўфи Хоразмшоҳ эмас, энг аввало, менинг қудам бўладур, некўз жаноблари! Буни унутмангиз!

- Узр сўраймен, Амир Соҳибқирон! — таъзим қилди Амир Сайфиддин некўз...

"Юсуф Сўфи бундан кейин бизга дўст бўлиб қарамоғи аниқдур! Худо инсоф берсун... - хаёлидан кечирди Амир Темур. — Ёғийлигу адоват унсу улфатга айлансун, орада шириналик бўлсун, деб қовун йўладим... Дарҳол таъзиму ҳурмат мақомида узр сўрайдур ва кучоқ очиб келадур, чандон тухфа-ю инъомлар қиладур..."

Амир Сулаймоншоҳ қовунни Соҳибқирон айтгандай қилиб хандақ бошига элтиб қўйди-да, Ҳисор томон қичқирди. Унинг бўйдоқларниқидек дўрилоқ овози хийла салобатли эшитилди:

-Амир Соҳибқирон ҳазратлари биринчи қовунни қудаларига юбордила-а-а-ар!.. Юсуф Сўфи жаноблари насибаларини олсунла-а-а-ар!

Барча узилган ипни улаш, қариндошчиликни тиклашнинг яхши имкони туғилганидан мамнун енгил нафас олди...

Хоразмшоҳ Юсуф Сўфи бу пайт алам ичида қоврилиб ётар, ўзи жангга чорлаб туриб, кўрқиб чиқмай шарманда бўлганидан, ўйламай қилган тутуми душмани шухратига-шухрат кўшганидан ўзидан-ўзи қаттиқ вазабда, нима қилишини билмасди. Шундай ҳолатда шайтон киши ҳушини ўғирлаб, ақлини терс ишлатиб қўяди... Орага шириналик солиши керак бўлган қовун худди заҳарлангандай Хоразмшоҳ қаҳрини бадтар аланга олди. Унинг назарида, Амир Темур унинг устидан кулаётгандай бўлиб кетди. Кулганда ҳам масҳара-ю мазах қилиб кулмоқда! Қовуннинг юборилиши гўё ит олдига сўнғак ташлагандай туюлди Хоразмшоҳга. Гўё, мана бу қовунни егину, сасингни чиқарма, дарров бўйин эгиб қалъангдан чиқ, деяётгандай эдилар. Юсуф Сўфининг сабр косаси тўлди: тоқай у, Хоразм эли Темурдан азоб чекадур, ҳаросу кўрқувда титраб қақшайдур? Хавфу ҳадиқда кун кечирадур?..

-Биз Темурнинг илтифотига муҳтож эмасмиз! — деб юборди бирдан

Юсуф Сўфи ғазаб билан тишларини ғижирлатиб. - Қовунни хандаққа оти Беклар беги Хожя Шайхзода жаноблари! Дарвоза очилсун! Урушга йўқотланиб турган номдор мардлардан иборат Хоразм лашкарини жангга Бекборлангиз! Ёғийга омон йўқ! Омин Аллоху акбар!  
отланиб турган номдор мардлардан иборат Хоразм лашкарини жангга бошлангиз! Ёғийга омон йўқ!.. Омин, Аллоху акбар!..

Шайхулислом Киромиддин ас-Самарқандий: "Ҳай! Ҳай!.." деганча сўзи овзида қолди, Хожя Шайхзода ичиди: "Аттанг. Ярашмоқлик фурсати келган эди, яхши фурсат эди-я!.." деб қўйди. У аламдан бирон нарса деб юбормаслик учун тишини-тишига қаттиқ босди, орага кириб қолган қалин лаблари қонаб кетди.

Ҳар томонда: "Ёғийга омон йўқ!", "Ур-ҳо! Ур-ҳо!..", "Омин, Аллоху акбар!.." сингари хитоблар янграрди.

Амирзода Умаршайх қўшини Хожя Шайхзода лашкарига рўбарў чиқди. Қирғину қатли ордан олам қоронғу бўлди. Шаҳар қамали уч ярим ой давом этди. Хоразм қўшинининг шиддатлари сусайиб бораётгани сезила бошлади. Егулик-озикнинг чўғи ҳам камайиб борарди... Катта манжанидан отилган тошлар Хоразмшоҳнинг қўрғон буржида жойлашган қасрини қўпоришга тушди. Нақшиннигор дарвоза қулагандан кейин Амир Темур қўшинининг зафари аён бўлиб қолди.

Юсуф Сўфи аҳволни кўриб, руҳан эзиларди. Оқибатда, бедаво дард унинг ёқасидан тутди, ададсиз ғаму андуҳда жон омонатини ўз эгасига топширди.

Соҳибқирон бу хабарни эшитиб изтиробда қолди. Ҳар нечук, қуда-қариндош эди... Инсон қисмати ҳақида ўйлар экан, хаёлидан шундай ўйлар кечди: "Эй инсон, худонинг бечора бандаси! Сен ўзингни биласенму? Сен вужуд қафасида бир сониялик нафасдурсен, холос. Умринг чоғи адам сари бир қадамга жо бўлади. Кечадан кундузга, кундуздан кечага ета олишинга асло ишонч йўқ бўлган ҳолда, нечун ўз вужудингни ҳирсу ҳузурларга чирмайсен, қалбинг тубини гардуннинг бўлар-бўлмас ҳою ҳаваслари билан тўлдирасен?.."

Бу гаплар, барчага, жумладан Юсуф Сўфига ҳам, ўзига ҳам тегишли эканлигини Соҳибқирон юракдан ҳис қилди.

Зафарқарин қўшин шаҳарга ёприлиб кирди. Ҳисор деворининг кўп жойларидан раҳналар очилди. Гуриллаб яшнаб турган Гурганж харобага айланди, кўплар асир олинди, талон-торожда ҳадсиз молу манол волиблар қўлига тушди.

Ҳумоюн Ўрдудан бўлган фармонга кўра, Амир Сайфиддин некўз билан Умаршайх Мирзоларга шаҳар донишмандлари, ҳунарманд ва касб-кор усталарини биронтасининг ҳам бурнини қонатмай Самарқанд билан Шаҳрисабзга кўчириш вазифаси топширилди. Соҳибқирон режаси бўйича, Шаҳрисабзда мустаҳкам қалъа солиниши ва ҳашаматли Оқсарой иморати қурилиши керак...

## Ўн бешинчи боб

### I

Ушбу воқеалардан йигирма уч йил муқаддам Амир Темур Шаҳрисабзда Бобо Али Шоҳ деган авлиё зиёратига борганда, авлиё унга: "Тангри таоло буюрганки, агар кўкда икки худо бўлса жаҳоннинг иши бузилур!", деганди. Ва шу заҳоти Қуръони каримдан фол очганда: "Инна жаалнока халифатан фил арз!", яъни: "Сизларни Ер юзида халифа қилдук" ояти чиққанди. Йигирма тўққиз ёшли амирлашкар ўшанда ҳайратидан ёқа ушлаб қолган, шижоати ортиб, кўнглидаги мақсадлар йўлида интилишлари қатъийлашган эди. Соҳибқироннинг фикрича, дунёда бир подшо бўлса, эл, улус, раоё ва бароё хотиржам яшайди, чунки бир-бирига дахл этгувчи, иддао қилгувчи подшолар йўқ, урушнинг дасти қирқилади, олам бузилмайди, адолат устунлари устивор қолади.

Амир Сайфиддин некўз ҳаж сафаридан қайтиб келганда Хуросон, Эрон, Мозандарон ва бошқа мамлакатларда ҳар музофотда бир кас

бош кўтариб подшоҳлик қилишини, ҳар бир кенту шаҳар фитналар уясига айланиб қолганлигини, юртлар бесаранжомлик ва жанжаллар тўрига чулганганини айтиб берди. Аини пайтда, Эрону Хуросон тарафлардан юртимизга таҳдидлар ҳам бўлиши мумкин, деб кўшиб қўйди. Бунинг, албатта, олдини олиш лозим...

Амир Темур буни эшитгач, саъжиясига кўра дарҳол Хуросон томонларга отланиши керак эди, бироқ Турон мамлакати тўла мусаххар бўлмаганлиги сабабли ҳали бунинг фурсати келмаганлигини идрок этди. Бас, жаҳонгирлик масъулияти энди уни дадил қадам ташлашга ундамоқда...

Хуросон тарафларга мутаважжих бўлишдан аввал, Соҳибқирон ўн тўрт ёшли амирзода Мироншоҳ Мирзони Хуросонга юборди ва музофотда ўзининг ноиблигига номзод қилди. Амир Сайфиддин некўз, Амир Шоҳмалик, товоқ юзли, кетмонсоқол Амир Оқ Буқа найман, Мубашшир баҳодир ва бошқа кўп номи чиққан амирлару баҳодирлар ҳазрат шаҳзода мулозаматига бел боғладилар. Амирзода Мироншоҳ Мирзо кишни Балҳада ўтказди.

Тарих милодий 1381 йил баҳорида, табиат ям-яшил либосга ўранган, анвойи гуллар билан безанган бир фаслда Соҳибқирон Хуросон томонга юз буришга қарор берди. Товуқ йили эди, бу лашкар орасида бироз мутойибага ҳам сабаб бўлди: "Ҳазрат Соҳибқирон душманларини қувишга борадилар, улар товукдай қочиб қоладилар!.." сўзлари навкарларга жуда нашъа қиларди. Лашкароғоҳга айланган Қарши чўли чодире байроқлар, оқ уйлару борголар, олачиғу шомиёналардан обод бўлиб кетди. Ҳар ёнда лашкару сипоҳ гуррас-гуррас кезиб юрар, йўлга чиқиш ҳақидаги олий фармонни интиқлик билан кутарди.

Ниҳоят, чўл осмонида бурғулар овози янгради ва беҳисоб қўшин йўлга чиқди. Омуя<sup>49</sup> сувига етганда кечувдан олдин қўшинга озгина дам берилди. Кун исиб кетди. Ташна бўлган навкарлар дарёдан қалқонларда сув олиб ичардилар. Отлар худди онасининг елинини туртиб-туртиб эмган қулундай, дарёга тумшуқларини тикиб чанқовини қондиришарди.

Қўшин уч кундан кейин Андхойга етиб келди. Андхой пири муршид Мир Саййид Баракага Ҳумоюн Ўрдудан суюрғол қилиб берилганди. Қайси юртга борса, энг аввал азиз-авлиёлар зиёратини одат қилган Соҳибқирон, пири муршиднинг Самарқандда берган кенгашини эсда тутиб Андхойда Бобо Сангув деган авлиёни тавоф этишга борди.

Замона авлиёларидан саналган, дунёдан Холиқи аъзамга муҳаббатдан ўзга илинжи йўқ Бобо Сангув етмишларга бориб қолган нуроний бир мўйсафид эди. У шаҳар четида, ташландиқ боғ этагидаги вайрона янглиғ кулбада гўшанишинликда ҳаёт кечирарди. Парвардигорнинг ўзига таъя қилган авлиё азбаройи ишқининг оташноқлигидан тез-тез жазава ҳолатига тушар, шавқ билан айтилаётган такбирлар садоси кўчага ҳам эшитилиб турарди. Соҳибқирон кулбага яқинлашиб келар экан, шундай сўзлар қуловига чалинди:

- Ёлғиз ўзинггагина сизинурмен, ҳеч нарсани шерик қилмасмен!..

Бобо Сангув соч-соқоллари ўсган ўртача жуссали одам бўлиб, унинг бутун шижоати ёшига муносиб бўлмаган чарақлаган катта-катта кўзларида мужжасам эди. У Соҳибқиронга бамисли вужудини тешиб юборадиган алфозда кўзларини қадади:

- Баракалло!.. Сидқу ихлослари пок қалбларида мужжасамдур! Аён. Аён...Ота-онам сизга фидо бўлсун! Бир ҳатим зиёрат қилгонларига куллуқ!..

Амир Темур бу сўзлардан қалбида меҳр туйди. У авлиёнинг қўлини ўпди, этакларини кўзларига суртди.

Шу палла қутилмаган воқеа юз берди. Бобо Сангув ўрнидан турди-да, кулба ичидан янги сўйилган кўй тўшини олиб чиқиб, Соҳибқирон томон узатди. Амир Темур тўшни оларкан, буни яхшилиқ аломати деб билди, авлиёнинг тутуми сабабини тушунгандай бўлди-ю беихтиёр:

- Хуросонким, ер юзининг тўши эзур, иншооллоҳ, Тангри бизга бергувсидур!.. — деди кўнгли ёришиб.

Авлиёнинг қўй тўшини узатиши — Хуросон қўлингиздадур, деган маънони англатарди... Бобо Сангув Соҳибқиронни кўпдан-кўп дуолар билан сийлади.

Амир Темурнинг юрт сардори сифатида Хуросон томонларга илк бор чиқиши эди, илк қадамнинг бундай қутлуғ келиши уни бағоят руҳлантириб юборди.

Ногаҳонда Ҳирот яқинидаги йўлтўсарлар ва қароқчилар макони бўлиб қолган Фўшанж қалъасида бебош бир жамоа мухолифат изҳор этиб, қиличларини қинидан чиқаришга тайёр турганликларини хабар қилдилар.

Зафарқарин қўшинга Ҳирот сари юришга фармон берилди. Ҳамма, Фўшанж қалъасига ҳужум бўлади, чунки Соҳибқирон ҳали Самарқандда эканликларидаёқ, Ҳирот малиги ушбу итоатсиз қалъани саранжом этишни сўраб мурожаат қилган, деб турганда, қўшин Ҳиротни шимол ёқдан четлаб ўтиб, Амир Темурнинг пири — Зайниддин Абубакр Тойбодий қишлоғи томон бурилди.

Хуросоннинг саромади замона шайхларидан, пок эътиқодли мавлоно, улуғ Шайхулислам Зайниддин Абубакр Тойбодий умр бўйи Ҳерируд водийсидаги Тойбод қишлоғида муқим яшаб келаётган зоти бобаракот эди. У ўзининг боғида меҳнат қилар, номи Эрону Туронда маълуму машҳур бўлиб кетганди. Узоқ-яқиндан тез-тез келиб турадиган меҳмонларнинг оёғи узилмасди.

Темурбекнинг азаддан азиз-авлиёларга ихлоси балан эди, қаерга борса қадамжоларга иззату икром кўрсатиб зиёрат қилар, тавоф этарди. Иигирма уч ёшдалиги пайтида тойбодлик донгдор Шайхнинг ҳам этагини тутган, муридлик ҳирқасини эгнига илган эди. Ўшандан бери пири билан мактублар ёзишиб турадилар. Закий қалбли Шайх Зайниддин кешлик Темурбекни илк бор кўргандаёқ, фавқулодда шуур билан унинг манглайи порлоқ эканлигини англади... Қўлини Темурбекнинг кенг пешонасига қўйиб, узоқ хаёлга чўмди. Манглайига нималар ёзилганлигини пайпаслаб билиб олмоқчи эдими. Темурбекнинг яхши эсида, ўшанда бошини бағоят маҳобатли овир бир юк босиб тургандай бўлди... "Ҳа, фурсат келиб, ҳимматли бу ёш амирзода, — деб ўйлади Шайх, — иншооллоҳ, худонинг ердаги сояси бўлмай, салтанат соҳибби, дину дунё қутбига айланмай, ҳамиша расулиллоҳ амалларини адо этмай, расулиллоҳ фарзандлари Биби Фотиманинг кўз қоралири бўлмиш саййидларга юксак иззат-икром кўргизмай, ҳамма жойда адолат русумини устивор қилмай..."

Машҳури офоқ Шайх шу сабабдан муридига ёзган мактубларида, нафи тегиб қолар деб, давлатни бошқариш хусусида бебаҳо кенгашлар берар эди. "Абулмансур Темурбек, салтанат ишларида тўрт нарсага риоя қилсунлар, — деб ёзган эди пири комил ўз мактубларидан бирида. — Биринчиси — кенгаш; иккинчиси — машварат, маслаҳат; учинчиси — қатъий қарор, тадбиркорлик ва ҳушёрлик; ва, ниҳоят, тўртинчиси — эҳтиёткорлик... Инчунин, салтанат бошқаришда машварату маслаҳат ва тадбиркорликни икки ёнларидаги икки устун деб билсунлар, токи оқибатда афсусга юз буриб пушаймон бўлмағайлар... Тағин билмаклари лозимдурки, салтанат ишларининг бир улуши сабру тоқат бирлан бўлмай, яна бир улуши эса билиб-билмасликка, кўриб-кўрмасликка солмак ила биттай. Вассалом!..."

Шайх Зайниддин Абубакр Тойбодийнинг пурмаъно сўзларини Соҳибқирон қулоғига жо қилиб олганди, салтанат ишларида жуда қўл келди. Давлат ишларининг бир эмас, икки эмас, тўққиз улушини кенгашга, фақат бир улушинигина қиличга қолдирди. Ҳар қандай душман билан дуч келганда ҳам ишни кенгашдан, кечиришдан, олийҳимматликдан, уни дўстга айлантиришдан, қуда-қудамай, дўст-қариндош бўлишдан бошлайди. Иложи бўлмаган ҳолдагина қиличга суянишга тўғри келади холос... Агар Соҳибқирон бир киши бўлиб, минг кишига, балки туманга иш буюрар экан, бу ўша оқил кенгашлар ҳосиласидир. Амир Темур фикрича ҳам, соҳибби шижоат, азми қатъий, тадбиркор, мард, удабурон ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кимсалардан аълороқдир.

Соҳибқирон ҳар қадамда пири комил кенгашларининг ниҳоятда

тўғри ва адолатли эканлигига шохид бўларди. Тарих милодий 1361 йилда Мўғулистон хони Туғлуқ Темурхон Мовароуннаҳрга бостириб кирганида, Хўжаңд суйидан<sup>50</sup> мамлакатнинг номдор амирларига ёрликлар юбориб, шитоб ҳузурига етиб келишларини талаб қилди. Амирлар шошиб қолдилар. Хўжаңд ҳокими Амир Боязид жалойир билан Кеш ҳокими Ҳожи Барлос Хуросон томонга қочдилар... Темурбек ҳам иккилана бошлади ва маслаҳат сўраб пири комилга мактуб юборди. Шайх ўз жавоб мактубида бундай дебдилар: "...Ҳазрат Алидан сўрабдурлар: "Агар осмон — камон, ер — камон ипи, боло-қазолар — ўқ, инсонлар ул ўқ-ёйларга — нишон, отгувчи — Аллоҳ бўлса, бандаси қаерга қочмоғи керак?.." деб... Тангрининг қошига қочсунлар, деб жавоб берибдур халифа жаноблари. Бас, сиз ҳам Туғлуқ Темурхон ҳузурига қочингиз! Ва қўлидаги ўқ-ёйини тортиб олингиз!.."

Шундан кейин Соҳибқирон юраги қувватланиб, дадил Мўғулистон хони ҳузурига боришга ўзида шижоат сезди ва адашмади.

Қўшин Ҳерируд водийсини манзил қилди.

Шайх Зайниддин Абубакр Тойбодий етмиш бешлардан ошган ўрта бўйли, каладор одам эди, қалин оппоқ соқоли селкиллаб кўкрагига тушиб турарди. Бошидаги кичкина кўк салла, эгнидаги оқ ридо ўзига жуда ҳам ярашганди. Файратли Шайхнинг нуроний чеҳрасига боққан кишининг кўнгли ёришарди.

Шайх Зайниддин Абубакр Тойбодий Амир Темурни бағрига босар экан, узоқ қўйиб юбормади, катта-катта кўзларига лим-лим тўлган севинч ёшлари эрталабки офтобда ялтирар эди.

- ...Алқисса... Аллоҳга шукурки, ўзи етказди, дийдорлашиб турибдурмиз, Амир Соҳибқирон! — Ишком тағидаги чорпояга таклиф қилар экан, деди мамнун пири комил.

Фотиҳага қўл очдилар.

Соҳибқирон Турон мамлақати мусаххар этилганлиги ҳақида сўйлаб берди, Хуросон музофотларига отланганини айтиб, пири комилдан фатво тилади.

- Ҳа... ҳа... Турону Эрон ҳали ҳеч кимнинг аҳду никоҳига кирмаган икки бўй етган санамдек гўзалдур... — деди Шайх. — Уларни забт этмак учун адолатли сиёсат лозимдур. Алқисса... бу бешак-шубҳа, жаҳонгирлик ибтидоси бўлур!..

Шайх алақандай таважжухда қўйнига қўл солиб ридоси ичидан нимадир олди. Бу катта қизил ёқут кўзли чиройли олтин узук бўлиб, унга "Рости-ю русти"<sup>51</sup> сўзлари ўйиб ёзилган эди...

- Ташрифингизни фаҳм этдим... — пири комил жилмайди. — Бир туш кўрдумки, нақ Дажла соҳилида турғонмишмиз. Дажлалиги аниқ, ҳозиргидек кўз олдимда... Айқирғон сув бўйида кулиб қарадингиз. Сув — йўл, кулишингиз — келишингиз... Алқисса... Ушбу узукни номи чиққан машҳур заргарга ясаттирдум. Келиб қолсалар, сизга туҳфа бўлғай деб.

Олтин узук Соҳибқиронга қўйиб қўйгандай мос тушди.

- Рости-ю русти... Ҳа... Куч — адолатда... — шивирлади Амир Темур алақандай таважжухда узукдан кўз узмай оҳиста силар экан. Ақиқдай ёқут кўзи ярақлаб ёнган узук кун нурида хилма-хил товланиб кўринарди. — Куч адолатда!.. Адолатда...

- Илалабад адолат этагини тутсунлар! — деди Шайх худди муриди кўнглидагини сезиб тургандек. — Аммо адолатни ушлаб турмак осон эрмас... Афсуски, осон эрмас! — Не қилайликки, адолат ҳам аслида нисбий нарса... Бу узук ҳамиша қўлингизда бўлсун. Агар адолатдан чекинсангиз, кўзи хира тортиб қоладур.

- Бағоят миннатдормен, пирим! Қуллуқ! Қуллуқ!..

Соҳибқирон узукка тикиларкан, хаёлидан, Шайх ҳазратлари ҳазиллашаяптиларми ёки чин гапиряптиларми, деган сўзлар ўтарди.

Шайх бир зум ўйланиб турди-да:

- ... Ҳазил қилмакчи эрсам, бошқа гап топилғай эрди... — деди бирдан! — Дилингизда иштибоқлар бўлмасун, деб ташвишланамен...

- Узр сўраймен, пирим!.. — Амир Темур Шайх тўни пешини ўйиб

кўзига суртар экан, унинг кўнглида кечган гап пирига аён бўлганидан ҳайратда эди. — Шаккоклогим учун кечирингиз, пирим!.. Гуноҳкор бир бандамен!..

- Амир Соҳибқирон! Агар биз шайхлик мартабасини маҳкам тутғонимизда ўзгаларга мурид қолмагон бўлур эрди... — Шайх ўтган гапларга парво қилмагандай давом этди. Бу билан, кечирдим, демоқчидай эди. - Аллоҳга шукурки, ниятимиз беадад мурид орттириб оламга мақтанмоқдан мутлоқ йироқдур!.. Ниятимиз мўмин-мусулмонларни зулму зуғумдан ҳимоя қилмақдин иборатдур, холос. У дунёдан ҳам, бу дунёдан ҳам умидимиз бордур, иншооллоҳ. Ушбулар ваҳҳидин, биз соҳиби салтанатлар, подшоҳлар билан дийдорлашувимиз, уларнинг қаҳру ғазаб ила лутфу марҳамат қоришиқ қалбларини кашф айламагимиз лозимдур. Ана шунда мўмин-мусулмонлар ҳифзу ҳимояда бўлурлар. Ана шунда биз ҳам ислом талабларини адо этгон бўлурмиз...

Улуғвор сўзлар Амир Темур кўнглига ғурур ҳиссини бағишлади. У Шайх ҳазратларини яхши билади, ул зот сўфийликни қаттиқ ушлаган донишманди замоналардандурлар. Сўфийлар дунё ташвишларидан ёлғиз ўзларинигина халос этмайдилар, бу халослик дунёни қутқармоқлари учун даркор...

Орага бир неча лаҳзалик жимлик чўкди.

- Ажабки, шайхларнинг раоё ва бароё ташвишлари туфайли подшоҳларга арзи ҳол этгонлари жуда кам учрайдур, Амир Соҳибқирон! — давом этди пири комил. — Аммо бизнинг йуриғимиз бошқа... Ҳирот малиги Фиёсиддин Курт шаҳарни ўрамоқ учун янги девор тиклатиб, қалъани ўратди. Ҳирот халқи кўп машаққатларга дучор бўлди. Кўнглимиз тилинди. Дарҳол Малик Фиёсиддин Пир Али Куртга бундай мактуб йўладим: "Билгилким, ҳеч қандай девор билан Аллоҳнинг бало-офатидан қутула олмағайсен! Кўнглингдаги ҳавойи ғурурдан юз ўгиргил! Бас, элга ортиқ азоб бермагил!" Малик Фиёсиддиннинг жавоби жанобингизни ғазаб отига миндурди! Малик бундай дебди: "Имомларнинг салтанат юмушларига аралашиларига асло ҳожат йўқдур..." Бағоят дарғазаб бўлдум! Тунда ой ёруғида мазористонга бориб Аллоҳга ёлвордимки, Малик Фиёсиддинни тахтдан мосуво этгил, Амир Темур Кўрагонга ато айлагил, деб... Алқисса... Пайғамбарлар иши — муъжиза, авлиёлар иши — каромат...

Шайх Зайниддин Абубакр Тойбодий ойдин кечаларда тез-тез қабристонга бориб турар, унга шу ерда Аллоҳ билан мулоқот қилиш осондай туюларди. Атрофда ётган не-не одамлар орасида, уларнинг гувоҳлигида Бирубор билан гаплашиш Шайхга бемисл саодат эди.

- Кам бўлмасунлар, пирим! Ҳамиша хизматингиздадурмен!..

- Амир Соҳибқирон! Огоҳ бўлсунлар! Ҳиротни забт этгонларида, буюрингизким, шаҳар бузилишига йўл қўймасунлар! Авомунносга азоб бермасунлар!.. Маъқулму?..

- Пирим! — сўради Амир Темур саволига савол билан жавоб бериб. — Нега Малик Фиёсиддинга ҳам шундай насиҳат этмадилар?

- Насиҳат этдим, этдим!.. Қулоқ солмайдуру... Мана, аҳволи энди не бўлур?.. — Шайхулислом бироз тўхтади. — Аллоҳ сизнинг шамингизни ёндурди. Ўзларига ҳам насиҳатим, Ҳирот аҳлини изтиробга солмасунлар! Йўқ эса, худо кўрсатмасун, маликнинг ҳолига тушиб қолурлар...

Амир Темур бош эгди. Бу пири комилнинг қаттиқ ўтинчи эди.

Соҳибқирон ўтган йили Ҳирот малигини аввал баҳорда бўладиган қурултойга тақлиф этганини эслади. Зоҳирида бағоят миннатдорчилик билдирган малик Ҳумоюн Урду элчисига: "Агар Амир Сайфиддин некўз келсалар, унинг билан бирга остона ўпишга етиб борғумдур", деб юборибди. Соҳибқирон ҳар бир одамнинг ичидагини билиб турса ҳам, сабр-тоқат қилар, зора у инсофга келиб қолса, деб умидвор бўларди. Тезда Амир Сайфиддин некўз Ҳиротга бориш ҳақида буируқ олди. Малик: "Пешкашларим ҳали бут эмас...", "Сихҳатимни яхшилаб олайин...", "Яқинда йўлга чиққоумиз.." қабилдаги баҳоналар билан элчини тутиб турди. Аммо шаҳарни шитоб девор билан ўратаётгани, ичини ола мушук таталаётгани Амир Сайфиддин некўз назаридан қочмади. У ўшанда билдирмай Ҳиротдан чиқиб кетган, бориб

Соҳибқиронни Ҳирот малигининг афъоли ва кирдикорларидан огоҳ этган эди.

"Ўзи асли гумроҳлардан эркандур - хаёлидан кечирди Амир Темур. — Улуғ Шайхулисломдай зотни ранжитгон бўлса, дуоибадга қолмоғи аниқдур. Бир йилдан бери бизларга ҳам мулозамат кўргизмайдур..."

Метиндай Фўшанж қалъаси олингандан сўнг Ҳиротга юз бурган Соҳибқирон шаҳар дарвозаларининг худди юзга ёпилгандай тақа-тақ берклигини кўриб ҳайрон қолмади. Малик Фиёсиддиннинг чиндан ҳам ўринсиз ғурурга берилиб кетгани, қалъасига бино қўйиб ўзини қўл етмас, осмони фалақда фаҳмаётгани аён бўлди.

## II

Чоршанба куни чақинқадам черик бурғулар чалиб Ҳирот қалъасига яқинлаша бошлади. Ҳайбатли қўшин тездаёқ ясол тортиб қалъанинг яқиндагина тикланган баланд деворлари рўпарасида бўй кўрсатди. Уша куни жанг бўлмади. Амир Темур тўртбурчакнусха шаҳарнинг йигирма минг қадамча келадиган атрофини айланиб, кирар-чиқар жойларни кўз остига олди, нозик нуқталарни белгилаб чиқди. Кечкурунги машваратда Мироншоҳ Мирзо, Амир Сайфиддин некуз, Амир Оқбуқа найман, Мубашшир баҳодир ва Амир Муайяд арлотнинг қўли Мирзо Алибекларга нималарнидир уқтирди.

Тонг отиши билан: "Тўш-тўшдан жангга кирилсун! Қалъа деворига чиқилсун!" деган фармон бўлди. Мубашшир баҳодир қўшини чап томондан, Мироншоҳ Мирзо қўшини ўнг томондан қалъага ташландилар. Амир Оқбуқа найман навкарлари айланиб кунботар томонга ўтдилар, жануб тараф Мирзо Алибек чекига тушди. Амир Сайфиддин некуз лашкари рўпарадан ҳужумга киришди. Қалъа девори тепасида қулай жойлашиб олишган Малик Фиёсиддиннинг уришқоқ ва жангари аскарлари эса ён беришни хаёлига ҳам келтирмас эдилар.

Уруш оҳанглари авж олди.

Шоҳқодир олдида жангни кузатиб ўлтирганида Соҳибқиронга Самарқанддан чопар келганлигини маълум қилдилар. Маҳди улёнинг хос мулозими Сароймулкхонимдан мактуб олиб келганди. Амир Темур мактубни олар экан, суюкли хонимнинг гўзал чехрасини кўз олдига келтирди ва алақандай титроқли туйғу билан мактубни очди:

"...Баландпарвоз шоҳбозимиз, тоғлардан ҳам ортиқ суянчимиз, кўнглимизнинг султони, дийдамизнинг оқ нури, умримизнинг сурури Ҳазрат Соҳибқирон жаноби олийларига кўзлари йўлларида нигорон маликаи муҳтарамаларидан деб билсунлар.- сўзлари билан бошланган эди мактуб. - "...Мен сизлардан бу учун ажр-мукофот сўрамаймен, фақат қариндошчиликдаги дўстлик-яқинлигингизни талаб этамен..."<sup>52</sup> деган ояти муборакнинг теран мазмунини дилларига жо айлаган аҳли ҳарам раънолари сизга ўз дуои саломларини йўллайдурлар. Бонуйи кубро Қутлуғ Туркон оқа эгачимга дайди дард эпкинни бироз тегиб, азиз бошларида бир муддат оғриқ турди... Хонзода хонимнинг ёлғиз юпанчлари амирзода Муҳаммад Султон... Амирзодам беш ёшга қадам қўйдилар, Аллоҳ умрларини берсун, андоқ ақлидурларким, кўриб ихтиёрсиз яқо тутгаймен, ҳам кўнглимга ҳарослар тушадур... Пирмуҳаммад Мирзо Туман оқа кўз қирида Боғи Биҳиштни суронга кўмиб юрибдур. Султон Бахт бегимни кўрганда, илоҳо, тенгини топиб узататургон кунларга етказсун, деб яратганга илтижолар айлаймен. Каминангиз Шоҳруҳ Мирзо бўйларига қараб куним ўтадур. Тагин. Ҳазратим, айтмоғимни қутлуғ Туркон оқа эгачимиз ҳам тайин этмушлар, исмат пардасидаги ожизамиз Оқа Беги хоним, бонуйи некужамол вужудлари чаманида озроқ малалати<sup>53</sup> пайдо бўлибдур... Аммо кўзи ўткир ҳозик табиблар саъи ҳаракат кўргизуб турурлар. Ўзларига ҳамроҳ бўлиб юрган муҳтарама малика саҳройи оташафзо Дилшод оқага соғинчли саломимизни еткурвайсиз, Аллоҳ паноҳида омон бўлсунлар... Тиллари санода, қўллари дуода аддои Бибингиз..."

Мактубни ўқиб Амир Темурнинг юраги сиқилди. Ҳа, ўзи ўйлагандек, Самарқандда анча-мунча ташвишлар бор... Оқа Беги хоним ҳам, ёш нарса, негадир касалга чалиниб туради. Шу туфайли куёви



Муҳаммадбек ибн Мусони Ҳирот сафарига қўша олмади. Набираси Султон Ҳусайн Мирзо Амир Мусо хонадониди Орзумулк оқа қўлида тарбияланади. Барча-барчаси Соҳибқиронни қаттиқ уйлантиради.

Ҳирот фатҳ этилгандан сўнг фурсат ўтказмай пойтахтга қайтмоғи керак. Тезроқ қайтмоғи керак. Ёш келинчак Туман оқани ҳам соғинди...

Амир Темур чодирда ўтиролмади, сабри чидамай чиқиб кетди ва қалъага қараб юрди. Гўёки шу ҳаракатлари билан савашинш тезроқ тугар эди унинг назарида. Қалъа теварагида юраркан, жон олиб жон бераётган навкарларни руҳлантириб ўтар, тасаннолар айтар, ҳазратнинг ёнларида эканлигидан кўнгли кўтарилган баҳодирлар сурон солишиб жидду жаҳд билан ёғийга ташланар эдилар. Қалъа тепасидан тош ва ўқ ёмғирдай ёғиларди. Икки ўқ ногаҳонда Соҳибқироннинг қалқонига келиб қарсиллаб урилди. Амир Темур парво қилмай олға борарди.

Бироздан кейин отининг олдинги ўнг оёғига ўқ тегиб, оқсоқланиб қолди. Шу палла итирғин жанг гирдобиди негадир бирдан Хонўғлон оти Амир Темурнинг эсига тушди. Хонўғлон! Қуюндай чопарди, унинг ақли-фаросати, номини ҳайвон демаса, одамникидай эди, ҳеч қачон ўзига ўқ теккизмасди, келаётган ўққа чап бериб ўтарди. Гоҳ-гоҳ Кўксарой ёнидаги сайисхонага борганда юраги орзиқиб қўяди. Хонўғлон от эмас, дўст эди. Айнан, мана шу Ҳиротдан олиб борилганди, балки шунинг учун ёдига тушдимми?..

Дарров отни алмаштирдилар.

Амирзода Мироншоҳ Мирзо баҳодирлари алақачон қалъа деворига чиқиб олган эдилар. Ахий Жаббор баҳодир, унинг ёнида Йаналтекин билан Учқоралар аёвсиз жанг қилардилар. Учқора рўпарадан келаётган душманни мазах қилиб: "Келақол, дастгинангдан кетай, келақол! Узи кўзим учиб турувди!.." дер, қилич солар, бўш вақти қолди дегунча, минғирлаб ўзининг суюмли қўшиғини бошларди...

Бирдан Ахий Жаббор баҳодир навкарларга қарата қувонганидан:

- Баҳодирлар! Қарангиз, Амир Соҳибқирон!.. Амир Соҳибқирон ёнимиздалар! Амир Соҳибқирон ёнимизда-а-а-ла-ар!.. Баҳодирлар, дадил бўлингиз! — деб қичқираиб юборди. Унинг овози яқин-йироққа, қалъа ичида ўлар-тириларига қарамай савашиншаётган ёғий аскарларига ҳам етиб борди.

- Амир Соҳибқирон омон бўлсунла-а-а-ар!..

- Амир Соҳибқирон! Амир Соҳибқирон! — деган овозлар янгради навкарлар орасидан. Сурон кўтарибди.

Майдонда чарх уриб юрган ўн беш ёшли амирзода Мироншоҳ Мирзо падари бузруквори ёнига келиб илтижолар қилиб деди:

- Валинеъмат Соҳибқирон! Сабру тоқат иззатгоҳида шоҳчодирда турсалар!.. Шоҳчодирга қайтсала-а-ар!..

Амирзоданинг овози суронлар ичига сингиб кетди. Амир Темур эшитди, аммо жавоб бериб улгурмади, шиддатли тулпори қалъа атрофи бўйлаб ўқдай еларди.

Амир Сайфиддин некўз баҳодирлари қалқонларини пана қилиб узун шотилардан урмалаб юқорилаб боришар, ўқ теккан навкарлар нобуд бўлиб ерга қуларди. Мубашшир баҳодир қаноти Соҳибқирон маслаҳатига кўра шаҳарга оқиб кирадиган тезоқар Ижал анҳоридан ичкарига йўл топди...

Қамал ҳамма томондан олиб борилганидан, мудофаачилар қўшинининг кучи қирқилиб, тарқаб кетган, шаҳар қатталигидан бир-биридан хабар олиш мушкулликлар туғдирарди. Кўчаларда девордан ошиб ўтган, анҳордан битта-яримта кириб олган Мовароуннаҳр навкарлари пайдо бўла бошлади. Аҳволни кўрган Малик Ғиёсиддин ҳарамни билан жон сақлаб ичкари Ҳисорга кириб беркинди. Шаҳар Соҳибқирон қўшинлари қўлига ўтгандай эди.

Намози асрга борганда жанг суронлари эшитилмай қолди.

Ҳирот навкарларидан икки минг асирни тутиб Амир Темурнинг қалъа ташқарисидидаги чодирни олдига келтирдилар. Асирлар ичида мардона ўлимга тик қараб турганлар ҳам, кўзларидан ёш оққан, аччиқ қисматдан қочиб кетолмаган бечоралар ҳам кўп эди. Амирлару

баҳодирлар ичида ҳеч ким ҳалигина тош ва ўқ отган, кўп навкарларни ер тишлатган бу қаттол душман битта ҳам қолдирилмай тигдан ўтказилишига асло шубҳа қилмасди. Аммо пири комил Шайх Зайниддин Абубакр Тойбодийнинг насиҳати Амир Темурнинг эсида турарди. Соҳибқирон ўйланиб қолди. Атрофга жимлик чўкди. Гоҳ-гоҳда узоқдаги отларнинг пишқиришларигина сукунатни бузади.

Соҳибқирон асирларга нигоҳ ташлади. Турли ёшдаги одамлар, ёши бор, кексаси ҳам... Булар беғуноҳ одамлар. Гуноҳ қилганларигина жазосини олишлари керак! Фақат гуноҳга йўл қўйганлари! Лекин... Агар уларни омон қолдирай деса, у қолда жон олиб жон берган бўлсин, нега ёвуз душман жазосини олмайди, деб норози бўлиши аниқ.. Бу мақбул иш эмас. "Қатл этилсун!", қабилида фармон берилса, бу ёқда улуғ Шайхулисломнинг: "Навкарларингиз Ҳирот аҳлига азоб бермасунлар!.." деган насиҳатлари турибди. Унинг устига, бандаларга жонни худо берган, нега у олиши керак?.. Олса, худонинг ўзи олсун! Мана шу охири фикрнинг асл ҳақиқат эканлигини Соҳибқирон дил-дилидан сезади...

Шу палла пири комилнинг: "Не қилайликки, адолат ҳам аслида нисбий нарса... Адолатни ушлаб турмак осон эрмас!" деган сўзлари ёдига тушди. Адолатни ушламак осон эрмас... Нечоғлик доно сўзлар экан-а! Ажабо, агар асирларга жазо берилса, бу қўшин навкарлари назарида адолатли бўлади, агар жазога буюрилмаса – асирлар учун адолат тантанасига айланади. Қандай йўл тутмоқ керак? Биров учун адолатли туюлган нарса бошқа учун адолатсизликнинг ўзгинаси бўлиб туюлади... Ҳамма учун бирдай ардоқли, тан олинадиган ягона адолат қаерда?.. Қаерда ўша адолат?..

Икки ўт ўртасида қолган Амир Темур бирдан котибга ўтирилиб бундай хат ёзишни буюрди:

"...Фофил қолмасунларким, шаҳар элидин кимки, ташқарига чиқмай ўз уйида ўлтурса, жони-хонумони омонда бўлмай! Ва ҳар кишиким, чиқиб Амир Темур қўшинига тиг кўтарса барини ўзидан кўргай!.."

Одамлар асирларга жазо берилишини кутаётганда, унга ҳеч алоқаси бўлмаган бундай хатнинг ёзилишига ҳайрон қолдилар. Лекин алоқадор эканлиги кейин билинди.

Соҳибқирон асирларга қараб хатни кўрсатиб, баланд овозда деди:

- Барча асирларнинг гуноҳларидан ўтдук!.. Ҳар бирингиз ушбу хатдан олиб бутун шаҳар халқига тарқатиб чиққойсиз! Элга кўрсатқойсиз! Англатингизким, тўғри йўлни топиб олсунлар!..

Ҳали замон ўлимини кутиб турган асирлар Соҳибқироннинг бундай ҳимматидан хурсандчиликлари ортиб, дунёлари ёруғ бўлиб, осмонни бошига кўтаргудек ҳайқира бошладилар:

- Амир Соҳибқирон салтанатлари пойдор бўлсун!
- Соҳибқирон умрлари узоқ бўлсун!
- Худо ўз паноҳида асрасун, илоҳо!
- Соҳибқирон! Соҳибқирон!..

Майдон узра ана шундай дуолар янграрди.

Амир Темур қўлидаги узукка секин қараб қўйди: олтин узук ярақлаб турарди.

Асирлар, энди асир эмас, озода қушлар, Аллоҳга шукурлар қилиб, шаҳар оралаб, учраганни огоҳ этиб, уйма-уй кириб чиқдилар. Хатни топширар эканлар, Амир Темур Кўрагон ҳазратлари уларнинг гуноҳларини кечирганлари ва шаҳар элига ҳам ҳиммат кўргизганларидан ошиб-тошиб гапиришарди. Кўчаларда ваҳима ичида нима қилишни билмай гангираб юрган одамлар ҳам хатни олишгач, шукур қилишиб, барчаси хотиржам, ортиқ кўчага чиқмасликни кўнгилга тутиб уй-уйларига равона бўлардилар..

Ичкари Ҳисорга беркинган, қирқларга борган барваста келбатли, табиатан кўрқоқ ва ҳадик-гумонларга кўнгил бергувчи Малик Фиёсиддин бало-офатнинг остонада турганини қаттиқ ҳис этди. У оқибатнинг шундай бўлишини асло кутмаган эди. Шайх Тойбодий сўзларига парвосиз қараганига, улуғ зотни ранжитганига ичида афсуслар чекди. Ҳа, Шайхулисломнинг дуоибадига қолди!...У ўзини

мағрур одам санарди, аммо бу гурур шароитни ҳисобга олишга, вазиятни чамалаб ҳаракат қилишга ҳамиша халал берарди. Одатда, гурур ўнг томонга бошласа, соҳиби гурур жасоратлар майдонида жавлон уради, чап томонга юрлса телбалик саҳросига элтади. Ҳамма гап қайси тарафга қараб юришда...

Ҳирот малиги дарҳол шаҳар элини Ҳисорни ҳимоя қилишга чақириб маҳаллаларга одамлар жўната бошлади. Аммо Ҳисорга биронта ҳам одам келмаганидан таажжубланди. Кўчаларда ҳам ҳеч ким йўқ эмиш. Шу пайт унга Амир Темурнинг шаҳар айланиб юрган хатини тутқаздилар... Малик Гиёсиддиннинг кўз олди қоронғилашди. Ҳайҳот, душманга сиғиниб боришдан бошқа йўл йўқ эди унинг олдида!

Малик олтмишларга бориб қолган онаси малика Султон Хотунга буюргандай деди:

- Муҳтарама волидам! Танг аҳволга тушиб қолдик... Мен борсам Ҳисор қўлдан кетгусидур. Сиз Амир Темур Кўрагон ҳузурига борингиз! Қудангиз, ахир. Катта ўғлим Пир Муҳаммадни ёнингизга олингиз, Соҳибқироннинг куёви. Бошқа чора кўрмайдурмен...

Малика Султон Хотун ажабсиниб ўғлига қаради.

- Бошқа чора кўрмайдурмен! — тақрорлади Малик онасига тик қараб.

- Ижозат берсалар, жанобингиз уларни кузатиб борсам... — бирдан мурожаат қилди очиқ юзли, паҳлавон келбат Искандар Шайхий, Маликнинг яқинларидан бири, Бижан авлодларидан чиққан баҳодир.

- Жуда маъқул! Борингиз, бирга борингиз! — деди ҳаприқиб Малик Гиёсиддин. - Ўзим ҳам айтмоқчи эрдим. Биргалашиб шафқат тилангиз!

- Нималар деяпсиз, подшойим?... — эътироз билдирди ҳайратда Султон Хотун чиройли шаҳло кўзларини Маликка тикар экан. — Мен Амир Темур ҳузурига борар эмишманми? Аёл бошим билан-а?..

- Борингиз, онажон! Ҳозир баҳслашишнинг ўрни эмас.. Қудангиз, ахир... Ҳа, айтгандай, Пирмуҳаммад келинимиз Севинч қутлуғ оқани ҳам бирга олсун. У Темурбек синглиси Ширинбиканинг қизи-ку! Жиянлари... Ахир, уч йил оддин Соҳибқирон тақлифи билан қуда бўлғонмиз. Узлари ўртада бегоналик, ётликни хеш-ақраболикка айлантиришни истагон эрдилар... Эсларига солингиз...

- Ахир... мен... Қандай қилиб?..

- Нега тушунмайсиз, онажон? Мен борсам Ҳисор қўлдан кетадур, деяпмен-ку? Шунини истайсизми?..

Малик онасига оғиз ҳам очирмай тезроқ Амир Темур қошига боришга ундарди. Тоғай Темурхоннинг қизи, ёшлигида кўрку латофат соҳибаси эканлиги кўриниб турган Султон Хотун бошиданок ўғлининг тутумига қарши эди, Амир Темур билан довлашиш зинҳор керак эмаслигини айтганди. Ўғли қулоқ солмади. Энди бўлса юртга бостириб келган подшо олдига бориш маликанинг зиммасига тушиб турибди.. Қандай боради? Қайси юз билан боради?.. Мусулмончиликка ярашадурғон ишми бу?..

Малика Султон Хотун ўғлининг бу қадар кўрқоқ ва журъатсиз эканлигини билмаган экан. Кўнгли оғриди. Аммо Маликнинг аянчли аҳволини, изтиробларга тушаётганини кўрган онаизор чидаб туролмади. Ўғлига дашномлар бериш, ота-боболар шухратини эслатиш, шу билан фарзанди қалбида жасорат ва журъат уйғотишга уриниш бефойда эканлигига имон келтирди. Андишани бир чеккага йиғиштириб қўйиб, дарҳол набираси билан келинини олиб Искандар Шайхий кузатувида Амир Темур чодирига йўл олди.

Олий қароргоҳда, уларни чиндан ҳам қариндош сифатида очиқ чехралик билан қаршиладилар. Малика бундай бўлишини асло кутмаганди. Соҳибқирон барчага шафқат кўргизиб, иноятлар қилди, турфа тухфалар инъом этди; Султон Хотунни бир шода марварид билан сийлади, куёви маликзода белига олтин камар боғлади. Севинч қутлуғ оқанинг манглайдан суюб ўпиб қўйди. Унинг қулоғида пурқудрат тоға ҳадя қилган тилла балдоқ ялтиради. Малика Дилшод оқа қудалар атрофида парвона эди.

- Малик Гиёсиддинга айтингиз... — деди Соҳибқирон Султон Хотунга. — Унга хусуматимиз йўқ. Ҳисордан чиқиб ҳузуримизга келсун. Келмаса уруш бўлур. Уруш бўлса, кўп одамнинг қони тўкилуру, мусулмонларнинг аҳли аёли, хонумони хароб бўлур. Ва барчасининг ёзуқ-гуноҳи анинг бўйнига тушгай...

- Қуллуқ Амир Соҳибқирон ҳазратлари! Ҳузурларига келади! Албатта, келади!.. Ҳимматларига қуллуқ!.. — деди миннатдор бўлган малика Султон Хотун, чиройли кўзлари ёшланиб.

Малик Гиёсиддин ичида зир титраса ҳам Амир Темурни тавоф қилиб келишга мажбур бўлди. Бу пайт Соҳибқирон Ҳиротнинг хушманзара масканларидан бири Боғи Зоҳон кўшкида эди. Малик ўзининг тутумларидан тамом пушаймон эканлигини, уни айрим нокаслар йўлдан уриб, нодуруст кенгашлар берганлигини айтиб, йиғлаб узру зорини қилди.

Амир Темур малик гуноҳидан кечди, хосса хилъатлару олтин камарлар билан сарафроз айлаб, шаҳарга қайтишга ижозат берди.

Тонг билан эса шаҳарнинг саййид ва қозилари, фузалою машойхлари, аъёну ақобирлари жам бўлишиб Турон султон мулозаматига етишдилар. Кўп навозишлар ила хушвақт бўлган издиҳом шомгача давом этди.

Соҳибқироннинг қўлидаги узук ярақлаб турарди.

## Ўн олтинчи боб

### I

Амир Темурнинг кичик қизи Султон Бахт бегим шунчаки қизларга ўхшамас, сергайрат, биров эркакшодароқ бўлиб ўсди, сал қайсарлиги ҳам йўқ эмасди. Болалигидаги ерга урсанг осмонга сапчиши ҳали ҳам гоҳ-гоҳда аён бўлиб турарди. Шаддоқ қиз от минар, қилич чопар, лозим эса савашишларда қатнашарди. Бу маънода у раҳматли онаси Улжой Туркон оқадан ҳам ўтиб кетди. Табиийки, тўй ҳақида, куёвга узатиш борасида гап кетса, ҳуркак оҳудай дарров ўзини нари оларди.

Соҳибқирон қизини тергамасди. Асли фарзандга ташна Амир болаларини авайлашни, ардоқлашни яхши кўрар, уларнинг кўнглини овритиб қўйишдан чўчирди. Унинг ёлғизгина қизи қолди энди...

Вовайлочлар бўлсинки, Хуросондан қайтганидан сўнг, кўп ўтмай қайғули қора кунлар Соҳибқирон бошига тушди.

Катта қизи ҳалим табиат, камгап, юмшоқ кўнги, тортинчоқ, поклик энагаси эмизган Оқа Беги хонимни — уни асил номи Тағайшоқ хоним эди, аммо Соҳибқирон яхши кўрганидан, чамаси эркалаб, оқалар беги бўлсин, деб шундай атарди — Муҳаммадбек ибн Мусога узатдилар, худо Султон Ҳусайн Мирзо деган ўғил ато этди. Бироқ, умр бевафолик қилди — Оқа Беги хоним раббоний қазо ҳукми билан шифосиз дардга чалиниб, мижози заифлашди, сарвдай нозик адо қадди ниҳоли ногаҳонда букилиб фано тупроғига юз бурди.

Турмиш оқадан турилган икки фарзанд — Жаҳонгир Мирзо билан Оқа Беги хоним, ажабо, бири йигирма ёшда, иккинчиси йигирма уч ёшда, шундай ёш туришиб дунёдан кўз юмдилар. Оқа Беги хоним Жаҳонгир Мирзо вафот этганда овасига куйиб-ёниб қуруқ суяк бўлиб қолганди. Энди эса ўзи ўзгаларни қоқ суякка айлантириб кетди.

Соҳибқирон шундай аламда қолдики, уни бирон нарса билан юпатиш мушкул эди. Тунда кўкка боқса, у ҳам қорага бурканганди, ой юзини йиртган, Зухро сочларини юлган, осмон кўк кийиб олганди. Илоҳий қазога рози бўлмай илож қанча?.. Оқа Беги хоним Амир Темур юрагида яна бир битмас чандиқ бўлиб қолди...

Кейинги воқеалар ҳам Соҳибқирон юрагини тобора тошга айлантириб борарди. Улуғ Амир одатича, сафарга чиқиш олдидан қайси хотинларини танлаш борасида қуръа ташлар, қуръа қимга чиқса, ўшани ўзига ҳамроҳ этарди. Қуръани инсоф намунаси деб билган маликалар шундай дамларни ҳаяжон билан кутардилар. Ҳатто яширинча фол очтирганлари ҳам бўларди. Бу гал қуръа Дилшод оқага илтифот

кўргизган, саҳройи офатижон ҳамманинг кўзини куйдириб Амир Темур ёнида сафарга жўнаб кетган эди... Соҳибқирон кўшини Эронда Туршиз қалъасини қамал қилаётган пайтда Дилшод оқада мараз<sup>54</sup> пайдо бўлди, уни зудлик билан Самарқандга юбордилар. Аммо, афсуски, муолажалар наф бермади, саҳройи офатижон малика бандаликни бажо келтирди...

Олдинда эса Соҳибқиронни яна ҳам муҳдишроқ воқеа кутарди. Энди Соҳибқирон етти ухлаб тушига кирмаган ҳодиса юз берди: оқила эгачи, бонуйи кубро, улуғ хотун қутлуғ Туркон оқа вафот этди!.. Амир Темур бошига бало-қазо ёпирилгандай бўлди! Кечагина Оқа беги хоним мусибатида дунёдан умид узмак, кўнгилни чўктирмак бандасига номуносибдир, ғам-андухдан асло наф йўқдур, агар шундай давом қилсалар, олам чок-чокидан сўкилгай, дея Соҳибқиронга далда берган эгачининг ўзи энди бу дунёдан умид узиб кетди.

Негадир бир ой олдин қутлуғ Туркон оқа Кўксаройга — Соҳибқирон олдига келиб, келини Хонзода хоним йигирма тўртта кирганини, лом-мим демай, оғринмай етти йил ёлғиз ўтирганини айтиб қолди.

- Бир пайт Хонзода хоним ҳақида сўз кетганда, буни биз аёлларга қўйиб берингиз, дегандим... Ёдингиздаму?.. Энди фурсат етди, - деди эгачи. — Маҳди улё келинимиз Сароймулкхоним билан узоқ кенгашидик. Амир Соҳибқирон! Ижозат берсалар, рози бўлсалар, Хонзода хонимни ота-боболар удумини қилиб Мироншоҳ Мирзога никоҳлаб қўйсақ. Ака оламдан ўтса, унинг аҳли аёли ука зиммасида бўлур!.. Амирзодам балоғат пиллапоясини босиб ўтди, ўн етти ёшга кирдилар.

Амир Темур ҳеч қандай эътироз билдирмай катта-катта кўзларини эгачига тикиди. Уларда ризолик аломатлари намоён эди. Соҳибқироннинг ўзи ҳам бу ҳақда кўпдан ўйлар, ўйлаб ўйига етмасди. Эгачининг таклифи унга маъқул келди. "Қизим эмас, ўғлим, деб атаганим, суйган келиним Хонзода хоним, хайрият, Соҳибқирон даргоҳидан олис кетмайди, яна ўз бағрида бўлади, мустарлик тортмайди..."

- Муҳтарама эгачим! Савобга қолибсиз! Худо умрингизни зиёда қилсун! — деди у. — Опа, ўзингиз айтдингизки, Мозандарондан бир кибкўк жамоа чиқиб мусулмонларни бесаранжому бехонумон қилмақдалар экан, деб... Сеистонга бориб, ундан Мозандаронга ўтиб бузғунчиларни бартараф этиб келишимни уқтирдигиз... Сиз...

- Йўқ, инижоним - кутилмаганда сўзни кесишга журъат этди қутлуғ Туркон оқа. - Тўйни ўтказиб олайлик, кейин борингиз...

Амир Темур эгачига қаради: илтижоларга тўла катта-катта чиройли кўзлар унга умид билан тикилиб турарди. Бонуйи кубро ҳеч қачон "инижоним" сўзини бунчалар синиқ ва ёлвориш оҳангида айтмаганди. Эгачи негадир маъюс эди.

Энди эсласа, бонуйи кубро жудолик онларининг яқинлигини, фурсат ғанимат эканлигини, Хоразм маликаси муаммосини ҳал этмай туриб бу дунёдан кета олмаслигини сезгандай тутган экан ўзини. Кониғилда Хонзода хоним билан Мироншоҳ Мирзо тўйлари бўлиб ўтди... Бахти барқарор бўлгур Мироншоҳ Мирзога Хуросон мамлакати волийлиги топширилган эди, келин-куёвлар дабдаба-ю асъаса билан Ҳиротга йўл олишлари керак.

Келинлик либосидаги Хонзода хоним етти яшар Муҳаммад Султонни бағрига босар экан, ҳеч кимга билдирмай ич-ичида мунграб, ўксиб, бағри ўйилиб йиғлади, ўғлининг юз-кўзларидан тўймай ўпди, негадир ўзини у билан умрбод хайрлашаётгандай ҳис этди. Ёри жони олам амирзодаси Жаҳонгир Мирзодан ёлғиз ёдгори энди Самарқандда қолади...

"Нима қилай, Аллоҳнинг ҳоҳиши экан, фақат ёдингизни ўзимга ҳамроҳ тутиб, бу дунёдан ёлғиз ўтишга тайёр эдим, Амирзодам! — Муҳаммад Султонни бағрига босганча, хаёлан Жаҳонгир Мирзога мурожаат қилиб дерди шўрлик Хонзода хоним. — Ким биландир яна ёстиққа бош қўйиш ниятим ҳам, истагим ҳам йўқ... Йўқ! Аммо хоҳишим бўлмаса-да, узатилмақдамен... Мендан сурамасалар ҳам, амир Соҳибқирон ҳазратларини ўйлаб, ичимда бунга розилик билдирдим... Ҳиротга вужудим борадир, холос, бироқ қалбим, руҳим сўнги нафасимгача сиз билан биргадур, Амирзодам..."

Мухаммад Султон қандай воқеа юз бераётганини англаб-англамай ҳайрон, отасиникидай чақнаган кўзларини бир кунда бегона бўлиб қолган онасига тикканча индамай қараб турарди.

Амир Темурга буни айтганларида юрак-бағри эзилгандай бўлди. Дарвоза олдидаги катта сўрида меҳмонларни кузатиб ўлтирар экан, ҳар қанча тиришса ҳам кўзларидан томган битта-яримта ёшни тўхтата олмасди. Соҳибқирон Жаҳонгир Мирзо ва Хонзода хонимни ўйлаб аламдан йиғлар, Хонзода хоним билан Мироншоҳ Мирзоларга қараб қувончдан ёш тўкар, аламу қувонч ёшлари бир-бирига қоришиб кетаётганини асло сезмасди...

Бир йил ўтиб Хоразм маликаси Соҳибқиронга Халил Султон отлик набира ҳада қилди...

Бу кейин. Ушанда қутлуғ Туркон оқани Шохизинда қабристонига Хусам ибн Аббос мазорига яқин ерда дафн этдилар. Муқаррар кун етгач, бандасини ҳеч нарса асрай олмас экан — бунда молу мансаб ҳам ожиз, қавму қариндош ҳам, тожу тахт ҳам... Соҳибқирон кутилмаган бу фожеага ортиқ чидай олмасам керак, деб ўзидан қурқарди... Чиндан ҳам Соҳибқирон табиатида хиёл ўзгаришлар кўрина бошлади. Жудоликлар, ишонган кишилар хиёвати, оламнинг беқарорлиги дунёдан кўнглини совутишга ундарди. Унинг равшан дилига муборак хотирига ваҳшату нафратлар йўл изларди... Вужудини ҳорғинлик ва оғирлик қамрашга турди. Оромсизлик ўз забтига олди, изтироблар борлигини чирмаб ташлади. Умидсизлик дунёни кўзига қоронғи қилиб қўйди...

Қабристондан марҳуманинг Кўксаройдан унча узоқ бўлмаган ҳовлисига қайтишаркан, пири муршид Мир Саййид Барака билан Шайхулислам Хожа Абдулмалик дилтанг бўлган Амир Темурни, унинг ёнида мунғайиб турган Амир Довуд дуғлатни юпатишга ҳаракат қилишарди. Аркони давлат, сарой аъёнлари, вазирлар, амирлар, беклар, Самарқанднинг казо-казолари, олис-яқиндан келган нуроний оқсоқоллар, кадуҳдолар ва калонтарлар қўл қовуштиришиб Арк кўчасининг бир томонида қатор бўлиб тизилишган, фотиҳага келган-кетганларни кутиб олишар, кузатишар эди. Келганлар фотиҳа ўқиб чиқишгач, кетишмас, балки аста-аста саф тортганларга қўшилишарди.

— Амир Соҳибқирон! — деди пири муршид. — Ўзингизни эҳтиёт этингиз...

— Ҳазрат Соҳибқирон! — қўшилди Шайхулислам Хожа Абдулмалик. — Қайғурмангиз, уриниб кетмангиз... Хожай коинот амридур...

— Дунё ишларига ҳам эътимодим қолмайдур, пирим, ҳар нарсадан кўнглам совуғон... — сўзланди ҳолсиз Соҳибқирон.

— Мискину фақир, авомуннос минг изтиробда сизга умид кўзини тикмишдур, Амир Соҳибқирон! Ғам уммонига чўкмак эмас, раёнинг ғамини чекмак дардингизга энг аъло шифо бўлур! Ҳа, ҳа, ғам уммонига чўкмак эмас, раё ғамини чекмак, Амир Соҳибқирон! Алҳамду лиллоҳир раббил оламин!

— Бавоят ҳақ ғалпи дедилар Мир Саййид Барака жаноблари! — қўллаб-қувватлади Шайхулислам кўлидаги гулдор тасбеҳни оҳиста ўтирар экан. — Комронликлари ҳамиша олиймақом даражада бўлсун, илоҳо! Ахир, фоний дунёда кимки хешу ақраболаридан кейин қоларкан, айрилиқ азобларини тан олмоғи лозим, бу Одам Атодан бизларга меросдур, Ҳазрат Соҳибқирон!...

— Қазо ўқига қалқон йўқ экан, чора-чорасизликда, Амир соҳибқирон жаноблари...

Пири муршид шундай дер экан, давлат ишларидан илик тортиб гўшанишин бўлиб ётиб олишга тайёр турган муриди-ю муҳибига қаттиқ ичи ачир, унга фақат яхши сўзлару насиҳатлар айтишдан ўзга ҳеч қандай ёрдам бера олмаслигини билиб руҳан эзилар эди.

Амир Темур уламолар сўзи шунчаки далда учун айтилмаганлигини, балки улар заминда ҳеч қаёққа силжитиб бўлмас аччиқ ҳақиқат ётганлигини ҳис қилди. Чиндан ҳам, чора — чорасизликда... У беихтиёр юзлари изтиробдан бўғриқиб кетган Амир Довуд дуғлатта қаради:

- Сабр қилингиз, амир жаноблари!.. Сабр берсун... Сабр берсун...  
— поччасининг кўнглини кўтариб деди ўз дардини унутиб Соҳибқирон ва ёнида турган кўзлари қизарган жияни Амир Сулаймоншоҳни оҳиста бағрига босди...

Дардлар эскирмай, Соҳибқирон синглиси Ширинбика ҳам жон омонатини эгасига топширди.

Ғамларга чулғаниб, букилиб қолишлар эр кишига, айниқса Соҳибқирондай яғонаи замонга сира ярашмаслигини, дунёнинг ишлари эса тўхтамаслигини англаб етган Амир Темурда яна салтанат ишларига майл пайдо бўлди. Қалашиб ётган минг бир ташвиш Соҳибқирон йўлида кўндаланг эди.

Уч кундан кейин Амир Темур отини ўз ҳолига қўйганча мулозимлар кузатувида Қўксаройга борар экан, куча-кўйни тўлдирган фақир мискин, раоё Ҳазратга таъзим қилар, кўнгли сўради. Амир Темур хиёл бош тебратиб борарди. У хаёлларга берилди.

Шундоқ экан, Соҳибқирон Аллоҳга шукурлар қилсун, зинҳор нолимасун. Шунчалар қилганига шукур десун. Жаҳонгир Мирзо ўғиллари валиаҳд Муҳаммад Султон етти ёшга кирди, Пирмуҳаммад Жаҳонгир ҳам... Эртани ўйламак керак, эртани...

Пайшанба куни оқшом, ҳали кечки салқин тушмаган эди, Боғи Чинорда Сароймулкхоним билан ўлтиришган палла, Соҳибқирон Маҳди улега деди:

- Аллоҳ бизни қаттиқ синовлардан ўтказди, Биби... Бу дунё синов дунёси экан. Бу дунёнинг синови ҳам осон эмас...

- Кўнглингизни чўқтирмангиз, Ҳазратим... Ётганларнинг жойлари жаннатда бўлсун, қолганларнинг умрини берсун. Амир Темур маъюс бош тебратиб қўйди:

— Биби, демак ўзимнинг ҳам гуноҳларим бор.. Қандай гуноҳларим бор, эй парвардигор?.. Ҳа, гуноҳкор бандамен... Бари гуноҳларимга берилвор жазо... Бандангни ўзинг кечир, Аллоҳим!.. На илож, Биби... Ожиздурмен, кўрдингизму, ожиздурмен...

Сароймулкхоним Соҳибқиронни юпатишга уринди:

- Ҳазратим... Ундоқ демасунлар! Асло ожиз эмасдурлар! Ҳазратимнинг ожизликлари ўзгаларнинг баҳодирлигидан юз чандон ортиқдур! Минг чандон ортиқдур!..

Сароймулкхоним бирпас Амир Темурнинг ўнг елкасига юзларини қўйиб суйанганча жим қолди. Кейин Соҳибқиронга сўзлаш фурсатини бермай мавзунни ўзгартириб бундай деди:

- Султон Бахт бегим қизимиз вояга етибдур... Ёдингиздан чиқиб қолдим, дейман. Аввалроқ ҳам айтқондим. Тенгини топиб узатсак, девдим. Айтгандай, Амир Жоку барлос жаноблари ҳам шу ҳақда бир нима деб юргон эдилар, шекилли. Ялт этиб катта хонимга қараган Соҳибқироннинг жонланиб, кайфияти ўзгаргани сезилди:

- Ҳа, ҳа, Биби... Деган эди. Деган эди... Султон Бахт бегим қизимнинг тўйини ўтказиш керак.

Шу пайт Холдона биби етти яшар Муҳаммад Султонни етаклаб кириб келди. Соҳибқирон ясангириб қўйилган валиаҳд набирасини кучиб бағрига босди. Манглайдан суюб-суюб ўпди. "Бошинг тошдан бўлсун, илоҳо!.. — дея пичирлади ичида... — Бошинг тошдан бўлсун! Амирзоданинг қолган умрини ҳам сенга берсун!..."

Кўзлари ёниб турган суҳсурдай бола қўйиб қўйилгандай Жаҳонгир Мирзонинг нақ ўзи эди! Жаҳон амирзодаси билан дунё маликасининг покиза зурёди чиндан ҳам султон бўлгудай шахту шижоатли, шўх, тиниб-тинчимас, кунлар келиб қадамидан ўтлар чақнаши ҳозирданок билиниб турарди. Унга боқиб олис келажак ҳақида ширин хаёлларга берилар экан, соҳир туйғулар Соҳибқироннинг шикаста кўнглини майин аллалаб эркалаб ўтди.

Бобо билан набирани кузатиб турган Сароймулкхонимнинг кўнгли ийиб кўзларига ёш келиб кетди.

...Орадан бир йил ўтгандан кейингина ёши йигирма тўртга бориб қолган Султон Бахт бегимни Соҳибқироннинг эски дўстларидан Амир Шер Баҳромнинг ўғли Муҳаммад Миракка узатдилар. қизнинг рўзғор

қилмакка ҳеч раъйи йўқ эди, розилигини олиш чўзилиб кетди. Тўй Кониғилда бўлди.

Амир Муҳаммад Мирак Хутталон вилояти ҳокими бўлса ҳам кўп вақти Соҳибқирон юришларида ўтар, Самарқандда бўларди. Тўйдан кейин кўп ўтмай Боғи Баланд қасрида яшашаётган келин-куёвлар тарих милодий 1385 йил бошида пойтахтдан Хутталонга йўл олдилар.

## II

Хутталон ҳокими Амир Муҳаммад Миракнинг саройи вилоят маркази Хулбук шаҳрида жойлашган эди. Вилоятнинг энг катта шаҳри бир пайтлар Мунк ҳисобланарди. Лекин Хутталон амирларининг қароргоҳи одатда Хулбукда жойлашарди. Йигирма-ўттиз йиллар аввал бу мухташам иморатда Мовароуннаҳрнинг номдор зодагонларидан Амир Кайхусрав ва унинг иниси Амир Кайкубодлар яшардилар. Муҳаммад Миракнинг отаси Шер Баҳром машҳур Амирнинг хешу ақрабolarидан эди.

Муҳаммад Мирак билан Султон Бахт бегим тўйларидан кейин Соҳибқирон кўнгли бироз таскин топди, чунки қизи муаммоси кўпдан бошини оғритарди. Энди бу нарса ҳал бўлди. Ахир, ёш нарсанинг ўқиб қолиши ҳамма нарсадан ҳам оғирроқ. Соҳибқирон бунга чидай олмади.

Келин-куёвлар тўйи Хулбукда бир ҳафта давом этди...

Муҳаммад Мирак асли Соҳибқирон қизини ёқтирмасди. Унча-мунчага бўйин эгавермайдиган қиз билан бир ёстиққа бош қўйиш мушуқлигини яхши биларди. Лекин подшо билан яқин бўлиш истаги бундан кучлироқ эди, эрта бир кун қачондир у шу Хутталондай чекка бир вилоятда қолиб кетмаса керак, ахир. Ҳатто отаси Шер Баҳром Амир Ҳусайнга яқин бўламан, деб Хутталондан чиқиб кетди, ўзини ўтга-чўққа урди, гоҳ уни ташлаб Амир Темурга ёндоқди, унинг ишончини қозонди. Соҳибқирон Шер Баҳромни яхши кўрарди. Кейин яна Амир Ҳусайнга борди. Икки кемани тутмоқчи бўлди. Охир-оқибатда қатл этилди. Отасининг бир гапи доим эсида: "Ўғлим, - деган эди Шер Баҳром. - Ҳар бир Амир ичида пошшо бўлмоққа интилади! Пошшоликнинг завқи бошқа... Пошшолик бамисли қуёш: жуда яқинлашиб кетсанг куйдириб юборади, узоқлашсанг совқотиб қоласен..."

Амир Кайхусравни Амир Ҳусайннинг навкарлари хун талаб қилиб у дунёга равона этганларидан кейин Хутталон ҳокимлиги бўш қолди. Соҳибқирон: "Бу жой Амир Шер Баҳром жойи эди, афсус... Энди унинг ўғли Муҳаммад Мирак ҳоким бўлсун!" деган фармон чиқарди. Шундай қилиб, Шер Баҳромнинг ўғли ўн тўққиз ёшида Хутталон ҳокими этиб тайинланди.

Ўша воқеалардан, чамаси, ўн йиллар ўтгандан кейин бир куни Боғи Баландда суҳбатлашиб утирардилар, Амир Сайфиддин некўз ҳам бор эди, гап айланиб фарзандларга келиб қолди-ю Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ Мирзо, Султон Маҳмудхон ибн Суюрватмишхон, Амир Сулаймоншоҳ, Мирзо Алибек, Жаҳоншоҳ ибн Жоку, Мубашшир баҳодир, Муҳаммадбек ибн Мусо ва Муҳаммад Мираклар ҳақида сўз кетди. Соҳибқирон салтанатнинг эртаси бўлган амирзодаларнинг ҳар бири шавкати ҳақида тўлқинланиб гапирди. Амир Жоку барлос сўз орасида Шер Баҳромни эслаб ўтди. Кейин кутилмаганда бундай деди:

- Агар бир қошиқ қонимдан кечсалар, бир нарса таклиф этмоқчи эдим...

- Десунлар, эй Амирул умаро! - Соҳибқирон бундай дейиш билан гарчи ҳозир бошқа лавозимда бўлса ҳам салтанатда мард ва садоқатли Амир Жоку барлоснинг нуфузи ҳамisha баландда эканлигини таъкидламоқчи эди. - Буюрингиз!..

- Парвардигор ҳар бир махлуқни ўз жуфти билан яратган... Гапни мухтасар қилсам... Муҳаммад Мирак билан қизимиз Султон Бахт бегимнинг бошларини қовуштириб қўйсак. Шер Баҳромнинг руҳи ҳам шод бўлур эрди. Ўзим совчилик вазифасини адо этурмен...



Бу таклифни эшитган Амир Темур даставвал бўлажак куёвини эмас, балки дўсти Шер Баҳромни кўз олдига келтирди. Шер Баҳром унга гўё: "Биздан ҳимматингизни дариф тутмангиз, Амир Соҳибқирон! Муҳаммад Мирак ҳам ўз болангиз-да..." деяётгандай бўлиб кетди. Унинг устига Амир Жоку барлос илтижо айлаб турибди. Соҳибқирон розилик берди.

Афсуски, совчилик Амир Жоку барлосга насиб этмади... Кейинги пайтларда Амир Жоку барлос кўп сирғовланадиган одат чиқарганди, ёши ўтган сари сафарларга ҳам боролмайдиган бўлиб қолди. Соҳибқирон унга Кобулистон вилоятини берган, ўша атрофга кўз-қулоқ бўлиб туриш вазифасини юклаганди. Ёзга чиқар-чиқмас амирул умаро уч кун касалланиб кўрпа-тўшак қилиб ётди-ю бандаликни бажо келтирди. Соҳибқирон Кобулистон вилояти ҳокимлигини Жаҳоншоҳ ибн Жокуга топширди.

Келин-куёвлар тўйдан кейин икки ой давомида фароватда яшадилар, меҳмондорчилик, сайру саёҳатдан бўшамадилар. Аста-аста Муҳаммад Миракнинг мижозиди<sup>55</sup> хийла ўзгаришлар сезила бошлади. Лекин писмиқ Амир барини яширишга уринарди.

Соҳибқироннинг қизи даставвал тўй завқу шавқидан маст бўлибми, кўп нарсаларга эътибор бермади. Назарида, ўша паллалар куёви жуда меҳрибон эди, мулойимлик билан муомалада бўларди. Ёки тўйнинг нашу наъмоси сабабчи эдими бунга... Нохуш жойи, аёл зотига муккасидан кетганлардан экан, баъзан кундузлари ҳам қайлиғига иддао қилиб келиб қоларди.

Султон Бахт бегим ҳали куёвининг сийрату саъжиясини тузук англаб етиб улгурмай Соҳибқироннинг Эронга уч йиллик юриши бошланиб қолди. Ҳумоюн ўрдудан барча вилоятларга сафарбарлик фармони тарқатилган эди. Хутталон ҳокими Муҳаммад Мирак ҳам ўз қўшинини жам этиб, фармонда айтилганидай Ҳирот яқинидаги катта лашкаргоҳга йўл олди. Ўзи билан негадир янги келинчак Султон Бахт бегимни олиб кетмади, балки кундоши ҳинд аёли Маҳду бонунни ортидан ияртирди. Кундоши яхши аёл, вайирлиги йўқ. Дарвоқе, бепарда гапларни ёқтирадиган Муҳаммад Мирак бу бечора аёлни минг азобга солар, "Ҳе, фалон!.." деб сўқар ҳам эмиш. Ёш келинчак буни канизаклардан эшитди.

Даставвал, четлаб ўтганлари учун маликанинг жаҳди чиқди. Кейин ўйлаб-ўйлаб, куёви уни аяган, янги келинчак балад-чақир йўлларда ҳориб қолмасин, уриниб-нетмасин, дея шафқат қилган, деган хулосага келди. Узини овутадиган яна бир сабаб топди. Ахир падари бузруквори Амир Соҳибқирон ҳам сафарларга борганларида ҳамма завжалари, канизакларини олиб кетмайдилар-ку. Гоҳ Туман оқани, гоҳ Дилшод оқани эргаштирадилар, аммо ҳеч қачон Маҳди улё — Сароймулкхонимни безовта қилмайдилар. Хонимойим доим Самарқанди фирдавсмонанда қоладилар, кутиб олишларда эса бош-қош бўлиб Ҳазрат истиқболларига пешвоз чиқадиладар...

Бир йилга бориб-бормай куёвлиги эътиборга олиними ёки Хутталон вилояти ҳам муҳим чегара нуқталаридан эканлиги назарда тутилиб муҳофаза ташвиши чекилдими, ҳарқалай, Ҳумоюн Ўрдудан Муҳаммад Мирак қўшинига ортага қайтиш ҳақида ёрлик берилди. Эл оғзига элак тутиб бўлмас экан, навкарлар орасида: "Ҳар ким ҳам Соҳибқирон куёви бўлсин экан, жангни ҳам эплаган эплайди, қайнотасига ёлвориб чиққанми мени қайтариб юборингиз, деб..." қабилида майда-чуйда гаплар, висир-висирлар ёйилиб кетди.

Султон Бахт бегим канизаклари қуршовида ҳам падари бузрукворини тавоф айлагани, ҳам куёвини зиёрат қилгани Эрон тарафга йўлга чиққанди. Сабаби, Маҳди улё — Сароймулкхоним унга чопар жўнатиб, Наврўз айёмига Соҳибқирон хузурига отланганлари, кўришмаганларига бир йил бўлаётгани, амирзодалар Муҳаммад Султон, Шохруҳ Султон, Султон Ҳусайн ва Халил Султон баҳодирларни олиб бораётганларини айтиб, Султон Бахт бегимни ҳам шу сафарга чорлаб юборибди. Хонзода хоним ҳам шижоат кўргизиб Султониёдан келаётган эмишлар... Хуллас, Хуросону Мозандарондан барча темурий маликалар ўша ерда тўпланишармиш...

Султон Бахт бегим қувониб кетди. Оҳ, қандай яхши! Барча билан дийдорлашади, дил ёзишиб гаплашади, дардлашади... Соҳибқирон эъзозли маликалар, оқа ва бегимларни Кўкча денгиз<sup>56</sup> соҳилига етиб келсунлар, деб буюрибдилар.

Бироқ маликага бориш насиб этмади. У канизаклари ва хизматкорлари билан Термизга етганда, куёви Муҳаммад Миракнинг қайтиб келаётгани ҳақидаги хабарни эшитди. Султон Бахт бегимнинг ҳафсаласи пир бўлди. Улар Термизда учрашдилар. Истиқболига пешвоз чиққанамга хурсанд бўлсалар керак, деб ўйлаган эди келинчак... Султон Бахт бегим, Соҳибқирон сафарлардан қайтганларида Сароймулкхоним, Туман оқа ва бошқа маликаларнинг Самарқанддан анча узоққа чиқиб кутиб олганларига ҳавас билан қарарди... Аммо Муҳаммад Мирак мамнун бўлиш ўрнига, бақрайган кўзларини пирпиратиб: "Нечун келдингиз? Ким сизга шундай қилгил, деди?.." деб ўшқириб берди, ноқулай вазиятта тушиб қолган маликага эса оғиз очирмади. Хуллас, палағда бир кайфиятда Хутталонга қайтдилар. Бу нарса Султон Бахт бегимни таажжубга солмай қўймади.

Бир куни ярим тунда Муҳаммад Мирак уйқу ичида алаҳсирай бошлади:

- Қоч! Қоч!.. Қоч! Ана! Ана... Ҳим-м! Ҳим-м!.. Ҳе, модарингни! Ушла! Ушла Султон Маҳмуд! Тўхтамишхон қани?..

Келинчак кўрқиб кетди. Қараса, куёви жиққа терга тушибди. Сал тинчлангандан кейин унинг бир маромдаги хурраги эшитилди. Шу палла ҳовлида бедор юрган қоровулнинг аста томоқ қириб қўйгани қулоққа чалинди. Маликанинг уйқуси ўчди. Бурчақдаги шам хонани хирагина ёритиб турарди. У куёвининг тутумига ҳайрон қолди, чунки авваллари ҳеч бундай ҳолни кузатмаганди. Тўғри, унда гоҳ-гоҳ гамгалик, бадгумонлик, нимадандир хавфсираш аломатлари, айрим ғайритабиий ҳаракатлар намоён бўлиб турарди. Малика барини ўткинчи ҳолатларга йўярди.

Бирдан куёв оғзидан алмойи-алжойи сўзлар чиқиб, яна алаҳсирашга турди:

- Ҳа, ҳа, сенми?.. Сенми?.. Ким? Искандар Зулқарнайн?.. Хо-хо-хо! Мен Искандар Зулқарнайн! Мен!.. Сен?! Мен!! Сенми?.. Сен-а?!.. Сен-а?!..

Муҳаммад Мирак салчиб ўрнидан туриб кетди ва жойнинг бир четида чўчиб омонатгина ўтирган Султон Бахт бегимга ташланди:

- Сен-а?!.. Сен-а?!.. Мен Искандар Зулқарнайн!

Мен!.. Сен-а?!.. Сени... Султон Бахт бегим қараса, куёви билибми-билмайми, унинг томоғига ёпишиб бўғмоққа ҳаракат қилмоқда! Балки уни Искандар Зулқарнайн деб ўйлаётгандир? Нима, куёви восвос касалига учрадами, телба бўлдими, молихулиёликданмики, уз қайлиғини ҳам танимас даражасига етибди?.. Малика даставвал бақирай деди, лекин шу ондаёқ тун-кечада бундай қилишнинг яхши эмаслигини идрок этди ва томоғидан Муҳаммад Мирак кўлларини қийинчилик билан бўлса-да бўшатишга уринди. У жасур қиз эди, авваллари савашилларда қатнашгани, бироз эркакшодалиги ҳам кўл келди. Фавқулодда ғазаб унга куч-қувват берди, бақрайган кўзлари ортиқча чақчайиб кетган, йиртқичга айланган Муҳаммад Миракни қаттиқ силтаб жойига итариб юборди. Куёви боши ёстиққа тегиши билан ҳеч нарса бўлмагандай яна хуррак ота бошлади...

Малика эрталаб суриштирганда Хутталон ҳокими ҳеч нарсани эслай олмаслигини, кечаси уйқуда нима қилганлигини билмаслигини самимий тан олар, воқеани билиб ҳатто ҳайратларга тушар эди. Султон Бахт бегим авваллари бунга ишониб юрди-ю барибир, куёвининг шайтон йўлига кирганлигини ҳис қила бошлади. Бунга бир воқеа қаттиқ туртки бўлди.

Орадан икки кун ўтиб, малика Хутталонга Тўхтамишхондан чопар келганини билиб қолди. Чопар Муҳаммад Мирак мактубига жавоб олиб келганди. Олтин Урда хони салтанат ишлари яхши кетаётгани, бу томони Табриз, бу томони Московия унинг кўл остига ўтгани ҳақида гурурланиб ёзганди. У "полвон"дан мамнун эканлигини билдирибди. Соҳибқиронга муҳолифлиги айни муддао бўлибди, чунки бундай

саркардага қарши барча бирлашмай туриб кўраш олиб бориш мушкул. Шижоатлар бир жойга қўйилмоғи керак. Худо хоҳласа, Туркистон салтанати Муҳаммад Миракники бўлғай. Фақат озгина фурсат бор. Тез кунларда Тўхтамишхон Хоразмга юриш қилади, деган ёлғон хабар тарқатилур. Амир Темур, албатта, бутун диққатини Хоразмга қаратади ва ўша ёққа жўнайди. Мамлакат холи қолади. Фурсат етгани шулдур. Муҳаммад Миракдан лозимдурки, шиддат кўргизсун, тарафдорларни йиғсун, Бухоро ва Самарқандга чопғун солсун, тахтни қўлга киритсун... Амир Темур Хоразмдан қайтгунча, бизлар Мовароуннаҳрни забт этиб бўлғаймиз. Дийдорлашув — Самарқанди фирдавсмонанда, Кўксаройда...

Муҳаммад Мирак мактубни ўқиб чиқди, қувонганидан кўзлари ёшга тўлди. Лекин шу онда кўнглидан: "Тўхтамишхон айёрлик қилмайтимикин? Тахтни шундай қилиб қўлга киритгандан кейин... тортиб олмасмикин? Муҳаммад Мирак яна Хутталоннинг ҳокимилигича қолиб кетмасмикин?.. Ҳатто ўз акангга, укангга ишониб бўлмайдиган бир замонда бу гапларга суяниш мумкинмикин?.." қабилида иштибоҳлар кечди. Қайта-қайта мактубни ўқишга киришди, ҳар ўқиганда шубҳа-гумонлар ортга чекинара эди. Дарров иниси ва сирдоши Абулфатҳни ёнига чорлади. Озғиндан келган укаси ундан олти ёш кичик бўлиб, ўзича ҳеч нарсани ҳал қила олмайдиган, журъатсиз, кўрқоқ бир йигит эди. Акаси нима деса, шуни маъқулар, бирон марта ҳам эътироз билдирмасди.

Хутталон ҳокими Абулфатҳга Тўхтамишхондан мактуб олганлигини, унда акс этган режаларни ошиб-тошиб гапириб берди. Барибир кўнгли тўлмади, мактубни олиб ўқий бошлади. Улар амирнинг уйида меҳмонхонада ўлтирар эдилар. Иттифоқо, Султон Бахт бегим меҳмонхона ёнидан ўтаётган эди, ичкаридан чиқиб турган гангир-гунгир овозлар эътиборини тортди. Меҳмонхона эшиги зич ёпилганидан сўзларни англаб бўлмасди. Фақат ора-орада "Тўхтамишхон...", "чопар", "Самарқанд" деган сўзларнигина эшитди, холос.

Муҳаммад Мирак Тўхтамишхон билан қалин дўстлигидан ғурурланганлигини яширмас, тездаёқ Амир Темур салтанатини эгаллашини мақтаниб сўйларди. Абулфатҳ бу гапларни юраги такапука бўлиб эшитар, умуман оқасининг фосих одам эканлигини билса ҳам, ҳеч нарса демас, ундан кўрқарди.

- Биласенму, дунёнинг роҳати нимада?.. Йўқ, сен билмайсен - деди бирдан Муҳаммад Мирак...

Шу палла меҳмонхона эшиги сал очилиб қолганми, Султон Бахт бегим энди гапларни аниқ эшита бошлади.

- Моҳичеҳраларни яхши кўрамен! Моҳичеҳраларни!.. — дерди Хутталон ҳокими. — Уларни оғушга олишдан кўра ҳам, қийнаш, қийнаш мен учун роҳатдир! Роҳат!..Оҳ!.. Яхши зиёфат бўлса, қўй ёғида ош, қази-қарта, жигардан қабоб, каклик қовурдоқ... пўст думба сомса. Шароб ила май... Тўйиб есанг, ичсанг!.. Хо-хо-хо!... Сархуш бўлсанг! Кейин жононни қучоққа олсанг, гулдай эзсанг, азоб берсанг, қийнасанг... Айниқса, Амир Соҳибқирон қизини... Ахир Соҳибқироннинг жигарини қийнаяпман-ку! Қийнаш... қийнаш... Яйраб кетамен-да! Завқ-шавқларга тўламен! Жоним кирадир! Жононни қийнасам жоним кирадир!.. Хо-хо-хо! Уларни қийнаганимдан сўнг иштиёқим беҳад ортадур, билдингму, ҳа... Оҳ!..

Муҳаммад Миракнинг ёниб турган бақрайган кўзлари тез-тез пириллар, бемисл завқ-шавқни ифода этарди.

Абулфатҳ индамай эшитарди.

Султон Бахт бегим "Вой ўлай!.." дея юзларини тўсиб, уялганча меҳмонхонадан йироқлашди. Ўша-ўша, маликанинг ташвишлари кўпайди.

- Сиздан бир нарса сўрамоқчийдим, Амирим... — деди бир куни Султон Бахт бегим мулоим оҳангга куёвининг жаҳлини чиқариб юбормаслик ниятида. - Нима учун тушингизда ҳамиша кимдандир қочиб юрасиз?.. Жангларда от чоптирасизми-ей... Ҳамма нарсдан ҳадиксирайсиз, тавба... Нима бўляпти ўзи, Амирим?..

- Ҳадиксирайсиз?.. Йўқ, йўқ...

- Кеча кечаси уйқунгизда яна алланималарнидир айтиб чиқдингиз... Авваллари ҳам кўп бор шундай бўлган... - куёвига қийиқ кўзларини тикди Султон Бахт бегим.

- Нималарни айтиб чиқибмен?.. — Йўқ қулоғининг ўрнини силар экан гижиниброқ сўради Муҳаммад Мирак.

- "Осмон тушиб кетса нима қиламен?..", "Ер ютиб кетса нима қиламен?..". Гоҳ-гоҳ Амир Соҳибқирон номларини ҳам айтиб қўясиз, "Подшо бўламен! Подшо бўламен!.." дейсиз. Қаерга подшо бўлмоқчисиз?..

Муҳаммад Мирак худди уят жойи очилиб қолгандай кўзлари чақчайиб кетди:

- Тафтиш этишни қайдан ўргандингиз, маликам?.. Ёки онангиз сизни шунга туққанмилар? Узатаётган вақтларида Соҳибқирон қулоғингизга: "Тафтиш қиласен!", деб буюриб қўйганмилар? Завжамисиз? Тафтишчимисиз?.. А?.. Яна нималарни тайинлаганлар? Қайга борганимни, босган қадамимни санаб юришни ҳам айтганмилар? Қанча қадам босдим, нафас олдим, нима қилдим, нима қўйдим. Шундайму?.. Гапирсинлар, маликам?

Хутгалон ҳокими бетоқатликдан кўзининг бурун томон бурчаклари қаттиқ ачишиб кетганини сезди ва кўп беҳузур бўлди. Қараши одамларникига эмас, йиртқичларникига ўхшарди... Чуқурлашиб бораётгандай туюлган кўзлари тез-тез пириллашга турди. Эҳтиёж бўлмаса ҳам, қошларини дам-бадам қўли билан юқори кўтаришга уринарди... Бари молихулиё касаллиги белгиларига ўхшарди. Султон Бахт бегим бир пайт буларни Абу Али Сино китобида ўқиганини эслади. Бундай кишилар кўпинча кўрқоқлик, бадгумонликка бериладилар, бадфеъллик этагидан тутадилар, одамдан қочадилар, ўринсиз хавфсирайдилар, ўзларини гоҳ подшо, гоҳ шайтон, гоҳ ҳайвон деб хаёл қиладилар... Султон Бахт бегим шавҳарини танимай қолди. Наҳотки, куёви шундай касалликка чалинган бўлса?.. Унда шўрлик Султон Бахт бегимни худо уриб қўйибди-да! Э, худо!..

Куёвининг шаллақи эканлигини илк марта кўриб турганидан келинчакнинг тили боғланиб қолди:

- Вой, тавба! Нималар деяпсиз, Амирим?.. — деди ниҳоят. — Бу асло сизга ярашадурғон иш эмас. Дунёда йўқ гапларни гапирасиз-а! Кошки, буларнинг ўндан бири тушимга кирган бўлса!..

- Ҳа, тушингизга кирсинму? Кирсинму?.. Шуни истар экансиз-да, а?..

-Вой... мен...

Келинчакни гапиртиришга қўймаган куёв зуғумли деди:

- Келганингиздан бери фақат ишингиз тергашдан иборат... Тергаш, тергаш!.. Отингизни Султон Бахт бегим эмас, "Тергашхоним" қўйиш керак экан ўзи, маликам! Биламен, олган нафасимизгача Ҳумоюн Урдуга етиб турибди... Ёки Амир Соҳибқирон сизни менга жосус қилиб юборганмилар?..

Кейинги гап Султон Бахт бегимга ботиб кетди. Шу ергача тишини тишига қўйиб келган малика энди чиқолмай қолди. Унга алам қилгани — куёвининг ҳеч бўлмаган ишни рўқач айлаши, айниқса, Соҳибқирон шаънига теккизиб гапириши, "Жосус..." деб кесатиши эди.

- Ие! Жосус?.. Сиз ким бўлибсизки, жосус қилиб юборадилар?.. — Аламдан қаҳ-қаҳ солди Султон Бахт бегим. — Худо урди!.. Яхшиликка ёмонлик экан-да?.. Қандай яхшиликлар кўргиздилар сизга Амир Соҳибқирон ҳазратлари? Сизгина эмас, эшитганмен, муҳтарам падари бузрукворингизга ҳам. Андишанинг отини кўрқоқ демангиз, Амирим!..

- Нима-нима?.. Яхшиликлар кўргизди?.. Қанақа яхшиликлар?.. Хо-хо-хо!.. Яхшиликлар эмиш! Савашларда жонингни жабборга бериб жанг қиласен, ўлар-тирилариингга қарамай от сурасен, аммо шараф бошқаларда!.. Қурултойда отинг ҳам чиқмайди!.. Мана, Эрон юришида ўзимни ўтга-чўққа урдим. Аланжуқ қалъасини қамал этдим! Уҳ-хў!.. Қандай қалъа! Шаддоди Однинг ўзи бино қилган, ҳа!.. Қалъага нақбалар<sup>37</sup> солиб, сувини сўриб олиб тўрт ёндан қамал қилиб мусаххар айладим! Қалъа доруғасини қўлига кишан солиб Ҳумоюн Урдуга

келтурдим. Йў-ў-ў-ўқ!.. Соҳибқирони комкор буларни кўрмадилар!  
На машваратда номимиз чиқди, на бирон ерни суюрволга оддик... Менга  
қилсалар, қизларига ҳам қилганлари бўлади-ку! Адолат, адолат,  
дейдилар. Адолат! Қани адолат?.. Адолат осмонда!..

- Хутталондай катта вилоят ҳокими бўлиб турибсиз-ку! Бу камми?..  
У ҳам бўлиб қолар... Соҳибқирон куёвисиз...

Муҳаммад Мирак телбаларча хохолаб юборди:

- Вилоят ҳокими эмишмен!.. Вилоят ҳокими! Хутталон қадим-  
қадимдан бизнинг хеш-ақраболар юрти, уни бизга биров бермаган...  
Бировдан олган эмасмиз! Отангизнинг зигирча ҳам ҳаққи йўқ!.. Ва у  
киши, айтиб қўйингиз, мен бердим, деб оғиз кўпиртирмасунлар!  
Соҳибқирон куёви эмишмен!... Соҳибқирон куёви бўлсам, мен  
уйланаман, деб кўзим учиб тургани йўқ эди!.. Ха-ҳа!.. Отангизнинг  
ўзлари бердилар! Ўзлари ялиниб бердилар!.. Ўтмас матосини бизга  
ўтказдилар...

Малика фавқуллода келган қаҳру вазабдан телбалангандай бўлиб  
қолди, агар қўлида қилич бўлганда уриб юборарди! Унинг назарида  
шунча гапни эшитиб, "ўтмас мато" бўлиб жим ўтириши мумкин эмас,  
у нимадир қилиши шарт эди.

Султон Бахт бегимнинг кўзларида ўт чақнади:

- Нима-нима?.. Вой, бебурд! Вой, бетамиз!.. — деб юборганини  
билмай қолди малика. - Юзсизликни кўрингиз! Уят ҳам йўқ!.. Бет йўқ!..  
Вой, ўл!.. Эркак бўлмай ўл!..

Муҳаммад Мирак қараса, малика Султон Бахт бегим вазабдан қийиқ  
кўзлари қисилган, юзларига ол ранг югурган, чеҳрасида худди жаҳли  
чиққан ёш сулув қизчанинг гўзал ифодаси пайдо бўлганди. Куёвнинг  
бирдан меҳри товланиб кетди, гўзал маликага тикилганча чақчайган  
кўзлари ҳирсдан ёна бошлади... Шарму ҳаёсиз Амир эркаклигини  
кўрсатиб қўймоқчи бўлдим, шартта келиб маликани қучоқлади ва  
типиричлатиб зўрлик билан хона ўртасидаги устунга олиб бориб  
боғлади... Сўнг бир пақир сув келтириб бошидан қуйиб юборди! Унинг  
тутумлари соғ одамникига ўхшамасди. Маликанинг пуштиранг ҳарир  
қўйлаги ҳўлликдан чиппа баданига ёпишди, унинг анордай сийнаси,  
хўшбичим сонлари алоҳида-алоҳида ажралиб куёвнинг кўзларини  
ўйната бошлади. Узоқдан томоша қилиб турган Муҳаммад Мирак, гўё  
бир оз олдин орада ҳеч қандай аччиқ-тирсиқ гаплар бўлиб ўтмагандек,  
"Маликам... Маликам... қандай гўзалсиз, маликам!.." дея шивирлади,  
аллақандай ҳирс исқанжасида устунга яқинлашиб келди-да, оёқлари  
билан ер тепинаётган маликанинг пуштиранг қўйлагини ёқасидан  
ушлаб икки томонга тортиб парчалаб ташлади! Бу унинг яхши кўрган  
қилиғи эди. Кейин бир нималарни шивирлаганча, куёвининг  
ғайритабиий ҳаракатларидан ҳайратда қаршилиқ қилишдан ожиз, лом-  
мим демай тошдай қотиб турган маликанинг ярим очилиб қолган, бундан  
беқиёс гўзаллик касб этган соҳир сийнасига очофатларча ёпишди...

### Ўн еттинчи боб

Эронга бўлган уч йиллик юришдан қайтар экан, Соҳибқироннинг  
кўнгли ғаш эди. Тингчиларнинг хабарларига қараганда, унинг шарқдаги  
душманлари Қамариддин, Анқо Тўралар ҳамон қиличларини қинига  
солган эмаслар. Уша ёқлар ҳали-ҳануз нотинч ва таҳликали... Устига  
устак, Хоразмшоҳ Сулаймон Сўфи атрофига йиғилиб олишган Султон  
Маҳмуд ибн Кайхусрав, Маҳмудшоҳ Бухорий кабилар тинимсиз уни  
йўлдан уриб, Амир Темурга қарши қайраш билан бандлар...

Ўтрор яқинидаги Чукалак мавзеида бўлган жангда Соҳибқирон  
қўшини пароканда бўлибди... "Ўғли" Тўхтамишхоннинг идаолари  
ҳам кучайиб бораётир. Хоразмга босқин уюштиргач, Тўхтамишхон  
Хоразмшоҳ билан бузғунчилик ҳою ҳавасларини бирлаштириб бир-  
бирлари кўнглига йўл топган эмишлар... Бухорони босибдилар,  
Занжирсаройга ўт қўйиб кетибдилар...

Кўксаройда ўтган машваратда аркони давлат вакилларида ташқари  
Чукалак жанги иштирокчилари бўлган амирлару навқарлар ҳам

қатнашдилар. Соҳибқирон барчасини тафтиш учун чорлатганди. Даставвал Эрон юриши ҳақида сўз кетди.

...Амир Темур Калот йўлида Абу Муслим Марвазий мазорига тушди ва зиёрат қилди. Соҳибқирон умавийлар халифалигига қарши курашган, Мовароуннаҳрнинг мустақил бўлишини истаган, йигирма саккиз ёшда қата этилган Абу Муслимни мард ва шижоат соҳиби эканлиги учун яхши кўрарди. У ҳақда "Абумуслимнома" қиссасидан кўп нарса билиб олганлиги эсида...

Арзинжон билан Арзирум ҳукмдори Таҳуртан Соҳибқирон ҳукуматини тан олди ва итоат камарини белига маҳкам боғлади. Гуржи подшоси Бағрат ислонни қабул қилди. Ироқи Араб, Форс, Шероз ва Исфаҳон шаҳарлари забт этилди...

Шулар ҳақида гапирар экан, Соҳибқирон хаёлга чўмди-ю, Шерозда Хожа Ҳофиз лақабли шоир билан бўлган учрашувни эслаб кетди. Ҳа, у Шерозга борганида бу шоирни топиб ҳузурига келтиришларини буюрди.

Хожа Ҳофиз машҳур шоир эди. Соҳибқироннинг улуғ пойтахтида ана шундай шоирлар бўлишлари керак, туркигўй, форсигўй, арабий шоирлар! Ҳиротга борганида, ўзи ёш, аммо ҳозирдаёқ Малик ул-калом дейишга арзигулик туркигўй бир шоирни айтиб қолдилар, аниқроғи, Шайхулислам Хожа Абдулмалик қувониб деди:

- Ҳазрат, бир шоирнинг туркий ғазалини айтдилар, дилимга қаттиқ ўрнашмишдур. Бу ғазални кўча-кўйда айтиб юришибди. Содда ва гўзал ифода этилмушдурки, руҳингиз ором оладур. Узи ёш, балки йигирмага ҳам ҳали бормаган, аммо худо берган соҳиби истеъдод экан, асли Шошдан, ҳозир Ҳирот ёнидаги Деҳи Канор қишлоғида яшармиш. Хайрият, ўз тилимизда шундай байтлар пайдо бўлмақдадур. Бари сизнинг шарофатингиз, Амир Соҳибқирон...

- Хўш... Байтни айтсунлар-чи...

- Узримни қабул қилингиз, чўзиб юбордим... Байти мундоқ:

*"Аёқингга тушар ҳар лаҳза гису<sup>58</sup>,  
Масал борким: "Чароғ туби қоронғу"..."*

Амир Темур Шайхулисламга таажжубда қаради:

- Фақат бир байтму?...

- Бир қошиқ қонимдан кечсунлар... - деди Шайхулислам ва ғазални бошидан ўқиб берди:

*Аёқингга тушар ҳар лаҳза гису,  
Масал борким: "Чароғ туби қоронғу..."*

*Тутармен кўзки, кўрсам оразингни,  
Ки дерлар: "Оққан ариққа оқар су".*

*Юзингни тутгум ортуғ ою кундин,  
"Кишининг кўзидур, оре, тарозу".*

*Кўзинг қонимдин ийманмас, ажабтур,  
Ки, "Кўрқар, қайдаким қон кўрса ҳинду".*

*Тилар васлингни Лутфий, қил ижобат,  
Ки айтурлар: "Тилаганни тилағу"..."*

Диққат билан тинглаган Амир Темур мамнун бош тебратди ва оҳиста деди:

- Лутфий... Тахаллусни танлашидан, бу шоирга лутф этса бўлур... Сўзи ҳам маънилик... Чароғ туби қоронғу... Оққан ариққа оқар сув... Ундан бохабар бўлсунлар, Шайхулислам жаноблари! У бамисли бир ниҳол, унга парварिश лозимдур, у миллату улус шарафидур! Унутмангизким, ҳар бир салоҳият эгаси, Аллоҳ томонидан

сийланадурғон сиймодур ва бу айрича лаёқат унга бежиз берилмағандур... Қадрига етмак керак!

Табиатан илму маърифатни хуш кўрадиган Амир Темур Низомий Ганжавий, Саъдий, Амир Хусрав Деҳлавий ғазалларини муталаа қилишни ёқтирарди. Икки йил бўлди, кунлардан бир кун Соҳибқирон Ҳофиз Шерозий ғазалларини ўқир экан, гаройиб байтга кўзи тушиб қолди...

Кейин байтга такрор кўз югуртирди. Ҳа, адашгани йўқ, шоирнинг ўзгалар ҳисобига сахийлиги жуда ҳам меъеридан ортиб кетибди! Сахийлик ҳам эви билан-да... Соҳибқироннинг қўли иягига чўзилди. Амир Темур Самарқандни олам маркази қилишга бел боғлаган, меҳрибону мушфиқ онаизори Текина Хотун туғилган Бухорои шарифни ислом динининг қувватига айлантиришга шаҳд айлаган... Самарқанд салтанат пойтахти, Бухоро волидаи муҳтарамасининг она шаҳри... Бу қандай кўргуликдурки, машаққатлар чекиб обод этган икки улуғ шаҳарини бир гўзалнинг холига бериб юборибдурлар?..

Шоирни туш маҳали шоҳчодирга олиб келдилар. Рўпарада етмишларга бориб қолган, бир пайтлар мағрур бўлган қаддини фоний дунёнинг азоб-укубатлари букиб қўйган озгингина одам турарди. У Ҳофиз Шерозий эди, эгнига фақирона ҳирқа ташлаган, ҳассага таянган бу мўйсафид номи чиққан "Ринди Шероз"га сира ўхшамасди. Амир Темур оламшумул соҳир ғазалларни шу бечораҳол нимжон, мункайган одам ёзганига ишонинқирамай қаради. "Аллоҳнинг карами кенг-да..." деб қўйди ичида.

Бироздан кейин Соҳибқирон бирдан ғазал ўқий бошлади:

- Агар он турки Шерози ба даст орад дили моро,

Ба холи ҳиндўяш бахшам Самарқанду Бухороро..<sup>59</sup>

Бу байтни сен иншо этганмусен, эй банда?.. Менинг шаҳарларимни тилга олишга қандай журъат этдинг?.. Албатта, сиз шоирлар худо билан гаплашиб турасизлар, илҳомни яратгандан оласизлар, сизларни тушуниш ҳам қийин...

Ҳофиз Шерозий қўлини кўксига қўйиб:

- Ҳа, мен битганмен, Соҳибқирон ҳазратлари, гуноҳкор бандадурмен...- деди-да, бош эгди. У жаҳонгирнинг ғазабидан кўрқиб турарди. Кўнглидан, "Ўксинма, эй Ҳофиз, ҳатто подшолар ҳам байтингни айтиб юрадилар..." қабилида фикр ўтди.

- Бир гўзалнинг қаро холига икки улуғ шаҳримни бахш этиб юборибдурсен?.. - сўради Амир Темур. - Саховатда Ҳотами Тойни ҳам орда қолдириб кетибсен-ку?..

Шоир назар ташлаб, Соҳибқироннинг жиддий қараб турганини кўрди. Кўнглига бир фикр келди. Шу заҳотиёқ ичида машҳур байтни янгича таҳрир қилди:

*"Агар он турки Шерози ба даст орад дили моро,  
Ба холи ҳиндўяш бахшам як сарқанду ду хурморо"*<sup>60</sup>.

Хожа Ҳофиз, байтимни душманлар ўзгартириб айтадилар, аслида мана бундай эди, деб янги таҳрирни ўқиб бермоқчи бўлди-ю, аммо Соҳибқироннинг унчалар ҳазилни ёқтирмаслигини эшитганидан, айтишга ботина олмади. Ўрнидан туриб таъзим қилди-да, ювилавериби ранги кетиб қолган ҳирқасини ечиб, яланғоч қоқ кўкрагини кўрсатди ва деди:

- Амир Соҳибқирон! Рост дедингиз! Саховатда Ҳотами Той ҳам орда қолиб кетганлиги рост. Ахир, Ҳотами Той яланғоч юрмаган... Каминани қарангиз! Қўлимнинг очиқлигидан, сахийлигимдан шу қадар камбағал бўлиб қолдимки, кўрингиз, ҳатто кийгани яктагим ҳам йўқ!..

Амир Темур сезилар-сезилмас мийиғида жилмайиб қўйди. У донишманд шоирнинг ҳозиржавоблигига тан берди ва жазосини қарамга алмаштириб, Муҳаммад Чуроға додхоҳга юпун шоирни сарполар билан сийлашни буюрди...

Соҳибқирон ўшандан кейинги воқеаларни эслашни асло истамасди. Кошки эди, эсламасликнинг иложи бўлса!..

Кўксаройга жимлик чўкканди. Барчанинг кўзи хаёлга ботиб деразадан узоқларга тикилиб турган Соҳибқиронда эди.

- Бу юришнинг изтироб чекадиган жойи бор... — деди ниҳоят Амир Темур. — Изтироб чекадиган жойи Исфаҳон воқеасидир, жаноблар, у ерда ноҳақдан қон тўкилди... Шундоқ бўлди...

Соҳибқироннинг хаёлга берилганини машварат аҳли ўзича мана шу машғум воқеага йўйди.

Исфаҳон ҳодисаси аслида бундоқ юз берган эди.

Ҳамадон шаҳридан Соҳибқирон лашкари Исфаҳонга йўналди. Одатда, Амир Темур ҳеч қачон шаҳарга қўшин билан кирмас, балки шаҳар яқинига келиб қўнар, даставвал кенгаш йўлини тутиб, элчи юборар, муаммони қон тўкишсиз адо этишга тиришарди. Шаҳар аҳли олдига шундай талаб қўйиларди: "Амир Темур салтанати тан олинсун ва бир йиллик хирож товон тўлансун... Шаҳар, бас, Амир Темур Кўрагон салтанати ҳимоясида бўлур!.. Кимдаким ушмундоқ кенгашга қулоқ солмай, итоатдан бош тортса, гажлик этиб бўйсунмаса, муҳолифат кўргизса, вилоятини талон-торож қилсунлар; кимки вазиятни англаб этиб, эл бўлиб олдиларига келса, азиз тутиб ўзлари билан бирга олиб юрсунлар, вилоятига заррача зарар-заҳмат еткурмасунлар..." Бу Соҳибқироннинг фармони эди.

Исфаҳон улуғлари кенгашга қулоқ осиб, шаҳар доруғаси Сайид Музаффар Коший бошчилигида жам бўлишиб Соҳибқирон қошига келдилар. Шаҳар аҳли "Тақа баҳоси" дея моли омон тўлашга розилик билдирди.

Соҳибқирон мамнун бўлди, шаҳар улуғлари кўп сийловларга раво кўрилдилар, подшоҳона лутфу карамдан сарафроз этилдилар. Шаҳар доруғасига ўз хизматини давом қилдириш вазифаси топширилди. Барча мамнун эди. Сайид Музаффар Коший таъзим бажо келтириб, йармоқни<sup>61</sup> олиб кетиш учун муҳассиллар зарур бўлади, дея ўтинди. Олий фармонга кўра, ажратилган уч минг забардаст муҳассил маҳаллаларда мол йиғмакка тутиндилар... Ҳамма бало кечаси бошланди. Чорсу маҳалласида қоқ ярим кечада қаёқдандир пайдо бўлган балаңд бўйли, овози кучли Али Кўчапо деган бир киши ўз атрофига одамларни йиғиб, очикдан-очик Соҳибқироннинг турли маҳаллаларда вафлат уйқусида ётган навкарларини жойида пинҳона ўлдиришга чақирди. Кўпчилик ул беоқибат жоҳилни қўлаб гапирарди. Одамлар ўртасида валаговур бошланди. Шошилич этиб келган шаҳар доруғаси Сайид Музаффар Коший бошлиқ шаҳар улуғлари уни инсофга чорлаб, бузғунчиликни тўхтатишни буюрди.

Али Кўчапо бўш келмас, доруғанинг сўзлари, унга бамисли ўчираман деб пуфлаганда лангиллаган оловдай таъсир қилар, овозини яна ҳам балаңдроқ кўтариб шовқин соларди:

- Нега Амир Темурга бош эгар эканмиз?.. Яна бир йиллик товон тўлаш керак эмиш... Йўқ, асло! Қарангиз! Душманнинг уч минг аскарни қўлимизда... Худонинг ўзи кўмакка келиб турибди! Уч минг аскар-а! Уларни ўлдирсак, бас! Мовароуннаҳр қўшини пароканда бўлади! Кейин у ўз юртига қайтиб кетади!.. Ҳа, ҳа, қайтиб кетади...

Сайид Музаффар Коший дарҳол сўз олди:

- Қулоқ солманглар, эй мусулмонлар! Кўзингизни очинг! У шайтон йўлига кирган! Кўрмаяпсизму? Бошимизга бало олиб келиб, ҳаммани хонавайрон қилади!.. Амир Темур қўшинига бас келиш қийин!.. Сулҳ тузилгани аъло иш бўлди! Шайтонга ҳай беринг, ҳой мусулмонлар!..

- Бошимизга бало олиб келган биз эмас, мана шулар! — деб юборди бирдан Али Кўчапо шаҳар улуғларини кўрсатиб. — Мана шулар ҳаммани хонавайрон қилади, ҳа! Сулҳ, дейди... Ҳаммамизни сотиб келишди!.. Ҳайданг, бу сотқинларни! Ҳайданг буларни!!!.. Изини қуритинг!..

Туз ташласа сачрайдиган дов ёғни эслатувчи чирсиллаб турган халойиқ гувиллаб доруға ва унинг шериклари томонга ўтирилди!

- Доруғани ур! Доруғани!.. — деб қичқирди шу палла кимдир. — Бизларни сотган шу!.. Сотқинларни ур!



- Нимага бизларни сотади?..  
- Доруғани ур!..  
- Ур!.. Жон жойига ур!.. Ур, баччағарни!.. — қичқира бошлади бошқалар ҳам...

Шу заҳотиёқ бир барзанги чиқиб Сайид Музаффар Кошийнинг ёқасидан тутди, "Ҳай-ҳай!.." деганига қарамай, гарданига мушт туширди. Биров тўғри келган жойига тепди, иккинчиси унга қўшилди... Кейин бошқалар ёпирилишди. Бирпасда оломон орасида қолган бошдан-оёқ қонга беланган доруға зарбаларга дош беролмай жон таслим қилди... Буни кўрган шаҳар улўғлари шитоб қочиб қолишдан ўзга чора топмадилар.

Фавқулодда ғазаб бирпасда вазиятни яхши англаб-англамаган исфаҳонликларни ваҳший оломонга айлантирди-қўйди. Ноғоранинг тантанали садолари остида, қайси маҳаллада, қайси уйда бўлмасин, Мовароуннаҳр одамларини излаб топишиб битта ҳам қолдирмай қўйдек бўғизлаб ташладилар, найзаларга илиб, нимта-нимталаб, хор-зор қилиб ўлдирдилар... Тасодифан шу кеча бедор бўлган бир неча муҳассилгина қочиб қутилди. Бир кечада черикдан уч минг киши зоеъ бўлди...

Воқеани қўрқа-писа Соҳибқиронга айтганларида, бундоқ бўлишини асло кутмаган Амир Темурнинг ғазаб томирлари қўзғолиб, бутун борлигини зирқирата бошлади. Авваллари ҳеч қачон шундай аҳволга тушган эмас... Тили калимага келмас, ўзини қўйгани жой тополмасди. Ғазоби тобора аланга олиб борарди. Тахтда ўтиролмай шохқодирдан ташқарига чиқиб кетди ва соқолини тутамлаганча Исфаҳон томонга тикилиб узоқ туриб қолди...

Соҳибқиронни алам ҳисси забтига олди. Э, аттанг!.. Ахир, ўлганларнинг ичида қанчадан-қанча бегуноҳлар, билмасдан аралашиб қолган фуқаролар, ғофил бандалар ҳам бор эди-ку... Ҳа, қуруққа қўшилиб ҳўл ҳам ёнди, бўлар иш бўлди, бўёғи синди...

- Агар Аллоҳ мадад бериб, тақдир ҳукми ақлу идрок билан бирикса, хўп-хўп, қилич билан қўшилса, эл ҳолига вой... — журъат этиб сукунатни бузди Амир Сайфиддин некўз. Ҳаммадан ҳам Амир Темур руҳиятини теранроқ тушунганидан у азият чекиб турган Соҳибқиронга кўмак беришга шошилди.

- Гап шунда, некўз жаноблари, тақдир ҳукми, афсуски, қилич билан қўшилди... Қуръони каримда дейилмишки, Аллоҳ ўзи хоҳлаган кимсаларни мана шундай йўлдан оздириб қўяр, деб... - вазмин оҳангда деди Соҳибқирон сарой аҳлига қарата. - Буни Аллоҳнинг ўзи истадими?! Ҳазрат Жабборнинг хоҳиш-иродасидан ул шаҳар хароб бўлмоғи керакмиди?.. Шаҳар аҳлининг бирон гуноҳ-ёзуғи бор эдими... Билмакка ожиздурмен. Буни ёлғиз ўзи биладур... Не чорадурки, тушунмаган авбошлар туфайли ноҳақ қон тўкилди. Аввал уч минг мусулмоннинг қони, кейин эса ўн чандон...

Сарой ичига жимлик чўқди. Соҳибқирон ўзини оқлашга ҳаракат қилмасди, ҳақиқатга юз ўтирмай гапирарди. "Инсофли одам-да, Амир Соҳибқирон... Бўлгон фалокатдан дили озурда..." — ўйлади ичида пири муршид ва фожиани эшитиб унинг ҳам кўнгли оғриди. Қўллаш маъносида сўз оларкан, катта-катта кўзларини Амир Темурга тикди:

- Амир Соҳибқирон! Ғофил авомнинг бундоқ бир бора қилган шарру шўри, харажу маражи<sup>61</sup> ҳамиша эл бошига бедаво бало бўлур. Не чора борки, барига йўлдан адашган мусулмонларнинг ўзлари сабабчи бўлсалар?.. - чертиб-чертиб деди Мир Сайид Барака. — Исфаҳонлик гажирлар иши бамисли саҳродаги саробга ўхшабдур, ташна одам уни сув деб ўйлайди-ю олдига келгач ҳеч нарса топмайдур... Ғофил авомнинг билиб-билмай қилган шарру шўри шу-да...

- Уларнинг пешонасига битилгон, Амир Соҳибқирон, таассуфки, бартараф этмакка бандаси ожиздур... Барчаси замона ҳолидан ғафлатда қолгон мардумнинг иши... Хожай коинот хоҳиши...

Бу Хожа Абдулмалик Шайхулислом эди. Амир Темур унинг ингичка иягидаги тўртта-бешта соқолини силаган гулдор тасбеҳ тутган қўли хиёл титраётганини кўрди.

Барча жим, айтилган сўзлар мағзини чақиш билан банд эди.

Амир Темур бу ҳақда қанча сўз кетса шунча бағри ўйилишини, кўлини қийёқ қийиб кетгандай жони қийналишини идрок этарди. Бирок Исфаҳон воқеасини машварат аҳлига билдирмаслик ҳам мумкин эмасди. Соҳибқирон салтанатида пинҳона ишларга ўрин йўқ, барчаси кенгаш билан ошқора қилинадур... У тезроқ мавзуну ўзгартириш керак, деган қарорга келди.

- Муҳтарам машварат аҳли! Ўзимизда ҳам Исфаҳондан машъумроқ ҳодиса юз берди...

Ҳамма ҳушёр тортди.

- Вожаб! — давом этди Амир Темур. - Бизнинг черигимизда қай маҳал кўрилгонки, аскаримиз душманга орқа ўтириб, отининг эгари қийшайиб қочгон бўлсун? Ким сизга бунни ўргатди? Ел қанотида тура олмогон чибиндек кўрқиб қочдингизму?.. Энди бунга не дейин?.. Ахир, қаерга борсак, ул ернинг пастқамида эмас, ўрқачида ўлтириш толеимиз эди-ку? Боргон еримиздан фатҳу нусрат билан қайтиш ҳамиша насибамиз эди-ку!.. Чиндан ҳам, туркларнинг ҳафсалалари кўзларидек тангдур... Қачон бу машъум одатни аритасен?.. Қачон?.. Эй парвардигор!..

Умаршайх Мирзо бошлиқ Чукалак жанги иштирокчилари машварат аҳлидан этакроқда ўлтиришар, кўплар шундай аччиқ гапларни эшитиб тургандан кўра, ўша жангда ўлибгина кета қолмаганларидан афсус чекардилар...

...Соҳибқироннинг Эронда эканлигидан фойдаланиб Тўхтамишхон Сиғноққа қўшин жўнатди. Умаршайх Мирзо зудлик билан Самарқандга чопар елдирди, ўзи эса Ўтрор ёққа отланди. Амир Сулаймоншоҳ ва Аббос баҳодирлар ҳам Самарқанд черигини жамлаб йўлга чиқдилар. Тошкентда уларга Амир Халил қўшилди.

Икки черик Ўтрордан беш йиғоч нарида, кунчиқар томонда, Чукалак деган ерда учрашдилар. Ясоллар тортилиб, баронғор ва жавонғор сафлари тузиди. Жанг бошланиб кетди.

Умаршайх Мирзо тез, шартаки эмасми, сабри чидамай баҳодирлиги тутиб ўзини ёғийнинг ғулига<sup>64</sup> урди! Шиддатидан сафни ёриб ўтди, ўтишга-ку ўтди, аммо ўз черигидан узилиб қолганини сезмади. Сардоридан айрилган черик эса ваҳимага тушди ва тездаёқ боши олинган танадек шижоати кесилди, орқа-олдига қарамай ҳар қаёққа қочишга турди. Аввалроқ Аббос баҳодирга ўқ тегиб захмлик бўлган эди, шундан жон омонатини эгасига топширди. Боши қотган Амир Сулаймоншоҳ эса кўлидан бир иш келмай ожиз эди...

Куппа-кундузи танг аҳволга тушиб қолганидан Умаршайх Мирзонинг жиззакилиги тутиб кетди. Лапашанг, ландовур, деб койинар экан, ўзини-ўзи важиб қўйгиси келарди. Савашиш санъатини ҳам билиш керак... Жанг русуми, қўшин ҳолати, майдонни бошқариш жуда муҳим экан. Тўғри, амирзоданинг мардоналиги, шаддодлиги бор, бироқ ўсмирлигида атқаси ҳарбий машқларни ўргатганида, у эркалик, ўйинқароқлик қилиб теранроқ ёндошишга вақт топмаган эди. Аттанг!.. Мана энди билдираётир. Ҳеч нарса изсиз кетмас экан. Энди Соҳибқироннинг суянган кўли, зафарқарин лашкар соҳиби Умаршайх Мирзо саҳродаги ёлғиз йинғилдай шомирзаи қоққуруқ бўлиб ўлтирибди... Ҳали валинеъмат Соҳибқирон кўзига қандай қараркин?..

Алами бисёр ортган амирзода пана-пастқам йўллардан юриб ит азобида Андижонга етиб келди... Қоронғи тушишини кутиб, ҳеч кимга кўринмай ўрдасига кириб олди. Дарҳол черик ғамлашни бошлаш лозим эди. Нафас ростлаб улгурмай, Анқо Тўранинг Жета ёқдан катта лашкар билан Сайрам ва Тошкент устига келиб мусулмонларни хонавайрон қилаётгани ҳақида хабар етди... Чидаб туролмади. Дарҳол Ўзганд черигини олиб Хўжанд томон юрди...

- Барингизни изза қилмак керак!.. — дарғазаб деди Соҳибқирон. — Чехраларингизда ўлим ҳамиятини асрагудек шахту шижоатингиз қаёқда қолди? Номардик қилиб қочгонларингиз дунёга ёйилди-ку! Қандай бош кўтариб юрасизлар?.. Мард Аббос баҳодирни кўрдингизму? Кўрдингизму?..

Соҳибқирон Аббос баҳодир қипчоқ билан фахрлангани кўриниб турарди. Қандай садоқатли йигит эди баҳодир! Сал кам йигирма йиллик қадрдони, дўсти!.. Самарқанд сарбадорлари орасида тинччи бўлиб юрганининг ўзи бир дoston, Темурбек Бухорода Амир Ҳусайн билан баҳслашиб қолганда, Арслонхон минорасидан "Ерга сакра!" деб буюрганда, ҳеч ўйланмай ўзини пастга отгани бир дoston... Шу шавкати учун у баҳодирлик унвонига эришганди. Ҳамма ҳайратга тушган, Амир Ҳусайн эса ёқа ушлаб қолган эди, ўшанда...

Ҳали Темурбекнинг қайсар амирлар бошини бириктираман, деб юрган пайтлари эди. Бир неча ой Балхга яқин Дараи Арсаф деган мавзе тарафларда қолиб кетдилар. Мўғуллар бостириб келган-келмаганини билиш учун Аббос баҳодирни Тошкент томонга юборди. Чинозга борганларида, мўғуллар эл оралаб, юртни талон-торож қилаётганларини кўрдилар. Шитоб Темурбекка хабар бериш лозим эди. Дараи Арсафга йўл Шаҳрисабздан ўтарди. Уйи яқинида оға-ини, қариндош-уруғлари кутиб олишди. "Уйингга тушиб ўт, болаларинг билан дийдорлашиб кет!.." деганларида, Аббос баҳодир бойибдан хожасига садоқат кўргизиб: "Амир Соҳибқирон уйдан йироқда бўлатуриб, унинг навқари уйини кўриши муносиб иш эмас..." деди ва уйига кирмай Дараи Арсафга йўналди...

- Мардни кўрдингизму?... Чекинғондан, қочғондан кўра ўлмакни афзал билибдур... Соҳибқироннинг кўзига кўринмай кўя қолай, деганда... Афсус... Еш кетди, бир қанотимни қайириб кетди...

Амир Темур хийла куйиниб гапирди, кейин барча амирларни чўби ясоққа етказишни буюрди. Умаршайх Мирзо, унинг ортида эса Амир Сулаймоншоҳ бош эгганча жим қараб туришарди, фармон эълон қилинганча, иккиси бирин-кетин Амир Темурга бош эгдилар:

- Валинеъмат Соҳибқирон!.. — деди Умаршайх Мирзо кўл қовуштириб. — Чукалак жангида қўшинимизнинг пароканда бўлишида каминанинг катта айби бордур... Душманга адданиб қолдук... Амирларим яхши жанг қилдилар, бироқ, мен... Жазони даставвал мен олмоғим жоиздур. Чўби ясоққа мен муносибдурмен... Амирларимга эмас, фақат каминанага жазо берсунлар, деб талаб этамен..

- Амирзодамнинг айблари йўқ, Соҳибқирон ҳазратлари! — эътироз билдирди Амир Сулаймоншоҳ. — Чукалак воқеаси каминанинг ландавурлиги оқибатида юз берди... Лақиллаб ёғийнинг дабдурустан бостириб келганини билмай қолдик... Мени жазолангиз, шунда адолат қарор топғусидур... Ўтинамен!.. Фақат мен айбдормен!..

- Қулоқ солмасунлар, валинеъмат Соҳибқирон ҳазратлари!.. — деди яна Умаршайх Мирзо.

- Мени жазолангиз, Амир Соҳибқирон ҳазратлари!.. — такрорлади Амир Сулаймоншоҳ...

Икки амирзода бир-бирига гал бермай айбни ўзларига тилаб, ерга қараб тиз чўкиб турардилар. Машварат аҳли бундай манзараларни аввал кўрмаган шекилли, ҳайрат билан боқарди.

Амир Темур амирзодалар тутумидан кўкраги кўтарилгандай бўлди, бу инсоф намунаси эди. Аммо буни ҳеч кимга сездирмади, қовоғини солганча қараб тура берди. Ҳар иккиси ҳам "кўпга келган тўй"дан четда қолмадилар, чўби ясоқнинг нималигини умрларида илк бор татиб кўрдилар.

Маъракада кўрқоқлик намоён этган Амир Халилнинг эса соқолини қириб, юзига упу-элик суриб шаҳар айлантдилар. Кўрганлар, шўрлик амирнинг ҳоли ҳеч кимнинг бошига тушмасин-да, кейин қандай бош кўтариб юраркин, деб кўйишарди.

Бир кундан кейин Амир Халил ҳақида нохуш хабар тарқалди. Шўрпешона Амир кечқурун уйига келгач, хотинлари-ю болаларига кўринишга ҳам уялиб гўшанишин бўлиб ётиб олибди. Ҳеч кимни ёнига йўлатмабди. Эрталаб ҳовлининг этагидаги отхонага кирганларида мудҳиш ҳодиса устидан чиқибдилар: Амир Халил шармандаи шармисорликка чидай олмай кечаси ўзини катта харига осиб кўйибди...

## Ўн саккизинчи боб

Дашти Қипчоқда "шимолий сарҳадларни муҳофаза этдим, сопини ўзидан чиқардим", деб юрган Амир Темур даставвал сабр қилиб, "ўғли"нинг қора ниятларини англамагандай иш тутди. Нафсиламрини айтганда, кўнглида Тўхтамишхонга қанча ишонч бўлса, шунча гумонлар-да бор эди, аммо катта умид боғлаганини ҳам яширмайди. Бир қараганда, бу умидлар рўёбога чиқаётгандек ҳам туюларди. Тўхтамишхон ўтган йиллар ичида қиблагоҳига мунтазам равишда элчилар, чопарлар, туҳфаю тансуқотлар юбориб, ҳар хил ёлғон маълумотлар бериб ўзининг садоқатини изҳор этиб турар, буларнинг бари Соҳибқиронни хотиржамликка ундарди. Ҳарнечук "ўғил"лик бурчи адо этилаётир.

Бу орада Тўхтамишхон Олтин Ўрдани яна бирлаштириш, уни Ўзбекхон замонидаги сингари қудратли давлатга айлантириш қайғусини чекди. Калка дарёси бўйида Олтин Ўрданинг асосий даъвогарларидан бири - Амир Мамоқ мағлуб бўлиб, Кафага қочди ва ўша ерда қатл этилди. Бошқа нуфузли Амир Идику эса ўз иддаоларини бировга билдирмади... Янги хон мамлакат ҳудудини кенгайтириш мақсадида Мовароуқофқоз<sup>65</sup> ва Озарбайжон ерларига қўшин ташлади, Табризни босиб олди. Сўнг шимолга, тарқоқ рус князликлари ерларига кўз тикди, унча катта бўлмаган Московия шахрини талон-торож этиб, ўт қўйиб юборди. Шу тахлит Тўхтамишхоннинг давлати ортгандан-ортиб, шавкатига-шавкат қўшилиб борди, бемисл қудратга эга бўла бошлаган ҳукмдор ўзга эларга ғайир кўз билан қарай бошлаши ўз-ўзидан аён нарса...

Соҳибқирон бу ишлардан бохабар бўлиб турар, Тўхтамишхоннинг кучайиб боришини худди Турон салтанати қудрати ошаётгандек ҳисоблар, аммо гоҳ-гоҳда кун келиб барчаси ўзига бир бало бўлиб қайтмасмикин, дея ўйланадиган қолса-да, бунга ишонинқирамайроқ қарарди. Турон султонидай қудратли султон билан баҳс бойлашишга Тўхтамишхоннинг юраги бетламаса керак, ахир...

Тўхтамишхон даставвал Соҳибқирон ҳузурига борганида, кейинроқ Оқ Ўрдани қўлга киритганида Жўжи улусининг оқил ва зукко амирлари Алибек қўнғирот, Оқ Буқа баҳрин, Урунг Темур кабилар унинг ёнида ҳозир унозири эдилар. Улар ёш, ғайратли хонзодага ҳамиша кўз-қулоқ бўлиб, вақти-вақти билан маслаҳатлар бериб турардилар. Алибек қўнғирот ҳамиша бундай дерди: "Ҳоқоним! Амир Соҳибқирон сизга кўп яхшиликлар қилди, эзгулик этагин тутиб, хор-зорлигингизда манглайингизни силади. Валинеъмат ҳаққини унутмаслик ҳам фарз, ҳам қарзидир. Олий зот муруввати ва унга сидқидил ихлос туфайли давлатингиз байроқлари ҳилпираб балқишдан асло тинмаган, олам аҳлининг таҳсинлари сиз томон йўлланган... Замон аҳли ўзгариб турадир, олам вазияти эса ҳамиша беқарор... Худо кўрсатмасин, агар бошингизга, ҳоқоним, фалокат тушса фақат Соҳибқирон ҳазратларига сўянишингиз мумкин. Ҳар хил кўнгли бузуқлар сўзига қулоқ солмангиз! Ул зотни валинеъмат бузруквор сифатида мақомларини юксак тутингиз..." Уни Оқ Буқа баҳрин билан Урунг Темур қўллаб-қувватладилар. Бу орада Оқ Буқа баҳрин жангда ҳалок бўлди. Урунг Темур ҳам ҳақ раҳматига борди.

Шу пайтлар Тўхтамишхон атрофини манкутийлар қавмига мансуб Толиб деган жамоанинг беоқибат ва ёвуз кишилари ўраб олдилар. Улар хон хизматида йўл топиб нойиблик мансабига эришдилар. Бешафқат қозончи баҳодир хон олдида катта нуфузга эга бўлди. Айни палла Соҳибқироннинг эски муҳолифлари Маҳмудшоҳ Бухорий, Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав, Абу Исҳоқ Ясуворий, Қамариддин, Анқо Тўралар ҳам Тўхтамишхон саройида "қунда-шунда" эдилар... Уларни хон билан Амир Темурга бўлган нафрату ғазаб бирлаштириб турарди. Алибек қўнғирот эса саройдан четлаштирилиб, сўзи кесмайдиган бўлиб қолганди.

Олтин Ўрда қўшини тарих милодий 1382 йилда Московиядан голибона қайтиб келган паллалар эди, бутун мамлакатда шодиёна ҳукмрон... Ҳожитархондаги ҳашаматли ҳоким саройида улкан зафар

шарафига зиёфат берилди. Унда улуснинг энг нуфузли нуён ва амирлари иштирок этди. Сарой ўша-ўша эди хон назарида. Йигирма деразали кўринишхона. Кунботишдаги деворда буғунинг сершоҳ калла суяги. Тўрда олтин тахт... Қизиқ экан-да. Худди шу ерда бўлиб ўтган қурултойда бор-йўғи ўн йил аввал отаси, Мангқишлоқ ҳокими Тўйхўжа ўғлон Московияга юришнинг ҳожати йўқ деб, Урисхонга қарши чиққан ва қатла этилган эди. Энди эса Тўхтамишхоннинг ўзи бориб кўлини кўкка совуриб келди... Олтин Ўрданинг довуғи яна оламга ёйила бошлади. Элчилар қатнови кўпайди...

Ўттизларга борган бўлса ҳам илк сабза урган мўйлаби ҳали-ҳануз сақланган, биров тўлишган Тўхтамишхон олтин тахтда мамнун савлат тўкиб ўлтирарди. У йироқдан кучга тўлган, йигитлик ўз забтига олган, ғайрати жўшган бир ҳолда кўринарди. Лекин яқиндан қараган одам унинг гижимланган юзларида кеча ҳарамда янги дурри носуфта билан қилган айшу ишрат ҳорғинлиги изларини илғарди. Московиядан олиб келинган ўн икки ёшли ўрис гўзали уни маҳдиё этди. Хон олтинранг сочли, чарос кўзли диркиллаб турган дурри якто ҳурилиқонинг чаман-боғини бир неча бор сайр айлади...

- Буюк ҳоқоним! Ўрусхон қила олмаган ишни сиз ўринлатдингиз! — Мақтов сўзларини аямади Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав. — Жаҳон қудратингизнинг шоҳиди бўлди, шоҳиди бўлди!..

- Жаҳон қойил қолди, ҳоқоним! — ялтоқланди Маҳмудшоҳ Бухорий. — Салтанатингиз довуғи жумла жаҳонга кетди!..

- Ҳа, ҳа, жумла жаҳонга кетди!.. Ундан ҳам ўтиб кетди!.. — деб кўпиртиришди бошқалар ҳам.

Қаҳқаҳа овозлари янгради.

- Самарқандга ҳам етиб борсайди!.. — Жўрттага оловга мой куйгандай гап кистирди орага Амир Қамариддин... У кейинги пайтларда Мўғулистон хонлигидан айрилиб, куч-қуввати қирқилиб ноилож Тўхтамишхон ҳузурига паноҳ тилаб келган эди.

- Етиб боради!.. — қўллаб-қувватлади уни гунгурсдай Анқо Тўра. — Етиб боради! Борганда ҳам, нақ Амир Темурнинг ўзига етиб боради!.. Ҳа!.. Тўғри гапирдимми, Қозончи баҳодир жаноблари?..

Тўхтамишхоннинг улуғ беги Қозончи баҳодир мамнун мўғулистонлик амирларга боқди: улар диққатни ўзларининг ашаддий душманлари Амир Темурга қаратмоқчилар. Бу Қозончи баҳодирнинг дилидаги гап эди аслида, лекин Тўхтамишхонга буни қандай айтишни ўйлаб қийналиб юрарди. Бир марта Амир Темурга мактуб юбораётиб, синаб кўришга Соҳибқирон ҳақида сал поядор гап қилганди, хон унга олайibroқ қаради... Тўхтамишхон Амир Темурнинг тутинган ўғли, отангга қарши чиққин, дейиш осон, аммо бунга буюк ҳоқон қандай қараркин?.. Баҳодирнинг ўзига қолса-ку, бу жуда қийин иш эмас... Мана ўзи: ҳали Ўрусхон замони эди, отаси унга бир нарсани илтимос этганди, нечундир эътиборсиз қолдирди, бажармади. Умидвор ота иккинчи марта ўз истагини билдирди, тағин натижа бўлмади. Танг қолган ота энди ўғлидан озгина ўпка-гина қилишга журъат этди... Қозончи баҳодирнинг жаҳли чиқиб кетди: "Отам мени тинч кўядими, йўқми! Неча йиллардан бери, менга у қилиб бер, бу қилиб бер, дегани- деган! Жонимга тегди-ку!.." деди дарғазаб шафқатсиз ўғил ва падаркушлиқдан тап тортмай, шу ондаёқ жаллод юбориб шартта отасининг бошини танидан жудо қилдирди!.. Бу воқеа улусда дoston бўлиб кетган, аммо биров ишониб, биров ишонмасди.

Қозончи баҳодир хушёр кишилардан эди. Гарчи, аввал муҳолиф бўлса ҳам, замонлар ўзгариб, лиқиллаб қолган Жўжи улусининг тож-тахти Тўхтамишхонга юз бургандан кейин, у Темур Маликхонга бевафолик қилиб, Тўйхўжа ўғлон ўғлига мойиллик кўргиза бошлади. Қийинчилик билан алоқа боғлаб олгач, чопар юбориб Тўхтамишхонни вақти-вақти билан Олтин Ўрдадаги аҳволдан огоҳ этиб турди. Сўнгги жангда, нозик вазиятда Қозончи баҳодир Темур Маликхонни чув тушириб, ўз бўлути билан шартта Тўхтамишхон томонга ўтиб кетди. Тўхтамишхон бу қадамнинг Олтин Ўрда тақдирини ҳал қилишдаги аҳамияти бебаҳо эканлигини кўриб турарди. Оқибатда Қозончи

баҳодирнинг хизмати муносиб тақдирланди: у ҳоқоннинг ишончли одамига айланди.

- Ҳозир дунёда буюк ҳоқонимизнинг шаън-шавкатиға етадигани йўқ! — деди қозончи баҳодир. — Ахир, ҳоқон Тўхтамишхон улур Чингизхон тахтида ўлтурибдурлар! Ҳа-ҳа, муаззам Чингизхон тахтида! Энди анови бир оддий бекнинг ўғли бўлган Темурга элчи юбориб, инъомлар қилиб итнинг кейинги оёғи бўлиб ялиниб-ёлбориб юришимиз эшитган қулоққа уят, уят! Керак бўлса, у юборсин, у инъомлар қилсин! Чингизхонга менгайдиган буюк ҳоқонимиз бир Амирнинг ўғлиға бош эгадурму?.. Буюк ҳоқоним! Биз элчи эмас, лашкар юборишимиз шарт! Ҳа, ҳа, лашкар юборишимиз керак! Лашкарнинг ҳам зўрини!.. Энг зўрини!..

Таклиф барчаға маъқул келди шекилли, ҳамма томонидан қўллаб-қувватловчи садолар янгради:

-Лашкар юбориш керак!

-Катта лашкар юбориш керак!

-Элчи керакмас!..

- Тез! Тез!..

- Энг зўрини!..

- Эртагаёқ йўлга чиқсун!..

-Мени юборингиз, ҳоқоним! — Бу Амир Қамариддиннинг овози эди. — Мен борамен! Барини пистапўчоқдай чақиб ташлаймен! Ҳисоб-китобим бор, ҳа!..

-Бориш керак! Бориш керак!.. — Ҳаприқди Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав. Маҳмудшоҳ Бухорий ҳайқириқларни эшитар экан, сувсар теллагини ечиб терлаб кетган тепакал бошини артиб роҳатланар эди.

Фикрлар бир жойдан чиққанга ўхшарди.

Кўзлар буюк ҳоқон Тўхтамишхонга қадалди.

Шу ерга келганда хоннинг сал ланжлиги кетгандай бўлди. "Ҳа... Гапираверинглар, гапираверинглар.. — истехзо билан пичирлади ичида Тўхтамишхон. — Барингни дардингни биламен... Ҳамманг Амир Темурдан мушт егансен... Жойи ачишиб турибди... Энди мендан истифода этиб, ундан ўчингни олмоқчисенлар... Иккита бургутни уриштириб, сен қузғунлар, ўзингга ем топмоқчисенлар... Ҳаммасини биламен... Лекин билмаганга оламен..."

-Мени юборингиз, ҳоқоним!.. — ҳаприқиб деди яна Амир Қамариддин унинг хаёлини бўлиб.

..Московияға ўт кўйишға буюрганда ва, айниқса, ёғоч иморатлари қасирлаб ёнганда лангиллаган оловнинг кўкка голибона ўрлаганини кўриб Тўхтамишхон ўзини баюят қудратли седи. Озарбайжонга босқин уюштирди, қўлини Табризга чўзди, бутун Дашти Қипчоқ оёғи остида... Тўғри, энди қиблагоҳи билан ҳисоб-китоб қилиб олиши керак... Ортиқ ҳарамсифат бўлиб юрмаслиги лозим. Бой мамлакат бўлган Мовароуннаҳр Чигатойхон улусига қарарди, у ердан чингизийлар излари супуриб ташланди, Хуросону Мозандарон Ҳалокухон тасарруфида эди, у ердан ҳам чингизийлар қадами қирқилди... Тўхтамишхон буюк ҳоқон Чингизхон салтанатини тиклайди, Мўғулистону Дашти қипчоқ, Мовароуннаҳру Хуросон томонларни ҳам ўз ҳукми қабзасига киритади. Аммо бунинг учун у энг катта тўсиқни олиб ташлаши керак... Бу — Амир Темур Соҳибқирон...

Ана ўшанда йирик савдо йўллари Тўхтамишхоннинг қўл остида бўлади. Ахир, сир эмас, милодий 1335 йилда элхонийлар салтанати пароканда бўлиб битирилгандан сўнг фаранг мамлакатлари билан Осиёни боғлайдиган савдо йўллари Чингизхон авлодлари қўлидан чиқиб кетди. У йўллардан олинадиган бож ҳамиша давлат хазинасини бойитарди. Бундай йўллар иккита эди; бири — Қора ва Қулзум денгизлари соҳиллари бўйлаб, иккинчиси, Шом, Онадўли, Мовароуқофқоз, Форс, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларини қамраб ўтарди. Ҳозир бу йўлларнинг катта қисми Амир Темур қўлидадир. Бойиса, унинг хазинаси бойимоқта... Ахир, азалдан Амир Темур ажодлари ҳамиша салтанатда амирлашкарлик вазифасини адо этиб

келганлар, ундан нарига ўтмаганлар... қандоқ қилиб Чингизхон авлоди Тўхтамишхон унинг хизматкори бўлади? Йўқ, у бу ҳолга чек қўйиши, ўз ҳаққи-ҳуқуқини таниб олиши керак. Буюк Чингизхоннинг руҳи ҳам буни кечирмайди.

Олтин Ўрда хони даставвал Хоразмшоҳга қарши синаб кўришга кичиккина кўшин юборган бўлди. У Хоразм расман Соҳибқирон салтанати доирасида бўлса ҳам, бироқ киши билмас мухолифатта юз бурганлигидан яхши хабардор эди. Самарқанд томондан бунга ҳеч қандай акс-садо бўлмади, чунки бу палла Соҳибқирон Эрон юришида банд эди.

Тўхтамишхон Қозончи баҳодир кўшинига Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав ғажарчилигида Мовароуннаҳр ичарисига қараб юрилсин, дея фармон юборди. Бухорони юрат қилдилар. Вилоятнинг эзу халқи ҳар қаён қочиб жон сақлади. Айни шу палла Амир Темурнинг Эрондан қайтаётгани ҳақида хабар тарқалди ва кўшинга тезлик билан Занжирсаройни забт этиб, элини қатли ом айлаб, ўт қўйиб кулини кўкка совуришга, шундан кейингина орқага қайтишга фармон берилди...

Қозончи баҳодир ва Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав фармонни ортиги билан адо этдилар. Занжирсаройни Амир Темур бағоят ёқтиришини, у ерга қишлашга тез-тез келиб туришини, атроф яйловда шикор солишини яхши билишиб, шаҳарни ёндиришга астойдил киришдилар. Обод шаҳар ўрнида пайдо бўлган култепаларни шамол тўзғитиб ўйнаганини кўрганда, Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав кўнглида худди бутун Соҳибқирон салтанатини ёндириб кул қилиб юборгандай ғурур ҳиссини туйди...

Шу кунларда Ҳожитархонда турган Тўхтамишхон Султон Маҳмуд ибн Кайхусравни Мўғулистонга ҳоким этиб тайинлади. Фармонни Мовароуннаҳрда эканлигида олган янги ҳоким Мўғулистонга равона бўлди. Хон чопари, шунингдек, бундай маълумот ҳам келтирди: буюк ҳоқон тез кунларда йўлга чиқадилар, Сияноқда жам бўлган катта кўшин билан Мовароуннаҳрга бостириб борадилар... Тошкент томондан Тўхтамишхон, у томондан Амир Муҳаммад Мирак юртни забтга оладилар ва Самарқандни ишғол этадилар...

Ҳалигача Тўхтамишхон Мовароуннаҳрга кўшин юборар эди, холос. Бу қудратли Олтин Ўрда хонининг икки дарё орасига илк бор от солиши бўлади.

## Ўн тўққизинчи боб

### I

Тарих милодий 1388 йил баҳори.

Олисдаги Ургут тоғларининг ёнбағирлари кўмкўк майсаларга бурканиб улгурган... Серфайз манзара Боби Биҳиштнинг меҳмонхонасидан шундоққина намоён бўлиб турар, уни Амир Темур томоша қилишни яхши кўрарди. Соҳибқирон мулозимга хос котиб Мавлоно Убайдни пешиндан кейинга чорлашни буюрди. Пири комил Зайниддин Абубакр Тойбодий ҳазратларидан бир ажойиб мактуб олган, ҳали ҳануз ўшанинг завқ-шавқида юрибди. Унда тарих дафтарига тушириладиган оқил кенгашлар битилганди. Мавлоно Убайд Кўксаройда салтанатнинг илк куниданоқ очилган муҳташам кутубхонада Абу Наср Ал-Форобий ат-Туркийнинг бир рисоласидан туҳфа учун нусха кўчириш билан банд эди.

Соҳибқироннинг Боби Биҳишtda Ургут тоғларининг чиройли манзараларини томоша қилишдан бошқа ёқтирадиган жиҳати ҳам бор. Бу — сўлим боғ маликаси Туман оқа... У Туман оқани бағоят севади! Не-не йиллар йўқотиб қўйиб, ногаҳонда топиб олган маликаси! Бошқа маликаларни ҳам севиб ардоқлайди албатта. Аммо, Туман оқа — бошқа...

Муҳаммад алайҳиссалом ҳовли-ҳаёти ҳақидаги бир рисолада, агар Соҳибқирон ёдида бўлса, "Тафсири Табарий" эди шекилли, айнан

расулиллоҳ ҳазратларининг оилавий турмуши, аҳли аёли билан муносабатлари таърифланганди. Рисола, аслида, Ферузқўҳда бўлган жангда қалъа беги буюмлари қаторида ўлжага олинди. Ушанда жуда кўп рисолалар кейин Кўксарой кутубхонасига топширилди. Пайғамбаримиз Биби Ойша розияллаҳу анҳуга бошқа завжаларидан кўра кўпроқ меҳр қўйгандилар. Аммо ҳамиша навбатга риоя қилиб, адолатни қаттиқ тутишга тиришардилар. Шу рисолада расулиллоҳнинг ушбу изҳори дил сўзлари ҳам келтирилганди: "Ё. Аллоҳим, иқтидорим борича хотинларим ўртасида адолат қилурмен. Аммо, сенинг қўлингда бўлиб, ихтиёримдан четдаги нарсага мени гирифтор этмагил, яъни (очик айтилса) ҳаммаларини бир хил сева олмаймен, мени афв этгил, чунки дили-нафсим ўз қўлимда эрмас..."

Бу сўзлар ҳамиша Соҳибқиронни ҳаяжонга солиб келади.

Хонсолор эрталабки нонушта тайёрлади. Чеккалари зар ҳошияли дастурхон ташланган хонтахтанинг усти ноз-неъматлар билан тўла. Асалу мураббо, анжирқоқию майиз дегандек... Иссиқ тахмон патирдан кейин меҳмонхонани тандирдан янги узилган кўк сомса ҳиди тутиб кетди. Пушгтиранг кўйлак устидан кўк бахмал нимча кийган, сочларини одатдагидек қирқ кокил қилиб ўриб орқасига ташлаб олган — чунки бу Соҳибқиронга жуда ёқарди — Туман оқа Амир Темурнинг чап томонида ўлтирар, гоҳ нон синдириб, сомса узатиб, Хожасига илтифот кўргизар, гоҳ узум ёки ўрик шарбатидан қуйиб берарди.

Соҳибқирон туман оқага юзланиб деди:

- Пирмуҳаммад Жаҳонгир набирамиз қалай?

- Аллоҳга шукур! Ўн икки ёшга қадам қўйдилар Амирзодам...

- Муҳаммад Султон Мирзо, Пирмуҳаммад Жаҳонгир Мирзо... Суюкли ўғлимдан ёдгор улар - маъюс деди Соҳибқирон. — Умидим катта... Оқа беги хонимнинг ўғли Султон Ҳусайндан ҳам...

- Ҳазратим! Амирзода Пирмуҳаммад Жаҳонгирга Форс пошшосининг қизини сўратдиргон эрдингиз... — деди Туман оқа. — Келиннинг сепи билан келгонига уч йилча бўлди... Ёдингиздан чиқиб қолмадиму тагин?

- Рост, Форс ҳукмдори Шоҳ Шужоънинг қизига оғиз очгон эрдим...

Туман оқанинг улар тўйини ўтказиш ҳақида гаплари бор... Хонимойим Сароймулкхоним билан келишиб ҳам қўйганлар. Ҳозир жуда айтмоқ фурсати эди, чунки Ҳазратнинг кайфлари чоғ, кулфи диллари очилган, истироҳат онлари, салтанат юмушларини ҳам бироз эсларидан чиқарганлар...

Малика энди оғиз очмоққа чоғланган эди, аммо яна айтишга фурсат бўлмади. Мулозим кириб, Хутталон вилоятидан Соҳибқироннинг қизлари муҳтарама Султон Бахт бегим ташриф буюрганларини маълум қилди.

"Тагин куёвидан шикоятмикин?..." — хаёлидан кечирди Соҳибқирон. Аввалги сафар келганида, қизига оиланинг ўзига яраша сир-асрори, ташвишлари борлигини айтиб, маслаҳатлар бериб қайтариб юборганди. Ёшлиқда шундай ҳоллар учраб туради-да... Агар яна ўша машмаша бўлса, Соҳибқирон қизига такрор насихатлар қилади, ётиги билан тушунтиради ва уйига қайтишга ундайди, вассалом.

Туман оқа ижозат сўраб, меҳмон истиқболига ошиқди ва бир оздан кейин бегойимни бошлаб кирди.

-Ассалому алейкум, валинеъмат Соҳибқирон!

-Ва алейкум ассалом!..

Узун қора барқут авра тўн Султон Бахт бегимга бирам ярашган эдики, хушбичимлигини яна ҳам бўрттириб юборганди. У чакқон келиб падари бузруквори чопони пешига лаб босиб, кўзларига суртди-да: "Давлатлари зиёда бўлсун, илоҳо!.." деб қўйди пичирлаб.

Соҳибқирон қизининг манглайдан ўпди.

-Хуш келибсен, қизалоғим! Қани, ўлтиргил!..

Соҳибқирон рўбарўга чўк тушган Султон Бахт бегимга назар ташлади. Қизининг юз-кўзларида катта безовталиқ излари кўриниб турарди. Ҳозир у йиғлаб юборади-да, арзини айтади, деб ўйлади у ва беихтиёр юпатишга керакли сўзларни қидира бошлади. Нафсиларини



айтганда, шу қизининг ташвиши аримади, ўзи кеч уй қилди, тўйдан кўп ўтмаёқ оила нотинчликка юз бурди. Султон Бахт бегим ҳозиргача турмушидан икки марта нолиб келди... Фарзанднинг, айниқса, қизнинг пешонасини худонинг ўзи ёрлақасин экан. Ёрлақасин, бари бекор... "Нима учун норизосен?.." деб сўраганларида, қизи ҳеч қандай сабаб кўрсатмас эмиш, фақат йиғлаб: "У ерда яшай олмаймен..." дермиш холос. Ҳатто кейинги келганида Маҳди улё — Сароймулкхонимга: "Хонимойим, агар аҳволимдан хабар олмасангизлар, мендан умидларингизни узингиз!.." деб очиқ айтганмиш. Гап куёвда, шекилли... Нима бўляпти ўзи?..

Бегойим аммо бу гал мутлақо бошқа ташвиш билан келганди:

- Муҳтарам падари бузрукворимиз! — деди у жиддий. — Куёвингиз Хутталон ҳокими қандайдир нохуш юмушларга бош қўшмақда чоғи... Хаёлида бузғунчилик ниятлари борга ўхшайдир. Бор, бор... Нияти бузуқ, аниқ бу...

- Нияти бузуқ?.. — Амир Темур ҳайрон бўлиб сўради. — Қандай нияти бузуқ бўлиши мумкин? Ахир, куёвим-ку!..

- Ҳа, куёвингиз...

Султон Бахт бегим шу топда шавҳарининг барча кирдикорларини очиб ташлагиси келди, фитнага ружу қўйганини, ёмон одамлар билан бирлашиб қолганини, қайинотам демай Соҳибқирон шаънига таъналар билдирганини, инсон сифатида фосиқ бир банда эканлигини, тутумлари зинҳор одам боласиникига ўхшамаслигини, ўзининг азобу изтиробда ўз ёғига ўзи қоврилиб яшаётганини, ададсиз аламларини - бари-барини бир-бир тўкиб солай деди-ю, падари бузрукворини аяб гапирмади... Буларсиз ҳам Соҳибқироннинг ташвишлари бошидан ошиб-тошиб ётибди. Куюнчак қиз барини яхши тушунарди.

- Ҳа, валинеъмат Соҳибқирон, куёвингиз... Нияти бузуқ!.. Уйқусида гапирадиган одат чиқарган... Уйқусида шундай гапларни айтиб чиқадики, илонлар пўст ташлайди. Қайсарлик, телбалик аломатлари бор. Уйламай гапиради. Яқинда Тўхтамишхондан чопар келганини эшитиб қолдим. Мактуб олиб келган эмиш... Тўхтамишхон мактубни ўзларига юборишлари лозим эди-ку, Амир Соҳибқирон? Нечун чекка вилоят бўлган Хутталон ҳокимига юборади?.. Бирон фитна йўғмикин? Қўрқаменким, эй падари бузруквор, салтанатга қарши фитна қилмасунлар, деб... Шунга айтмай деб ошиқиб келдим...

Амир Темур: "Биламен..." дегандек ишора қилди ва хаёлидан: "Тафтиш этмак жойиз, наҳотки шундай бўлса?.. Шер Баҳромнинг ўғли-я?.. Отаси ҳам сал шунақароқ эди..." деган сўзлар ўтди. Меҳрибон қизига ҳеч нарса демади, фақат пешонасидан ўпиб, бошини силаб-силаб бир неча лаҳза бағрига босиб турди.

Яқинда Мубашшир баҳодирнинг тингчилари Тўхтамишхоннинг Хоразмга бостириб келаётгани ҳақида хабар етказдилар. Энди ўз "ўғли"га қарши боради, шекилли... Хоразмга бориши керак ўзи. Чунки Сулаймон Сўфи раҳнамолигида Хоразм яна фитначилар маконига айланиб қолди. Тўрт марта Хоразмга юришга тўғри келди, тўрт марта! Тинчлик учун уруш қилмоқ керак экан, ё раббий! Бас, марҳаматнинг, кечиримликнинг ҳам чегараси бор. Худо раҳмат қилгур Амир Жоку барлос жаноблари: "Малҳам наф бермаса ярага тиг урмай илож йўқ, бўлмаса бутун вужудга касри тегади..." дер эди. Малҳамлар наф бермаёттир. Суюкли қизи рост айтади. Уша фитначилар ичида Муҳаммад Мирак йўғмикин?..

Султон Бахт бегим кетишга изн сўради. Туман оқа бегойимни кузатиб чиқди.

Соҳибқирон ўйга чўмди.

Бандасига ношукурлик, куфрони неъматлик хос экан. Оҳ, беақл инсон ўзига-ўзи шундай ёмонликларни раво кўрадики, душман душманига бу ишни қилмайди. Форсдаги музаффарий Шоҳ Шужоъ авлодлари шунга бир мисол-да.

Амир Темур Шерозга яқинлашаётганда қўшинга дам берган, Шоҳ Шужоънинг ўғли шаҳар волийси Зайнулобиддинга чопар йўллаб, ҳузурига келишга даъват этганди. Аммо у суръатда сустлик кўргизди. Устига устак, нима учундир чопарни тутиб турди. Ҳолбуки, Соҳибқирон

Шоҳ Шужоъ билан хеш-ақрабо эди. Амир Темур қаерга борса, даставвал қариндош-уруғчиликни йўлга қўйишни, қуда-анда бўлишни ва бу билан урушлар олдини олишни ўйларди...

Уч йил аввал Балхга келганда Шоҳ Шужоъ қизини набираси амирзода Пирмуҳаммад Жаҳонгирга сўратиб Алуфа тавочини Шерозга юборган эди. Айри соқолли, чап кўзи кўрмайдиган тавочи келинни олиб келиши билан тафтиш қилинди ва қатл этилди. Ҳамма ҳайратда қолди. Сўнг маълум бўлдики, совчи сафар асносида ўзига бино қўйиб, ҳаддан зиёд дабдабага берилиб, одобсизлик каби ноҳўя ҳаракатлар қилгани ҳақида Соҳибқиронга маълумот етган экан. Тўғри бўлиб чиқди... Баъзилар эшитиб: "Алуфа тавочи кўзига қараб юрса бўлмасмиди?.." дедилар. Бошқалар: "Ахир, бир кўз билан қараб бўлмайди-да!.." дея жавоб қилардилар. Ўшанда пири муршид Мир Саййид Бараканинг айтган сўзлари Соҳибқироннинг эсида: "Подшоҳлар қошида ҳар киши одобу эъзозни шиор этсун, ўз ҳаддини билсун. Суяксиз тиани маънисиз қаломдан, оч кўзни хиёнатдан, кўнглини нифоқу низодан йироқ тутсун. Ушанда ўтар дунёнинг иззати, охиратнинг баҳайрлиги меърожи уники бўлуру!"

Дарғазаб бўлган Соҳибқирон Шерозга қараб юрди. Зайнулобиддин қочмоқни афзал кўрди ва Шуштар томонга кетди. Борар-бормас Форс ҳукмдори Шоҳ Мансур тутиб олди. Улар ораларида эскидан ғашлик бор эди. Шоҳ Мансур Шероз волийсини зиндонга солди ва кўзига мил тортди... Ҳайратда қоладиган жойи шундаки, Амир Темур уни сийлаб, мартабасини кўтариб, Шероз волийлигини ўзига такрор бермоқчи эди, у эса ўз толедан ўзи юз ўтириб шундай балоларга гирифтор бўлди...

Зайнулобиддиннинг отаси Шоҳ Шужоъ қисмати ҳам қизиқ. У тахту салтанатни ўйлаб, беш кунлик ўтар дунё деб, падари бузруквори кўзига мил тортиб нобино этганди. Қисматнинг жавоби ҳам ғаройиб бўлди: Аллоҳнинг қудрати билан, подшо "жавъ ал-бақар" деган касалга чалинди. Бундай одамлар овқат еб тўйганини билмайдилар, очофат бўлиб қоладилар, рўза тутишдан бенасиб яшайдилар... Оқибат, Шоҳ Шужоъ худонинг бу балосига чора тополмай азоб-уқубатда оламдан ўтди. Падари бузрукворининг дили орриган, қарғаган, албатта... Бу воқеа Форс музофотларида кенг ёйилиб кетган эди, катта ҳам, кичик ҳам уни яхши биларди.

Ҳа, замона одамлари мижозиди хиёнат, ёвузлик, вафосизлик иллатлари азалдан бор... Тўхтамишхон ҳам бундан мустасно бўлмай қолди.

Тўхтамишхоннинг тутумлари Амир Темурнинг қулоғига етганда, у жуда мутаассир бўлди, илк марта кўнглига оғир олди. "Наҳотки, Тўхтамишхон туз қадрини билмас нокаслардан бўлса?.. Чингизхон авлоди-я?.." деб ўйлади Соҳибқирон. Дарров хаёлига "кўрнамак" деган калима келди, аммо шайтонга ҳай бериб, шундай дейишдан ўзини тийди... Гапнинг сирасини айтганда, салтанатлар сиёсатида бундай ўғринча йўл — элчи юбориб муносабатни раванат этиб олмай, вафлатда қолдириб қўшин ияртиб келиш ўзини ҳурмат қилган ҳукмдорга номуносиб иш. Иккинчидан, Тўхтамишхон Амир Темурнинг ўғли эди-ку? Кўксаройда аркони давлат олдида: "Сиз отамсиз, валинеъматимсиз, отам қилмаган яхшиликни қилдингиз!.." деб, Соҳибқирон тўни пешини ўпиб уч бор кўзларига суртганди-ку? Ўшанда Тўхтамиш ўғлоннинг Жаҳонгир Мирзоникига ўтхаш ёрқин кўзлари севинч ёшларига тўлганди... Ё подшоҳзода фитнага алданиб қолганмикин?.. Аввал кўрмоқ керак, тафтиш қилмак керак, бу бузғунчиларнинг иши бўлиши ҳам мумкин. Бегуноҳнинг қонини тўкиш ҳеч қачон кечирилмайди...

Соҳибқирон шундай хаёлларда юрганда юз берган бир воқеа "ўғли" ҳақидаги фикрини қатъийлаштиргандай бўлди. Бир йил аввал, милодий 1387 йилда Амир Темур қўшини Бардаъа музофотида эди, Тўхтамишхон шуни била туриб, атай Дарбад йўлидан Кура дарёсининг у томонига черик ташлагани ҳақида хабар келди. Хумоюн ўрдудан: "Жаҳоншоҳ ибн Жоку лашкар билан сувнинг нариги ёғига ўтсун!" деган фармон содир бўлди.

- Атрофни таҳқиқ<sup>67</sup> этингиз! - тайинлади Амир Темур. — Агар

келганлар Тўхтамишхон кишилари бўлса, қилични қиндан чиқармангиз, ўқни ёйдан айирмангиз. Кўрайлик... Биламен, Тўхтамишхон Ҳалокухон улусини тиклаш ниқоби остида бу музофотга босқинлар қилаётир... Биз зғаллаган савдо йўларини тортиб олмоқчи. Эронга уч йиллик юришимизнинг сабаби ҳам Тўхтамишхонни бу ерларга киритмаслик, аслида...

Лашкар жўнаб кетгандан сўнг Соҳибқиронни яна қандайдир гумонлар чулғаб олди, кўнгли тинчимамай, жаҳон амирзодаси Мироншоҳ Мирзо билан Амир Сайфиддин некўзларни ҳам бир жамоат киши кузатувида улар ортидан юборди.

Жаҳоншоҳ ибн Жоку лашкари Кура сувидан ўтиб илгари силжирди. Олисдаги силлиқ қобирғалари тўлқинланиб кўриниб турган хушбичим адири томондан гоҳ-гоҳда сурон садолари эшитилиб қоларди. Тинғчи черик Тўхтамишхонга тегишли эканлигини аниқлаб келди. Олдинда, ана, уч уқ отим ерда ёғий қўшинининг бўй-бастаи ҳам кўринди.

Олий ёрликқа кўра, Жаҳоншоҳ ибн Жоку лашкарга "қилични қиндан чиқармай" ортга қайтишни буюрди. Душман буни ўзича тушуниб, улар савашидан қўрқиб қочдилар, деб хаёл қилди ва майдонга от солиб ўқ ота бошлади. Лашкарга урушмоқ ҳукми берилмагани учун навкарлар от чопмоққа жой танглигидан ўзларини, ким чангалзорга, ким сувга урар эдилар. Қирқдан ортиқ навкар талаф<sup>68</sup> бўлди.

Асло қочмоқ одатлари йўқ Соҳибқирон баҳодирлари қочишга мажбур бўлганларидан ўзларидан ўзлари хижолат, бир-бирларига қарай олмас эдилар. Йўлда келаётган Мироншоҳ Мирзо қўшинига дуч келиб, қувончдан йиғламоқдан бери бўлдилар. Мансур черик энди Тўхтамишхон аскарлари устига от солди. Сурон авжа чикди. Ёғийни Дарбанднинг тор еригача қувиб борган Мироншоҳ Мирзо кўп кишиларни асир олиб Соҳибқирон ҳузурига қайтди.

Амир Темур бегуноҳ асирларни асло ўлдиртмас, барининг худо олдида жавоби бор, дер эди. Душман томонидан бўлган навкар бизга қарши қилич кўтарган бўлса, ўз юртининг туз ҳақини ҳалоллаган бўлади. Шундай кишилардан биронтаси жанг вақтида қўлга тушса ёки келиб хизмат қилишни ихтиёр этса, уни вафодор одам санаб, мартабасини ошириб, азиз тутсинлар, деб уқтирарди Соҳибқирон ҳамиша... Бироқ жангу жадал пайтида ўз бегига хиёнат қилиб, туз ҳақини, бек ҳурматини, навкарлик бурчини унутса, ўз беги душманига ён босса, бундай кимсани хизматга йўлатиш ножойиздир. Худонинг ўзи бундайларнинг жазосини беради. Ахир, ўз бегига вафо қилмаган душман бегига вафо қилармиди?.. Салтанатда шундай тартиб қаттиқ тутиларди.

Соҳибқирон бандилар гуноҳидан ўтди, яхши муомала қилди. Ким билсин, балки бундан Тўхтамишхоннинг хабари йўқ, орани бузмоқчи бўлган нотавонлар ишидур... У асирларга кетишга ижозат берар экан, бундай деди:

- Бир нарсани сизларга айтишни истаймен. Тўхтамишхон билан орамизда ота ва ўғил ҳаққи турибдурки, уни унутмак мақбул эрмас... Нима сабабдан уйқуда ётган фитна-фасодни уйғотишимиз керак? Расуллиллоҳнинг сўзлари бор: "Фитна ухлаб ётган кишига ўшар, токи уни уйғотмасалар турмас... Уни уйғотган кишига Аллоҳнинг лаънатлари бўлсун!" деганлар. Унга айтингизлар, ортиқ бундай қилмасун, Аллоҳнинг лаънатида қўрқсун. Бурунги аҳдимиздан ва мувофиқат йўлидан четта чиқмасун. Бориб анга сўзимизни айтвойсиз...

Тақдирнинг бу қадар илтифотидан шод-хурсанд бўлган асирлар, Соҳибқирон сўзларини Тўхтамишхонга етказишга ваъда бериб йўлга равона бўлдилар.

Тўхтамишхоннинг кейинги ҳаракатлари ҳам билмасдан қадам босиб қўйган одамга асло ўхшамасди. Айниқса, Соҳибқирон ардоқлаган шаҳарлардан бири, қайин отаси Қозон Султонхон бино қилган Занжирсарой шаҳрига ўт қўйиб кетганларидан кейин, у аниқ ишонди: Тўхтамишхон душманга айланибди! Афсуски, душманга айланибди...

Бу душман, Малик Фиёсиддин, Амир Қамариддин, Амир Вали ёки Шоҳ Мансур эмас. Алам қиладиган жойи шулки, бу душманни Амир

Темурнинг ўзи ўз баргида ўстирди, ош берди, нон берди, обрўй берди, одам қилди... Хонлик тахтига миндирди. Энди димоғига салтанат ҳиди уриб қолди, шекилли... Агар Жаҳонгир Мирзога Тўхтамишхоннинг ношукрликларини кўриш насиб этганда, Амирзода куйиб-ёниб кетса керак эди. Падари бузрукворининг ишонувчанлиги, кечиримлигидан яна дили оғирди, "Эшакнинг боласи эшак бўлади, итнинг боласи — ит..." деганда тагин ҳақ чиқарди, албатта. Энди Умаршайх Мирзо ҳам оғасига ўхшаб шундай деб юрибди...

Соҳибқирон чуқур энтиқди. Ҳамон Дашти Қипчоқ муаммоси, бироқ энди аввалгидан ҳам кенгроқ кўламга миниб, даҳшатлироқ мақомда унинг олдида яна кўндаланг бўлиб турибди... Не-не саъий ҳаракатлар, самарсиз интилишлар, беҳуда шижоатлар, лузумсиз изтироблар, орзу-ҳаваслар барчаси бекорга кетди. Энди ишни бошидан бошламоқ керак. Бу дунёда ҳеч кимга, ҳатто ўзингга ҳам ишонишинг мушкулга ўхшайди, фақат Аллоҳга ишониш керак, фақат Аллоҳнинг ўзига!..

## II

Мавлоно Убайд келганида эгнига заррин авра тўн ташлаган Амир Темур кўк либосдаги малика Туман оқа билан бирга боғда айланиб юрардилар. Маликага боғ парваришини қандай назорат қилиш ҳақида кенгашлар бераётган Соҳибқироннинг Форсдан ажойиб анвойи гул уруғини олиб келганлигини, уни "Хатми Эрон" дейишларини, япроқлари хилма-хил чиройли товланишларини завқ билан гапираётганини эшитди. Амир Темур янги гулни экиш жойини кўрсатарди.

Боғда хийлагина айланишган шекилли, Соҳибқирон Мавлоно Убайдни кўриши билан меҳмонхона томон йўналдилар.

- Мавлоно! — хос муншийга юзланди хонанинг қибла томонидаги тахтга ўлтирган Соҳибқирон. Унинг ўнг оёғи сезилар-сезилмас зирқираб оғрир, хонтахта атрофида ўлтирса оғриқ кучаярди, шу сабабдан боғлардаги меҳмонхоналарда ҳам тахтлар қилдирилган эди. Бундан ташқари, бу ерларда элчилар, чопарлар кутиб олинар, машваратлар ҳам ўтказилиб туриларди.

- Қулоғим сизда, Амир Соҳибқирон!

Мавлоно Убайдга Соҳибқироннинг кайфияти унчалар яхши эмасдай туюлди, унинг ҳаракатларида бир оз сустлик бордай эди.

- Хуросону Сеистон, Форсу Мозандарон, Султония, Озарбайжон, Гуржистон мамлакатларини кўриб келдим. — Уйланиб давом этди Соҳибқирон. — Афсуски, барча ерда саййиду уламолар, машойихларнинг қадамжоларига дуруст эътибор йўқдур... Забт этилган мамлакатларнинг саййидлари, шайхлари, олимлари, фузалоси, дарвишлари, хилватда ўлтурган зоҳидларининг аҳволи ночор, уларни суюрғол, вазифа ва маошлар билан сийламак жоиздур. Фақиру мискинларга нафақа лозим, мударрис ва шайхларга вазифалар берилмоғи даркор...

- Бағоят ўринли сўзладилар, бу кони савобдур, Амир Соҳибқирон! Ҳимматингизга офаринлар айтгимиз келадур! — Қўллаб-қувватлади Мавлоно Убайд. — Валлоҳи аълам биссавоб!

- Пири комил Шайх Зайниддин Тойбодий ҳазратларидан мактуб етди... — деди Амир Темур. — Бағоят яроғиб! Аввал қайд этгон тузугимизни ўқисунлар-чи, мавлоно!

Мавлоно Убайд: "Аъло иш бўлибди!", "Аъло бўлибди!.." деганча, жувдонидан авайлаб кўк дафтарни олди, сўнг керакли саҳифани очиб ўқишга тугинди:

- "...Авлиёлар, дин пешволарининг мазорлари ва мақбараларига вақфдан маблағ ажратсунлар. У ерларни гилам, таом ва чироқ билан таъмин этсунлар. Даставвал Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунаввара ҳарамайн вақфига маблағ хориж қилсунлар. Ва бу маблағ ҳар янги ой кўринғонда соҳибларига етказиб бериб турилсун.. Кейин. Амир ал-мўминин мард кишилар подшоси Али ибн Абу Толибнинг, унга Аллоҳнинг карами ва марҳамати бўлсун, муқаддас қабрларини яхши сақлаш учун Нажаф ва Ҳуллани вақф этиб берсунлар. Кейин. Имом

Хусайннинг, Аллоҳ ундан рози бўлсун, нурга чўмилган муқаддас мозори; яна авлиёлар улуғи шайх Абдулқодир Жилонийнинг табаррук равзаси; яна Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг, унга Аллоҳнинг раҳматлари бўлсун, мақбараси; яна, Бағдодда нурга чўмган ўзга машойихлар, дин пешволари ва акобирларидан ҳар бирининг мозорлари учун, баҳоли қудрат Карбало, Бағдод ва уларнинг атрофидаги қишлоқлар ҳамда бошқа ерлар вақфидан маблағу ақчалар ажратсунлар... Кейин. Эрон ва Турондаги табаррук шайхларнинг мозорлари ва турбатлари учун ҳар бирига алоҳида, номма-ном назру вақфлар белгиласунлар.

- Мақбул... Халлоқи безаволга салламно! Энди бу қутлуғ юмушлар давлат ҳужжати тасарруфида бўладур! — жиддий деди Соҳибқирон, кейин ўйлиниб қолди.

Хос котиб пири комил мактубини қоғозга туширишга шайланарди.

— Энди ушбу каломларни ёзиб олсунлар: — буюрди бирдан Соҳибқирон. — “Ҳар бир мамлакат фатҳ этилгач, у ернинг гадоларини тўплаб, кундалик емиш-ичмишларини муҳайё айлаб, барчаси тамғалансунлар ва бирон вазифа тайин этсунлар, токи бошқа гадолик қилмасунлар... Гадоликдан воз кечмасалар, уларни узоқ мамлакатларга сотиб юборсунлар ёки ҳайдасунлар. Андоқки, гадо зоти мамлакатимдан йўқолсун”.

Сўз тугар-тугамас, мулозим Муҳаммад Чуроға додхоҳ келганидан хабар берди. Аини муддао, ўзи додхоҳни чақиртирмоқчи бўлиб турувди. “Кирсун!” деган ижозат берилди. Бир оздан кейин эғнига юпқароқ чакмон ташлаган додхоҳ кирди. У бекордан бекорга келмасди, фақат чақиртирилсагина ташриф буюрарди. Демак, муҳим янгилик бошини тутиб келган.

- Табриздан нохуш хабар етди, Амир Соҳибқирон... — деди чиндан ҳам Муҳаммад Чуроға додхоҳ салом-алиқдан кейин.

- Не ҳодиса юз берибдур?..

Соҳибқирон юзида ҳеч қандай ҳаяжон асари кўринмади.

- ...Шаҳарда қурғоқчилик ва очликдан юз минг нуфус одам нобуд бўлибди...

- Юз минг?.. — сўзни бўлиб сўради Амир Темур.

- Шундоқ, Амир Соҳибқирон! Юз минг!.. Тағин хабар етдиким, Тўхтамишхоннинг Занжирсаройга ўт қўйган аскарлари ҳозир Хоразмда меҳмонда экан...

- Хоразмда меҳмонда экан?.. — чимирилди Соҳибқироннинг қуюқ қошлари.

- Шундоқ, Амир Соҳибқирон... Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав Мўғулистонга ҳоким бўлибдир... Ҳожибек Жониқурбоний Тусда такрор исёнга бош урибдур. Амирзода Мироншоҳ Мирзо Тусга юриш қилибдурлар. Шаҳар ишғол этилибди, Ҳожибек қочиб жон сақлабди. Шаҳар аҳли жазоланибди, айрим исёнчиларни минорадан ерга ташлабдилар... Ҳожибек яна кўшин тўплаш ҳаракатида эмиш...

Соҳибқирон ичида ўз-ўзига деди: “Демак... вазият ростдан ҳам шундоқ экан-да... Хуфиёна келган аввалги икки хабар билан Маматнинг расмий маълумоти бир жойдан чиқмақда... Кеча оқшом ва бугун чошгоҳда келган икки хуфия ҳам - уларни фақат Амир Темур билади, кўчада улар дарвишу дайди кампир, холос, бир-бирларини зинҳор танимайдилар, — худди шундай маълумот берган эди...”

- Тағин жазолар, минорадан ташлашлар, босқинлар... Ёраб, бошқа юмуш йўқму? — Ҳайратда деди Соҳибқирон. — Мавлоно, кўрдингизму бани башарнинг кирдикорларини! Табриз аҳли ҳам, Тус аҳли ҳам худонинг ғазабига учрабди-да... Бари худодан...

Амир Темур бошининг орқасида оғриқ турганини сезди, тахтдан узоқлашмай у ёқдан-бу ёққа юраркан:

- Тўхта... — деди бирдан. — Ҳожибек Жониқурбоний, дедингму? Алибек Жониқурбоний хешларидан? Ҳа, булар ҳеч инсофга келмас экан... Бошимизга ит кунини солиб бурга босган зах ертўлада сақлади, бировнинг ҳимматини бизга кўп кўрди... бу Алибек... Майли, дедик, кенглик қилдик. Неча-неча бор алдаб кетғонига қарамай, унга марҳаматлар кўргиздук... Набирасини амирзода Муҳаммад Султонга

қалинлик<sup>69</sup> қилдик. Ўзимиз айтдук. Инсофга келарму деб... Келмади. Баски, Андижонда боши кесилди. Малик Гиёсиддин билан ўғли Амир Гурий яхшиликларимизга хиёнат билан жавоб бердилар... Кейин нима бўлди, Мамат?

- Малик Гиёсиддин, укаси Муҳаммад Серахсий, ўғли Амир Гурийлар... Икки ой аввал Самарқанд арки орқасидаги чорраҳада, намозшомда уларнинг бошлари олинди, Амир Соҳибқирон! — аниқлик киритди додхоҳ.

- Қанча вақт сабр-тоқат этагидан тутилди... Наф бўлмади... Амир Гурий паҳлавон, кўрқмас йигит эди, бир юртни обод қиларди... — деди Соҳибқирон. — Афсус... Энди куёвимиз Пир Муҳаммадни ҳам Ҳиротда фитнаю фасодни бошига салла қилиб ўраб олгон, дейишмақда... Амирзода Мироншоҳ Мирзо бир йилдан бери бу бузғунчининг фатвосини берсунлар, деб ижозат сўрағони-сўрағон... Бермадук... Охир ижозат бўлмагач, ўзи Хуросон волийси фармони билан яқинда Пир Муҳаммаднинг бошини танидан жудо қилибди... Афсус, афсус... Бадаларингга ўзинг тўзим бергин, ё Аллоҳ!..

Мавлоно Убайд Соҳибқироннинг ҳаяжонланганини кўриб, чалғитиш мақсадида оҳиста деди:

- Ҳазрат, пирларининг мактублари ҳақида сўзлагон эрдилар...

Амир Темур ят этиб хос муншийга қаради:

- Ҳа, ҳа... Сўзлагон эрдим... — Соҳибқирон тахтга ўлтираркан, оҳиста чўнтагидан найча қилинган қовозни олди. — Ажабки, бу мактуб инсон зотининг кирдикорлари ҳақида ўзи... Кўк дафтарга туширингиз! Сен ҳам эшит, Мамат!

Шайх Зайниддин Абубакр Тойбодий ўз мактубида баландпарвоз, юксак руҳда битилган даромадан сўнг бундай ёзганди: "...Бирон мамлакатда жабр-зулм ва фисқу фасод кучайиб кетаркан, асл подшолар адолат ўрнатиб, фисқу фасодни, зулмни йўқотиш ниятида ана шундай мамлакатга ҳужум бошлаши керак. Чинакам жаҳонгир подшоҳ ундай юрт устига босқин қилиши лозим...

Жаҳонгирликда тўрт нарсани ёдда сақласунлар: Биринчиси — қайси мамлакатни забт этмоқчи бўлсалар, тадбир ва кенгаш билан иш тутсунлар. Иккинчиси — ҳар қадамни кўп ўйлаб, сергак ва ҳушёр, эҳтиёткор бўлиб иш юритсунлар...Учинчиси — бошқаришга салтанат учун етарли асл зотли, тагли-тахтли, шижоатли ва ақл-фаросатли эр йигитларни атрофларига йиғсунлар. Балки, уч юз киши бўлар... Улар бирлик иттифоқлари мустаҳкам, ўзлари гўё бир тандек бўлсунлар... Тўртинчиси — бугунги ишни эртага қолдирмасунлар. Қайси ишни чораю тадбир билан битириш мумкин бўлса, асло қиличга йўл бермасунлар!

Билсунларким, замон тақозосига кўра, подшолар уч хил тоифага бўлинулар: даставвал, бутунилай лутфу марҳаматлар кўрсатгувчи; кейин, бутунлай қаҳру вазаб намоён этгувчи; ва охири, бу фазилатларнинг ўрта даражасини танлагувчи. Бас, ўзлари учинчи йўлни танласунлар, сиёсатингизда лутфу марҳаматлар бўлсун, вақтида қаҳру вазаблар ҳам...

Баъд... Худонинг мулкида адолат билан иш тутсунлар, магарамким, демишлар: "Мамлакат қуфр билан туриши мумкин, аммо зулм бор ерда туролмайдир..." Қабиҳ хатти-ҳаракат, ёмон ишлардан худо мулкани тозаласунлар. Зулмнинг ном-нишонини қолдирмасунлар. ...Золимнинг дунёда узоқ ҳаёт кечиринини яхшилигидан, деб билмасунлар. Золим ва фосиқларнинг узоқ яшашига сабаб шуки, ўзларидаги бор ёмонликларни юзага чиқариб тугатмагунларича худо уларга муҳлат беради, холос... Гоҳида бегуноҳ бўлган яхши, тўғри ва тақводор кишилар ҳам ёмонларнинг шум қилмишларидан бало-офатларга учраюрлар. Шундайким, тўқайга ўт тушса, ҳўлу куруққа қарамай, барчасини бирдай ёндиришига назар қилсунлар.

Кофирлар, золимлар, фисқу фасодчилар қанча кўп зулм-хиёнат қилсалар, ноз-неъматлари шунча кўпаяр экан, деб ўйламасунлар. Бунинг ваҳжини ақли қосиримиз дерки, яъни: "Эҳтимол, ноз-неъматлар бергувчи Аллоҳнинг иноятини кўриб, улар зора фисқу фасоддан қайтиб, имон-инсофга келсалар, шукрга юз бурсалар..." деб... Аллоҳга шукур

айтишни унутар эканлар, Тангрининг даргоҳига қайтмас эканлар, худо ва унинг расули неъматлари ҳаққини билмас эканлар, охир-оқибат парвардигорнинг қаттиқ қаҳру вазабига дучор бўлурлар!..

Аммо, баъд: ушмундоқ фикру мушоҳада гуллари муборак шуурингиз ва идрокингиз чаманида бешак мавжуд эканлигига зинҳор шубҳа қилмайдурбиз. Жанобингизнинг вазифаси яна бир карра эслатиб ўтмақдан иборатдир холос..."

Меҳмонхонага жимлик чўқди. Мавлоно Убайд охирги сўзларни ҳам тарих дафтарига тушириб бўлди. Соҳибқирон билан додхоҳ мактубдаги теран мазмун, донишмандона фикр, маънолар маъзини чақишга уринар эдилар. Нечоғлик адолатли, қиличдек кескир, ҳаётдек аччиқ ҳақиқат яшринган эди уларда!..

Кўксарой кутубхонасига бориши лозимлигидан Мавлоно Убайдга кетишга ижозат берилди.

Соҳибқирон тахтдан тушди-да, одатича яна у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Муҳаммад Чуроға додхоҳ Холдона бибига уйлангандан бери рангига ранг кириб қолганди. Аввалги хотини вафотидан кейин узоқ вақт уйланишни ўйламади, мархумани қаттиқ севар эди.

У Амир Темур нимадир демоқчи бўлаётганини фаҳмлади, чунки унга "Қол!" дегандай индамади. Додхоҳ бугун муҳассил Шайх Нуриддин баҳодир билан бозорларни айланиши керак. Ундан кейин Холдона биби билан Кумушкентга бориб келишлари зарур. Бир неча кундан бери қолиб келаётган иш. Балки бугун ҳам қоладими ҳали...

Амир Темур юришда давом этаркан, додхоҳни унутиб юборгандай эди. Пири комил ушбу сўзларни худди Соҳибқироннинг кўнглини кўриб тургандай ёзганлари уни ҳайратда қолдирди: "...Бирон мамлакатда жабр-зулм ва фисқу фасод кучайиб кетаркан, асл подшоҳлар адолат ўрнатиб, фисқу фасодни, зулмни йўқотиш ниятида ана шундай мамлакатга ҳужум бошлаши керак... Чинакам жаҳонгир подшоҳ ундай юртга юриш қилиши лозим... Мамлакат куфр билан туриши мумкин, лекин зулм бор ерда туролмайдир!.." Подшоҳларнинг учинчи тоифасини танлаш ҳақидаги фикрлари жуда мақбул! Соҳибқирон ҳам шундоқ бўлишга интилади. Бағоят ҳақ гапни ёзибдилар пири комил Шайх Зайниддин Абубакр Тойбодий!..

Аслида Соҳибқироннинг мақсади ҳам мамлакатларга юришлар қилиш эмас, зулмга қарши саъий ҳаракат кўргизишдир. Иккинчидан, Мовароуннахрни ихота айлаш, босқинчилардан муҳофаза қилиш. Соҳибқироннинг мақсади жаҳонда одамларни бахтли қилмак, адовату кудурат илдизини батамом қуритмақдан иборат... Тоқим, элар, раоё ва бароё бир-бирига ёру шафиқ бўлсунлар. Жаҳонгирлик шунинг учун керак. Аммо буни одамлар тушунармикин, жаҳон аҳли англармикин?..

- Нима учун одамлар бир-бирларини ёмон кўрадилар, хиёнат қиладилар, ёлгон сўзлайдилар, тўғри гапириб тескари иш кўрадилар, яхшиликка ёмонлик билан жавоб берадилар?.. — деди Амир Темур бирдан жимликни бузиб Муҳаммад Чуроға додхоҳга эмас, ўзига ўзи дегандек. — Тобакаи мусулмонлар мунофиқлардан азият чекадилар? Нега? Нега?.. Кимгаки яхшилик қилдим, ундан фақат ёмонлик қайтди!.. О, бу инсон зоти!.. Қачон одам бўлар экан! Тўғри, худо ёмонларнинг жазосини беради, аммо қачон?.. Барини ўйлаганда, одамзодга шундай нафратинг кўзюладики, бу нафрат кўнглингнинг пучмоғида яшириниб қолган бир чимдим меҳрни ҳам ситиб чиқариб юборади. О, парвардигор! Бунинг чораси не ахир? Наҳотки, одамлар эс-ҳушини ўзига келтириш, инсофга чақириш учун, уларга жазо бериш, қатл этиш, бадарға қилиш, дорға осиш шарт бўлса?.. Ишни тўғри ҳал этиш учун эгри қиличга суяниш керак бўлса?.. Жоҳилу ақли қосирга англатиш ва уни қўрқинч пардасида тутиш мумкин бўлмаса, қиличга мурожаат этишдан ўзга чора қолмаса!.. Кенгашнинг тўққиз эмас, тўқсон тўққиз улуши ҳам бундайларга қор қилмаса!.. Водариг!..

Соҳибқиронни қаттиқ ҳаяжон чуллаганди. Муҳаммад Чуроға додхоҳ кўпдан бери уни бундай ҳолатга тушганини эслай олмайди.

- Амир Соҳибқирон! Одамларни энди кўриб турибсизми?.. — юпатгандек сўз қўшишга журъат этди Муҳаммад Чуроға додхоҳ. —

Замона найрангларида олам остин-устин эканлигини билмасмудингиз?..

- Биламен, биламен... Билафонимда яхшироқ эрди, Мамаг... Шундай бошим қотиб қолган пайтларда Қуръони каримни ўқиймен... Ундаги пурмаъно оятлардан ҳайратларга тушамен... - давом этади Амир Темур. — Халлоқи безаволга салламо! Барчасини ўзи айтиб қўйибдур! Мана, "Ҳадид" сурасида пайгамбарларни фоний дунёга аниқ ҳужжат-мўъжизалар билан юборилгонлиги айтилгон, бадаларга адолатни барпо қилишлари учун китоб, мезон-тарози ва темир туширилгонлиги битилгон, бани башар интизоми ва кишилар осойишталиги учун китоб, адолат тарозиси билан бирга темир(қуро)га ҳам эҳтиёж бўлиши зикр этилгон... Аллоҳим бадаларни шундай огоҳлантиради. Ҳа, китоб ва адолат тарозиси билан бир қаторда, афсуски, темирга ҳам эҳтиёж бўлиб турибди... Улар ҳамиша ёнма-ён... Токайгача бу давом этадур, токайгача?..

- Рост... Рост... — сўзга қўшилди Муҳаммад Чуроға додхоҳ, — темирга ҳам эҳтиёж бўлиб турибди...

Додхоҳ, фақат Исфаҳонда эмас, Сеистондаги, Сабзавордаги воқеалар ҳам темирга эҳтиёждан юз бердими, деб сўрамоқчи эди, Соҳибқирон худди шуни кўриб тургандай деди:

- Бас, давлат ишларининг тўққиз улуши кенгашга, яъни, китобга суяниб адолат тарозиси билан иш юритишга, иложи бўлмаган тақдирдагина бир улуши темир(қилич)га қолдирилиши лозим... қашқирларнинг панжасини қисқа қилмоқ, золимларнинг қўлини мазлумлардан калта этмоқ жойиз. Мумкин эрмаским, бирон зўргир, зўравон қайсидир заифнинг бурнини қонатсин... Жаҳонгирлик шунинг учун керак...

- Шундай, Амир Соҳибқирон! Рост айтдингиз...

Амир Темур меҳмонхонадан кўриниб турган олисдаги Ургут тоғларининг оқшом рангига чўмилиб ям-яшиллигини йўқота бошлаган ям-яшил ёнбағирларига тикилди.

### Йигирманчи боб

Тўхтамишхон катта қўшин билан Саброндан ўн фарсах шимолга келиб пастқам сайхонликда ўрда тикди. Ёз фасли бўлса ҳам, табиатга кузнинг нуқси уриб қолган, онда-сонда майсаларнинг сарғая бошлаганини кўриш мумкин эди.

У Хоразмдан хушxabар кутарди. Олтин Ўрда хони Хоразмга бостириб бормоқда, деган ёлгон хабар тарқатилгандан кейин, ҳоқон ўзи Сиғноқ томонга отланган, энг номи чиққан лашкарбошилардан бири Элийғмиш ўғлонни эса катта қўшини билан Ҳожи Тархонданоқ Хоразмга жўнатганди. У ерда Хоразмшоҳ Сулаймон Сўфининг лашкари билан қўшилиб қудратли кучга айланади.

Олтин Ўрда хонининг мўлжали аниқ ва қатъий эди. Унга кўра, Хоразм қўшини, бунга асло шубҳа йўқ, жангда ғолиб чиқади, Амир Темур лашкарини кунфаякун айлаб, хор-зор қилиб қувиб юборади. Балки... Соҳибқироннинг ўзи ҳам асирга тушади! Албатта, тушади! Тўхтамишхон қаттиқ тайинлади: Соҳибқирон фақат тирик қўлга олинсун, деди. Борди-ю шундай бўлмаса, Амир Темур пароканда навкарлари билан ҳориб-чарчаб Самарқандга қочиб жон сақлаши керак... Ҳали нафас ростлашга ҳам улгурмай турганда, Элийғмиш ўғлон билан Сулаймон Сўфилар — Хоразмдан, жангари амир Муҳаммад Мирак Хутгалоңдан Мовароуннаҳрни забтга оладилар. Тўхтамишхоннинг Саброн ёқдан бориши эса ҳамма нарсани ҳал қилади: улар Самарқандни эгаллайдилар... Бу орада Анқо Тўра, Амир Қамариддин ва Султон Маҳмуд ибн Кайхусравларга чопар юбориб, Амир Темур салтанатини ер юзидан супуриб ташлашдек қутлуғ юмушдан бебаҳра қолмасликларини, балки ўз ҳиссаларини қўшишлари лозимлигини ҳам уқтириб қўяди...

Бу кунларнинг яқинлигига Тўхтамишхон қаттиқ ишонади, ҳеч қандай гумонларга ўрин йўқ...



Бироқ кетма-кет юз берган иккита нохуш ҳодиса Тўхтамишхонга бу ниятларнинг замини бўш эканлигига ишоратдай туюлди.

Ўн кунлардан кейин ҳашаматли Ўрдада, ҳоқон ҳузурида башанг зиёфат бошланиб кетди. Ўрданинг баланд чангароғига қўнғироқ осиб қўйилган бўлиб, шамолда ёқимли сас бериб турарди. Дастурхон атрофида Қозончи баҳодир, Бек Ёруқ ўғлон, Исабек ўғлон, Соткин баҳодир, Амир Идику ва бошқа амирлар жам эдилар. Буюк ҳоқоннинг кайфияти бошқаларга ҳам таъсир қилган, барча апоқ-чапоқ бўлиб чақ-чақлашиб ўлтирардилар.

Тўхтамишхон пуркуч мамлакат қўшини, Олтин Ўрда келажаги, Амир Темур салтанати, Миср, Польша, Литва ҳукмдорлари билан муносабатлар ҳақида сўз юритди. Куни кеча Польшанинг қудратли ҳукмдори Буюк Литва князи Ягайлодан самимий мактуб олганини ёйилиб айтиб берди. Буюк қирол Ягайло ўз мактубида Амир Темур ва Московияга қарши урушларда бирга бўлишини, Жўжи улусини тиклашда кўмагини асло аямаслигини ёзибди...

- Амирлар ва нўёнлар! — Май таъсиридан бўлса керак, титраброқ чиқди ёрқин кўзлари ширакайфликдан қисила бошлаган Тўхтамишхоннинг ингичкадан келган овози...

Барча сергакларди, кулгулар тўхтади, кўзлар ҳоқонга қадалди.

- Билингизким... Олтин Ўрда давлати буюк ҳоқон Чингизхон тузган улкан мамлакатнинг вориси эрур... Чингизийлар бир-бирларининг гўштларини еб, торлик қилиб, калтабинликка йўл қўйиб, афсуски, шу аҳволга тушдилар. Бир пайтлар Чигатойхон, Ҳалокухонлар, Элхонийлар давлати Мовароуннаҳрда, Хуросон ва Мозандаронда, Ироқ ва Эронда давру даврон сурмишлар эди... Энди қаерда ул салтанатлар?... Ёлғиз Олтин Ўрда давлати қолди холос. Дунё кўлдан кетди... Бас, Чингизхон салтанатини тикламоқ керак! Тикламоқ керак!.. Дашти Қипчоқда ҳам, Мовароуннаҳрда ҳам, Хуросон, Эрон томонларда ҳам Чингизхон ясоси амалда бўлсун!..

- Онҳазратим! Чингизхон ясоси амалда бўлмай! Амалда бўлмай! — деб юборди Амир Идику ҳаммадан олдин.

Идику ўз вақтида қутлуғ Буқанинг отабегиси эди, Ўрусхоннинг Тўхтамиш ўғлонни талаб қилиб ёзган мактубини ҳам Амир Темур ҳузурига у олиб борганди. Демак, Тўйхўжа ўғлон фарзандига душман ҳисобланади. Лекин у Ҳожи Тархондаги курултойда, тўс-туполон пайтида, бу ердан тез кетингиз, сиз кетмасангиз бошингиз кетади, деб Тўхтамиш ўғлонни огоҳлантирганди, шу туфайли бўлажак хон ўшанда омон қолганди. Амир Идикунинг шундай одати бор эди, бир кун қайтар ахир, деган умидда кимларгадир яхшилик қилиб қўяр, узоқни ўйлаб қадам босарди. Чиндан ҳам, бу "яхшилик" қайтди, Тўхтамишхон Олтин Ўрда тахтига мингач, жасур, қўрқмас, маккору ҳушёр Амирни ўз ўрдасига қабул қилди. Идику фавқулодда кенгашлари, теран мулоҳаза юритишлари билан хоннинг ишонган кишиларидан бирига айланди.

- Жаҳонни олғаймиз, олампаҳо! — Амир Идикудан ортада қолганига бироз гаши келди-ю овозини баланд қўйиб қичқирди Қозончи баҳодир.

Бошқа амирлар ҳам дарров уларга жўр бўлдилар.

Амир Идикунинг тобора бўй қўзиб келаётгани — нуфузи ортиб бораётгани Қозончи баҳодирга ёқмасди. Чунки хон сўнги вақтларда кўпроқ манғитнинг сўзларига қулоқ солаёттир, ундан кенгашлар олаёттир. Мана, ҳозир ҳам баҳодир каловланиб қолди, манғит бўлса ҳоқоннинг сўзини ҳаммадан олдин илиб кетди... Баҳодирнинг уч-тўрттагина омонатдай соқоли тикрайиб турган энгаги титраб қўйди, мушти қисилди...

- Бу йўлда энг катта тўсиқ бор... Тўсиқ бор... Бу — "қиблагоҳимиз" Амир Темур... - "қиблагоҳимиз" сўзига заҳарҳандали ургу бериб деди Тўхтамишхон. — Ул зотни бир тарафлик этмагунча, ниятимизга ета олмаймиз. Шу сабабдан Мовароуннаҳрга отландик... Билингизким, агар ҳозир Темурбек Хоразмдан энгилиб қайтгандай қулай бир фурсатда Элийғмиш ўғлон билан Хоразмшоҳ Сулаймон Сўфи, Амир Муҳаммад Мирақлар барчамиз Мовароуннаҳрни забт этмасак, кейин ҳеч қачон бу юмуш бизнинг қўлимиздан келмайдур!.. Омад кўлдан кетадур... Омад кўлдан кетадур!.. Билингизким...

Тўхтамишхон сармаст эди.

- Ундоқ демасунлар, ҳоқоним! Ҳоқоним!..

- Мовароуннаҳрни забт этғоймиз! Этғоймиз!..

- Омад ёр бўлсун, олампаҳо!

- Сизга тенг келгувчи куч йўқ оламда, онҳазрат!..

Ширакайф амирлару нўёнлар ана шундай қичқирар эдилар.

Дастурхондаги катта баркашдан яхши пиширилган қўй туёғини олиб важир экан, Амир Идику хаёлидан шундай ўйлар кечарди: "Онҳазрат ўттиздан ўтсалар ҳам ҳали ёшлар... У ердан қўл узатиб осмондаги ойни оламен, деб юрибдир. Яхшиликлар кўргизган Амир Темур Кўрагонга ёмонликлар билан жавоб бермоқчи, беллашмоқчи... Чингизхон салтанатини тикламоқчи... Аммо, тиклай олармикин? Чигатойхондай хонга бу насиб этмади, Ҳалоқухонга насиб этмади, Ўзбекхону Урусхонлар ҳам ноумид қолдилар... Ҳай... Бадбахт Қозончи баҳодир мени хонга ёмонлагани ёмонлаган. Баджаҳд ва шафқатсиз Тўхтамишхондан ҳар нарсани кутиш мумкин... Эски аламлари бирдан эсига тушиб қолса, бир лаҳзада қатл этдириб юборади... Маслаҳатчию вазир, жавонғор қўшин саркардаси бўлсам-да, ҳушёр ва зийрак юришим керак... Балки, пайтини топиб қочиб кетсамми..."

Шу палла Хоразмдан шошилиш чопар етганлигини маълум қилдилар. Онҳазратнинг чеҳраси бирдан ўзгарди. Буни ҳамма сизди. У мамнунлик билан чопарга киришга ижозат берди. Ҳоқон кўпдан унинг келишини кутарди.

Чопар Тўхтамишхон пойини ўпиб ортга чекинди-да, деди:

- По-по-по-подшойи олам!..

Чопар негадир тили калимага келмай жим қолди...

Элийғмиш ўғлон билан Хоразмшоҳ Сулаймон Сўфи Хоразмни ташлаб қочиб келганларида Тўхтамишхон газабидан тушиб, тақдирга тан бериб ўлтирарди. Ҳоқоннинг пойини ўпиб, тавоф этганидан сўнг, Элийғмиш ўғлон ерга қараганча, Хоразмда бўлган жанглار тафсилотини сўзлаб берди... Жанг қаттиқ бўлди, Элийғмиш ўғлон ҳали умрида бунга ўхшаш савашини кўрмаган... Амир Темур қўшини ёмғир томчиларидан ҳам кўпроқ, саҳродаги қумни санаш мумкин, аммо бу лашкарни ҳисоблаш мушкул, улар ўлар-тириларига қарамай бамисли чигирткадай ёприладилар... Хоразм чериги барининг додини берди албатта, кўп навкарлар ер тишлаб қолди. Аммо кўп — кўп экан... Чекинишга тўғри келди...

Хоразмшоҳ Сулаймон Сўфи, бу йигирма беш-ўттиз ёшлардаги, ўрта бўйли келишган хушбичим йигит эди, у хонга тик қараб, Элийғмиш ўғлон сўзларини тасдиқлаб турди. Тўхтамишхон гоҳ Хоразмшоҳга тикилар, гоҳ Элийғмиш ўғлон нигоҳини тутушга уринарди. "Икковинг ҳам одам эмас экансенлар!.." демоқчи бўлди-ю, бундан ҳеч наф йўқлигини билиб, индамади. Тўхтамишхон ақлли йигит эди, Хоразм юришининг барбод бўлгани унга қаттиқ ботди, ич-ичида салтанат умид боғлаб турган бир ипнинг узилганлигини ва унинг касри ҳали узоқ таъсир кучида қолишини сизди. Агар пайтлар келиб Олтин Ўрдага путур етса, ўша Хоразм юришидан бошланганлиги чин ҳақиқат бўлиб қолади. Буни эсингда тут, эй Тўхтамишхон!

Воқеа эса сал бошқачароқ бўлганди. Амир Темур қўшини Хоразмдан анча берироқда, Жадрас ариғига етганда, кимдир ёғий тарафдан қочиб келди ва Хоразмшоҳ Сулаймон Сўфи мамлакатдорликдан воз кечди, душман ҳавосатидан қўрқиб Элийғмиш ўғлон билан қочди, кўп аёнлар жонни хонумондан афзал кўрдилар, ҳамма нарсани ташлаб бош олиб кетдилар, деб хабар берди. Соҳибқирон дарҳол улар ортидан Умаршайх Мирзо лашкарини юборди ва жаҳд ила Қумкент, Қира йўлидан юриб муҳолифга қувиб етишни буюрди. Аммо чунон уринишмасин, Хоразмшоҳ билан Олтин Ўрда лашкарбошиси уларга тутқич беришмади...

Мовароуннаҳр юриши олдидан буюк ҳоқон Тўхтамишхонни ташвишга солиб қўйган нохуш ҳодисаларнинг биринчиси шу эди. Олтин Ўрда ҳукмдори ўйланиб қолди. Гўё бир қаноти қирқилгандай бўлди. Қирқилган қанотни патлар билан беэмак учун фурсат ҳам йўқ, пат

ҳам... Бари тўзғиб кетди... Ростдан ҳам, ўзинг учун ўл етим, деган мақол жуда топиб айтилган. Ўзинг учун ўзинг ўлишинг керак. Буюк ҳоқон бўлсанг ҳам, ўзинг бош қотиришинг лозим, энг катта қора меҳнатни аввало ўзинг қилишинг керак. Агар қўшин пода бўлса, чўпон ўзингсан, уюр бўлса — отбоқар... Олтин Ўрда салтанати учун ҳоқоннинг ўзидан бошқа қуядиган одам йўқ... Ҳеч ким куймайди, ўзинг қуясан, ўзинг ёнасан... Ишонган одамларинг ишончингни оқламайди, бир юмуш қўлидан келмайди, бари лапашанг, лакалов... Эй-воҳ!

Ҳоқон дарҳол Тармочуқни чорлатиб, уни Амир Мухаммад Миракка юборди, энди асосий умид ундан эди. Мухаммад Мирак лашкарни шайлаб, Амир Темур Хоразмда эканлигидан фойдаланиб, шитоб Самарқанд устига от суриши зарурлигини уқтирди. Ўзи ҳам пайтни ўтказмай катта қўшин билан Самарқанд томонга йўлга чиқди.

Кўп ўтмай ҳоқонни чиндан ҳам ўйлантириб қўйган иккинчи ҳодиса рўй бердики, буни хон ҳам, амирлару баҳодирлар ҳам сира кутмаган эдилар.

Довдирсойга яқинлашар экан, Тўхтамишхон беихтиёр хаёлларга берилди. Ўн йиллар аввал худди шу ерларда илк жангларини ўтказди, Ўрусхон навкарларидан калтак еб, қочиб жон сақлади. Ҳов анови, чап томондаги баланд қир ортидан, ўнг томондаги мана бу дара ичидан пистирмадаги қўшинлар бирин-кетин отилиб чиқиб, уни танг аҳволга солиб қўйишди... Мана, шу остида йўрғалаб бораётган Хонўғлон бўлмаганда, Тўхтамишхон ёғийнинг қўлига тушиши аниқ эди. Амир Темур отни бераётиб: "Эҳтиёт қил, вақти келиб кунингга яраб қолади.." деганди, Соҳибқирон билиб айтган экан, ростдан ҳам кунига яради. Уқдай учиб, туёғидан душман кўзига тупроқ сочиб, олиб қочиб дарёдан ўтиб кетди ўшанда...

Ҳоқоннинг руҳида сўниклик ва маъюслик пайдо бўлди. Мажмағил бир кайфият борлигини қамради, юришни истамас, бир жойда туришни хоҳламас, боши ичи бўм-бўшдек, қўллари шалвираган, оёқлари дармонсиз... Ёрқин қўзлар ҳам хиралашган. Вожаб, бу қадар ҳолсиз, ожиз бўлмас! Остидаги ақлли от дарров унинг ҳолатини сезди, ундаги маъюслик отга ҳам ўтди. Хонўғлон суст, шиддатта чорловчи эмас, балки уйқуга мойил қилувчи сувдай майин йўрғалаб борарди, гўёки шу томонга юришни истамагандай...

"Бундай кайфият қўшинга ўтмасин ишқилиб, агар қўшинга ҳам ўтса ҳамма нарса барбод бўлади... — ўйлади Тўхтамишхон бирдан ўзини қўлга олиб. — Ҳеч ким сезмаслиги керак!.."

Шу палла узоқ-узоқларда билтанглаб оқаётган Довдирсойга кўзи тушди-ю, ғаройиб қарорга келди. Бир пайтлар у душманни ҳам қойиб қолдириб, етказмай бу сойдан от солиб икки марта қочиб ўтиб кетганди. Энди қочиб бораётгани йўқ.. Энди яна Довдирсойга от солади, шижоатнинг нақ ўзини кўрсатади, шошқин сойдан шиддат билан ўтиши бутун қўшинларига руҳ беради! Амирлару нўёнлар ҳам ҳоқон ортидан сойни кечиб ўтадилар...

Яшиндай келган бу фикр ҳоқонни рухлантириб юборди. У дарҳол ёнидаги Қозончи баҳодирга деди:

- Билингизким, Довдирсойга от соламен!.. Нариги қирғоқда туриб барчангизнинг сойдан қандай ўтишингизни кўрамен! Мендан кейин ўтгойсиз!.. Англадингму?..

Кутилмаган фармондан шошиб қолган баҳодир, дарров куз кириб сойнинг хийла совиб қолган сувини эслаб жунжикиб олди ва бир қишлоқ нарида кўприк борлигини, ўша ердан ўтиш мақбулу қулайлигини айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади:

- Ҳоқоним... шу...

- Оғзингни ёп!!! — вазабдан чақнади ҳоқоннинг кўзлари...

Бу, яна бир сўз айтсанг, бошингдан жудо бўласан, дегани эди. Қозончи баҳодир буни аниқ билди, билди-ю, буғдойранг юзи доқадай оқариб кетди. "Ҳоқоннинг сўзлари ҳаминша муҳокама қилиш учун эмас, ижро этиш учун айтилишини унутма, эй нодон!" — деди у ўзига-ўзи...

- Тавба қилдим, ҳоқоним, тавба қилдим! — ёлворди отдан ўзини ерга ташлаб ҳоқон узангисини ўпаркан Қозончи баҳодир. У миқти

гавдали, қабарик кўкракли, паҳлавон келбат эмас, балки кичик пачок бир одамни эслатарди. — Гуноҳкор қулингизни кечиринг!.. Тавба қилдим!.. Тавба қилдим!.. Ҳоконимиздан сўнг Довдирсойга от солиб ўтамиз! Довдирсойга от соламиз!..

Тўхтамишхон ҳеч нарса демади ва отга қамчи босди! Хонўғлонни елдириб учар экан, Қозончи баҳодирнинг ҳанг-манг бўлган амирлару нуёнларга қичқириб нималардир деяётгани қуловига чалинди.

Жуфтақ ташлаб ирғиб бораётган Хонўғлон сағрисига қамчи тушиб турса ҳам, негадир жон-жаҳди билан чопмас эди. У дунёни кезиб чиқди. Ҳожи Тархон, Сарой Берка, Московия, Кафа ва Табриз кўчаларидан юлбона ўтди. Лекин ҳеч бир жой, ҳаттоки Сарой Беркадаги узун баланд отхона ҳам Кўксарой ёнидаги сайисхонага ўхшамасди...

Айниқса, Амир Темур уни кўргани келганида, қувониб кетиб, бўйини гажжак қилиб суйкалар, тумшугини тираб ҳидлаб-ҳидлаб оларди. Соҳибқирон унинг пешонасини силаб, ялтираб турган сағрисига суюб уриб-уриб кўярди. Ниҳоят, қўлини қўйнига солган Соҳибқироннинг ҳаракати тулпорнинг назаридан қочмасди: чунки у ҳозир ё кишиш ейди, ё қанд ялайди...

Кўксарой олдида катта кўчада Тўхтамиш ўғлоннинг Сабронга илк марта жўнаб кетаётган кунни эди. Хонўғлонга тилла қош эгар уриб, кумуш юган солдилар, ёлларини ювиб-тарадилар. У катта сафарга борилишини фаҳмлади. Бироқ унга Соҳибқирон эмас, нотаниш бир ёш йигит минганида даставвал ҳеч нарса тушунмади. Уни Соҳибқирондан бошқа ҳеч ким минган эмас! Бедав қандайдир даҳшатни сизди, чамаси, уни ўғирлаб кетмоқда эдилар! Ер тепиниб қўйди-ю, орқа-олдига қаради... Кўп суворийлар ҳам у ёнда, бу ёнда йўлга тушмоққа шай бўлиб, сабрсизлик билан пишқириб, сўлиқ чайнаётган отларини гижинглатишган ҳолда ниманидир кутишарди. Нарироқда эса қўл қовуштириб туришган аёнларни кўриб қолди, уларнинг олдида... Амир Темур турарди! Хонўғлон кўзларини пирпиратиб юмди ва яна очди: кўргани Соҳибқироннинг ўзи эди! Демак, бу ишлардан Амир Темурнинг хабари бор!.. Демак, кимгадир уни бериб юборишмоқда! Ушанда Хонўғлоннинг кўзларига ёш тўлганини ҳеч ким кўрмади...

Бирдан ўнг сағрисига қарсиллаб қамчи тушди! Хонўғлон сесканиб кетди. Амир Темур ҳеч қачон қамчи урмасди. Агар қаттиқ чопиш керак бўлса, икки марта юганни силтаб тортса қифоя, елиб кетади; бир марта тортиб қўйса, бас, юриш керак. Ундан ташқари, узанги ҳимоси ҳам шуни билдиради. Отнинг ўзи ҳамиша вазиятни сезиб турарди. Ёв қувиб келаётган бўлса, душман отларининг кишнашларидан, ҳаракатларидан дарҳол вазият танглигини сезиб оларди ва ўзи ҳам тоқатсизлик кўргизиб, турган жойида "Тезроқ кетайлик!" дегандай ер тепинишга тушарди. Хонўғлон қувсанг - етасан, қочсанг — қутулсан, деган дуудулар сирасига кирарди.

Хонўғлоннинг онаси Бўзтарлон бўйни ингичкадан келган сер ёл, қуймичи кенг чиройли бия эди. У яйловларни тўлдириб чопар, чопганда сувдай оқиб кетарди. Хонўғлондаги шундай хислат албатта онасидан ўтган. Уюрда айғирлар кўп эди, аммо Бўзтарлон Оқтой деган айғирни хуш кўрарди. Бошқа айғирлар замзама билан унинг ёнига суйкалиб келишса, у назари билан Оқтойни қидириб қолар, қаердалигини аниқлағач, хираларни доғда қолдириб, ўша ёққа қочиб кетарди.

Оқтой ўмрови кенг, қобиргалари йирик, бўйни узун, сағриси катта зотдор отлардан эди. Уюрда юрар экан, узоқларга қараб, атрофни кузатиб чиқар, биронта бегона айғир ёки бўри келаётгани йўқми, дегандай қулоқларини чимириб кўярди. Бияларга назар ташлаганда, кўзи даставвал хушбичим Бўзтарлонга тушар, иттифоқо, шу палла бия ҳам бўйинини эгиб қулоқларини чимирганча айғирни кузатиб турган бўларди.

Кунлардан бир кун бегона қизил жийрон айғир уюрга ёриб кирди. Бўзтарлон зорланиб кишнаб юборди, у гўёки: "Оқтойим, қайдасан?.." демоқчидай эди. Яйловнинг ичкарасида ўтлаб юрган, қандайдир гафлатда бегона отнинг уюрга аралашиб қолганини сезмаган Оқтой

ноладай янграган кишнашни эшитиб, шарт бошини кўтарди. Оқтойнинг таҳдидли кишнаши яйловни тутди. Бўзтарлон Оқтой томонга қараб қочди. Қизил жийрон бияга етиб олай-етиб олай, дерди.

Туёғидан ўт чақнаб учиб келган Оқтой жийронни яғрини билан уриб-суриб юборди!..

Юқоридан қараган одам шундай манзарани кўрарди: яйловнинг четида уюр, уюрдан анча узоқда икки от қаттиқ уришаётибди, бир от нарироқда турибди...

Қизил жийрон бегона уюрга келишдан ҳайиқмаганлиги бежиз эмаслигини кўрсатиб қўймоқчи бўлди. У ҳам ўмровлари кенг, кучли от эди. Орқа оёқларида туриб душманини тиккамачасига тепмоққа, тишлари билан ғажиб ташламоққа уринди. Ғазаб келганда, тулпорнинг тишлари қиличдан ҳам ўткир бўлиб кетади. Бироқ, Оқтой анойилардан эмасди, у жийроннинг сағрисида олишга ҳаракат қилди, жийрон бўй бермади. Аксинча, ўзи Оқтойнинг думғазасига ташланди! Оқтой бир ҳинграб кўйди-да, рақибининг тумшугига чап бериб, ёли аралаш чайир бўйнидан ғарчча тишлаб олди-да, пайт пойлаб хийла нарига отиб юборди! Бўйни қарс этиб мертилган қизил жийрон минг машаққатда оёққа туриб, ўзини ўнглаб қарши ҳужумга шайланган ҳам эдики, етиб келган Оқтой бир неча марта кетма-кет қарсиллатиб тепиб ташлади! Шиддати анчагина кесилиб қолган жийрон бу зарбаларга дош беролмади, бошини тутолмай, чалқанчасига гурсиллаб ерга қулади...

Бўзтарлон барини кузатиб турарди. Оқтойнинг мардона жангини кўриб ҳайратланган сулув бия қора терга тушган Оқтой ёнига келди ва "Миннатдорман..." дегандай ўмгани аралаш ёлига оҳиста бошини кўйди...

Яйлов ўртасида эса ўзга уюрлардан "роҳат излаган" қизил жийрон айғирнинг лоши қарға-қузғунларга ем бўлиб қолди...

Яйловнинг этагида кичкина сой оқадиған пастқам хушманзара сойлик бор эди. Кўпинча айғиру биялар ўша сойликда айланишни ёқтирардилар. Оқтой авваллари бир неча марта Бўзтарлонни ўша сойликка ияртириб бормоқчи бўлди, аммо яқин қолганда бия "ноз" қилиб қочиб қоларди. Оқтой негадир ҳозир ўша сойлик томон кета бошлади, ордига қарамади ҳам. Энди у Бўзтарлоннинг келишига аниқ ишонарди... Иилнинг охирига бориб, Бўзтарлон бир ярвоқ қулун туғиб берди. Ширинтой қулун тириккина кўринар, оёқда тебранмасдан турар, ўмровининг кенлиги, қобирғаларининг йириклиги, бўйнининг узунлиги, сағрисининг катталиги нақ Оқтойнинг ўзи эди. Қуббатуюёқ қулунни кўрган Малик Фиёсиддиннинг кўзи пишган йилкичиси, ундан ажойиб дулдул от чиқишига дарров ақли етди ва олти ой сағрисига кун туширмай, офтоб тегизмай ертўлада қоронғида боқди, кейин табада сақлади, ихлос билан қаради. Сомону арпа аралаш еми фақат кечаси берарди. Ертўладан чиққач, дастлаб текис йўлда, кейин шудгорда, охирида эса тошлоқда юришга ўргатди. Ёлини гўзал қизларга силатди... Авжи кучга тўлган ғўнон бўлган пайтида бўз отнинг ёли қуловидан ошиб, сағриси тошиб, гижинглаб, қараганларнинг кўзларини қувнатадиган бўлди.

Бу ғўнон Хонўғлон эди...

Тарих милодий 1372, сичқон йилида, авжи баҳор гуркираган палла Амир Темур Қаршининг чўлида ов солди. Ов ҳалқаси то Амударёгача майдонни эгаллаганди. Соҳибқирон шикорни ёқтирарди, аммо асосий мақсад, куёну, илвасину кийик отиш эмас, балки келгуси жанглар русумини аниқлаш, машқини олиш, "савқ-ул жайш"<sup>70</sup> ва "таъбият-ул жайш"<sup>71</sup> йўллари назардан ўтказишдан иборат бўларди.

Хирот малиги Муъизиддин вафотидан сўнг подшолик мартабасига минган унинг ўғли Фиёсиддин Соҳибқироннинг шу ердан узоқ бўлмаган жойда шикорда эканлигидан хабар топди. Дарҳол Ҳожи Вазир деган номдор лашкарбошисини жуда кўп қумошу отлар, хачиру тевалардан иборат маҳобатли тухфа-инъомлар билан Амир Темур ҳузурига юборди. Пешкашлар орасида олтин корсонли эгар урилган бўз от ажралиб турарди. Сарой аъёнлари назар ташлашиб: "Отмисан от экан-да!.." деб кўйишарди ҳавас билан. Ҳожи Вазир таъзим бажо келтириб Амир Темурга бундай деди:

- Соҳибқирон ҳазратлари! Бу отни Хонўғлон дейдилар. Малик

Гиёсиддин жаноби олийлари ўзларининг энг зотдор учқур тулпорини инъом этдилар!..

Амир Темур тулпорни кўрибоқ дарҳол кўнгли унга мойиллигини сезди. Тулпор чиндан ҳам кишининг икки суядиган от эди, Турон ҳукмдорига ёқиб қолди. У Малик Гиёсиддинга нома битиб, Ҳожи Вазирни турфа хил пешкашлар билан сийлаб жўнатди. Амир Темур Хонўғлоннинг биринчи соҳиби бўлди, Самарқандда тулпорга биринчи марта эгар урилди...

- Ҳозир улуз ҳоқон Довдирсойга от соладила-а-а-ар!.. — Қозончи баҳодирнинг кичқирганини эшитди Хонўғлон.- Амирлару нўёнлар! Кейин навбат бизларга-а-а-а!..

Даставвал Довдирсойни илғаб, Самарқандга борадиган йўлни таниган Хонўғлон тезроқ юришга ошиқди, аммо юганни тортиб бунга имкон бермадилар. Энди эса саврисига қамчи тушиб турса ҳам, негадир у жон-жаҳди билан чопгиси йўқ эди. Бунинг сабабини тушунгандай бўлди. Ақлли отнинг назарида ҳозир Тўхтамишхон Самарқанд томонга қочиб кетаётгани йўқ. Чунки аввалгидек қочиб кетса, ортидан кимдир, кимлардир қувиши керак... Ҳеч ким қуваётгани йўқ, балки одатдагидек катта қўшин савашишга отланган... Демак, жанг қилиш учун бостириб боришмоқда...

Донишмандлар отда фақат забон йўқ, лекин ақл, фаҳм-фаросат, сезгирлик, зийраклик, орият кучли эканлигини кўп гапирадилар. Хонўғлон ана шу гапнинг фавқулодда ажабтовур тимсоли эди.

Тўхтамишхон тулпорнинг шаҳди ҳар кунгидан ҳам бугун пастлигини сезди. Аммо буни отдан кўрмади, балки айб ўзида эканини тан олди. Ўзидан ўзининг жаҳди чиқиб, аламини кимдан олишни билмай ота устма-уст қамчи солди! Зуғум жонидан ўтди-ю, Хонўғлон ўқдек елиб кетди! Манзилгача ҳоқоннинг ўғли қамчидан бўшамади.

Шу ерда ғаройиб ҳодиса рўй берди! Қаттиқ елиб бораётган тулпор тобора шиддатини ошириш, Довдирсойга келиб сакраш ўрнига, сойга яқинлашганда шартта чапга бурилиб кетди, ҳоқон ҳазратларининг эгардан учиб кетишига оз қолди! Ҳеч ким шундай бўлади, деб ўйламагани. Амирлару нўёнлар, тез етиб келишиб: "От кўрқди, ҳоқоним!.. Парво қилмангиз, ҳоқоним!.. От кўрқди!.. Шунақаси бўлиб туради!.." деб хонни юпантирдилар. Ҳайрон бўлган ҳоқон иккинчи марта уринди, аммо яна юқоридаги ҳол такрорланди. Вазиятни тушуниш мушкул эди, тил-забонсиз махлуқ негадир қайсарлик қилиб, ўзи авваллари бемалол кечиб ўтиб юрган сойга ҳеч сакрагиси келмасди. Ҳолбуки, ҳоқон бу тулпор билан Довдирсойдан ҳам катта не-не айқирган дарёларни кечмаган...

Тўхтамишхон жуда хижолатда қолди, амирлару нўёнлар олдида, қўшин олдида шарафи бир пул бўлди. Унинг қазаб ўти алангаланди, ёрқин кўзлари қаҳрдан қисилди, агар иложини топса эди, ана бу тоғни шартта кўтариб, мана шу бадбахт махлуқнинг устига ташлаган бўларди!.. Қаҳрини жиловлай олмаган ҳоқон тулпорнинг бош-кўзи аралаш аччиқ қамчи солганини билмай қолди! Қамчининг учи чаён чаққандай Хонўғлоннинг чап кўзига тегди ва ўт чақнатиб юборди! Оғриқ жонидан ўтиб кетган жонивор қаттиқ кишнаганча юқорига сапчиди! Буни кутмаган ихтиёрсиз ўлтирган Тўхтамишхон отдан қулаб тушди!..

- Жувозга қўшиш керак!... Даъюсни!.. — белини ололмай инграниб деди ҳоқон ётган жойида.

Ҳамма ўша томонга югуриб, ҳоқон ҳазратлари атрофида гирдикапалак бўлиб қолди. Тулпор билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Хонўғлон энгил тортгандай бир кишнаб осмонга сакради-да, сой бўйлаб Самарқанд томонга елдан ҳам тез учиб кетди ва бирпасда кўзлардан ғойиб бўлди...

## Йигирма биринчи боб

Саҳар пайти Султон Бахт бегим учинчи ошёнда жойлашган хобхона деразасидан пастга қараган эди, сарой олдидаги бўйи юз, эни элик қадамлар чиқадиган майдонда кўп навкарларнинг уймалашиб

юрганларини кўрди. Хулбукда бундан бошқа катта майдон йўқ.. Кўрибоқ, маликанинг юраги шув этиб кетди: Амир Соҳибқирон Хоразм юришида эдилар, даставвал куёвини қўшини билан чақиртирмадилар, фақат қайноғаси Абулфатҳ ўша ёққа жўнаб кетди. Энди зарурат туғилиб, чопар юборибдиларда, ана, навкарлар сафарга тайёрланишмоқда... Кўмакка боришади, шекилли..

Соҳибқирон лашқари танг аҳволга тушиб қолдимикин? Малика ҳамиша ана шундан кўрқади, қачон сафарга чиқсалар, бошқаларни билмайди-ку, аммо ўзи то падари бузруквори зафар билан қайтиб келмагунларигача, юрагини ҳовучлаб кун утказади. Холисанилло айтганда, Хоразм ёқдан чопар келганини билгани йўқ.. Тўғри, йигирма кун олдин Амир Шоҳмалик Ҳиндистонга кетаётган экан, йўл-йўлакай тушиб ўтди, холос. Ҳеч қандай жанг ёки қўшин жўнатиш ҳақида сўз бўлмади....

Аммо уч кун аввал яна Тўхтамишхон элчисининг Хулбукка келгани маликани ташвишга солиб қўйди. Биткўз Тармочуқ биринчи кўришданоқ Султон Бахт бегимга ёқмаганди. Бу ҳақда ўз вақтида куёвига ҳам айтган: "Бу сизга ҳеч қачон дўстлик қилмайди, кўзи ёмон..." деганди. Аммо сўзи унга таъсир қилдими йўқми, бу ёғини билмайди. Муҳаммад Мирак ўша элчи билан овора, биринчи кун меҳмонхонадан чиқмай нималарнидир гаплашдилар. Эртасига саҳарда қаяққадир кетдилар, кеч қайтдилар... Куёви билан гаплашмоқчи эди, ажабо, ҳеч холи тополмай, жони ҳалак бўлди. Тағин меҳмонхона атрофида ўралашиб юришга тўғри келди. Барибир бундан ҳеч нарса чиқмади, эшик зич ёпилган эди.

Малика яна деразадан қаради: навкарлар сафи тобора қуюқлашиб борарди. Негадир унинг юраги сиқилди. Шошилиб пастга туша бошлади. Биринчи ошёнадаги меҳмонхона бурчагига борган эди, у томондаги эшикдан Муҳаммад Мирак билан Тармочуқнинг ўзаро гаплашиб чиқиб келаётганларини эшитди.

"Йўқ... Аввал Самарқандга борғойбиз... Бухорога кейин..." — деди Муҳаммад Мирак.

"Тўғри, улуғ ҳоқон Тўхтамишхон, Амир Темур Хоразмдалигидан фойдаланиб аввал Самарқандга юришингизни буюрғонлар... Қачон борғойбиз?.." — сўради Тармочуқ..

"Эртага отланғойбиз... Эртага..."

"Қараб турамизма, Амирим?.. Вақт кетмайми?.. — норизо оҳангда деди Тармочуқ. — Тезроқ бормаимизма? Улуғ ҳоқон келганча Самарқандни босиб олмаймизма?.. Кейин давру даврон сурмаймизма?..."

"Қўшин йиғиш керак... Қўшин..."

Улар ташқарига йўналишар эканлар, маликанинг панада турганлигини сезмадилар.

Султон Бахт бегим турган жойида қотиб қолди! Демак, булар Амир Соҳибқиронга кўмакка эмас... Самарқандга отланишмоқчи, пойтахтни олишмоқчи! Тўхтамишхон ҳам юртга бостириб келар экан, ўғил тутинган эди-я!.. Ўғилдан келган оқибатни кўрингиз!

Нима қилиш керак? Тездан падари бузрукворига хабар бердириш лозим. Аммо бу айтмоққа осон... Чопар юборганда ҳам, Хоразмга етгунча фурсат кетади. Кошки эди, қушга айланса-ю ҳозирок учиб бориб падари бузрукворига бу машъум хабарни етказса!.. Ҳа, бари ўзи ўйлагандай бўлиб чиқди, куёви Муҳаммад Мирак душманлик йўлига кирибди! Фитнага бош қўшиб, ранимларни атрофига йиғиб, ўзининг қайин отасига қарши қурол кўтармоқчи! Чиндан ҳам, унинг ақли жойида эмас, нокасу бетайин бўлмаса Соҳибқирондай бир пурқудрат подшога қарши чиқариди!..

Шу палла куёви маликанинг кўзига жинидан ҳам бадтар ёмон кўриниб кетди. Дарҳол канизаклари ва хизматкорларини чақиртирди. Энди бу ерда бир лаҳза ҳам қола олмайди! Хутталонни бутунлай тарк этади! Падари бузруквори ҳам барини билгач, нега бундай қилдинг, оилангни бузиб, ташлаб келдинг, деб таъна қилолмайдилар...

Агар Муҳаммад Миракнинг қўшини эртага йўлга чиқса, улар

бугунок жўнаб кетишлари керак. Шунда Самарқандга олдин етиб боришади ва, зарур бўлса, маликанинг ўзи ҳам қилич тутиб пойтахт химоячиларига қўшилади. Албатта, қўшилади! Бир жанг қилсинки!..

Маликанинг кўнгли орзиқди, ўзининг совурилган гулдай умрига, бенафу беҳуда ўтган ёшлигининг бебаҳо йилларига ачиниб кетди. Оҳ, уша йилларни қайтариб келишнинг иложи топилсайди!.. Подшонинг қизи чўрилардан ҳам хор бўлиб дўзахда кун кечирди-я... Э, аттанг!.. Пешонаси шундай экан-да...

Султон Бахт бегимнинг бир сири бор эди, унинг кўнглида пинҳона муҳаббат яшарди, албатта у бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмаган... Буни Аллоҳ ва ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди. Хуш тавозе, андишали, жасур, кўзлари катта-катта, қошлари қуюқ, Амир Шоҳмалик кўпдан унга ёқарди... Издихомларда, йиғинларда ёқтирганининг бошқа Амир ва амирзодалар ичида мағрур юрганини кўриб қувониб кетарди. Узоқ-узоқ кўз узмай тикилиб турган пайтлари кўп бўлган. Кўп марта, ҳатто Амир Шоҳмалик бу дайди нигоҳларни тутиб ҳам олган... Буни Султон Бахт бегим аниқ билади ва, тахмин қилишича, Амирнинг юраги ҳам титраб туради. Аммо бу муҳаббат тилга кўчмаган, фақат кўнглининг туб-тубида қолиб кетган, ҳеч қачон дунё юзини кўриши мумкин бўлмаган бечора туйғулар силсиласи эди, холос...

Яқинда Ҳиндистонга кетаётган Амир Шоҳмаликнинг Хулбукка тушиб ўтиши яна маликанинг эски туйғуларини уйғотиб юборди. Айниқса, сири муҳаббатнинг бир пайтлар учқур қанот бўлиб осмон-фалакларга кўтара олиш қудратию сеҳри билан Хулбукдаги ҳозирги хору абгор ҳаёти, инсонийлик қадрининг топталиши ўз-ўзидан муқоясага келди-ю, маликани чексиз афсус-надомат чулғаб олди. Фақат Амир Шоҳмалик бу ерга Соҳибқирон топшириғи билан келдими ёки баҳона қилиб маликани кўргани кириб ўтдими, буни билолмади. Эҳ, Амир Шоҳмалик сўлиб хазон бўлган маликани кўриб, унинг устидан кулиб кетгандир?.. Йўқ, зинҳор кулмаган, балки юраги билан йиғлаб-йиғлаб кетган бўлса керак, малика бунга аниқ ишонади.

Султон Бахт бегим хос одамларига ими-жимиди йўл тадоригини кўришни буюрди. Бу орада майдонда тўпланган навкарлар сони беш мингдан ошиб кетди. Пешиндан кейин ҳамма қаёққадир, чамаси, лашкаргоҳ қилиб белгиланган Хулбукнинг жанубидаги кенг далага йўл олди, майдон бўшаб қолди. Бу худонинг буюк инояти эди, малика ана шу фурсатдан фойдаланиб ҳозироқ бу зиндондан ҳам бадтар шаҳардан чиқиб кетиши лозим...

Кўп ўтмай Султон Бахт бегим ўз канизақларию хос одамлари билан отланиб Самарқанд томонга йўлга равона бўлди...

Ўзини Ҳиндистонга бораётган қилиб кўрсатган Амир Шоҳмалик, гарчи Султон Бахт бегимни кўришни истаса ҳам, аслида Хулбукка Соҳибқироннинг топшириғи билан келганди. У Хутталондаги вазиятни ва ҳоким Муҳаммад Мирак саъжия-тутумларини яхшироқ билиб келиш учун юборилганди. Амир Темур, одатда, маълум ҳукм чиқаришдан ёки кимгадир жазо беришдан олдин, албатта тафтиш ўтказар, турли йўللар билан текширтириб кўрар, шундан кейингина бир қарорга келарди. Амир Шоҳмалик Хулбукдан чиқиб, Ҳиндистонга эмас, балки тўғри Хоразмга — Соҳибқирон ҳузурига жўнади ва Котдан беш йивоч шимолга етганда Ҳазрат дийдорига мушарраф бўлди...

\*\*\*

Соҳибқирон Амир Шоҳмаликнинг сўзларини эшитиб, хаёлга ботди. Ҳа, Муҳаммад Мирак баланд мартабага чиқариб қўйилган, у ҳам ҳоким, ҳам куёв мақомидайки... Уни тарбият этиб, иноятлар қилди. Ортиқча марҳаматлар кўргизиш ҳам одамзотга ёқмайди. Фафлат босган инсон йўлдан тойибди, бахти ундан қайтибди. Шармандалиқдан ор этмай, мухолифат яловини кўтарибди. Мамат анча йил аввал, ўша Тўхтамиш ўғлоннинг биринчи келган пайтидаёқ бу Амир ҳақида галати фикрларни айтган эди. Аммо Соҳибқирон бунга кулоқ солмади, ҳатто кейинроқ чуқурроқ ўйлаб ўтирмай қизини ўшанга берди. Аттанг... Ҳазор аттанг...

Бирдан Муҳаммад Миракнинг иниси Абулфатҳ черикдан қочиб



кетибди ва ўзини чўл ичига урибди, деган хабар етди. Соҳибқирон қуёвининг кичик биродарини атайлаб, гаров эмас-ку, ҳарқалай Хутталон ҳокимининг жilовини тутиб туриш мақсадида черикка олдириганди. Унинг қочиб қолиши ҳам Хутталон ҳокими Муҳаммад Мирак ҳақидаги гумонларни тасдиқлагандай туюлди.

Кўшин Котдан энди жилган ҳам эдики, Абулфатҳ Хутталондан — Муҳаммад Миракдан бир мактуб олди. Мактубда, у Амир Темурга муҳолифат изҳор қилганини, бу қарори қатъий эканлигини, энди ортига қайтмаслигини, шунинг учун ҳоқон Тўхтамишхон Мовароуннаҳрга бостириб келаётганини ва инисига зудлик билан Самарқандга қараб юришни тайинлаган эди.

Ахий Жаббор баҳодир унинг изидан тушди. Унча узоқ қидиришга ҳожат тугилмади. Бир кун аввал ғойиб бўлиб қолган Абулфатҳ эндигина Кот қалъасидан ўтиб биёбонга кирган, саксовулга ўхшаш қораварақ деган бута соясини топиб, қиличини бошига қўйиб ухлаб ётган экан. Қаттиқ чарчаганидан Ахий Жаббор баҳодирнинг борганини билмай қолди... Баҳодирнинг томоғи қичиб йўталиб юборганидан уйғониб кетган Абулфатҳ дарҳол қиличини олмоқчи бўлган эди, унинг аллақачон Ахий Жаббор баҳодир қўлида ўйнаб турганини кўрди.

- Ўзингни бос, ифлос!.. Чавақлаб ташлаймен, номард!.. Ичагингни бошингга сала қилиб қўямен, нас бостан! — деди ғазабдан Ахий Жаббор баҳодир. — Амир Соҳибқироннинг ҳиммату эҳсонларига бунчалар кўрнамакликнинг сабаби недур? Куфрони неъмат қилганинг, бу тутумни маъқул билганинг одам зотига ҳеч ярашурму?..

- М-м-менда айб йўқ!.. — кўркувдан титраб деди Абулфатҳ! — Оғам Мирак... душман бўлибди, киши юбориб эди... Жонимни сақлаб кетаётирмен, холос...

- Амир Муҳаммад Мирак салтанатга ёғий бўлибдими?.. — ҳайратда сўради Ахий Жаббор баҳодир...

- Шу-шу-у-ндай... — деди Абулфатҳ, сўрамасалар ҳам бидирлаб гапириб кетди. — Тўхтамишхон Мовароуннаҳрга бостириб келмақда экан. Ҳоқон оғамга чопар юборибдилар...

- Нима-нима?!.. Э, оғзингга тош! Сўзлари ралат, ипирисқи валад! — Ахий Жаббор баҳодир зуғум билан деди. — Барингни уруғинг битта сен пасткашларни!.. Терингга сомон тиқиб бозор дарвозасига осиб қўйиш керак, ярамаслар! Зиндачашм деган биттанг бир ой осилиб турди!.. Ҳамма тупуриб ўтди!..

Ахий Жаббор баҳодир бошқа ҳеч нарса демади, Абулфатҳни боғлаб отга миндирди... Умаршайх Мирзонинг Бухорода эканидан хабардор эди, икки кун олдин унинг чопари келганди. Соҳибқирон ёнига боргандан кўра, Бухоро унга яқинроқ туюлди-ю Умаршайх Мирзо ёнига йўл олди.

Амирзода аҳволни билиб, ғазабдан қўйкўзларида ўт чақнади, жиззақилиги тутиб кетиб сўкиниб юборди. Амир Сулаймоншоҳ ҳам "Нокас!.." деди-да, чапаничасига ўз нафратини билдирди. Муҳаммад Миракнинг Тўхтамишхон билан сирли алоқасини эшитишиб, амирзодалар бадтар тутоқиб кетдилар. Умаршайх Мирзо сал ўзини босиб олди-да, Ахий Жаббор баҳодирга юзланди:

- Фурсат ўтмасун! Бу нонкўрни Амир Соҳибқирон ҳузурига олиб борингиз! Жазосини ўзлари берсунлар! Ўзимиз ҳам Самарқандга жўнаймиз, деб турғондик... У ерда Амир Оқбуқа найман бошлиқ кўшин бор... Эшитдимки, Муҳаммад Мирак Тахти Қорачадан ошиб пойтахтга йўналаётган эмиш. Иншоолло, подшоҳзода билан ҳам ҳисоб-китобни ўша ерда қилурмен!.. Подшоҳзоданинг мана шундай сотқин бўлишини, пайт келиб қутурган кўппақдай ўз эгасини қопишини билардим-а!.. Билардим!.. Ҳеч Амир Соҳибқиронга айта олмадим. Айтишим керак эди. Айтишим керак эди!.. Афсус!..

Амир Сулаймоншоҳ маъқуллаб бош тебратди.

Ахий Жаббор баҳодир шу куниёқ Абулфатҳни олиб Хоразмга жўнаб кетди.

\*\*\*

...Хутталон ҳокими Муҳаммад Мирак, боргунимча Самарқандга

албатта ҳоқон Тўхтамишхоннинг ҳам пойи қадами етади, деган умидда жаҳд билан қўл остида бор лашкарни олиб пойтахт томон йўлга отланди. Ёлғиз Оғоч мавзеига етганда, Самарқандга юборган чопари эндигина қайтиб келиб турган экан. Чопарнинг хабари Хутталон ҳокимини ҳанг-манг қилиб қўйди. Самарқанд эли ғафлатда, хотиржам эмиш, ҳеч қанақа Тўхтамишхоннинг бостириб келаётганидан хабарлари йўқ, аксинча бугун-эрта Амир Темур Кўрагоннинг Хоразмдан зафар билан қайтишларини кутмоқда эканлар... Амир Оқбуқа найман бошлиқ тиш-тирновигача қуролланган лашкар шаҳар қалъасини мустаҳкам тутиб турибди...

Наҳотки, ҳоқон ўзлари айтган фикрларидан қайтган бўлсалар?.. Наҳотки, Самарқандни забт қилиш нияти ниятлигича қолса?.. Наҳотки, Мовароуннаҳр тахти Муҳаммад Миракка насиб этмаса?..

Хутталон ҳокими беҳуд бўлар даражада эди. Ҳайратга тушиб бақрайиб қотиб қолгандай катта-катта кўзлари тез-тез пириллашга турди, керак бўлса-бўлмаса гўё тушиб кетгандай қошларини қўли билан силаб юқорига кутариб қўяр, вазабдан нима қилишини билмасди. Самарқандга бостириб бориш бефойда — бир сиқим аскар билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Абулфатҳ келиши керак эди, уни кутишдан ҳам бир маъни қолмади. Энди шитоб Термиз, Ҳисор, Хутталон ёқларга йўл олсун, ҳарқалай Амир Темурнинг дасти етмайдиган жойлар. Уша ерларни ғорат қилсун, аскар тўпласин, бунгача Тўхтамишхон ҳазратлари ҳам етиб келадилар. Ана ўшанда Самарқандга бошқача бўлиб боради.

Муҳаммад Мирак Ёлғиз Оғоч мавзедан қайтганча, ҳолбуки Самарқандга ярим кунлик йўл қолганди, холос, Темир дарвозадан ўтиб Термизга йўл олди. Муҳаммад Мирак бу шаҳарни осонликча қўлга киритаман, деб ўйлаган эди. Аммо кўчабандлар билан мудофаа қилинган, дарвозалари зич ёпилган шаҳар ҳимоячилари битта ҳам душманни яқинларига йўлатмадилар...

Ноумид қолган Хутталон ҳокими Самарқанд ва Термиз аламини Ҳисордан олиб, бор элни талаб, ғорат қилди, уйма-уй кириб ҳисорликларнинг кўп молларини олиб, хонумонларини совурди. Қадимдан Ҳисор зарродхона<sup>22</sup>си машҳур эди. Тонгсаҳардан жарчи барчани ўша майдонга чорлади. Қиличу қалқон, совуту жавшан, дубулға ва бошқа ҳарбий кийимларга тўла зарродхона ҳамманинг кўз олдида очиб қўйилди. Муҳаммад Миракнинг ўзи саховат кўргизиб, бу ерда тўпланган етим-есир, палид, турли бебош бозорчопонийларга<sup>23</sup> жайба улашди, молу манол берди, оту тўнлар ҳада қилди...

- Ҳали Самарқандни олурмиз, Самарқандни!.. — дер эди одамларга қуролларни тутқандарни...

Муҳаммад Мирак зирҳу совутга ўралган кишиларга қараб, кўнглида ғурур туйиб, мамнун бўлиб турганида Умаршайх Мирзо қўшинининг бостириб келаётгани ҳақида хабар етди. Бунини эшитиб Хутталон ҳокимидан ҳам аввал атрофда уймаллашиб юрган ҳозиргина қуролланиб сурон кўтараётган, ҳали машқу майдон кўрмаган черикнинг руҳи тушиб кетди. Барчани кўрқув ҳисси чулғаб олди, ҳай-ҳайларга ҳам қарамай ҳамма ҳар ёққа қочишга турди. Муҳаммад Миракнинг ўзи сичқоннинг ини минг танга бўлиб Хутталонга қараб жўнаб қолди...

Умаршайх Мирзо бир нарсага доим тан бериб келади: худойи таоло валинеъмат Соҳибқиронни азиз ва муқаррам қилиб яратган, кимки унга нисбатан бадхаёлликка борса, муҳолифатга юз бурса, охир-оқибатда хор, несту нобуд бўлади... Амирзода шундай ҳолларни кўп бор ўз кўзи билан кўрди. Санай деса, саноғи етмайди. Жимжилоғи билан тоғларни суриб юборишни ҳаёл қилган, осмон тушиб кетса елкасида тутиб қолишни орзу этган калондимоғлар ҳамон учраб туради. Бундай ношукурлар қандай қадам босишни, кимга қўл кўтараётганларини яхши тушуниб етишни, афсуски, билишмайди.

Ростдан ҳам, амирзода назарида худо қаттиқ адаштирган бандалардан бири Муҳаммад Мирак ҳисобланади. Агар у фаҳм-фаросат билан иш тутганда, бошқалардан Соҳибқиронга яқинроқ бўлган Хутталон ҳокими

— чунки у куёв! Мухолифатчи эмас, балки ўзи шундайларнинг изини қуритиши лозим эди...

Ҳайратга тушган амирзодалар куёв изидан ўлжа кетидан елган оч йўлбарсдай қувишда давом этдилар. Ҳисордан Хулбукка қараб қочган Муҳаммад Мирак Вахш дарёсининг кўздан четроқда бўлган Тошкўприк кечигидан осонликча ўтиб олди. Бу ерларни яхши билмаган Умаршайх Мирзо билан Амир Сулаймоншоҳларга дарёга от солишга тўғри келди.

Қочиб борар экан, Муҳаммад Мирак Хулбукка бориш фикридан қайтди, агар шундай қилса, амирзодалар унга тез етиб олишлари мумкин. У, яхшиси, йўлни буриб, ордагиларни чақғитиб, Дараи Ниҳон ва Дарвозлар<sup>74</sup> ҳокими Шоҳ Жалолиддин ҳузурига боради, чунки унинг билан ош-қатиқлиги бор... У тоғларда жон сақлаши осонроқ..

Кутилмаганда Шоҳ Жалолиддин ўз паноҳига олиш ўрнига, бахти қайтган Муҳаммад Мирак юзига қалъа эшигини қарсиллатиб ёпди. Бу ҳам камлик қилгандай, аскарларига Хутталон ҳокимини тездан бу ердан қувиб юборишларини буюрди. Хору абгор бўлган Муҳаммад Миракни учинчи фалокат кутиб турарди: аҳволни кўрган хос навкарлару ғуломлари ҳамроҳлик ва ҳамрозлик ҳаққига риоя қилмай уни бир-бир ташлаб кета бошладилар. Ёнида уч-тўрттагина мулозимлари қолди, холос...

Танг вазиятни кузатиб турган Тармочуқ, гарчи унга Тўхтамишхон, ўша ерда бирга бўласен, Самарқандда кўришгаимиз, део тайинлаган бўлса ҳам, тезроқ кетиш ҳаракатига тушиб қолди.

— Мен... ҳоқоним ёнларида бўлишим керак, Амирим... Менсиз ҳоқоним қийналиб қомайма?.. Бу менга қаттиқ айб бўмайма?.. Тез жўнашим керак...

— Кетмасангиз яхши бўларди...— деди мўлтираб Хутталон ҳокими.

— Йўқ...

Тармочуқ қайтиб бориши зарурлигини, бу ерларда узоқ қолиб кетганини, шунинг учун бўлса керак, кеча Тўхтамишхон тушига кириб қолганини ва унга хафа бўлиб, бир оғиз ҳам гапирмаганини айтиб, кўзларига ёш олди.

Тармочуқ жўнаб кетганда Муҳаммад Миракнинг бир ёни ўпирилгандай бўлди, чунки битта таянчидан айрилган эди.

Амирзодалар Ҳисор тоғигача қувиб келишгач, изни йўқотиб қўйдилар. Кейин нафас ростлаш мақсадида Хутталонга қайтдилар ва Дараи қипчоқ Саройдаги<sup>75</sup> Муҳаммад Миракнинг данғиллама кўшикка келиб тушдилар. Умаршайх Мирзо бир неча кунни фароғатда ўтказди, аммо қулоғи Муҳаммад Миракни ҳар томонга излаб кетган чапдаст йигитларда бўлди. Уларнинг ичида, роҳату ҳузурда ўлтиришни ўзига номуносиб билган, вақтни ўтказмай тўнгмўйин Хутталон ҳокимини тутиб келишни кўнглига туккан Амир Сулаймоншоҳ ҳам бор эди.

Ўн кунлар чамаси ўтса ҳамки, бирон бир ердан: "Хутталон ҳокими Муҳаммад Мирак тутилди!.." ёки: "...Қўлга олинди!.." деган хабар келмасди.

Амир Сулаймоншоҳ Хутталондаги Уқбаи Бута доводидан ўтганидан кейин бир булоққа дуч келди. Одам қадами етмаган файзиёб бокира жойлар экан. Атроф — борлиқ жуда фусункор, жаннат пучмоғини эслатади. Амирзода дунёда шунақа кўркам жойлар борлигини кўриб ҳайрон қолди. Пастдаги дара томондан турфа хил қушларнинг ёқимли хонишлари эшитилади. Яна ҳам пастроқда шошқин сойнинг суви офтобда ялтираб кўринади... Мулозимларга муздай сувдан тотиб ўтириб бир оз ҳордиқ чиқаришга ижозат берилди. Ҳориб-чарчаб ташна бўлган навкарлар етиб булоқдан сув ичар эдилар.

Иттифоқо, Амир Сулаймоншоҳ булоққа келган от изларини кўриб қолди. "Биздан олдин ҳам бу ерларга кимлардир келган экан-да... — хаёлидан кечирди Амир Сулаймоншоҳ... Изларни кўздан қочирмай, бир неча пушта ошиб борган эди, сал пастқамликда катта арча тагида... тўрт киши даврасида Муҳаммад Миракнинг ёйилиб ўтирганини кўриб қолса бўладими! Валлоҳи аълам! Хутталон ҳокими, гўё барча ишлари аъло, ташвиши йўқ одамдек беғам, бепарво, ёнидагиларга

нималарнидир завқ-шавқ билан сўзларди. Гоҳ-гоҳ эллик қадамлар нарида ўтлаётган отларнинг пишқиришлари қулоққа чалинарди.

Амир Сулаймоншоҳ мулозимларига шовқин қилмасликни тайинлади, аввал ими-жимида уларнинг отларини тутмоқчи бўлдилар. Аммо бир от қаттиқ кишнаб юбориб ишнинг белига тепай деди, Муҳаммад Мирак ва ҳамроҳлари хавф келганини сезиб қуроғларига ёпишдилар. Хайриятки, улар атрофини кўпчилик ўраб олганидан чорасиз қолиб қўлга тушди...

Муҳаммад Мирак ҳар қанча уринса ҳам, сўз қотса ҳам, унга жавоб бермадилар.

Муҳолифатчиларни бошларига қоп кийдириб ўз отларига миндириб Дараи қипчоқ саройга — Умаршайх Мирзо ҳузурига етказганларида бошқа ёқларга кетган навкарлар душмандан ҳеч қандай хабар топмай қайтиб келиб туришган экан. Муҳаммад Миракнинг зориллаб, мени Амирзода Умаршайхга айтадиган гапим бор, у мени қутқариб қолади, кейин пушаймон ейсизлар дейишларига ҳам қарашмади. Улуғ амирзоданинг ғазаби шу қадар оловланиб кетдики, сабр-тоқат қилмай дарҳол хойну сотқин Хутталон ҳокими ва шерикларини ясоққа етказишни буюрди:

- Жаҳон аҳли билсун, барча бадбахтларга панд бўлсунки, кимки валинеъмат билан ғанимликка борғай, неъмат ҳаққини сақламағай, шундай қисматга дучор бўлмоғи муқаррардур!!!

- Куфрони неъматнинг оқибати ҳамиша бошга бало келтиринидан бутун олам яна бир бор огоҳ бўлди... — деди Амир Сулаймоншоҳ ҳам.

Айни шу паллаларда Хоразм бешинчи қатла забт этилиб, тамом элини Самарқандга кучириш ҳақида фармон берилган, ҳамма кўчиш тараддуида эди. Муҳаммад Миракнинг қатл этилганлиги ҳақидаги хабарни етказганларида, Соҳибқирон бунга афсус билдирди: "Амирзода бир оз шошилибдилар... Ўттиздан ўтиб кетди, ҳали ҳам шошилади. Куёвни кимлар фитнага бошлаганини билмак лозим эди..."

От бошини вайрон бўлган Гурганжга бурдилар. Аъёнлар ўн қадамлар орқада жим келишарди. Муртазойи аъзам Шайх Нажмиддин Кубро мақбарасини тавоф этдилар, Қуръон туширилди.

Соҳибқирон сўник бир руҳда атрофга, узоқларга қаради, қаради-ю, қалбини пушаймонлик ҳисси чулғади. Ана, Нажмиддин Кубро, Султон Такаш, Фахриддин Розий, Тўрабека хоним мақбаралари... Қутлуғ Темур минораси эса мағрур кўкка бўй чўзган..

Атроф, узоқ-яқинда бузилган уйлар, йиқилган томлар кўзга ташланади. Кунчиқишда, йироқда бир мўридан тутун ҳам чиқиб турибди.

"Наҳотки Гурганжни вайронага айлантирамен, деган бўлсам?... Бундай истак ахир, менда йўқ эди-ку!.." — алам билан деди ўзига-ўзи Амир Темур...

-Мавлоно Убайд жаноблари!

-Қулоғим сизда, Амир Соҳибқирон! — Хос мунший бошқалардан ажраб Соҳибқиронга яқинлашди.

- Тарих китобига ушбу номақбул ишларни очиқ-ойдин ёзиб қўйингизким, келажак авлодлар билсунлар! Ҳали, пайтлар келиб, Амир Темур гуриллаб турган шаҳарни буздирди, деб тош оттувчилар ҳам топиладур...

Соҳибқирон жим қолди.

- Подшоҳ сиёсат қилмагунча вилоят тузалмайдур, Амир Соҳибқирон... — ўзини тутолмай сўзга кўшилди Амир Сайфиддин некўз. — Подшоҳлик талаби бу. Сиёсат учун қилинди...

- Афсуски, сиёсат учун қилинди... Сиёсат учун, ҳа... Аммо Аллоҳнинг ўзи кўриб турибди, чунон уриндимки, шундоқ жанг бўлмасун, деб... Неча бор элчилар юбордим, фитналарга ўралиб қолгон Хоразмшоҳ Юсуф Сўфига, қудамизга ҳамиша дўст қўлини узатишга шай турдим, узатдим... Аммо узатган қўлим ҳавода муаллақ қолди... Кейин ҳам юртни ўзларига бердим. Фитналари тинмади, фитна устига фитна, босқин ... Сулаймон Сўфи оқил йигитлардан эди, сиёсатимизни тўғри англаб иш юритишига умид боғлағон эрдим, уни ҳам йўлдан урдилар. На чора... гуноҳи ўз буйнида. Афсус, шаҳар хароб бўлди.

Амир Темур маъриб томонга тикилди. Орага жимлик тушганидан фойдаланиб, Мироншоҳ Мирзо қўллари кўксига сўз қотишга журъат этди:

- Валинеъмат, падари бузрукворимиз!... Азият чекмасунлар! Ўзларининг ниятлари ҳамиша қурмоқ, бунёд этмоқдан иборатдур, Аллоҳга шукур!..

- Ҳамиша бизларга бунёд этмоқликдан сабоқ берардилар.. — сўзга қўшилди Амир Шоҳмалик.

Амир Сайфиддин некўз уларга: "Балли!" дегандай кўз қирини ташлади-да, деди:

- Амир Соҳибқирон! Қурамен, деган одам уйни бузса, яхшироқ қуриш учун бузадур. Ўзлари Гурганжни бундан ҳам яхшироқ бунёд этиш учун буздилар, холос...

Амир Темур ялт этиб Амир Сайфиддин некўзга қаради:

- Бешак-шубҳа янгидан бино қилдургаймен!.. Хоразм, иншооллох, салтанатимнинг гўзал гўшаларидан бири бўлғувсидур!..

- Шижоатларига офарин!

- Илоҳо, ниятингизга етингиз! — қабилада Соҳибқирон сўзларини маъқуллар эди амирлар.

- Янги шаҳар бўладур, Амир Соҳибқирон! Барини китобда қайд айлагаймен! — қўл қовуштирди Мавлоно Убайд ...

...Умаршайх Мирзо Хоразмдан музаффарона қайтиб қелган Амир Темур Кўрагонни тавоф айлагани Самарқандга отланди. Йўлда борар экан, Самарқандда Абулфатҳнинг қатл этилганлиги хабарини эшитди.

Хоразм сафаридан зафар билан қайтган Соҳибқиронни зиёрат этгани салтанатнинг турли мавзеларидан амирзодалар, оқалар ва бегимлар тўпланишди. Султон Бахт бегим аллақачон пойтахтда эди.

- Аллоҳдан тилаб сенга "Султон Бахт бегим" деб от қўйғондим... Қизим, афсус! Афсус! Бир бадбахтга раво кўриб хато қилдим... Хато қилдим... Аттанг, деймен, аммо энди фойдаси йўқ....

Амир Темур қизининг бошини силаб манглайдан ўпаркан, узоқ вақт бағридан қўйиб юбормади.

— Майли, кўнглингни чўктирма, қизалогим...

Шўрликкина Султон Бахт бегимнинг кўзларида беҳол ёш айланди...

## Йигирма иккинчи боб

### I

Милодий 1390 йилнинг қиши жуда ҳам совуқ келди. Яқин ўртада мардум бундай совуқни кўрмаганди. Аммо Самарқандда эканликларида об-ҳавонинг тез кунларда бунчалар ўзгариб кетишини, албатта, Соҳибқирон тасаввур этмаганди. Қишни Тошкентда ўтказишга қарор қилинди...

Қаҳратон қиш бошланиб-бошланмай узоқ йўлга отланишнинг сабаби бор эди. Йўқ эса, Боғи Чинордами, Боғи Беҳиштда меҳмонхонада гупиллатиб ёғаётган қорни деразадан кузатиб, Сароймулкхоним, Туман оқа ёки суюмли кичик малика Чўлпон Мулк хонимлар билан шакарғуфторлик айлаб ўлтиришга не етсин эди...

Аслида бунинг тарихи узоқ..

Шу йил ёзининг қуёш чарақлаб турган кунларидан бирида Хашка суйи<sup>76</sup> бўйидаги Оқер мавзеида қурултой қақирилди. Мамлакатнинг турли бурчакларига: "Ҳар вилоят музофотдан тумоноту ҳазорижот беклари, доруғаю оқсоқоллар Оқёрда ҳозир бўлсунлар!" деган фармон юборилди.

Кўм-кўк майсалар билан қопланган майдонда ҳар тарафдан вакил бўлиб келган турку тожикнинг олий мартабали азамат эрлари майдонталаб паҳлавонлардай қурултой бошланишини кутиб гуррас-гуррас юрар эдилар. Тепалиқдаги маҳобатли саропарда олдида олтин тахт Амир Темур пойи қадамига мунтазир... Тахтнинг икки ёнида сарой аъёнларига мўлжалланган гулдор тўшаклар кўзни олгудай бўлиб ловуллаб ёнади. Кунчиқишда, узоқларда қорли тоғлар Аллоҳнинг қудратига тан берган ҳолда таъзим айлаб бир жойда қотиб турардилар.

Амир Темур саропардадан кўринганда сарой аёнлари аллақачон тахтнинг икки ёнидаги ярим ой шаклида солинган тўшакларда ўлтиришарди. Чап томонда пири муршид Мир Саййид Барака, Умаршайх Мирзо, Муҳаммад Чуроға додхоҳ, Амир Мусо, Амир Довуд дурлат, Шайх Нуриддин баҳодир ва бошқалар кўр тўкишган. Ўнг томонда Султон Маҳмуд ибн Суюрватмишхон, Амир Сайфиддин некўз, Амир Сулаймоншоҳ, Жаҳоншоҳ ибн Жоку, Амир Шохмалик, Мирзо Алибек ва бошқалар кўринишади. Улар қаторида Тўхтамишхоннинг мухолифлари Жўжи улусининг номдор валломатлари Темур қутлуғ ўғлон, Кунча ўғлон ва Амир Идикулар ҳам ўтиришибди. Амир Идику Соҳибқиронга, Тўхтамишхон саройида ҳамиша жонини ҳовучлаб яшаганини, ҳоқондан ҳеч яхшилик келмаслигини, унинг қўлида бир кунмас бир кун ўлиб кетишини ҳис қилганидан кўрқиб қочиб келганини, айниқса, Довдирсой воқеасидан кейин, у аниқ Амир Темур томонга ўтишга қарор берганини билдирди ва Соҳибқиронни куп нарсалардан огоҳ этди.

Даставвал, Мир Саййид Бараканинг залворли овози майдон узра янгради. Пири муршид Куръон туширгач, Аллоҳ шаънига, расули акрам ҳақиқа, чорёрлар ёдига ҳамду санолар келтирди; жумла мўминлар қаторида Абулмансур Абулмузаффар Соҳибқирони комкор Амир Темур Кўрагон ҳазрати олийлари салтанатини бардавом айлашини, азиз жонларини ўз паноҳида асрашини сидқидил парвардигордан тилади. Куръоннинг сеҳрли каломлари, юрак тубидан олиб айтилган тилак-дуолар майдонни тўлдириб ўлтирган мардлар кўнглини кўтариб юборди. Қурултой жиловини Турон хони Суюрватмишхон вафот этгандан сўнг унинг ҳаққига рияз этиб хон қилиб кўтарилган ўғли Султон Маҳмуд кўлига олди.

Қурултойда асосан Амир Темур гапирди. Соҳибқироннинг нутқи ўтган уч-тўрт йилдаги ишлар сарҳисобига ўхшаб кетди. У гапирар экан, айти пайтда кўнгил пардаси ортидаги воқеалар ҳам кўз олдидан бир-бир ўтарди.

- Эй аҳли қурултой! - Сўз бошлади Соҳибқирон. - Ўтган йили Тўхтамишхон кўшини Саброн ёқларда изғиб қолди кўшин манглайи Хўжанд суйидан ўтиб Зарнуққа<sup>77</sup> етди, деган хабар келди. Буни эшитиб ким уйда тинч ётаркин?... Дарҳол йўл тадоригини кўришга киришилди. Амир Сайфиддин некўз бошлиқ нўёнлар ва амирлар тиз чўкишиб, бир оз сабр этишларини, чор атрофдан кўшинлар жам бўлиб олишлари, ҳавонинг ҳам сал юмшаши лозимлигини айтишиб бизга маслаҳатлар бердилар... Буни албатта, асло кутмаган эрдим... Ўша йили ҳам қиш эди, чақиб оладиган совуқ шиддатларни қирқарди...

Ўшанда Соҳибқироннинг кўнглига ногаҳонда, амирларим жангга боришдан чўчишмоқда, ўз жонларининг ҳузурини ўйлашмоқда, шундан бир оз тўхтаб турайлик, дейишяпти, деган нохуш фикр келди. Унинг энг оғир оладиган нарсаси - душманнинг юртга бостириб кириб эмин-эркин бошбошдоқликлар қилиб юриши эди. Бунга у ҳеч чидай олмас, эшитган заҳоти тунни тун демай, кунни кун демай, иссиқ-совуққа қарамай тезда фалокатни бартараф этишга ошиқарди. Ҳазаб томирлари кўзғолса-да, аранг ўзини босди ва деди:

- "Ат-таъхиру фил-офат" деган арабча ҳикмат бор. Кеч қолмоқ офатдур, дегани бўлади. Оқил киши ҳеч қачон бугунги ишни эртага қолдирмайди. Эрта ўз ишини ўзи билан бирга олиб келади. Бир қудратли подшоҳ қандоқ хор бўлгани ҳақида эшитмаганмидингиз?... Ундан шундай аҳвол сабабини сўраганларида: "Уч одатимнинг касофати теғди, - дебди. - Энг аввал, донишмаңдлар паңд-насиҳатларига қулоқ солмадим; кейин, нафсим нима нарсагаки ғолиб келиб кўнглим рағбат кўргизса ўша ишни қилдим ва учинчиси, бу кунги ишни эртага қолдирдим..."

Фурсатни ўтказмай қишнинг ўртасидаёқ салтанат кўшини Тўхтамишхон сари отланди. Тўхтамишхон Ясси шаҳридан ўтиб саҳро қўйнига чекинди. Соҳибқирон келаётганини эшитиб, Дашти Қипчоқ ичкарисига қараб жуфтакни ростлаб қолди. Хумоюн Ўрдудан, Умаршайх Мирзо ўз чериги билан душман кетидан борсин, деган

олий фармон бўлди, Соҳибқироннинг ўзи Оқсув<sup>78</sup> мавзеига қараб йўналди. Амирзода чериги Сарик Узан мавзеида душман қоровулига етганда ҳамма ҳар ёққа қочган, ёғий манзилида ҳеч ким йўқ эди...

Соҳибқирон Умаршайх Мирзоларнинг тил ҳам тута олмай қайтганларидан ранжиб турганди, Хуросондан келган хабар уни бадтар ғазаблантирди. Ҳожибек Жониқурбоний билан сарбадорлар яхши кенгашларга қулоқ солмай Калот ва Тус черикларини жам қилиб ёғийлик туғини баланд кўтарибдилар...

- Зудлик билан Хуросонга борсунлар, амирзодам! — буюрди Амир Темур Мироншоҳ Мирзога. — Фитналар ўтини дарҳол ўчирмак даркор!.. Зинҳор аланга олишига йўл қўймангиз! Шафқат қилинмасун! Шу лаҳзадаёқ йўлга чиқилсун!

Соҳибқирон душманларга нисбатан гапираётиб, биринчи марта "Шафқат қилинмасун!" деган сўзларни айтиб юборганига ҳайрон қолди. Демак, китоб ва тарозилар иш бермади, энди навбат темирга етди... Яна қиличга...

Амир Темур барини умумий вазиятни яна бир назардан ўтказиш ниятида эслаб ўтди. Соҳибқироннинг аччиқ-аччиқ гаплари қурултой аҳдини чуқур ўйларга толдирди. Амирлар ва нўёнлар ҳар ким ўз ичидан ўтганини ўзи билиб, индамай тинглардилар.

Ҳашка суйи шовуллаб оқарди.

Кейин эшитишича, ўшанда амирлару беклар даврасида ҳам шу ҳақда сўз кетган экан.

- Фикримча, - дебди залворли қилиб Шайх Нуриддин баҳодир. — Совутмасдан шартга Тўхтамишхон кейинидан от суришимиз керак...

- Буни ўйлаб кўриш лозим... — сўзга қўшилибди Амир Шоҳмалик, - ўйлаб кўриш керак...

- Нимасини ўйлайди?... — Шайх Нуриддин баҳодирнинг ғаши келгани билиниб қолибди. — Нимасини ўйлайди? Ашаддий душманми - йўқ қилиш керак, вассалом! Демак, бориш керак! Тез бориш керак!..

- Бориш керак, баҳодир! Фақат аввал Туғлуқ Темурхоннинг ўғли Хизр Хожа ўғлонни бартараф этиб, кейин бориш керак! — муносабат билдирибди босиқ Амир Шоҳмалик.

- Хизр Хожа ўғлон?... — Ясси бурнини жийирганча суҳбатдошига тикилибди Шайх Нуриддин баҳодир. — Эс-хушингиз жойидами, Амирим?... Тўхтамишхон ҳақида сўз кетяпти, адашмангиз! Хизр Хожа ўғлон эса Олмаликда.

Охири нима билан туташи номаълум бундай муноқашаларни ҳамиша ўз вақтида бартараф этиш тарафдори бўлган Амир Сайфиддин некўз, аралашимиз керак, шекилли, дегандай Муҳаммад Чуроға додхоҳга бир қараб қўйибди...

- Адашаётганим йўқ!.. Хизр Хожа ўғлон мўғул қавмининг хони, яқиндаги улуғ душманлардан бири... — кесатиқни сезмагандай давом этибди Амир Шоҳмалик. — Вазиятни англамак лозимдурки, идрок билан қаралса, ҳозир бу душманни бир ёқли қилиб, кейин Тўхтамишхонга борилса...

Шайх Нуриддин баҳодирнинг жаҳли чиқиб кетибди:

- Демак... сиз идрок билан қарадингиз... Биз эса қарамадик. Сиз вазиятни англадингиз, биз англамадик...

Амир Шоҳмалик Шайх Нуриддин баҳодирнинг доим унга қандайдир ғараз билан қараб юришини сезиб юрар экан. Унинг устига, бир жойда Амир одамлар ўртасида баҳодир билан мўғул қизи воқеасини кулиб-кулиб айтиб берган экан, буни эшитган Шайх Нуриддин дарғазаб бўлибди. Шундан бери баҳодир Амирни ўзига рақибу душман билиб, пайтини топиб орани очиқ қилиб олмоқчи бўлиб юрармиш.

- Ўйлаб кўриш керак, дедим холос...- катта-катта кўзларини тикиб хотиржам жавоб қилибди Амир Шоҳмалик...

- Демак, сиз ўйлаб кўрдингиз, биз эса ўйламадик... — қисик кўзлари бадтар қисилиб қарабди Шайх Нуриддин баҳодир... — Бизнинг ақлимиз йўқ, ўйламай иш қиламиз...

Худо биледи, баҳс нима билан тугарди экан, аммо шу палла Ҳумоюн Ҷрдудан олий фармон етибди:

"Барча черик жам этилсун!.. Баҳодур ва беклар Мўғулистонга отлансунлар, ҳар ерда мўғул қолғон бўлса, мусаххар айлаб қайтсунлар!.. "

Ҳамма Амир Шоҳмаликка қарабди! Шайх Нуриддин баҳодир эса ерга тикилганча қолибди...

...Ушанда Амир Темур Хизр Хожа ўғлон томонга қўшин жўнатишга қарор қилди. Бу тўғри қадам эди. Соҳибқирон қўшини эса душман лашкарини кўп ҳисоблаб танг аҳволда онт ичиб сулҳ тузишга мажбур бўлибдилар... Шу нохуш ҳодисани ўз бошларидан кечирган Амир Сулаймоншоҳ, Жаҳоншоҳ ибн Жоку ва Шайх Нуриддин баҳодирлар қаттиқ дашномда қолдилар.

Амирларининг тутумидан Соҳибқирон ғазаб отига минди! Ҳай-ҳайга ҳам қарамай, амиру баҳодирлар юзига тарсаки тортгандай, ўзи черик бошида Хизр Хожа ўғлон кейинидан тушди ва илғор юриб Самарқанддан икки ойлик йўл масофадаги Юлдуз<sup>79</sup> водийсигача от суриб борди. Мухолифларни саҳро ва тоғларда ҳам тинч қўймай додини бердилар. Сон-саноксиз молу қўй, тева-ю от, соҳибжамол қизлар ва хотинлар ўлжага тушди. Ҳумоюн Ҷрдудан, бари черикка улашиб чиқилсун, тақсим этилсун, деган фармон содир бўлди. Қўрқинчдан мўғулар қочиб қаён боришини билмас эдилар...

Мўғул қавмининг оти чиққан аъёнларидан Ҳожибекнинг ўн етти ёшли ҳурилиқо қизи Чўлпон Мулк оқани кўрсатганларида, замоннинг тескарилиги, душманлар кирдикори, амирлар ношудлигидан Соҳибқироннинг тошга айлана бошлаган кўнгли юмшаб, фавқулодда нур ингандай бўлди, кўзлари гўзал малакнинг ойдаи жамолидан ёришди... Ҳожибек мўғулнинг қизи, қиз эмас, бир балойи офат — парипайкар эди! Азал наққоши беармон сайқал берган бу дурри яктога қараганнинг, шубҳасиз, ҳайратдан ёқа тутмай иложи қолмасди. Нақшин олмадай юзлари нигоҳни ўзига тортиб олади, қийиқ кўзлари жозибали боқади. Самарқандга қайтгач, Соҳибқирон қизни ўз ақди никоҳига олди ва шабистонига маҳрам этди, юрт олдада дастурхон ёзди, ош берди. Бу қутлуғ издиҳомга куёви ўлиб тул қолган Султон Бахт бегим билан Амир Сулаймоншоҳнинг тўйлари уланиб кетди.

Сирасини айтганда, торинадиган ишлар юз бераётир-да... Бу қандай гап ўзи?... Тўхтамишхон силлиққина қўлдан чиқиб кетди. Энди бузғунчиликларини тағин давом этдиради. Хуросонда бўлса бошқа тескаричилар ҳамон ёмонлик ниятларидан кеча олмайдилар. Давлат бошига келганига салкам йигирма йил бўлаётир, наҳотки улкан жаҳоний салтанат қурмак, Аллоҳ буюрган бу салтанатда тинчлик, дорилмонлик пайдо қилмак, одамларни бахтли этмак ўрнига, ана бу амир фитнасини бартараф айлаш керак, мана бу бузғунчини қувиш зарур, қабилидаги майда-чуйда юмушлар билангина банд бўлиб юрaversа?... Меҳру шафқат, ҳиммат деб Хоразмда бўлганидай бир ишга беш марта уринишининг нима зарурати бор? Жетага-чи?... Жетага ҳам тўрт-беш бор юриш қилинди. На Қамариддинни тутди, на Анқо Тўрани! Ҳамон улар тоғлардаги эркин такадай тошдан тошга сакраб юришибди... Шундай ҳолнинг юз бергани учун Соҳибқирон ўзини ўзи кечиролмайди...

Мана яна қурултойга тўпланиб турилибди. Энди Дашти Қипчоққа Тўхтамишхон изидан бориш керак! Сабаби, Олтин Ҷрда хони билан орани очик қилмай туриб, ўз ниятларига эришмаги мушкуллиги аён бўлиб қолди... Тўхтамишхоннинг дўст бўлишига асло ишонч йўқ энди. Тамом! Олтин Ҷрдани эгаллаб, қувватини кесиш, катта шаҳарларини яқин-ўртада тикланмайдиган қилиб бузиш, харобага айлантириш, оқибатда Чингизхон сулоласининг сўнгги давлатини ер юзидан супуриб ташлаш даркор!.. Йўқ эса, Турон салтанатига тинчлик йўқ!.. Соҳибқирон бунни аниқ билади.

- Муҳтарам қурултой аҳли! — давом этди Амир Темур тизгинсиз хаёлларини бўлиб. — Халлоқи безаволга салламноки, зиммамизга юклағон ишини адо этмакка бел боғлағондурбиз... ҳақ таоло фақирга Қуръони каримни ўқумак ва фақир у мискин гамини емак, олам аҳдини



бахтли қилмақдан ўзга ташвишни юкламағондур. Бас, тутинғон ўғлимиз Тўхтамишхон оёғини адолат майдонидан четга қўйди, мардум унинг ёмон феълидан озурда... Кечиримлилик йўлидан борғондик... Ҳимматимиздан балад мартаба-ю олий мақомларга етишмиш эрди, ана энди кўрингизки, тарбият ҳаққини эсидан чиқариб нопок ишларга қўл урибдур. Уни бошимизда тутғон эрдик, бошини қаерга қўйишни билмай қолибдур... Гарданини совутиб қўйиш зарурати туғилмақда.

Шу палла борлиқ атрофда ажиб бир сукунат ҳукм сураб эдики, Муҳаммад Чуроға додхоҳ назарида, шабада ҳам елмас, тепада қушлар ҳам учмас, узоқдаги қорли тоғлар ҳам жим тинглар, осмон ҳам диққат билан қулоқ солар, ҳатто қурултой бошланишидан олдин шовуллаб оқиб турган Хашка суйи ҳам тўхтаб қолгандай сокин эди.

Мир Саййид Барака Амир Темурга шундай сўзларни айтиш бағоят оғир ва нохуш эканлигини тушунар, (ахир, Тўхтамишхон унинг тутинган ўғли!) айна пайтда, ичида уни қўллаб-қувватларди. Бундай қадамни аввалроқ ташлаш лозим эди!

Пири муршид шу палла Тўхтамиш ўғлонни илк бор Кўксаройда кўрганини эслади. Ушанда ёш меҳмонга боқаркан, беихтиёр кўнглига қандайдир ёқимсиз нарса сояси кириб қолгандай бўлганди. Кейин раҳматли Суюрғатмишхон ҳам оқ банот тўн кийган Соҳибқироннинг қора чакмонга ўралган Тўхтамиш ўғлон билан қучоқлашиб кўришганини, бу нарса унга худди Амир Темур қўйнига қора илон кириб олгандай туюлганини алам-ла айтиб берган эди... Ҳа-ҳа, қора илон эмас, аждаҳо! Юҳо демак мумкин!

- Бас, черик ҳам этилсун! Ҳар вилоятдин тумонот ва ҳазорихот беклари лашкарларини йиғсунлар! Ҳар бекнинг қўлида қанча навкар борлигини, неча кишини отлантира олишини муфассал<sup>10</sup> қилиш ва маълумотни бахшилару тавачиларга топшириш лозимлиги айтилсун! Агар бирон бек муфассал қилинган кишиларини черик куни ҳозир этмаса, гуноҳи ўз бўйида бўлиши уқтирилсун!.. Яқин фурсатда, иншоллоҳ, Дашти Қипчоқ сори мутаважжих бўлғоймиз!

- Мутаважжих бўлғоймиз!

- Мутаважжих бўлғоймиз!

- Мутаважжих бўлғоймиз!..

Ҳайқириқ овозлари борлиқни тутди... Ҳийқириқлар ичида элик-олтмиш қадамлар нарида қозиклардаги отларнинг кишнашлари ҳам эшитилиб қоларди.

Муҳаммад Чуроға додхоҳ қараса, Хашка суйи шовуллаб оқмоқда, қушлар тепада гужғон ўйнамоқда, тоғ тарафдан майин шабада эсмоқда, осмонда паға-паға оқ булутлар кезиб юрибди.

Қурултой тутагандан сўнг, амирлар ва баҳодирлар, барча вакиллар нималарнидир ўзаро муҳокама қилишар экан, аллақандай таважжухда дарё бўйида ёзилган башанг дастурхонга йўналдилар...

Уч ой Дашти Қипчоқ юришига тайёрланиш билан ўтди.

## II

Шу орада Соҳибқирон кўнглини эзган бир ҳодиса рўй берди.

Кўксарой сайисхонаси мирохури бир куни, Ҳумоюн Ўрдута келиб: "Амир Соҳибқиронга сўзи бор"лигини айтиб, киришга ижозат сўради.

- Амир Соҳибқирон, бир қошиқ қонимдан кечасиз... — деди таъзим бажо келтириб мирохур, у ўттиз бешлардаги боши катта, йирик одам эди. — Саҳар қарасам, дарвоза олдида... Хонўғлон турибди!..

- Хонўғлон?!..

Амир Сайфиддин некўз билан бўлажак савашилар ҳақида сўзлашишиб ўтирган Амир Темур чақмоқ чаққандай ялт этиб мирохурга қаради ва тахтдан туриб кетганини билмай қолди.

- Хонўғлон дейсанму?... Бўз тулпор?!.. Тўхтамишхондаги от?!.. Қаердан келибди?..

Мирохур яна таъзим қилди:

- Қочиб келибди, шекилли... Жуда абгор бўлғон. Соҳибқирон бошқа

ҳеч нарса сўрамади. У тезроқ суюкли отини кўришни истарди. Шу заҳотиеқ улар мирохурни олиб сайисхонага жўнадилар.

Сайисхона ҳовлисига кирганларида Соҳибқироннинг кўзи боши теракка қаратиб боғлаб қўйилган Хонўғлонга тушди-ю вужуди титраб кетди. Воҳ-воҳ!.. Бир пайтдаги гижинглаган тулпордан асар ҳам йўқ... Рўпарада азоб-уқубатларда қаровсиз қолган, ориқлаб кетган, қобиргалари туртиб чиққан бошқа бир от турарди... Чап биқинида аллақандай йиртқичнинг чуқур ботган тиш излари ҳали битмаган, ўнг оёғи тиззасида каттагина жароҳат кўринади. Бошини ерга экканча, худди қарашга ботинмагандай алпозда турган от бирдан Соҳибқирон нафасини сездими, шарт қайрилди! Амир Темурнинг бағри узилгандай бўлди: Хонўғлоннинг бир кўзи ... йўқ эди!

- Бечора жонивор!.. Бечора жонивор!.. — деёлди холос Амир Темур...

Хонўғлон Довдирсойдан қочганча чўлу маликлардан ўтиб, адирлар ошиб, ўр-қир кезиб Самарқандга қандай етиб келганини Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмасди. Ақлли от пана-пастқам йўлларни танлаб келган бўлса керак, албатта. Йўлларда адашгандир.. Кимдир, бир бўз отнинг Самарқанддан беш фарсах масофадаги Қангли қишлоғига яқин ерда итлар орасида қолганини кўрганмиш, дейишди. От итлар ҳалқасини ёриб чиқиб кетганмиш. Уша, Хонўғлонми ёки бошқа отми, буни айтиш қийин. Ҳарқалай, тулпор олдинги оёғидан қаттиқ ярадор бўлганди. Тўхтамишхон урган қамчи зарби шунчалар кучли эдики, йўлдаёқ Хонўғлоннинг чап кўзи оқиб тушди...

Соҳибқирон бориб сеvimли отини силай бошлади. Силар экан, кўзларига тўлиб ёш келди. Отни бўйнидан қучоқлаганча қаттиқ бағрига босди... Беихтиёр ўзини гуноҳкор сезди. Хонўғлонни, тил-забонсиз бегуноҳ махлуқни шу кўйларга солган Тўхтамишхон эмас, балки Амир Темурнинг ўзидир? Агар ўшанда меҳри ортиб уни тутинган ўғлига туҳфа этиб юбормаганда, шундай ҳол юз бермаган бўлармиди..

Ҳа, Соҳибқирон ота-боболар удумини унутди. Ахир, турклар ҳеч қачон миғиб турган отини бировга бермайдилар-ку! Отнинг эғари — салтанатнинг тож-тахти. Лекин подшолар ўртасида мана шундоқ совға-саломлар бериш, ҳадялар қилиш русуми бор. Чунончи, Аббосий халифалардан бири Султон Жалолиддин Хоразмшоҳга ҳадялар йўллар экан, эгар-жабдуҳлари олтиндан, туёқларига қиммати юз динор келарлик ҳалқачалар осилган учқур отни ҳам қўшиб юборганди.

Эҳ, шўрлик тулпор!.. Шўрлик тулпор!.. Шундай бўлишини билганида... билганида... Энди пушаймондан не фойда...

Соҳибқирон ҳамisha отлар ҳақидаги қиссалар эшитганини ёқтирарди. Мавлоно Убайддан кўп ривоятлар тинглаган. Муҳаммад алайҳиссаломни Меърожга олиб чиққан, жаннатдан келтирилган, "кўзи еттан жойга оёқ қўя оладиган, илдам" Буроқ деган афсонавий оқ от борасида нақллар бисёр... Искандар Зулқарнайннинг Буцифол номли дулдули ҳам жуда садоқатли бўлган экан. Искандар Ҳиндистон юришидан қайтаётиб, жанг-жадалларда дўсту ҳамроҳ бўлган асов дўнон отининг суюқларини кўриб кетишни истабди. Дулдул ўлган ерга келиб, унинг бош суягини топтириб қучоқлаб олиб ийлаган экан... Султон Жалолиддиннинг учқурқанот Самани эса уни Чингизхон аскарларига тутқизмай Синд дарёсидан елдай олиб ўтиб кетибди...

Амир Сайфиддин некўз оҳиста ер тепинаётган Хонўғлоннинг омон қолган ўнг кўзидан ёш томчилари оқаётганини кўрди. Тулпор йиғларди...

Хонўғлон қандай қилиб қочиб келди, нимага қочиб келди, қаердан қочиб келди — Соҳибқирон чунон уринмасин, бу саволлар жавобсиз қолди. Икки кундан кейин мирохур "бир қошиқ қондан кечишини сўраб", вафлатда қолганини, эрталаб турса, Хонўғлоннинг ўлиб ётганини айтиб берди... ҳеч ким билмабди. Узоқ йўл юриб ҳориб-чарчаган тулпор азобларга дош беролмаган кўринади... Амир Темур қаттиқ изтиробда қолди. Ҳали ҳануз тулпори Тўхтамишхонда бўлса ҳам қандайдир ўзида тургандек ҳис қилар, кўнгли тўқ юрарди. У сеvimли отини Чўпонотанинг этагидаги кичик бир тепаликка кўмишларини буюрди...

Куз охирларида, Амир Темур қўшини юришга отланган чоршанба куни пойтахт кўчалари одамлар билан гавжум бўлди. Бир кун олдин

салтанат жарчилари, бутун маҳаллаю гузарларда эртага Соҳибқирони комкор Абулмансур Амир Темур Кўрагон жаноби олийлари Дашти Қипчоққа жўнаётганларини эълон қилдилар. Кўксарой олдидан то Боғи Баландгача Тошкент йўли атрофлари авомуннос, кекса-ёш, хотин-халаж, навкарларга ҳавас билан қараётган бола-бақраларга тўлиб кетди. Улар орасида таъяхона бошлиғи паҳлавон сифат Уста Шунқор, Эсон бувалар кўринарди. Аскиячилар Ориқ билан Паканаларнинг атрофида эса кулгу овозлари эшитиларди. Барча салтанат қўшинини оқ йўл тилаб кузатишга чиққанди.

Икки бола бир-бири билан шундай суҳбатлашишарди:

- Вуй!.. — дерди бири. - Анови навкарнинг миниб олган отини қара! Зўр экан-а!..

- Зўр-да!

- Катта бўлсам, мен ҳам навкар бўламан! Ана шундай от минаман!..

- Аскар бўлармиш! Шилпиқсан-ку!.. — деди иккинчиси... - Шилпиқларни олишмайди...

- Нима-а?.. — хезланди биринчи бола...

Атрофдан, ўнгу сўлдан олқишлар янграр, уларга яна бошқалари кўшиларди:

- Оқ йўл, Амир Соҳибқирон!..

-Ой бориб омон келинлар!..

-Худо ўз паноҳида асрасун!..

- Асрасу-у-ун!..

Сафар узоқ эди, даставвал маҳобатли сафга айланган отлик аскарлар жўнаб кетдилар, кейинидан улкан масофани эгаллаган пийдалар оқими пайдо бўлди. Боварчилар<sup>81</sup>, оризлар<sup>82</sup>, сартарошлар, уролсозлар, камонсозлар, оҳангарлар, дурадгорлар, йўлсозлар, арнайчилар, бурғучилар, хуллас, уруш деган ҳаёт-мамот саҳнасида зарур бўлган ҳоказо касб эгалари ҳам бу сафда бор эдилар. Кўчани тўлдириб гуррас-гуррас бораётган сафнинг суръатида дунёларни титратгувчи суронлар яшриниб ётар эди.

Қўшин охирида катта уғруқ йўлга чиқди. Сароймулкхонимдан то кичик малика Чўлпон Мулк оқагача хонимлар бари жам бўлишган, изма-из эса аскарларнинг оилалари борардилар... Уғруқнинг энг охиридаги совутларга ўралган дубулғалар кийиб олган тўққиз соқчи қораси Чўпонота тепалиғи ортидан кўринмай кетганда вақт асрга бориб қолганди.

Тошкент Соҳибқиронни худди йўлига оқ поёндоз солгандай оппоқ қор чойшабига бурканган ҳолда кутиб олди. Чилла кириб қолган, замҳарир қиш салтанати борлиқда ўз шукуҳини намойиш қилади.

Соҳибқирон Самарқанд дарбоза кўчасидаги ҳоким қароргоҳида тўхтади. Икки ошёнали уйнинг ҳашаматли меҳмонхонасига жойлашган Амир Темур, черикка Қаросмон мавзеига борилсун ва ўша ерда тегишли фармонни кутилсун, дея тайинлади. Ҳарам аҳли ҳайҳотдай ҳовли этагидаги қатор уйларга йўналди.

Кутилмаганда Соҳибқирон ўзини нохуш сеза бошлади. Қачонлардир Сеистондаги жанглардан бирида ўнг оёғига ва ўнг қўлига ўқ тегиб ярадор бўлгандан бери, гарчи жароҳатлар битиб суяк суриб кетган эса-да, вақти-вақти билан сирқираб оғриб туради. Аммо парво қилмайди... Тездан собиқ хос табиб Номозхўжа Шошийни чақиртирдилар. У шаҳарнинг Кўкча даҳасида турар экан. Машҳур табиб беш йил олдин кексалик палласига кирганини, умрининг қолганини бола-чақалар, қариндош-уруғлар олдида ўтказиш истаги борлигини айтиб, минг истиҳола билан Соҳибқирондан кетишга ижозат сўраганди...

Хўжандда, Шайх Маслаҳат мазорини тавоф этишга борганларида, - мазор ҳам бир тепалиқда жойлашган экан, - чамаси, тоғ томондан эсган қишнинг совуқ изғирин шамолида Соҳибқирондан совуқ ўтиб қолди. Йўлда билинмади-ю, Тошкентга қайтгач, ўша ушук заҳмати сезила бошлади. Ҳар қанча ипак кўрпаларга ўраб қўйсалар ҳам: "Яна кўрпа ташлангиз! Совқотиб кетяпмен!..", дер, бутун аъзои бадани дир-дир қалтирарди. Бошидан оёғигача ҳеч исимаиди. "Ушук ебдилар-да.

Ушук ўтибди... Парвардигор шифосини берсун! Шифосини берсун!.. дейишарди атрофда парвона бўлиб куймаланиб юрган табиблар... Ташқарида гупиллаб қор ёғарди.

Дори-дармонлар ҳарқалай фойда берди. Соҳибқирон саҳарга борганда сал жони ором олди, шекилли, мизғигандай бўлди. Аслида дардинг зўридан бемор дармонсизланган, қўла-оёғини қимирлата олмасди. Бесаранжому безовта бўлган ҳарам маликаларидан тортиб фарзандлар, амиру баҳодирларгача барча: "Хайрият!.. Дард кетди! Дард кетди!.." деб турган эдилар, янги ташвиш чиқди. Кечга бориб, Соҳибқирон тагин бетоқат бўла бошлади. "Исиб кетаяпмен!.. Исиб кетаяпмен!.." дер эди, энди бемор устидаги кўрпаларни отиб ташларкан. Намозхўжа Шоший Соҳибқироннинг кенг пешонасига қўлини қўйганди, худди қизиб турган тамирни ушлагандай бўлди! "Епирай! Астафурилло!..", деди ҳайратда, ҳарорат бағоят юқори эди.

Уч кеча-уч кундуз беморнинг аҳволи ўзгармади. Бедаво иситма уни қаттиқ исканжасига олган, ўзини билмай ётарди. Табиатан дардга оғир Соҳибқирон иситманинг зўридан "Оҳ!.." деб юборар, алаҳсирар, ухлаб-ухламаганини ҳам билмасди. Турфа хил ўйлар уни қамраб келар, на уларни идрок қилишга қувват бор эди унда, на ўзидан нарига ҳайдашга... Гоҳида кўзи илиниб, рўёлар уммонига тушиб қоларди. Лекин тушини ҳеч туш деб ўйламас, кўраётганида улар рўйи рост ҳақиқат бўлиб туюларди...

Бирдан ўлим ҳақидаги фикрлар Амир Темур миясини чулғаб олди. Вафот этса... салтанатини ким бошқаради? Жаҳонгир Мирзо оламдан ўтиб кетди... Увиллардан қай бири энди валиаҳдликка муносиб, қай бирига салтанатни ишониб топширади?.. Қай бирига?..

Шундай деб турганда, тушига расулиллоҳ кирибдилар. Аммо ердами кўқдами, боғдами, тоғдами эсида йўқ эмиш. Расулиллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: "Етмиш авлодинг подшолик қиладур, хотиржам бўл!" дебдилар. Дебдилару ғойиб бўлибдилар. Ногаҳон улкан дарахт кўринганмиш. Йирик-йирик япроқлари қуюқ соя ташлармиш, шохлари орасида ҳар хил қушлар чирқиллашиб яйрашармиш, ҳашоратлар ўрмалашармиш, бари дарахт меваларидан нафланармиш... Лекин меваларнинг айримлари ширин, ўзгалари нордон эмиш. Ўзи ҳам татиб кўрганмиш... Шунда қайдандир ғойибдан сирли овоз эшитилибди:

"Эй Соҳибқирон! Дарахт сенинг ўзингдир, шох ва барглари — авлодларинг бўладир. Меваларидан еган қуш ва ҳашоратлар эса неъматингдан баҳраманд бўлаётган халқлардир..."

Кейин туш ўзгариб кетибди... Тушида бепоён саҳро эмиш. Соҳибқирон атрофини ваҳшатли жинлару алавастилар, қобону бўрилар, бадбашара эркаклару аёллар, қушлару курт-қумирсқалар ураб олган эмиш. Кейин икки йил аввал оламдан ўтган пири комил Шайх Зайниддин Абубақр Тойбодий пайдо бўлиб қолганмиш... Шайх ўлмаган эмиш. Соҳибқирон дарҳол кўрган тушининг таъбирини сўрабди: "Тушларида аён бўлган даҳшатли махлуқлар — дебди пири комил, — қилган ёзуғларидур. Узукка боқиб турсунлар... Тезда тавба, тазарру қилиб гуноҳларини ювсунлар!.."

Ниҳоят иситма йўқолди, аммо яна ушук егандай буткул аъзон баданини қалтироқ тутди. Бир ҳафталардан кейин Соҳибқирон ўзига келгандай бўлди, аммо энди бир пайт жароҳатланган вақти-вақти билан оғриб турадиган ўнг оёғи билан ўнг қўли безовта қила бошлади. Энг даҳшатлиси, беморда ҳол йўқ дармонсизликдан қўлини ҳам кўтара олмас даражада эди. "Шунчалар дард берганингга шукр!.." дея пичирларди Амир Темур мажолсиз шифтга қараб ётаркан.

Шу орада Самарқанддан Мир Саййид Барака етиб келди. Пири муршид муриди, балки мурид эмас, муҳибни, шавкатли баҳодир Абулмансур Амир Темурни ожизу нотавон кўриб ҳеч кўзларига ишонмади. Соҳибқирон озиб қолган, ранглари ҳам заъфарон тусда эди...

- Аллоҳ суйган бандасига дард берадур, Амир Соҳибқирон! — деди Мир Саййид Барака оҳиста беморнинг манглайига қўла қўяр экан. - Зинҳор кўнгилларини чўқтирмасунлар! Дардини берган шифосини ҳам берадир, иншооллоҳ!

Тагин ташқарида ўн беш кун аввал бўлгандек гупиллаб қор ёғар эди.

...Соҳибқирон қирқ кун деганда беклару уламо, фозилу фузалолар дуолари, маликаларнинг илтижолари мустажоб бўлиб оёққа турди. Кечагина қоронғу ва тор кўринган олам яна ёришиб кенгайиб кетгандай туюлди. Ҳа, Аллоҳ тагин бир синовидан ўтказди. Рубъи маскунга ларза солиб турган қудратли подшоҳга бандаси нечоғлик ожизлигини, бу дунёнинг эса фоний эканлигини яна бир бор эслатиб қўйди-да... Буни англаб етмак керак.

Соҳибқирон Туркистонда донғи чиққан Зангиота авлиёни худди мана шу Самарқанд дарбоза кўчасида туғилган, деб эшитган эди. Узи араб наслидан, қоралигидан занги номи билан танилиб кетган, машҳур шайх Арслонбобнинг эвараси ҳисобланади. Ҳазрати Султон Хожа Аҳмад Яссавий қуддиси сирруҳунинг халифаси Ҳаким отага шогирд тушган.

Соҳибқирон Зангиотанинг олийҳиммат инсон бўлганидан Тошкент аҳли "Зангибобо ҳимматий" деб ҳурматлашларидан ҳам хабардор эди. Подачилик қилиб, ҳалол ризқ топиб кун кечирган авлиё шаҳарнинг кунботиш тарафидан чек олиб бор-роғга айлантирибди. Зангиота қишлоғи ана шундай пайдо бўлибди...

Дардан фориф бўлиб, қувватга кира бошлаган Амир Темур Халлоқи безаволга салламнолар айтиб, мазкур қишлоққа борди ва авлиё қабрини зиёрат эди. Мир Саййид Барака қироат билан Куръон туширди, Соҳибқирон етим-есир, бева-бечораларга ўн минг кепаккий олтин хайру садақалар улашди.

- Авлиё мозори бошида мақбара қурилсин! — буюрди Соҳибқирон Тошкент ҳокимига. — Қабр ёнида зиёратхона ва бошқа лозим хоналар бунёд этилсун! Эл-улуснинг суюб зиёрат этадиган маскани обод этилса бемисл савоб бўлур!.. Гуноҳкор бандамиз, зора бизларга ҳам савобнинг бир учи тегиб қолса...

- Бешак-шубҳа, Амир Соҳибқирон! Тегадир, албатта, тегадир!.. — мамнун деди пири муршид...

- Биби, ана бу кўрнамак Тўхтамишхон сорига боришимиз шартдур.. Салтанат вазияти ва талаби шуни тақозо этадур...- деди Амир Темур шаҳарга қайтишгач. У Зангиота зиёратидан сўнг руҳан ўзини енгил ҳис қила бошлади.

Улар меҳмонхонада ёлғиз эдилар.

- Бошлари тошдан бўлсун, илоҳо!.. Бир жонларини минг ўтларга урмоқдалар, Амир Соҳибқирон! — одатдагидек оҳиста сўзланди Сароймулкхоним, Амир Темурнинг ногирон оёғини уқалар экан. — Аллоҳ ўз паноҳида асрасун!

Маҳди улёнинг мулоим қўлларидан Соҳибқироннинг жони ором олар эди.

Тарих ҳижрий етти юз тўқсон учда<sup>83</sup>, сафар ойининг ўн иккиси эди, Соҳибқирон от бошини Тўхтамишхон сари бурди. Черик яхши қуролланган, лашкар аҳли сийланган эди. Кўплар йўрға отларга эга бўлдилар, зардўзи чопонлар кийдилар, ҳамёнлар ҳам динору дирҳамларга тўлди. Кўнгиллар тўқ эди. Амирзода Пирмуҳаммад Жаҳонгир билан Шохруҳ Мирзони мамлакатни идора этишга қолдирар экан, кичик малика Чўлпон Мулк оқадан бошқа барча бегим ва хонимларни Самарқандга қайтишларини буюрди.

...Қаросмонда Тўхтамишхондан элчилар келганлигини маълум қилганларида Соҳибқирон ажабланмади. Эртами-кечми шундай ҳол юз беришини биларди. Бу Олтин Ўрда хонининг муҳолифат эълон қилгандан сўнг илк бор расмий элчи юбориши эди. Тўхтамишхон тўққиз от ва бир шунқор туҳфа этганди. Элчилар бошлиғи одоб билан ер ўпиш вазифасини адо этди-да, таъзим бажо келтириб, нўёнлар кузатувида ҳоқоннинг узр-маъзурларга тўла арзадоштини бундай баён қилди:

- ...Тўхтамишхон ҳазратлари дедиларки, Амир Соҳибқирон билан ота-ўғил мақомидадурбиз. Валинеъматнинг ҳимматларига шукроналар келтурсак, ойлар-йиллар етмас... Аммо, бизга билдиришмай, бир неча

ёмон бадбахту бахтиқаролар адабсизлиқлар кўргизубдурларки, гафлатда қолибдурбиз... Уларга жазо бердук. Ўғлим асло муҳолифатга борибдур, деб ўйламасунлар! Валинеъмат лутфу карам айлаб гофил ўғилларининг гуноҳларидан ўтсунлар. Ахир, валинеъмат отамиз бўлулар!

Амир Темур эшитар экан, қўли иягига чўзилганди. Мир Саййид Барака синчков кузатиб, вазиятни яхшироқ тушунишга тиришарди. Пири муршид Самарқанддаёқ сафарга бирга жўнамоқчийди, бироқ Соҳибқирон ундан мамлакатда қолиб вазиятга кўз-қулоқ бўлиб туришни ўтинди. Тошкентга келгач, беморлиқдан эндигина турган Соҳибқиронни сафарга ёлғиз жўнатгиси келмади, сирасини айтганда, ўзи ҳам бу ёқда қадрдони, дўстини соғиниб қолади. Майли, иссиқда ҳам, совуқда ҳам бирга бўлсинлар, вақт – ғанимат, ахир.

Барча беку амирлар, амирзодалар, Соҳибқирон элчига не дер эканлар, дегандай зимдан кузатиб турардилар. Уларнинг ичида, сафарнинг қолдирилишини истаганлар ҳам йўқ эмасди. Жўжи бекзодалари Кутлуғ Темур ўғлон, Кунчи ўғлон билан Амир Идикуларнинг, айниқса, қулоқлари динг эди.

Амир Темур тасаввурда баланд бўйли, дуркун, юзлари тиниқ Тўхтамишхон пайдо бўлди: ёрқин кўзлари масхара аралаш иржайиб турар, ёқимсизроқ ингичка овози эшитилганга ҳам ўхшаб кетди. "Айёру маккор подшоҳзода! – ўйлади Соҳибқирон. – Шундай деб бизнинг кўнглимизни хотиржам этмоқчи. Ўзи эса ниятидан қайтмоқчи эмас, пайтдан фойдаланиб кўшин йиғиб кучайиб олмоқчи, холос... Яна алдаб кетмоқчи..."

- Тўхтамишхон душманларидан яхшигина мушт еб, калтак еб, қочарга жой тополмай келганида иссиқ бағримиздан жой бердик, отадай сийладик.. – босиқ бошласа-да, Амир Темурнинг қаттиқ жаҳли чиққани билиниб турарди.. – Шуни деб Урусхондай қудратли подшоҳга муҳолиф бўлиб чиқдим. Яроқ бердим, черик тортидим, Жўжихон улусига подшо қилдум... Агарчи Аллоҳ уни сийлади, аммо сабабчи мен эрдим... Оқибатни кўрингим, йўғимизда юртга бостириб қирбди! Кўп жойларни хароб этибди!.. Келиб тавба ҳам қилмади... Феъли бузуқ кишиларнинг фасодидан қутула олмаганнинг ҳоли войдур! Яна кенглик қилсам, қўрқаменким, худонинг ғазабини келтирамен! Энди ўзига ҳам, сузига ҳам эътимодимиз қолмади!.. Ислоом подшоси Султон Маҳмудхон фармони билан ул бадбахтга қарши йўлга чиқилди!.. Орта қайтмасбиз! Кўрайлик, худойи таоло кимга нусрат бергай!..

Амир Темурнинг сўзлари залворли жаранглади.

## Йигирма учинчи боб

### I

Ҳижрий 793<sup>84</sup> йил рабиул аввал охири пайшанба кунида Амир Темур кўшини Сарик Ўзан мавзеига кириб борди, отларни ўша ердаги дарёдан суғордилар. Бир ойдан бери дашти биёбонда юрганларидан сувсизлик кўп отларни нобуд қилди. Ташналик кучайиб борарди. Қўшинда танглик юз бера бошлади.

Амир Темур ҳайрон қолди, сафарга чиқмасдан аввал бу жойлар ўр-чақири, кўл-кўлоби, йўл-сўқмоғи яхши ўрганилмаган эканлигини кўрди. Демак, унга берилган маълумотлар унчалар тўғри эмас... Юришнинг, сафарнинг ҳам ўз расамадалари, қоидалари бор, амал қилинмаса кейин панд беради... Салтанат тузуги бўйича, уруш майдонини танлашда тўрт нарсага диққат қаратилади: энг аввало, у ернинг суви муҳим, кейин аскар сақлайдиган ер, яна кўшиннинг душман лашкари турган ердан тепароқда жойлашиши ва майдоннинг олди очик, кенг, баралла кўринадиган бўлиши керак...

Вазиятни кўрган айрим амирлар, Амир Темурга ортга қайтиш ҳақида шама ҳам қила бошладилар. Аммо Соҳибқирон ўз аҳдида қатъий эди. У, аксинча, душман томонга янги чопарлар юбориб, йўл шароитларини яхшироқ билиб келишларини тайинлади.

Бирдан қаттиқ сел келди ва дарёда сув кўпайиб кетди. Кечув ер қидирилиб топилгунча, маълум муддат кўчмасликка қарор қилинди.

Шимол томонга қараб кўзволганларида ғажарчилик қилиб бораётган Амир Идиқунинг Қулинчоқ пакана деган одами Тўхтамишхон тарафга қочиб ўтиб кетгани маълум бўлди. Қулинчоқ кўзлари кичик, қошлари қуюқ, пакана бир одам эди. Бундан биринчи бўлиб Амир Идиқунинг ўзи огоҳ бўлди ва дарҳол ёнига икки навкарни олиб ортидан қувиб кетди, аммо ета олмади. "Кўзи кичик бўлса ҳам узоқни кўради, даюс... - деди Амир Идиқу от бошини ортга бурар экан, ёнидагиларга заҳарханда аралаш. - қочиб кетибди, лаънати пакана!... Бундайларга ҳеч ишониб бўлмайди... Тутганимда борми, қийма-қийма қилардим!.."

Даштга чиқдилару бошларига яна сувсизлик балоси ёпирилди. Навкарлар онда-сонда ёғиб ўтган ёмғирларнинг чуқурларда тўпланиб қолган сувларини топиб ичишар, бир қултум-ярим қултум билан қаноатланардилар.

Йигирма кун деганда Кичик тоғдан ўтдилар. Олдинда яна бир тоғ кўринди. Уни Улутов<sup>85</sup> дердилар. Агар шу икки тоғни демаса, бу ерларда олам дашти биёбондан иборат экан-да, деб ўйлаш мумкин эди. Қўшин тўхтади.

Амир Темур тоғ тепасига чиқиб атрофга назар солди. Борлиқ олам кўмкўк майсаларга ўраниб борарди. Шундагина Соҳибқирон баҳор келганини билди. Бу учи кети йўқ саҳрода юраверасан, юраверасан, баъзан кун нима, чошгоҳ нима, оқшом нима, билмайсан. Қайси тарафга бораётганинг ҳам номаълумдек... Офтоб жамолини кам кўрсатади. Устига устак, неча кунлаб давом этадиган қўнғир салқин кулранг ҳаво юракларни сиқади.

Ана, жануб томонда олисда, жуда олисларда, гарчи кўринмаса-да, унинг юрти Мовароуннаҳр, Самарқанд, Туронзамин ястаниб ётганини ҳис этади. Ногаҳонда Соҳибқирон ҳукм қилди:

- Черикка буюрингизким, барча тош келтурсун! Бир нишона қилайлукким, биздан ёдгор қолгай!

Чор атрофдан: "Ёдгор қолгай!..", "Ёдгор қолгай!.." "Урҳо-ур!.." садолари янгради.

Икки юз мингга яқин навкарлар, амирлару баҳодирлар бари тош теришга тушдилар. Тезда ғаройиб минора қурилиши бошланиб кетди. Амир Темур юздан ортиқ киши топиб юмалатиб келган улкан харсангтошга диққатни қаратди.

Сўнг Мавлоно Убайдга қандайдир сўзларни ёздирди-да, деди:

- Она тилимизда тошга нақш этилсун! Токи бу тарих авлодларга қолгай!

Тошгарош бир неча кунда ушбу сўзларни харсангтошга ўйиб чиқди:

"Тарих етти юз тўқсон учда, қўй йил, қўкламнинг ора ойида Туроннинг султони Темурбек икки юз минг қўшин билан ислом учун Тўхтамишхон хонлигига юрди. Бу ерга етиб, белги бўлсин деб ушбу битигтошни ёздирди. Тангри нусрат бергай, иншоолмо. Тангри фуқарога раҳм қилгай, (фуқаро) бизни дуо бирла ёд қилгай..."<sup>86</sup>

Амирлару баҳодирлар, навкарлар ёприлиб келишиб тошдаги хатни пичирлашиб ўқий бошлашди. Ҳар киши ўша "икки юз минг" деган саноқда ўзининг ҳам бор эканлигини, пайтлар келиб Соҳибқирон қатори уни ҳам авлодлар ёд этажagini ички шуур билан англаб етар ва кўнгли тоғдай кўтарилиб ортга чекинарди. Амир Темур барини кузатиб ичида қувониб қўярди.

Тўрт ойдан бери одам юрса оёғи, қуш учса қаноти қуядиган чўли биёбонда кетиб борардилар. Аммо ҳали душманнинг қораси кўринмасди, на йўларда ёвдан бир из бор, на бир хабар...

## II

Тўхтамишхон оҳиста шимолга қараб чекинар экан, ҳали ҳам кўнглининг бир четида Амир Темурга илтижолар билан юборган элчиларига умид боғлаб турарди. Соҳибқирон албатта кечиради, кечиримли одам, чунки Тўхтамишхон, тутинган ўғли умрида биринчи

марга узр сўраб киши юборяпти... Аммо хийла вақт бўлди, элчилардан ҳам, Амир Темур кўшини ичидаги "қулоқ"ларидан ҳам дарак йўқ. Шундай мужмал вазиятда бирдан Тармочуқ Амир Идикунинг одами келиб қолганини билдирди-ю, жонига оро кирди. Бу Қулинчоқ пакана эди.

- Сўзла! Амир Темур ҳозир қаерда?.. Элчилар қайтмади-ку? Уларни кўрдингму?.. Нима бўлди?.. Нега қайтишмади?.. — дабдурустан саволларга кўмиб ташлади ҳалиги одамни Тўхтамишхон. Ерқин кўзлари пакананинг кичик кўзларига қаттиқ қадалган эди..

- Ҳоқон ҳазратлари! — деди ер ўлиб Қулинчоқ пакана ортига уч қадам чекинар экан. — қочган пайтимда Амир Темур кўшини Сарик Узанда турганди. Юборган элчиларингизни Амир Темур қайта жўнатмади. У сиздан қаттиқ назабда... Кўшини ҳам катта, тумонот, нақ икки юз минг ботир лашкари бор, дейсиз...

- Икки юз минг, дейсанму?.. — Сўнг жавоб ҳам кутмай давом этди: - Манғит нима қилмоқда?..

- Идику жаноблари, сен бориб ҳоқон ҳазратларига аҳволни тушунтир, ўзлари вазирчиликни қўлга олганлар, де, дедилар... Билинтийрмай жуда қийин ва узоқ йўлдан бошлаб бораяпмен... Атай булоқ, дарё, кўлларни четлаб ўтамен, сувсиз ерлардан юрамен. Токи, ҳоқон ҳазратлари аскар тўплаб олишлари учун вақт бўлсин... Мақсадим, то жангга киргунча Амир Темур кўшини ҳориб-чарчаб адои тамом бўлсун, деб юбордилар..

- Ўзини эҳтиёт қилсун!.. Яна нима гапинг бор?

- Очарчиликдан гапир! — эсига солди Тармочуқ.. — Озиқ йўқлигидан қийналишяпти дединг-ку?.. Ўшалардан сўйласанг бўмайми?..

- ...Ҳа-ҳа, Темур лашкари сувсизликдан азоб тортяпти... Аскарлар кўлмак ва балчиқ сувларни ичиб жон сақлашмоқда.. Егани нарса йўқ... Бир кўйнинг боши бозорда юз олтин кепак... Ўшайм топилмайди. Одамлар кўкатларни, қушларнинг тухумларини топиб еб юришибди. Еганлари оби ёвгон... Лашкарда очарчилик, қаҳатчилик бошланган..

Қулинчоқ пакана худди ишни қойиллатиб кўйгандай ёқимсиз илжайди.

- Ҳалиги аскарлар бир-бири билан уришди, дединг-ку, нон талашибма-а?.. — эслатди Тармочуқ.. У бу гаплар ҳоқонга ёқишини жуда яхши биларди.

- Ҳа-ҳа... Иннакейин, ҳамма оч, бир-бирининг гўштини ейман, дейди... Ҳатто бир неча аскарнинг овқат талашиб бир-бирларига қилич ўқталганларини ўз кўзим билан кўрдим, ҳоқон ҳазратлари... Очликдан барининг силласи қуриган.

Тўхтамишхоннинг кўзларида ўт чақнади! Ҳа, унинг ўйлаганлари тўғри бўлиб чиқмоқда. Амир Темур кўшини билан жанг қилгандан кўра, мана шундоқ чекиниб, ҳоритмоқ маъқул. Ҳориб-чарчасин, тинкаси қуриб, қилич кўтаришга ҳам ҳоли келмай қолсин! Очлигу сувсизликдан ҳаммаси ўлиб-йитсин! Керак бўлса, Тўхтамишхон то дунёнинг тубигача чекинишга ҳам тайёр! Чекиниб бораверади! Соҳибқирон лашкари қанчалар ўз юртидан узоқлашса, кўмаксиз қолса, танг аҳволга тушса, Тўхтамишхоннинг зафари шунча яқин бўлади..

Амир Темур кўшида қаҳатчилик бошланишининг олдини олиш мақсадида буюрди:

- Туман бекалари, қўшун амирлари кўмач ва бугра<sup>87</sup> пиширишдан тийилсунлар! Ҳамир овқатлар қилинмасун! Бошбалмоқ кўкати<sup>88</sup> ва паррандалар тухумларидан нафлансунлар!.. Нон урни тежаб ёпилсун! Ун махсус мучалко<sup>89</sup> орқали берилсун!..

Эрталаб баковул: "Ўзларига қандай таом тайёрлатай, Амир Соҳибқирон?.. Яқинда беморликдан оёққа турдилар, ахир..." — деб сўраб кирган эди, "Лашкар таомидан таъминланурмен!", деган жавобни олди. Сўраганига пушаймон бўлган баковул тезда ортага чекинди. Шундай бўлишини биларди, чунки Амир Темур сафарларда ҳамиша ўзини амирлару навкарлар билан тенг кўрарди; лашкар нимани татиса унинг ҳам насибаси шу бўлар, навкарлар билан бирга ўлтириб тановул



қилар, зинҳор ўзини юқори қўймас, имтиёз талаб қилмасди. Яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам доим лашкар ёнида эди. Шу сабабдан Соҳибқиронни яхши кўришар, ўтга деса ўтга, сувга деса сувга киришар, жон фидо қилишга тайёр туришарди.

Бу гап тезда бутун лашкарга ёйилди. Барча Соҳибқироннинг инсофу адолатига яна тан берди. Навкарлару баҳодирлар дилларида фахру ифтихор ҳиссини туйдилар.

Қўшин қийинчилик билан олға силжиб борарди.

Орадан бир неча кун ўтди.

Пешин намозидан кейин шоҳчодирда Соҳибқирон пири муршид икковлон одатдагидек ҳамма қатори бошбалмоқ оби ёвфонидан тановул айлаб ўлтирар эдилар.

"Еткизганингга шукр!..", - деб қўяр эди пири муршид косадаги овқатдан хўплар экан.

"Берган неъматингга шукр!..", - қўшиларди Соҳибқирон...

Шу палла амирзода Муҳаммад Султон таъзим билан кириб келди...

- Ассалому алейкум!

Пири муршид амирзоданинг манглайдан ўпиб елкасига уриб-уриб қўйди:

- Аҳсанта, эй шери мард! Катта йигит бўлингиз, илоҳо!

- Келингиз, амирзодам! - қувониб кетди Амир Темур бўй тортиб бораётган набирасига суқланиб боқар экан. Соҳибқирон суюкли набирасига синчилаб назар солди.

Эндигина ўн беш ёшга кирган дуркун амирзода Муҳаммад Султон, юзлари оқсариқдан келган тиниқ, кўзлари ёрқин, бўйлари баландлигидан вояга етган йигитни эслатарди. Шаддодлиги шундоққина билиниб туради. Келишган йигит бўляпти-да. Мўйлаби ҳам билинар-билимас кўриниб қоляпти. Нақ отасининг ўзи, қошлари ҳам, кўзлари ҳам, аммо лабларининг юпқалиги онасидан... Сал нозикроқми... Лекин ҳали ёш, ўсмир-да, йигит киши қирққа борганда қирчилама бўлади, худо хоҳласа. Ҳа, салтанат валиаҳди шу амирзода бўлади...

- Валинеъмат Соҳибқирон!.. Бир қошиқ қонимдан кечасиз.

-Кечдим, амирзодам, кечдим!

-Муҳтарам амирлару баҳодирлар жам бўлишиб бир нарсани айтишимни ўтиндилар... - қўлини кўксига қўйиб деди амирзода. - Амирлару баҳодирлар, жангу жадалларни соғиниб қолдик, агар Амир Соҳибқирони комкор ижозат берсалар, ов солсак, токи савашиш машқимиз хотирдан кўтарилиб кетмаса... Яна таъкид айладиларки, ҳазрат, зинҳор одамларим оч қолибдилар-да, нафс йўлини тутиб, бардош бера олмай гўштуру хўрак илинжида бу таклифни қилибдилар-да, деган хаёлга бормасунлар, деб илтижо этдилар...

Амир Темур: "Эшитдингизму, пирим?.. Бунга не дейдилар?.." дегандай Мир Сайид Баракага қаради. Пири муршиднинг катта-катта кўзларида мамнунлик аломатлари сезилди. Гапнинг сираси, Соҳибқироннинг ўзи ҳам бир ҳафта олдин ўрнатилган қаттиқ тартибни бир оз бўшаштиришни ўйлаб турганди, амирзоданинг сўзлари айна мударо бўлди.

- Черикка ошкор этилсунким, шикор қилғоймиз!

Тавачиларнинг ҳар ёққа югуриб жар солганларидан фармон яшин тезлигида тарқалди. Каттадан кичик барчага жон кирди. Жангни соғиниб қолган навкарлар шердай отланиб майдонга ўзларини урдилар. Мудраб ётган ғайратлар уйғонди, завқлар жўшиб, ҳаваслар оловланди. Лашкар катта борлик-атроф майдонни қамраб олди. Сўрон қоплаган саҳрода ов ҳалқаси тобора қисқариб борарди. Беҳисоб ўлжа тушди. Саноғига биров етмасди. Овланган қулон, товушқону илвасинларнинг семизини ушлаб ориғини қўйиб юборар эдилар. Ҳар бири буқадай-буқадай келадиган кийикларнинг бу ерларда кўплиги ҳам қўл келди. Узоқ кунлар лашкар озиғи ўшалардан бўлди.

### III

Амир Темурнинг ички сезгиси унга, душманга юзма-юз келишга ҳам яқин қолди, деяётгандай эди. У ов баҳонаси билан бир оз оёқлар

чигилини ёзиб олган лашкар яроғини кўриш лозим, деб ҳисоблади. Шикордан кузатишига қараганда навкарлару баҳодирлар шиддати ёмон эмас... Аммо яроғни атай синчиклаб назардан ўтказиш керак, қолаверса, лашкарнинг бўй-бастига бир назар солиб кўнгилини обод қилиш ҳам кўп яхши нарса-да.

"Йасол тузилсун!" деган фармондан кейин амирзодалар, беклару баҳодирлар навкарлар ҳали замон саваш майдонига кириладигандай бошдан-оёқ жавшану зирҳларга ўралган, тифу тирларни шай қилган ҳолда саф тортдилар. Ҳар бир баҳодир қўшини билан ўз жирасида, мўрчили<sup>90</sup> ёнида жам бўлди. Шу палла тепадан қараган одам саҳрони тўлдирган саноқсиз фавжларнинг<sup>91</sup> дарёдай тўлқинланиб турганини кўрар эди.

Соҳибқирон кўрикни амирзодалардан эмас, ўзга номдор амирлардан бошлади. Бунинг билан, менга барча амирлар ҳам, амирзодалар ҳам бирдай азиз, мен барчасини бирдай кўрурмен, деган маъно ётарди. Барча Амир Темурнинг шундай тенгпарварлигига қойил қоларди.

Турон султони ҳар бир фавжга йўналар экан, ўша ернинг амири дарҳол отдан тушиб, юкиниб, пешкашлар тортиб Соҳибқирон эҳтиромига шошиларди. Амирлар таъзимларини:

"Ҳамиша Бирубор ёрингиз бўлсин!",

"Сизсиз ҳеч бўлмасун бир дам замона!..",

"Эй шоҳ, Сизга бўлсин замини замон!.." каби дилдан отилган сўзлар билан безардилар, ортидан гуриллаган "Ур-ҳо-о-о!.."лар кўкка ўрларди. Соҳибқирон икки кун давомида саҳардан то шом юриб, эринмай ҳар бир бек, амиру амирзодалар фавжларини кўриқдан ўтказиб, кенгашлар бериб чиқди. Бекларнинг Оқёрдаги қурултойда айтилгандан ҳам зиёда навкар тўплаганларини кўриб кўнгилида мамнулик ҳиссини туйди.

Олти ойдан бери сувсиз саҳрода саргардон бўлган Турон лашкари ҳориб-толиб бир жойга етиб келди. Барчани ҳайратда қолдирган нарса шу эдики, бу ерда намозшом бўлмай, шомни ўқиб улгурмай туриб, шафақ ёришиб, офтоб жамолини кўрсатар, бомдод вақти етар, хуфтон намозини қачон ўқиш муаммо бўлиб қоларди.

Тарих милодий 1391 йил ражаб ойи ўн бешида, душанба куни эди, Соҳибқирон қўшини кўп машаққатлардан сўнг Қундузча<sup>92</sup> мавзеига кириб борди. Авваллари, ҳарчандки, қоровулларни бир неча бор душман изини топиб келишга юборсалар ҳам, аниқ гап олишолмай келишар, ҳар гал душман қоровули бир қорасини кўрсатиб яна қочиб қолар, кўздан ғойиб бўларди. Бу худди муштлашганда, зарба учун юборилган, аммо мўлжалга етмай ҳавода бўш ўйнаб қолган қўлнинг беҳуда ҳаракатини эслатарди.

Соҳибқирон амирлар билан кенгашиб, тўрт-беш киши эмас, душман ҳақида қандай бўлмасин жўяли маълумот олиб келиш учун Умаршайх Мирзо бошлиқ йигирма минг навкарни илғор жўнатишга қарор қилди.

- Албатта, бир из топиб келинсун! — тайинлади Амир Темур.

Амирзода одамлари янгигина ёқилган ўчоқлар, ҳали ўти ўчмаган гулханларни кўриб: "Из топдик!" дея қувондилар, туёқлар изини кўздан қочирмай олға юрдилар. Гоҳ-гоҳда узоқларда товушқоннинг физиллаб қочиб бораётгани кўзга чалиниб қоларди. Бир жойда беш юз манқалга дуч келдилар, ажабо, барининг ичида ўт бор эди-ю, бирор жонзот қуринмасди. Шундай алфозда хийла масофа босиб ўтилди. Ниҳоят, душман қорасини илғадилар, Тўхтамишхон қароргоҳи жойлашган Қундузча деган ерга бориб етдилар...

Амир Темур шу ёшга кириб ҳали бу қадар улкан жангни бошидан кечирмаганлиги ҳақида ўйлаб қолди. Ҳа, бу Соҳибқирон ҳаётида биринчи улкан жанг, у шунчаки Амир Темур ва Тўхтамишхон ўртасида эмас, балки Турон салтанати билан Олтин Урда хонлиги ўртасида рўй бермоқда. Шу пайтгача Чингизхон юришларида лашкар, асосан, уч қисмга бўлинар, ўнг қўл, чап қўл ва қалбдан<sup>93</sup> иборат бўларди. Соҳибқирон узоқ ўйлаб ҳали ҳарбий тажрибада қўлланилмаган усулни танлади. У улкан қўшинини етти бўлакка ажратди. Бир қўлга Мовароуннаҳр хони Султон Маҳмудхонни бошлиқ қилди, иккинчисига Амир Сулаймоншоҳни. Шу палла олам аҳлининг амирзодаси,

Соҳибқирон дийдасининг нури валиаҳд Муҳаммад Султон тиз чўкиб ёлворди:

- Агар ижозат берсалар, каминани манглайга қўйсалар... Душман билан саваш қурсам.

Соҳибқирон Муҳаммад Султоннинг ёш бўла туриб шундай қадамга журъат этганлигидан қувониб кетди, дили ёришди. Амирзоданинг журъату жасорати, қўрқмасу довураклиги амирзода давлати иқболининг яхши аломатидай туюлди. Секин атрофга гурур билан назар ташлади. Бутун лашқар, аркони давлат олдида валиаҳд амирзода унинг қаддини кўтариб қўйди... Манглай, қалб, бошқача айтганда марказда жанг қилмоқ жуда катта масъулиятга маҳоратни талаб қилади, жангнинг тақдири кўп ҳолларда ана ўша манглайга боғлиқ.. Ёлғиз жасоратгина етарли эмас, бунда шижоат, ҳарбий устакорлик, чапдастлик лозим, майдоннинг паст-баландига қараб иш кўра олиш керак.

- Салламно, амирзодам!... — деди Амир Темур. — Саваш қурингиз! Душманнинг додини берингиз!

Амир Темур яна сўзга оғиз очмоқчи эди, аммо улгурмади. Бошига дубулға қўндирган катта ўғли Умаршайх Мирзо юкуниб келди-да, Соҳибқирон жавшани этагига лаб босди ва чекинаркан, деди:

- Суюкли амирзодамнинг шижоатига ҳазор таҳсинлар бўлғай!.. Кўнглимиз чексиз фахру ифтихорга тўлуғдур! Аммо, бир қошиқ қонимдан кечадилар, Амир Соҳибқирон!.. Амирзодам ҳали ёшлар... Уни асрашимиз лозим. Биздай оғалари турганда ўз бўйинларига оғир вазифани олишлари мусулмончиликка тўғри келмас, дейман... Гуноҳга қолмайлик... Валинеъмат Соҳибқирон! Мени манглайга қўйингиз, деб илтижолар қилурмен! Тўхтамишхон билан ўз ҳисоб-китобим бор!..

Унинг ортида совутга ўралган учинчи ўғли йигирма беш ёшли Мироншоҳ Мирзо шайланиб турар, чамаси, у ҳам шундай даъвосини айтишга навбат кутарди.

- Халлоқи безаволга салламно! — деди Амир Темур бўйлари бир-бирига тенг саф тортиб турган амирзодаларга боқиб. — Умаршайх Мирзо, амирзодам! Сўзларингиз жуда ҳам ўринли, ҳимматингиз учун қуллуқ... Муҳаммад Султон амирзодам чиндан ҳам ёш... Ёш бўлганлари учун уни асраб-авайламоқ лозимдур, рост дедингиз. Аммо шахти қайтиб қолмасун, шиддати синмасун... Шундай отилиб чиққанлари учун ташаккур! Майли, амирзода Муҳаммад Султон улуғ қўлни - манглайни бошқарсун! Жаҳоншоҳ ибн Жоку, Амир Шоҳмаликлар унинг ёнида юрсунлар!

- Бош устига, валинеъмат Соҳибқирон! — таъзим бажо келтирди мамнун Муҳаммад Султон.

- ...Умаршайх Мирзо — жаранғорга, унинг ёнида сулдуз ҳазораси бўлсун!..

- Бош устига, Амир Соҳибқирон! — бош эгди Умаршайх Мирзо.

- ...Мироншоҳ Мирзо — баранғорга сардорлик қилсунлар! Худойдод Ҳусайний, Ахий Жаббор баҳодир, Мирзо Алибек уларга ҳамроҳ бўлсунлар!

- Жоним фидо бўлсун, валинеъмат Соҳибқирон! — деди кўли кўксига Мироншоҳ Мирзо.

- ...Амир Сайфиддин некўз қурч бир йасол тузсун ва ўнг қанот қанбулида жойлашсун! Муҳаммадбек ибн Мусо, Шайх Нуриддин, Шайх Довуд туркманлар уларга шерик бўлсун! Баранғор ва жаранғорларда туман, ҳазора ва сада амирларининг ҳар бирига муносиб жой ажратилсун!

Амир Темур тин олди. Номлари жаранглаган барча амирлару баҳодирлар ҳам: "Қуллуқ!.." "Қуллуқ!", "Бош устига!..", "Бош устига!.." қабилдаги сўзларни айтишиб таъзим бажо келтирар эдилар.

- Тағин... — давом этдирди Соҳибқирон. — Етти фавждан сўнг, алоҳида йигирма бўлукдан иборат йасол тузилсун! Захирага Мубашшир баҳодир бош бўлсун! Улуғ қўлнинг ортида сабр-тоқат қилиб турадур. Жангга фақат менинг ижозатим билан қадам қўясен, эй баҳодир!..

- Фақат ижозатлари билан қадам қўяман, Амир Соҳибқирон! — куллуқ қилди Мубашшир баҳодир.

Фармонга қўра, ҳар бир навкар ёв билан оралиқдаги таноб тортиб бўлиб берилган ерда хандақ қазишга киришдилар.

#### IV

Тўхтамишхон ниҳоят Амир Темур билан юзма-юз бўлишга аҳд қилди, чекинишни тўхтатди... Чопарларнинг айтишларига қараганда, жанг қилишнинг фурсати энди етди, Соҳибқирон лашкари ҳориб-толган, роса абгор бўлган, шижоатидан айрилган, очлик исканжасида тинкаси қуриган, бир ҳамлада бари тундай тўкилади...

Ҳоқон Жўжихон авлодидан бўлган шаҳзодалар, Тош Темур ўғлон, Элиймиш ўғлон, Бек Ёруғ ўғлон ва Бек Пўлат ўғлонлар, беклардан Ҳасанбек, Оқбўтабек, Исабек, Хоразмшоҳ Сулаймон Сўфи ва бошқалардан иборат мустаҳкам йасоллар туздирди. Тиш-тирноғигача қуролланган, тўра ва говсипарларни тақиб олган чақмоқдай навкарлар: "Душманингни кўрсат! Тилка-пора қилиб ташлайман!..." дегандай ёв томонга интиқоми боқди.

Жанг майдони Аллоҳнинг қудрати билан жуда ҳам ажойиб танланганди... Қундузча дарёсининг бўйларини парвардигор атай улкан жангларга мослаштириб яратганга ўхшарди. Минг-минг аскарларни сиғдира оладиган кенг дала, аммо нотекис жойлари ҳам кўп, душман шиддат билан жанг қилолмайди, ўр-чақирларга қараб юриши керак...

Даштнинг икки тарафида қўшинлар саф тортган, ҳар икки томоннинг навкарлари ҳам, жиловни қўйиб юборсанг ўзимни майдонга ураман, деган тойлардай безовта эди. Шунда Амир Темурнинг тутуми барчани, дўстни ҳам, душманни ҳам ҳайратда қолдирди. У шижоатли ва юракли эканлигини кўрсатмоқчи бўлди, ҳозиргина жангга киришни кутиб турган лашкарга бирдан чодирлар тикишни буюрди. Бир неча лаҳзада ердан чодирлар ўсиб чиқди...

Буни узоқдан кўрган Тўхтамишхон, Амир Темурнинг хотиржамлиги-ю бепарволлигига ҳайрон қолди. "Қудратли Олтин Ўрда қўшинини писан қилмай, андишага бормай савашиш одидан жанг майдонида чодир тикиб ўлтирибди..." — дея хаёлидан кечирди Олтин Ўрда хони ўша ёқдан кўз узмасдан. Унинг газаби аланга олди. Аммо Соҳибқирон яна чодирларни йиғишни буюрди. Қўшини Қундузча дарёси билан "ўраб" олинганидан, орқа томондан кўнгли тўқ эди.

Шу палла қутилмаганда Соҳибқирон отдан тушди, ерга жойнамозни ёздириб ихлос билан бамайлихотир икки ракаат намоз ўқишга тутинди, ҳақ субҳонаҳу таолодан нусрату зафар тилаб тавба тазарруга юз бурди, зори таваллолар қилди. Салавоту такбирлар билан намозини тугатаркан, отга минди-ю, ҳайқирди:

-Новоралар чалинсун! Нафирлар бонг урсун!!!

Даставвал Амир Сайфиддин неқўз қиличини яланғочлаб душманга рўбарў бўлди ва ёвнинг чап қанотдаги навкарлари ҳолини танг қилди. Душман қўшини Соҳибқиронникидан хийла ортиқ эди. Шу ваддан Амир Сайфиддин неқўзнинг кейинидан тушиб уни ўраб олмоққа уринардилар. Буни кўрган Жаҳоншоҳ ибн Жоку фавжини ўша ёққа буриб, кўмакка шошилди. Мироншоҳ Мирзо чапта, Умаршайх Мирзо ўнгда жавлон урардилар. Мухаммад Султон марказда туриб бутун жон-жаҳди билан ёғий сафини ёриб ўтишга тиришарди. Қиличлар жаранги, шамширлар шиддати, отлар кишнаши, ўлимдан сўйлаётган найзалар тили, навкарлар сурони бари бир бўлиб қулоқни қоматга келтирарди.

Умаршайх Мирзо ўз лашкари билан душмanning уч қўшинига қарши жанг қилар ва бундан кўнглида гурур туярди. У ахир Соҳибқироннинг катта ўғли, биринчи суянчиги, ишонгани... Энг катта оғирликни у ўз зиммасига олиши керак. Ишончни оқлай олса бўлди... Ҳамма унинг баҳодирлигидан ёқа ушлар, кўрганлар "Рустам ҳам бундай ишларни қила олмайди!" дер эдилар. Унга ҳам, сулга ҳам қилич сермаётган амирзода ўз жонини уйламас, нима бўлмасин, ўша қаттол, жинидан бадтар ёмон кўрадигани лапашанг Тўхтамишхон лашкарини кунпаякун қилса, бас...

Бирдан амирзоданинг отига ўқ тегиб, мункиб кетди. "Даяос!.." деб юборди амирзода. У эпчиллик билан ерга сакраб тушди, аммо пиёда қолганига қарамай мардона жангни давом этдирди. Тезда от етказдилар. Отга миниб олган Умаршайх Мирзо хезланганча шиддат билан яна савашишларга киришиб кетди.

Амир Темур юраги булкилаб барини ўрдудан кўриб турарди. Савашишда жиддий силжиш бўлмаётганлиги уни ташвишга сола бошлади. Ногаҳон сулдуз ҳазораси қўшини пароканда бўлгани ҳақида хабар келди. Шу етмай турганди. Бу қўшин Умаршайх Мирзо қаноти билан ёнма-ён эди. Шайх Темур сулдуз деган лашкарбоши нобуд бўлибди. Калласи сапчадай узилиб тушганини чопар ўз кўзи билан кўрибди. Афсуски, бу лашкарбоши майдон низомини яхши билмас экан. Энди Тўхтамишхон шу ердан ёриб ўтишга интилади.

Чиндан ҳам Олтин Ўрда ҳукмдори сулдуз ҳазораси қўшинини пароканда қилгандан кейин шу ердан душман ҳалқасини ёриб ўтишга қарор қилди ва ҳамма кучини йиға бошлади. Тўхтамишхон бир паллалар Самарқандда Боғи Нақши жаҳондаги зиёфатда ҳамманинг олдида дағал ва кўрс Умаршайх Мирзодан эшитган дашномларини ҳали унутгани йўқ... "Подшоҳзодалигинг бир дирхам!..", "Товуқмижоз лапашанг!..", "Ноинсоф!..", "Номуси йўқ, кўрқоқ!.." каби сўзлар ҳали-ҳали Тўхтамишхоннинг бағрини ўяди. Энди ўшанга жавоб бериб қўйиш вақти етди, Олтин Ўрда хони қарздор бўлиб қолишни истамайди. У хаёлида бир лаҳза юмалоқ юзли, хушсурат, аммо қўй кўзлари вазабдан ёнган Умаршайх Мирзони тасаввур қилди.

Вазият бамисли симобдай тизгинсиз эди, омад гоҳ у томонга кулиб боқарди, гоҳ бу томонга... Тўхтамишхон ўнг ва чап қанотлари кучсизланиб бораётганини ҳис қилди. Энди ҳамма кучни йиғиб Умаршайх Мирзо лашкарига уриш, шу ердан ёриб ўтиб бутун Соҳибқирон қўшинини пароканда қилиб бўлиб ташлаш керак, деган қарорга келди. Бу унга осондай туюлди. Нафсиламрини айтганда, жон-жаҳд билан ишга киришган Тўхтамишхонга толе кулиб боқди: у Умаршайх Мирзо қўшинини ёриб ўтишга эришди. Буни Амир Темур амирзодадан келган чопардан билди. Умаршайх Мирзо бундай деб юборган эди: "Подшоҳ Тўхтамишхон ўз лашкарини саришта этиб, қалб, баранғор ва жаранғорини низомда тутиб ортимиздан келмақда..." Демак, Олтин Ўрда хони Соҳибқиронни ажратиб олиб тор-мор этмоқни ният қилган...

Шу палла чап қанотнинг қанбулидан келган хабарларга кўра ҳам, душман Амир Темур лашкарининг орқа томонини эгалламоқда экан... Соҳибқирон аскарлари ҳориб-чарчаган, шиддатлари паст бўлиши мумкин, чекинаётганлари балки шундан... Фақат амирзода Муҳаммад Султон бошлиқ манглай қўшин душманга бўй бераётгани йўқ...

- Бос!!! Ёғийни бос, азаматлар!!! Ёғийни ўлдир!!! - каби чинқириқли садолар эшитилди душман ёқдан шу палла...

Соҳибқирон танг аҳволда қолди. Ҳамма фавжларни бир жойга йиғаман, деса, фурсат кетади, чунки айёр душман жуда яқинда турибди, ҳали замон бостириб келиши аниқ. Бас, Тангрига таваккал қилиб, ортга чекинмоқ керак...

Ёнида барини кузатиб турган, узоқларга боқиб, жанг расамадини олаётган пири муршид Мир Саййид Барака кутилмаганда отдан тушди, "Алҳамду лиллаҳир раббил оламин!" дея ердан бир сиқим тупроқ олди-да, қайтадан отига миңди.

- Зинҳор кўнглингизни чўктирмангиз, Амир Соҳибқирон! — Пири муршид таскин бериб, кўлидаги тупроқни ўлар-тириларига қарамай савашаётган душман томонга қарата сочиб юборди! Кейин залворли овозда:

- Ёғий қочди!!!.. — дея волибона ҳайқирди. - Ёғийнинг юзи қаро бўлсун! Истаган ерингизга оёқ қўйингиз, Амир Соҳибқирон! Зафар биз тарафдадур!

Пири муршид шундай деди-да, отига қамчи урди.

Барча фавжлардан: "Зафар биз тарафдадур!..", "Зафар биз

тарафдадур!.." деган садолар янгради. Амир Темур қўшини фавқулодда таважжух билан душман томонга юз бурди.

Энди пири муршид сўзларидан руҳланган Амир Темурнинг ўзи майдонга тушди. Даставвал заҳирада турган Мубашшир баҳодирнинг йигирма бўлукдан иборат лашкарини жангга киритди, қолган фавжларни жамлади, олисдагиларини келиб лашкарга қўшилишга фармон бериб, дадил ортга чекинди ва фавқулодда шижоат билан, черикнинг орқасига ўтиб олиб йасол тортиб турган Тўхтамишхонга юзланди. Осмонда бир парча булут йўқ, ҳаво очик, ортда Қундузча дарёси биланглаб оқарди.

Черик бошида Амир Темур Кўрагоннинг ўзи келаётган экан, деган хабар Тўхтамишхон қўшини орасида ёйилиб кетди. Олисдан Турон лашкарининг туғи осмонга санчилгандай мағрур кўринар эди.

Соҳибқирон, ноғора ва карнай садолари дашту саҳроларни тўлдирсун, дея фармон берди. Сурон борлиқни тутди. Черикнинг ҳайбатидан еру само зирилларди.

Тўхтамишхон, ёғий қўшини жангларда нобуд бўлиб сийраклашиб қолган, кучи қирқилган, уни ўраб олинса кифоя, деб ўйлаган, бутун шижоатини шунга қаратганди. Аммо у Мубашшир баҳодир бошлиқ заҳирада турган йигирма бўлук қўшиндан беҳабар эди. Ажабо, бу черик ердан чиқдими, осмондан тушдими?.. Унинг устига, қўшинни Соҳибқироннинг ўзи бошқариб келмоқда экан! Ноғораларнинг ҳар бир садоси унинг бошига гурзи бўлиб тушаётгандай туюларди.

Душман ёқдан:

- Қочма!!! Қайт ортинга, беномуслар!!! Қайт, деяпмен!!!.. — сингари аламли хитоблар чалинди Амир Темур қулоғига шу палла...

Жанг ўти алангаланди. Кўп ўтмаёқ, Тўхтамишхон қўшинларининг иддаоси пуч эканлиги билиниб қолди, парокандалик юз бериб, ҳамма ҳар қаёққа қочишга тушди.

Олтин Ўрда хонини ваҳима чулғаб олди, жангни бой бераётганини ўз кўзи билан кўриб турарди. Шайтон кўнглида: "Қоч! Жонингни сақлаб қол! Йўқ эса, хор бўлиб ўлишинг аниқдур!..", дея васваса қила бошлади. Тожу тахт ҳам кўзига кўринмай қолди, жон кўрқинчи уни саросимага соларди. У қочиши керак, аммо қаёққа қочади? Албатта, шимолга, лиймол томонга!..

Тўхтамишхон бир лаҳза аламда майдонга қаради, кейин ҳеч кимга, ҳатто мулозимларига ҳам билдирмай, гўё ўзини жангга ургандай, чап томондаги қўшиндан хабар олиб келмоқчи бўлгандай кўрсатиб, от бошини қочишга бурди... Бу пайт Амир Темур қўшинларининг зафарли наъралари тобора осмонни тўлдириб борарди...

Олтин Ўрда хони, қочганимни ҳеч ким кўрмади, деб ўйласа ҳам, бу сезилмай қолмади. Манглайда саваш қураётган Умаршайх Мирзо майдонда жавлон уриб юрарди-ю, Тўхтамишхонни сира кўздан қочирмасди. Амирзода ғалаба яқинлигини, тез кунларда ашаддий душмани билан ҳисоб-китоблар қилиш фурсати келаётганини ва шунда Тўхтамишхонни тафтиш этишни Соҳибқирондан ўзи сўраб олажagini ўйлаб ҳаяжонланарди. Унга энг алам қилган жойи, Тўхтамишхоннинг Соҳибқирондан кўрган кўп яхшиликлари эвазига, майли яхшилик билан жавоб қайтармасин, аммо ёмонлик билан жавоб бергани, яна унга қурол кўтаргани эди. Инсоннинг бунчалар кўрнамаклигини учратиш қийин...

Бир пайт амирзода қараса, майдонда чарх уриб юрган Олтин Ўрда хони жойида йўқ! Дабдурустан: "Қочиб қолибди!", деган фикр келди Умаршайх Мирзонинг кўнглига! У атрофга аланглаб қаради. Ҳеч қаерда ҳеч қандай из илғамади. Фақат шимол томонда, беш юз қадамлар нарида, тўқайзорга яқин ерда кимнингдир дарё томонга от чоптириб кетаётгани кўзга ташланди. "Бу, ўша — Тўхтамишхон!.. — деди ўзига-ўзи амирзода ёзиб бўлмайдиган сўзлар билан қаттиқ сўкиниб. — Уша!.. Қочиб кетмоқчи!.. Қочиб бўпсан, лапашанг!.."

Умаршайх Мирзо фурсатни ғанимат билиб ҳоқон изидан от қўйди...

Дарё бўйида паст, текис ерлар, увалар ястанган эди, вақти-вақти билан сув кўпайганда ўша ёқларга ҳам уриб кетарди. Бора-бора катта

тўқайзор пайдо бўлган, бу овчилар учун ҳам, турли махлуқот учун ҳам қулай камгак — панароқ ерларга айланиб қолганди. Дарёнинг шимол томонида эса адирликлар кўзга ташланарди.

Амирзода елиб борар экан, Тўхтамишхоннинг ўнг томонга қараб йўналганини кўрди. Унинг тўқайзорга кириш нияти йўқ, балки айланиб ўтмоқчи шекилли... Аниқ, у тўқайзорга кириб яширинмоқчи эмас, йўқ эса отни тўппа-тўғри тўқайзорга солган бўларди. Афсуски, амирзода бу ерларни яхши билмайди. Лекин унинг кўнгли тўқ эди, чунки Тўхтамишхон тўқайзорнинг орқасига ўтганда ҳам, чапгами ёки ўнгтами бурилганда ҳам йўли барибир дарёга бориб тақалади, бу кўриниб турган нарса. Уша ерда уни аниқ тутиб олади...

Умаршайх Мирзо учқур тўриқ отини тўқайзорнинг чап томонига бурди ва қамчига зўр берди. Тўриқ юганларини шақирлатиб ўқдай шувиллаб кетди. У подшоҳзоданинг олдини кесиб чиқишга улгуриши керак!

Отини тинимсиз савалаб бораётган Тўхтамишхон ҳеч ортига қарамасди. Ногаҳон ўтрилиб қаради — олисдан жанг сурони эшитилар, чангу тўзон кўкни тутиб ётарди. Бирдан қандайдир отлиқнинг елиб келаётганини кўриб қолди! Яхшилаб тикилиб қаради: ростдан ҳам кимдир келарди! Наҳотки?!.. Наҳотки, ўзининг ашаддий душмани Умаршайх Мирзо бўлса?..

Нафсиламрини айтганда, ҳозир унинг жангари ва қўрқмас амирзода билан ҳеч кўришишгиси, устига устак савашишгиси ҳам йўқ эди. Агар савашишса, амирзоданинг қўлида хор бўлиб ўлиши аниқ, чунки Тўхтамишхон ўзининг унга тенг кела олмаслигини билади. Ёки уни қўл-оёғини боғлаб бошига қоп кийдириб, бўйнига қилчини осдириб Амир Темур ҳузурига олиб боради. У шу палла Хоразмшоҳ Юсуф Сўфийнинг мардоналик кўргизиё Соҳибқиронни яккама-якка курашга чорлаганини, Амир Темурнинг ўнг оёғи ва ўнг қўли ногирон бўлишига қарамай майдонга чиққанини, Хоразмшоҳнинг эса сўзида турмаганини ва Хоразм кўшини ҳамда Турон лашкари олдида юзи шувит бўлиб қолганини эслади. Эслади-ю, шу ондаёқ унутишга, ортига қарамасликка ҳаракат қилди.

Умаршайх Мирзо шиддат билан тўқайзорнинг чап томонидан чиқиб борди ва... дарёни кўргачгина қаттиқ янглишганини англаб етди! Ҳақиқатда ҳам, у бу жойларни яхши билмаслиги, устига устак шошилиб иш кўрганлиги аён бўлди. Эҳ, амирзода, амирзода! Олдинда Қундузча дарёси ястаниб ётар, тўқайзор эса дарёга лаб қўйган, у ерда Тўхтамишхон турган ўнг томонга йўл кўринмас, сув босган тўқайзор ичидан ўтишнинг эса асло иложи йўқ эди...

Амирзоданинг пешонасидан муздек тер чиқиб кетди! Наҳотки, шундоқ ёнгинада турган ашаддий ғанимини қўлдан чиқариб юборса!.. Тўхтамишхонни лапашанг дер эди, аслида, ким лапашанглиги энди билинди. Аттанг, фурсат кетиб қолди...

Амирзода шарт отини орқага бурди, энди тўқайни айланиб ўтишдан бошқа чора йўқ... Буни қанча тез қилса шунча яхши.

Умаршайх Мирзо шиддат билан тўқайзорнинг ўнг томонидан дарё бўйига етиб келганда, Қундузча дарёси ҳеч нарса бўлмагандек хотиржам лиммо-лим тўлиб оқар, фақат дарёнинг нариги томонида жуда олисларда бир отлиқнинг ўқдай елиб кетаётгани элас-элас кўзга ташланарди...

2004 йил 23 ноябр.

Иккинчи китоб тугади

- <sup>45</sup> **Гаадди** — тажовуз, зулм.
- <sup>46</sup> **Зовия** — хонақоҳ
- <sup>47</sup> **Ғажарчи** — йўл бошловчи.
- <sup>48</sup> Милодий 1379 йил, март-апрел ойлари.
- <sup>49</sup> Амударёни ўрта асрларда шундай деб ҳам атардилар.
- <sup>50</sup> Сирдарёни баъзан шундай атардилар.
- <sup>51</sup> Яъни, "Куч — адолатда"
- <sup>52</sup> Қуръони карим. Шўро сураси, 23-оят.
- <sup>53</sup> Яъни, дард, касаллик маъносиди.
- <sup>54</sup> **Мараз** — касаллик.
- <sup>55</sup> **Мижоз** — киши табиати
- <sup>56</sup> Севан кўли
- <sup>57</sup> **Нақба** — лаҳм, маъносиди.
- <sup>58</sup> **Гису** — ўрилган соч.
- <sup>59</sup> Агар кўнглимни ололса шерозлик турк жонони,  
Қаро холига бахш этгум Самарқанду Бухорони.
- <sup>60</sup> Агар кўнглимни ололса шерозлик турк жонони,  
Қаро холига бахш этгум як сарқанду ду хурмони.
- <sup>61</sup> **Йармоқ** — тоvon маъносиди.
- <sup>62</sup> **Тасхир** — забт этиш.
- <sup>63</sup> Шарру шўр, харажу мараж — ёмонлик, бошбошдоқлик, бузғунчилик.
- <sup>64</sup> **Ғул** — халқа, душман халқаси, маъносиди
- <sup>65</sup> **Мовароуқдоғқоз** — Закавказье, маъносиди.
- <sup>66</sup> **Солус**(форс.) — тилёғламалик, ҳийла, маъносиди.
- <sup>67</sup> **Таҳқиқ этиш** — текшириб кўриш, маъносиди.
- <sup>68</sup> **Талаф** — ўлмоқ, йўқ бўлмоқ (араб).
- <sup>69</sup> Яъни, унашгирдик, маъносиди.
- <sup>70</sup> **Савқ ул жайш** — стратегия, маъносиди(араб).
- <sup>71</sup> **Таъбият-ул жайш** — тактика, маъносиди(араб).
- <sup>72</sup> **Зарродхона** — совуту зирҳлар, қурол-аслаҳалар сақланадиган жой, ҳарбий омбор.
- <sup>73</sup> **Бозорчопонийлар** — бу ерда: қаланғи-қасанғилар, маъносиди.
- <sup>74</sup> **Дараи ниҳон** — Ҳисор тоғи чўққисиди жойлашган дара. Дарвоз — Хутталон шарқидиғи мавзе номи.
- <sup>75</sup> **Дараи қипчоқ Сарой** — Хутталондағи хушманзара мавзе номи.
- <sup>76</sup> **Хашка суйи** — яъни, Қашқадарё.
- <sup>77</sup> **Зарнуқ** — Арис дарёсининг Сирдарёга қуйиладиган жойиди, чап томондағи мавзе номи. Хўжанд суйи — Сирдарё.
- <sup>78</sup> **Оқсув** — Бишкек ғарбиди жойлашган мавзе, ҳозирги номи Беловодское.
- <sup>79</sup> Шарқий Туркистондағи мавзе номи.
- <sup>80</sup> **Муфассал қилмоқ** — яъни, аниқ рўйхатта олмоқ.
- <sup>81</sup> **Боварчи** — ошпаз, маъносиди.
- <sup>82</sup> **Ориз** — қўшинда аскарлару мансабдорларга маош берувчи, хазиначи.
- <sup>83</sup> 1391 йил 19 январда.
- <sup>84</sup> Милодий 1391 йил 14 март.
- <sup>85</sup> **Улутов** — ҳозирги Қозоғистондағи Жезқазғон шимоли-ғарбиди жойлашган тоғ.
- <sup>86</sup> Уйғур алифбосиди ёзилган матн асли қуйидағичадир: "Тарих йэти йуз тоқсан учта қой йил(и) йаз(кўклам) нинг ара ой(и) Тураннинг султани Тэмурбег ики йуз минг чэриг била ислам учун Тоқтамиш... ханыга йорыды. Бу йзрга йэтиб бэзгу болсун тэб бу тобаны қопарды. Тангри нисфат бэзгай иишалла. Танги эл киши(фуқаро)га раҳмат қылғай(раҳм қилғай), (фуқаро)бизни ду'а била йад қылғай." (Олим Қ. Содиқов талқини).
- <sup>87</sup> **Кўмач** — ўчоқда қулда пишириладиган бир хил нон; Буғра — буғдойни оқлаб пишириладиган кўпчиликка тортиладиган овқат.
- <sup>88</sup> **Бошбалмоқ ўти** — доривор ўсимлик.
- <sup>89</sup> **Мучалко** — махсус рухсатнома, ваколатнома.
- <sup>90</sup> **Жирға** — доира, доира бўлиб туриш; мўрчил — чуқур, оқоп.
- <sup>91</sup> **Фавж** — ҳарбий бўлинмалар.
- <sup>92</sup> **Қундузча** — Самара шаҳридан шимолда жойлашган мавзе, дарё номи. Жанг 1391 йил 18 июн куни рўй берган.
- <sup>93</sup> **Қалб** — қўшинда: марказ маъносиди.







## Миртемир

### Ёруғлик

Ёруғлик юрти бу, тонг ўлкаси бу,  
Куёш боласиман десам ҳаққим бор.  
Порлоқ уй, жаранг шеър, онг ўлкаси бу,  
Йўлим ҳам, уфқим ҳам ёрқин шуъладор.

Ёруғлик лиммо-лим эрк маконимда,  
Ховучлаб ичаман шаршарасидан.  
Куёш учқунлари қайноқ қонимда,  
Мен қудрат оламан ҳар заррасидан.

Ўроқ-машоқ пайти олтин хирмоним,  
Саратон кўкида ширмойи ноним,  
Ёз бўйи ярқироқ, ёзгу осмоним,  
Коинот онаси — алп онажоним.

Кўклам яшиллиги — юздан бир ранги,  
Анор шарбатида акси жилвагар.  
Қушлар кўшиғи ҳам қуёш оҳанги,  
Булоқ мавжларида рақси жилвагар.

Ёруғ кун ярашиқ ёруғ диёрман,  
Менинг шу қуёшлик давлатим-да бу.  
Тенгдошлар сафида мен ҳам тенгдошман,  
Қуёшли давлатим — меҳнатим-да бу.

Ёруғлик ва нурнинг оқ сийнасида —  
Уша суюк жаҳон деганлари рост.  
Ёруғ чўққиларнинг шоҳ зинасида  
Ёруғ Ўзбекистон деганлари рост.

1974



**Шараф Уснатдинов,**  
қорақалпоқ адиби

## **МЕНИНГ ОЗОД ДЎСТИМ**

Эссе

*Озод ҳақидаги дастлабки кичкина бир хотира ёзувларим “Эркин Қорақалпоғистон” газетасининг 1999 йил 16 ноябрь кунги сонида эълон қилинган эди. Бугун эса, вақти-соати келиб, яна Озодни эсга олдим, яна у ҳақда ёзгим кела бошлади. Унинг бошқаларга ўхшамаган хислатларини ёдга олиб, бирга ўйнаб-ўсган дўстларининг эсига солмоқчиман. Қолаверса, XXI асрда ўсмирликдан ўтиб, балоғат сари қадам ташлаётган ёшларга “Озод Бердишевнинг ажойиб хислатлари ва гўзал фазилатлари” ҳақида озгина бўлса ҳам намуна сифатида айтиб ўтишни ният қилдим.*

-1-

Ҳаммамиз ҳам овулдан чиққанмиз.

Ҳаммамиз ҳам урушдан кейинги тикланиш йилларида турли хил қийқишлардан қураб-ямаб тикилган қуроқ папкаларни кўтариб мактабга қатнаганмиз. Уқишдан чиқиб, қиш кунларида эшакда ўтин ташиганмиз, ёз кунларида молга ем-кашак ўрганмиз. У йилларда бизнинг бирдан-бир анграйиб тинглайдиган нарсамиз бу — уйларга сим орқали келиб турган калпоқли радиокарнайлар эди. Агар қўлимизга бирон-бир китоб тушиб қолса, бутун бир синф болалари навбатта туриб ўқиб чиқардик. Эртақ китоблар, дoston китоблар... Айниқса Аббос шоир Добитловнинг “Баҳодир” деб номланган катта бир дostonи ўша йиллари роса доврўғ солган эди. Давр шундай эди-да. Биров бировдан китоб ўқиб ўзиб кетиши, цивилизация денгизига теранроқ шўнғиб кетиши учун имконият ҳам кўп эмас эди. Бироқ дарёга тўр ташлаганингизда турли-туман балиқ илиниб чиққанидай, ондa-сонда орамиздан ўша Озод Бердишевга ўхшаш фавқулodда истеъодли, ўзгача, юлқиний чиқадиган ёшлар кўриниб қоларди.

-2-

Туғилиб ўсган ери — Халқобод тупроғи. Отаси ёшлигидаёқ дунёдан кўз юмиб кетди-ю, бу болакай она томондаги жигарлари, яъни, дойи(тоға)лари билан кўпроқ борди-келдида бўлди. Камбағалликнинг, етар-етмасликнинг азобларини барчамиздан кўпроқ тортган. Шулар сабаб бўлдими, ҳар ҳолда бошқа тенгдошларига қараганда эртaroқ вояга етди. Бола жуда сергак, зехни ўткир эди. 1959 йил Халқободдаги ўрта мактабни битираман деб турганда, мактаб раҳбарияти билан ўчакишиб қолади-да, Нукусдаги Пушкин номили мактабга келиб давлат имтиҳонларини аъло баҳоларга топширади ва Тошкентга йўл олиб, Университетнинг филология факультети журналистика бўлимига энг юқори баллар билан қабул қилинади...

-3-

Бизлар илк бор танишганимизда, Озод иккинчи курсни тамомлаётган эди. Узоқ давом этадиган суҳбат-мулоқотлар ўшанда бошланган. Айтишиб-чертишиб бўлганимиздан кейин мен ҳар гал унга қараб: “Сен ўзи қаёқдан чиққан балосан, ҳамма нарсани билиб бораяпсан, буларни ўқишга қачон улгура қолдинг?”, — демоқчи бўлардим...

Ҳозир ҳам кўп ўйланаман. Ахир, у йиллари ҳозиргидек телевизорлар, турли хил тўлқинларни тутиб оладиган транзисторлар ҳали йўқ. Кутубхоналар ҳам унча бой эмас. Газета деганни муаллимлар қўлида ёки маҳкамалардагина кўрардик, холос. Кинофильмлардан энг эсда қолгани — “Тарзан” ва “Дайди” деган томошалар. “Шундай бўлгач, Озод Бердишев қайси тупроқдан униб чиқди?” Кенг тафаккурли, билими, серқирра, гўзал табиатли бу йигит, қачон, қаерда шаклланди?

1960 йилда энди 18 ёшга тўлган, Қорақалпоғистоннинг қайсидир бир узоқ туманидан чиққан йигитнинг бунчалик кўп китоб ўқиганлигига, ўқиганларини шарҳлаб-изоҳлаб беришига ҳайрон қолмаслик мумкин эмас эди. Буни ҳатто университетдаги домлалар ҳам, Озоднинг курсдошлари ҳам тан олишарди. Биз ҳозирги кунда, Мустақиллик давронимизда Америкага ёки бошқа чет элларга ўқишга кетиб бораётган юртимиз фарзандларини кўриб қувонамиз, Юртбошимиздан совға сифатида компьютер олган истъодларни кўриб юрибмиз. Албатта, Озод Бердишев воқеасини бугуннинг бахтиёр болаларига қийслаб бўлмайди.

Озод Тошкентдаги таҳсил даврининг дастлабки йилларида жуда фақирона кийиниб юрди. У баъзи бир қорни тўқ, ейиш-кийиниши жойида бўлган курсдошларининг, атрофдаги тенгдошларининг ўзига менсимайгина қараётганини сезар, бундай назарлардан ўзини олиб қочар, талабалар ҳаётида онда-сонда рўй бериб турадиган йиғин-зиёфатларга ҳам унча қатнашавермас, унинг ўрнига ўзининг сеvimли машғулоти — тош кўтариш, китоб мутолаасига киришиб кетар, яъни, у ўзининг ички оламига унча-бунча кишини яқин йўлатмас эди. Университетни битириб, газетادا ишлаб юрган кунлари у менга шундай дегани эсимда: “Сенинг тилинг ботир. Тил ботирлиги юракчиликдан. Мен эса, баъзан айтилиши керак бўлган гапни айтмай, ичимга ютиб қоламан. Кейин ўзимни-ўзим ёмон кўриб, кечиролмай юраман...” Сўнг машҳур қорақалпоқ фольклорчи олими Қалли оға Айимбетов асарларидан кўчириб олган манави шеърини сатрларни ёддан ўқиб берган эди.

*Ола қайишли от минмоқ—  
Қидиришма<sup>1</sup>нинг белгиси.  
Яланг оёқ, яланг бош—  
Қашшоқликнинг белгиси.  
Қашшоқларга кулганлар—  
Кургансизлик<sup>2</sup> белгиси.  
Юракчилик белгиси—  
Душмандан тилин тортмаса.  
Қўрқоқликнинг белгиси—  
Ғилофидан суғуриб,  
Қаличин олиб чопмаса...*

Аммо, тўғриси айтганда, унинг мени кўтар-кўтар қилиб айтган бу сўзлари кўпроқ ўзига тегишли, унинг ўзи адолатсизлик рўй берган ерда сапчиб ўрндан туриб кетарди. Айниқса, ор-номус борасида, она халқнинг кадр-қиммати, эл-юрт обрўси борасида гап кетса, майли, нотаниш бир одамнинг иззат-шаъни топталаётганини кўрса, дарғазаб йўлбарс янглиғ отилиб чиқар, сўнгида пушаймон еса ҳам, ўша лаҳзаларда кўркув нималигини билмайдиган ғайбар<sup>3</sup> йигит эди.

+

Озод тўсатдан вафот этгандан кейин, уйимда дўстимни эслатадиган, қайсидир бир жиҳати билан унга алоқадор бўлган нарсаларни тўгладим. Бизлар 1963 йилдан бошлаб бир-биримиздан йироқда яшаган пайтларда хат ёзишиб, мактублар орқали дийдорлашиб турган эканмиз. Биринчи маротаба ёзилган манов хат — Озод тўртинчи курсни тамомлаб, давлат амалиётини ўташ учун Нукусга келганида йўлланган экан. Мановиларни эса мен ҳасталаниб, Фарғонадаги санаторийда даволаниб ётганимда ёзибди. Булар — Озод 1968 йилда Тошкентда, қисқа курсли ўқишда ўқиб юрганида битилган хатлар. Булардан бошқа яна иккита сурат ҳам топилди, биринчиси, мен илк бор Нукусга ишга келганимда, 1965-1966 йилларда тасвирга олинган, икковимиз тушган сурат. Иккинчиси эса — Озоднинг қора кўйлақда тушган портрет сурати, газеталарда Озод Бердишев ҳақида мақола чиқса, кўпинча шу сурати босилади. Озод ўзи уч нарсани жинидан багтар кўрарди, булар — суратга тушиш, бўйинбоғ тақиш ва қалпоқ (бош кийим) кийиш.

“Бўйинбоғ (галстук) таққанинг — мен катта одамман, деганинг. Бўйинбоғ — қорнингни тепасида турадиган ундон белгиси. У ёқ-бу ёққа ялтоқланиб қараёлмайсан”, дерди у. Бир гал қизлар билан танишиш учун бир неча йигит Нукус пединститутининг ётоқхонасига бордик. Шунда Озод бир дўстимизнинг қалпоғини «бу ёш болага тўғри келмайди» деб деразадан ташлаб юборган эди. Ўша қизларни ҳозир кўрсам, шу воқеани ҳалигача эслаб кулишамиз.

<sup>1</sup> Қидиришма — сайру саёҳат, меҳмондорчилик.

<sup>2</sup> Кургансизлик — омилик, беҳабарлик, ўқимаганлик.

<sup>3</sup> Ғайбар — кўркам, ботир, жасур.

Унинг дастхатини ўқиш ҳам оғир, залворли. Мен яқин-яқинларгача бу хатларни очиб ўқишга юрагим бетлайвермасди. Мана, қўлимдаги бу мактубни Озод 1963 йилнинг эрта баҳорида ёзган экан:

... Шарп, ҳозир Нукусдаги марказий кутубхонадаги қироат залида ўтирибман. Кечаси билан томоғим оғриб чиқди. Ҳеч ютинтирмайди. Бугун эрталаб врачга кўрингани келган эдим, 27-бўлиб қабулга кирар эканман, вақтим бекор кетмасин деб кутубхонага келдим. “Амударё” журналининг 1962 йилги сонларини кўриб ўтириб, сенга хат ёзгим келди. Қўлим совқотиб, яхши ёзолмаяпман.

Дўстим, сен менга ҳар кунни, ҳар соатда керак экансан. Авваллари ёнимга ҳадеб келаверганингни “ҳа, энди курси кичик бўлгани учун келади-да” деб ўйлардим. Бу тўғри эмас экан. Мен сенга бошқалардан сир тутадиган гапларимни ҳам айта олардим. Сен ҳам мени тушунардинг. Орамиздаги мана шу яқинлик бизларни бир-биримизга оҳанрабодай боғлаган бўлса керак. Бугун сенга хат ёзиш хаёлимда йўқ эди, ёзмасдан туролмадим. Яна сен, жуда муҳим гапларни айтмоқчи шекилли, деб ўйлама. Йўқ, бунақа эмас, ёзаётганларим Озод дўстингнинг ҳамшишаги гаплари.

“Амударё” журналининг 11-сонида (1962) А. Жақипбеков деган муаллифнинг “Бу қандай туйғу” деган ҳикоясини ўқидим. Менинг ёзмоқчи бўлиб юрган нарсамни ёзиб кўйибди. Аттанг, шу ҳикояни сал аввалроқ ўзим ёзганимдами...

Усмон Носирнинг шундай сатрлари бор, адашмасам шундай: “Шеърим яна ўзинг яхшисан, Боққа кирсанг гуллар шарманда...” Бу ҳикояни ўқиб ўтириб, шу сатрлар ёдимга тушиб кетди. “Бу қандай туйғу” ҳикояси адабиётимизда пайдо бўлибди-ю, менга ўхшаган ёзмай юрган журналистларгина шарманда эмас... Бир доно одамнинг шундай сўзи бор: “Агар ёзмасдан чидаб юра олар экансан, яхшиси— ёзма”. Лекин шу кунлари жуда ёзгим келиб юрибди... Ҳозир 12-13 ёшлардаги бўлажак ёзувчи (шундайлар бор, албатта!) бу ҳикояни вақтида ўқий қолса эди?! Шу ҳикояни ўқиганларнинг бари эндиликда қалам тутиб, ёзувчи бўлиб кетса, мендан кўриб юрма...

Утган йилги “Амударё”нинг ҳамма сонларини бирма-бир ўқиб чиқаяпман. Уларнинг орасида Тўлепберген (Матмуратов)нинг шеърларига кўпроқ вақт ажратдим. Бир-иккита шеърдан бошқалари менга ёқмади. Унинг ўзига шу сўзларни айт, мен сиртдан ғийбат қилувчи бўлиб қолмайин. Агар айтмасанг, унда ўзим хат ёзиб, шу фикрларимни билдираман. Балки, кейинги ёзган нарсаларимни шу йилгитга юбориб маслаҳат сурарман.

Ёзгим келаяпти. Ёзиш истаги ҳозир мени тўлғоқдай забтига олаёттир. Бироқ, ёзиш учун шароит йўқ. Квартира тополмаяпман.

Утган йилги “Амударё” ёқмади. Ибройимнинг шеърлари маъқул. Агар шундай шеърлар чоп қилиниб турса, томоғоғрик бўлиб ётсам ҳам, ўқиб чиқишга рози бўлар эдим. Агар Ибройим (Юсупов), Даўлен (Айтмуродов)нинг ёзганларини журналнинг ҳамма сонлари ичига худди товўққа дон сочгандай қилиб сочиб юборишнинг иложи бўлса эди... Ахир, мен сўқир товўқ эмасман, ҳамма нарсани дон экан деб оғзимга олавермайман... Айтаверадиган бўлсам гап кўп. Ҳозир бу хатни жунатаман-да, врачга учрашаман. Мабодо, ҳозир сен менинг ўрнимда бўлганигда, “Олисдаги дўстлик қандай мазали!” қабилида шеър ёзиб, хатга тиркаб юборган бўлардинг...”

-5-

Озод Тўлепберген Матмуратов шеърлари ҳақида гап очганининг яна бошқа сабаблари бор эди. Гап шундаки, мен университетга ўқишга кирган йилим Озодлар яшаётган ётоқхонадан жой ололмай, ўзимдан уч курс оқори ўқийдиган Тўлепберген Матмуратов билан Чорсудаги бировнинг уйидан ҳужра топиб, ижарада бирга турган эдик. Тўлепберген (жойи жаннатда бўлсин, илоҳим) ўша йиллари ҳали ёш, бошловчи шоир, қорақалпоқ матбуотида шеърлари чиқиб, энди-энди танила бошлаган эди. Атоқли шоиримиз Ибройим Юсупов унга оқ йўл тилаб, ҳозирги “Қорақалпоғистон ёшлари” газетасида сурати билан шеърларини чоп қилдиргач, Тўлепберген оғизга туша бошлади. Шу йили Тошкентда қиш қаттиқ келди. Ҳужрамизда ўчоқ йўқ, кечаси фақат оёқ кийим билан пальтони ечиб кўрпага кирардик. Шундан то уйку келгунча, кеча ярим бўлгунча шеър ёзишга мусобақалашиб, шеърхонлик, китобхонлик қилиб чиқардик. Тўлепбергеннинг Ибройим оғага маъқул бўлган ўша:

“Гўзаллик қайда?”— дедим,  
Сен менга “Ойда!”— дединг.  
Ойга боқдим, хуш бўлди вақтим...—

каби сатрлари ҳам, ёки эндиликда бутун халқимизга ардоқли бўлиб қолган:

Гул қистирсам сумбул сочингга,  
Айтар эдинг: “Ёмон боласан!...”  
Ёмон бўлсам боғнинг ичида  
Менинг билан нега қоласан?!—

деган ҳароратли мисралар ҳам ўша муздай совуқ ҳужрада туғилган шеърлар эди. Уларнинг биринчи тингловчиси мен бўлдим. Тунда уйкуга кетаётиб, эрталабгача қотиб қолмаслик

учун уйқу олдидан бир пиёла-бир пиёла ароқ ичиб олардик. Озод негадир Тўлепберген билан унчалик келишавермас, иккови тез-тез баҳслашиб қоларди. Хатидаги сал оғир ботиши мумкин бўлган сўзлар ҳам ўша келишмовчиликлар сабабли бўлса, ажаб эмас. Бироқ кейинчалик бари ўзгариб кетди — Тўлепберген шеър ёзаверди, унинг қаламидан дилбар сатрлар тўкилаверди, ўзи эса истеъдоди билан, ўт-оловли шеърлари билан халқимизга танила борди. Бора-бора Озод ҳам Тўлепбергеннинг ашаддий мухлисига айланди. Бўлмасам-чи, Тўлепберген ипакдай минази<sup>1</sup>, ҳалол кўнгли билан покиза туйғулардан иборат асарлар яратар, бу асарлар эса Тўлепбергеннинг биринчи ўқувчиларидан, биринчи танқидчиларидан бўлган Озодни бутқул мафтун этиб ташлаган эди. Тўлепбергеннинг манов сатрларини ўқинг:

*Малоллашсам дўстларим билан,  
Кейин ўзим пушаймон ейман.  
Одамларга озор бергунча,  
Ўзим озор чексам-чи, дейман.*

Инсоний меҳр-шафоат, эзгуликлардан туғилган бундай самимий сатрлар юксак бадиий дилли Озоднинг ҳам қалбини асир олгани, шубҳасиз. Ёки бир шеърда Тўлепберген:

*Дардинг оғир бўлса менга бер,  
Шеърларимни қон йиғлатайин!— дейди.*

Яна бир шеърда ёш шоир одамларни сабр-тоқатлиликка, инсофга, шукроналикка даъват қилади:

*Доим кулаверсак— қолармиз эссиз,  
Доим йиғлайверсак— қолармиз кўзсиз.*

Тўлепбергеннинг бундай халқона, самимий, ҳикматга мойил шеърларини ўқиб, юраги тўлган Озод энди Тўлепбергеннинг шеърларинигина эмас, унинг ўзини ҳам кафтига олиб кўтариб юришга тайёр эди...

Озод дунёдан ўтгач, анча йиллардан кейин Тўлепберген Матмуротовнинг “Яхшилик саройи” деб номланган шеърлар тўпламини ўқиб ўтириб, манов бир шеърига кўзим тушиб қолди:

*Сариқ ранглари суймасдим,  
Сариқ кўйлакни киймасдим.  
Сен суйдирдинг сарғайганинга,  
Шоли отизлари, сўйлагин!*

*Сарғайганин кўриб шолининг,  
Сариқ ранг— пишиқлик дея танидим.  
Тебранишин кўрдим ўзингда  
Амударё тўлқинларининг.*

*Шоли ёзи билан нур эмди,  
Кузнинг куни— сариқ ранг энди.  
Сариқ ранг бу ҳосилга кириш,  
Олтин ранги сариқ кўринди.*

*“Сариқ ранглар— сариқ ваҳима”,  
Деган гапни мен ёддан қувай.  
Мен севаман, шоли отизда  
Соғинч каби сарғайса чирой.*

Шеърни ўқийтиб, бирдан Озодни эсладим. Агар у шу пайтда тирик бўлса-ю, мана шу шеърни ўқиса, худди ёш боладай қувонган бўларди ва: “Садағанг кетайин, ҳалол ошга мавсумий ёндошмай ёки сиёсатсиз-оқ гўзал шеър ёзса бўлар экан-ку. Мана сенга, мавсумий поэзия!”, — деб хитоб қилган бўларди...

—

Озод 1963 йилнинг январ ойида ўша пайтда “Совет Қорақалпоғистони” деб аталган газетага давлат амалиётини ўташ учун кетди. Мен ундан паст курсда ўқиётганим учун Тошкентда қолдим. Поезддан тушган қунидан бошлаб, деярли ҳар куни у менга хат ёзиб турган экан. Ҳозир шу хатларни ўқиб ўтириб, ўжар хулқ-атворли, қайсар, билими билан характери кун сайин ўзгариб, гоҳ тўлишиб, гоҳ парвозталаб бўлиб турган навқирон йигит кўз олдимда гавдаланди. У баъзи хатларида жуда меҳрибон, баъзан эса ҳаддан

<sup>1</sup>Миназ — хулқ-атвор, қилиқ-хосият

ташқари жиддий, талабчан бўлиб туюлади. У менга шу гапларни кўп такрорлар эди: “Маслакдош одамларнинг дўстлиги узоқ вақт давом этади. Маслақларимизни, гоёларимизни ўзгартирсак — дўстлигимиз ҳам сўнади”.

Озодни таърифлаб-тавсифлаб тургунча унинг хатларидан парчалар келтирай, зора, ўша навқирон, пок кўнгилли йигитнинг сўлим туйғуларидан сиз ҳам баҳраманд бўлсангиз...

“1963 йил, 26 январ. Ҳозиргина келиб тушдим. Поездда вақтим кўнгилли ё кўнгилсиз ўтди деб айтолмайман. Беарво ўтириб келавердим.

Ҳозир ўйдаман. Уйнинг кўриниши ўзимга жуда таъсир қилди. Санитария ҳолати жуда тубан... Семашконинг бир гапи бор: “Санитария маданиятисиз умуман маданият йўқ”, деб ёзади у. Бу аччиқ ҳақиқат. Уй қуриш керак. Бизнинг Қорақалпоғистонда умуман кўпчилик уйлар шундай-ку. Ахир, энг асосий нарса — соғлиқ. Инсон бахтининг ўндан тўққиз фоизини соғлиқ белгилайди. Бу гапни юнон файласуфларидан бири айтган. Соғлиқ эса, шубҳасиз, яшаш шароити билан боғлиқ. Мана журналистика, адабиёт кўтариб чиқиши керак бўлган мавзу. Пётр I ҳам ишни шундан бошлаган-ку. Бизга ҳозир маърифатпарварлар керак. Соғлигингни асра, дўстим. Вақтида овқатлан. Тиббий асарларни ҳам ўқиб туриш керак. Менинг ёзган хатларимни йиртиб ташламай, сақлаб қўй. Кейинчалик ўзим сўраб оламан. Ҳали сенга кўп-кўп хатлар ёзаман...”

“1963 йил, соат тонгги 5.00. Шарап, сендан иккита хат олдим. Аввалги хатингга жавобан бир узун мактуб ёзиб қўйган эдим, юбора олмадим. “Жўнатилмаган мактублар” туркумига қўшиб қўйдим.

Кайфиятим яхши. Укам ҳам спорт билан шуғулланаётир. Ҳозир соат тонгги 5.00. Таҳририят топшириғи бўйича бир репортаж ёздим. Тунов кунлари ўзим ўзимдан жуда норози эдим. Ҳозир анча босилиб қолдим. Мақолаларим эълон қилина бошланди.

Яқинда Белинскийни, Герценни қайта ўқиб, қуйидагиларни кўчириб олган эдим. Шулардан парча келтирай: “Бу асарлар сени жуда қизиқтиради. Шунга кўра, сен бошқаларни ҳам шу асарларни ўқишга мажбур қилгинг келади. Бироқ бунинг учун сен ишонтира олиш қобилиятига эга бўлишинг керак”.

Бу қаторлар Белинскийга тегишли. Сен ҳам унинг асарларини топиб ўқи...

Шу кунлари ичимдаги қарама-қаршилиқлар анча босилиб қолди. Уларнинг ўрнини сабр-тоқат туйғулари эгаллаб олаётир. Белинскийни ўқисанг, сен ҳам ўзингни ўзинг яхши таний бошлайсан. Унинг асарларидаги хоҳлаган саҳифангни очиб ўқи, худди кароматли (муқаддас) Қуръони каримдан ўз давдинга шифо топгандай қувонсан...

Герцен айтди: “Санъат ўз гўзаллиги туйғули ҳаёт гўзаллигидан ўзаман, деб талашмайди”. Белинский эса шундай дейди: “Санъат — ҳаётга қараганда... гўзалроқ. Санъатсиз турмуш — ваҳшийликдир”.

Шунда биз қорақалпоқлар киммиз? Биладан, ҳозир сен менга: “Бизда Бердақ бор, Ажзиниёз бор, Аялберген бор, Ибройимлар бор-ку!” деб бақирмоқчи бўлаясан. Белинский юқоридаги гапларни айтганда, русларда ҳам Державин, Карамзин, Фонвизин бор эди, ҳатто Пушкин ҳам ижод қила бошлаган эди. Бироқ шуларга қарамасдан Белинский хитоб қилади: “Бизда адабиёт йўқ, фақат китоб савдоси бор, холос!”

Ўқи, ўқи дўстим, Белинскийни ўқи! У — улкан наставник (устоз)...

Сўнги ёзган нарсаларингни юбор.

Кўришгунча хайр!..”

“Шарап, хатингни почтадан бир-икки кун ўтказиброқ олдим. Ҳозир манови мақолани ҳам қўшиб юбораялман. Саноат бўлимидан ёзилган эди.

Бўлим бошлиғи ҳаммавақт қоюғини уюб юради. Мана шу мақолани ўқиб, сал чиройи очилди. “Ёзсангиз, мана шундай қилиб ёзинглар!” деди бошқаларга. Мен, бу очерксимон мақолани қисқартиринг деб қўлига берган эдим. Бўлим бошлиғи, бунақа мақоладан жой аямаймиз, деди. Сени кўришга, сен билан суҳбатлашишга шошилаялман, дўстим. Манов гапни ўқи: “Истеъдод — кўрқоқлик, кичкинагина ишнинг олдига ўзингни оғиз сезиш. Бироқ сиз шу ишдан қанча кўрқсангиз — унинг аҳамиятини шунчалик теран англаган бўласиз. Шунинг натижасида эса кичкина ишдан катта натижалар чиқади!” (О. Бердишев. 15 май. Ҳамкасблар билан баҳсда айтган фикрларимдан).

Мен Нукусда бошқа ҳамкасбларимда ўзимга нисбатан ишонч тўғдираялман... Сен эса мени ўйлаб безовта бўлаялсан, биладан. Бу мақоламни ўқиб озгина юпанарсан, деб юбораялман. Мақтанмиш учун эмас, дейишим ортиқчадир. Ўзингга ишонмиш ҳам — бу мақтанчоқлик. (Ўзим).”

-7-

Озод ҳар хатида менга топшириқлар бериб, “фалон мавзуда мақола ёз, шеър ёз, ёзганларингни менга юбориб тур!” деб қамчиларди. “Ўзинг бир амалиёт ўтаб юрган талабасан-у, худди газетанинг бош муҳарриридай буйруқ бериб гапиршини қаранг-а” деб, мен ичимдан гижиниб қўяман. Рост-да, бунчалик кўкракка уриб гапирди бу йигит?

Бир кунни қуйидаги мазмунда бир абзац хат келди:

“Сен кетганингдан буён адабиёт бўлимида ишлаб юрибман. Мен келганда бўлим мудири йўқ эди. Бугундан бошлаб Набий Бурекешов мудир бўлиб тайинланди. Бир марта

сўхбатлашгандаёқ одамгарчилигига тан бердим. Одам билан шундай мулоҳим муомала қилади. Лекин жуда принципли. Шундай мудир билан ишлашсанг экан...”

Бошқа бир хатидан:

“15 октябрда Лермонтовнинг 150 йиллиги нишонланади. Биламан, сен Лермонтовни севиб ўқийсан. Шу шоир ҳақда бир нарса ёз. Қўлами 100-120 қатор бўлсин. Таассуротларингни қаламга ол. Хўп, энди, яна бир топшириқ. Бошқа ёзганларингни ҳам кўшиб юбор. Яхши нарса ёзолмаяпман деган баҳонангни ташла! Юборавер. Ёзавер. Ёз-да, менга юбор. Кўп-кўп ёз”.

Яна бир хатдан парча:

“63 йил. Баҳор. Сенга хат ёзган эдим. Нега жавоб қайтармаяпсан. Ижара уйлариң қалай? Сенлар яшайдиган уйлариңни жуда ифлос тутасизлар. Бундай қилманглар, супуриңг, озода тутинглар. Соғлиғиңни эҳтиёт қил. Пулдан қийналмаяпсизларми? Сенга ёрдам бералмаганимдан хижолатдаман...”

Бу хатни уйда ўтириб ёзаяпман. Китоб ўқиётганим йўқ. Тўхтовсиз ёзаяпман. Бироқ баъзан ёзаётганларим аҳамиятсиз кўриниб кетади-да, ўрнимдан туриб кетаман. Утган йил ёзиб қўйган бир-икки нарсамни йиртиб ташладим. Албатта, бошқаларнинг диққатини тортмасам ҳам, шу ёзганларим сен учун қизиқарли туюлиши аниқ. Сабаби, мен қанчалик ёмон ёзсам, бу сен учун шунчалик яхши. “Кўлингдан ёзиш келмайди-ю, яна бошқаларга гап ўргатасан!” деб бақиршиңг учун ажойиб баҳона бўлар эди.

Қанча экан юлдузлари осмонниң?  
Неча ҳовуч экан ернинг тупроғи?  
Мениң ҳамда ҳар азамат йигитниң  
Ватанидан, онасидан, халқидан  
Қанча экан, қанча экан қарз-фарзи?

Бу ёзганларим— шеър эмас, ўзимниң ўзимга айтиб юрадиган онтим. Сенга бошда кўп нарсаларни ёзмоқчи эдим, бироқ, негадир совиб қолдим. Шунинг учун хатини тамомлаяпман. “Хайр” деган сўз мени жуда хафа қилади...”

-8-

Ростини айтганда, ўша йиллари мен учун Озоднинг ҳар бир хати қизиқ эди, ибратли бир ҳикоядай ўқиларди.

-9-

Озод иккаламиз Тошкентдаги деярли барча театрларда, музейларда бўлганмиз. Алишер Навоий номидаги опера ва балет Академик катта театрида ҳам бўлганмиз. Яна бунга қўшимча, Тошкентдаги театр-рассомлик институтига ҳам қатнардик. Уша йиллари бу олий санъат даргоҳида Нажиматдин Ангатбоев, Дусберген Ранов, Олтмишбой Қайилов, Тилепбой Кўчқоров сингари бир қанча истеъдодли қорақалпоқ ёшлари таълим-таҳсил олди (ҳозир уларнинг ҳаммалари “халқ артисти” ёки “хизмат кўрсатган артист” деган фахрли унвонларга эга). Қорақалпоқ йигитлари институтда ўқитиладиган фанлардан имтиҳон топширгудай бўлса, бизлар Озод билан бориб, уларга муҳлислик қилиб турардик. Ажаб, юртдошлик туйғуси экан-да бу ҳам. Ҳам уларга далла бериб, олқишлаб тураимиз, ҳам монологлар, шеърлар эшитамиз, қўшиқ эшитамиз, рақс томоша қиламиз, спектакллардан узундилар томоша қиламиз, пантомималар... Ёшликниң ёрқин, унутилмас хотиралари мана шу жўраларимиз билан боғлиқ ҳолда кечар, ҳатто бу театршунос талабалар билан шеър дикломация қилиш, бадий асар талқини, талаффуз маданияти, актёрлик маҳорати бобида баҳс-мунозараларга ҳам киришиб кетардик. Саҳна сирларини ўрганиш, драматик асарлар моҳияти ҳақида сўхбатлардан ўзимиз қанча лаззатлансак, адабиёт ва тил, бадийят ҳақидаги мулоҳаза-ю мунозаралар ҳам бўлажак актёр дўстларимизга шунчалик наф келтирарди.

Юқорида эслаб ўтдим, театр ёки музейларга борганимизда, айниқса, Санъат музейидаги асарларни томоша қилиш асносида Озоднинг фикр берувчи, мулоҳазага ундовчи гапларига кўп гувоҳ бўлардим. Масалан, рассомларнинг катта-кичик полотноларини томоша қилиб турсак, Озод қулоғим остида: “Манов суратда динамика (суръат) етишмаяпти” ёки “Суратдаги бўёқлар ранги портрет қаҳрамонининг ички дунёсини очмаяпти”, деган каби сўзларни шивирлар, бу каби танқидий мулоҳазалар, шубҳасиз, бадий асарларга баҳо беришда тушунчаси энди шаклланаётган мен каби талаба учун янгилик бўларди. Мен эса билмаганимни сўраб олишга орсинармидим ёки уялармидим, билмадим, ҳар ҳолда танқидий мулоҳаза билдираётган Озод билан тезда баҳсга киришиб кетавермасдим. Айтайлик, рассом табиатдаги энг гўзал қушни асарда худди ўзи каби тасвирлаган. Иккинчи бир суратда шундай бир қуш шиддатланиб, учиб кетишга ёки хужум қилишга таралдуланиб турибди. Қушнинг мана шу туришида шиддат, ҳаракат бор, бу ерда қуш образи жонлантирилган — асар динамикаси шу. Энди, мана шу иккала суратдаги қушнинг қиёфасини рассом қандай қилиб чизган — тирик қушга қараб туриб чизганим ёки музейларда қоқланиб турган жонсиз, мўмиёланган қушга қараб чизганим — буниси томошабин учун номаълум. Гап шундаки, Озод суратларни

томоша қилаётиб, мана шу каби майда-чуйда, икир-чикир бўлиб кўринган жиҳатларга ҳам эътибор берар, рассом йўл қуйган нуқсонларни ёки унинг маҳоратини дарров илғаб оларди. Овулда — пайпоқ топмай, кирза ботинкаларни яланг оёқ кийиб кетаверадиган, камбағал оилада ўсган бола бу каби билинар-билинимас, кўз илғамас нъюансларни қандай илғади, қандай қилиб мушоҳада қила олди экан? Ахир, Тошкентга келганига энди икки-уч йил бўлди, шу кичкина муддат мобайнида қандай қилиб етук томошабин даражасигача ўсиб чиқа олди — Озоднинг бу каби фавқулудда истеъдод қирраларига ҳайрон қолмасликнинг иложи йўқ эди...

-10-

Уй архивимдаги сарғайиб кетган хатларни кўздан кечириб ўтириб, улар орасида талабалик давридаги дўстим Олтимышбой Қайиповнинг ҳам учта хатини топиб олдим. Олтимышбой дўстимиз Мўйноқдан эди. Театр-рассомчилик институтининг режиссура факультетига Нажиматдин Ансатбоевлардан бир йил аввал кирган. У ўша йиллари театр режиссураси соҳаси бўйича ўқишга кирган бирдан-бир қорақалпоқ боласи эди. (Гапимнинг давомини ҳам айтиб қўяқолай: Олтимышбой институтни битириб келди, атоқли теледиктор қиз Бийбихатича Қайипова (Ўтениёзова) билан турмуш қурди, икковлон 40 йиллар бирга ишлаб, телевидение соҳасида ноёб мутахассислар бўлиб етишдилар, Қорақалпоғистонда телевидение санъати ривожига улкан ҳисса қўшдилар).

Олтимышбойнинг хатлари жуда узундан-узоқ ёзилган, яхшиси, унинг орасидан Озод Бердишев шахсига тегишли бўлган жойларидан парча келтириб ўтақолай:

*“Ассалому алайкум, Шарап жўра!*

*Тошкентда талабалик йилларим кўз очиб юмгунча ўтди-кетди. Уч йил шундоқ тез ўтиб, тўртинчи курсда ўқиётган пайтимида сизларни учратиб қолдим — бу учрашув мен учун асло унутилмайдиган воқеа бўлди... Сизлар билан суҳбатлашиб бўлгач, ўйлаб қарасам, мен бутунлай ортда қолиб кетган эканман. Озоднинг айтган гаплари ҳали ҳам қулоғим остида жаранглайди: “Сен, дўстим, 4-курсда ўқийсан. Демак ҳозир бизлар билан театр санъати ҳақида, адабиёт ҳақида твртишиб, баҳслашиб турадиган вақтинг” — деган эди у. Мен ўшанда ростдан ҳам алвираб, шошиб қолдим. Кўп вақтимни бўш ўтказиб, ўқийдиган нарсаларни ўқимай, фурсатни бой берганимни сезиб қолдим.*

*... Тўғриси айтиладиган бўлсам, Шарап жўра, мен ҳозир ҳам сизларнинг ёнингизда алвираб қаламан, ўзимни тополмайман, кўп асарларни ҳалигачаям ўқимаганлигим билинади-қолади. Айтмоқчи, Озоднинг Нукусда ёлғизсираб юрганидан асло хабарим бўлмади. Сабаби, мен овулга эртароқ кетиб қолган эдим. Агар бизлар соғ эканмиз, сизлар соғ экансиз, Озодни асло ёлғизлатиб қўймаймиз. У болани қўлимиздан келганича авайлаб-асрашимиз керак (бу менинг чин дўстона сўзим). Айтгандай, бу гапларни Озоднинг ўзига айтиб юрма...*

*Бир кун Тилеббой билан Озоднинг ўйига қидириб бордик. Озод Нукусдан келган газета-журналларни ўқиш учун кутубхонага борган, шу ердан энди келиб турган экан. Нима қилибди де, газета-журналларни ўқиб, ўзига маъқул бўлган фактларни, шеърларни кўчириб олибди. Бизларга ҳам манави шеърни ўқиб, сўнг кўчириб берди. Муаллифи Жўлдосбой Жиемуротов. Мана ўша шеър:*

#### Чигит

*Бир унумдор чигит аслида  
Минг-миллион чигит ичида  
Аралашиб ётгандай бадар,  
Жон-юрагим гавдамда ётар.  
Атрофда халқ, тўп-тўп оломон,  
Мен-чи мавҳум бир жонман ҳамон.  
Ҳўш, чигит-чи, пайти етган дам  
Узоқ ётмас қоп ичра у ҳам.  
Кун келади, тупроққа тушар,  
Танда ҳаёт нафаси жўшар.  
Кенг ҳавога ёйиб қучоғин,  
Ёриб чиқар замин тупроғин!  
Ва ҳисобсиз ғўрак салажак,  
Ғўраклари момиқ бўлажак!  
Кип-кичкина чигитдан униб,  
Шунча неъмат чиққанин кўриб,  
Бир пас ҳайрон қолиб қарарсан,  
Сен чигитни севиб қоларсан...  
Мен ҳам ҳозир шу чигит каби  
Номавлумман кўп ичра ҳали.  
Юриб-юриб халқ билан бир кун,  
Улуғ ишлар қилишим тайин.  
Ўша дамда мен ҳам, албатта,*

<sup>1</sup> Қидириб бормоқ — меҳмонга бормоқ



*Шеърни авайлаб-асраб қўйдим, ёдлаб олдим. Бир кун бизлар ҳам мана шу шеърда тасвирланган чигит каби улуғ ишлар қилармиз, шунда биз ҳам бекор яшмай, халқ ёдида қолғудай хотира қолдирармиз, деган умидим бор, Шарап жүра!*"

Олтмишбой дўстимнинг хатида келтирилган мисолдан кўриниб турибди, Озод ўзининг руҳига, кўнгиб саройига яқин бўлган асарларни, орзу-армонларига ундош бўлган шу каби шеър борми, ҳикматли сўз борми, цитата ёки фактми, кўчириб олар, ёдлаб қўяр, дўстлар давраси ё учрашувларда ўқиб бериб, тарғиб қиларди. Бўлмаса, шу муаллиф ким эканини ҳозир мен ҳам, Олтмишбой ҳам билмаймиз. Бизлар фақат мана шундай ҳаётбахш, руҳпарвар асарларнинг қули бўлиб ўсганмиз. Шунинг учун ҳам, асар муаллифи ҳаваскор шоирми, мумтоз шоирми — бизларга барибир эди.

Бу — Озоднинг адабиётчи, журналист, зиёли қалб сифатида яшаш тарзини кўрсатувчи биргина мисол.

Олтмишбой дўстимиз ҳақида гапирадиган бўлсак, у — ҳар тарафлама саводли, ўз касбининг устаси даражасигача етган ноёб режиссёр. Унда ҳам Озодга ўхшаб кетадиган, ўз гоёлари, орзу-ниятлари йўлида тинмай қурашадиган хулқ-атвор бор. Мен 1978-1983 йиллар Қорақалпоғистон телевидениесини бошқарганимда Олтмишбой телевидениенинг бош режиссёри эди. Учрашиб қолган пайтларимизда ҳозир ҳам телевидениенинг спецификаси, ижод ва бадий маҳорат бобида баҳслашиб тураимиз. Ҳозир Олтмишбой имтиёзли нафақада.

-11-

Олтмишбойнинг хатлари ҳақида гап кетяпти-ку, келинг, унинг мактубларидаги баъзи қизиқарли ўринларни ҳам шу ерда келтириб ўтақолай, баҳонада унинг телережиссура устаси бўлиб етишиш йўлида чеккан заҳматлари борасида ҳам антиқа гаплардан хабардор бўласиз. Мактублардан саралаб олинган бу парчалар ёшларимиз учун ҳам қизиқарли бўлиши, шубҳасиз, ахир, олтмишинчи йиллар талабалари институтда ўқиш билан бирга, яна нималарни мутолаа қилишгани, ўз касбларининг сир-асрорларини эгаллаш йўлида қандай машаққатларга дуч келганлари — қизиқ гаплар-ку...

*"Шарап жүра, менда ҳозирча ўзгартиш бор-ўққлиги сезилмаётир. Театр режиссурасининг назарий асосларини ўрганиш билан бандман. Германияда бир санъат реформатори бўлган экан, эшитдингми-ўққми — Бертольд Брехт деган одам. Ҳозир шу одам ҳақида ўқиялман. Брехт баъзи ўринларда Станиславский системасини бутунлай тан олмайди, ўзи алоҳида назариялар ишлаб чиқади. Бироқ, бунинг охири нима билан тугар экан — мана шунисига кўзим етмаяпти. Ҳали ўқиб тугатганимча йўқ. Китоб жуда қизиқ.*

*Нажматдин, Дусберген, Тилеббой, Озод, Зиналлар шу ойда Нукусда амалиёт ўташ учун боришади. Нукусда бўлсанг, шу болаларни матбуотда бир қўллаб юборинглар. Озодга ҳам шуни айт. Салом билан Олтмишбой, 10 сентябрь, 1964 йил".*

*"Ҳозир уйдаман (Олтмишбойнинг уйи Мўйноқдаги Марат колхозида эди). Денгизга бир тушиб чиққочман, сўнг 20 августларга Нукусга ўтиб, сизларни кўраман.*

*Нима ўқиясан, дейсанми? Яқинда Фейхтвангернинг "Гойя" романини ўқиб чиқдим. Китоб — қисқача айтганда, гўзаллик ҳақида. Бу романини тасвирий санъатга яқин одам ўқимаса — бошқа одам тушуниши қийин. Бир қарасанг, ёзувчи рассомлар турмушини худди натуралистарча таърифлаётгандай кўринади, сал теранроқ тикилсанг — реализмнинг нақ ўзи...*

*Гетенинг "Фауст" трагедиясини ўқидим. Ўқиб ўтириб, Федор Шаляпиннинг Мефистофель ариясини куйлаган ёзувлар ёдимга тушди. Бу, албатта, опера. Мана, истевдод кучи, мана, оригинал перевоплощение!*

*Сен Лермонтовни, "Замонамиз қаҳрамони"ни ўқиётган экансан. Бу — албатта, иккинчи марта ўқишинг бўлса керак. Печорин сиймосини мақтаб ёзибсан. Менинг билишимча, сен муаллифнинг образларни деталлаштираш маҳоратидан ҳайратланган бўлишинг керак. Тўғри, "у одамнинг ўзи кулса-да, кўзи кулмасди", дейди муаллиф. Ана энди, шуни актёрларга саҳнада ижро қилиб кўрсат, десанг — алвираб қоладилар. Лермонтовнинг даҳолиги — мана шунда...*

*Сенинг радио ҳақида айтган гапларинг тўғри. Бизнинг дикторларимиз махсус "Нутқ маданияти" деган фанни ўқиган-ўқимаганини худо билади. Театр институтида бу асосий фан.*

*Мен яқинда радиодан Айтбой Бекимбетовнинг "Қураш" романи бўйича ишланган инсценировкани эшитдим. Бу, аввалги инсценировкаларга қараганда ташкилий жиҳатдан сал тартибли тарзда ўтди. Минг афсуски, (шарҳ) речитатив сўзларни ўқиган одам воқеа мобайнидаги атмосферани бера олмайди, қуриб кетсин. Камбағал боланинг роли ҳам унчалик чиқмади.*

*Айтмоқчи, яқинда Нукусдан театр келиб, "Жон қизлар" ва "Чевархоннинг чирмовуғи" пьесаларини намойиш қилиб кетди. Ол, бола, артистларга жуда ачиндим. Бечоралар, на декорация бор, на рангли жиҳоз бор, яп-яланғоч саҳнада чирқираб-чирқираб уйнашди. Бошидаги битта кўринишни томоша қилдим-у уялганимдан чиқиб кетдим. Бу истевдодни хўрлашдан бошқа нарса эмас...*

*Озод ҳали ишга жойлашмагандир? Сенинг изингдан бориб, кетганини билиб, хотиржам*

бўлдим. Дўстлик дегани шу бўлса керак...

Кўп сўзлавордим, хайр, дўстим. Салом билан, Олтмишбой. VIII. 1964".

-12-

Мен 1965 йилнинг март ойида Нукусда, "Ёшлар" газетасида адабий ходим бўлиб ишлаб бошлаганимдан кейин Озод билан бирга унинг оғаси Бердақ Бердишевнинг ҳозирги Дўстлик кўчаси 30-уйида бирга турдик. Ишга бирга чиқиб, бирга қайтардик. Ёшлик орзу-ниятлар, баҳс-мунозаралар билан тунларни уйқусиз ўтказамиз. Овқатлансак ҳам, ўтириб турсак ҳам бирга эдик. Қаерга борсак бирга борамиз, нима иш қилмайлик бирга қиламиз, ҳамиша бирга, бирга... Вақт ўтиши билан ўйлаб қарасам, Озод ўзининг аввалги жиловланмас эркинлигидан, ўжар хулқ-атворидан, ихтиёридан айрилиб, кундан кунга сўниб бораётгандай, ўзи хоҳлаганча юра олмай, ўқий олмай қолгандай туюлди. Бунга ўзимни сабабчи деб билдим. Менинг ўзимга ҳам қушдай эркинлик керак, мен ҳам ўзим хоҳлаган вақтда ўқиб, ўзим хоҳлаган вақтда бошқа ишларимни қилишим керак, яъни, ўз ихтиёримдан воз кечмаслигим лозим. Озод эса сир бермасликка тиришар, демак, гапни биринчи бўлиб ўзим бошлашим керак эди...

Шундай қилиб, мен ижарада яшаш учун бошқа хужра излай бошладим. Бироқ, барибир Озоднинг тўғри сўзли, соддадил онаси Бибигул опа ҳам, биздан ёши катта бўлгани билан, худди дўстимиз каби бўлиб қолган Бердақ оға ҳам, жайдари инсон Зубайда янгамиз ҳам дам олиш кунлари сал кечиксам, мени уйларидан ичкиби кутиб ўтирган бўларди.

Озод, неча марта учрашсанг, шунча марта қизиқ-қизиқ, оригинал, кулгили гапларни топиб айта оладиган йигит эди. Эҳ, аттанг, ундан эртароқ айрилиб қолишимизни билганимда борми, унинг гапларини ёзиб олиб қолмасмидим? Онаси Бибигул кампир (жойи жаннатга бўлсин) жуда бир художўй инсон эди. Гоҳо тонг азонда ухлаб қолган бўлса, намозни кун ёйилиб кетгандан кейин ҳам ўқийверарди. Бир куни эрталаб чой ичиб ўтирсак, Бибигул онамиз ёнгинамизга жойнамозини ёзиб юборди-да, намоз ўқий бошлади. Шунда Озод эшиттириб:

— Бизнинг кампирнинг осмондаги ёшуллилар билан бир алоқаси бўлса керак, — деди. — Тонг намозини чошқада ўқиса ҳам, буники қабул...

Бу гапни эшитиб, ҳатто намоз ўқиб ўтирган кампирнинг ўзи ҳам кулиб юборгандай бўлди.

Озод икковимизнинг ҳам яхши кўрадиган овқатимиз — палов эди. Бунин билган Зубайда янгамиз мен келадиган кунлар паловга тайёргарлик кўриб кўярди. Паҳлавон гавдали эр йигитнинг олдидан товоқ бўшаб чиқмасинми, бунақа пайтларда Озод яна гап топиб:

— Мен палов ейишни тўйганимдан эмас, уялганимдан кўяман, — дерди. Янгамизга эса, товоқни узатаётиб:

— Товоғинг тақдир бўлди, — деб кўярди.

Паҳлавон деганимдан кейин эсимга тушди, бир куни Бердақ оғанинг ҳовлисида яна бир-икки хона хужра тикланадиган бўлиб, юк машинада тупроқ ташидик. Юк машинасини тупроқ билан тўлдиришимиз керак, Озод эса машинага биттагина белкурак ташлади.

— Мен-чи, — дедим унга. — Мен учун ҳам бир белкурак олмаймизми?

— Сен ёнимда туриб сўзларимни тингласанг, вақти-вақтида гапимни бўлиб, гапга аралашиб турсанг бўлди, бунақа қора юмушларни менинг ўзимга кўявер, — деган эди шунда Озод.

У туни-куни тоққа уланган ҳолда тўхтовсиз ишлайдиган аппаратга ўхшаб ишлаш, ўқиш, тафаккур қилиш қобилиятига эга, одамнинг хаёлига келмайдиган нарсаларни, ўхшагишларни ўйлаб топар, цитата (иқтибос)лар келтирар, гўё осмонни ҳам ерга икки энлик тушириб кўя оладигандай шаҳду шиддати бор эди. Талабалик йилларидан биламан, баъзан бутунги гапи кечаги гапига мос келмай, ҳатто қарама-қарши келиб қоладиган даражада ғалати чиқиб қолар, яъни, бу ўша — ҳамиша фикрловчи, ҳамиша янги гап излаб топувчи, ҳеч қачон бир жойда қотиб туриб қолмайдиган Озод эди.

1968 йил Тошкентда бир ойлик курсда ўқиди. Мана ўша пайтда ёзган хатидан бир парча:

*"Дўстим, хатингни олдим. Сенга икки марта хат ёзган эдим, аттанг, йиртиб ташладим. Ўша хатларни ширтмай манавига қўшиб юборганимда, менинг фикрларим кун сайин ўзгариб турганидан воқиф бўлар эдинг. Бу— менинг фикр-мулоҳазаларим кун сайин ўсиб бораётганидан эмас, албатта. Балким зеркиб қолган пайтларда, ҳовлиқиб қолган ёки умидсизликка тушган пайтларда ёзилганидан бўлса керак... (Озод бу ерда камтарлик қилаяпти, аслида эса унинг тафаккури, фикрлаш доираси кундан-кун кенгайиб, ўсиб борарди). Ўша хатнинг давомида шундай сатрлар бор: "Сен билан бақаришиб, баҳслашаверганимга ўпкалаб юрма. Майли бақаришмасдан, баҳслашмасдан кўрайлик-чи қани, шунда дўстлигимиз яхшироқ бўлармикин? Бўлмайди. Бунақа дўстлик— хушомадга айлланиб кетади. Бировимизнинг хато-камчилигимизни иккинчимиз сезиб турсак-у, айтмасак, "ҳурматлаб-сийлаб" тураверсак— шу дўстликми? Ҳақиқий дўст бўлган одамлар орасидан ўзаро муносабатларда педагогичность<sup>1</sup>, тактичность<sup>2</sup> деган гаплар бўлмайди, булар ҳақиқий дўстларга ярашмайди..."*

<sup>1</sup>Бу ерда, ортиқча одоб-ахлоқлилик маъносидда.

<sup>2</sup>Бу ерда, ортиқча назокат маъносидда.

*Уйлан, дўстим, тезроқ уйлан. Сен бахтли бўласан. Тўйингда мулозим бўлиб, одоблигина бўлиб ўтираман. Рафиқангни ҳурмат қиламан... Тошкент, ноябр, 1968...*

-13-

Озоднинг гапими-я шу? Шу йигит тўйда, зиёфат-маъракаларда жимгина, одоб сақлаб... ўтира олармиди ўзи? Нотаниш жойларга борганда ҳам дастлаб унсиз, жим ўтирарди-ю, сал вақт ўтиб, кимнинг ким эканини билиб олганидан кейин, ё менга имо қилиб, зиёфат жиловини қўлимга тутқазар, ёки ўзи лидерликни қўлга оларди. Оғзиндан чиқадиган ҳар бир гапни жон қўлоғи ила тинглашга, ҳикматли гапнинг маъносини чақишга тайёр турганлиги боис, беҳуда гапларни сира айтмас, аксинча, ақлли-доно одамни сўзидан пайқаб, дарҳол унинг атрофида гирдиқапалак бўларди.

Уйлаб қоламан, мабодо бирор расом Озоднинг портретини яратмоқчи бўлса ёки қайсидир бир ҳайкалтарош унинг ҳайкалини тарашлайман деб қолса, Озоднинг бир қўлига китоб тутқазиб қўйсагина одил иш қилган бўлади. Сабаби, унинг қўлида ёки қўйин чўнтагида ҳаминша китоб бўларди. Қайси театрда нима қўйилаяпти, қайси музейда қанақа экспонат бор, қайси кутубхонага қандай янги китоб келди — Озод ҳамма-ҳаммасидан хабардор эди.

Яқинда атоқли муаррих Иброҳим ал-Байҳақийнинг асарини ўқиб ўтириб, китоб ҳақидаги манов фикрига дуч келдим: “Бу совға сарф қилганинг билан тугаб қолмайди; фойдаланганинг сайин баҳоси ортавереди; уни бировга бериб турсанг, давлатинг камайиб қолмайди; у ҳеч қачон эскирмайди; куни-туни сен билан бирга, уйда ҳам, йўлда ҳам ҳамдам-ҳамнафас; у дунё-бу дунёда ҳаминша яхшилик олиб келади; у — дўстинг, ёрдамчинг, сеvimли суҳбатдошинг ва содиқ ҳамроҳинг...” Шуларни ўқиб ўтириб, Озодни эсладим. Агар у тириклик чоғида шу сўзларни ўқигандами — уйининг манглайига катта-катта ҳарфлар билан юқоридаги ҳикматли сўзни ёздириб қўйган бўларди, деб ўйладим. Сабаби, у умрининг охиригача мутолаани тўхтатган эмас.

*“1963 йил, 13 апрель. Кун бўйи аёз бўлиб турибди. Сенга 10 кундан бери хат ёзолмаганим учун хафа бўлгандирсан. Иш кўпайиб кетди, қуйида айтиб ўтаман.*

*Юборган рўмолни олдик, уйдагилар жуда қувониб қолишди. Бироқ мен сенга, ортиб қолган пулни қайтариб юбор, деб айтган гапимга энди уялаяпман. Мен сени уйдагиларга кўпам мақтамайман-у, оғам ҳув боягида факультетда сени учратган пайти яхши бола эканингни билиб олибди. Қайтишни сўраганимга келса, сенинг ҳалол бола эканлигингни уйдагиларга айтиб, ҳайрон қолдирмоқчи эдим, холос. Тушунгандирсан...*

*Кеча таҳририятда бўлган летучкада обзорчи эдим. Газетанинг ўтган ҳафтадаги бешта сонини шарҳладим, ҳеч қайси сонини мақтамадим. Бош фикрим— газетачилик ишини бунчалик ерга уравермайлик, журналистнинг ор-номусини қадрлайлик, деган гап бўлди. Ҳамма маъқуллади! Бироқ ўзим амалиёт ўтаб юрган бир талаба бўлганим учун, бироз кўрқдим. Сабаби ўзимнинг ёзганларим— мана шу айтган фикрларимга мос эмас.*

*Мақола ёзиш қийин. “Қаҳрамон” билан гаплашсанг, ҳеч нарса айтолмайди. Борган жойингда раҳбарлар, мухбир экан-ку бу, деб менсигиси келмайди. Ҳаттоки, “корреспондент” деб кулади... Кулишларида ҳам жон бор, мухбирларнинг ёзганлари уларнинг киноялаб кулишига арзийди. Амалиёт мен учун катта сабоқ бўлаяпти, кўп нарсаларни ўрганапман. Раҳбар бўламан ёки ёзувчи бўламан, ходим бўламан деганларга мухбирлик кўп нарса беради экан, агар бўлсанг...*

*“15 кун бўлиб қолди, Камол Худойбергенов бир очерк ёз деб топшириқ берган эди, ёзиш жуда қийин бўлаётир. Нукусда уйим йўқ. Шароит йўқ. Укам беш кундан бери уйда касал, қизилча чиқиб ётибди. Кечаси билан навбатма навбат кўтариб чиқамиз. “Қайров’да ёлғиз ғўз каби кетсам дейман ўз эркимга улоқиб...” Шароит йўқ!!! Сен менга, матбуотда катта-катта нарсаларинг билан кўриниб қайт, дейсан. Арзигулик нарса чиқара олмаётганим ўзимга ҳам ботади. Одамлардан уяламан. Назаримда улар: “журналистикада бекор ўқияпти-да шу бола. Ана, қайтанга ўқимаганлар катта-катта мақолалар ёзаяпти, бу бола эса кичик хабар ҳам ёза олмас экан” деб айтаётганга ўхшайди. Менинг баъзи жўраларим (шулар қатори, сен ҳам!) мени ёзишга йўқ, фақат сўзласа бўлди, бу журналист эмас, танқидчи бўлади”, — деб ўйлашади. Йўқ! Бундай эмас! Сира бундай эмас! Мана шунақа ўй-хаёллар мени жуда қийнайди. Мен барига чидайман. Қаламкашлар— жафокаш халқ бўлади, шундай эмасми? Утирикми ё шу?*

*“Ёзувчилар— роҳат истар”,  
Деган ғийбат гап эскирган.  
Шеър тўлғоқдай ёмон қистар,  
Гувоҳ ўзинг,  
Ирпень! Ирпень!*

*Талай дўстлик, парвоналик  
Бошланади ушбу ердан.*

<sup>1</sup> Қайров — кушларнинг қўнимғоҳи

*Ёзувчилар— жафокаш халқ,  
Утирикми шу,  
Ирпень! Ирпень!  
(Ибройим Юсупов. “Ирпень” шеърдан, 1960 йил)*

Мен қанча кеч ёза бошласам— адабиётни шунча чуқур тушунганим. Сенинг мендан аввал кўзга тушишинга ҳам, катта одам бўлишинга ҳам ишонаман, жон дўстим. Сен шоирлик деган балоза дуч бўлдинг, энди бундан қутила олмасанг керак. Сен албатта шоир бўласан. Буни сенинг ёзган шеърларингга асосланиб айтаётганим йўқ. Сенинг ўзингни, кўнглингни яхши билганим учун айтаятман. Мен адабиёт ва санъат бўлимида ишлайман. Кўпгаб шоирларнинг шеърлари қўлимдан ўтади. Бироқ сени бу ҳаваскор шоирларга қиёслаб бўлмайди. Аттанг, сен фалсафани чуқур ўқимагансан, шунинг учун шеърларингнинг бадиияти, қиймати паст. Сен энди ўқув программасини кутиб ўтирмай, ўзинг фалсафа асосларини мустақил ўқиб бошла. Бунинг аҳамиятини сенга узоқ тушуштириб ўтиришга ҳожат йўқ.

Сенинг шу кунларда қанчалик қийналиб юрганингга мен ҳам қийналаман. Бироқ бундан қувонаман ҳам. Қийинчилик одамни доно қилади, қийналсанг— ҳаётни чуқур тушуниб етасан, ақлинг киради, бошқаларга меҳрибон бўласан.

... Ёзувчилар— жафокаш халқ бўлади.

Ё ўтирикми шу?

Саломатлигингни ўйла, дўстим, даволаниш учун Нукусга келмоқчи бўлсанг, бу ҳақда конкрет ёз. Кўриб юрибман, бу ерда ҳам яхши марказ, мутахассислар бор. Ўқшингни институтга ўзгартира олишинга ишонсанг— қайтганинг маъқул. Муҳими, кўп қайгураверма, соғлигингга таъсир қилиши мумкин. Овулда қайт!

Менинг стипендияларимни ололсанг— тезроқ юбор. Стипендия чиқмай қолса — бориб деканнинг ёқасига ёпиш! Агар ўша пуллар қўлингга тулиқ тегса, хоҳлаганингча олиб қол. Мен овулдаги одамман-ку.

Сенга шундан бошқа ёрдам бера олмайман ҳозир”.

Халқимизда “туғишганинг бўлмаса — худодан, дўстинг бўлмаса — ўзингдан кўр” деган гап бор. Озоднинг “ичимдагини топ” деган хулқ-атворига кўра, талабчанлигига кўра, у билан алоқ-чапоқлашиб, кўникишиб, узоқ йилларга дўст бўлиб кетиш осон эмас эди. Шулар сабаб бўлдими, унинг дўстлари кўп эмасди. Битта овулда туғилиб-ўсган, университетнинг филология факультетини бирга битирган, кейинчалик жуда теран билимли олим бўлиб етишган дўстимиз Абдукарим Пирназаров (жойи жаннатда бўлсин) билан ҳам кўп борди-келди қилавермасди. Мен Нукусга келгач, Озодни ўзимиз қатори кўпгина ўқимишли, илмли йигитлар билан таништирдим. Шулар орасида Роллан Нажимович Давқораев, ҳозир Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган врачлар — атоқли хирург Шукрулла Алимов, биринчи нейрохирург Жаримбет Оллониёзов, филология фанлари доктори Юнус Пахратдиновга ўхшаган бир қатор истеъдодли йигитлар бор эди. Озод бу танишувлардан хурсанд бўлди, “Сен доимо яхши йигитлар билан дўст бўласан” дерди у. Озод айниқса Шукрулла билан жуда қалин дўст бўлиб қолди. Шукрулланинг касби шифокорлик бўлгани билан, у ёшлигидан Шарқ мумтоз шеърлигига меҳр қўйиб ўсган эди, ислом дини, тарихи билан чуқур танишган, гапларининг орасига пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларини қўшиб гапирадиган Шукрулла Озодга жуда маъқул тушди. Шукрулла улуғ туркман шоири Махтумқули билан донгдор замондош шоиримиз Ибройим Юсупов шеърларини ёддан айтарди. Узиям ҳаётнинг турли соҳасига оид ҳикматли сўзларни, ибратли ривоятларни жуда кўп биладиган, гап-гуруннга уста одам бўлгани учунми, Озод мана шу шифокор ўртоғимизга ёпишди-қолди. Озодга ўзи мана шундай шеърпараст, ҳикматларга бой дўст керак эди, хуллас улар икковлон жуда топишиб олишди.

Уша танишувлардан кўп ўтмай мен уйланиш тараддудига тушдим. Уйланганимдан кейин кўп ўтмай, матбуотда сеvimли шоиримиз Ибройим Юсуповнинг дўсти Бабаши Исмоиловга бағишлаб ёзган “Йигитнинг шу каби бир дўсти бўлсин...” деган шеъри чоп этилди:

*Сенга ҳамдам бўлсин ўзи ёшидан,  
Талабалик йиллар зоғорасидан,  
“Жонимни берайин” демасин сенга,  
Берса айтмай берар бир дўстинг бўлсин.*

Бу шеър ўша пайтданоқ машҳур бўлиб кетди. Кўпгина давраларда қайта-қайта ўқилди, ёддан айтилди, сеvimли сатрларга эврилиб, халқ орасига сингиб кетди. Биз ҳам, юқоридоги шеърлий қаторлар бизнинг дўстлигимиз шарафига ёзилгандай, деб ўйлаб, завқ билан ёддан ўқирдик. Шоирнинг шу шеърида айтган:

*Рўзгор ташвишлари тушганда бошга,  
Ҳар ким чийратилиб бир узун сочга,  
“Дўстман!” деган мардлар кетар туш-тушга,  
Шундай чоғ, сир бермас бир дўстинг бўлсин.*

— каби сатрлар нақ ҳаётнинг ўзидан олинган асл фалсафий ҳикмат экан. Кўп йигитлар бўйдоқлик пайтида қалин дўст бўлиб, бир-бирларига меҳру-садоқат кўрсатиб юришади-

да, сўнг турмуш қуриб, оилали бўлганларидан кейин дўстликлари барҳам топиб, тарқалишади. Сабабини ўйлаб қарасанг, дўстман деб юрган йигит — хотинингга маъқул келмайди ёки хотининг — дўстингга маъқул эмас ёки йигитлар дўст бўлиб қоладилар-у, уларнинг хотинлари бир-бирлари билан муомаласи келишмай, икки ўртада борди-келдилар тўхтади. Бунақа воқеалар ҳаётда бўлиб туради. Озод оила қилмади, уйланмай кетди. Шунга қарамай, у уйимизга ҳар гал келгани сайин, “шундай чоғ, сир бермас бир дўстинг бўлсин” деган ўғитни ёдда тутиб, рафиқам Саётхон билан дўст ва меҳмон сифатида Озоднинг кўнглини топишга ҳаракат қилар эдик.

Шундай бўлдики, Озод билан икковимизнинг оналаримиз ёши тенг эди, улар қартайиб-кексайган чоғларида икковининг ҳам қўлоғи оғирлашиб қолган эди. Улар ҳар учрашганда икковлон бақаришиб сўзлашарди. Кейинчалик уйдаги келинчак Саётхон иккала кампирнинг гапларини бир-бирларига бақариб айтиб, ўртада тилмочлик вазифасини ҳам бажариб юрди. Бу воқеани кўрган сайин Озод ёш боладай қувониб-қувониб куларди.

## -15-

Оғир табиатли, вазмин-босиқ тенгдошларимиз ҳам Озод айтган учурма гаплардан кейин чидаёлмай гапириб юборар ва: “Бу Озод тушмагур соқов одамниям гапиртириб юборди-я”, деб қўйишарди. Уша бўз йигитлик чоғларимиз, ҳозир таниқли шоир, жамоат арбоби бўлиб кетган дўстимиз Улмаббет Хўжаназаров Кегейлида мактабда ишлаб юрган еридан Нукусга ишга келиб, бизлар билан аралашди. Бир куни “Улмаббет оиласи билан Нукусга кўчиб келибди” деган хабарни эшитиб, Озод иккаламиз унинг эски шаҳардаги уйини излаб, топиб бордик.

Баҳорнинг мулойим куни. Бир оқсоқол одам ерга кўмилган тоқларини очиб, ариқ-солма қазиб, экин-тикинга тайёргарлик кўриб юрган экан. Хўжаназар оға шу бўлса керак, деб чамаладик.

— Ассалому алайкум!

Хўжаназар оға юзимизга қарамадиям, қилаётган ишини тўхтатмасдан:

— Валайкум... — деди-да, ариқ қазишда давом этаверди. Қарасак, ота ҳали-вери тўхтайдиган эмас, очиладиган тоқлар кўп, ҳали бу тоқларни тепага осиб чиқиб “чертаклаш” ҳам керак.

— Улмаббет уйдаими?

— Шу девона уйда ўтирармиди! — Хўжаназар оға шундай деди-да, яна ишини давом қилдираверди. Озод нима қилиб бўлса-да, уни гапга солишга чоғланди шекилли, яқинлашиб бориб уёқ-буёққа аланглаган бўлиб, гап ташлай бошлади.

— Иморатлар муборак бўлсин, ота, тоқлари ҳам кўп экан...

— Ҳе... бу узумнинг уруғини Қорақалпоғистонга биринчи бўлиб олиб келган одамнинг...! Бир ҳафтадан бери очиб, кўтариб-боғлайвериб, белим узилиб кетди, ўлиб бўлдим-ку! — гиналашда давом этди Хўжаназар оға бизларга ҳамон бир қайрилиб боқмасдан.

— Кўз тегмасин, ота, ҳалиям қорувли экансиз, — деди Озод шунда. — Сизнинг бу фйратингизга қўра, тагин бир кампир олиб бериш керак экан!

Бу гапни эшитган отамиз ишлаётган белкурагини тап этиб, ариқча бир уриб санчди-да, бизларга қаради.

— Ҳай... сен бир гавда-бичими келишган, оғзи-сўзи тўғри бола экансан, худди шу сўзларингни бизнинг анов уйдаги энангни... болага бир тушунтириб айтсанг-а!

Ҳаммамиз хо-холашиб қулиб юбордик. Шундан сўнг очилишиб, гаплаша бошладик. Қарасак, Хўжаназар ота жуда суҳбати дилкаш, гапга чечан, ҳақиқий қорақалпоқ чолларидан экан. Шу-шу бўлди-ю, ҳар борганимизда бу отахон билан қуёқ суҳбатлашиб қайтадиган бўлдик. Умрининг охиригача у кишини ҳурматлаб, ардоқлаб юрдик.

## -16-

Мен юқорида Озоднинг дўстлари қаторида Абдукарим Пирназаровнинг номини эслаган эдим. Абдукарим Озод билан бир овулда ўсган, иккови бир йилда Университетга ўқишга кирган, Абдукарим — ўзбек филологияси бўлимига, Озод эса — журналистика бўлимига кириб ўқиб, иккови бирга битириб чиқди. Мен ёшлар газетасида иш бошлаган пайтда Озод отахон газетанда ишлаб юрган эди. Бир пайт Озод айниб қолди-да, “бари мўйсафид қариялар, шуларнинг орасида юраманми, улар билан ишлаш мен учун қизиқ эмас” деб, бизнинг газетга ишга ўтди. Бир йрим йилча бирга ишлаб юрдик. Бу пайтда Абдукарим Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Қорақалпоғистон филиалида илмий ходим бўлиб ишларди. Шундай кунларнинг бирида, газетамизнинг бош муҳаррири Ажибой оға Муртазаев газетанинг маданият бўлими мудири Хўжабек оға Сейитов орқали мени чақириб олди. Бош муҳаррир жиддийлик билан:

— Сенинг ёзганларингни анчадан бери кузатиб юрибмиз. Сен эртага 6 сентябрдан (1966 йил) бошлаб бизга ишга ўтасан! — деб буйруқ бериб юборди. Шундан сўнг яна Озод билан бирга катта газетгага қайтиб бордик. Мен бу вақтда саломатлигим ёмонлашганлиги сабабли, ўқийшимдан бир йиллик академик таътилга чиқиб келган эдим. Ота-онам иккови бирдан тўшак тортиб қолганлиги сабаб, мен иккинчи йилни ҳам шу

ишда ўтказётган эдим. Орадан кўп ўтмай Абдукарим ҳам Академия филиалидаги ишини қўйиб, бизнинг газетага ишга келди. Озоднинг лавозими бизникидан каттароқ эди. Сўнг эса у яна бўлим мудириликка кўтарилди.

Жойи жаннатда бўлгур Абдукарим — мулла Пирназарнинг ёлғиз тирноғи эди. Яратган эгамнинг қудрати, баъзан берган фарзанди битта бўлгани билан, мана шу фарзандга икки-уч зуреднинг ақл-тафаккури, салоҳиятини қўшиб бергандай вазиятлар ҳам учрайди. Дўстимиз Абдукарим ҳам мана шундай баркамол тафаккурли йигитлардан эди. У хулқ-атвор жиҳатидан Озодга қарама-қарши, яъни, уларнинг бир-бирига ўхшамайдиган томонлари кўп эди. Уларнинг характеридаги битта томонни қиёслаб кўрсатай: Озод ҳар қандай воқеага туну-хуни қўлоғини динг қилиб турадиган, янгиликларга сергак журналист, бировнинг яхши ёки ёмон тарафини айтмагунча тинчимайдиган, бошқаларнинг олдида кулгу бўлиб қолишдан чўчимай ўз фикрини аниқ билдира оладиган, руҳий ва жисмоний томондан ҳам ҳеч тинч турмайдиган ўктам йигит. Абдукарим эса — энг қувонч-ли воқеани ҳам бирданига айтиб қўяқолмайдиган, айтганда ҳам аввал томоғини қириб олиб, қироатли товуш билан, содда-содда, дона-дона қилиб етказадиган, хуш-фель-хушмуомала йигит эди. Икковиям ўта саводли, ўз даврининг етук зиёлилари бўлганлиги сабабли, кўпинча бири иккинчисининг оғзига қараб, пойлаб турарди.

Абдукарим — бизнинг орамиздаги Нукусда муқим уйи бор бўлган бирдан-бир дўстимиз. Шунинг учун ҳам, унинг уйи бизнинг нуқсон-камчилигимизни тўлдирадиган, камолотга эриштирадиган, саводимизни янада оширадиган саҳнага ўхшарди. Отаси Пирназар — боя айтиб ўтдим, толибул илм бўлган, мадраса кўрган аллома одам. Уша замонларда ҳам уламолигини яширмай яшади. Кенг қилиб тикилган оқ кўйлак, оқ дамбал (иштон) кийиб юрарди мулла бобомиз. Баъзи пайтлар укалари уйдаги катталарнинг кийимини кийиб келса, Озод укаларига танбеҳ берарди: “Устингдаги манов нима, Пирназар мулланинг дамбалига ўхшаган.”

Абдукарим бизда кўп ишламади, Пединститутга ўқитувчи бўлиб кетди. Аспирантурада ўқиди. У — шеърятнинг чин ошиғи эди, ошиқ бўлганда ҳам, бизларга ўхшаб шеър ёзиб ёки ёдлаб юрадиган муҳлис эмас, балки ҳар бир сатрдаги маъно-мазмунни чуқур идрок қиладиган, Шарқ мумтоз ва замонавий шеърятини теран тафаккур қила оладиган аллома инсон эди. Биз вақтида Бердақ, Ажиниёзнинг шеърларини ўқиганмиз, лаззатланганмиз, ўрганганмиз. Ҳалиям ўқиймиз. Бироқ улар яшаб ўтган давр шеърятини, фалсафасини, тили, тарихи, бадиият маҳоратини, ибора ва сўзларнинг тағ-мазмунини, дунёвий ва диний масалаларнинг кўпгина қирраларини англаб етишда Абдукаримдан кўп нарсани ўрганган эдик. Бир гал Ажиниёз шоирнинг инсонни тасвирлашдаги маҳоратини айта келиб, “Тўнгар” деган шеърдан қуйидаги бир бандни мисол келтириб, Абдукарим шундай таҳрир берди:

*Сақоки:*  
— Оғалар, ёрим таърифи,  
Зулфи ёноғига тушар.  
Сақокига тизса маржон,  
Ўшал буқоғига тушар.

— Кўз олдингизга келтиринг, — деди Абдукарим. — Қиз бола маржонни таққан вақтида маржон дастлаб унинг сақокига тизилади. Энди, тақиб бўлганидан кейин эса маржон янада пастга ингилиб, бўқоғига тушади. Шоирнинг гўзал ёрига бўлган муҳаббати шунчалик кучли ва ишонарлики, у ҳамма-ҳамма эътибор қилавермайдиган ушбу кичкинагина, лаҳзалик жараённи ҳам ўта синчков, қизғонч бир туйғу билан моҳирона тасвирлайди...

Бу — чуқур ҳаётий билимга, сезгирликка суяниб қилинган таҳлил эди. Шеърни мана шундай қилиб, худди қўлингга тутқазгандай таҳлил қилиб бергач, албатта, эндиги мутолааларда ўзинг ҳам янада сергакроқ бўлиб ўқийсан, сўзларга, уларнинг маъноларига эътиборингни кучайтирасан, сақоқ билан бўқоқнинг фарқига борадиган бўласан.

Ажиниёз шоирнинг кўпчилигимиз куйга солиб айтиб юрадиган яна бир шеъри бор, ундаги мана бу сатрларни минг марта айтиб юрган бўлсак-да, маъносига ҳеч эътибор қилмас эканмиз, мана, ўқинг:

*Қашқаш еган Афлотуннинг улоғи  
Фурт билан дугушар тоғ орасида.*

Сўз маъноларига чуқур кириб борсак, қашқаш деганлари — тоғда ўсадиган ёввойи кўкнор гули экан. Улоқ бу гулни еб, тўйиб олгач, кўкнор таъми таъсир қилиб, маст бўлиб, йўлда учраган жонвор борми, жонзод борми ҳаммасига калла таппайверар экан, у энди ҳатто энг ашаддий душмани бўлган бўри-ю қашқирни курса ҳам, қочиб жон асрашнинг ўрнига, унга мастлик билан ҳамла қилаверар экан. Мана, шоирнинг маҳоратию, мана кузатувчанлик!

Бунақа мисолларни Абдукарим мумтоз шоирларимиз ижодидан, Навоий ва Махтумқули сатрларидан, бошқа халқ шоирларидан юзлаб келтирар эди. Бу борада биз бу аллома дўстимиздан кўп нарсани ўрганганмиз. Абдукарим Ажиниёз лирикаси, умуман Шарқ мумтоз шеърятини ҳақида кузатувчанликка бой ажойиб мақолалар ёзди, бу мақолалар асосида илмий иш қилиб, номзодлик диссертациясини ҳимояга тайёрлади. Афсуски, дўстимизнинг умри қисқа экан, номзодлик диссертациясини Тошкентда ёқлаб

бўлгач, тўсатдан вафот этди.

Озод билан Абдукарим баъзи вақтларда адабиёт, шеърият борасида баҳслашиб қолишар, бир қарасанг бунақа баҳслар кучайиб, талашув-тортишувлар ҳатто жанжалга ҳам айланиб кетган пайтлар бўларди. Шунда Озод қизишиб кетганидан:

— Сенда кучли академик фундаментал савод бор. Ҳали сен профессор, академик ҳам бўлиб кетасан! Бироқ манави қилиғингдан ўшанда ҳам қутулолмайсан... — дерди Абдукаримга.

Баъзан шунақа бўлиб қолар эди-ки, икковини яраштираман деб юриб, мен ўзим анча вақтларгача овора бўлиб қолардим. Нимаям қила олардим — икковиям дўстим, икковиям бетакрор истеъдод эгалари, ноёб йигитлар эди. Шу ўринда Ажиниёз шоирнинг:

*Ғўч йигит бўлса ҳамройинг  
На қайғинг бор, на парвойинг,  
Ғулистон кўнгил саройинг,  
Қиш кунларинг ёзга менгзар,—*

деган сатрлари ёдга келади. Мана шундай илми, бағрикенг, пок қалбли йигитлар билан дўст бўлган одам нега ўзини бахтиёр сезмасин?! Ахир чинакам бахт шу эмасми?! Аттанг, аттанг, улар кўп яшамадилар. Беихтиёр “Яхши одам худога ҳам керак”, деган халқона ҳикмат хотирга келади...

-17-

Озоднинг ёшига ёш қўшилиб, тафаккури чархлана боргани сайин, унинг нимадандир бир ташвиши борлигини англай бошладим. Бу қанақа ташвиш эқанлигига авваллари ўзи ҳам унчалик эътибор қилмаган бўлиши керак, вақт ўта боргани сайин, бу ташвиш ҳам ўсиб, теранлашиб борган бўлса, эҳтимол. Бу — қанақа ташвиш ёки дард эди? Муҳаббат дардими? Ёки эркинликни қўмсаб юриб, бора-бора яққа-ёлғизликка мубтало қилиб ташлаган туйғуларми? Ёки яшаётган муҳитдан қаноатланмаслик ҳиссимиди бу?

Мен буларнинг барини тарозига тортиб кўриб, ўз кузатувларимни таҳлил қилиб, ана шундай тахминларимни Озодга айтиб кўрмоқчи ҳам бўлдим. Бироқ у бундай кузатувларни, тахминларни эшитгиси ҳам келмай, гапни бошқа ёққа буриб юбораверарди. Бунинг бир томони — ўзига-ўзи кўйган талаблар кўламининг, кўнглини ғалаёнга солган орзуларининг бепоёнлигига ҳам тегишли эди.

-18-

Кўлимда Озоднинг 26 ёшда Тошкентда туриб ёзган яна учта хати турибди. Бу мактубларни биринчи бор ўқиганимда қандай ҳисларни бошдан кечирганим ҳозир ёдимда йўқ. Бироқ бу хатларни қайта мутолаа қилиб, турли хил ўй-кечинмаларни бошқатдан мушоҳада қилишга мажбур бўлаяпман. Бу хатларда Озоднинг тафаккури, фикрлаш шиддати худди осмон туб-тубларига пайдо бўлган чанг-тўзоннинг гоҳ ғарб томондан, гоҳ шарқ томондан талвасага солиб, ўйин қилишига ўхшаб кетади. Унинг талабалик даврида шакланган тафаккур қилиш стереотипи эндиликда ақл-идрок, маърифатланиш шиддатига дош беролмай чарс-чурс ёрилиб кетаётгани, ўр-ўжар қалбнинг турмуш сўқмоқларида ҳар томонга ўзини уриб, гоҳ шунга мослашаётгани, гоҳ янгиланаётгани, гоҳ юмшаб, гоҳ яна парвозга талабланаётгани сезилади. Орзу-армонлар тўлқини янгича шиддатланади, шиддатланади...

*“Шарап, ҳозир лекция тинглаб ўтирибман. Профессорлар, доцентлар. Икки соат ичида мимикаларини, ҳаракатларини, билимининг ҳадди- (патофизи)ни билиб оласан-да, ҳафсаланг пир бўлиб, бор-е деб юборасан...”*

*Ётоқхона, аудиториялар худди “Война и мир”дагидай. Юрганда ўзингни граф Болконский каби сезасан. Бари — классика. Лекциялар ажойиб, “Курьер ЮНЕСКО” даражасида.*

*Мен энди Москванга кўргим келаяпти. Одамда мешчанлик дунёқараш ҳам бўлиши керак экан. Бу — гўзал орзулар ва романтик туйғулар оламидан турмушга эниб тушиш демак. Сезаяпсанми, мен аввалги фикрларимдан воз кечиб, янгича фикрлаяпман.*

*Саятхонга салом айт. Сизларга бахт тилайман. Узим ҳам бахтлиман”.*

Буниси — сал аввалроқ ёзилган бўлса-да, мендан хат боргач, шунга жавобан ёзилган хатга қўшиб жўнатилган яна бир мактуб:

*“Шарап, сизларни соғиндим, жўра! Хатларимга нега жавоб ёзмайсан?”*

*Мен шу кунларда ўзимни-ўзим тушуниб олишга ҳаракат қилаяпман. Ўзим ҳақдаги, одамлар ҳақдаги барча ўй-хаёлларимни бир ерга тўплаб, ҳеч бўлмаса ўзим учун, ҳозирги давр учун бир ечимга келишим керак. Бунинг учун далага бориб, эски отизнинг челига бошингни қўйиб, ажриқнинг устида ағанаб ётиб ўйланиш лозим... Шамол эсиб турса, осмон бир ҳўмрайиб, бир очилиб турса... Баҳор шамолида қанғиган ёмғир томчиси ора-чира*

қўлингга томиб турса... Бир ойлик ўқишдан кейин уйга қайтиб борсам, менда бундай имконият бўлмайди. Уйдаги хужрамни ёмон кўраман, совуқ, қоронғу.

*Хат циркулярный. Абдукаримга ўқиб бер. Хат ёзмаганимга ўпқаламасин. Ҳеч бўлмаса мазмунини айтиб бер. Озод”.*

Учинчи хатни қайта-қайта ўқиб чиқдим. Менинг ўзи ҳақда бироз вақтлардан бери гумонланиб юрган хаёлларимни Озод мана шу хатда айтиб ўтган экан. Буни мен хат келган ўша вақтда 1968 йилнинг ноябрида англадимми ё эътибор бермадимми — буниси ёдимда йўқ...

*“Шарап, хатингни олдим, сени соғиндим.*

*Утебой 24 ноябрь кунини пахтадан келди (Утебой Бердишевич Нурпейсов— Озоднинг иниси. Устасидошли таржимон. Ҳозир ўзимизнинг ахборот агентлигимизда таржимонлик қилади). Эрталаб тош кўтариб, жисмоний машқ бажариб оламан. Гантель билан уч минут машқ бажараман, дейман-у, яна эсдан чиқиб қолаверади.*

*Кечқурун қироатхонада ўтираман. Ўқиш учун эмас, ўйланиш учун. Ҳамма нарса ҳақида ўйланаман...*

*Чамалаб қарасам, ҳозирги хаёлларимнинг таъига етишим учун 40 кун ўйланишим керак.*

*Тошкентда яна қолгим келаяпти. Бу эса мумкин эмас. Овулни ўйлайман. Ўзимча ҳамма нарсага баҳо бериб чиқаман. Тўлепберген ога (Қаипбергенев), Ибройим оғалар— улуғ одамлар. Дайлен ҳақидаги фикрларим ўзгариб қолди, чунки у ривожланмай, тўхтаб қолди. Одамларга фақат гумонсираб қарайвермасдан, инсониятни, даврни севиб яшагудай бир йилт этарлик нарса топши керак. Хуллас, ўйлар, ўйлар...*

*Тошкентда қолгим келиб турганининг сабаби— универмага тез-тез кийим келиб турар экан. (бу энди мени чалғитиш учун ўйлаб топган гапи бўлса керак— Ш. У). Бундан бошқа ҳам биринчи навбатда ечимини кутиб турган нарсалар бор. Шуларнинг баридан мен чама билан 40 кундан кейин қутуламан...*

*Бундан буёғи энди менга қийин бўлаверади. Энг асосийси— пул керак ва Кутузовча боқибегамлик керак!*

*Шу билан хатим тамом. Письмо циркулярное. Абдукаримга ўқиб бер. 10 декабрга қайтаман. Агар шунгача қарорим ўзгариб қолса, хабар қиламан. 29 ноябрь, эрталабки соат 10.00. Озод”.*

-19-

Озод “Кутузовча боқибегамлик” деган иборани кўп қўлларди. Бунинг бир сабаби бор. Бизлар Лев Толстойнинг “Война и мир” (“Уруш ва тинчлик”) романини талаша-талаша ўқиб чиққанамиздан сўнг, романдан олган таассуротларимизни вақти-вақти билан айтишиб, баҳслашиб турардик. Шундай баҳсларнинг бирида у шундай деди: “Кутузовни Бородино жанги олдиан подшо ҳазратлари чақириб, ўзининг барча вазирлари ва генералларини тўплаб, Наполеонни қандай енгиб чиқиш мумкинлиги ҳақида ярим тунгача маслаҳат ўтказди. Бир пайт залда ухлаётган аллакимнингдир хурраги эшитилиб қолади. Подшо ҳазратлари аччиғи келиб, “Россиянинг ҳаёт-мамоти ҳал бўлаётган паллада бемалол ухлаётган қайси бир беномус экан?” деб бақиради. Ҳамма бурилиб қарайди — кўришсаки, хуррак отиб ухlab ётган одам Кутузов экан. “Бу қанақаси, шундай уйқучи саркардага Россиянинг тақдирини топшириб қўйибмиз, буни ҳайдавнинг!” деган даъватлар эшитилиб қолади. Кутузов эса уйғониб кетади-ю, ҳеч нарса бўлмагандай яна жанг майдонига отланади...”

Озод шу сахнани тасвирлаб бўлгач, шундай деб изоҳ берган эди:

— Кутузов бу пайтда маслаҳатга муҳтож эмас, фақатгина бедорликда ўта чарчаб қолгани учун ўша бир неча дақиқада ухlab олишни ўзига эп кўрган эди. Саройдаги бу хил олий даражадаги машваратлар — унинг учун беҳуда, бўш гаплар эди, Бородино жангида мағлуб бўлиш, Наполеонга Москвани хувиллатиб, тирик жон қолдирмай вақтинча бўшатиб бериш қарорига у аллақачон келиб бўлган эди. Мана сизга ҳарбий зарб илмининг даҳоси! Мана сизга қаҳрамонлар ички сирларини бехато аниқлаб, тарих саҳифасига айлантирилган даҳо Лев Толстой!

Озоднинг хулқ-атвори, паҳлавон келбати, баъзан шу гавдаси билан бир қоп ёнғоқ каби шақиллаб юриб, бошқаларга ўта ишониб юбориши, ўз манфаатига келганда эса тортинчоклиги тутиб қолиши романдаги Пьер Бузуховга ўхшарди. Жасоратли, арслон юракли, романдаги энг ботир персонаж бўлган Пьер Бузуховни ҳатто Лев Толстойнинг ўзи ҳам ёқтариб қолган эди. Мана шу Бузухов билан Озоднинг ўхшашлик томонлари кўзга ташланиб турарди...

-20-

Мен Қорақалпоғистон оммавий ахборот воситалари соҳасида 27 йилдан зиёд вақт ишладим. Бу вақтда хизмат юзасидан кўп одамларни мақтаб мақолалар ҳам ёзганман. Бу мақолаларнинг баъзи бирлари давр ва замон талабига кўра ёзилган бўлса, баъзи бир қаҳрамонлар ҳақиқий инсонлар сифатида қалбимдан жой топа олганликлари учун ёзилди. Кўп қаҳрамонларнинг ҳаётида ёзиб чиқишга арзирли воқеалар бўлмагани учун ҳам,



мақолани семиртириш мақсадида кўпинча “ёнидан кўшиб”, деталларни журналистнинг ўзи тўқиб, матнга синдириб юборади — бу ҳамма журналистлар учун таниш усул. Бироқ мен бу гал Озод Бердишев ҳақида эсдаликлар ёзиб ўтириб бир нарсдан доим хавфсираб қалам юргиздим. Бу хавф — ўқувчи эсдаликни ўқиб ўтириб, “Муаллиф бу йигитни жуда ошириб мақтаб, осмонга чиқариб қўйибди-ку...” деган гумонга бормасмикин, деган ўй-хаёл. Озоднинг ҳаёти ҳеч қанақа ёнлан кўшиб айтиладиган мақтовларга муҳтож эмасди. Аксинча, қайтанга, воқеаларни тасвирлашда ёлгонга ўхшаб қолмасин деб, мен қаламнинг жиловини тортиб-тортиб ёзаётганимни шу ўринда айтиб ўтишни истайман. Менинг бу хавотирларимни эсдаликларни ўқиб кўрган дўстларим ҳам сезиб олишларига ишонман.

-21-

Ўша йилларда мен “Озод бир мушкул ишни бошлаб қўймаса эди...” деган хавотир билан яшаганимни юқорида айтиб ўтган эдим. Агар бугун одамгарчилик юзасидан, виждон-этиқодимга кўра, Озоднинг руҳи олдида ҳисоб беришим керак бўлса, ҳозир айтадиган гапим ҳақда то шу кунгача бирор кимсага тиш ёриб, оғиз очмаган эдим. Ушбу хотираларни қорғозга тушириш жараёнида ҳам “бу ҳақда эшаш керакмикин-йўқми?” деган ички тортишув ила яшаб келганимни айтиб ўтишим керак.

Гап бундай:

Озоднинг бош чаноғида асли туғилганидан бери мавжуд бўлган кичкинагина, билинар-билимас нуқсон бор эди. Бунга агар ўзи айтиб-кўрсатмаса, ҳамма-ҳаммаям пайқайвермасди. Тўғриси айтганда, шундай гавдали, важоҳатли, алпқомат йигитларга бундай нуқсонлар ярашиб турарди, деб айтсак ҳам хато бўлмас. Яна такрорлайман, бунга ҳеч ким билган ҳам эмас, Озоднинг бетига босиб, бу нуқсонини ҳеч ким “фoш қилган” ҳам эмас. Бироқ негадир унинг ўзи ана шу нуқсонидан хижолат торгарди. Билишимча, у ҳеч кимга кўрсатмай тиббий китобларни ҳам кўп ўқиб чиқди. Шу бир хижолатпазлигига сабаб бўлаётган нуқсонни йўқотиш учун ТошМИ профессорлари қабулига бориб, маслаҳатлар қилган бўлиши ҳам мумкин. Сўнги хатида нега “қирқ кун, қирқ кун” деб такрорлайверганининг сабабини ҳам қуйида билиб оларсиз.

Кўпгина илма-қармоқ сўзларининг орасида, Озод ўзини жарроҳлик операциясига тайёрлаб юрганлигига ишора қилувчи гаплар борлигини сезган вақтдаёқ юрагим ўйнаб кетган эди. Ҳеч қаеринг оғримаса, ёки ўша нуқсоннинг сенга зиёни тегмаётган бўлса, биров сени шу йўлга зўрлаётган бўлмаса-ю, сен ўз оёғинг билан бориб, шундай мураккаб операцияга ўзингни тутиб берсанг — бунинг учун одамда қанча ирода, эрк, ботирлик, “Кутузовча боқибегамлик” бўлмоғи зарур?

Хуллас, Озод Тошкентда бир ойлик курсни омон-эсон тамомлаб қайтди-ю, аммо орадан беш йил ўтиб, барибир шу ишга бел боғлади. Ҳеч кимга айтмасдан, билдирмасдан ТошМИ шифохонасига жўнаб кетганини эшитдим. Ҳозир “Эркин Қорақалпоғистон” газетасида ишлаб юрган таниқли журналист Абдулла Ҳабийбов ўша йили ТошДУнинг журналистика бўлимида сўнги курсда ўқиётган эди. Мен дарҳол унга хат ёзиб, Озодни топиб олиш, унга ғамхўрлик қилиш борасида илтимос қилдим.

Мен жўнатган хат қўлига тегиши билан Абдулла Озодни топиб борибди. Бўлган воқеани баён қилиб, менга мактуб ҳам йўллабди:

*“Ассалому алайкум, шеф!*

*Хатинизни олган захоти (1973 йил, 3 май) Озод оғани топиб олдим. Эшитгандирсиз, операцияни жуда муваффақиятли ўтибди— 5 соату 30 дақиқа давом этган. Жарроҳлар ҳам Озоднинг ўзидан қаттиқ қувончалар. Улар тиббий соҳасида алақандай бир ноёб операциянинг урдасидан чиқдик, деб фахрланмоқдалар...*

*Борсам, Озод оғамиз ташқарида юрган экан. Антанг, ейиш-ичиш учун рухсат йўқ, умуман, гапириш ҳам мумкин эмас экан. Шу ҳолда қирқ кун ётиб даволаниши керак, шекилли. Сўраган китобларини олиб бордим, қўлдан келганча хизмат қилаялман. Муҳтарам журналист оғамиз ҳақида аввал ҳам ўзингиздан кўп нарсалар эшитиб юрган эдик, икки гапнинг бирида мақтаганингиз— шу Озод эмасмиди? Шунинг учун аввалданоқ уни ҳурматлаб-сыйлаб юрган эдик.*

*Фақат бир нарсга тушунмаялман, шеф. Менга, унинг олдида кўп гапирверма, эҳтиёт бўл, денсиз. Нима учун бундай қилишим керак экан, нега бир-биримизни тушунмай қолар эканмиз? Тўғри, у кўп нарса ўқиган бўлиши мумкин, бунинг учун уни улўғлардай билиб, ҳурматини қилаямиз. Бироқ, нега унинг олдида мен ўзимни жуда одобли, индамас, рисоладагидай талаба қилиб кўрсатишим керак, бунақа қилолмайман, менинг ҳам ўқиб чиққан китобларим оз эмас, қолаверса, шундай илмли одам билан суҳбатдош бўлиш менга ҳам ёқади!*

*Мен сизни кўрққанам учун, ё битириб борганимдан кейин менга иш бермай қўяди деган андиша билан ҳурмат қилишим керакми? Кечирасиз, фурсати келганда барини кўраверамиз. Очиғини айтсам, мен сизни ҳам билимингиз, одамларга, ёшларга меҳрибонлигингиз учун ҳурмат қиламан. Ўзингизни ҳаммага яқин тутасиз. Шу хислатингиз айниқса қадрли. Учрашиб қолган пайтларда ҳам кўпинча гаплашмай ўтираемиз, аммо гаплашмай ўтирсак ҳам бир-биримизни ичдан тушуниб ўтираемиз. Шундай лаҳзаларда ҳам бир оғиз гап билан ичимдагини топа олганингизга мен ҳайрон қолардим. Бу ерда ҳам худди шундай бўлаятти, гапирганда фақат мен гапирман, Озод оға гапирмайди, фақат тинглаб ўтиради.*

*Гапирмаса-да, бир-биримизни жуда яхши тушунамиз...*

*Диплом ишчи секинлик билан силжияпти. Аммо улгурсам керак. Озод оғанинг ёнига кунда, кун оралатиб бориб турибман, бу томонидан қайғурманг. Ҳамма таниш-билишларга, Саётхонга салом айтинг. Ҳурмат билан: Абдулла. Тошкент, 7 май, 1973”.*

-22-

Операциядан кейин Озод Нукуста келиб ишини давом эттириб юраверди. Билган билди, билмаган билмай қолди. Операция ўрнини жарроҳлар ўта моҳирлик билан, косметик ҳунар қўллаб, йўқотиб юборишган, синчиклаб қарамаган кўзга унча билинавермас эди. Озод — аввал ҳам айтдим, мен танигандан буён умрининг охиригача спорт, жисмоний тарбия билан мунтаза шуғулланиб келар, қишин-ёзин муздай сувда чўмилар, қор ёққан кунлари белигача яланғочланиб, баданини қор билан ишқалаб ўрганган паҳлавон йигит эди. Юқорида айтиб ўтилган операция унинг мия қисмига, юрак фаолиятига қандай таъсир қилди, буни билмайман. Бироқ, орадан икки йил ўтиб, қишнинг қаттиқ совуқ кунларидан бирида Озод уйку олдидан душда ювиниб ухлаб, эрталаб ўрнидан турмаганини эшитганимда, яна ўша операция ёдимга тушди-да, унсиз инграб юбордим...

-23-

Мен бу ерда Озоднинг ижоди, унинг журналистик маҳорати ҳақида сўз юритмоқчи эмасман. Эсдаликларимни қоғозга туширишдан асосий мақсад — унинг шахсини, келмали-кетмали дунёда мана шундай эрта уйғонган, гўзал қалбли инсоннинг одамларга қилиб кетган эзгу ибратларини ўқувчилар қавмига етказишдир. Озоднинг қолдирган ижодий мероси ҳақида унинг шогирди — таниқли журналист ва адиб Отажон Холмуродов, болалар шоири Холмурод Сапаров ва бошқа бир қатор замондошларимиз ўтган ойлار мобайнида мақолалар эълон қилишди. Ундан қолган мерос, мақолалар — ҳали келажакда тадқиқотларга, илмий ишларга асос бўлса, ажаб эмас, деган умидим бор...

У кўзи тириклигида мақолаларини таҳлил қилишимни ёқтирмасди. Ўзи ҳам бошқаларнинг мақоласи ҳақида гап кетганда, фақатгина “яхши чиқибди” ёки “бўлмабди” деган баҳодан нари ўтмасди. Мен 1970 йили “Амударё” журналининг 7-сонида истеъдодли жарроҳ Шукрулла Алимов ҳақида “Жарроҳнинг унутилган кундалигидан” деган очерк эълон қилган эдим. Журнал сотувда, ўқувчилар орасида тарқалиб кетди, ўқиганлар муносабат билдириб бошлади. Озод нима дер экан, деб кутиб юрдим. Ҳеч индамайди. Бир кун икковимиз турган пайтда “очеркни сал эртaroқ ёзибсан-да”, деб қўйди. Нега бунақа деди, деб ўйланаман, ҳеч тагига етолмайман. Узидан сўрай десам бефойда, айтмайди. Охири жавоб топгандай бўлдим. Мен очеркда барча воқеани Шукрулланинг кундалигидан келтириб ёзганман-у, лекин ҳозирги пайтда кўрсатаётган каромати, шифокор сифатидаги фаолияти кичкина доирада қамраб олинган эди. Ростини айтганда, ҳали бу пайтда Шукрулла “карomat” кўрсатиб улгурмаган эди, очеркда унинг покиза-ҳалол муҳитда вояга етгани-ю, зеҳли бола бўлиб ўсгани, Самарқанд медицина институтининг иккинчи курсидан бошлаб тунлари шифохонада ишлагани, овулда қолган ёлғиз онасини олдириб, уни ўзи парваришлаб боққани, дипломини онаси иккови олиб қишлоққа қайтгани ҳақида айтилган-у, мана шу шифокор йигит бутун нималар қилаётир, тиббиёт соҳасида қандай янгиликларни қўллаётир — булар ҳақда фикр юритилмаган эди.

Орадан бир йил ўтиб, яна шу журналнинг август сонида “Қайдасиз, қалайсиз, йигитлар?” деган очеркни эълон қилинди. Тошкентда ўқиб юрган кунларнинг бирида Нажиматдин Ангсатбоев, Дўсберген Ранов, Олтамишбой Қайиповларга: “Ўқишни битириб, овулга қайтиб, бир-биримизга ҳисоб берамиз. Ким эдинг, ким бўлдинг? Ўқиб юрган талабалик чоғингдаги ваъдалар бажарилдими ёки қуруқ мақтаниш бўлиб қолдими? Очеркда мана шу ҳақда фикр юритилади. Уни ўзим ёзаман!”, деган эдим. Очерк ўша ваъдага кўра, қоғозга тушди ва эълон қилинди. Ундан фақатгина Театр ва рассомлик институтини тамомлаб келганлардан ҳисоб олиб, ўзларимиз борада сўз кўзгамадим. Очерк маданият вазирлиги мутахассислари орасида қизиқиб ўқилди, баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Бир қанча одамлардан ёқимли эътирофлар эшитиб юрдим.

Озод бу очерк ҳақида ҳам лом-мим демади, “ваъдангни бажарибсан-да” деган сўздан нари ўтмади.

Ҳақиқий дўстлик ҳам жуда нозик туйғу бўлар экан. Дўстингдан ҳеч нарса таъма қилмаслик, сўраганингни бермас, бундан хафа бўлмасликка тайёр туриш керак экан. Мен шундай йўл тутдим. Озод дўстимнинг икки оғиз сўз билан билдирган муносабатидан мен унинг ички дунёсини тўлақ ўқий олдим ва бундан ўпқалаб ҳам турмадим, гўё ҳеч нарса бўлмагандай бемалол юравердим. Менинг миназ (характер)имда мана шундай бемалоллик борлигини Озод аввалдан билар, баъзан менинг “индамаслигим” унинг нафсониятига тегиб, ўзи гап бошлаб қолар ёки мен билан уришиб кетарди...

-24-

Озод халқ дастурлари, урф-одатлари, нақл-мақоллари, тарихини чуқур билар, ўзи ҳам мақолаларида уларни кўп ишлатар, янги-янги, теша тегмаган ҳикматли сўзларни ўйлаб топишга мойил эди.

Ўқишни тамомлаб, газетачилик ишига аралашиб кетган кунларимиз Нукусдаги “Тошкент” гастрономи олдидан ўтиб бораётиб, бир тиланчини кўриб қолдик. Ичкилик ичиши бўй-бастидан, кийган кийимидан шундоққина кўриниб турар, бўйрадай сояларига лой ёпишиб қотиб қолган тиланчи кўлини ёйиб ўтирарди. Озод ўтиб бораётиб, унинг жингалак сочларини силаб кетди.

— Пул ташлашининг ўрнига бошини силаганинг нимаси? — дедим мен ҳайрон қолиб. У шу заҳоти:

— Эҳ, дўстим, ўқишни тугатдик, одам бўлдик, энди ғарибу ғурабонинг ҳам бошини силаб туришимиз керак, — деди ўйланиб турмасдан.

У бунақа учирма (ҳикматли) сўзларни йўл-йўлакай ҳам тўқиб чиқараверарди.

Яна бир воқеа. Газета топшириғи билан кетиб, Шўманайнинг узоқ бир онулида кўниб қоладиган бўлдик. Ёз кuni эди. Ухлайдиган пайт келганда уй бекаси бизларга хона ичига тўшак ёзаётиб, шароитни айтиб ўтди:

— Ташқаридаги супа уйдаги болалардан ортмайди, иниларим, бу ерда бурга бўлса, ўпқаламанглар.

Шунда Озоднинг шартта:

— Янга, мени-ку бурга еб тутата олмайди, манави Шарапга қийин! — дегани ҳадемай бутун Нукусга тарқаб кетди.

У мақолаларига сийқаси чиқиб кетган сарлавҳани кўйиб келган қаламкашлар билан аёвсиз курашарди.

— Бу нимаси. “Уста”, “Қурувчи”, “Номдор чўпон”... Шуям сарлавҳами, ахир, бу лойни “лой” деб аташдай гап-ку, бунинг учун журналистикада беш йил ўқишнинг нима кераги бор? — дерди жиғибийрон бўлиб. Мақолаларда хушомад сўзлар, кўтар-кўтар, ёлғон, ясама кўтаринкилик — унинг душмани эди.

-25-

Озоднинг қабри — Нукусдаги “Шўрша” қабристониди. Унинг қабр тошига битилган қуйидаги бир банд шеърни мен ёзгандим:

*Қаторда нор эдинг, тилда бор эдинг,  
Чин инсонийликка интилар эдинг.  
Вақт ўз билганин қилди-ю, кетди,  
Сени ҳам, бизни ҳам бенасиб этди...*

Озод 33 ёшида тўсатдан вафот этди. У дostonлар бағишлашга арзийдиган ҳақиқий азамат йигит эди.

**Қорақалпоқчадан Музаффар Аҳмад  
таржимаси.  
2002 йил, Нукус**





Лутфий

## *Нигоро, сенсизин мендин не ҳосил...*

\*\*\*

*Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,  
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.*

*Ҳижрон кечаси чархи фалакка етар, зй моҳ,  
Охи саҳарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.*

*Ҳаттоки, қилич келса бошимға, эшигингдин  
Йўқтур гузарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.*

*Усрук кўзунг ашколина ҳар гаҳ назар этсам,  
Қолмас хабарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.*

*Яъқуб бикин кўп йиғидин қолмади сенсиз,  
Нури босамарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.*

*Ой юзунга кўз солғали ўзга киши бирла  
Йўқтур назарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.*

*Ишқ ўтида Лутфий юзи олтунни ёшурди,  
Эй сиймбарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.*

\*\*\*

*Нигоро, сенсизин мендин не ҳосил,  
Агар жон бўлмаса, тандин не ҳосил?*

*Чу гулдин ранг эмас, булбулға бўйе  
Баҳору, боғу гулшандин не ҳосил?*

*Жафою ишваларни фан тутубсен,  
Мунунгтек ишваю фандин не ҳосил?*

*Кишиким, йўқтурур меҳру вафоси,  
Агар хуршидтурур, андин не ҳосил?*

*Бу турлук ҳусн ила Лутфий қулунгға  
Иноят қилмасанг, сандин не ҳосил?*



Мирмуҳсин

## «Мен келажакни, буюк ватанишни уларнинг кўзлари билан кўриб тураман...»

Онаизор

Кўчада бир боланинг йиғлаб кетаётганига кўзим тушди. Уни овутмоқчи бўлдим, дарҳол сўрадим:

- Болагинам, нега йиғлаясан?
- Ойимлар бир шапалоқ урдилар...
- Энди қасққа кетаясан?
- Ойимларнинг ёнларига.

Она — адабиётимиздан ҳам бир шапалоқ ейдиганлар бор, нолимасдан яна она ёнига боришларини маслаҳат бераман.

Узоққа бормоқлик...

Югурганлар эмас, шошмай, пухта тайёргарлик кўрганлар узоққа борадилар. Ватан шан-шавкатини баланд кўтара оладилар.

Жаҳл билан курашга тушган худбин полвон, албатта, йиқилади. Димоғдорликдан воз кеч, хушомадгўйлар мақтовидан кўрқ! Оталар сўзи — ақлнинг кўзи, бу — чиндан-да, ҳикматдир, қадрига етганлар узоққа борадилар.

Буюкликка дахлдор

Салкам юз йил янграган дилрабо овоз ҳамон янграб турибди. Гап буюк Ҳалима Носирова ҳақида кетяпти. Қалам аҳли жиндак муболага қилмаса кўнгли ўрнига тушмайди. Берта Давидова ҳам. Бу мумтоз санъаткорлар озод ва мустақил замонамизга етиб келиб, ёш ва ўхшаши йўқ истеъдод эгалари билан бир сафда турганлари қандай бахт! Улар қим деб сўрасиз — Насибалар ва Муножот! Бу қизлар буюкликка дахлдор. Масъулиятни бўйинга олиб, эркин фикр айтаётирман, адиблар назаркарда бўлади.

Ўн беш кунлик ой

Шаҳримиз осмонида ўн беш кунлик ой ярқираб турибди. Ўн беш минг йил аввал унга «Авесто» қаҳрамонлари Охурамазда тикилган, Широқу Томруз ҳам, Афросиёбу Сиёвуш ҳам, Жалолиддин, ал-Бухорийу Нажмиддин Кубро ҳам, Яссавийу Юсуф Хос Ҳожиб ҳам, Соҳибқирон Амир Темиру Мир Алишер Навоий ҳам тикилганлар. Биз ҳам тикилиб, ҳаётда борлигимиздан шукроналар қиламиз. Туғилажак авлод ҳам тикилади. Бу абадият ва гўзаллик демакдир. Ойга қараб гингшиш эмас, яшаб туриб уни кўриш — Бахт.

Саломатликнинг баҳоси йўқ

Жавоҳирлару шону шуҳрат топилади. Инсон тирик экан, кундуз куёшни, тунда ойни, фасллар жамолини, дўстлар мулоқотини, фарзандлар хурсандчилигини кўриб турар экан, бундан улкан Бахт йўқ.

Буюк заҳматкаш

Дунёда бир заҳматкаш бор, у наинки олтмиш, етмиш, саксон... баъзида юз йилгача ўз ишхонасидан чиқмай терга ботиб ишлайди, гурсса-гурсса болғасини уриб, инсон

учун меҳнат қилади. Унинг на тиним куни бор, на таътили-ю, ва нафақага чиқиши бор. У бутун ҳаётини азиз Ватанга бағишлаб қўйган, садоқату фидойилик унинг жисму жониди.

Заҳматкашнинг номи ким, деб сўрарсиз, унинг номи — Қалб!

Шу Қалб каби инсонлар бор. Эл дарди зиммасида.

\* \* \*

Кексаларга ҳурмат одобнинг аввалидир, бу фазилатни йўқотгани ҳеч қачон омади чопмайди.

\* \* \*

Бир аёл ўз боласини, ниҳоятда, яхши кўриши билан мақтанарди. Ҳа, ким ўз фарзандини ёмон кўради. Аммо, ҳамма болаларни яхши кўришдек фазилатга эга бўлган она чинакам онадир.

\* \* \*

Шоирлар илгари ҳам кўп бўлган, ҳозир ҳам кўп, келажакда ҳам кўп бўлади. Навоий замонида Ҳирогда ҳам, Самарқандда ҳам уч кишидан бирини «Сиз шеър ёзасизми?» деб сўраганларида, «Орий» деб жавоб қилган. Аммо халқ дилини билиб ёзган шоирларгина асрлардан-асрларга ўта олдилар.

\* \* \*

Пилла ҳам, бузоқбоши ҳам қурт, кўринишга қараб баҳолама, бири — инсонга бебаҳо ипак беради, бири — мева дарахтининг илдизини кемириб қурилади.

\* \* \*

Фирибгар усталик билан иш кўрар экан, икки дўст иноқлигининг бузилиши ҳеч гап эмас. Дўстлар ёқалашидан манфаатдор кимсадан узоқ юрмоқ, ҳазар қилмоқ лозим.

\* \* \*

Айёрлик бор, донолик бор, уларни бир-бирига қўшиб бўлмайди, бири ўз манфаатини, бири эл манфаатини кўзлайди.

\* \* \*

Чўчиб ҳажв ёзадиган адиб қўли қалтироқ сартарошни эслатади, у, албатта, бир ерингни кесиб олади. Баъзан бунинг акси — сартарошлар кексайиб, маҳорати ошганда қўли қалтироқ бўлиб қолади. Ҳажвчи адиб ҳам...

\* \* \*

Чангу губор бўлмаганда инсон минг йил умр кўрарди, деган эди Абу Али ибн Сино. Эй буюк ҳақим, ҳасаду асабсиз, инсоннинг юз йил яшаганига не етсин!

\* \* \*

Китоб ўқимайдиган кимса, гапнинг очиғи — шўримиз. У на санъату адабиёт ва дўстлари қадрига етади.

Қандай китоб сизга ёқади, деб сўрадим бир ватандошимдан. У жавоб берди: нондек меъдага тегмайдиган ҳалол ва ҳаққоний ёзилган китоб.

\* \* \*

Баъзан рақиб ёнма-ён юради, уни пайқамайсан. Мир Алишер Навоий бу ҳақда шундай деганлар: «Душман кўзингга кўринмагани билан ундан беларво бўлма, шамол ҳам кўзга кўринмай келиб шамни ўчиради...»

### Чинор

Қаердадир чинор ниҳоли ўсаяпти. У жуда секин ўсади, майли, жуда секин ўссин, ахир, унинг асрий умри бор-ку! Адабиётимиз ниҳоллари чинор умрини кўрсин, вақт тез ўтади. Мен келажакни, буюк ватанимни уларнинг кўзлари билан кўриб тураман, албатта!

\* \* \*

Бир кимса каминага савол бериб, сиз минг йил аввалги ўтган Ҳразмшоҳлар жангидан Жалолиддин Мангуберди ҳақида ва «Темур Малик», «Турон маликаси» романларини, етти юз йиллик «Меъмор» романи, уч минг йиллик «Широқ» достонини ёзиб нима демоқчисиз? деди. Мен унга шундай жавоб қилдим: «Уч минг йиллик тарихим илдизи етиб келган экан, биз кейинги уч минг йилларга ҳам етиб борамиз, демоқчиман».



Тилак Жўра

УМИФ ЁМЎРИФАН ЁРИЛАДИ ШИЛ  
УМИФ ЁМЎРИФАН ЁРИЛАДИ ШИЛ

\*\*\*

Дунёнинг деразаси очик:  
офтобга,  
ойга,  
юлдузга,  
юракка.  
Офтоб уйғотар дунёни,  
ой ёритар,  
юлдуз — дунё деворида бир суврат.  
Юрак-чи?  
Юрак —  
офтобни,  
ойни,  
юлдузни ўғирламоқ истаб,  
дераза олдида турибди титраб...

1980

\*\*\*

Атиргулнинг шохин қайириб,  
Кимдир ундан нигоҳин олди.  
Фароғатдан қолдим айрилиб,  
Сўлгин гулдай кўзларим сўлди.  
Боши кесик таналар туғдай  
Йўқ жасадга бўлдилар посбон.  
Мен бор эдим, қолдим-ку йўқдай —  
Йиқилмадинг не учун, осмон?  
Тиқилмадинг бўғзимга нафас  
Кўтарганча дилда тўфонни.  
Мен кўксимда армонни эмас,  
Кўтармоғим даркор исённи!

1986

\*\*\*

Дарахтлар бунчалар безовта,  
Шохлари қарсиллаб йиғларлар.  
Кузакнинг аёзли кучоқларида  
Айрилгандай япроқларидан.  
Қушчалар бунчалар безовта.  
Беором, бетиним чуғурлар —  
Кузакнинг аёзли кучоқларида  
Айрилгандай овозларидан.  
Рухим-да бунчалар безовта.  
Билмайман, у мендан не истар —  
Кузакнинг аёзли кучоқларида  
Мен нима йўқотдим, мендан не кечар?..

1986

...  
Ўрмалар деворга нам,  
Лабни кучган каби гам.  
Шувоғидан айрилиб  
Тумшаяди самон ҳам.

Кимсасиз бир ҳовлида  
Қип-қизариб, чўғ бўлиб,  
Усар бир тўп атиргул  
Кетганларга туғ бўлиб.

Деворни нам йиқади,  
Одамни гам йиқади.  
Хазонларга кўмилиб  
Атиргул қон ютади.

...  
1988

Бўгинларим тор-тор бўшаб,  
Кунлар ўтар қандай қақшаб:  
Ой ёришмас, кун кўринмас,  
Дунё қолди ғорга ўхшаб.

Ёмғир каби сим-сим эзар,  
Нигонингга тушган назар.  
Кўзни юмиб қутулмайсан,  
Ғамга ботиб ётса шаҳар.

Бу зулматки, аждари суқ,  
Кўйи, кўзи маърари йўқ.  
Дўсту ёрга қанча боқма,  
Сенга кулиб қарари йўқ.

Ён, эй кўнгул, ён, эй юрак,  
Яшаш яна бўлса керак.  
Терак кўкка бошин уриб  
Чайқалгандай, чайқал Тилак!

Бўгинларим тор-тор бўшаб,  
Кунлар ўтар қандай қақшаб:  
Ой ёришмас, кун кўринмас,  
Дунё қолди ғорга ўхшаб...

...  
1990

Шамоллар эсингиз, бўлса эсингиз,  
Тарқатиб руҳимнинг туманларини.  
Тўхтовсиз эсингиз, тезроқ тўсингиз  
Кўнглимнинг беҳудуд гумонларини.

Тўлқин-ла талашган япроқ сингари  
Бир макон тополмай тўзғиб ётар дил.  
Оёққа чалишар армоннинг бари,  
Умид ёмғирдан ёрилади тил.

Қаёққа борасан, қанот қайрилиб,  
Майсалар узилган умиддай ҳолсиз.  
Товонинг тўпроқдан қолди айрилиб,  
Узилди узанги, оёқсиз, қўлсиз...

Вужудим зирқирар, қора тош-қотган,  
Лабларим елимдир тишингга ботган.  
Чехрангга ўрмалар ҳасрат чаёни,  
Бағрингга ин қўйиб, илонлар ётган.

Қани, айт, не қилсин бу вужуд,  
Узилган узангига ўзи осилиб.  
Риштангда ўрмалаб боқса ҳам умид,  
Бу алам, бу ҳасрат келмас босилиб.

Шамоллар эсингиз, бўлса эсингиз,  
Тарқатиб руҳимнинг туманларини.

...  
1991





## Қадимги дунё ривоят ва ҳикоятлари

Муҳтарам журналхон!

Ушбу ривоятлар ва ҳикоятлар марҳум шоир ва таржимон Маъруф Жалилнинг сунгги ижодий ишларидан биридир.

Қадрдон шоиримизнинг руҳларини шод этиш мақсадида, ушбу таржималарни ҳукмингизга ҳавола этмоқдамиз.

Таҳририят

*Дунё халқларининг қадимий ривоят ва ҳикоятларини ўқиган киши уларда хужжатлилик, тарихий давр, тарихий шахс номлари ва бадиий тўқима бир-бирига шу қадар чатишиб, бирлашиб, бир-бирини тўлдирганини кўриб ҳайратга тушади.*

*Улар тарихий маълумот асосига қурилганга ўхшайди. Замони, тарихий шахслар, воқеалар юз берган шаҳар, қишлоқ номлари аниқ. Лекин, баён қилинган воқеа ҳайратланарли, ибратли бўлиши керак. Уша давр адабиёти анъаналари шуни талаб қилган.*

*Тарихийлик ва хаёлот (фантастика) қадимги дунё бадиий насрида жуда узоқ анъанага эга.*

### КИМ ҲАҚ? (Комбоджа)

Икки киши аравада бир-бирига қарама-қарши томондан келмоқда эди. Бири ўзига яхшилик қилган одамга ёрдам беришга, иккинчиси эса байрамга ошиқарди. Улар тор кўприк устида учрашди ва бир-бирига йўл беришни истамай тортишиб қолишди. Узоқ тортишгандан кейин қозига боришди. Қози улар даъвосини ҳал қилолмади ва подшо олдига бошлаб борди.

Подшо сўради:

— Нима учун бир-бирингизга йўл бермаганингиз сабабини менга тушунтиринг?

Биринчи даъвогар деди:

— Жаноби олийлари, мен байрамга шошаётган эдим. Кўприк устида манови одамга дуч келиб қолдим. Аммо, у менга йўл бермади. Вақтимни олди.

Подшо иккинчи даъвогардан сўради. У жавоб берди:

— Бир одам менга яхшилик қилган эди. Энди унинг бошига ташвиш тушибди. Ўша одамга ёрдам берай деб шошаётган эдим. Бу киши эса менга йўл бўшат, деб туриб олди.

Подшо шундай ҳукм чиқарди:

— Байрамга шошган одам яхшилик қилишга шошган одамга кўрилган зарарни тўлаши керак. Гап тамом.

### ОТ КИМНИКИ? (Араб)

Бир киши отда йўлга чиққанди. Аммо, ярим йўлда от оқсоқланиб, чополмай қолди. Шу пайт, қарши томондан бошқа бир отлиқ кўринди. У яқинлашиб келганда биринчи отлиқ деди:

- Отингни менга бер.
- Нима деяпсиз? От ўзимга керак.

Биринчи отлиқ шахд билан қилич кўтарди ва деди:

- Ё отингни берасан, ё бошингдан жудо бўласан.

У отини беришга мажбур бўлди. Чўлоқ отни миниб, унинг ортидан йўлга тушди.

Эртаси куни улар шаҳардаги бозорда учрашиб қолишди. Оти тортиб олинган одам қозига югурди, зўравонлик қилган суворий устидан шикоят қилиб, бўлган воқеани айтиб берди.

Қози айбдорни чақиртирди ва сўради:

- Эй одам, бу от кимники?

У жавоб берди:

- Ўзимники. Ҳали кичкина тойчоқ пайтида ҳам ўзимники эди.

Шу пайт, отнинг ҳақиқий эгаси, кўйлагини шартта ечиб, отнинг бошига ёпди-да, ранжитган одамга қараб деди:

- Отнинг қайси кўзига оқ тушган?

Айбдор ўйламай деди:

- Унг кўзига...

Шунда от бошидан кўйлагини олди-да, деди:

- Ҳеч қачон унинг ўнг кўзига оқ тушган эмас.

Қози отни ҳақиқий эгасига беришга ҳукм чиқарди.

## САККИЗТА НОН

(Афғон)

Бир йигит йўлда кетаётган эди, дарахт остида ўтириб, тамадди қилаётган икки кишини кўриб қолди. Биттасининг учта, иккинчисининг бешта нони бор эди. Улар йигитни кўриб, бирга тамадди қилишга чақирдилар. Йигит хурсандлик билан рози бўлди. Нонни еб бўлгач, йигит уларга раҳмат айтди ва кетар чоғида саккиз рупий пул берди.

Иккови пулни бўлиб олишга тушди, лекин, ҳеч бўлишолмади. Бири деди:

- Менга беш рупий тегиши керак, чунки, менинг ноним бешта эди.

Иккинчи деди:

- Йўқ, Ҳаммасини баравар бўлиш керак.

Узоқ тортишдилар. Тортишиб-тортишиб, ўзлари ҳал қилолмагандан кейин қозига боришди. Қози улар арзини эшитиб, деди:

- Сен беш рупий ол, сен эса уч рупий.

Учта нони бўлган одам рози бўлмади:

- Мен рози эмасман. Тўрт рупийдан олишимиз керак.

Қозининг жаҳли чиқди:

- Ундоқ бўлса, у тақдирда сенга бир рупий берилиши керак.

- Нима учун?

— Уч киши бўлгансиз, шундоқми? Нон саккизта бўлган. Шундоқми? Агар ҳар бир нонни учга бўлсак, йигирма тўрт бўлак чиқади. Сенинг учта нонинг тўққиз бўлак бўлади. Ундан саккиз бўлагини ўзинг егансан. Демак, бир бўлаккина нонинг кетган. Унинг бешта нони ўн беш бўлак чиққан. Саккиз бўлагини ўзи еса, еттитасини меҳмон еган. Шундан маълумки, етти рупий унга, сенга эса бир рупий.

Ли Фуян

## ТАКАСАЛТАНГ ВА СЕҲРГАР

Шимолий Чжоу сулоласининг сўнгги йиллари ва Суй сулоласининг дастлабки йилларида. Ду Цзичун деган бир ёш такасалтанг кимса яшаган экан. Ўз уй-жойи, мол-мулк ҳақида ўйламас. Ичкиликбозликка ружу қўйиб, тез орада бор-будининг бошига етибди. Қавму қариндошлари Цзичундан юз ўгирибди, чунки, меҳнат қилишни истамас экан.

Бир қиш куни эски кийимда, қорни оч ҳолда, Чанган кўчаларида нима қиларини билмай сандироқлаб юрарди. Кун кечга томон оғаётган пайт. Цзичун эса ҳамон туз тотгани йўқ, борадиган жойи ҳам номаълум. Шарқий бозорнинг фарб томон дарвозаси олдида совуқ ва очликдан қийналиб тўхтади. Осмонга кўз ташлаб, оғир хўрсинди.

Қўлида қайрилма бош ҳассали чол унинг ёнига келди ва сўради:

— Нега хўрсинасан, бўтам?

Цзичун чолга дарду ҳасратини айтиб, бераҳм қариндошларини лаънатлади. Юзларида уни қийнаётган барча изтироб акс этиб турарди.

— Муҳтожлик кўрмай яшаш учун сенга қанча пул керак? — сўради чол.

— Менга ўттиз-эллик минг бўлса кифоя қиларди, — жавоб берди Цзичун.

— Озлик қилса керак, — деди чол.

— Юз минг керак.

— Бу ҳам оз.

— Миллион.

— Бу ҳам оз.

— Уч миллион.

— Энди, балки етса керак, — деди чол. У энги ичидан шода-шода тангалар боғламини чиқариб Цзичунга берди. — Бу сенга шу кеча харажати учун. Эрта пешинда эса Фарбий бозордаги форслар қарвон саройида сени кутаман. Эсингда бўлсин, кеч қолма. Эртаси кун Цзичун айтилган жойга ўз вақтида келди. Чол унга уч миллион берди-да, ғойиб бўлди. Ҳатто ўз отини ҳам айтмади.

Бой бўлиб қолган Цзичун энди қашшоқлик кунлари бошқа қайтиб келмайди деб, яна маишатбозлик йўлига кириб кетди.

У яхши отлар, кийим-кечақлар сотиб олди. Вақтини ҳамтовоқлари билан кўнгли-очар уйларда қўшиқ айтиб, рақс тушиб ўтказар, келажак ҳақида мутлақо ўйла-масди.

Икки йилдан кейин пули тугади. Қимматбаҳо кийимлар ва учқур отларни сотиш ва улар ўрнига арзонрогини олишга тўғри келди. Орадан кўп ўтмай охириги от ўрнига эшак пайдо бўлди. Сўнгра уни ҳам сотгач, пиёда юришга тўғри келди. Цзичун аввалгидай қашшоқ бўлиб қолди. Яна нима қиларини билмай, тақдирдан нолиб, оху фиғон қилиб, бозор дарвозаси томон судралиб борди. Қадам товуши эшитилди. Чол пайдо бўлди ва Цзичун қўлидан ушлаб, хитоб қилди:

— Нима бўлди? Яна қашшоқ ва жулдурвоқи бўлиб қолибсан? Қанча пул керак бўлса айт, мен ёрдам қиламан?

Чолнинг қатъият билан талаб қилганига қарамай, Цзичун уялганидан жавоб беролмай, хижолат чекиб турарди.

— Эртага, пешин пайти аввалги жойга кел, — деди чол.

Цзичун уят ҳиссини енгиб, тайинланган жойга келди ва ўн миллионга эга бўлди. Бунга қадар у ўз турмуш тарзини ўзгартиришга, бирор иш бошини тутиб, қадимги машҳур бойлардан ўзиб кетишга қарор қилганди. Аммо, қўлига пул кирган заҳоти ўзининг эзгу ниятларини эсдан чиқарди. Яна аввалгидай кайф-сафога берилди. Орадан уч йил ўтди. Аввалгидан ҳам баттар ночор аҳволга тушиб қолди.

Бир куни эски (таниш) жойда яна ўша чолга дуч келди. Цзичун уят зўридан юзларини яширди ва қочиб қолмоқчи бўлди. Аммо, чол унинг этагидан ушлади ва деди:

— Ишинг ўнгидан келмабди, — деб унга ўттиз миллион топширди ва деди: — Агар бу ҳам дардингга даво бўлмаса, демак, қашшоқлигинг муқаррар.

Цзичун ўйлаб қолди.

Мен саёқ ҳаёт кечирдим. Кўп муҳтожлик кўрдим. Лекин қариндошларимдан бирортаси менга ёрдам бермади. Мутлақо бегона одам уч марта менинг жонимга оро кирди. Унга қандай қилиб миннатдорчилик билдирсам экан? Чолга қараб туриб, деди:

— Бу пуллар менга яхши ишлар қилиш, камбағал қариндошларимга ёрдам бериш, шундай қилиб ўз бурчимни бажаришим учун бемалол етади. Сиздан бениҳоя хурсандман, нима десангиз, айтганларингизни қиламан.

— Мен ҳам шу гапингни кутгандим, — деди чол, — ишларингни йўлга қўй, ўғлим. Келаси йил еттинчи ойнинг ўн бешинчи куни Лоацзи ибодатхонаси ёнидаги икки қора арча остида учрашамиз.

Кўпчилик қариндошлари Хуай дарёсининг жануб томонида яшагани учун Цзичун Янчжоу шаҳри чеккасида ўн минг ҳосилдор ер сотиб олди ва шу ерда катта-катта уйлар қурди. Катта йўл ёқасида юздан ортиқ дала ҳовлилар қуриб, уларга камбағал қариндошларини кўчириб келди. Қиз ва ўғил хиянларининг никоҳ тўйларини ўтказди. Бошқа жойларда дафн этилган қариндошларининг хокини аждо-ларини ётган қабристонга кўчириб келди. Қачондир унга ёрдам берган одамларга яхшилик қилди, ёмонлик қилганларга ҳам ҳақини қолдирмади. Ҳамма ишларини бажо келтиргач, чол билан учрашиш учун тайин қилинган жойга йўл олди, чунки, муддат келиб қолганди.

Чол қора арча соясида ўтирарди. Улар биргаликда Юнтай чўққисига кўтарилиб, тоғ ичкарисига ўтдилар. Қирқ дидан кўпроқ йўл босгач, ер юзида учрамайдиган ажойиб бутхонани кўрдилар. Йўловчилар боши узра ярқироқ булутлар парвоз қиларди.

Урта хонада баландлиги тўққиз чидан ортиқроқ келадиган қозон турарди. Унда дори-дармон тайёрланарди. Қозонни бир томонида яшил аждарлар, бошқа томонида оқ йўлбарслар кўриқлаб турарди. Оловнинг қизил шуғалари девор ва деразаларда жилваланарди. Қозон атрофига тўққиз соҳира тўпланган эди.

Куёш ботишга яқинлашмоқда. Чол ўзининг оддий кийимларини ечиб, қоҳин либосига бурканди ва сариқ қалпоқ кийди. Сўнгра Цзичунга учта оқ зўлдир бериб уларни ютиб, устидан бир қадаҳ мусаллас ичишга буюрди. Цзичун унинг айтганини бажарди. Чол ғарбий девор тарафга йўлбарс терисини тўшаб, юзини шарқ томон қилиб уни ўтқизди.

— Тангриларни кўрсанг ҳам, — огоҳлантирди Цзичунни, — иблисни, дўзах вакилларини кўрсанг ҳам, ёввойи ҳайвонлар ёки ўз яқинларингни қийноқ остида азобланаётганини кўрсанг ҳам овоз чиқарма, жим ўтир. Билиб қўй, буларнинг бари рўёдир. Сен эса, қимирлама ва чўчима. Сенга ҳеч қандай зиён етмайди. гапларимни яхши эслаб қол.

Чол чиқиб кетди. Цзичун хонага назар солди. Сув тўлдирилган ҳайбатли қозондан бошқа ҳеч нарсани кўрмади.

Чол чиқиб кетгандан кейин кўп ўтмай байроқлари ҳилпираган гала-гала ҳарбий аравалар ва қуроллари ярқираган суворийларнинг отлари дупур-дупуридан тоғ ва водий титрай бошлади. Ҳарбий буйруқ ва қичқириқлардан ер ва осмон ларзага келди. Олдинда лашкарбоши унинг ўзи ҳам, оти ҳам олтин ранг зирхга бурканган, унинг ярқираши кўзни қамаштиради. Лашкарбошини бир неча юз киши қилич яланғочлаган, камони тортилган ҳолда кузатиб келарди. Улар хонага кира бошлади.

— Кимсан, — қичқирди лашкарбоши, — менга қарашга қандай журъат қилдинг?

Цзичун устига ҳар томондан аскарлар ёпирилди. Кимсан ва бу ерга қандай келиб қолдинг, деб бақириварди. Аммо, Цзичун миқ этмади. Дарғазаб бўлган аскарлар чопиб ташламоқчи, найза санчмоқчи бўлишарди. Уларнинг овози момақалдиरोқдай даҳшатли эди. Цзичун жавоб бермади. Ҳазаби ҳаддан ошган лашкарбоши ва аскарлар чиқиб кетишди.

Сўнгра даҳшатли йўлбарслар, ёвуз аждарлар, арслон ва заҳарли илонлар вишиллаб, бўкириб тилка-пора қилмоқ ниятида даҳшат билан Цзичун устига ташланишди. Аммо, Цзичун юзида кўрқув аломати кўринмади. Бир пасда ҳайбатли махлуқлар ғойиб бўлди.

Дафъатан сел қуйиб, чақмоқ чақиб, момақалдиरोқ гулдиради. Ҳар томондан олов зўлдирлари ёғилиб, кўзни қамаштирарли даражадаги чақмоқлар қарсиллаб ерга урилиб, учкунлар сочарди. Цзичун кўзларини қисиб олди. Бир лаҳзада хонани сув босиб, бир газ баланд кўтарилди. Сув оқими чақмоқ тезлигида қуйилар, момақалдироқдай гувилларди. Кўп ўтмай сув Цзичун ўтирган жойгача етиб келди. Аммо у бемалол ўтирар, шунинг учун зиён қилмади.

Лашкарбоши яна қайтиб келди. Боши буқа ва ғаройиб махлуқларга ўхшаган дўзах жаллодларини эргаштириб келганди. Улар ёғ солинган катта қозонни Цзичун рўпарасига қўйишди. Ҳар томондан узун ва катта найзалар Цзичунга санчишга тайёр турарди.

— Агар ўз отини айтса, қўйиб юборинглар, — деб буюрди лашкарбоши. — Айтмаса, найзага санчиб, қозонга ташланглар.

Цзичун бир оғиз ҳам гапирмади.

Шунда жаллодлар унинг хотинини судраб келишди-да, зинага ташлади ва унга имо қилиб деди:

— Ўз номингни айтсанг, унга шафқат қиламиз.

Цзичун миқ этмади.

Жаллодлар аёлни қамчи билан урар, камон билан отар, пичоқ билан кесар, устидан қайнаган ёғ қуяр, олов билан куйдирарди. Уни қонига беллашиб чинқиртирганча шундай азоблашди.

— Мен оддий аёлман, сизга муносиб эмасман. Лекин ўн йилдан ортиқ хизматингизни қилдим. Бу иблислар қийноғи остида қаттиқ азоб чекаяпман. Менга шафқат қилсин деб улар билан гаплашиш даражасида ўзингизни ерга уришингизни истамайман, лекин, бир оғизгина сўз айтсангиз, ҳаётим сақлаб қолинади. Қанчалик тошбағирсиз, бир оғиз сўзингизни аясангиз.

Аёл гина қилар, лаънатлар, кўзларидан ёши дарё бўлиб оқарди.

Цзичун унга бир марта ҳам қайрилиб қарамади.

— Хотинингни ўлдириш қўлидан келмайди, деб ўйлаяпсанми? — сўради лашкарбоши.

У аёл оёғи гўшtidан кесиб олишга буюрди. Шўрпешона аёл даҳшат билан чинқираб юборди.

Цзичун бир марта ҳам қайрилиб қарамади.

— Бу ярамас — уста сеҳргар, — деди лашкарбоши, — унинг бу дунёда қолиши мумкин эмас.

У Цзичунни ўлдиришга буйруқ берди. Цзичун ўлдирилди ва унинг руҳи дўзах ҳукмдори Янло олдида ҳозир бўлди.

— Шуми Юнтай тоғидаги сеҳргар? — сўради дўзах ҳукмдори, қийноққа солинсин!

Цзичун томоғига қайнатилган мис қўйдилар, темир хивич билан савадилар, ховончада туйдилар, тегирмонда тортдилар, олов ёниб турган хандаққа ташладилар, қайнаб турган сувга ботирдилар, ханжарлар чиқиб турган тоғ ва қиличлар ўрмони бўйлаб судрадилар. Унинг бошига солмаган азоб-уқубатлари қолмади. Шунча азоб-уқубатлар ичида ҳам даос сўзларини дилида сақлади. Лабидан оҳ деган бирор нола учиб чиқмади. Жаллодлар дўзах ҳукмдорига ҳамма қийноқларга солиб кўрганларини айтганда у бундай деди:

— Бу ярамас қайта эркак бўлиб туғилишга муносиб эмас, Сунчжоудаги Шанфу уезди қозиси Ван Цюан оиласида қиз бўлиб туғилгани маъқул.

Цзичун қиз бола бўлиб туғилди. У қиз тез-тез хасталанар, нима биландир уни даволашмаган бирор кун йўқ эди. Бир марта ёниб турган ўчоққа йиқилиб тушди. Кейин каравотдан йиқилиб кетди. Оғриқнинг зўрлигига қарамай, ақалли бир марта ҳам «их» демади. У ўсиб, чиройли қизга айланди, аммо, бир оғиз ҳам гапирмас эди. Оилада уни туғма соқов (тунг) деб ўйлашарди. Қариндошлари унга ҳар хил азоб берар, аммо ҳеч қачон уларга эътироз билдирмас, жавоб қайтармасди. Уша уездлик Лу Гўй отлиқ Цзичун соқов қизнинг ҳусн-латофати ҳақида эшитгач, унинг уйига совчилар юборди. Қариндошлар қизнинг соқовлигини баҳона қилиб эрга беришни исташмади. Шунда Лу Гўй деди:

— Агар у яхши хотин бўла олса, гапиришининг нима кераги бор? Аксинча, у тили узун ва заҳар хотинларга намуна бўлади.

Қизнинг ота-онаси никоҳга рози бўлишди. Вақти-соати етиб бутун удумларга риоя қилинган ҳолда гўй тантанаси бўлиб ўтди.

Бир неча йил давомида келин-куёв бахтиёр турмуш кечирди. Оилада ўғил туғилди. Икки ёшга кирганда ўткир ақл-идроки билан ҳаммани ҳайратга солди. Лу Гўй ўғлини қўлига кўтариб олиб хотинини бирор сўз айтишга мажбур қилмоқчи бўларди, аммо, барча ҳаракати бефойда кетарди. Кунларнинг бирида газаби қайнаган Лу Гўй деди:

— Бурунги замонларда Цзя деган вазир бўлган экан. Унинг хотини ҳеч қулиб қарамас экан. Чунки, эрини ёмон кўраркан. Аммо, эрининг тустовуқларни қандай маҳорат билан отганини кўриб беихтиёр жилмайибди. Мен ўзимни унга қиёсламоқчи эмасман, чунки адабиёт бу тустовуқ овлаш эмас. Мен билан гаплашишни истамайсан. Отасидан нафрат қилсанг, фарзанди нимага керак?

Шундай деб эри боласининг оёғидан ушлаб, кўтариб, бошини тошга урди. Мажақланган бошидан қон сачраб кетди, атрофдаги бир неча қадам ер қонга бўялди. Шунда Цзичун ҳамма аҳд-паймонларини унутиб «оҳ» деб нола қилиб юборди. Ноласи ҳали тинмай туриб, у ўзини аввалги ўтирган жойида кўрди. Даос унинг рўпарасида турарди. Ҳўрозларнинг бешинчи қичқириқ пайти эди. Ибодатхонада бирдан ловуллаб ўт ёнди. Унинг узун тиллари юксакларга ўрлади. Бутун хонани олов қамраб олди.

— Сен умидларимни чиппакка чиқардинг, — деди қоҳин хўрсиниб. Сўнгра Цзичунни сочидан кўтариб, сув тўла тоғорага ботириб олди. Унинг кийимлари эскириб, титила бошлаган эди.

— Уғлим, сен ўзингдаги шодлик, газаб, алам, қўрқув, нафрат ва умид каби туйғуларни ўлдирдинг. Лекин, фақат муҳаббат туйғусини ўлдиролмадинг. Агар «оҳ» деб нола чекмаганингда менинг абадийлик малҳамим тайёр бўларди. Сен ҳам абадий ҳаётга ноил бўлардинг. Оҳ, абадийлик малҳами яратиш йўлида ишончли ёрдамчи топиш бунча мушкул бўлмаса? Мен абадиёт малҳами тайёрлашга яна уриниб кўраман. Сен эса оддий одамлар дунёсига қайтасан. Хайр!

Қоҳин Цзичунга йўлни кўрсатиб юборди. Цзичун атрофга назар ташлади. Қозон ишдан чиқиб ётарди. Ундан йўғонлиги билан келадиган темир келисон учи чиқиб турарди. Қоҳин уни пичоқ билан кеса бошлади.

Еруғ дунёга қайтиб келган Цзичун ўз валинеъматига ёрдам беролмаганидан

жуда қаттиқ изтиробда эди. У яна қоҳинни излаб топиш ва унга кўмаклашишга қарор қилди. Аммо Юнтай тоғига кўтарилганда, у ерда ибодатхонадан ному нишон қолмаганини кўрди. Цзичун оғир ҳасрат билан ортига қайтиб кетди.

## ҒАРОЙИБ ҲУКМ

(Корейс ривояти)

Кекса шойифуруш бир кун Пхеняндан жануб томонга қараб йўлга чиқди. У Саринов бозорида ўттиз икки ўрам нафис тўқилган чипор рангли шойисини сотмоқчи эди. Кеч кириб, қоронғи туша бошлади. Яқин орада на қишлоқ, на меҳмонхона бор эди. Унинг бахтига шундоққина йўл ёқасида қандайдир бир табаррук одамнинг девор билан ўралган мақбараси кўриниб қолди. Қабристон тепалигининг ўнг ва чап томонида вазир-олим акс эттирилган иккита тош ҳайкал савлат тўқиб турарди. Улар ёнида иккита от ҳам бор эди. Савдогар шу ерда тунаб қолишга қарор қилди. У барча шойи ўрамларини бир қилиб боғлади-да, боши остига қўйди. Иссиқ ва узоқ йўлда чарчаганидан дарров ухлаб қолди.

Эрталаб уйқудан турди. Қараса боши остидаги шойи боғламлари ўрнида қаттиқ тош ётибди. Савдогар даҳшат ичра сакраб турди. Унинг ўзи ва оиласини боқиши керак бўлган узоқ йиллик меҳнати маҳсулини кимдир ўмариб кетганди.

Шу заҳотиёқ, қози ҳузурига йўл олди ва бошига тушган фалокатни гапириб берди.

Бу қози бечора ва мискинларга адолати, золимларга шафқатсизлиги билан маълум ва машҳур эди. Шунинг учун халқ уни севар ва шарафларди.

Савдогар арзини эшитган қози сўради:

— Мақбара яқинида бирор-бир одамни кўрмадингми?

— Йўқ жаноб, — деди савдогар, — қабристон тепалигининг икки томонидаги иккита катта ҳайкалдан бошқа ҳеч кимни кўрмадим.

— Демак, бирорта ҳам тирик жонни кўрмадинг? — Яна сўради қози.

— Ҳа, ростдан ҳам бирорта одамни кўрмадим.

— Ундай бўлса, ўша иккала тош ҳайкал олиб келинсин, — қарор қилди қози.

— Улар гувоҳлик беришади.

Бу қарордан одамлар ҳайратга тушди:

— Мақбарани вайрон қилиб, тилсиз ҳайкалларни олиб келиш нимага керак?

Аммо қози ўз сўзида туриб олди.

— Адолат шуни талаб қилади, — деди у. — Ўғрилиқ катта гуноҳ, ундан ҳатто тилсиз ҳайкаллар ҳам нафратланади.

Одамлар бунга жуда қизиқиб қолди. Охири нима бўлар экан деб, ҳамма бу ғаройиб судда иштирок этишни хоҳларди. Бошида қози бунга рози бўлмади, аммо, кейинроқ маҳаллий аҳолидан ўттиз кишининг қатнашишига ижозат берди.

Суд бошланди. Аввал хитойнинг мумтоз китобларидан ҳикматлар ўқилди. Кейин маҳаллий қонунлардан бир неча моддалар келтирилди. Ҳамма диққат билан тинглади. Мана, ниҳоят, савдогар йиғлаб-сиқтаб бошига тушган фалокатни айтиб берди.

Шунда қози мақбарадан келтирилган тош ҳайкалларга қараб тантанавор оҳангда, жиддий сўради:

— Шойини сиз ўғирладингизми?

Ҳайкаллардан садо чиқмади.

— Улар жавоб беришни истамас экан, олтмиш дарра урилсин, — деди қози.

Шотирлар оғир эман калтақларини олиб, ҳайкалларни ура бошладилар. Буни кўрган одамлар ўзларини тўхтатолмай кулиб юборишди. Кулгини эшитиб қолган қози дафъатан ғазаб қилди.

— Мен ҳукм чиқарганимда ҳеч кимнинг кулишга ҳаққи йўқ, бунинг учун жазо берилади сизларга.

Одамлар узр сўрай бошлади. Лекин қози шафқат билмасди.

Уринсиз кулганингиз учун жарима тўлайсиз. Ҳар бирингиз бир ўрамдан шойи сотиб оласиз ва шу ерга олиб келасиз.

Судда иштирок қилган ўттиз киши бундан норози бўлиб тортиша бошлаган эди, қози яна ҳам қаттиқроқ жазо бериши мумкинлигини эслатди. Улар бўйсунмишга мажбур бўлишди. Ва, қозихонадан чиқиб кетишди. Бир мунча вақт ўтгандан кейин қайтиб келишди. Ҳар бирининг қўлтиғида бир ўрам шойи бор эди.

Савдогар шойи ўрамларини кўрган заҳотиёқ, қичқариб юборди.

— Булар менинг шойиларим-ку. Ноинсоф ўғрилар?

Қози бу ўрам шойиларни кимдан олганларини сўраб-суришгирди. Сотган одамни қозихонага олиб келишди. Кўп ўтмай ўғри ҳам топилди.

Шундай қилиб, тош ҳайкаллар ҳақиқатдан ҳам жиноятни фош этди ва ўғриликдан тил забонсиз ҳайкаллар ҳам ҳазар қилишини исботлади.

## ОВЧИ ВА ЎҒРИ

(Африка)

Бир овчи бўлган экан. Унинг Синна исмли ўғли бор экан. Бир куни иккалови ўрмонга йўл олибди. Пешингача овора бўлиб, бир кичкина қуёндан бошқа ҳеч нарса овлашолмабди. Отаси қуённи Синнага берибди. У бўлса бунга арзимас ўлжа деб ўрмонга ташлаб юборибди. Бироқ ўша куни бошқа ҳеч нарса отишолмабди. Пешинда уларнинг қоринлари очқаб кетди.

Отаси Синнага деди:

— Қуёнимизни пишир-чи, оз бўлса ҳам ҳарна, жон дармони.

Ўғлининг қуённи ўрмонда ташлаб юборганини эшитиб, зардаси шундай қайнаб кетдики, беихтиёр у ғазаб устида ўғлини болта билан уриб юборди, сўнгра ёлғиз ташлаб кетди.

Синна кун ботганда кўзини очди. Ўрнидан турди ва уйга йўл олди. Ҳамманинг уйкуга кетишини пойлаб турди. Кейин керакли нарсаларини олиб, уйдан, бош олиб кетди. У Квенда деб аталган катта қишлоқ томон йўл олди. Ярим кечада қишлоқ оқсоқолини излаб борди.

Оқсоқол ухламаган эди. У йигитни кўриб сўради:

— Қаерликсан?

— «Фалон-пистон» жойдан.

— Нега уйингни ташлаб кетдинг? — деди оқсоқол.

Синна жавоб берди:

— Отам билан ўрмонга овга чиқувдик. Кичкина қуёндан бошқа ҳеч нарса учрамади. Отам уни олиб юр, деб менга берди. Мен бу қуён жуда кичкина экан деб ўйладим ва ташлаб юбордим. Қорнимиз очқаганда отам менга қуённи пишир деди. Мен унга ташлаб юборганимни айтдим. Шунда отам дарғазаб бўлиб мени болта билан урди. Мен беҳуш бўлиб йиқилдим. Кечқурун ўзимга келиб, кўзимни очдим. Кейин бу томонга келдим. Шунақа гаплар.

Шуни айтиш керакки, оқсоқол бир неча йил бурун якка-ёлғиз ўғлини урушда йўқотган эди. Уни асир олишган ва ўлдиришган эди. Шу пайт, унинг хаёлига бир фикр келди.

— Сен сир сақлашни биласанми? — деб сўради.

— Қанақа сир? — сўради Синна.

— Менинг ўғлим йўқ, — деди оқсоқол, — уни урушда асир олишди. Тонг отгач, сени ҳаммага ўғлим деб эълон қиламан. Асирликдан қочиб, уйга қайтиб келди, дейман.

Синна рози бўлди.

— Бу унча қийин эмас, — деди у.

Шундан кейин оқсоқол уйга кириб, милтигини олиб чиқди-да, варанглатиб ўқ узди. Бум! Тун сокинлигини бузиб юборди. Оқсоқолнинг хотини чўчиб уйғонди ва югуриб чиқаркан сўради:

— У, улуғ йўлбошчи, ярим кечада милтиқ отишинг боиси нима?

Оқсоқол жавоб берди:

— Ўғлим қайтиб келди.

Шунда севинган хотини ҳам шовқин кўтарди. Бутун қишлоқ уйғониб кетди.

— Оқсоқолнинг уйида нима бўлди? — сўрашарди одамлар бир-биридан. — Нима учун ярим тунда милтиқ отишяпти?

Оқсоқолнинг уйига юборилган элчилар: «Уруш даврида асир тушган ўғли кутилмаганда эсон-омон қайтиб келибди», деган хабар олиб келишди. Бировлар бундан хурсанд бўлди. «Ростданми?» деб шубҳа билан қарайдиганлар ҳам бўлди.

Эрталаб йигит ювиниб- таранди, оқсоқол совға қилган қизил кийимларни кийиб, қишлоқни айланди. Ҳамма уни шоду хуррамлик билан қутлашар, омонлашарди. Аммо, баъзи бир чоллар унга қараб, шубҳа билан бош чайқашарди.

— Бу унинг ўғли эмас, — дейишарди улар.

Бошқалар эътироз билдирарди.

— Йўқ, бу унинг ўғли.

Шубҳа ортиб борарди. Бир куни кимдандир бундай фикр чиқди.

— Келинлар, синаб кўрамиз, ҳақиқатдан бу йигит унинг ўғлими, йўқми?

Оқсоқоллар ўғилларини бир жойга тўплаб, энг яхши кийимларини кийиб, отларини эгарлашни буюрди. Сўнгра уларга бундай дедилар:

— Йўлбошчи уйига боринглар, ўғлини бирга сайр қилишга таклиф қилинглар. Анча вақт бирга от чоптиргандан кейин тўхтаг-да, тушиб отларингни ўлдириглар. Кейин уйга қайтиб келинглар.

Ўғилларига ўткир қиличлар беришди. Йигитлар йўлбошчи уйи томон йўл олишди.

Бу орада зимдан хабар етказувчи топилди. У оқсоқоллар гапини оқизмай-томизмай йўлбошчига етказди. Шунинг учун йўлбошчи бу синовга тайёр эди.

— Жуда соз, — деди у, — улар шохида юрса, биз баргида юрамиз.

Тутинган ўғлини чорлади ва уқтирди:

— Оқсоқолларнинг болалари билан борганинга, эҳтиёт бўлиб, ҳаммасини кузат. Улар нима қилса, сен ҳам шундай қил.

Худди шу пайтда, улар етиб келди ва йўлбошчининг ўғлини сайрга таклиф қила бошлашди. Оқсоқолларнинг ўғиллари бир неча муддат от чоптириб, дафъатан тўхташди. Тушиб, қилич билан отларини чопиб ташлашди. Синна барини кўрди ва ўзининг қимматбаҳо отини қилич билан бошини узиб ташлади.

Қайтиб келгач, ўғлонлар оқсоқолларга барини айтиб беришди. Улар Синна синовдан яхши ўтганини тан олишди. Йўлбошчининг ўғлигина шундай қилиши, қимматбаҳо нарсани ҳеч ачинмай, иккиланмай қурбон қилиши мумкин.

Замон ҳаракатдан тўхтамайди. Синна йўлбошчининг уйида ўғилдай яшарди. Аммо, кунлардан бир кун Квендага овчи, Синнанинг отаси келди. У ўғлини кўриб қолди. Одамлардан сўраб-суриштириб, нималар бўлганини билиб олди. Шундан кейин овчи йўлбошчининг уйига кириб борди ва унинг ўғли Синна билан ёнма-ён ўтирганининг устидан чиқди. Овчи йўлбошчига таъзим бажо келтирди ва ўғлига қараб деди:

— Юр, ўғлим, мен билан. Яна бирга-бирга ов қиламиз.

Синна чурқ этмади. Йўлбошчи эса овчига деди:

— Йўловчи, менинг сиримни ошкор қилма! Нима истасанг бераман, ол, лекин Синнани менга қолдир.

Аммо, овчи унинг ёлвориш нолаларини эшитмас, ўз билганидан қайтишни истамасди.

Шунда йўлбошчи учта отни эгарлашни ва Синнага қилич беришни буюрди. Учовлон: овчи, йўлбошчи ва Синна отларга миниб, ўрмон томон чоптириб кетишди. Бир ерга бориб тўхтадилар. Йўлбошчи Синнага қараб мурожаат қилди:

— Гапимга қулоқ сол, Синна, биз иккаламиз қуролсизмиз. Ёлғиз сенда ўткир қилич бор. Биз учун бу ҳолатдан чиқишнинг биргина йўли бор. Мени ўлдириб, ҳамма мол-мулкимга эга бўласан ва отанг билан уйингга кетасан ёки отангни ўлдириб мен билан бирга қоласан ва аввалгидай яшайверасан.

Йигит нима қилишини билмай довдираб қолди. Сиз нима дейсиз, йигит қандай қарорга келгани маъқул?!

**Маъруф Жалил таржимаси**







**Зафар Диёр**

ДАРАК БЕРИБ БАХОРДАН  
ҚУВОНТИРИШ ДУНЬАЛАР  
ВНИЗМИНГОСАМ  
УНИЗМИНГОСАМ

## Олма

Боққа кирдим, олмалар  
Қип-қизариб пишибди.  
Силкитибди шамоллар,  
Ерга тўп-тўп тушибди.  
Ҳавас билан ҳар бирин  
Олиб кўрдим қўлимга,  
Олтин каби кўринур  
Улар менинг кўзимга.  
Мазасини тотийман,  
Аъло эрур қантдан ҳам.  
Бундай ширин олмани  
Мен кўрганман камдан-кам.  
Бундай ширин олмалар  
Ўз боғамда етилди,  
Яшнаб ўссин деб улар,  
Ҳалол меҳнат этилди.  
Меваларнинг уруғин  
Экинг, асранг, ўртоқлар.  
Келажакда улардан  
Яратилгай гулбоғлар.

## Тўп

Тўпим, тўп-тўп этасан,  
Урсам учиб кетасан,  
Ҳаволаниб, нарига  
Дўстларимга етасан.

Ўйнатасан кўзимни,  
Ховлиқтириб ўзимни,  
Бироз кўпроқ ўйнасам  
Терлатасан юзимни.

Сенга сира тўймайман,  
Бўш эканман қўймайман,  
Овунчоғим, деб сени  
Дўстларим-ла ўйнайман.

Тўпим, тўп-тўп этасан,  
Урсам учиб кетасан,  
Ҳаволаниб, нарига  
Дўстларимга етасан.

## Капалак

Ҳой капалак, капалак,  
Қанотларинг ипақдак,  
Мунча шошиб учасан,  
Тўхта сўзлайин андак?!

Учратаман ҳар куни  
Сени гўзал боғчамда,  
Сўриб гуллар шарбатин  
Ўлтирасан олчамда.

Бориб ушлай деганда,  
Шошиб дарҳол учасан,  
Сира тутқич бермасдан,  
Гулдан-гулга кўчасан.

Мендан асло қочмагин,  
Дўст биламан ўзимга,  
Пилдир-пилдир учишинг  
Оҳ, ёқади кўзимга.

Уч, учабер, учабер,  
Гўзал боғчам-гулшанда  
Сира озор бермайман,  
Севгим, фикрим ҳам санда.

Капалакжон, капалак,  
Қанотларинг ипақдак,  
Дўст бўлайлик иккимиз,  
Тўхта, сўзлайин андак!

## Гунафша

Гунафшажон, гунафша,  
Кулишларинг чиройлик,  
Боғимизда очилиб  
Туришларинг чиройлик.

Ҳамма чиқар далага  
Гунафшалар тергали,  
Мен ҳам йиғдим бир даста  
Опамизга бергали.

— Мана, опа, гунафша,  
Қаранг, қандай чиройлик,  
— Юринг — деди — опамиз,  
Гунафшалар терайлик.

Гунафшалар очилди,  
Чаккангга тақ, чаккангга,  
Атир ҳиди сочилди,  
Чаккангга тақ, чаккангга.

Лаззат олиб ҳидидан  
Боларилар учади,  
Ипақ қанот капалак  
Баргларингни қучади.


Сени мақтаб куйлайди  
Боғ айланиб қушчалар,  
Дарак бериб баҳордан  
Қавонтирдинг шунчалар.

Гунафшажон, гунафша,  
Кулишларинг чиройлик,  
Кўксимизда ҳид сочиб  
Туришларинг чиройлик.

Ўзбек болалар адабиётининг  
таниқли вакилларидан бири — Зафар  
Диёр 1912 йилда Чуст туманида  
таваллуд топган.

1933 йилда биринчи китоби чиққан.  
Шундан сўнг шоирнинг «Бизнинг оила»,  
«Кичкина боғбон», «Совға», «Фунчалар»,  
«Ким бўлсам экан?», «Чаман» сингари  
қатор китоблари чоп этилган.

Зафар Диёр навқирон ёшида, 1946  
йилда ҳаётдан бевақт кўз юмган.



## ҲИНДИСТОНЛИК ЗАБАРДАСТ НАҚШБАНДИЙ АЛЛОМА

Нақшбандия тариқатининг йирик вакили Шайх Аҳмад Сирҳиндий номи гарчи юртдошларимизга у қадар таниш бўлмаса-да, хорижий мамлакатларда ул зоти муборакнинг номлари машҳурдир. Хорижда Шайхнинг таржимаи ҳоли ва фаолияти, маънавий мероси тўғрисида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Замондошлари ва кейинги даврларда яшаб ўтган издошлари у кишини жуда ҳурматлаб Шайх Аҳмад Сирҳиндий - ал Форуқий ал-Мужаддий Алфи Соний деб аташган.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, Шайх Аҳмад Сирҳиндий ҳижрий 971 йил шаввал ойининг 14 куни (1564 йил 26 май) Ҳиндистоннинг Сирҳинд шаҳрида дунёга келади. Отасининг исми Шайх Абдулаҳад бўлиб, унинг етти нафар фарзанди бор, Аҳмад уларнинг тўртинчиси эди.

Шайх Абдулаҳад фарзандлари, хусусан, Аҳмаднинг тарбиясига жиддий эътибор қаратади. Хат-саводини чиқариш учун уни бошланғич мактабга беради. Узи ҳам унга чиштиё ва қодирийа тариқати одобларидан сабоқ ўргатади. Аҳмад Сир-

Шайх Аҳмад Сирҳиндий «Мактубот»идан намуналар

### ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ МАКТУБ

Хожа Умакка

Олий нисбат нақшбандийа тариқи бузругларининг мадҳи тўғрисида битилди. Тангри уларнинг сирларини муқаддас қилсин.

Алҳамдулиллоҳ, бу муҳлис номига марҳаматномаларини юборган ул тақво соҳибга-ким, саломлар бўлсин! Мактуб мазмуни бизни қувонтириб, масрур этмиш. Саломат бўлғайсизким, нақшбандийа олий сулоласи хусусида олқишлар айтиб, сизни уринтиришни истамасмиз. Бу бузругнинг, яъни, маҳдумимиз (Тангри сирларини муқаддас қилсин) силсилалари баёнида воқеъ бўлбдурки, ҳамма нисбатлардан юксакроқ нисбат ҳозирлик ва огоҳликдур. Ва аларнинг наздида ҳозирлик мўътабардур. Ҳозирлик беғайбийатдур. «Ёддошт»да юзага келмиш. Бас, шундай экан, бу азизларнинг нисбати «ёддошт»дан иборатдир. Бу фақирнинг фаҳми ожизича, «ёддошт»нинг асоси ҳазрат таоло ва тақаддусдин содир бўлгучи ул зотнинг зуҳуридан иборат — тажаллийи зотдур. Ва бу зуҳурда асмо, сифат, шаййун ва эътиборат мулоҳазасиз мавжуддир. Бу тажаллини «барқий» дермишларки, «ламиҳи басир», яъни, жуда тез фурсатда шаййун ва эътиборат орадан кўтарилиб яна пайдо бўлур. У яна шаййун ва эътиборат дарпардаси ортига ғойиб бўлади. Бас, бу тақдир бирла ғойибийатсиз ҳозирлик ифода бўлмас. Балки «ламиҳи басир»да ҳозирлик воқеъ бўлиб, кўпроқ вақт ғойибийат тургусидур.

Бу нисбат бу бузруглар қошида безътибор эрмиш. Ваҳоланки, бу тажаллини ўзга машойихлар силсиласида «ниҳойатун ниҳойа» дебдурлар.

Ҳар вақтики, ҳозирлик доимий бўлиб, асло ёпинчиқ қабул қилмаса, асмо, сифат, шаййун ва эътиборат пардаси муттасил тўсиқ бўлавермасдан мутажаллий бўлса, ҳозирлик ғойибийатсиз бўлур. Шундай экан, бу бузруг нисбатини ўзгалар нисбатига қиёс қилиб, унинг бошқа ҳамма нисбатдан юқори эканини очиқ эътироф этиш лозим. Бу янглиг ҳозирлик гарчи аксар мардум наздида йироқ кўринур. Аммо, шеър:

*Ҳунайял арбобун наъим наъимуха,  
Ва-а-лломихул мискинҳо йатажарруъ.  
(Дунёпарастлар учун у— дунё, бас,  
Ошиқу мискинларга қатра, холос.)*

ҳиндий илмга чанқоқлити боис, замонасининг илғор алломаларидан таҳсил олиш мақсадида сафарга отланади. Силкот шаҳрига бориб, Камол Кашмирийдан таълим олади. Ҳадис илми соҳасида эса шайхи муаззам ва қутби мукаррам Хусайн Хоразмий Кубровийнинг муқаддам халифаларидан бири Яқуб Кашмирийдан дарс тинглайди.

У араб, форс тилларини мукаммал эгаллайди ва бу тилларда асарлар ёза бошлайди. Айниқса, Қуръон тафсирилари, «саҳиҳий ситта» ҳадислари, ўзидан олдин ўтган кўпгина аҳдийуллоҳ ва машҳур алломалар асарларини зўр иштиёқ билан ўрганади.

Ривоят қилишларича, Ҳинд подшоси Жалолиддин Муҳаммад Акбаршоҳнинг (ҳукмронлик даври 1556-1606йиллар) таниқли вазири адиб Абул Фазл Алломий ҳарфларига нуқталарини қўймасдан Қуръонга тафсир битади. Мавлоно Жамол Лоҳурий каби Ҳиндистоннинг бир талай алломалари ушбу тафсирнинг муҳокама-сига тўпланади. Мажлис аҳли анча баҳс-мунозаралардан сўнг, бу тафсирни рад этишга қарор қилади. Гангиб қолган Алломий Шайх Аҳмад Сирҳиндийни мажлисга чақиртиради ва вазиятни унга тушунтиради. Шунда Шайх Аҳмад Сирҳиндий қўлига қалам олади-да, қолдириб кетилган нуқталарни ўз ўрнига қўйиб чиқа бошлайди. Йигилган алломалар унинг бу шаҳди ва илмидан, ақлининг тегранлигидан ҳайрону лол қолади. Шу тариқа Алломий тафсири мукаммал этилади. Бу воқеа 1586 йилда бўлиб ўтган ва бу пайтда, эндигина 22 ёшга кирган эди. У худди ўша даврларда ўзининг «Рисолаи исботи нубувват» («Набийлик аломати исботи рисоласи»)ни ёзганди.

Гарчи, Шайх Абдулаҳад ўғлини чиштиёа ва қодирийа тариқати хирқалари билан тақдирлаган бўлса-да, Шайх Аҳмад Сирҳиндий қодирийа тариқатининг яна бир вакилидан ҳам хирқа қабул қилган эди. У азизнинг исми Шоҳ Искандар

---

Бу олий нисбат шундай бир фаройиб йўл барпо қилибдиким, агар ўзга тариқа арбобиға бу силсила ҳақиқатдан ҳам бузруғроқ дейилса, шаксизки, уларнинг барчаси инкор мақомига келур. Ва бузруғ қавм орасида алҳол, бу нисбатнинг одатдаги оддий ҳол эканига ишонмаслар. Субҳона таоло шуҳуди ҳақнинг ҳозирлигидур. У шохидий ва машҳудий васфдан буткул мусаффоидур. Агар хусусияти мавҳумликдан юқорироқ ва зоҳирда давомий бўлса, таважжуҳи кучсиз одатий ҳолдан холи турур. Бу нисбат фақат жазаба мақомида мавжуд бўлур. Унинг мавҳумликдан юксаклиги зоҳирлик сабаби эмасдир. У «ёддошт»га ҳилоф равишда маъноси айтиб ўтилдики, жазаба мукаммал бўлгандан кейингина ҳосил бўлиб, сулук мақоматининг барқарорлиги ва олийлигидур. Унинг даражаси ҳеч кимсага махфий эмас. Агар махфий бўлса, уни ҳосил этишга тиришур, бас.

Ҳасадгўй ўз ҳасадини, ноқис ноқислигини тан олса узрлидур.

*Қитъа: Қосири гар қунад ин тоифи ро таъна ва қусур,  
Ҳошамаллоҳ ки бар ором бизабони ин геле ро.  
Ҳама шерони жаҳон басте ин силсилаи анд,  
Ру би аз ҳийлаи ҳесон бигусалид ин силсиле ро.  
(Қусур излаб, таъна қиладур агар фаҳми кам,  
Унинг фиксқу фасодидан омон сақлагин эгам.  
Бу занжирга боғланмиш жаҳоннинг барча шери,  
Уза олғайми уни бирор найранг ё фириб?)  
Аввал ҳам охири хайри, бўлсин!*

#### ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ МАКТУБ

Бу ҳам Хожа Умакка.

Яратганининг ҳукми бирла юксакликдан қуйига туширилиб йироқлаштиришнинг ҳикмати хусусида битилди.

Карам юзасидан бу муҳлис номига юборган табаррук марҳаматномангиз мутолаасига мушарраф бўлдик ва ундаги олқишлар бизни беҳад қувонтирди. Не неъматдурким, озодлар тутқинларни ёд этур ва не давлатдурким, восиллар ғарибларга ғамхўрлик қилур. Чун, бу бечораи маҳжур ўзини висолга етишишга муносиб деб билмас. Зарурат ваҳждан жойи номатълум ҳижрон кулбаси бўлди. Яқинликдан қочиб, йироқликдан ором ахтарди. Висолни тарк этиб, айрилиқдан қўним топди. Озодликни ихтиёр қилиб, тутқунликка гирифтор бўлди. Айрилиқдан қўним топди. Оқибатда тутқунлик миннати ризқи бўлди.

*Байт: Чун таъма хоҳанд з-ман султони дин,  
Ҳок бар фарқи қаноат баъд аз ин.  
(Таъма истар мендин чун, султони дин,  
Не қолур эрса унда қаноатдин?)*

Бу байтда сўзлар қовушмаган, ишоралар тарқоқдур. Узрлик бўлғайким, Оллоҳ таоло

бўлиб, мавлоно Камол Кихталиининг набираси эди. Шайх Аҳмад Сирҳиндий ёшлик чоғида мавлоно Камол Кихталиининг ўзи билан ҳам учрашган эди.

Бундан ташқари, Шайх Аҳмад мавлоно Муҳаммад Боқибиллоҳ билан учрашгунга қадар нақшбандийа тариқатидан ҳам яхшигина хабардор бўлган. Ҳинд тасаввуфшунос олими Аббос Резве унинг Агра шаҳрида нақшбандийа тариқатига қизиқиб, Ҳожа Убайд Кобулий раҳнамолигида «тавба» қилгани тўғрисида хабар беради.

Келтирилган ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, Шайх Аҳмад Сирҳиндий ҳали ўзининг севимли устозини учратмасдан бурун, кўпгина илм соҳаларида катта олимлик даражасига, тариқатда эса муршидлик маснадига етишганди.

Ҳижрийнинг 1007 йили ражаб ойининг 17-кунида (милодий 1599 йил 13 феврал) Шайх Абдулаҳад ўткинчи дунё кулбасидан бақо саройига сафар қилади. Шайх Аҳмад кўпдан бери ҳаж зиёратини орзу қилиб юрарди. Бироқ, падари бузрукворининг кексайиб қолгани ҳамда бетоб бўлиб, парваришга муҳтожлиги туфайли бунга шошилмади. Отаси вафот этгач, у ҳаж зиёратини ният қилиб, йўлга тушади. Деҳлига келганда, унга мавлоно Ҳасан Кашмирий йўлиқиб, Ҳожа Боқибиллоҳни кўриб ўтишни маслаҳат беради. Шу тариқа ҳижрий 1008 йил робиус соний ойида (1599 йил. ноябр) бу икки улуғ шайхнинг учрашуви содир бўлади.

Икки шавқу завққа лиммо-лим жозиб қалблар висолдин сармаст бўлиб, бу дунёни буткул унутиб қўяди. Зеро, бун яна қандай таърифлаш мумкин? Муборақ Маккага, ҳаж зиёратига кетаётган одам Ҳожа Боқибиллоҳ хонақоҳида уч ойдан зиёд қолиб кетди?! Шайх Аҳмад Сирҳиндий устозининг ўргатганларини ихлос билан қабул қиларди. Шогирдининг баланд ҳаваси ва ихлоси устозининг меҳрини янаям оширганди.

Бир куни Ҳожа Боқибиллоҳ бу учрашув тўғрисида шундай деган экан: «Ҳазра-

---

сизни ва бизни расуллар саййиди изидан бошласин ва унга энг самимий олқишлар ва энг яхши қутловлар бўлсин!

### **БИР ЮЗ ҚИРҚ ИККИНЧИ МАКТУБ**

Мулло Абдулғафур Самарқандийга.

Ушбу мактуб бузрукворлар нисбатидан андакгина баҳраманд бўлмоқ ҳам катта давлат эканлиги ҳақида.

Илтифот кўргузиб юборган мактубингизни олдик. Бу фақирларга муҳаббатингиз ва бу тоифага эътиборингиз Тангрининг улуғ неъматидур. Оллоҳ субҳонаҳу таолонинг ҳақ йўлида йўлбошчи бўлган у сўфитўрғайлар султонининг дарвешларга жўнатган муборақ тухфаси ҳам етиб келмишдир. Саломатлик тилаб дуо қилдик. У ердан юборилган йўриқ ва ҳаловатни демоққа сўз топилмас. Унга зарар етишидан Худо сақласин!

**Байт:** *Йақ чашм задан хайола у пеш назар,  
Бехтар з-висоли хубрўйони ҳама умр.  
(Бир қиё ташласа, бас, жоду назар,  
Бир умр зебо юзлар висолидин-да афзал.)*

Бу бузрукворлар нисбатидан андакгина баҳраманд бўлмоқ ҳам катта давлат эрур. Зеро, ўғалар наҳойати бу улуғлар бидойатига пайванддур.

**Мисра:** *Қийос кун з-гулистони ман баҳорамро.  
(Гулзоримни баҳоримга қиёс қил.)*

Аммо бунга зарар етишидан ғам чекмаса ҳам бўлади. Чун, бу олий нисбатнинг муҳаббат ришталари мустаҳкамдур. Кийилмаган роҳатигон жомаким юборилмиш, уни гоҳ-гоҳида кийиб, авайлайдурларким, ундан бисёр фойдалар умид қилинур. Ҳар қачон у жомани кийишганда таҳорат бирла кийурлар. Кишилар буткул дунёпарастдурларким, яна сабоқ беришларидан умидвормиз. Ҳамиша ненидур ёзишга тўғри келса, аввал ўз ботини аҳволи ҳақида ёзмоқ зарур. Зеро, зоҳир аҳволи ботин аҳволисиз эътиборга илинмас хайрли ишдур.

**Мисра:** *Аз ҳар че миравад сухани дўст хуштар аст:  
(Ҳар недин ҳам дўст сўзи хуш ёқадур.)*

Оллоҳ субҳона сизни ва бизни зоҳиран ва ботинан хира кўзларга нур бергувчи инсонлар саййидига эргаширсин ва унга олқишлар ва саломлар бўлсин!

**Мисра:** *Кори он нест гайри ин ҳама ҳеч.  
(Иши йўқдур унинг бу ҳамма нарсалин ўзга.)*

ти мавлонои бузрук Хожаги Имканагий қуддусу сирриҳу менга: «Ҳиндистонга боргин! Токи, бу силсилаи шариф ўша жойда сендан ривож топгай», деб буюрибдилар. Мен бу сўзнинг маъносига унчалик етмаган эдим. Бироқ, кейинчалик ҳазратнинг амрида бир ҳикмат бор эканини ва ундаги башоратни англадим. Кетаётганимда, йўлда бир тўтининг бутуққа қўниб турганини кўрдим. Агар у келиб қўлимга кўна, бас, бу сафардан кутганларим рўйебга чиққай, деб ният қилдим. Бу фикр кўнглимдан кечган заҳоти, тўти учиб келиб, қўлимга қўнди. Оғзимдан сув олиб унга ичирдим. Бу амалга ошган ушбу учрашувга ишора эди».

Шайх Аҳмад Сирҳиндий пок эътиқоди ва пирининг тарбияти билан тез фурсатда тариқатда юксак мақомга етишади. Уларнинг учрашувидан тўрт йил ўтиб, Хожа Боқибиллоҳ оламдан кўз юмади ва муршидлик маснадида Шайх Аҳмад Сирҳиндий қолади. Шайхнинг ихлосмандлари, муридлари, ёронлари ва саҳобалари кўп эди. У ҳижрий 1034 йил сафар ойининг 29-куни (1624 йил, 10 декабр) Сирҳинд шаҳрида вафот этди.

Шайх Аҳмад Сирҳиндий асҳоб ва муридлари хусусида шуни айтиш мумкинки, у муршид сифатида ном қозонгач, ҳинд диёри ва бошқа ўлкалардан ҳам унинг ҳузурига ихлосмандлар оқиб кела бошлади. Етук алломалар унинг суҳбатига шошилди. Улар ҳеч бўлмаганда, ўзларини қизиқтирган масалалар ечими юзасидан хат орқали унга муурожаат қилишарди. Тарихий манбаларда Шайхнинг асҳоблари ва соҳиб дил ёронлари тўрт юздан ошиқ эканлиги таъкидланади. Уларнинг номлари ва нисбатларига кўра, ўша пайтдаёқ, мужаддийа-нақшбандийа тариқати ҳозирги Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Афғонистон, Эрон, Ўзбекистон, Тожикистон каби бир қанча ўлкалар ҳудудларида маълум бўлгани кўзга ташланади.

Шайх Аҳмад Сирҳиндий самарали ижод этиб, ўзидан бой ва сермазмун илмий мерос қолдирди. У таълиф этган асарларнинг асосий қисми бизга қадар етиб

### **БИР ЮЗ ОЛТМИШ САККИЗИНЧИ МАКТУБ**

Маҳмудзода Имканагий, яъни, Хожа Абул Қосимга.

Нақшбандийанинг олий силсиласи баёни ва бу тариқаи шарифга баъзи уйдирмалар тўқиб қўшаётган аҳволдан шикоятдур.

Алҳамдулиллаҳи роббил оламин! Ва расуллар саййидига олқишу саломлар бўлсин! Шарафга бурканган олийжаноб машойихул киром сулоласи бирла қуршалган ва улғу авлиёлар зурриёти, тўғри йўлда хизмат қилаётган маҳдумзодамизга салом, Оллоҳу субҳона таолога шуни етказиш ва изҳор қилишга иштиёқманд ва орзуманддурмиз.

**Байт: Кайфул аусул ила суъад ва дунҳа,  
Қалимул жибал ва дунҳин хайуф.  
(Висолдин бахрамаи бахтли ва бахтсиз,  
Тоғнинг чўққиси ва чуқурдир тубсиз.)**

Ул шариф маҳдумзодага маълумдурки, бу табақанинг ривожии ва олий бўлмоғи суннатга риоя қилиши ва битаъдин тийилиши воситаси бирладур. Бу жиҳатдин бу тариқанинг ақобирлари жаҳрий зикрдан тийилишни буюриб, қалбда зикр қилмоққа далолат қилмишлар. Самоъ, рақс ва тавоҷадким сарвари алайҳи салоту вассалам ва хулафои рошидинлар замонасида йўқ эрди. Ундан манеъ қилибдурлар. Чиллада хилват ўтирмоқ ҳам садр аввалида, яъни, саҳобалар даврида йўқ экандур. Унинг ўрнига «хилвати дар анжуман» ихтиёр қилинибдур. Ложарам бу тийилишдан юксак натижалар юзага келиб, кўплаб фойдалар равнақ топибдур. Шу сабабдин ўзгаларнинг наҳойат даражаси бу бузрутларнинг бидойатига мувофиқ келмиш. Ва нисбатлари ҳамма нисбатлардан баланддур. Қаломлари қалб хасталиклари давоси, назарлари маънавий иллатларнинг шифоси бўлди. Таважжуҳларидан нажот етгувчи ва икки дунё толиблари мубталоси, баланд ҳимматлари афтода муридларни энг тубан манзилдан зурур юксакликка олиб чиқа билур.

**Байт: Нақшбандийа ажаб қофиласалороанд,  
Ки барандо аз раҳи пинҳон биҳарам қофила ро.  
Аз дили солиқ раҳи жозибави суҳбати шон,  
Мибурд васвасави хилвату фикри чилла ро.  
(Нақшбандийа эрур ажиб сарбон,  
Карвонни эҳромга зтадур пинҳон.  
Даф айлаб, хилвату чилла қутқусин,  
Солиқ дилида қурур суҳбати шон.)**

Аммо ушбу дамда ул шариф нисбатлар ғурбатга чекиниб, кўзлардан пинҳон бўлмишдур. Бу табақада жамеъ бўлган ул азим давлатга етолмай, бу олий неъматни топа олмасдан ҳар тарафга оёқ қўйиб, ҳар кимга қўл узатурлар. Улар бебаҳо жавоҳир истайдурлар аммо қадрсиз сопол бўлагини топиб хурсанд бўлурлар. Худди ёш бола сингари ўрик, майиз бирла алданурлар. Изтироб ва ҳайратлари беқарорлигидан ўз тариқаларининг ақобирларини, қўйиб, жаҳрий зикр бирла тасалли истаб, вақти-вақти билан самоъ ва рақс-

келган. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида унинг асарлари қўплаб нусхаларда учраши, Шайхнинг Мовароуннаҳрда қанчалар машҳур бўлганини яна бир бор тасдиқлайди. Кези келганда улар ҳақида қисқа-қисқа маълумот берсак маъқул бўлур.

1. «Рисолаи дафий шубҳаҳот» («Шубҳаларни даф қилиш ҳақида рисола»). Бу асарда ҳинду динини тарғиб қилувчи асарларнинг форс тилига таржима қилиниши, ўша даврлардаги шиа мазҳаби вакилларининг қарашлари, ислом динида пайдо бўлаётган турли хурофий бидъатлар қаттиқ танқид қилинади. Ушбу асар турли гаразгўй олимларнинг исломга нисбатан шубҳалари ва таъналарига қарши ёзилган. У қўлёзмалар хазинасида 405/II рақами билан қайд этилган. Ҳажми 16 varaқ (41-56).

2. «Маорифи ладунийа» («Илоҳиётни англаш»).

Бу асарда фақат Тангрига хос бўлган, унинг хусусиятларини ёритиб берувчи тушунчалар тўғрисида сўз боради.

Қўлёзмалар хазинасида унинг 482/III, 16 varaқ/53-68/: 505/V, 25 varaқ /68-92/: 2894/II, 51 varaқ /63-113/ рақамлар билан қайд этилган учта нусхаси мавжуд.

3. «Ал мабдаъ ва-л-маод» («Ибтидо ва интиҳо»).

Бу асарда муаллифнинг тасаввуфга оид фикр-мулоҳазалари, тариқатнинг айрим ихтилофли масалаларига муносабати билдирилган.

Унинг 482/II, 19 varaқ /23-41/: 505/III, 45 varaқ /18-62/: 517/1, 61 varaқдан иборат қўлёзма нусхалари мавжуд.

Мазкур асар Ҳиндистоннинг Кампур, Амритсар ва Туркиянинг Истамбул шаҳрида chop этилган. 1923 йилда урду тилига таржима қилиниб, Покистоннинг Лоҳур шаҳрида ҳам нашр этилган.

---

дан ором тиларлар. Гар анжуманда хилват муяссар бўлмаса, чилла хилватини ихтиёр қилурлар. Ажабланарлиси шундаки, бу бидъатларни бу нисбати шарифнинг мукаммали ва тараққий этган қўшимчаси гумон қилурлар. Улар бу қўшимчани, яъни, бузғунчиликни ривожланиш асоси деб ўйлайдилар. Тангри буларга инсоф берсин ва бу тариқа акобирларининг камолоти бўйларини уларнинг димоғига етказсин.

«Нун» ва «сод» билан ҳурматланган набий ва унинг ажодларига олқишу саломлар бўлғайким, ул диёрда бир табақа муҳаддислар пайдо бўлибдур. Улар ўз хатти-ҳаракатларига улугларнинг асли тариқларини ниқоб қилиб олибдур. Авом ҳам, шариф ҳам ҳаммаси ул анги муҳаддисларни ихтиёр қилиб, асл ва қадим тариқдан юз ўтирибдур.

Бу можаролар эпкинидан безовта бўлиб, ул диёр ходимларига дил изҳори қилсак ва бу восила ила кўнгул дардидан қутулсак, деган ўй-хотира келди. Чун, билмасмизки, махдумзодамизнинг анис мажлислари қай тоифада ва мунис даврлари қайси фирқа бирладур.

**Байт: Хобам бишуд аз дийдаи дар ин фикри жигар сўз,  
Ки оғуши ки шуд манзил ва осойиш хобат.  
(Менинг туним эрур аччиқ ўй ва нам,  
Сен осуда манзил оғушидасан.)**

Эй, махдумзодамиз! Уйдирма ва бидъатга бу тариқада шунчалик ривож берилибдир-ки, зеро, муҳолифлар бу тариқа суннатдан чекиниб, бидъатпарвар бўлибдур дейишур.

Намози таҳажжудни жамоат бўлиб адо қилурлар ва бу бидъатга масжидларда тарових суннатидек ривож берурлар. Буни гўзал амал деб билиб, кишиларни ҳам шунга тарғиб қилурлар. Ваҳоланки, фуқаҳо навофил адосини жамоат бирла қилмоқ макруҳ дебдурлар. Бу ярамас қилиқни барча фуқаҳо бир тан бўлиб, қаттиқ қоралайди. Улар нафл жамоати ижозатини ноҳийаи масжидга ҳавола қилибдурлар ва иттифоқ бирла уч кишидан ортиғини макруҳ дебдурлар.

Худди шунингдек, улар намози таҳажжудни ҳам ўн уч ракат деб гумон қилубдирлар. Ўн икки ракатини туриб ва бир ракат ҳукмини ҳосил қилсин деб икки ракатини ўтириб ўқибдурлар. Гўё ўтириб ўқимоқда туриб ўқимоқнинг ярим савоби эрмиш. Бу илму амал ҳам суннатга хилофдур. Ҳазрат пайғамбаримиз ўн уч ракат таҳажжуд намози адо қилдилар. Бунинг уч ракати витр намози эрди. Таҳажжуд намозининг тоқлиги витрнинг тоқлигидан пайдо бўлгандир.

**Байт: Андаки пеш ту гуфтам ғами дил, тарсидам,  
Ки дил озурди шуйи варна сузан бисёр аст:  
(Кўнгул ғамин айтай десам, сўз кўп бироқ,  
Дилинга озор етишидан қўрқаман кўпроқ.)**

Ажабдурким, Мовароуннаҳрда яшаган алломалар Ҳақ йўлида юрганлар. Бу кун у ерда бу хилдаги ёмон уйдирмалар пайдо бўлиб, бидъатлар ривож толибдур. Ҳолбуки, биз фақирлар шаръий илмларни аларнинг барокатидан истефода этибмиз.

Оллоҳу субҳона бизни ва сизни мустафо шариатининг кучида собит қилсин!

4. «Мукошафати ғайбийя» («Ғайбнинг аён бўлиши»).

Тариқатда ғайб сирларининг кашф қилиниши ва сўфий аҳволига бағишланган. Шунингдек, асарнинг кириш қисмида муаллифнинг чиштиё, қодирийа ва нақшбандийа сулукидаги силсиласи берилган.

1488/III, 51 varaқ /177-228/: 482/V, varaқ /75-93/: 505/VI, 18 varaқ /93-110/ нусхалари мавжуд. Нашр этилган.

5. «Радди равофиз» («Шиавий қарашлар радди»).

Бу асар Эрондаги шиа мазҳабига мансуб олимлардан бирининг мактубидаги диний қарашларига қарши раддия тарзида ёзилган.

1488/V, 29 varaқ /246-275/: 10795/V рақамли қўлёзма нусхалари бор. Нашр этилган.

6. «Рисолаи исботи нубувват» («Набийликнинг исботи ҳақида рисола»).

Муҳаммад Мустафо салоллоҳу алайҳи вассалам нубувватининг ҳаққоний эканлиги исбот этилган.

1488/VI, 28 varaқ /275-303/ рақамда қайд этилган. Истамбулда нашр қилинган.

7. «Дар тадқиқи калимаи таййиба» («Таййиба калимасининг тадқиқи»).

Бу асарда «Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадун расулуллоҳ» калимасининг мазмуни изоҳлаб берилган. 1488/VII, 9 varaқ /303-312/.

8. «Шарҳи рубойоти Шайх Муҳаммад Боқибиллоҳ». («Шайх Муҳаммад Боқибиллоҳ рубойларининг шарҳи»).

1488/IV, 18 varaқ /228-246/ ва 10795/IV, 12 varaқ /62-74/ нусхалари учрайди.

9. «Латоифи ашара» («Ун унсур»).

Бу рисолада инсон ва Тангри муносабатларининг айрим жиҳатлари қизиқарли тарзда баён қилинади. Рисолада инсон тузилиши, унинг таркибидаги ўн унсур

### БИР ЮЗ САКСОНИНЧИ МАКТУБ

Маҳдумзода Имканагий яъни, Хожа Абул Қосимга.

Ушбу мактуб баъзи пирларнинг исмлари тафсири хусусидаким, бу ҳақда шубҳалар пайдо бўлибдур.

Маҳдуми мукаррам ҳазрат хожамиз, яъни, Ҳазрат Хожа Боқи алайҳи раҳмадин бизга етган пирлар исмлари таҳқиқи ушбуди. Ҳазрат мавлоно Хожагий Имканагий ва Ҳазрат Хожа Аҳрор ораларида икки бузрут ўтибдур. Биринчи бузрут ҳазрат мавлононинг оталари мавлоно Дарвиш Муҳаммад ва иккинчилари мавлоно Муҳаммад Зоҳиддурлар. Улким, мавлоно Дарвиш Муҳаммаднинг тоғалари эрди.

Шайхлар паноҳи хожа Маҳмуд бир имкон бўлиб, бу ерга ташриф буюрган эди. Суҳбат асносида мавлононинг ҳеч кимдан ижозат олмаганлиги тўғрисида сўз юритдилар. Шу сабабдан умрининг аввалги ҳолинда мурид қўлин тутмагандурлар. Фақат умрининг охирида шайхликга шуру қилмишлар. Дедиларки, эшон бузрутдурлар ва тамоми Мовароуннаҳр бузрутлари буни эътироф этмиш.

На аввал ва на охирада эшон ижозатсиз ҳаргиз мурид тута билмас. Бундай амал хиёнатга дохил турур. Бирорта мусулмон шундай қилади, деб ҳаёлга келтириб бўлмас. Бас, диннинг улуги нечук бундай ишга қўл урса.

Ундан сўнг Хожа Хованд Маҳмуд яна дедилар: «Бир куни мавлоно Хожа Калон Даҳбедийнинг қошига бордилар. Ул ҳазрат қовун еб ўтирган экан. Мавлоно талаб изҳори қилмишлар. «Қовунимизнинг тугаганига гувоҳлик берурмисиз?» дебди. Эшон: «Гувоҳлик берурман,» дебди. Шундан сўнг мавлоно муридларга иршод қила бошлабди.

Мавлононинг фақат бў сўзлардан кейин мурид қўлин тута бошлагани бизга ҳақиқатдан анча йироқ бўлиб кўринди.

Хожа Маҳмуд яна дедилар: «Ҳазрат мавлоно ва Ҳазрат Хожа Аҳрор оралигида нақл қилинган бу икки бузрутнинг исмлари хатодур. Бу икки пир бошқа исмларда ёд қилинур. Ва, яна дедиларки, мавлоно Дарвишнинг нисбати ўз тоғасидан эмас, бошқа кишидандур.

Уларнинг бундай сўзларидан кўп таажжубландук. Заруратдан безовталиқ бирла бу икки бузрутнинг исмлари тўғрисидаги ҳақиқат маълум бўлсин ва ҳеч бир кимса ноўрин сўз демакка журъат этмасин, деб ушбу битилди.

Уларнинг бузрутликларига гувоҳ адлдур. Ижозат сўзини демакка не ҳожат. Агар десалар таъна қилгувчиларнинг тили кесулсин!

Хожа Хованд Маҳмуднинг бу паршон сўзларидан мақсади не экани маълум бўлмади. Агар мақсади бу дунё молидан қўл тортган фақирларни инкор этиш бўлса, бошқа сабаблар бирла бўлиши лозимдур. Негаки, пирни фақат рад этиб бўлмас сабаблар бўлсагина рад қилиш мумкин. Бас, бундай фақирларни ёмон отлиқ қилиш йўли кўлдур. Бирок, бундай бузрутларни ёмонлаш ғарази бирла бу ерга келмоқдин не маъни? Ва, агар ўзга мақсади бўлса, бузрутларни бунчалик инкор этиш яхши иш эрмас. Чунончи, андак идрокли киши англагай: Эй Роббим! Башарият саййидиким, унга салоту саломлар бўлсин! Унинг ҳурматидин, ўз раҳмат давлатингдан бергин ва ул ҳидойатингни қайтариб олмгин! Илло, ўзинг ризқ бергувчисан!



тасаввуф нуқтаи назари билан тадқиқ этилган. Рисоланинг 10965, 1589/1 ва яна бир неча қўлёзма нусхалари бор. Шунингдек, туркий тилга қилинган таржималари ҳам учрайди.

10. «Мактуботи имом Раббоний» («Имом Раббоний мактублари»).

Бу китоб Шайх Аҳмад Сирҳиндийнинг энг машҳур асаридир. Унда Шайхнинг замондош алломалари, асҳоблари ва ихлосмандларига шариат, тариқат масалалари, инсон ва илоҳиёт тўғрисидаги билдирган қимматли фикр-мулоҳазалари, уларнинг саволларига жавоблари жамланган. Мактублар сони 535 та, китоб уч жилддан иборат.

Биринчи жилдда 313 та мактуб тўпланган. Уларни Шайх Аҳмад Сирҳиндийнинг асҳоби кибораларидан Ермуҳаммад Жадид Бадахший ат Талоқоний жамлаган.

Иккинчи жилд 99 та мактубдан иборат. Бу мактубларни ҳам унинг энг яқин асҳобларидан бири юртдошимиз мавлоно Абдулҳай Чокар Ҳисорий (ас Сағоний) тўплаган.

Учинчи жилд «Маърифатул ҳақойиқ» («Ҳақиқатларни билиш») номи билан ҳам юритилади. Унда 123 та мактуб бор. Уларни Хожа Муҳаммад Нўмон ибн Иаҳйо Мири Бузrug Бадахшоний ҳазратлари йиққан.

Қўлёзмалар хазинасида «Мактубот»нинг йигирмага яқин қўлёзма ва тошбосма нусхалари сақланмоқда. У форс, араб ва турк тилларида Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Туркия ва (октябр тўнтаришидан илгари) Тошкент шаҳрида бир неча марта нашр этилган.

«Мактубот»нинг биринчи жилди ҳижрий 1254/1838/ йилда манғитлар сулоласидан Насруллахон ҳукмронлиги даврида Саййид Нафас ибн Муҳаммад Уроз томонидан узбек тилига ўтирилган. Мазкур Шайх Амударё соҳилидаги Башир мавзесида истиқомат қилган. Эрсари туркманлари билан қўшничиликда яшаган. Бу жиҳат таржима тилида ҳам бироз сезилиб туради. Таржимоннинг таъкидлашича, тариқатга қизиққан туркий қавм вакиллари ундан ғавсул муҳаққиқин, бурҳонгул валойат Аҳмад ал Форуқий ан Нақшбандийнинг машҳур мактуботи шарифини таржима қилишни илтимос қилади. Шу тариқа мазкур таржима дунёга келади. Ушбу таржимада мактублар тўплами тўла таржима қилинмаган. Фақат «Мактубот»нинг биринчи жилдидан 202 та мактуб таржима қилинган. Саййид Нафас ибн Муҳаммад Урознинг бу таржима нусхаси қўлёзмалар хазинасида 8368 рақами билан қайд этилган. Ҳурматли журналхон! Ҳукмингизга ҳавола этилаётган мактубларни таржима қилишда биз мазкур нусхадан ҳам фойдаландик.

Абдусаттор Жуманазар,  
ЎзФА Шарқшунослик  
институти ходими





Чоршамъ

САДОҚАТНИ БОШИНГА ТУҒ ЭТ-Э, КҮНГЛИМ  
 ЭЛИМДА БАҒРИ КЕНГЛИКДАН

\*\*\*

Нигоҳ ташла самоларга,  
 Ватан осмонлари порлар,  
 Югур, елгин ҳаволарга,  
 дала, бўстонлари чорлар.

Қулоқ солгил, садо келгай,  
 неча минг йилни қаъридин,  
 Узун тунлар ҳузур айла  
 шеъру дostonлари янграр.

Муҳаббат даҳрига киргил,  
 баҳор бағрини тўлдиргил,  
 Гўзал ошиқ, гўзал маъшук,  
 гўзал ишқзорлари борлар.

Кўлим очиб, шукр қилгум  
 бу неъмат боғига илло,  
 Қаён боқсанг ўрик, олча,  
 узумзору бодомзорлар.

Бошимга бахт қуши кўнганлиги  
 шундадир, эй кўнглим,  
 Элимда бағри кенгликдан  
 баланд шону баланд орлар.

Сени кутмоқда кўп давра,  
 қўшил сафларига Чоршамъ,  
 Фаниматдур ажаб даврон,  
 ажаб дўсту ажаб ёрлар.

\*\*\*

Нечун безовтасан мунча муте кўнглим,  
 Келиб қолса ажабмас ёр, кут-э, кўнглим?!

Унут дарду фироқларни муборак кун,  
 Фаму ҳасратларинг ичга ют-э, кўнглим!

Синоатда билингай ишқ эли, токим.  
 Садоқатни бошинга туғ эт-э, кўнглим!

Яна келмай араз этса, ажабланма,  
 Жафога йўй, қаддингни тоғ тут-э, кўнглим!

Ачинма кўп, бу кўргулик азалдан бор,  
 Дайр асло бўла олмас бут-э, кўнглим!

Ахир, Чоршамъга сўнги тун эмас бу тун,  
 Кўзингни юм-да, баҳридан ўт-э, кўнглим!

## Навоий газалига мухаммас

На эди лаҳза ато айламадинг,  
Дардима лаҳза даво айламадинг,  
То дедим, лаҳза сафо айламадинг,  
Манга бир лаҳза вафо айламадинг,  
Ки ҳамул лаҳза жафо айламадинг.

Айласанг бўлгай эди кўнглими ром,  
Бор манга ҳажр аҳлига ҳар интиқом,  
Ошиқи озурдаман, бўйла мудом,  
Қоматингдин манга ком эрди хиром,  
Ваҳки, комимни раво айламадинг.

Бу жаҳон кони гадодур, лекин,  
Ишқ аро ҳар ким адодир, лекин,  
Ҳар бало бунда баждодур, лекин,  
Отмоқ ўк элга хатодур, лекин,  
Манга отқанни хато айламадинг.

Борлигингда барқ уриб нашъу намо,  
Бахшида бўлсин санга назму наво,  
Кимга васлинг ёр бўлиб, эй маҳлиқо,  
Элга лутфинг, манго гар бўлса жафо,  
Не жафоларки манга айламадинг.

Бир чаман ичра манга ёр йўладинг,  
Ғунчаю гулни саросар силадинг,  
Лоловор кўз ёшларим қон демадинг,  
Ғарди рахшингға баҳо жон тиладинг,  
Ани туфроқча баҳо айламадинг.

Олама кўз юмдириб не кўзни,  
Бўзлатиб қўйдинг бўғизда сўзни,  
Утқуси деб то ҳануз им рўзни,  
Топмадинг мулки баҳо то ўзни  
Азими дашти фано айламадинг.

Қанча дод этмай фироқингда сўлиб,  
Боқмадинг бир бора Чоршамъга кулиб,  
Маъшуқи даввормисан, бўлмас билиб,  
Юз вафо ваъда Навоийга қилиб,  
Оҳким, бирга вафо айламадинг.

## Шаҳриёр газалига мухаммас

Билмадим, ҳақ билғуси ёлғиз йўғу борим менинг,  
Ишқда ўзни инкишоф этмоқ эди корим менинг,  
Ер билан тенг бўлди, лек, ҳар кўчада орим менинг,  
Бўзлаюр аҳволими тонгта қадар торим менинг,  
Танҳо торимдир қаро кунларда дилдорим менинг.

Пулсирот узра ҳар он тургандайин жон, алҳазар,  
Зарра зил кетган ҳамон ютгай бешак коми сақар,  
Бу шижоатда ўзидин ўзга йўқдир ҳамсафар,  
Қуп вафоли дўстларим бордир ёмон кун келса гар  
Тордин ўзга келмаюр ёри вафодорим менинг.

Дилни дилгир айлаган зулматмидир ё нолами,  
Бир умр кўнгил жаҳолат ичра музлаб қолами,  
Кимса йўқ кўздин келиб бир бор сидирса жолами,  
Ер тутиб ҳамхонада қилдим фаромуш олами,  
Мен-да тор ғамхори бўлдим, тор-да ғамхорим менинг.

Дунё кўз-кўз айлагай қатронни ҳам гавҳар каби,  
Сўз аро сўз ўйнагай ёлғонни ҳам бовар каби,  
Билсалар, найлай, ҳануз нодонни ҳам аҳгар каби,  
Кўзларимга ҳар табассум санчилар наштар каби,  
Киприги ханжардир, оҳ, ул бевафо ёрим менинг.

Куй менинг жоним десам, жоним жаҳон озорими,  
Лаҳза тин билмас сира, вой, ё у мунг бозорими,  
Қўл чўзиб қўкка нидо қилсам заминнинг зорини,  
Осмон олди қучоғимдан ой юзли ёрими,  
Ёш тўқар юлдуз каби бу чашми хунборим менинг.

Бош қўйиб торимга бир тун жон узодирман, охир,  
Кимса билмай кетаман қайда майит, қайда қабр,  
Бўлганича бўлди-ку, силқийди паргола бағир,  
Эй, бу ғамли кўнглими тобу қарори, сўйла бир,  
Аҳду паймони не бўлди, нетди илғорим менинг?

Ҳақ учун бир бандаман — мен, туфроғи Турониман,  
Ишқда шармандаман то бўлмайин қурбониман,  
Чоршамъи гирёниман, қилгим ичим урёниман,  
Шаҳриёрман, гарчи ман, сўз мулкининг султониман,  
Кўз ёшимдан бошда йўқдир дурри шаҳворим менинг.



Умида  
Абдуазимова

УМИДА АБДУАЗИМОВА  
АВИАЦИЯНИНГ  
ТАВАБАЮ ЗОРИМ

### Биринчи сентябр

Олтин ранг япроқлар чалади қарсак,  
Олтин ранг қуёш ҳам боқади кулиб.  
Олтин ранг ҳислардан жўшади юрак,  
Шабнамга юз чайиб, сўрайман тўлиб:  
«Бугун қандай кун?»  
Олтин ранг олма-ю, анжир, ҳусайни,  
Олтин ранг кузимиз неъматлари бу.  
Анор ҳам пишибди, нокдан узайми,  
Дилимни эркалар бир ширин туйғу—  
«Бугун қандай кун?»  
Пахталар очилган, дурлар сочилган,  
Оқ ойдин йўллардан юриб бораман.  
Она ер тугунин банди ечилган,  
Катта тўй орзусин суриб бораман:  
«Бугун қандай кун?»  
Одамлар шошади, тошади ҳислар,  
Кўчани тўлдириб қўшиқ оқади.  
Қоматлар тик энди, букилмас тизлар,  
Шуълавор орзулар қанот қоқади—  
«Бугун қандай кун?»

### Шукр сенга

Телба дилни бергандир Аллоҳ,  
андухларнинг лойига қориб,  
Фофиллигим аро минг гуноҳ,  
яшар бўлдим йиғлаб-ёлвориб.  
Муножотлар учар кўксимдан,  
сувга айтиб гўзал тушимни,  
Нажот топмай ҳатто дўстимдан,  
йўқотаман баъзан ҳушимни.  
Қўлларимни қуёшга чўзиб,  
шуълалантир, дейман, дилимни,  
Баъзан ундан лаққа чўғ узиб,  
чўққа қўшиб ейман тилимни.  
Дилим суйган азиз кишимнинг  
ҳижронидан тавбаю зорим,  
Кушойишин бергил ишимнинг,  
ўзинг қўлла парвардигорим!  
Оҳ, йиқилдим пойингга беун,  
кўксим тўла ҳижрону зорим.  
Берган ҳажру неъматинг учун  
шукр сенга, парвардигорим!

## Интизор турибман

Интизор турибман йўлингда,  
    қўлингни узатгил менга ёр,  
Гул, лола тутибсан қўлингда,  
    гулингни узатгил менга ёр.  
Нигоҳлар, нигоҳлар таъқиблар,  
    ошкора олайн гулинг, мен,  
Панадан тикилар рақиблар,  
    юрайин, юрайин кулиб, мен.  
Эзгуга чорласин муҳаббат,  
    ошкора севайлик, севилиб,  
Кўзларда порласин муҳаббат,  
    яшайлик толедан севиниб.  
Интизор турибман йўлингда,  
    қўлингни узатгил менга ёр,  
Илк севгим тақдири қўлингда,  
    қалбимни узатгум, сенга ёр...

## Вафоларинг шуми?

Севгимга севгилим,  
    вафоларинг шуми,  
Фурбатга отганинг  
    — жафоларинг шуми?  
Ҳажру фироғингда  
    ўртанди жоним, десам,  
Дилимни ўртаган  
    наволаринг шуми?  
Умидим, ишончим,  
    севгим, қувончим,  
Дардимга берганинг  
    даволаринг шуми?  
Билмадим, не сабаб,  
    мендан аразладинг,  
Ваъдага қилганинг  
    вафоларинг шуми?  
Билгинки, мендайин  
    ҳеч ким сени севмас,  
Севгимга жавобан  
    садоларинг шуми?





Рустам  
Мурсун

НОСО ҚОҶАБЗОР ҚОҶАБЗОР ҚОҶАБЗОР

\* \* \*

Шўробсой!  
Кадрдоним Шўроб!  
Азизим Шўроб!  
Онасан бегубор болалигимга.  
Лойқа сувларингда йўрғаклаб, ўраб,  
Аллаладинг...  
Шукур оналигинга!

Шўроб, сен қадимий Қашқадарёга  
Томири туташган битта ирмоқсан.  
Шўроб, сен Зарафшон Ардви Сурага  
Тус туғишган сингил, уруғ-аймоқсан.

Пушти камарингдир Зардуштий Хисор,  
Муқаддас Гавадан бошланган тоғлар.  
Деҳқонларга санъат ўргатган илк бор  
Далаларга ҳаёт берган ирмоғлар.

Шўроб!  
Ҳуши учиб кетар, ким жарга боқса,  
Қирқ йигит бўйидай жарликларинг бор.  
Гирдингда кўрғонлар паҳса ва паҳса—  
Ўтмишни курсатиб турувчи девор.

Сангиртепа, Узункир — энг кўҳна шаҳар,  
Шўробсой сувидан қорилган лойи.  
Аҳмоний шоҳлар от сурган маҳал  
Қайсар боболарнинг жанг қилган жойи.

Яккатутда қуруқ сойлар бор, Шўроб,  
Бу сойларни тарих ҳикоя қилган.  
Қадимда сувларинг бақандек ўраб,  
Кўрғонларни ёвдан ҳимоя қилган.

Қанча сувлар ўтди,  
Қанча хон ўтди,  
Қанчалаб кўприклар, тўғонлар тўзди.  
Кўмиртепа ўтди, Пистахон ўтди —  
Қанча кўрғонларни булдозер бузди.

Ер остида қолди гардга қорилиб,  
Кўҳна истехқомнинг жанг ишнаклари.  
Синиб кетган эди унга урилиб,  
Искандарнинг метин манжаниқлари.

Дунёни ютмоқчи бўлган арабнинг  
Бўғзидан ўн тўрт йил тишлаб турган шер —  
Муқанна, Муқанна кўҳна Шўробнинг  
Гирдида аждарни мажақлаган эр...

Шўроб!  
Фирибгар, оқладар, нокаслар бисёр,  
Юртпарвар кўрсатди ўзни ёлғондан.  
Ушалар дастидан хор бўлди диёр,  
Ушалар соғ чиқди ёнган кўрғондан.

Шўроб!  
Худо айирмасин асло имондан,  
Қудратингни кўрдим сел келганида.  
Қурбонлик тиладинг молдан ва жондан,  
Кўрғонингга дод деб эл келганида.

Жарларнинг юзида кушлар уяси,  
Ўлик қатламларга бахш этар ҳаёт.

Чумчуқлар Шўробнинг булбулгўёси,  
Кесакқояларда янграйди баёт.

Узун кокил ташлар жар бўксасидан,  
Нозланиб ётади ковулпалаклар.  
Қирмизи ковуллар — ёр бўсасидан  
Дудуқлари қонаб кетган малаклар.

Шўроб,  
Қанча пода боқдим,  
Қанча мол боқдим,  
Чайла қурдим Подаётқларингда,  
Тандирдек осмонга қуёшни ёпдим,  
Нон ботириб едим булоқларингда.

Қадрдоним Шўроб!  
Азизим Шўроб!  
Онасан бегубор болалигимга.  
Лойқа сувларингда йўраклаб, ўраб,  
Аллаладинг...  
Шукур оналигинга!

### Бақан

Наутака<sup>1</sup> қизини келин қилиб, бошқа юртга олиб кетаётганда, Наутака йигитлари бақан тутади. Учқур отлари билан келин олиб кетаётган қарвоннинг олдини ўрайди. Бақаннинг хатини олтин танга билан тўлашни сўрайди. Куёв навқарлар қанча олтин берсалар ҳам Наутака йигитлари рози бўлмайди. Бақанни очмайди. Чаппа гапириб, куёв жўраларнинг ғашига тегади. Жанжал қилиш учун минг бир баҳона излайди. Майдонда куёвнинг ўзи билан яккама-якка кураш тушишни кўзлайди.

«Агар куёв бизни курашда енгса, шу бақаннинг ичидан келинни соғ-омон олиб чиқиб кетса, ҳалоли бўлсин. Ундай йигит ўзининг юртини ҳам, аҳли аёлини ҳам душмандан ҳимоя қила олади. Агар куёв курашда енгилса, бақанни очолмаса, ўзидан кўрсин. Биз юртимизнинг қизини ундай йигитга бермаймиз» деган ор бўлади Наутака йигитларининг юрагида.

Оксиартнинг<sup>2</sup> қизи соҳибжамол Рахшанакни келин қилиб олиб кетаётганда ҳам Наутака йигитлари бақан тутган.

Рахшанакнинг зори бордир,  
Балки севар ёри бордир.  
Туй кечаси бақан тутган  
Йигитларнинг ори бордир.

Менсимаймиз зўрингни ҳам,  
Тан олмаймиз зарингни ҳам.  
Бақан тутиб, саваганмиз  
Ҳатто Искандарингни ҳам.

Халқ нақли бор: «Куёв бу — ёв»,  
Ёвлар эса бўлмас баёв.  
Наутака йигитлари  
Ёвларига бермас аёв.

Давлатга учган куёвлар,  
Ҳаддидан ошган куёвлар —  
Келинчакнинг сепларига  
Ватанни қўшган-ку, ёвлар.

Сугдиёна гўзалига  
Куёв бўлсанг, жонингдан кеч...  
Наутака ерларида  
Курашсиз туй бўлмайди ҳеч.

Бақан бу — бир халқа экан,  
Қўргон экан, қалъа экан.  
Юртни ўраб, асраб турган  
Бақан халққа қалқон экан.

<sup>1</sup> Наутака — ҳозирги Қашқадарё вилояти, Китоб туманидаги Яккатут, Кўмиртепа, Сафарча, Узунқир қишлоқлари худуди. Эрамиздан олдинги биринчи минг йилликларда Сугд мамлакатининг пойтахти бўлган.

<sup>2</sup> Оксиарт — Наутака ҳокими.

## Термиз

Темир асрларни, тош асрларни  
Кураш тушиб ҳалол йиқитган Термиз.  
Тупроқ қасрларни, тош қасрларни  
Чопон каби кийиб тўзғитган Термиз.

Қадимий Бақтарнинг барҳаёт тили —  
«Тармастҳа» — дарёнинг қирғоғи ватан.  
Донишманд Ҳукузнинг энг катта ули  
Тешиктош тоғида уй қурган инсон.

Бу қутлуғ заминда илк сўзларини  
Зардуштга сўйлади илоҳий Хурмуз.  
Исломининг муқаддас ҳадисларини  
Китобат айлади Имом ат-Термиз.

Ҳарорат, меҳрнинг меваси — Хурмо,  
Офтоб ишқини айлади изҳор.  
Бу юртнинг бошида доимо Ҳумо,  
Жанубдан бошланар ҳамиша баҳор.

## Бозбарак

Инсон ер шарини кўтаролмасмиш  
Таянч нуқтасини топмасмиш, бироқ  
Менинг бир кўлимда замин чирпирок  
Бармоғим учида айланар фалак —  
Бозбарак, бозбарак, бозбарак....

Тугма қадаб бўлмас эмиш шамолга,  
Кўлга тушмас эмиш ҳеч қачон,  
Бироқ...  
Мен эса шамолнинг икки бетига  
Тортиб юборганман икки шапалоқ —  
Бозбарак, бозбарак, бозбарак....

Ҳеч учолмасмиш оёғи билан,  
Парвоз этолмасмиш осмонга,  
Бироқ...  
Менинг оёғимда толмас қанот бор,  
Менинг оёғимга жойланган юрак —  
Бозбарак, бозбарак, бозбарак...

Умр дарёсидан кечди болалик:  
Шул дарё гирдида қолган чархпалак,  
Қамишдай бўйимга кўнган ниначи,  
Гулдай ҳаётимдан учган капалак —  
Бозбарак, бозбарак, бозбарак....

## Бобил қанд

Болалигим — яшил хотирам,  
Кўзим олов, нигоҳим чақноқ.  
Туйғуларим беғубор осмон,  
Мангулик онгимда бир чақмоқ —  
Бобил қанд.

Қандга тарих номини берган  
Менинг она халқим донишманд.  
Лабимда бир ширин сўз бўлган,  
Тилимда зрийди Бобил қанд.

Бобилдан ҳам катта диёрим,  
Ечилмоқда тарихдан тугун.  
Бобил қанднинг ширин таъмини  
Шууримда шимийман бугун.

Асли савдогарлар Катобдан  
Ҳолво элтган Бобил аҳлига.  
Қайтишида болаларига  
Қанд келтирган Бобил шахридан.

## Шажара

Қишлар чиқиб кетишди тоққа,  
Баҳорларнинг жамоли узок.  
Судрар мени ҳайҳотдек боққа  
Ҳеч вақоси қолмаган кузак.

Оёқ кўйиш нақадар қийин  
Япроқларнинг рангпар юзига —  
Қандоқ қилиб қарайман кейин  
Томирдошларимнинг кўзига.

\*\*\*

Шошиб йиғиштириб кўч-кўронини  
Кўчиб кетди куни кеча саратон.  
Келмоқда хиргойи қилиб суронни  
Ҳазонлар тўзғиган уйга қаҳратон.

Калитни топишга зринганидан  
Синдириб очади уй эшигини.  
Ичкари кўримсиз кўринганидан  
Ечмасдан киради лой этигини.

Осмон сиқаверар, ҳар куни ювиб  
Кирлари кетмаган кўйлақларини.  
Сойлар тақиб олар кечаси юриб,  
Кўзлари ўтмагач, ойнақларини.





## КОНФУЦИЙ

Бугун Шарқ маданиятини эрамиздан олдин 550-479 йилларда яшаган Конфуцийнинг ижтимоий-ахлоқий ва фалсафий-сиёсий меросисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Тўғри, Ши Хуанди эрамиздан олдинги 213 йили Конфуцийга бағишланган барча асарларни ёқиб, унинг ғояларини қўллаб-қувватлайдиганларни қириб ташлашга буйруқ беради, аммо чорак аср ўтмай мутафаккир номи яна тилга олинаиб, унинг мероси ўрганила бошланди.

Конфуцийнинг ижтимоий-ахлоқий ва сиёсий-фалсафий қарашлари унинг шоғирдлари томонидан тайёрланган «Лунь юй» («Сухбатлар ва мулоҳазалар») асарига жамланган.

XVII асрдан бошлаб Конфуций қарашларини ўрганиш Европада кенг тарқалди, ҳатто унинг шахси ҳақида турли ривоятлар, ҳақиқатдан узоқ ёндашишлар пайдо бўлади. Масалан, немис тадқиқотчиси А.Форке Конфуций асло хитойлик эмас, «у герман ирқига мансуб» деса, Лейбниц уни «атеист», Кабэ эса «коммунист» деб билади. Ҳозирги пайтда ҳам мутафаккирни Сукрот, Платон ва Аристотелга тенглаштириш, «шарқона ахлоқий қарашлар асосчиси», ҳатто «инсониятни ҳалокатдан қутқариш йўлларини кўрсатган авлиё», «халоскор», деб атаётганлар учрайди.

Конфуций қашшоқлашган аслзода оиласида туғилади. Унинг асл исми Кун Сю бўлган, ахлоқий-тарбиявий ишлари учун уни Кун Фу-цзи («Улуғ устоз»), европаликлар эса Конфуций деб аташган.

Конфуцийни, энг аввало, жамият ва давлатни бошқариш муаммолари қизиқтиради. Қадимги князликлар тарихини ўрганар экан у, Хитой «олтин аср»ни ўз бошидан кечирган, унда ҳаёт тўкин-сочин, адолатга, ахлоққа, расм-русумларга итоат этиб яшаш кишиларнинг турмуш тарзи бўлган, аммо ҳозир князликлар ўртасидаги тож-тахт учун курашлар кишиларда бад сифатларни авж олдиришга, деган фикрга келади. Шу билан бирга, Конфуций ўзининг ҳаётий режалари ҳамда давлат равнақи тарих саҳнасига чиқаётган феодалларга, йирик мулк эгалари — монарх ва князларга боғлиқ эканини англаб етади. Мутафаккир уларга сидқидилдан хизмат қилишга ва ўзининг сиёсий-фалсафий таълимотини яратишга киришади.

Конфуций идора хизматчилари тайёрлаш мақсадида хусусий мактаб очади, қулай фурсат келганида ўзи ҳам князларга хизмат қилишга интилади.

Мутафаккир марказлашган давлат, империя тузиш тарафдори бўлиб чиқади. Унинг фикрига кўра, давлатни бошқарувчи монарх (хукмдор, князь) ўқимишли, «бошқариш, одатлар ва жамиятдаги нарсалар тартиби»ни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган «Осмон ўғли»дир. Бу Платон илгари сурган «донишманд хукмдор» ғоясига ҳамоҳангдир. Бироқ, Платоннинг «донишманд хукмдори» «умумни идрок эта оладиган файласуф» эди, Конфуцийнинг монархи эса, бошқариш ишларидан, ажодлар меросидан, расм-русумлар ва ахлоқий меъёрлардан хабардор, инсоний фазилатларга эга, олижаноб кишилар ёрдамига таяниб халқни бошқарадиган шахсдир. Конфуций ўз монархини «Осмон ўғли» деб атаса-да, у ҳеч қандай илоҳий хислатларга эга эмас, ҳатто уни бошқа «олижаноб киши» билан алмаштириш мумкин. Демак, Конфуций монарх Платон «донишманд хукмдори»дан демакратроқдир.

Мутафаккирнинг фикрига кўра, монарх, «Осмон ўғли» ва «олижаноб эр» сифатида юксак ахлоқий сифатлари билан ўз амалдорлари, вассаллари ва фуқароларидан ажралиб туриши керак. Жамият ва давлатни бошқариш, илоҳий осмон томонидан ўрнатилган тартибларни Ерда, кишилар орасида қарор топтириш монархнинг ўз масъулиятини, бурчинини англашига боғлиқдир. «Кичик одам ўз фойдасини ўйлайди, олижаноб эр эса, бурчинини ўйлайди». Шунинг учун монархда «Осмон хукми»га итоат этишдан, «бошқариш, одатлар ва жамиятдаги нарсалар тартиби»ни ўрнатишдан ва халқ ахлоқини тузатишдан бошқа эътиқод, бурч бўлиши мумкин эмас. «Цзи Лу сўрабди: — Олижаноб эр довжорак бўлиши керакми? Устоз жавоб берибди: — Олижаноб эр ҳаммасидан бурчинини юқори қўяди. Олижаноб эр, довжорак бўла туриб, бурчи ҳақида ўйламаса исёнчига, кичик одам довжорак бўла туриб, бурчи ҳақида ўйламаса қароқчига айланади».

Конфуций монархнинг ахлоқий сифатлари давлат ишларига, амалдорлар ва фуқаро-

ларнинг хулқ-атворига бевосита таъсир қилади, деб кўрсатади. «Олижаноб эр, ҳатто у Осмон ўғли (император) бўлганда ҳам зўравонлик билан кишиларни итоат эттириш мумкин эмаслигини билиши лозим». «Халқни ўз ортидан эргашишга мажбур қилиш мумкин, лекин, у нима учун мажбур қилинаётганини билмас, давлат учун ёмондир... Ҳукмдорнинг ўзи ўз ахлоқини тузатмаса, у кичик одам — халқ ахлоқини ҳам тузатолмайди, бадахлоқлик эса, охир-оқибатда давлатни таназзулга олиб келади».

Конфуций ҳукмдор ўз бойлиги билан керилмаслиги, такабурликка берилмаслиги, ортиқча сарф-харажатлар билан бошқаларга салбий таъсир кўрсатмаслиги, поэзия ва мусиқани билиши, аждодлар расм-русумлари ва Осмон ҳукмига итоат этиши, мудом «кичик одам»лар ахлоқини тўрилаб бориши керак, деб билади. Ҳукмдорнинг шахсий ибрати бу борада энг таъсирчан сабоқдир. «Ўзи Кан Ўзи сўрабди: — Бошқаришнинг моҳияти нимада? Устоз жавоб қайтарибди: — Бошқариш — бу тўғрилашдир. Агар сиз тўғрилиқ борасида ибрат кўрсатсангиз, ким ҳам нотўғри қилиқларга журъат этарди?»

Ахлоқий тўғрилаш, мутафаккир фикрига кўра, қонун ва жазолардан таъсирчандир. «Агар халқ, — дейди у — қонунлар билан бошқарилиб, жазолар ёрдамида итоат эттирилса, у жазолардан қочишга интилади ва бу қилмиши учун хижолат тортмайди. Мабо-до, халқ эзгу амаллар билан бошқарилса, у нотўғри қилмишларидан хижолатга тушади ва тўғри йўлга қиради». Бошқа бир жойда мутафаккир, ахлоқан тўғриланмаган «кичик одам», халқ исёнга мойил бўлади, фуқаролар ишончини қозонмаган давлатни эса, сақлаб бўлмайди, дейди. Шунинг учун ҳам Конфуцийнинг ахлоқий, инсонийлик ҳақидаги фикрлари, энг аввало, монарх ҳокимиятини мустаҳкамлашга қаратилгандир.

Жамият ва давлатни бошқариш мудом ҳукмдор ва халқ муносабатларини онгли, оқилона йўлга қўйишни талаб этган. Шунинг учун Конфуцийнинг сиёсий-фалсафий қарашларида халқни монархга сидқидилдан хизмат қилдириш давлатни мустаҳкамлашнинг бош масаласи сифатида қаралади. «Ўзи Гун сўрабди: — Бошқаришдан мақсад нима? Устоз жавоб берибди: — Озиқ-овқатлар ва қўшинларнинг етарли бўлишида, халқни садоқатли бўлишга мажбур этишда. Ўзи Гун яна дебди: — Агар уларнинг биридан воз кечишга тўғри келса, қайсидан воз кечиш мумкин? Устоз жавоб берибди: — Қўшинлардан. Ўзи Гун тагин сўрабди: — Қолган иккитасининг қайси биридан воз кечиш мумкин? Устоз жавоб қайтарибди: — Озиқ-овқатлардан. Азалдан ҳамма ўлади, лекин халқнинг садоқати бўлмаса, давлат ўз илдиизидан маҳрум бўлади». Демак, ҳарбий қудрат ва моддий фаровонлик эмас, халқнинг садоқати давлатни, монарх ҳокимиятини мустаҳкам қиладди. Халқ садоқатига эришиш эса ҳукмдор ва амалдорларнинг халқ ҳаётига яқин яшашидир. Амалдорларга қарата донишманд, оддий яшанг, ҳукмдорга садоқатли бўлинг, даб-даба ва ҳашамат берилманг, бойлик орттиришга меҳр қўйманг, камтарликда бошқаларга ўрнак бўлинг, дейди. Улар халқ оммасининг дилига яқин фикрлар эди. Айниқса, ўзаро низолар ва курашлардан азоб тортган, қашшоқлашган оддий халқ Конфуцийнинг ушбу фикрларини донишмандлик намунаси сифатида қабул қилади. Албатта, ахлоқий бўлиш, халққа яқин яшаш «бошқариш, одатлар ва жамиятдаги нарсалар тартиби»ни бузганларни жазолаш билан бирга олиб борилиши зарур. Мутафаккир жамиятда ҳар доим бузғунчи кучлар, исёнкор кишилар топилишини унутмайди. Агар жазолаш бўлмаса, «халқ ўзининг қўли ва оёқларидан қандай фойдаланишни билмайди». Жамият ва давлатни бошқариш эҳтиёжи мавжуд экан халқни монархга, қуйи табақани юқори табақага бўйсунтиришга мажбур этиш эҳтиёжи ҳам мавжуддир.

Конфуций ўз таълимотини «ли» — «бошқариш, одатлар ва жамиятдаги нарсалар тартиби», деб атаган. Жамият ва давлатни бошқариш маълум бир тартиблар асосида олиб борилади, нарсалардан тортиб то кишилар гуруҳи, аслзодалар ва монархгача борлиқда ўз ўрнига эга. Кишиларнинг исён кўтариши ушбу тартибнинг бузилишидан келиб чиқади. Мутафаккир «ли»ни қарор топтириш учун жамиятнинг бир-бирларига боғлиқ поғоналарга ажратади. Осмон -Ер-Одам ушбу поғоналарда борлиққа умумий йўл-йўриқлар кўрсатувчи, илоҳий, «олий поғона»дир. Осмон-илоҳий куч. Ер ва Одамлар орасида бўладиган ўзгаришлар Осмон ҳукми туфайлидир. Ёлғиз Осмонгина борлиқни ўз ҳукмига итоат эттириш қудратига эга. Осмон қудратини англашга кишилар қодир эмас. Шунинг учун «олижаноб киши»лар, энг аввало, монарх Осмоннинг ҳукмини тўла адо этиши лозим. Халқ эса, Осмон ягона ҳукмдор эканини билибгина қолмай, «Осмон ўғли» — монархга ҳам тўла итоатда яшамоғи керак. Кишиларнинг бой ёки камбағал, ҳукмдор ёки вассал, амалдор ёки хизматкор, деҳқон бўлиши ҳам Осмон ихтиёри туфайлидир. Ушбу тартибларга қарши чиқиш осмонга, унинг ҳукмига, ихтиёрига қарши чиқиш демакдир. «Агар Осмонни ҳақорат қилсангиз, бошқа ҳеч кимга сиғиниб бўлмайди».

Конфуций Осмонни мутлақлаштиради. Бу ўринда унинг қадимги Хитойда кенг тарқалган космологик қарашларга таянганини кўрамиз. Шу билан бирга, у монархга тахтни ва ўзига билимни, таълимотни, «ли»ни Осмон берган, деб ҳисоблайди. Шунинг учун мутафаккир монархни «Осмон ўғли», ўзини эса, Осмон ҳукмини Ерда, кишилар орасида тарғиб қилувчи, «хабарчи», деб эълон қилади. Халқ ишонган қудратли кучга эга Осмонни монарх шахси ва ўз таълимоти билан боғлаш давлат ва «ли»нинг обрўсини оширишини Конфуций яхши билган. Тож-тахт учун курашлар, ҳукмдорларнинг тез-тез ўлдирилиши, ўлкаларнинг таланиши халқ орасида давлатга нисбатан салбий муносабатларни келтириб чиқарган эдики, Конфуций ушбу маънавий тушқунликни баргараф этмай марказлашган давлатни яратиш мумкин эмаслигини ҳам тўғри англаган. Қадимги космологик тасаввурлар «кишилар нигоҳини Ер муаммоларидан узиб Кўкка қаратди», Конфуций эса, улардан Ер муаммолари, яъни, жамият ва давлат бошқаришини тако-

миллаштириш билан боғлади. Тўғри, у монарх шахси ва ҳокимиятини ҳам мутлақлаштиришга олиб келди, натижада, давлат қудратига кўркўрона сиғиниш, оддий кишилар, халқ манфаатларини менсимаслик, ҳатто уларни очикдан-очиқ топташ ҳоллари авж олди. Бу эса, мамлакатда Чэнь Шэн ва У Гуан бошчилигидаги йирик халқ кўзғолонларини келтириб чиқарди.

«Бошқариш, одатлар ва жамиятдаги нарсалар тартиби»нинг навбатдаги (қуйи) поғонасини Монарх-Олижаноб киши — Халқ тизими ташкил этади. Ушбу тизим юқоридаги олий поғона йўл-йўриқларини бажаради ва унинг ўз бурчи ҳамда вазифаларига эга Ердаги аниқ тимсолларидир. Жамият ва давлат ҳаётидаги ижтимоий гармония (мураттаблик) ушбу тимсоллараро муносабатларга боғлиқдир. Шунинг учун Конфуций қуйи поғонадаги муносабатларни такомиллаштириш йўлларини қидиради.

Монарх «Осмон ўғли» бўлса-да, у жамият ва давлат ҳаёти учун Осмон олдида ҳам, жамият олдида ҳам масъулдир. Конфуций монархнинг жамият олдидаги масъуллигини унинг ахлоқий, инсоний сифатларидагина кўради. Маълумки, ахлоқий, инсоний сифатларни кишилар, айниқса, ўз манфаатларини юқори кўювчи ҳукмдорлар зарар томонга буришнинг кенг имкониятларига эга. Демак, ахлоқий, инсоний масъуллик монарх зиммасига жуда нари борса, афсус тортишдан бошқа ҳеч қандай жавобгарлик юкламайди.

Монарх, Конфуций таълимотига кўра, фақат Осмон ҳукмига итлоқ этади, унинг бошқаришга оид қарорларига ҳеч ким, айниқса, «кичик одам», халқ қарши чиқолмайди. Бироқ монархнинг қарорлари ахлоқ, хулқ-атвор доирасида бўлиши керак. «Уйингдан ташқарида ўзингни эътиборли меҳмондек тут, — деб маслаҳат беради у ҳукмдорларга, — юртингда халқни буюк қурбонлик келтираётгандек бошқар. Узингга раво кўрмаган нарсани бошқарга ҳам раво кўрма. Ана шунда давлатда ҳам, хонадонингда ҳам ҳеч ким сенга қарши бош кўтармайди».

Мутафаккир ахлоқ, хулқ-атвор билан жамият ва давлатни бошқариш етарли эмаслигини туяди. Шунинг учун у «ли»ни қарор топтиришда жазодан ҳам фойдаланиш лозим деган хулосага келади. «Цзи Лу дебди: — Вэй князи Сизни ўзинга чақираябди. Бошқаришни нимадан бошламоқчисиз? Устоз жавоб берибди: — Албатта, номларни тузатишдан. Цзи Лу таажжубга тушиб сўрабди: — Шундайми?! Сиз моҳиятдан узоқлашмаябсиз, нимага энди номларни тузатиш зарур бўлиб қолди? Устоз дебди: — Ю, сен қолоқсан! Агар номлар нотўғри бўлса, сўзлар мос келмайди, агар сўзлар мос келмаса, вазифаларни бажариб бўлмайди, агар вазифалар бажарилмаса, бошқариш, одатлар ва жамиятдаги нарсалар тартибига... риоя қилинмайди, худди шунингдек, мусиқа ривож топмайди, жазо мос келмайди, агар жазо тўғри келмаса, халқ ўзининг оёқлари ва қўлларидан фойдаланишни билмайди...» Кўриниб турибдики, Конфуций ўрнатилган тартиблар бузилганида, жазо қўллаш тарафдори, бироқ, жазо охир-оқибатда «ахлоқни тўғрилашга» олиб келиши зарур.

Конфуций назарида, эзгу ахлоқ, инсоний сифатлар «олижаноб киши»ларга хосдир. «Олижаноб киши»ларга юқори табақа вакиллари қиради. Қуйи табақа вакиллари эса, бундай фазилатларга эга эмас. Конфуцийнинг қуйи табақа вакиллари (оддий халқ, «кичик одам», деҳқонлар)га муносабати унинг қулдорлик тузумига хос аслодаларни улуглаш аънанасига ён босганини кўрсатади. Шу билан бирга, у қуйи табақа вакиллари ҳам ахлоқан етукликка эришиши, шу тарика жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашиши мумкин, деб ҳисоблайди. Бироқ, бу мутафаккирнинг сиёсий-фалсафий қарашларида йўл-йўлакай билдирилган фикрдир. Демак, Конфуций ўз таълимотини яратганида, жамиятда ҳукмрон бўлган муносабатларга, патриархал расм-русумларга таянгани, табиий ҳол.

«Олижаноб киши»га бойлик, юқори мавқе, поэзия ва мусиқани севиш, жамият ва давлатни бошқариш Осмон томонидан инъом этилган. Уни ушбу нарсалар ва фазилатлардан ҳеч ким, айниқса, «кичик одам» маҳрум қилолмайди.

«Олижаноб киши» ўз бурчини тўғри англайди. У, энг аввало, Осмон олдидаги бурчини адо этади, яъни, Осмон-Ер-Одам поғонасининг йўл-йўриқларини бекаму кўст бажаради. «Олижаноб киши»лар қаторига Конфуций ўқимишли кишиларни, олимларни ҳам киритади. Унинг фикрига кўра, ўқимишли кишилар, олимлар монархга ўз маслаҳатлари билан ёрдам беради ва унга халқни итлоқда ушлаш йўлларини кўрсатади. Халқда, деҳқонларда монархларга хизмат қилиш ҳиссини, бурчини айнан олимлар шакллантиради. Шунинг учун монарх ушбу «олижаноб кишиларга зарурини бериши, уларни нопок одамлардан юқори қўйиши» керак.

Конфуций давлат амалдорларга маълум бир имтиёзлар беришини, агар улар (амалдорлар) истаса, қинғир йўллар билан халқ мулкани талон-тарож қилишини биледи. Куну тун меҳнат қилиб қорни нонга тўймайдиган, оиласини боқолмайдиган оддий кишиларнинг аҳволи уни ўйга солади. Аввал мутафаккир амалдорларни ахлоқ қоидаларига риоя этишга чақирди, уларда адолат, инсоний сифатларни шакллантириш орқали жамият ва давлат ҳаётини яхшилаш мумкин, деб ўйлайди. «Истаган киши олижаноб эр бўлиши мумкин, фақат шундай эр бўлишга, аҳд зарур, холос. Эзгулик якка қолмайди, албатта, унга ҳамсоя топиллади». Йиллар ўтиши билан Конфуций ушбу ижтимоий-ахлоқий қарашларининг зое кетаётганини, халқ ҳаётини фақат тарбиявий-тарғибий тадбирлар билан яхшилаш қийинлигини кўриб, идораларни «нопок ва ҳаракатлари нотўғри» кишилардан тозалашга чақиради. Улар ўрнига мутафаккир, ўқимишли кишиларни, энг аввало, ўз шоғирдларини қўйишга даъват этади.

Конфуций ўз таълимотини ёйиш учун турли-туман расм-русумларни ишлаб чиққан.

Масалан, монарх, унинг вассаллари, министрлари ва кичик идора ходимлари бошқариш тизимидаги ўрни ҳамда мавқеига қараб кийиниши, саломлашиши, бир-бирларига ҳурмат кўрсатиши, бўйсунуши керак эди. Монарх риоя қиладиган расм-русумлар тантанали ва жозибаси билан қуйи поғонадаги амалдорларникидан фарқ қилган. Утказиладиган барча тadbирлар монархни улугловчи гимн билан бошланган. Вассаллар, министрлар, идора хизматчилари ҳам ўз оркестрларига эга бўлган. Ҳар бир поғона белгиланган расм-русумларга қатъий амал қилган, уларни бузиш таъқиқланган.

Конфуций, аждодлар тажрибалари ва расм-русумларига таяниш зарур, улардан фойдаланмай жамият ва давлатни бошқариб бўлмайди. Аждодлар расм-русумларига амал қилиш инсонийлик белгисидир, инсонийликсиз эса бошқариш йўқ. Кичикларнинг катталарга, қуйи табақанинг юқори табақага, халқнинг монархга ҳурмати, иззат-икроми инсонийликдир, деб билган. Лекин мутафаккир аждодлар руҳининг мавжудлигини тан олган бўлса-да, шогирдларига улардан бирор нарсани сўрамасликни, иложи борича руҳлардан узоқ бўлишни маслаҳат беради. У аждодлар расм-русумларидан ўзининг сиёсий-фалсафий қарашларини асослаш, ёйиш воситаси сифатида фойдаланган, холос.

Конфуций таълимотида халқ жамият ва давлат бошқаришининг фаол субъекти, манбаи эмас, балки монарх ҳукмини, йўл-йўриқларини сўзсиз бажарувчидир. Халқнинг монарх ва юқори табақа манфаатларига хизмат қилиши осмон томонидан белгилаб қўйилган, у ўзгармасдир. Шунинг учун халқ ўз қисматидан норози бўлмаслиги, «ли» тартибларининг азалий эканлигини мудом ёдида сақлаши керак.

Мутафаккир халқ жамият ва давлат ҳаётига таъсир этувчи куч эканини мутлақ инкор этмайди. Норозилик, исён, бутун ижтимоий-сиёсий тузумга таъсир этишини, бундай хатти-ҳаракатлар асосан халқ томонидан келиб чиқишини у яхши билади. Конфуций халқни нафақат «ахлоқий тўғрилаш», шу билан бирга уни «бадавлат қилиш» ҳақида ҳам ўйлаш, аммо моддий манфаат бурчини адо этишга халақит бермаслиги лозим, ҳатто «аввал — бурч, кейин — манфаат», деган хулосага келади.

«Олижаноб киши»лар халқни эзгуликка, ахлоққа, хуш хулқ-атворларга ўргатиб бориши даркор. Халқни «ахлоқан тўғриламай» уни жинояти учун жазога тортиш мумкин эмас. Демак, ҳукмдорлар, давлат халқни тарбиялаши, халқ эса ўз бурчини англаши ва манфаатларидан ушбу бурчини юқори қўйиши лозим. Давлатнинг ижтимоий-тарбиявий функциясини ошириш орқали жиноят ва норозиликларнинг олдини олишни, ижтимоий бурчини шахсий манфаатлардан юқори қўйиш орқали халқда ўз давлатига хизмат қилиш ҳиссини шакллантиришни Конфуций яшаган давр учун инқилобий ғоя деса бўлади.

Мутафаккир вафотидан кейин унинг шогирдлари уч, Цзи Гун эса олти йил аза тутади. Эрамиздан олдинги 478 йили Цюй Фоу шаҳрида «Ун минг (барча) асрлар учун намуна — Устоз»га ибодатхона қурилади. Ушбу ибодатхона ҳозир Конфуций таълимоти тарафдорлари учун муқаддас жой ҳисобланади. Кейинги асрларда конфуцийчилик ўз ақидалари ва расм-русумларига эга динга айлантирилади. Мутафаккирнинг идора хизматчилари тайёрлаш борасида ишлаб чиққан тартиблари узоқ асрлар давомида Хитойда мутахассис — кадрлар тайёрлаш мактаби ҳисобланади ва император конфуцийчилик таълимини олган амалдорлар орқали давлатни бошқариб келади. Тўғри, XX асрда Хитойда рўй берган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар конфуцийчилик анъаналарига таъсир этмай қолмади, лекин Конфуцийнинг ахлоқан етук кишилар жамият ва давлатни бошқариши зарур, деган ғояси ҳамон долзарбдир...

Виктор Алимасов,  
фалсафа фанлари доктори





## Ваҳрамандлик

Ўзбек романчилик мактабининг асосчиси Абдулла Қодирий бошидан ўтказган таҳликали, энг оғир сўнги ўн беш йилликда унинг ижодига холисона баҳо берилган биттагина илмий асар пайдо бўлган эди. Бу — Ойбек томонидан ёзилган «Абдулла Қодирийнинг ижод йўли» номли монография эди. Унда талқиқотчи Ойбек устоз санъаткорнинг юксак маҳоратини ҳавас билан тан олади, уни ўрганишни тарғиб қилади. Назаримда, Ойбекнинг ўзи ҳам назмдан насрга ўтиш жараёнида ўзидан аввал яратилган илк насрий асарларнинг ютуқ ва камчиликларини кунт билан ўрганишга киришган. Албатта, уларга давр талабига кўра ҳам, ўзининг билим савияси, дунёқараши нуқтаи назаридан ҳам, танқидий руҳда ёндошди.

Тўғри, Абдулла Қодирий ижоди бўйича Ойбек аниқлаган барча камчиликлар ҳам шу куннинг нуқтаи назаридан қаралганда тарихий ва илмий ҳақиқатга мос келавермаслиги мумкин. Айни чоғда, уларнинг ҳаммасини ҳам чиқитга чиқариш инсофдан эмас. Гап Ойбекнинг устоз деб билгани — Абдулла Қодирий асарларини мутолаа қилиш жараёнида олган сабоқлари, уларнинг афзалликларидан нечоғлик баҳраманд бўлганлиги, устози ёққан ижод чироғи нуридан равшан бўлган фазилатлари ҳақидадир.

Ойбекнинг қайд этишича, «Ўтган кунлар» асари бош қаҳрамон «Отабек умрининг маълум этапидан бошланади, унинг тақдири билан битади. Асардаги бутун воқеалар унинг ҳаёти, кураши ила озми-кўпми даражада боғланган». Бу усул роман учун танланган воқеликнинг жадал ва тифиз ривожланиши, зиддиятларга бойлиги билан ўқувчини ром этади. Устознинг бу йўли шогирдга ҳам маъқул тушади ва биринчи романи «Қутлуғ қон»ни бош қаҳрамон Йўлчи умрининг маълум босқичидан бошлашни лозим топади. Барча воқеалар унинг ҳаёти, тақдири билан чамбарчас боғланган. Бугина эмас, Ойбек кўп эпизодларни киритиш ва тасвирлашда ҳам Қодирийга эргашади, аммо, ўзига хос мустақил йўлдан юради.

Иккала роман ҳам бош қаҳрамонлар кириб келаётган муҳитни, фаслни тасвирлашдан, яъни, экспозициядан бошланади. Агар ўқувчи Отабек билан «қишқи кунларнинг бири, куёш ботган, теваракда шом азони» эшитилиб турган пайтда учрашса, Йўлчини «Вақт пешиндан ошган. Июль ойининг куёши ҳамма ёқни олов сели билан тўлдирган, ҳаво аллақандай оқ аланга билан ёнган» бир фаслда кўради. Отабек билан Йўлчи тенгдош, Ҳасаналининг айтишича, Бек «бу йил ролпа-роса 24 ёшга қадам кўядилар». Йўлчи билан «турли нарсалар ҳақида узоқ суҳбатлашган» Мирзакаримбой «Йигирма уч ёшли йигитнинг ақлида сира нуқсон кўрмади». Иккови ҳам борган жойларида севи тузоғига илиндилар. Бу ўхшаш жараён ҳам ҳар бир санъаткорнинг услубига хос равишда намоён бўлади.

Таҳорат олиш учун «Отабек дўкондорнинг кўрсатишича, қутидорнинг ташқарисига кирди» (ҳали бу жой қутидорнинг ҳовлиси эканлигини у билмайди — Й.С.) ва «тасодифан нима юмуш биландир меҳмонхонадан чиқиб келгувчи фариштага кўзи тушди». Йўлчи тоғасининг амрига кўра ташқаридаги чорбоғда тўнка қовлашни бошлайди ва тасодифан «ўзидан ўн беш-йигирма қадам нарида унга тикилиб турган бир қизга кўзи тушди». Бир-бирларига узоқ тикилишдан одатга кўра дастлаб қизлар тийилади. «Кумуш нимадандир чўчигандек бўлди, енгилгина бир ҳаракат билан ўзини ичкари йўлак томон бурди». Гулнор ҳам «уялиб, дарров юзини яширди. Сўнг пақирини кўтариб, бойнинг боғи томонга юрди». Кумушбиби кетар экан, «йўл устидан ариқ бўйида қотиб турган йигитга бир қараб қўйди ва бу қарашда унга енгилгина бир табассум ҳам ҳадя қилди.» Гулнор ҳам Кумуш опасидан ўрнак олгандек нарироқ бориб «орқага бир қайрилиб боқди. Йигит унинг кўзларида мулоийм табассум сездди». «Кумуш ичкарига кириб кўздан ғойиб бўлди, лекин Отабек яна бир неча дақиқа ерга миҳлангандек қотиб турди». Йўлчи ҳам Отабек дўсти сингари «кўзларини қиздан узолмай қотиб қолди».

Ажабо! Булар шунчаки ўхшашликми ёки Отабекнинг «Ўтган кунлар» романини мутолаа қилиш асносида миясига ўрнашиб қолган таниш манзаралар тақрорими? Эҳтимол, кимдир бу эпизодни Ойбек сал ўзгартириб ўқувчига тақдим этапти, даяр? Алҳазар! Аввало, бўй етган йигит, қиз қаерда, қандай вазиятда учрашишидан қатъи назар бир-бирларига сўзсиз тикилиб қолишади. Кейин, албатта, қиз бола биринчи бўлиб кўзини олиб қочади, чунки ўзбекона қизлик ҳаёси эркак зотига узоқ қараб туришга изн бермайди. Қиз кетар экан, бир неча қадам юргач, сўзсиз қайрилиб қарайди. Кўнглида «Ким бўлди? Ҳалиям турибдими? Менга қараяптими?» деган ички саволлар шунга мажбур

қилади. Демак, бу ўхшашлик ҳам эмас, тақлид ҳам эмас, балки табиий, ҳаётий тасвирдир.

Ойбек Абдулла Қодирийдан «жонли, бўёқли образлар» яратишни ҳам ўрганди. Ёзувчи «Қутлуг қон» романида худди «Ўтган кунлар»даги сингари «кишиларнинг портрети динк, қабартириб» берилишига эришди. Ташқи кўриниши жиҳатдан ҳам Отабек билан Йўлчи бир қориндан талашиб тушган эгизакларга ўхшашади. Агар Отабек «оғир табиатли, улуг гавдали, кўркам ва оқ юзлик, келишган қора кўзлик, мутаносиб қора қошиқ» йигит бўлса, Йўлчининг «арслондай кўркам гавдаси, кенг пешонаси, чуқур самимият ифодаси билан тўла йирик ҳушёр кўзлари, кенг кўкраги, бақувват қўллари, сўзларидаги қишлоқча соддалик ва тўғрилиқ» эътиборни тортади. Бинобарин, Ойбек ҳам Абдулла Қодирий сингари «ўз қаҳрамонларини нақадар буюк севги ила севганини ҳар одимда таъкиллайди». Бунга мисол тарихида ҳар икки романдаги Кумушбиби, Офтобойи, Юсуфбек ҳам, Уста Олим, Шокир ота, Уроз, Шоқосим, Қоратой қабилар тасвирини кўрсатиш мумкин.

Бироқ, Ойбек манфий типларни тасвирлашда Абдулла Қодирий йўлидан бормади. Маълумки, «Ўтган кунлар» романидаги ёмон кишилар қиёфасини чизишда ёзувчи қора бўёқларни мулақо аямайди. Уларнинг ҳар бири ўта хунук ва майиб кимсада ифодатида тақдим этилади, ташқи кўринишига ҳам, хатти-ҳаракатларига ҳам ўқувчининг нафрати кўзғотилади. «Киши характерини бундай ташқи хусусиятларга қараб очиш ҳам бир ёқламалик, юзакилик» бўлади деб билган Ойбек ўз романидаги манфий образларни иложи борича гўзал, ёқимтой қилиб тасвирлашга интилади. Айни чоғда, характер ботинидаги туб иллатларни портретга сингдириб юборишни ҳам унутмади. Бу жиҳатдан Мирзақаримбой, Нури, Салимбойвачча, Ермат қабиларнинг қиёфаси тасвири ибратлидир.

Масалан, романнинг бош қаҳрамони «Мирзақаримбойнинг гавдаси кичик, қўллари ингичка бўлса ҳам зуваласи пишиқ кўринади. У гўштдор ҳам эмас, ориқ ҳам эмас, кичик, айёр юзи хўрознинг тожисидай қип-қизил: оппоқ соқоли ва мийиғлари тоза ва таралган...» одамдир. Бир қарашда бойда салбий қаҳрамонга хос биронта ҳам нуқсон кўринмайди. Аксинча, у келишган киши ифатида тасвирланмоқда. Аммо, ёзувчи унинг ташқи кўринишидаги битта характерли унсурга урғу берган: у ҳам бўлса, портретдаги «айёр юз» иборасидир. Биз портрет таркибига киритилган ва кейинчалик Ойбек бадиий услубининг асосий қирраларидан бирига айланган бундай киритмаларни «қармоқ ибора» деб аташни лозим топдик. Аслида, бу ибора рангни ҳам, тусни ҳам аналтмайди. Лекин ўша бўлмаса, бойнинг муаллиф томонидан таърифланган кўпгина салбий хусусиятлари муҳим асосга эга бўлмай қоларди. Ёки «эндигина ўн етти-ўн саккиз ёшга кирган, ўрта бўйли, умуман, юз бичими келишган лўлпигина» Нурининг «бодом қовоқлари остидаги қора кўзлари қандайдир ноз ва эҳтирос билан ёниши» ҳам қиз характерига хос талай иллатларни илтирайиб чиқади. Мана улар:

I. «Нуринисонинг табиатида енгиллик билан макр устун эди».

II. «Нури кийинишни, безакни севар эди».

III. «Нуринисонинг эс-ҳуши эрга тегиш эди».

IV. «Йигитларга нисбатан ўз юрагида кучли бир интилиш сезар» эди. Боз устига, қизнинг «ҳаракатларида ўзбошимчалик, қилиқларида ноз-қарашма» устун бўлиб, ўжарлик билан кўпича «қорани оққоқ деб исбот қилишга тиришар эди».

Кумушнинг Отабек, Нуринисонинг Фазлиддин бойвачча билан тўй куни бўлган илк учрашувлари ҳам ёзувчилар томонидан ўзига хос тарзда, характернинг ички моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тасвирланган. Кумуш бир неча кундан бери кимнингдир ишқида куяди, сирли ариқ бўйида кўз ёшларини оқизади. Ундан сўрамай-нетмай эрга берадилар. У ким? Кумуш билмайди. Шундан қизнинг кўнгли безовта, хаёли ташқи ҳовлидаги сирли ариқ бўйида кўрган «ўша чингилин йигит»да. Ниҳоят, куёв билан кўришиш фурсати ҳам келди ва гўшангада «ўша чингилин йигит»ни кўрди-ю, «Кумушбиби оғир тин олиб: «Сиз ўшамми? Кўзларимга ишонмайман! — деди».

Куёви Фазлиддин бойваччанинг: «Жоним, менга қаранг. Хурсандмисиз?» деган саволига жавобан, юраги эҳтирослар билан тўлган Нури «кўзларини сузиб, нозли табассум билан унга юзини ўтирди. Чувак юзли, сийрак, сарғиш мўйловли, иршайган қувгина йигитга бир оз тикилди-да, бошини аста қуйи солди ва ичида хўрсинди». Қизларнинг ҳолатини, хатти-ҳаракатини ифодалаш учун танланган алоҳида сўзларга эътибор берайлик: Кумушнинг қалби ариқ бўйида кўрган ўша йигит билан банд. Бироқ, ота-онасининг райига қарши чиқолмайди, бунга шариат ҳам, қизнинг фарзандлик бурчи ҳам йўл бермайди. Йиғлаб-сиқтаб бўлса-да, унашганига тегишга мажбур. Энди унга барибир, ҳиссиз, ҳамма нарсани эътиборсиз, совуқ қаршилайди. Шунинг учун ёнига ким келди деб қараб ҳам қўймайди. Йигитнинг «титраган ва қовжирган товушда» берилган «Нега қарамайсиз?» деган саволидан сўнг шу пайтгача қарамаган ва қарашни ҳам истамаган Кумушбиби «мажбурият остида(1) ёв қараш билан (2) секингина душманга» қарагандек (3) қарайди... ва бирдан қалбда кескин ўзгариш юз беради. Куёвнинг «ўша йигит» бўлиб чиққанлигидан ниҳоятда суюнади, бу бахтли учрашувдан оғир тин олади. Мана, шу тин олишнинг остида олма-олам шукроналик, қувонч, бахтига эришган қизнинг руҳий кечинмаси яширингандир.

Нури учун эса, муҳаббат иккинчи даражали нарса. Бу қиз характерида ҳиссиёт, макр-ҳийла, оғмачилик ва сунъийлик устун, биринчи навбатда туради. Куёв билан гўшангадаги учрашуви ифодаланган парчада ҳам унинг бу хислатлари очиқ кўзга ташланади. Агар Кумуш чет қўлдан сесканган бўлса, Нури бойвачча қўлини ушлаганда ҳам, белидан қўчганда ҳам ақалли озгина бўлсин, акс ҳаракат билдириб қўймайди. Чунки, у аллақачон

шундай бўлишини, бундан-да ортиқроқ эркалашларни орзу қиларди. Бундай вазиятга у тайёр бўлиб келганди. Кумуш иложи борича «бегона қўл»дан қутулишга ҳаракат қилса, Нури, аксинча, ўзи фаоллик кўрсатади. Бундай пайтда одат бўйича аввал куёв гапириши керак. Лекин, кўксини аллақандай ҳислар тўлқинлантираётган Нурининг ўзи биринчи бўлиб гапиради ва бу билан куёвга тезроқ суҳбатлашиш иштиёқини билдиради.

Кумуш билан Нурининг ўз қуввларига қарашларида ҳам катта фарқ бор. Юқорида таъкидланганидек, Кумуш ёнидаги йигитга «мажбурият остида, ёв қараш билан секингина душманига қарагандек» уч босқичли ҳаракат билан қарайди. Нури эса «кўзларини сузиб, нозли табассум билан юзини ўгирди». Шу қарашларнинг ҳосиласи ўлароқ Кумуш «огир тин олди», Нури «ичида хўрсинди». Кумушнинг огир тин олишидан «худога шўкур-ей», Нурининг хўрсинишидан «эсизгина» деган маънони уқамиз. Негаки, Нури Йўлчи акасидек кўркам гавдали, бақувват йигитни хаёл қиларди. Фазлидин эса бунинг акси бўлиб чиқди.

Ҳар икки ёзувчи характер мантиқига мослаб қўллаган бу ибораларни бир-бирига нисбатан алиштириб бўлмайди. Масалан, Кумуш Отабекка термулар экан «ичида хўрсинди», «Нури огир тин олди» деб қўлланса, аввало, бу — воқеалар, қолаверса, характерлар мантиқига тўғри келмасди. Бундан ташқари, бу ибораларнинг алмашинуви шу эпизодларнинг бутун ритмини, мантиқни, вазиятни, персонажларнинг руҳий ҳолатини тамоман ўзгартириб юборган бўларди.

Абдулла Қодирий ўз романида «тил мусиқийлиги, ритмига ҳам катта аҳамият» бериб, баён услубида «лирик тўлқинликка, жўшқинликка кўтарилган»лигига ҳавас қилган Ойбек ўзининг илк романи — «Қутлуғ қон»да ана шундай фазилатларнинг устивор бўлиши учун курашди ва ниятига эриша олди. Буларнинг барчаси Ойбекнинг устоз ижодий лабораторияси сирларидан меҳр билан баҳраманд бўлганлиги, ҳавас билан ўрганганлиги натижасидир.

Йўлдош Солижонов,  
филология фанлари доктори



## Пафосни бадийлик мезони сифатида ўрганишга оид айрим мулоҳазалар

Эстетика ва адабиётшуносликдаги устувор қарашларга кўра бадий асарнинг мазмуни — бу пафосдир, пафос эса инсоннинг энг олий эстетик идеаллари нуктаи назаридан қайта яратилган ҳаётдир. Модомики биз шу фикрни асос қилиб олар эканмиз, ундан келиб чиқиб бадий асарнинг эстетик қимматини белгилаш мезонлари тўғрисида бемаъл фикр юритишимиз мумкин.

Бадий асарда турмушнинг икир-чикирлари, турмуш ташвишлари, турмуш прозаси ёки ҳаётнинг утилитар-практик, прагматик томонлари ҳам акс этади. Улар ҳар қандай асарда насрдагидек ўз-ўзича, ўз жисми билан ўтиши шарт эмас. Уларга муносабат ҳам аслида уларнинг ўзига хос инъикосидир. Прагматик қимматлар эстетик онг нуктаи назаридан ҳам шак-шубҳасиз, қимматлидир. Турмушсиз ҳаёт бўлмаганидек, унинг тасвири ва тадқиқисиз адабиёт ҳам йўқ. Турмушни яхши билмаган ёзувчи ҳеч қачон тўлақонли бадий (айниқса, эпик ва драматик) асар яратолмайди. Албатта, ҳар қандай ёзувчи турмушнинг қайсидир томонларини яхши билмаслиги мумкин, лекин у ҳар қалай ўзи тасвирламоқчи бўлган ҳаёт парчасининг асосида ётган турмушни етарли даражада билиши керак. Бу билим ҳатто айрим бадий асарларнинг, ниҳоятда, муҳим фазилатига айланиши мумкин. Масалан, Садриддин Айнийнинг ёзувчи сифатидаги энг катта ютуқларидан бири шундаки, у ҳеч қачон ўзи энг майда икир-чикирларигача билмаган ҳаёт тўғрисида ёзмаган, унинг асарлари катта бир давр ҳаётининг мана шу томонлари ҳақида энг ишончли маълумот бера олиши билан ҳам қимматли.

Ўзи тасвирлаган ҳаёт парчасининг маиший томонларини ҳам жуда яхши билиш Ойбекнинг «Қутлуғ қон»идаги, «Улуғ йўл»идаги кўплаб саҳналарга шундай бетакрор жозиба, ишонарчилик ва тўлалик бахш этган. Бир вақтлар М.Шолохов, Ф.Панфоровнинг «Чорқирралар» романидаги турмуш ҳақиқатига тўғри келмайдиган ўринларни асл казакка хос синчковлик билан кўрсатиб берган эди. Романда «Ҳа, оғайни, у ерда сенинг деворинг орқасида от ўтириб олиб, деворни ямлапти» деган гаплар бор экан. «Тинкаси куриган от ўтирмайди, балки ётиб қолади-ку, ахир, — дея тутақиб ёзади М.Шолохов, — От ўтирган ҳолида овқатланмайди (кези келганда шуни айтиш керакки, от ўрнидан туришга уринаётгандagina бир ўтириб олиб, сўнг қўзғалади), башарти от ўзи ўрнидан қўзғалолмаса ёки оёғида туролмаса, уни кўтариб, сўнг белидан бойлаб осиб қўйишади. Бу образ эмас, балки навбатдаги «хатодир»... Худди шунингдек, отнинг деворни қандай

қилиб «ямлаши» мумкинлиги ҳам тушунарли эмас. Бу нарса «гажиш» сўзи билан «ямлаш» сўзининг фарқини билмаган кишиларгагина тушунарли бўлиши мумкин».

Лекин турмуш деталлари ҳар қанча муҳим бўлмасин, уларнинг ўзи билан жонли бир ҳикоя ҳам яратиб бўлмайди. Воқеликни бадиий идрок этиш учун ҳам воқеадан ҳодисага, ҳодисадан моҳиятга қараб бориш керак. Воқеликнинг чуқурроқ ҳақиқатларига кириб бориш натижасида санъат асари ўзида ҳаётнинг ижтимоий, иқтисодий, тарихий, руҳий, биологик ёки табиий-ҳаётий, сиёсий, ҳуқуқий ва ҳоказо қонунари ҳамда қонуниятларини ҳам акс эттиради. Булар бадиий асарнинг маърифий-илмий ва фалсафий қимматини ташкил этади.

Бадиий асар қимматини белгилашнинг навбатдаги ўлчови маънавий-ахлоқий мезонлардир. Эзгуликка, инсонийликка, тўғрилиқ ва ҳалолликка хизмат қилмаган адабиёт ва санъат «Доктор Фаустус» (Томас Манн) романининг бош қаҳрамони Адриан Леворкун санъати каби охир-оқибатда ўзини ўлдиришга маҳкум этади.

Бадиий асарда кўпинча санъат ҳимоя қиладиган асл, бош қиммат сифатида талқин этиладиган хусусий эстетик қимматлар ҳам етакчи мавқеа тутади. Булар — инсондаги шаън ва ор-номус туйғуси, Ватан ва халқ туйғуси, табақа, насл-насаб, ота-она, фарзанд, ёр, дўст туйғуси, эътиқод туйғуси ва ҳоказолар. Лекин бу хусусиятларнинг ҳеч бири алоҳида ҳолда санъат асарининг энг сўнгги, энг асл қиймати бўлолмаганидек, бу мезонларнинг ҳеч бири ҳам энг сўнгги, энг асл мезон бўлолмайди. Энг сўнгги, асл мезон бу олий эстетик қимматлардир, шу барча хусусий қимматларнинг олий даражадаги гармониясидир.

Бадиий асарда мазмундан ташқари шу мазмуннинг шакли ҳам бор, шакл ва мазмун бирлигини ифода этувчи материал (адабиётда — тил) бор. Мазмуннинг қисмлари ўзаро уйғун бўлгани билан улар ўзининг муайян адабий тур ва жанрдаги, муайян услубдаги муносиб бадиий шаклини тополмаса, мазмун ва шаклнинг шу бирлигига ўз кўрку камолини кўз-кўз қила оладиган лисоний либос кийгизмаса, унда ҳам бадиий асар чинакам бадиий-эстетик жозиба касб этолмайди. Чунки, бадиий асар мазмуни, шакли ва материалнинг ўзаро юксак уйғунлик ҳосил қилиши ҳам эстетик идеалнинг бир таркибий қисмидир.

Бадиий асарда энг муҳим нарса мазмунни ташкил этувчи шу турли-туман қимматларнинг, бадиий шакл ва тилнинг ўз-ўзича юқори даражаси ҳам эмас. Агар, дейлик тилнинг бойлиги ва гўзаллиги, равллиги ўз-ўзича бадиий асар қимматини белгилай олса, Абдулла Қаҳҳорнинг «Олтин юлдуз» ва «Синчалак» каби асарлари насримизнинг кўрки, фахри деб ҳисобланиши мумкин эди. Ҳолбуки, тилда улардан унчалик қолишмагани ҳолда умумий эстетик қимматига кўра, «Олтин юлдуз» ва «Синчалак»ни шу адибнинг «Сароб», «Даҳшат», «Утмишдан эртақлар» ёки, масалан, Хайридин Султоновнинг «Чайладаги тўрт киши», «Бир йигитнинг бахти», Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Мустафо», «Галатепага қайтиш», Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшом», «Ойдинда юрган одамлар» асарлари билан бир ўринга қўйиб бўлмайди.

Биобарин, бадиий асарда ҳам энг муҳим нарса уни ташкил этувчи барча томонларнинг алоҳида ҳолдаги даражаси эмас, балки ўзаро уйғунлиги. Масалан, фолкълор асарларида борлиқни, ҳаётни, жамиятни ва инсонни билишнинг (ҳар томонлама билишнинг) реалистик адабиёт эришган даражаси йўқ. Шунга қарамай, улар ўз аҳамиятини асло йўқотмайди, чунки уларда барча томонларнинг асрлар давомида сайқал топган уйғунлиги бор.

Лекин бадиий асарда ўзига хос бир гармония бўлса етарли, бу гармониянинг даражаси қандай бўлишининг фарқи йўқ, деб ўйлаш ҳам унчалик тўғри эмас. Дунё адабиёти арена-сита чиқиш учун (умуман, халққа, замонга максимал даражада хизмат қилиш учун ҳам) шу уйғунликнинг дунё эришган даражасига эришиш, идеалда эса ундан ҳам ўзиш керак. Масалан, Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романида санаб ўтилган томонларнинг ажойиб бир уйғунлигига эришилган. Асар шунинг учун муваффақият қозонди.

Хуллас, чинакам бадиий мазмунни, яъни, пафосни шаклантириш оддийгина турмуш ҳақиқатларига содиқликдан бошланади. Воқеадан ҳодисага, ҳодисадан моҳиятга ўта бориш натижасида бу мазмун маърифий-илмий ва фалсафий қиммат касб этади. Шу мазмун маънавий-ахлоқий ва эстетик қадриятлар билан тўйиниши натижасида чинакам пафос тусини олади. Бадиий адабиётда мазмун сўз орқали реаллашади, яъни, тилда нашъу намо топади. Бадиий асар мазмунини ташкил этувчи барча томонларнинг, улар билан шу мазмунни ташувчи лисоний воситаларнинг ўзаро уйғунлиги ва шу уйғунликнинг юқори даражаси асар муваффақиятининг муҳим омили бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**Мирзааҳмад Олимов,**  
филология фанлари номзоди



## АЖНАБИЙ ҚАҲРАМОНЛАР МИСОЛИДА...

XX асрнинг 20 йилларидан то 40 йилларигача ижоднинг турли йўналишларида фаолият кўрсатган ижодкорлардан бири Шокир Сулаймондир.

Шокир Сулаймоннинг ҳаёти ва ижоди ҳали махсус тадқиқ қилинмаган. Айрим адабиётшунос ва тарихшунос олимларимизнинг баъзи бир рисола ва мақолаларида номи саналган ёки бирор асарига қисқагина муносабат билдирилган, холос. Жумладан, америкалик адабиётшунос Эдвар Олворт «Ўзбек адабиёти» номли китобида Шокир Сулаймоннинг жаҳид адабиётига қўшган ҳиссаси ва жаҳид мактабларининг камол топишидаги ролини тилга олган. Ёки таниқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддиновнинг Абдулла Қаҳҳор ижоди хусусидаги мақоласида Шокир Сулаймоннинг «Сароб» романини дадил ёқлаб чиққани айтилган.

Ҳайдарали Узоқовнинг 1997 йили «Маърифат» газетасида чоп этилган «Қирчинидан қирқилган аллома» номли мақоласида ҳам Шокир Сулаймон ҳаёти ва ижодига умумий чизгилар берилган. Мақола ижодкорнинг рафиқаси, қизи ва дўстининг хотиралари асосига қурилган бўлиб, унда жиддий эътироз уйғотадиган ўринлар ҳам йўқ эмас. Мақолада шундай бир фикр илгари суриладики, гўё Шокир Сулаймон 30 йилларда Ҳиндистон, Хитой, Франция, ҳатто Африкага Вера Инбер билан саёҳат қилган эмиш. Англия сафаридан келгач, «Джем ва Эллен» ҳикоялар тўпламини яратган эмиш... Бу мутлоқо нотўғри маълумот бўлиб, 30 йилларда бирорта ўзбек ёзувчисининг чет элга на ижодий сафарга, на саёҳатга бориб келиши мумкин эмас эди. Шокир Сулаймон ҳам фақат Россия ва Татаристоннинг айрим шаҳарларига борган, холос.

Тўғри, Шокир Сулаймоннинг адабий меросида бу ердаги ҳаёт билан бирга, чет эл навзусига бағишланган асарлар оз эмас. Агар биз Шокир Сулаймон ижодини таҳлил қиладиган бўлсак, унда чет элик кишилар ҳаёти, уларнинг аянчли қисмати, зулмга, хўрлик ва ҳорликка қарши исён лавҳалари муҳрланганини кўрамиз. Жумладан, ёзувчининг «Хитой боласи Ин-Фон», «Оқ негр» дostonларида мустамлакачиларнинг ирқчилик сиёсати фожиялари очиб берилган.

«Джем ва Эллен» номли кичик ҳикоясида эса француз болаларининг қаттиқ камситилиши ва ҳуқуқсизлиги билан боғлиқ воқеалар қаламга олинган.

Унинг 1934 йилда яратилган «Бизда ҳам уларда» деб номланган асари болалар учун ёзилган. Ҳикоянинг биринчи қисми «Болалар турмаси» деб номланган бўлиб, асардаги воқеалар учун Францияда нашр этилган «Юманите» газетасидан таржима қилинган маълумотлар ва Москвада чиқадиган журналда босилган хабар ва суратлар асос қилиб олинган.

Ижодкор Париждаги болалар турмасининг кичкина асирларининг қилган «гуноҳ»лари ва «жиноят»лари учун узоқ йиллар озодликдан маҳрум этилганликларини, ёш болаларга қилинаётган жабр-зулм ва қийноқларни жонли мисоллар билан тасвирлайди. Масалан, 12 ёшли Жорж ўғай онаси кўлида азобу уқубат ичра кундузлари қийноқлар, кечалари йиғи-сиги билан яшайди. Ниҳоят, бир кун пайт пойлаб уйдан қочади ва болалар турмасида яшашга маҳкум бўлади. 15 ёшли Робертнинг отаси ишсизлик ва камбағалликдан безор бўлиб ўз жонига қасд қилади. Ҳали вояга етмаган Робертнинг зиммасига рўзгор ташвиши тушади. Роберт оила боқиш мақсадида юк вагонлари орасига бориб иш ахтаради, ҳаммолчилик қилади. Уни ҳам полиция дайдиликда айблаб, болалар турмасига топширади. Ёки 14 ёшли Баретта исмли қизнинг ўғай отаси уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб қизнинг номусига тажовуз қилмоқчи бўлади. Қиз эса унинг кўлидан қочиб чиқиб кетади. «Ота» муттаҳамлик қилиб қизига «ахлоқсиз» дея тухмат қилади. Полиция эса хўрланган қизни болалар қамоқхонасига топширади. Ёзувчи шу тарзда бегуноҳ қамалган яна кўплаб болаларнинг тақдири ҳақида ҳикоя қилар экан, бутун дунёда содир бўлаётган ижтимоий ва иқтисодий мушкулотлар, ирқий камситилишлар сингари муаммоларга назар қаратади.

Ижодкорнинг 1934 йилда ёзилган «Ким бу?» асари суратлар асосига қурилган. Болаларга атаб ёзилган бу ҳикояда Шокир Сулаймон Англиядаги қонли уруш ва ишсизлик туфайли юзага келган очлик қурбонларини тасвирлайди. Китобхонга уруш ким учун керак, деган саволни беради. Хўш, бу уруш ким учун керак? Беҳисоб қурбонлар, талофотлар пайдо қиладиганлар нималарга эришмоқчи? Ёзувчи ўз саволларига ўзи жавоб беради.

Шокир Сулаймон жаҳон уруши, унинг асл сабаблари ҳамда уни келтириб чиқарган кучлар ҳақида ҳам ёзади ва энг даҳшатли талофотлар ҳақида шундай дейди: «Ҳақиқатан ким бу? Жавоб борми? Узи бўри, тулки, қонхўр, айёр, йиртқич, илон, чаён. Жаҳон урушида унинг қўли бор. Шунинг дастидан миллион-миллион одамлар ўлди, қирилди. Темир қафасларда, турмаларда минглаб, юз минглаб одамларни эзди, хароб қилди. Тўпланган суяклар... Бу суяклар отлар, моллар, бошқа ҳайвонлар суяги эмас. Бу одамларнинг суяги! Қўл-оёқ суяги, қобирға суяклари. Булар гуноҳсиз одамларнинг бошлари, буларнинг хотин, бола-чақалари, ота-оналари бўлганлар. Булар туғилиб, умид билан яшаганлар. Лекин, кимларнингдир, қандай зolimларнингдир мажбурияти, зўрлиги билан бекордан-бекорга қурбон бўлгандирлар....»

Ҳамма замонларда ҳам уруш ҳеч қачон оддий инсонларга, ишчи-деҳқонларга, зиёлиларга, умуман меҳнаткаш халққа керак бўлмаган. Олтин ва тоғу тахт завсасасига йўлиққан ҳукмрон кучлар манфаати учун қурбон бўлган ва бўлаётган жабрдийдалар ҳақида ёзувчи изтироб билан ёзади ва одамларнинг калла суяклари билан тўлган яшиқлар фотосуратини келтиради. Ушбу ҳикоянинг таҳлили мисолида ёзувчилар дунёсининг разил, вайринисоний қиёфасини ҳис этамиз.

Ёзувчининг «Формуза отаси» ва «Ким бу?» ҳикоялари бир-бирига мазмунан ва моҳиятан яқин бўлиб, уларда дунёни бўлиб олишга қаратилган мустамлакачилик сиёсати аёвсиз фош этилади. Шунингдек, бу ҳикояларни бир-бирига бовловчи, айнан бир хил деталлар ҳам борки, уларни жилла қурса, санаб ўтмасдан иложимиз йўқ. Чунончи, «Формуза отаси» ҳикояси муаллиф ва профессор Фролов суҳбати асосига қурилган бўлса, «Ким бу?» ҳам муаллифнинг болалар билан мулоқоти баёнидан иборат. Мазкур асарларда айнан болалар образи иштирок этмаса-да, ёзувчининг ҳар бир ифодада бевосита болаларга мурожаат қилаётганлигини сезиш қийин эмас. «Формуза отаси»да ҳам, «Ким бу?»да ҳам ёзувчининг «мен»и бор. Бу ҳикоялар ёзувчи суҳбати асосига қурилганлиги сабабли, уларда эссе жанрига хос унсурлардан самарали фойдаланилган. Ҳар иккала асарда ҳам сурат тарихи ҳикоя қилинади.

Шўролар салтанатининг мустамлакачилик сиёсати истиқлол берган имконият туфайли бутунги кунда айтилмоқда ва ёзилмоқда. Лекин, ўша даврда, яъни, XX асрнинг 30 йилларида «синфий кураш» шиори остида олиб борилган алғов-далғовларни, қатаронларни ўз кўзи билан кўрган ёзувчининг бу воқеаларни ўша йилларда ҳаққоний акс эттириши маҳол эди. Шу сабабли воқеаларни, чет эл ҳаёти мисолида тасвирлаши унинг ижодида ўзига хос бир йўналишни тақозо қилган. Адабиётшунослигимизда бу услуб ниқоблаш услуби дейилиб, собиқ шўро даври адабиётида кенг қўлланилган.

Шу ўринда биз Шокир Сулаймоннинг сочма асарлари ҳақида алоҳида алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз. Унинг 1926 йил «Маориф ва ўқитувчи» журналининг 12 сонидида эълон қилинган «Қул» деб номланган сочма асари қулдорлик давридаги оғир, қийноқли турмуш фожеалари ва қулларнинг аянчли тақдири ҳақида ҳикоя қилади.

Асарда илгари сурилган бош ғоя бир кишининг бошқа бир инсон устидан ҳукмронлик қилиши, хўрлаши, маҳв этилишига қарши қаратилгандир. Ижодкор ушбу асарида қулликни турмушнинг, табиатнинг ҳақсиз, тескари қонуни деб ҳисоблайди ва замонларнинг келтирган жабру ситамларига, ҳиссиз хўжайинларга, олтин бандаларига қул бўлиб яшаётган инсонларни эрк учун курашга чорлайди. Асар таҳлили жараёнида, биз унинг замирида ижтимоий адолатсизликка, тенгсизликка қарши исён лавҳалари муҳрланганини кўрамиз.

Ижодкор қулларнинг ҳаёти ҳақида изтироб ва дард билан ёзар экан, асар сўнггида шундай хулосага келади. Асрлар, йиллар давомида бўлмаган буюк ҳодиса рўй бермоқда, шундай экан, бир умр қулликка маҳкум этилган кишиларни ўз озодликлари учун, янги ҳаёт қуриш йўлида курашга чорлайди.

Шокир Сулаймоннинг хорижий мавзудаги асарлари ўзининг инсонпарварлик руҳи, эзилган халқларга нисбатан хайрихоҳлик ва ҳамдардлик туйғулари ила суғорилганлиги билан қимматлидир. Ижодкорнинг кенг фантазияси уни оддий кишилардан фарқлантириб турувчи энг катта ва олий фазилатидир. Шу маънода, Шокир Сулаймон хорижий мавзудаги асарларида фантазияга бой ижодкор сифатида намоён бўлган ва чет элда яшовчи халқларнинг аянчли турмуш манзараларини тасвирлабгина қолмай, собиқ совет кишиларининг мустамлакачиликка қарши норозилик кайфиятини ҳам ифодалаган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, воқеаларни чет элга кўчириб тасвирлаш услуби Шокир Сулаймон ижодида мажозий йўсинда бўлиб, у давр ҳақиқатини шу йўл билан айтишга ҳаракат қилган.

Кўринадики, юқорида келтириб ўтилган асарларда ёзувчи дунёни бўлиб олиш учун халқ қонини тўкаётган истилочиларга нафрат, мустамлака халқларнинг озодлик ва эрк учун бўлган курашлари, мавжуд тузумга, уруш оловини ёқувчи жаллодларга қарши кураш ғояларини майдонга олиб чиқади.

Шокир Сулаймоннинг танқидий тиви гарчанд капиталистик оламга қаратилган бўлса-да, совет давлати ҳатто унинг хорижий мавзудаги асарларида ҳам шўролар тузумига қаратилган шама бор, деб тушунди, шунинг учун ҳам уни доимий равишда назорат қилди. Ниҳоят, у 1941 йилнинг 25 августида ҳибсга олиниб, ўша йилнинг 22 декабрида қатл этилди. Заҳматкаш шоир, ёзувчи ва педагог умрига шу тарзда яқун ясалди.

Нилуфар Мирсаидова,  
аспирант



## Ҳикояда бадий синтез ва рамзий тасвир

Бадий синтез ижодкор ғоясини, унинг идеалини рамзий тасвир ҳамда шартлилик воситасида бадий ифода этишнинг муҳим шартидир.

Инсон оламига ҳос шундай хислатлар мавжудки, улардан айримлари ҳамма вақт мавҳум тушунчалар сифатида яшайди. Аммо, бундай барқарор жиҳатлар инсоннинг реал борлиқдаги хатти-ҳаракатини, характерини, руҳий бойлигини белгилаб беради. «Нафс» деб аталмиш мавҳум тушунча шулар жумласига киради:

Сўз санъатида жуда қадим замонлардан буён нафс маънавий-ахлоқий категория сифатида гоҳ мавҳум ҳолда, гоҳ реал нарса ёки жонзодга кўчирилган образ сифатида тасвирланиб келинади.

Ҳозирги ўзбек ҳикоячилигида ҳам нафс ҳақида талайгина асарлар яратилган. Лекин, уларнинг аксариятида нафс аниқ шаклу шамойилга эга образ сифатида акс эттирилмаган. Бу нарса ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Жажман» ҳикоясида юз кўрсатди.

Ҳикояда узоқ ўтмиш, яъни, зардуштийлик дини ҳукмрон бўлган давр билан, ҳозирги тарихий давр Зардушт бобо, Жажман ва бозор образлари воситасида синтезлашган.

Ҳикоя мазмуни Жажман деб аталувчи сичқонга ҳам, тулқига ҳам, одамга ҳам ўхшамайдиган ебтўймас махлуқнинг бозор аҳли бошига солган турфа ташвишлари асосига қурилган. Асар эрта тонгда бева аёлнинг фарёди билан бошланади. Шундан кейин бозордагиларнинг ўй-фикри Жажманни тутиб олиш ва жазолаш бўлиб қолади.

Жажманнинг нималигини, унинг қаердан, қандай пайдо бўлганлигини фақат Зардушт бобогина аниқ билади. Жажман дуалистик эътиқодий қарашларни ифодаловчи оташпарастликда эзгулик ҳомийси Ахурамаздага қарши курашувчи ёвуз дев Аҳриман томонидан яратилган махлуқ эди. Демак, нафс балосининг илдизлари ёвузлик дунёсига бориб боғланади. Шунинг учун қоқикурушларнинг Жажманни тутиб ўлдириш ҳақидаги қарорлари қай даражада қатъий ва шиддатли бўлмасин, уни ўлдириб бўлмаслигини танҳо Зардушт бобогина билади, холос. Бу нарса эса, инсон бор экан нафс ҳеч қачон ўлмаслиги ҳақидаги азалий ва абадий фалсафанинг ўзига хос бадий инъикосидан иборат эди.

Ҳикояда ифодаланган ғояга кўра, ҳаётдаги барча салбий воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини англаб етиш учун инсонда покиза қалб ҳамда юксак эътиқод бўлиши зарур. Ҳикоянинг ўзига хослиги шундаки, унда илк бор нафснинг образи, унинг ташқи қиёфаси чизилади. Бозор аҳли ва Зардушт бобо образларининг тасвирини эса, адиб ўқувчиларнинг тасаввурига ҳавола этади. Фақат жуда зарур бўлиб қолган ўринлардагина у бобонинг ўсиқ қошлари, ёниқ кўзлари ва оппоқ соқолига ишора қилади.

Жажманда барча жонзотлар хислати мужассамлашган. Бу нарса жами тирик мавжудот, жумладан, энг олий хилқат инсон ҳам нафсга эга, шу учун инсон биринчи галда ўз нафсини тия олиши керак, ана шунда у эмин-эркин яшайди, деган улуғвор фалсафа ифодаланган. Бу нарсани Зардушт бобо яхши билса ҳам, лекин кўрган заҳоти Жажманни унчалик эслай олмайди. Адиб буни Зардушт бобонинг руҳий ҳолати, кексаларга хос хотира заифлиги билан асослайди.

Маълумки, нафснинг эҳтиёжи чегара билмайди, унга қанча эркинлик берилса, шунча кучаяверади. Зардушт бобо буни яхши билади. Шу муносабат билан ҳикоядаги макон ва замоннинг чегаралари бадий шартлилик туфайли, ниҳоятда, кенг қамровга эгаллиги масаласига эътибор қаратиш лозимдек туюлади. Чунки, адиб ҳикояга Зардушт бобонинг болалиги ҳақидаги туш эпизодини киритади. У тушида Оташ момосини кўккўз

дев ҳовучида олиб кетганлигини кўради. Фольклорга хос ушбу мотив ажодлар сабоғини унуттиш ўз нафсига қул бўлиб қолишдан иборат, деган ғояга ишора вазифасини ўтайди.

Бозордаги сотувчилар Жажманни тутиб олиб, чалажон ҳолга келгунча калтаклашади. Шу пайт, тим адоғидаги девор ортида гурсиллаган овоз янада кучайганлигини Зардўшт бобо сезади. Бозор аҳли Жажман ўлди, деб ҳукм ўқигач, қутилмаганда, у инсонга хос овоз билан: «Ло-кила! Локи-ла!...» деб қичқиради. Шу пайтдагина оломон Зардўшт бобога мурожаат қилади. Бироқ, вақт ўтган эди. Тим адоғидаги деворнинг бир қисми ўпирилиб, тешиқдан Аҳриманнинг қўш ҳовучи чиқади. Унинг ҳовучидан эса, олдинги Жажманга қараганда дурқунроқ Жажман сакраб тушади. Бу эса, нафсни ўлдириб бўлмайди, деган қадимий ғоянинг ўзига хос образли ифодаси эди.

Мазкур ҳикоя ҳақида матбуотда бир қанча фикр-мулоҳазалар билдирилди. Жумладан, Нарғиза Довурбоева ҳикояга муносабат билдириб: «Жажман» сўзи «жажжи» маъносини англатиб, унда жамиятда нафсга берилиш оқибатида рўй берган салбий нуқсонлар қораланганлигини айтади. (Нарғиза Довурбоева. Жажманнинг жилвалари. Ёшлик журнали. 1991 йил. 5-сон.) Шоир Баҳром Рўзимухаммад эса, асар ҳақида тўхталиб, адибнинг мақсади Жажманни қоралаш эмас, балки бозор аҳлининг зиқналигини фош этишдан иборат деган фикрни билдиради. Унингча, танқидчи ва адабиётшуносларнинг энг муҳим камчилиги, «экзистенциализм» фалсафасини яхши билмасликларидадир. Чунки, Жажман калтакланган, унинг охирига айтган «Ло-кила!.. Ло-кила!» сўзлари «алик ол» маъносини англатиб, ушбу сўзлар орқали у издиҳомга салом берган эмиш. (Баҳром Рўзимухаммад. Назарияга бефарқ қараяпмизми? Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси. 2001 йил. 7 декабр.)

Тадқиқотчи Г.Саттарова эса, асарнинг фалсафий моҳиятини тўғри тушунмаслик оқибатида ҳар хил фикрлар айтилганлигини тўғри таъкидлайди. Ҳақиқатан ҳам Жажман синтезлашган рамзий образ бўлиб, у инсондаги нафс балосининг жонлантирилган, рамзидан иборат. Зардўшт бобо эса иймон ва эзгулик тимсоли. Агар ҳикоя диққат билан ўқилса, Зардўшт бобонинг Ахурамаздага қилган илтижоларини, олдиндаги фалокатдан огоҳлантиришларини бозор аҳли эшитмайди. Оломон Жажманни зўрлик билан, жоҳиллик билан маҳв этмоқчи бўлади. Аслида эса, нафсни фақат маърифат, иймон ва эътиқодни тарбиялаш йўли билан енгиш мумкин, холос. Зардўшт бобо эса бозор аҳлининг бирорта ҳам мурожаатига жавоб қайтармайди. У ҳамма вақт эзгулик ҳомийси Ахурамаздадан нажот сўрайди. Маълум бўладикки, Хуршид Дўстмухаммад ушбу ҳикояси орқали маърифатсиз, иймони заиф кишиларгина жаҳолатга юз бурадилар ва доим жажманлар ҳамласига дуч келадилар, демоқчи. Адиб мазкур ҳикояси билан миллат менталитетига нафс ортидан қувиниш, турли бало-қазоларга дучор бўлишдан кишиларни, замондошларимизни огоҳлантиришни назарда тутган.

Юқоридаги уч йил муносабатдан Г.Саттарова ҳамда Н. Довурбоеваларнинг фикрлари ҳақиқатга яқин. Б.Рўзимухаммад эса ҳикояни ўринсиз «экзистенциализм» фалсафасига олиб бориб тақайди.

Назаримизда, «Жажман» узоқ ўтмиш билан барча замонлар қатори бугунги давр кишиларидоги маънавий-ахлоқий қарашларни бадий синтез қилиш йўли орқали яратилган фалсафий асар. Адабий-бадий синтезнинг бу тури ўта даражада мураккаб бўлиб, унда ижодкор ўз билими ва истеъдоди, дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда, турлича йўлдан боради, турли-туман восита ҳамда усуллардан фойдаланади. Хуршид Дўстмухаммад бу ҳикоясида бадий шартлиликка амал қилиб, узоқ ўтмишда яшаган ва бирорта ҳам инсон мулоқотда бўлмаган образ билан нафс балосига муқкасидан кетган замондошларимизни бир макон ва замонда мулоқотга киритишга эришади. Гарчи Зардўшт бобо сотувчилар билан бирор марта жонли мулоқотга киришмаса ҳам, бироқ, сотувчилар унга бир неча бор мурожаат қиладилар. У тимнинг кираверишидан ўрин олган, унинг нарсаларига Жажман бирор марта ҳам чанг солмайди. Чунки у иймон ёдуси билан яшайдиган, эътиқоди баланд инсон сифатида ҳикоя воқеалари ривожида медитатив (ҳаракатга келтирувчи)лик вазифасини ўтайди. У поклик, иймонлилик намунасини кўрсатувчи рамзий образ.

Узоқ ўтмишдаги ажодларимиз тасавуридаги ярим мифик, ярим реал инсон қиёфасидаги Зардўшт бобо образини ҳозирги замон кишилари билан биргаликда тасвирлаш ҳамда уларни мулоқотга киритиш, бадий шартлиликнинг ниҳоят кенг қамровли мезони асосида ёритиш бадий синтезнинг муваффақиятли чиқишини таъминлаган. Чунки, ҳикояни ўқиган одам бозор аҳли билан Зардўшт бобонинг реаллигига шубҳа қилмайди. Бу нарса образларнинг рамзийлик асосига қурилишидан далolat беради.

Адабий-бадий синтезнинг ушбу турида ҳикоя воқеалари бўлиб ўтадиган макон шартли характерга эга. Бозор кенг рамзий маънода дўнени англатса, тор маънода реал воқеликдаги бозорни билдиради.

Ҳикоядаги замон ҳам шартли бўлиб, аниқ маънода у XX асрнинг охириги ўн йилликларига тўғри келади. Шу билан бирга, макон ва замонни бош образ — Жажман фаолияти билан боғлиқ ҳолда талқин этилса, макон башар аҳли яшайдиган барча заминни ифодаласа, замон оташпарастлик эътиқодлари вужудга келган даврлардан ҳозирга қадар бўлган қамровни ташкил этади. Буни ҳикоядаги бир нечта ўринлар ҳам тасдиқлайди: «— Тўғри, илгари кўзимизга кўринмаган, у бир сиқим — икки сиқим майиз-туршак егани билан камайиб қолмасдик, «еса-ебди-да» дедик. Индамадик. Кейин, сезиб-сезмай

эркатойимизга айлантирдик... Зардушт бобонинг юзига майин табассум югурди. Жажман секин-аста тимдагилар билан апоқ-чапоқ бўлиб кетган даврларини эслади». (Хуршид Дўстмухаммад Жажман. Тошкент. Шарқ. 1995 йил. 210-бет.)

Келтирилган парчанинг ўзи англатиб турибдики, ҳикояда аниқ замон билан кенг миқёсдаги макон ва замон синтез қилинган. Чунки, инсоният нафс балоси билан гоҳ келишиб, гоҳ унга исён кўтариб яшайди. Асардаги макон ва замонни етакчи рамзий образ — Жажман бирлаштириб туради. Шундай экан, истаган вазиятда макон ва замон ё кенг, ё тор, аниқ миқёсда воқе бўлади. Бундай хусусият эса, фақат бадиий синтез маҳсули.

Шу нуқтаи-назардан қаралса, ҳикоядаги Жажман жонлантирилган махлуқ қиёфасида тасвирланса ҳам, моҳият жиҳатидан у умумбашариятга алоқадор хусусиятдир. Адиб бадиий синтез орқали нафсининг рамзий образини ягона ва алоҳидалиқдан умуман тирик, жонли мавжудотга хос хусусият миқёсига кўтара олган. Бинобарин, ҳикоянинг гоёвий мазмуни ягона олинган бир давр учун эмас, балки, умуман инсоният тарихи, ҳозирги ва келажаги учун долзарблик касб этади.

Ёзувчи қўллаган ўтмиш билан замоннинг синтез ҳосиласи ҳикояга ўзига хос фалсафий руҳ ва фалсафий талқин бағишлаган. Назаримизда, «Жажман» адибга «Бозор» романини ёзиш учун алоҳида тайёргарлик босқичи, бошқача айтганда, гоёвий-бадиий дастурлик вазифасини ўтаган.

Хулоса қилиб айтганда, узоқ ўтмиш билан ҳозирги замон муаммоларини синтезлашда ижодкор биринчи галда, ўзи яшаётган давр ҳамда жамиятнинг долзарб муаммоларидан келиб чиқиши, уларни китобхонга аниқ ва таъсирли етказишга хизмат қилувчи рамзий тасвирдан ўринли фойдалана олиши зарур. Чунки, синтезнинг бу тури бадиий шартлилик қонуниятининг рамзий тасвирни таъминловчи имкониятларини ижодкор томонидан тўла рўёбга чиқара олишига боғлиқ. Хуршид Дўстмухаммаднинг «Жажман» ҳикояси «Бозор» романига нисбатан ҳам кенг ва чуқур фалсафий талқинга мойил асар бўлиб, ушбу хусусият фақат рамзий тасвир ҳисобига юзага келган.

Гулчеҳра Имомова,  
филология фанлари номзоди



## Бир қисса таҳлили хусусида

Бугунги ўзбек насридаги ютуқлар ҳақида гапирганда, унинг асоси ўтган асрнинг 70 йиллар охири 80 йилларда адабиёт майдонига кириб келган ижодкорлар авлоди томонидан қўйилганини эътироф этмоқ зарур. Бу авлод асарларидаги фарқли жиҳат, биринчи навбатда, замона қаҳрамонининг бадиий талқинида кўзга ташланиб, ўша ижодкорларнинг ижтимоий-эстетик тафаккуридаги ўзгаришларнинг инъикоси сифатида намоён бўлган. Модомики, текширилаётган объект табииати ўзгарган экан, уни ўрганиш ва баҳолаш тамойилларида ҳам шунга мос ўзгариш юзага келади. Айниқса, янги типдаги қаҳрамонларнинг яратилиши адабий танқид кузатишларида ҳам бошқачароқ ёндашув зарурлигини талаб этади.

Маълумки, 80 йилларга қадар яратилган аксарият насрий асарларнинг қаҳрамонлари «курашгачан қаҳрамонлар» бўлиб, адабиёт эса, ана шу қаҳрамонлар орқали мавжуд тузум ва ҳукмрон мафкуранинг тарғиботчиси сифатида фаолият кўрсатган эди. Бунинг таъсири ўлароқ, адабий танқид ҳам янги авлод носирлари яратган асарларга ёндашишда, уларни таҳлил ва талқин қилишда эски мезонлардан тўла қутула олмади. Аслида, 80 йиллар насрида асосий мақсад давр руҳини ифодалаш, замонанинг энг илғор кишиларини — «қаҳрамонлари»ни ибрат қилиб кўрсатиш эмас, балки мавжуд воқеликдаги янги тафаккурнинг, руҳиятнинг туб моҳиятини очишга, кишилардаги ижтимоий-сиёсий вазият юзага келтирган «фожеий ҳолатлар»ни бадиий таҳлил этишга қаратилган эди. Бу борада, биргина ёзувчи Эркин Аъзамовнинг «Жавоб» қиссасига билдирилган муносабатлар 80 йиллар адабиётининг олдинги даврлар адабиётидан анчайин фарқланишини кўрсатади.

Қиссанинг бош қаҳрамони Нуриддин Элчиев, бундай қараганда, ўз даврининг зиёли кишиси, ҳар томонлама етук, соғлом фикр ва соғлом вужуд эгаси. Шундай бўлса-да, ижтимоий воқеликда «кичкина одам» бўлиб яшаганлиги, унинг бундай яшашига, охири оқибат жавобсиз қисматнинг гирдобида қолишига сабаб бўлган омидлар нимада эканлиги ҳақида мушоҳада юрийтишга асосий эътиборни қаратиш лозим. Ёзувчининг муваффақияти шундаки, асар орқали, биринчи галда, реал ҳаёт тарзини бадиий ҳақиқат даражасида ифодалай олган бўлса, иккинчидан, ижтимоий воқеликда эртанги кунни қандай бўлишини ўйламаган, ўз тақдири ҳақида қайғурмаган «ночор ва фаолиятсиз» Элчиев каби зиёлиларнинг умумлашма образини яратга олди. Муаллиф асарда Элчиевдек «шу чоққача мудраб, кўрқиб, иккиланиб яшаётган, оддий кумурсқага хос тирикчиликка кўниб, жўнгина рўзгузорлик қилиб, журъатсиз, қатъиятсиз кун кечираётган, ҳаёт си-

новларига мутеларча бардош бериб, тақдир саволлари олдида ўзини ожиз, имконсиз деб билган» инсонлар ва уларнинг эртанги тақдири қандай бўлиши ҳақида мушоҳада юритади. Демак, кишиларнинг келгуси ҳаёти, орзу-умидларининг рўёби ўзларининг қўлида, ammo бунинг учун ҳаётда Элчиёвдек эмас, аксинча, ўз тақдири тўғрисида қайғурадиган, ижтимоий воқелик билан фаол муносабатда бўладиган, теран фикрловчи шахслар зарур. Бу эса, жамиятнинг «йўлбошчилари» бўлган зиёлилар тақдири ҳақида қайғураётган ёзувчининг асл мақсадидан келиб чиқадиган хулоса десак, хато бўлмайди. Келинг, қиссаниг яна бир муҳим томониغا эътиборимизни қаратайлик. Нима учун «Жавоб» қиссаси кўпчилик руҳиятига таъсир ўтказди? Унинг муҳимлиги нимада ўзи?

Ёзувчи Эркин Аъзамов асарда ўзини англашга интилаётган, ўз фожеасини англаб етаётган инсон тасвири орқали мавжуд тузумдаги қонунларнинг номуқамаллиги, инсоннинг қадрсизлиги, ёлғончи ғоялар қурбони бўлаётган кишиларнинг аянчли тақдири, бу эса, жамиятнинг таназзулининг асосий белгилари эканлигини кенг бадий йўсинда тасвирлай олган. Лекин, адабий танқид ўз даврида қиссанинг айни шу ижобий томонини тўлиқ кўришга ожизлик қилди, асарга муносабатда олдинги даврларда шаклланган мезонлардан кутула олмади. «Асарда бошқа бир камчилик бор, ёзувчи бош қаҳрамонни танҳо ҳолда тақдири, характери, руҳиятини жонли, батафсил тасвир ва таҳлил этади, ammo унинг бошқа персонажлар билан мулоқотлари, тўқнашувлари ифодасига келганда, изчилик ва теранликка риоя қилмайди, энг керакли, тигиз, характерлар бисоти тўла намоеън бўладиган тўқнашув, олишув дамларда тасвир қисмига етмай қолади. Бу ҳол характерлар мантигага, қолаверса, асарнинг поэтик муқамаллигига матълум даражада путур етказди». (Умарали Норматов. Қалб инқилоби. Тошкент, 1986. 157-бет.) Тўғри, қиссада юқоридаги каби айрим камчиликлар бўлиши табиий, бу бевосита ёш ижодкорнинг тажрибаси, ижодий имконияти билан белгиланиши зарур. Лекин, бизнингча, бу ўринда қисса проблемасининг ўзига хослигини, муаллифнинг ғоявий-эстетик ниятини назарда тутиш лозим. Асарда бош қаҳрамоннинг ташқи ҳаракат динамикасини кўрсатиш, уни идеаллаштириш асосий ният эмаслиги аниқ. Шу сабабли қиссадан кескин олишув ва тўқнашувлар тасвирини қидириш асоссиздир. Чунки, қиссада ўша даврдаги фаолиятсиз кишилар характери, уларнинг маънавий инқирози ва бу ҳолатларни юзага келтирган ижтимоий воқелик очиб берилган. Шуларни эътиборга олсак, 80 йилларда бадий тафаккур адабий-танқидий тафаккурдан ўзиб кетганини, танқид ёшлар ижодидаги янгиликларни мавжуд ижтимоий воқелик контекстида очиб беришга ожизлик қилиб қолганини кўришимиз мумкин. Нега деганда, бу даврга келиб ижтимоий ҳаёт тарзи кескин ўзгаришлар касб эта бошлаган, адабиёт ҳам ана шу ҳаётга анчагина яқинлашган, ўша жамиятдаги қаҳрамонларни худди ўзларидек тасвирлаётган эди. Қисса муаллифининг асл мақсади ижтимоий воқеликдаги фаол, курашчан кишилар характери яратиш эмас, балки олдинги даврлар қаҳрамониغا ўхшамаган кишилар руҳиятини тасвирлаш орқали мавжуд тузум ва жамиятдаги муаммоларга ўзига хос жавоб қидириш, қаҳрамон воситасида «биқиқ ҳаёт» тарзини ифодалашдир.

Шуниси эътиборлики, ўз вақтида адабий танқидчиликнинг янги авлодига мансуб Абдулла Улуғов қисса ҳақида бошқачароқ фикр юритган: «Узидан, яшаш тарзидан норозилик оқибати шундай камсуқум, беозор, ҳалол одамни ўзгартиради. У ўзига қарши ўзи исён қилади. Ана шу ўзгаришнинг илдизини очиш қиссанинг моҳиятини ташкил этади» (Абдулла Улуғов. Қиссачилигимиз қирралари. Тошкент. Уқитувчи, 1991. 30-32 бетлар.) Абдулла Улуғов қисса ҳақида фикрлар экан, олдинги адабиётшунослардан фарқли равишда, муаллиф мақсадини теранроқ англашга, қисса таҳлиliga объектив ёндашишга ҳаракат қилади. Ёш мунаққид ёзувчининг бадий мақсадини ҳис этган ҳолда, ўзининг умумий хулосаларини ифодалайди: «Ҳар бир киши ҳаётда катта мақсадлар билан яшаш, бугундан эртаси мазмунлироқ бўлиши учун интилиши керак, деган ғоя сингдирилган дейиш мумкин. Бу эса қиссанинг ижтимоий кўламдорлиги, маънавий-ахлоқий жиҳатдан салмоқдор эканлигидан дарак беради». (Уша манба. 30-32 бетлар) Бир қарашда, Абдулла Улуғов қиссанинг ижтимоий мазмунини, умуман, тўғри белгилангандек кўринади. Бироқ, унинг куйироқда билдирган фикрлари бу тасаввур янглиш эканини кўрсатади: «80 йилларнинг энг яхши асарлари сирасига кирувчи «Жавоб», «Ёзнинг ёлғиз ёдгори» қиссаларида ижтимоий фаолиятсизлик, тўғрироғи, курашчанликнинг сустиги инсон ҳаётини бир қадар рангсиз, нурсиз қилиб қўяди, деган ғоя очиб берилган. Ижтимоий активлик, ҳаётда катта мақсадлар билан яшаш, эл-юрт манфаати учун сидқидилдан меҳнат қилиш инсонни қандай шарафларга меъясар қилиши, қандай моддий-маънавий юксакликка кўтариши эса «Мерос»да ҳаётий воқеаларнинг реалистик тасвири орқали кўрсатилади. Демак, бу қиссалар моҳияти жиҳатидан бир-бирига яқин. Чунки уларда ҳаёт ҳодисаларига турли хил ёндашилса-да, бир ҳақиқат тасдиқ этилади». (Уша манба. 30-32 бетлар.)

Кўриниб турибдики, бир қисса ҳақида икки авлодга мансуб мунаққидлар билдирган фикрлар сезиларли фарқ қилиши билан бирга, қатор муштарак томонларга ҳам эга. Аввало, Умарали Норматов «ёзувчи бош қаҳрамонни танҳо ҳолда тақдири, характери, руҳиятини жонли, батафсил тасвир ва таҳлил этишини» эътироф этса, Абдулла Улуғов «ўзидан, яшаш тарзидан норозилик оқибати шундай камсуқум, беозор, ҳалол одамни ўзгартирган»ини айтади. Яна бир муҳим жиҳати шуки, иккала мунаққид ҳам буни ижобий баҳолайди. Бироқ Умарали Норматов қаҳрамоннинг «фаолиятсизлиги»ни ёқламаса, Абдулла Улуғов айни шу ҳолатни «Мерос» қиссасига қисслаб, бошқа йўл билан айни шу мазмун акс этган, деб билади. Ҳолбуки, муаллиф мақсади, асар мазмун-моҳияти

бундан кенгрок, Ёзувчи Элчиевни худди шундай турмуш кечиришга мажбур этган омилларни ва уларнинг жамиятга таъсирини бадиий тадқиқ этиш орқали ёритиб беради.

Оқоридагилардан аён бўлдики, 80 йиллар ёшлар қиссачилигига, хусусан, Эркин Аъзамовнинг «Жавоб» қиссасига ўзгача мавқедан ёндашиш тақозо этилади. Маълумки, ҳар қандай ёзувчи асар учун ҳаётдан олган материални ўзининг ифодаламоқчи бўлган бадиий концепциясидан келиб чиққан ҳолда, ўша материални онги ва қалбидан ўтказиб, ифодаламоқчи бўлинган мазмунга энг мувофиқ бадиий шаклга солади. У қиссада давр зиёлисининг фожеаси, уни инерт инсонга айлантирган ижтимоий омилларга анча теран ва ҳаққоний назар солган эди. Афсуски, адабий танқид ўз ватқида қиссанинг гоёвий-бадиий моҳиятини тўғри илғаш ва очиб беришга ожизлик қилди. Хўш, нима учун шундай бўлди?

Маълумки, реалистик адабиёт мавжуд ижтимоий воқеликни бадиий идрок этиш ва у ҳақдаги яхлит бадиий ҳукм-хулосани ифодалашни ўзининг асосий вазифаларидан деб билади. Шундай экан, реалистик танқид арсеналида социологик таҳлил элементлари устуворлик қилиши табиий. Реалистик танқиднинг дарғаларидан бўлиши Н.А.Добролюбовнинг «ўз талантини япроқ ва оқар суларни гўзал тасвир қилишга сарф этган шоирга ўшанчалик талант билан ижтимоий турмуш ҳодисаларини тасвир эта оладиган бир шоирни тенглаштиришга асло рози бўлмаймиз», дегани шунинг мухтасар ифодасидир. Юқорида эслатилган муаллифлар ҳам бунни жуда яхши билганлар, уларнинг талқинларида социологик метод етакчилик қилгани ҳам сир эмас. Фақат шуниси борки, улар асарни ўзи яратилган давр контекстида эмас, жамият босиб ўтиб бўлган давр (60-70 йиллар) контекстида шаклланган қарашлар асосида талқин этадилар. Ҳолбуки, танқид ўз вазифасини тўғри амалга оширганида, шубҳасиз, нафақат бадиий тафаккур, балки ижтимоий тафаккур ривожига ҳам жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлур эди.

Собиқ иттифоқ давридаги адабиётнинг вазифаси 80 йилларга келиб сезиларли даражада ўзгаришлар касб этган, бу эса «Жавоб» каби асарларда ўз аксини топган эди. Авваллари «доҳий партия»нинг асосий тарғиботчиси бўлган адабиёт бу даврга келиб ўзининг ҳақиқий мавқеини эгаллай бошлади. Қисса ҳақида фикр билдирган адабиётшунос Йўлдош Солижонов ҳам аввалги мунаққидлар анъанасини давом эттириб, Нуриддин Элчиев характерининг шаклланиш жараёнларини, унинг таназзули билан боғлиқ сабаб-оқибатларни теран мушоҳада этади. лекин муносабат сўнггида, умуман, олдинги фикрларидан узоклашади: «Ҳа, ҳақиқатан ҳам, у «Узи дунёга келтирган, ўзи ўстирган, ўзи тарбиялаган, бугунга келиб эса, уларни тушунмайди, ҳеч нарсани тушунмайди, билмайди»-ган одамга айлиниб қолади. Ёшлар дунёсининг ўзига хослиги, кексалар уларни тушунишга ҳаракат қилиши, улар билан ҳисоблаши зарурлиги асарда маҳорат билан тасвирланган» (Йўлдош Солижонов. Тушунишнинг ўзи бахт. Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2004, 26 январ.) Албатта, Элчиев характерини очишда унинг фарзандлари билан бўлган муносабатлар, қолаверса, бошқа персонажларнинг ҳам аҳамияти катта. Бироқ, гап кексаларнинг ёшларни тушуниши ва улар билан ҳисоблашидагина эмас, гап инсоннинг ўзини-ўзи тушунишида, ўзлигини, ўзининг дунёдаги ўрнини англаб етишида.

Агар адабий танқид чинакам социологик таҳлил йўлидан борганда эди, асар ва унинг қаҳрамонига бўлган муносабатлар ҳам ҳаққоний бўларди. Бир қарашда, танқид социологик таҳлил йўлини танлади, лекин тайёр қолиплар асосида иш кўрди. Чунки, бу даврда танқидий тафаккур йиллар давомида шаклланган схематизм таъсиридан тўла қутулмаган эди. Йўлдош Солижонов ҳам аввалги мунаққидларнинг муносабатларига ҳамоханг тарзда фикрлайди ва улар белгилаган «ҳукм» доирасидан чиқиб кета олмайди. Айрим ўринларда зиддиятли ҳолатлар кузатилади: «У ўзини «бу улкан давоҳда оддий бир ходим, кичкина одам», деб билади. Ёзувчи шу «кичкина одам»нинг турмушидаги катта муаммоларга алоқадорлигини тасвирлайди.

Аслида Нуриддин ўртача одам. Ишхонасида, ҳатто оиласида ҳам бор-йўқлиги билинмайдиган одам». (Йўлдош Солижонов. Тушунишнинг ўзи бахт. Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2004, 26 январ.) Қарангки, мунаққид бир ўринда Элчиевни «кичкина одам»-лигини таъкидласа, муносабат давомида уни «ўртача одам» дея эътироф этади. Умуман, мақолада қаҳрамоннинг бадиий контекстдаги таҳлили бериледи-ю, асар ва қаҳрамоннинг реал воқелик учун аҳамияти, мавжуд ижтимоий муҳит билан муқоясадаги таҳлили бир томонда қолиб кетади. Бизнингча, қиссанинг баҳаларга сабаб бўлган энг муҳим хусусияти ҳам шу билан боғлиқ эди.

Маълумки, 80 йилларга келиб ижтимоий воқелик тубдан ўзгарди. Жамиятнинг теранроқ фикрловчи кишилари ҳаётга бошқачароқ қарай бошладилар. Ёзувчи ўша жамиятнинг фаол бир аъзоси сифатида Элчиев тимсолини ўз идеалидан келиб чиқиб яратган десак, хато бўлмайди. Қиссани ўқиш давомида унда романизация жараёнини кузатиш мумкин: қисса ҳамм жиҳатдан унча катта бўлмаса ҳам, унда ижтимоий-маънавий жиҳатдан кенг, кўламдор муаммолар қаламга олинган. Чунки: «Собиқ шўролар тузумининг кишилар руҳиятида, маънавиятида қолдирган асоратларидан имкон қадар тезроқ ҳалос бўлмоқлик бугунги кунда ижтимоий-маънавий ҳаётимизда муҳим масалалардан бирига айланди. Зотан, инсон ҳақ-ҳуқуқларининг поймол этилиши, ижтимоий адолатга бўлган ишончнинг йўқолиши тўғрисида содир бўлаётган воқеаларга бефарқлик, ҳар қандай ҳақсизликка норозилик билдирмай, эҳтиёткорона умр кечириш мустабид тузумнинг аксарият фуқароларига хос турмуш тарзига айланган эдики, ўз даврида бу иллатга муносабатини билдирган ёзувчи Эркин Аъзамов «Жавоб» номли қиссасида

ана шундай кишиларнинг ўзига хос талқинини яратди». (М.Шералиева. Кичкина одамнинг овози. «Гулистон» журнали. 2002, 1-сон.)

М.Шералиева қисса юзасидан фикрларини хулосалар экан, энди Элчиев уз тақдирини ўзгалар қўлига кўр-кўрона топшириб қўйган «кичкина одам» эмаслигини, ўз оиласи ҳамда жамият олдидagi бурч ва масъулиятини теран англаган инсонга айланиб бораётганини таъкидлайди. Ёш тадқиқотчи асар таҳлилида реал ижтимоий шароитдан келиб чиқиб, социологик таҳлил йўлидан боради. Қаҳрамон характерини очишда асардаги воқелик билан реал ҳаётий воқеликнинг алоқадорлигини чуқур идрок қилган ҳолда, фикр юритади. Бу билан қиссанинг маъно-моҳиятини, ёзувчининг бадий мақсадини чуқурроқ англашга ҳаракат қилади.

Қисса муаллифи кишилардаги маънавий ўзгариш, юксалишни хоҳлайди, жамият таназули билан боғлиқ муаммоларга ечим топишга интилади, бу муаммолар гирдобиди изтироб чекади. Нуриддин Элчиевнинг дарди ўша даврдаги жамиятнинг дарди эканлигини қиссада маҳорат билан тасвирлайди. Адиб қисса сўнггида Элчиев иқдорларига муносабат билдирган ҳолда, бу фожий жараёни ўша даврдаги зиёли шахслар учун бир ибрат бўлмоғини даъватомуз оҳангда таъкидлагандек бўлади: «Ҳа, мудраб яшаган, мудраб!.. Лекин одам боласи борки, мавриди келиб бир кун муқаррар кечаги кунини, бугунию эртасини бир сидра тарозига солиб кўради, шундан муносиб хулосалар чиқаради. Ахир, одам кун санамоқ учун келадими бу дунёга? Эссиз умр! Бундай ғарибона гимирсиб кун кечиргандан кечирмаган афзал!». (Эркин Аъзамов. Жавоб. Тошкент. 1986, 111-112 бетлар.)

Биз биргина қиссага билдирилган турли хил муносабатлар юзасидан фикр юритдик, холос. Аслида, 70 йиллар охири 80 йиллар адабиётидаги аксарият насрий асарларда «Жавоб» қиссасида қаламга олинган ижтимоий, маънавий-ахлоқий муаммолар тадқиқ этилган. Умуман, ҳар қандай бадий асар таҳлили жараёнида унда қайси давр, қандай мавзу — ҳаёт воқелиги тасвирланганидан қатъий назар, албатта, асар яратилган давр, ундаги кишилар руҳиятини эътиборга олган ҳолда, ҳаққоний талаблар асосида ёндашмоқ даркор. Шу маънода, 80 йиллар адабиётини теран таҳлил қилиш, унинг миллий, бадий (ва билвосита ижтимоий) тафаккур ривожиди туган ўрнини белгилаш адабиётшунослигимизнинг долзарб масаласидир.

Бегали Мўминов,  
аспирант







Аҳмаджон Мелибоев

## ЭРКИН ҚИЗИҚ НИМА ДЕЙДИ?

*Эътиборингизга ҳавола этилаётган бу ҳангомалар асло тўқима эмас. Бутун умрини ноширликда ўтказган, кувноқ ва зукко, кулги устаси Эркин Сиддиқов ҳақида айрим хотиралар, холос.*

### КЎПИК

Ёшлар нашриётида ишлаб юрган кезларимиз. Пешинга яқин — Маҳмуд мўйловнинг лағмонхонасига тушадиган пайт, нотаниш бир киши хонага важоҳат билан кириб келди-да, ҳе йўқ, бе йўқ, муаллифларнинг қўлэмаларини варақлаб ўтирган Эркин Сиддиқовга ўшқира кетди:

— Инсоф қолмабди ўзи сенларда. Беш панжангни оғзинга тиқиб олгансанлар. Индамаса туяни ютворасанлар. Мен билан ҳазиллашма, устингдан ёзаман, мана бу жингалак сочингни битталаб юламан, билдингми? Сенларда бор бола-чақа бизда йўқми? Қани, шикоят дафтарингни ол-чи, магазин деса, саккиз чақирим наридан ўтадиган қилиб ташламасам...

Эркин ака гап нимадалигини тушунмай мўлтираб ўтираверди. Ҳар замонда ойнадан ташқарига қараб қўяди, чуқур эснайди, ёнидан рўмолчасини олиб, кўзойнагини эринмай артади. Қоғозга алланималарни ёзгандай бўлади. Бу ҳам етмаганидек, чўнтагидаги мижиғланиб кетган уч-тўрт сўм пулини қўлига олиб, қайта-қайта санайди. Яна жойига солиб қўяди ва кафти билан сонига шапатилайди.

Унинг бу ҳаракатлари шикоятчини баттар жунбушга келтирди, айтмагани-демагани қолмади, охири ўшқира-ўшқира ҳолдан тойиб креслога ўтириб қолди. Бу ҳангоманинг нима билан тугашини била олмай, биз — Абдуворис ака, мен, Муборакхонлар индамай турибмиз. Чунки, шовқин солаётган одамнинг кимлиги-

ни, Эркин аканинг айби нимада эканлигини билмасдик-да. Охири нотаниш кишининг тоқати-тоқ бўлдию портлади:

— Ҳой, қанақа одамсан ўзи, бир нима демайсанми? Ё гунгмисан?

Эркин ака худди шуни кутиб тургандай, пиёлага чой қуйиб, нотаниш «мехмон»га узатди. Тортмасидан тахи бузилмаган янги рўмолча олиб, уни ҳам шикоятчига тутди ва ҳазин овозда деди:

— Ака, юзингизни артиб олинг, оғзингиздан кўпик сачраб кетди...

Маълум бўлишича, биринчи қаватдаги озиқ-овқат магазинида ўша куни апелсин сотишган экан. Навбатга турганлардан беш-олти кишига етмай қолибди. Кимдир «Завмаг учинчи қаватда ўтиради, сочи жингалак, кўзида кўзойнак, озроқ пўписа қилсангиз, складдан олиб чиқиб беради», деб Эркин акани тўғрилаб қўйган экан...

## ОШ ҚАНИ?

Эркин ака билан эрталабки ошга борувдик. Қаршимизга ёш, бақувват йигитчалар келиб ўтиришди. Ош тортилиб, энди бир-икки ошамдан олувдик ҳамки, Эркин ака худди бир нимасини тушириб юборгандай, столнинг устини, тагини, ён-атрофларини қидириб қолди. Нима экан деб, мен ҳам қидиришга тушдим. Эркин ака лаганларни кўтариб кўрди, ўриндиқлар устига солинган кўрпачаларнинг остини қарай бошлаган эди, йўқолган номаълум нарсани қидиришга столда ўтирган жами ошхўрлар, тинчликми, дея югуриб келган ош тортувчи ҳам қўшилди. Ҳамма ҳайрон, бунақа пайтда хаёлга нималар келмайди, дейсиз. Охири: «Эркин ака, нима йўқолди, ўзи?» дея аста сўрадим.

— Шу ерда ҳозиргина бир лаган ош турувди-я, — деди Эркин ака ёш йигитчаларнинг олдида турган бўш лаганга ишора қилиб. Биз гўштни тўғрагунча азаматлар паққос тушириб қўйишган экан.

Ҳамма гурр этиб кулиб юборди. Ош тортувчининг ишораси билан бўш лаган дарҳол алмаштирилди. Баҳонада бизга ҳам «қўшимча» келди...

## АҚЛЛИ ЧҮТКА

Нашриёт ишларига доир катта бир йиғинга Эркин ака иккаламиз таклиф этилган эдик. Бино ичкарасига кираверишда пойафзал тозалайдиган электр чўтка бор экан, туфлиларимизни эринмай ярақлатиб олдик. Мен ҳазиллашиб:

— Эркин ака, хорижга борсангиз, бундан зўрларини кўрасиз. Оёғингизни тутиб турсангиз, бас, аввалига ярақлатиб тозалайди, кейин йиртилган жойларини ямайди, пошнаси ейилган бўлса, нағал ҳам қоқиб қўяди, дедим.

— Э, шуни ҳам мақтаб ўтирибсизми, — деди Эркин ака пинагини бузмай. Хориждан олиб келиб, уйга ўрнатиб қўйганимни кўрмаган экансиз-да. Оёғингизни тутиб турсангиз, сиз айтгандай, аввалига тозалайди, ямоқ солади, тагига мих қоқади. Ана ундан кейин пайпоғингизни аста ечиб, оёққа ўтади. Унча-мунча қийшайган, бужмайган жойларини тухумдай қилиб силлиқлайди, ёрилган жойларига малҳам қўяди. Индамасанг, тирноғингни бўяб, одамни хижолат ҳам қилади.

— Э, қойил-е, — дедим кулиб.

— Бу ҳали ҳаммаси эмас, — деди Эркин ака. — Ким ўйлаб топган бўлса ҳам қойил, шошилмаган киши шимини дазмоллатиб олиши мумкин...

— Буниси энди сал ошиб кетди...

— Нимаси ошиб кетади. Мана, кўриб турибсиз-ку, шу шимни кеча эрталаб дазмоллатиб олдим. Чўнтагида ҳеч вақо йўқ эди, кийсам, барака топгур, уч-тўрт сўм пул солиб қўйибди...

## ЕНГ УЗУН, ҚҶЛ КАЛТА

Эркин ака магазиндан костюм-шим сотиб олмоқчи бўлиб, эр-хотин иккалалари марказий универмагга келишибди. Беш-олтитасини кийиб кўришибди, аммо ҳаммасининг енги узун келибди. Ҳафсалалари пир бўлиб, ташқарига чиқишган экан, турмуш ўртоқлари:

— Дадаси, қўлингиз сал калтароқми, дейман-да, ҳаммага тўғри келган, сизга нимага тўғри келмайди, — деб қолибди.

— Ҳа, шунақа, — дебди Эркин ака қувлик билан, — қўлим калталигидан ҳам сизга уйланганманда, жоним...

## ТЎҒРИ ЙЎЛ

Эркин ака қишлоғимизга биринчи марта боришларидаёқ, ичакузди ҳангомалари билан кўпчиликни ўзига ром қилган эди. Кейин-кейин ҳазилкаш ошна-оғайнилари тўй-гомшалари Эркин акасиз ўтмайдиган бўлиб қолди. «Тўйга Эркин ака келармиш», дейилса, бас, тўйхона, кўноқхоналарга улфатлар, ҳангоматалаблар сиғмай кетади. Утган сафар бизни роса боплаганди, бу гал бир ўхшатайлик, деб ҳазил-мутойибага астойдил тайёргарлик кўришади.

Бир гал Эркин ака ёлғиз ўзи йўлга чиқиб, қишлоғимизга яқин қолганида йўлдан адашиб қолибди. Машинадан тушиб, сув кўтариб кетаётган бир келинчақдан ҳазилнамо қилиб йўлни сўраган экан, келинчақ менга тегажоглик қиляпти, деб ўйлаганми, мана бундоқ жавоб қилибди:

— Мана шу тўғри йўлдан уёқ-буёққа алангламай тўғрига қараб бораверсангиз, тўғрига кетган йўл келади. Уша йўлдан тўғрига қараб юрсангиз, тўппа-тўғри Сафед Билолга борасиз.

## МАҒЛУБНИНГ ЎЧИ

Эркин ака Сафед Билолга тунда етиб келибди. Тўйхона қайси томонда экан-а, деб ўйланиб турсалар, бир йигит: «Ака, омон-эсон келдингизми, бола-чақалар соғ-омонмилар, эрталабдан бери йўл қараймиз. Тўйхона сал четроқда, яна адашиб қолманг, дея кутиб турибман-да», деб астойдил сўрашибди. Эркин ака аввалги тўйда шу йигитни аскияда роса тузлаган экан, бу гал ўчимни олмасам бўлмайти деб, астойдил тайёрланиб юрган экан у.

— Тўйдан кеч қолмадимми? — деб сўрабди Эркин ака.

— Айни пайтида келдингиз-да, — дебди мағлуб йигит, — тушунтирсам ўзингиз топиб борасизми ё бирга-бирга борамизми?

— Бирга борақолайлик.

Йигит асли бир иш билан туман марказига кетаётган экан. Сир бой бермай, ҳўб деб машинага ўтирибдию орқага қайтамиз, дебди. Орқага қайтиб ярим соатча йўл юришибди. Оқтом қишлоғига кираверишда: «Шу ерда тўхтаимиз», деб машинанан тушибди-да Эркин акага қараб:

— Ака, худо хоҳласа буёғи оз қолди, ҳозир орқага қайтасиз, тўппа-тўғри ярим соат олдин учрашган жойимизга борасиз, машинани сал четроққа оласиз. Тошкентдан олиб келган тўёнанигизни кўлтиқлаб ўнг томонга йигирма қадам юрсангиз, тўппа-тўғри тўйхонага кириб борасиз, — дебдию ўзи жуфтақни ростлаб қолибди.

## ТАЙЁРГАРЛИК

Эркин аканикида тунаб қолган бир меҳмон ҳеч кимга гап бермай улфатларнинг ғашига тегибди. Чой ундоқ, овқат мундоқ, дея кўринган нарсадан қийиқ топаверибди. Кечқурун диванга ўрин солишса ёқмабди, пастга кўрпа тўшашса, пол мунча ғичирлайди, дея баттар хуноб қилибди. Бу ҳам майли-я, ароқнинг ярмисини сифатсизга чиқарибди.

Эркин ака ҳаммасига чидабди, аммо ароққа келганда пешонаси тиришиб кетибди. Хаёлига меҳмонни озроқ тарбия қилиш керакка ўхшайди, деган фикр келиб, аввалдан машҳур «Меҳмон қочди» операциясига киришибди. Эшитмаган бўлсангиз, айтиб кўяй — Эркин ака ўзи ихтиро қилган ва инжиқ кўноқларга бир неча бор қўллаб, синовдан муваффақиятли ўтказган бу операциянинг маъноси шу — меҳмон ароққа тўйиб, фарқ пишганида уйдан оппоқ, ҳали ишлатилмаган чойшаб олиб чиқиб, яхшилаб ўрин солинади. Орадан бирор соатлар ўтгач, бир маромда хуррак отаётган меҳмон, ҳар эҳтимолга қарши бир-икки туртиб кўрилади. Қотиб ухлаётганига ишонч ҳосил қилингач, бир чойнак илиқ-милиқ фамил чой чойшабга жилжиратиб қўйилади. Эрталаб қарасангиз, аҳвол чатоқ, чойшаблагига доғ ҳар нимага ўхшайди...

Бу операциянинг айрим тафсилотларини Эркин аканинг ўзи латифадай қилиб, кўноқхонадагиларга гапириб берди. Кечқурун ётиш олдида мундоқ фаҳмласам, меҳмоннинг қалтис ҳазилларидан зада бўлган бир-иккита мезбон йигитлар кечаси чой билан кўрпани ҳўллаб қўйишга, шу билан Эркин акани мот қилишга тайёргарлик кўришяпти. Оббо, ишқилиб, хижолатга мен қолмасайдим, дея ташвишланиб турган эдим, Эркин ака гап нимадалигини фаҳмлаб, қулоғимга аста шивирлади:

— Парво қилманг, тўйга тайёргарлигимни кўриб келганман. — Эркин ака шун-

дай деб қўйинларидан нақд супрадай келадиган клеёнка чиқариб чойшаб устига ёзган эди, гурр этиб кулги кўтарилдию қўноқхона деворлари оша бутун маҳалла-га таралди...

### ҲИСОБМАС...

Биз томонларда тўй улоқчопди, яъни, кўпкарисиз ўтмайди.

Унгорнинг чор-атрофларидан келган чавандозлар тўйхона атрофидаги қўноқхоналарда меҳмон бўлишади. Худди балиқчилардай, кўрган-кечирганларига кўшиб-чатиб, бир-бирларига навбат бермай тонггача отларини мақташади, битта семиз қўйни калла-почасигача пок-покиза туширишади. Эртасига эрталаб Мўнчоқтепа ортидаги сайхонликда улоқчопти бошланади. Бу томошани кўрмабсиз — дунёга келмабсиз. Кечаги улфатлар бошларига қулоқчин кийиб, ашаддий рақибларга айланиб, «жангга» киришадилар. Отларнинг пишқириғи, асабий ҳайқириқлар, кайвониларнинг дўриллаган овозлари, ишқибозларнинг қий-чуви бир-бирига қўшилиб, бетакрор бир манзара ҳосил қилади. Меҳмону мезбон, ёшгу қари, хотин-халаж, бола-чақагача қирнинг кунгай томонига тизилишади. Совринлар келтирилгач, тўйбошининг фотиҳаси билан паққа белгиланиб, «улоқ», яъниким, сўйиб, ичи тозаланган, териси тикилган бузоқча ўртага ташланади. Ана буёғини кўринг энди, биров бировни танимайди, биров бировга йўл бермайди. Ур-ҳо ур, сур-ҳо сур. Қамчи зарбидан отлар асабий пишқириб, олдинги оёқларини кўтариб олдинга ташланади. Бўйни узун, бақувват отлар рақиб отларини четга суриб, тўда ичига ёриб қиради. Томошага берилиб кетиб, тўдага яқинлашиб қолганингизни билмай қоласиз. Қорнингиз чуриллаб турганига қарамай, томошадан кўз уза олмайсиз.

Удумга биноан тўйга келган ҳурматли меҳмонларга от миндирилади. Этарга ўрнашиб, тўпни бир айланиб чиқса, бас, ҳурмат маъносида соврин ҳам беришади.

Бир гал Эркин ака ҳам от миниб, зўр соврин олган. Яқин дўстларимиздан бирининг тўйида Эркин акани қўярда-қўймай битта қирчангига миндиришиб, қўлларига қамчин тутқазишди. Эркин ака тажрибасизлик қилиб отни қамчилаган эди, қирчанги «хўп» бўлиб, меҳмон от устидан қорга учиб тушди. «Ҳисобмас, ҳисобмас» дея бошқа от олиб келишди, Эркин ака от устида ўрнаб-ўрнамай, яна ерга қулади. Оломон қийқириб кулар, ҳамма бараварига: «Ҳисобмас, ҳисобмас...», дея бақаришар эди. Учинчи отни олиб келишаётганида, яна бир кори-хол юз бермасин дея аранг тўхтатиб қолдим. Эркин ака ранглари дув оқарган, кўзлари ола-кула, менга илтижо қилдилар:

— Яхши одат экан, аммо, меҳмон ўлса ҳисобми, дейман-да!?

### ИБН СИНО ҲИКМАТИ

Бир гал Эркин аканинг «Бирлик» даҳасидаги соя-салқин ҳовлиларида улфатларга катта зиёфат берилди. Тахтапуллик, тақачилик жўралари, ношир дўстлари, маҳалладошлари роса яйрашди. Иккита қозонда пешма-пеш пиширилаётган таомлар, бунга қўшимча буюртма норин, буюртма сомса, беш-олтита қазӣ паққос туширилди. Ичимлик деганингиз, Эркин аканинг таъбири билан айтганда, сувдек оқди. Охирида мезбоннинг ўзи дамлаган девзира палов катта сопол лаганларга сузилди. Яқунловчи сўз уйнинг эгасига берилди. Эркин ака ёнларидан тахи бузилмаган рўмолча олиб, одатларига кўра, эринмай кўзойнақларини тозаладилар. Сўнг улфатларига бирма-бир тикилиб, аста сўз бошладилар.

— Биродарларим, гап таомда эмас. Худога шукур, юртимиз тинч, ош-нон ҳамма жойда ҳам топилади, бу ёмон қорин ҳамма жойда ҳам тўяди. Мен сизларга анчадан бери бир гапни айтмоқчи булиб юраман, аммо, ҳеч мавриди келмайди, Мана бутун шу гапдан сизларни бохабар қилиб қўйиш имконияти туғилди...

Эркин акадан ҳеч қачон бундай вазмин, сирли гап эшитмаган жўралар деярли жим бўлиб қолишди. — Мана бу лаган, — деб гап бошлади Эркин ака тепаликдай қилиб ош сузилган сопол лаганлардан бирини кўрсатиб, — раҳматли бувимизга бувиларидан мерос қолган экан. Балки уларга ҳам ота-оналаридан қолгандир. Нима бўлганда ҳам, юз йилдан ошиқ вақтдан бери бизнинг сулолага хизмат қилади. Эҳ-ҳе, унга кимларнинг қўли тегмаган дейсиз. Бундай табаррук идишдан таом ейиш уёқда турсин, унга шунчаки қўл теккизиб қўйишнинг ўзи катта савоб. Мен сизларга айтмоқчи бўлган гап шуки, шу лаганнинг тагига улуғ бобомиз Абу Али ибн Синонинг табаррук бир ҳикматлари ёзиб қўйилган. Кимки лагандаги таомни охи-

ригача еса ва ихлос билан тозалаб қўйса, яъниким, исрофгарчиликка йўл қўйма-са, ана шу ҳикматга биринчи бўлиб кўзи тушади.

Бу гапдан кейин улфатлар, қоринлари аллақачон тўйган бўлса ҳам, алоҳида шиддат билан ошга ҳужум бошладилар. Савобдан қолмаслик учун нариги столда ўтирганлар ҳам дув келиб табаррук лаганга қўл чўзишди ва ҳаш-паш дегунча ялагандек қилиб тозалаб қўйишди. Ибн Синонинг «ҳикматли» сўзлари мана бун-доқ экан: «Таомни охиригача тановул қилиш шарт эмас. Бизда ҳам бола-чақа бор. Эркин Сиддиқ Олимбой ўғли».

Ушанда «Бирлик» даҳасида янграган қаҳқаҳа ҳамон қулоқларим остида жа-ранглаб туради.

## БУРНИМНИ АВАЙЛАЙМАН

Эркин ака, мен, Маҳмуджон деган дўстимиз учовлашиб бир жойга меҳмонга борувдик. Хонадон соҳиблари дастурхонни куюқ ёзиб бизни роса сийлашди. Ов-қатлар устма-уст келиб турибди. Бири-биридан ширин, аммо, Маҳмуджонга нима дард тегди — ҳаммасидан бир камчилик топавериб Эркин аканинг гашини келти-риб қўйди. Бир маҳал уй эгаларидан ижозат сўраб, турмоқчи эдик, улар ошни емай кетмайсизлар, деб қаттиқ туриб олишди. Ош бўлса кейин ермиз, дея узр айтиб, энди кўндирганимизда Маҳмуджон: «Яхши таом қолгунча ёмон қорин ёрилсин, еймиз», деса бўладими. Ноилож қайта дастурхонга ўтирдик. Ошнинг бироз ҳаяли бор экан, мусиқа эшитиб ўтиришга тўғри келди.

Бир пайт Маҳмуджон: «Уҳ, ошнинг таги олди», деб қолди. Уй эгалари чиқиб овқатни сузиб келишди. Таги дурустгина олган экан. Бир-икки ошамдан тановул қилдигу дастурхонга фотиҳа ўқидик. Ташқарига чиққанимизда Маҳмуджон қор-нини мағрур силаб, Эркин акага танбеҳ бергандай бўлди:

— Ош куйиб кетай деди, сезмадингиз-а, э, ўргилдим бурнингиздан.

— Сезувдим, — деди Эркин ака мулойимлик билан, — лекин, одатим шу-нақа, бировнинг уйида бўлар-бўлмасга бурнимни суқавермайман...

## ЭЧКИ ГҶШТИ

Бир гал Эркин ака билан «Чорсу» бозорига тушдик. Оладиганимиз икки кило гўшт. Бозор гавжум. Гум-гурсдай йигитлар: «Ёғ бор, гўшт бор, думба-жигар бор», дея бир зумда атро-фимизни ўраб олишди.

Эркин ака ҳеч нимага парво қилмай, кимнидир роса излади. Гўшт бозори-нинг бу бошидан у боши-га бир-икки бориб келдик. Охири бир четда қизғин савдо қилаётган семиз аёл-нинг олдига келиб, қуло-гига алланималарни ши-вирлади.

— Э, Эркин, тирикми-сан, тани — жонинг со-ғми, болаларинг тинчми? — дея аёл иккалалари эски қадрдонлардай хол-аҳвол сўрашиб кетишди. Эркин ака яна нимадир деган эди, аёл шарақлаб, бутун бозорга эшиттириб кулди.

— Сочингта оқ ораласа ҳам ақлинг кирмайди сен болани.

— Эсим кирган, — деди Эркин ака жиддий, — сен билан ади-бади айтиб ўти-ришга вақтим йўқ. Икки



кило дориликка керак, холос, мана бу оғайнимизга зарил бўлиб қолибди.

Аёл ишонқирамай, менга бошдан-оёқ разм солди. Гап нимадалигини билмасам-да, ўзимни ҳорғин кўрсатиб: «Опа, илтимос», дедим.

Аёл сал бўшашиди. Бунни кўриб Эркин ака зуғумга ўтди:

— Бўл тезроқ, бу ердан топилмаса Қўйлиққа борамиз.

Гўшт сотувчи шундан кейингина атрофга бир-икки ўғринча назар ташлаб Эркин акага шипшиди:

— Ҳўв Бахтиёрда бор, бориб секин қулоғига айт-санг, беради, аммо, бозорни бошингга кўтариб шанғиллама.

Бахтиёр деганлари новча, шопмўйлов йигит экан. Унинг олдига тасодифан бориб қолгандай бўлди.

— Келинг ака, ёғ бор, гўшт бор. Қўлда боқилган, пулингиз ўзингиз билан кетади.

Икки килолик сарпанжани кўра бошладик.

— Кўринг ака, эркак қўй, эрталаб сўйилган.

Эркин ака гўштни қўлига олиб, одатдагидай, кўзойнакни шошилмай тозалаб, унга узоқ тикилди. Худди умрида биринчи бор гўшт харид қилаётгандай, уёгини ағдариб кўради, буёгини ағдариб кўради. Бу ҳам майли, бир бўлагини қулоқларининг остига олиб келиб, қисирлата бошлади. Гўшт сотувчига қўшилиб, менинг ўзим ҳам ҳайрон бўлиб қолдим. Чунки, гўшт танлашнинг бундай усулини умримда кўрмаган эдим-да.

Эркин ака бошқа бир бўлакни олиб, уни ҳам бир неча бор қисирлатиб кўрди, «Ё тавба, ё тавба», деди-да Бахтиёрнинг қулоғига бир нима деб шивирлади. Худо ҳақи, мен «шап» деган овознигина эшитдим, холос. Қарасам, Бахтиёр ҳам, қўлимиздаги гўшт ҳам йўқ.

Эркин ака гўшт сотувчининг қулоғига: «Укажон, бу эчки гўшти-ку», деган экан...

### ТЕНГ ЕГАННИ...

Бир куни Эркин ака Бешқайрағочдан Тахтапулдаги эски ҳовлиларига бормоқчи бўлиб, ўғиллари билан кўчага чиқишибди. Аммо, ўчакишгандай, ҳадеганда такси тўхтайвермабди. Уша пайтларнинг баҳосида борадиган жойлари тахминан 80 – 100 сўмлик йўл экан. Эркин ака бетоқат бўлиб, охири қўлига учта бели синмаган юзталиқни елпигичдай қилиб ушлабди-да, ота-бола йўловчи машиналарга қўл кўтаришибди. Пул ўлсин, дарров биттаси келиб тўхтабди. Эркин ака юзталиқларни такси ҳайдовчисига намоийшқорона кўрсатиб:

— Ҳозир хотинбойнинг кўзини шамғалат қилиб уйдан ўмариб чиқдик. Уғлим қараб турди, мен шилдим. Илтимос, бизни Тахтапулга ташлаб қўйинг.

Учта яп-янги юзталиқ шундоққина бурнининг учиди турган ҳайдовчи индамай рози бўлибди. Эркин ака йўл-йўлакай қизиқ-қизиқ хангомалардан гапириб, шофёр йигитнинг бошини айлантириб ташлабди. Охири у:

— Ака, қаерда ишлайсиз? — деб сўрабди.

Худди шуни кутиб турган Эркин акага жон кириб, дарров жавоб қайтарибди:

— Э, сўраманг, бир расво касбни танлаган эканман, ёшим олтмишдан ошди ҳамки, бирим икки бўлмади. Ҳар куни бўлмаса ҳам, кунора хотиндан мана шунақа шилиб турамыз, бошқа иложи йўқ.

— Нима иш ўзи? — қизиқсиниб сўрабди ҳайдовчи.

— Айтишга ҳам уяламан, мақолчиман. Мақол йиғаман.

Бундай касбни умрида эшитмаган ҳайдовчи ростмана ҳайрон бўлибди.

— Ҳайрон бўладиган жойи йўқ, — дебди Эркин ака. — Мана, сиз ҳам, ҳойна-ҳой, беш-олтита мақол билсангиз керак?

— Ҳа, биламан, — дебди ҳайдовчи.

— Мана, масалан, «Тенг еганни тангри суюбди», деган мақолни эшитганмисиз? — астойдил сўрабди Эркин ака.

— Эшитганман.

— Маъносини биласизми?

— Ҳа энди, бир ўзингни ўйлама, бир нарса топсанг, бошқалар билан бўлишиб е, баҳам кўр, деганидир-да, — дебди ҳайдовчи йигит бўш келмай.

Эркин ака хурсанд бўлиб кетибди.

— Ҳа, баракалла, офарин сизга. Баъзи ноинсофлар шу оддий мақолга ҳам амал қилмайди, беш панжасини бараварига оғзига тикади...

Машина Тахтапулга етиб келибди. Эркин ака таксидан тушар экан, қўлидаги юзталиқларни тақсимлабди:

— Тенг егани тангри суюбди, биродар. Мен унақа очкўз, ўзим бўлай, дейдиган ярамаслардан эмасман. Бугун уч юз сўм топдимми, бошқалар билан, албатта бўлишаман. Мана бу юзталиқ сизга, мана буниси қоровуллик қилиб турган ўғилчамизга, қолган биттаси эса менга.

Анграйиб қолган ҳайдовчи: «Ҳа, ҳа...» дейишдан нарига ўтолмабди...

### СИЗНИ ВА...

Эркин аканинг қув-қитмир, харажат деса қирқ жойига учуқ тошадиган оғайнилари бор, лақаби Қаттиқхўжа. Асли исми нималигини билмайман, аммо улфатлари таққан бу лақаб ўзига ҳам маъқул шекилли, айтсангиз жаҳли чиқмайди. Тўй-ҳашамларда ажабтовур шумликлар қилиб, ҳаммани кулдириб юради. Адашса — фойдасига адашади, бир нима унадиган жойни зимистонда кўзини юмиб топади.

Эркин ака «дом»ни ҳовлига алмаштириб, Бешқайрағочга кўчиб келганларида ўзича етти маҳаллага ҳат бериб, ҳаммани «ҳовли тўйи»га таклиф қилган ҳам — шу Қаттиқхўжа бўлади. Ўшанда Эркин ака бир қўй, ёшроқ новвос сўйиб, гўшти аранг учма-уч қилган эди.

Баногоҳ, шу оғайнилари ўғил уйлайдиган бўлиб, маслаҳат қилгани Эркин аканинг ишхоналарига келиб қолади.

— Қанча гуруч дамламоқчисиз, — сўрайди Эркин ака қитмирга жавоб қайтариш пайти келганидан хурсанд бўлиб.

— Келинингиз билан маслаҳатлашиб, шу 30—40 кило етар, деб турибмиз, — дейди Қаттиқхўжа.

— Ие-ие, нималар деяпсиз, — эътироз билдиради Эркин ака, — чор атрофга номингиз кетган одамсиз. Буёғи Ачавот, буёғи Дўмбиробод, Чилонзору Қўйлиқда номингиз машҳур бўлса, қирқ кило урвоқ ҳам бўлмайди. Кимсан ўзимизнинг Қаттиқхўжа акамиз тўй бошлабдилар, хизматда бўлайлик, дея одамлар гуррас-гуррас келади, юз кило ҳам етмайди.

— Одамнинг ўтакасини ёрманг-да, — дейди Қаттиқхўжа гапни ҳазилга буриб, — олдингизга келганим, босмахонага алоқангиз бор, ошга таклифнома керак бўлар экан, бир-икки қатор шеъри билан тайёрлатиб берсангиз дегандим. Бизда ҳам қолиб кетмас.

— Шу холосми, — дейди Эркин ака енгил тин олиб, — худо хоҳласа икки кундан кейин тайёр бўлади. Пулидан ташвиш тортманг, биздан тўёна. Мана, намуналари ҳам бор. Келин-куёвнинг исмини ўзгартирсак, тўйхона манзилени ёзсак, тагига Қаттиқхўжа, деб номингизни чиройли ҳарфларда териб қўйсак бўлди-да.

Қаттиқхўжа намуна таклифномаларни бирин-кетин ўқий бошлайди: «Сизни ва оила аъзоларингизни...» «Ҳаммасида шундай.

— Эркинжон, шу дейман «...оила аъзоларингизни» дегани ортиқчага ўхшайди, шу жойини олиб ташлаб, ўрнига бошқа сўз ёзса бўлмайдими? — дейди.

— Бўлади, — дейди Эркин ака, — «оила аъзоларингизни» деган жойини бироз таҳрир қиламиз.

Тўй куни Қаттиқхўжа мундоқ қараса, одамлар маҳалла-маҳалла, «дом-дом» бўлиб, гуррас-гуррас ошга келишяпти. Ҳа-ҳу демай қозоннинг таги кўринибди. Ичидан зил кетган Қаттиқхўжа ёнида турган оғайнисига:

— Одамларга бир бало бўлганми, бутун маҳалла худди ош кўрмагандай ёпирилиб келишяпти-ку, — деса, у қулиб:

— Таклифномада шундоқ деб ёзилган-да, — дер эмиш.

Қаттиқхўжа шоша-пиша таклифномани олиб ўқиб кўрса, Эркин ака «Сизни ва оила аъзоларингизни» деган жойини «Сизни ва маҳаллангиз жамоасини...» деб таҳрир қилган экан.

Шум улфатлар қўшни ҳовлида ҳар эҳтимолга қарши ўттиз кило ош дамлатиб қўйишмаганда борми...

### ОҚИДАНМИ, ҚИЗИЛИДАНМИ?..

Қаттиқхўжа бир куни Эркин аканинг уйига меҳмонга чиқибди. Дастурхон ёзилиб, бир пиёладан чой ичилгач, Эркин ака овозини сал пастлатиб, меҳмондан сўрабди:

— Қўшни, озиб-ёзиб бир чиқибсиз, бироз отамлашиб ўтирамизда-а? Сиз оқидан оласизми ё қизили бўлсинми?

— Ие, ие, ҳали оламиз ҳамми? — хурсанд бўлиб кетибди Қаттиқхўжа.

— Ҳа энди, меҳмон — отадай улуғ, деган гап бор. Ишқилиб бирор ёққа шошиб турмаган бўлсангиз бўлди. Бир гал оқидан, бир гал қизилидан, дегандай меҳмон баҳона ўзим ҳам бир яйрайин дегандим-да.

— Отангизга минг раҳмат, — жўшиб кетибди Қаттиқхўжа, — худди ичимдагини топдингизда, шошиб қаёққа ҳам борардим, майли айтганингизча бўла қолсин, оқидан олиб, қизилини сабил қолдирмайлик.

— Лекин, — дебди Эркин ака қувлик билан, — энди бошлаганимизда: «Бўлди, бўлди, менга, бас», деб одамни хуноб қилмайсизми?

— Йўқ, йўқ, охиригача олишаман.

— Шу гапингиз гапми?

— Йигит кишининг гапи битта бўлади, қўшнижон!

— Мана бу гапингизга қойил, — дебди Эркин ака ва ичкарига қараб буюрибди:

— Ҳой, ҳалиги анови мен айтган нарсаларни олиб келинглар. Томоқлар қуруқшаб кетди-ку.

Орадан бироз ўтгач, эшик очилиб остонада Эркин аканинг кенжа ўғиллари Тоҳиржон кўринибди. Бир қўлида ярим палла тарвуз, иккинчи қўлида бир коса қовун.

Эркин ака меҳмонга юзланибди:

— Қани биродар, марҳамат қилгайсиз, бир гал оқидан, бир гал қизилидан...

## ШОГИРД

Бир даврада Эркин ака, мен, яна уч-тўрт киши яйрашиб ўтирган эдик. Бир пайт қаёқдандир бир йигит пайдо бўлдию «Э, бормисиз устоз, сизни ҳам кўрадиган кун бор экан-а», деб Эркин акани астойдил бағрига босиб кўриша кетди. Меҳмонни сўрига таклиф қилдик. Ош сузилди.

Меҳмон дастлаб соқийликни қўлга олди. Пиёлаларга тўлдириб-тўлдириб қуяиб, тантанавор оҳангда деди:

— Муҳтарам жамоа! Мана мен, оддий бир ялангоёқ, кўча чангитиб юрган калтажун бир пўстак, ким эдим у ким бўлдим? Мана шу устозим туфайли одам бўлдим, йўлимни топдим. Чўнтагимга пул, кулбамга хотин тушди. Худога шукур, бировдан кам эмасман, тўртта улфатга бир чўқим ош қилиб бериш қўлимдан келади. Устозим сўй десалар, оёқларининг тагига қора кўчқор сўяман. Қани, шу улуғ устоз учун олайлик.

Олдик. Шогирд иккинчи қадаҳдан кейин янада очилди:

— Мен ким, бир пандавақи, текканга тегиб, тегмаганга кесак отиб юрган бир шилқим-хархаша, азонлаб кўчага кўндаланг турмасам, кўнглим жойига тушмасди. Мана шу улуғ устоз менга йўл кўрсатдилар, оғзимга туфлаб дуо қилдилар. Кам бўлмадим. Яшанг устоз, умрингиздан барака топинг, келинг, бағримга бир бо-сай...

Тўртинчи қадаҳдан кейин шогирд айнаиди. Оғзидан боди кириб, шоди чиқа бошлади. Ҳали яримламаган ошни гупчакдай-гупчакдай қилиб ҳаммамизга зўрлаб ошатаётган эди, мен аста Эркин акага шипшидим:

— Зўр шогирдингиз бор экан, одамнинг ҳаваси келади-я. Шу дейман, оғзига дурустроқ туфламагансиз шекилли.

— Э, қаёқда, — деди Эркин ака худди шу саволимни кутиб тургандай, — аслида башарасига туфлаган эдим, озроқ оғзига ҳам сачраган шекилли-да.

## ЎЗИМНИКИ ҚАЧОН ЧИҚАДИ?

Бир куни Эркин ака анча кеч бўлишига қарамай, уйга телефон қилди. Саломалиқдан сўнг:

— Минг бор узр, йўқ демасангиз, эртага ишхонангизга бир киши борали. Тақачилик яқин дўстларимиздан, аввалги ўтиришда кўргансиз. Шеърлар машқ қилиб туради. Утган йили ё ундан аввал биттаси қайсидир газетада чиққан. Уч-тўртта машқларидан олиб борса, кўриб берарсиз, — деди. Хўб, дедим, аммо, қайси ўтиришда кўрганимни эслай олмадим.

Эртасига эрталаб наҳорги ошдан чиқиб, тўғри редакцияга келсам, савлатли бир киши мени кутиб ўтирибди. Қўлтигида бир папка шеър. Анча аввал битилганими, айрим варақларнинг ёзувлари ўқиб бўлмас даражага келган. — Ташлаб кетаве-



ринг, бамайлихотир ўқиб чиқамиз, десам кўнмади. Мажбур, ҳаммасини бир бошдан кўриб чиқдим. Афсуски, пичоққа соп бўладигани учрамади. Нима дейишни билмай туриб қолдим. Одам дегани кўзингга шундоқ тикилиб турса, гапингни йўқотиб кўяр экансан. Охири:

— Ака, шеърларингиз, ҳар ҳолда ёмон эмас, аммо газетада чиқариш учун ҳали кўп ишлаш керак, — дегандай бўлдим аранг.

— Эркин ака билан қадрдонлигингизни биладан, шунинг учун ҳам олдингизга келдим, бир амалдаб ҳеч бўлмаса биттасини чиқариб берсангиз девдим-да, деди кўзимга тикилиб. Йўқ дея олмай, уч-тўрттасини олиб қолдим.

— Қачон хабар олсам бўлади? — деди шоир акамиз сал тетиклашиб.

— Озроқ сабр қилиб турасиз, шеър жуда кўп, ҳаракат қиламиз, — дедим бошқа гап топа олмай.

Орадан икки кун ўтиб кўнғироқ бўлди:

— Ука, ҳар куни яхши ниятда бир дастадан газет сотиб оламан, биззи шеър чиқай деб қолдимми?

— Ҳа, худо хоҳласа, бироз сабр қиласиз-да.

Яна уч кун ўтиб, ўзи кириб келди.

— Кутган ёмон экан, укахон, маҳалладагиларга айтиб қўйган эдим, эрталабдан газет дўконга навбатга туришади, тезлаштирмасангиз бўлмайди. Эркин жўрамиз ҳам бир хурсанд бўлардилар-да

— Ака, — дейман асабларим ўйнаб, — бизда газета ҳафтасига бир марта чиқади. Ташлаб кетганингизга энди беш кун бўлди. Жуда шошириб юбордингиз-ку.

— Ҳа, майли-майли, ишқилиб шу жумадан қолмаса бўлди.

Илож қолмади. Бўлимда деярли қайтадан ёзиб, охири саҳифага қўйвордик. Эрталаб ишга келсам, кираверишда мени кутиб турибди шоир акахонимиз. Қўлида газета. Мохорка чекадиганларга ўхшаб буклаб олган. Раҳмат айтгани овора бўлиб келибди-да, деб ўйладим. Қаёқда дейсиз.

— Укажон, — деди у мени кўриб ғалати бир оҳангда, — мана бу ерда битта шеър чиқибди. Сарлавҳаси меники, тагидаги исм ҳам меники, аммо шеър бошқа. Адашдингларми, деб сўрагани келувдим.

— Шу шеър сизнинг шеърингиз, табриклаймиз, мана, ваъдамизнинг устидан чиқдик. Биздан Эркин акага дуо айтинг.

— Шошманг, шошманг, бу шеър меники бўлса, мен ташлаб кетган шеърдан бор-йўғи уч-тўртта сўз қолибди, холос-ку. Буниси қандоқ бўлди?

— Ҳа, шундоқ бўлиб қолди, — дедим аранг, — бошқаси ярамади. Бошқа ёзишга тўғри келди.

— Э, шундоқ демайсизми, — хурсанд бўлиб кетди шоир акахонимиз, — демак, бу шеър бошқа! Ундай бўлса, ўзимники қачон чиқади?...

## ҲИСОБЛИ ДЎСТ АЙРИЛМАС...

Қайси вилоятга борманг, тўртта ижодкорнинг боши қовушди дегунча, Эркин акадан гап очилади, «Э, анави жингалак соч, кўзойнакли кишими, зап қилиқлари бор-да», деб мириқиб кулишади.

Бир гал бухоролик шоир йигитлардан бири нашриётга топширган қўлёзмасидан хабар олгани Тошкентга келиб, Эркин аканинг уйида уч-тўрт кун туриб қолибди. Эркин ака: «Сиз бемалол қайтаверинг, режага кирса, ўзим хабар қиламан», десалар, «Босмаҳонага тушишдан олдин ўқиб берсам яхши бўларди-да», дея кўнмабди. Орадан бир ҳафта ўтганидан кейин уй эгаси шумликни бошлабди.

Уша куни Эркин ака ишдан кейин мени уйларига таклиф қилиб қолдилар.

— Яқин дўстларимиздан бири меҳмон бўлиб келган, кечки зиёфат биздан, — дегандилар, йўқ дея олмадим.

Ховли юзидаги темир каравотда уч киши шалдир-шулдир гаплардан гаплашиб, бир-биримизга навбат бермай ўтирибмиз. Чоғроқ лаганга нонбостини сузиб келишди, бир зумда туширдик. Энди бир пиёладан чой ичган ҳам эдикки, Эркин аканинг кенжа ўғиллари ҳар биримизнинг қўлимизга бир варақдан қоғоз тутқазиб кетди. Нима экан, деб ўқидиму ҳанг-манг бўлиб қолдим. Босмаҳонада бинойидеккина қилиб тайёрланган бланка тепасига «Ҳисоб-китоб варақаси» деб сарлавҳа қўйилибди. «Ф.И.О» деган жойига исм-фамилиям қўлда бадхатроқ қилиб ёзилган. Уша кунги число қўйилган. Кейинги графада рақамлар: Гўшт — 280 сўм. Ёғ, чой, нон ва бошқалар — 180 сўм. Ичкилик — 560 сўм. Бошқа харажатлар — 150 сўм. Жами — 1170 сўм.

Ҳеч нарсага тушунмай, бошимни аста кўтарсам, меҳмон кўлидаги қорозга тикилганча кўзлари жовдираб турибди: жами — 28 минг 690 сўм. Эркин ака бўлса: «Жуда инсофдан чиқиб кетишди-да», дея тоқчадаги эски чўтни олиб, ўзининг харажатларини қайтадан ҳисоблаб ўтирибди. Бироздан кейин меҳмон иккимизга қараб уэр сўрагандек бўлди.

— Хафа бўлмайсизлар... Уч ойдан бери уйда аҳвол шу. Ёшимиз бир жойга борганда орамиздан оламушук ўтиб, қозон-товоқни ажратиб олганмиз. Бунинг устига бозорнинг кўтарилганини айтмайсизми. Маошнинг аҳволи бўлса маълум. Утган ойда овқат пулини вақтида тўлолмаган эдим, мана оқибати, эллик фоиз жаримаси билан ёзишибди, ноинсофлар.

Эркин аканинг дарди ичида экан, кўзлари ёшланди. Чуқур хўрсиниб, меҳмондан сигарета сўради.

— Гап шу ерда қолсин, қулоққа хунук эшитилади, — давом этди ҳазин бир овозда. — Счетни ташлаб кетаверинглар, ўзим бир амаллаб тўлаб қўяман. Мана, помидор ҳам қизарай деб қолди. Тўрт жўяги меники, бозорга олиб чиқсам, бир даста пул бўлади. Ҳали шу чоққача бирорта меҳмонга пул тўлатганим йўқ. Бу сафаргиси анча кўп, аммо, амалласа бўлади.

Эркин аканинг айтишича, меҳмон эртасига эрталаб, тухумли қовурдоққа ҳам қарамай жўнаворибди...

### КўП ЯХШИ БЎЛДИ-ДА

Эркин ака кенжа қизларини узатганларида нашриёт раҳбарлари: «Э, муборак бўлсин, нима камчилик бўлса, тортинмай айтаверинг, ҳаммасини тўғрилаб берамиз, қамишдан бел боғлаб ёнингизда турамиз», дейишадию тўйга битталари ҳам келишмайди. Тўйдан кейин уэр-маъзур айтишади:

— Эркинжон, хафа бўлмайсиз-да энди, қаранг, насиб қилмаган экан. Ўша куни мажлис чўзилиб кетди.

— Ҳечқиси йўқ, — дейди Эркин ака бошини сарак-сарак қилиб, — яхшиямки мажлиснинг чўзилгани. Ҳаммамизни худо бир асради-да.

— Ҳай-ҳай, тинчликми ўзи? — ҳайрон бўлиб сўрашади раҳбарлар.

Эркин ака хурсанд бўлиб жавоб қайтаради:

— Одам кўпайиб кетди. Ичкилик, биринчи-иккинчи овқатимиз аранг учма-уч бўлди. Сизлар борганларингизда овқат етмай роса шарманда бўлардим-да. Яхшиямки, мажлис чўзилиб...

### ЎЛГУНЧА ЭМАС, ТЎЙГУНЧА

Ёшлар нашриётида ишлаб юрган кезларимиз ўзаро баҳслашиш одати хўб авж олган эди. Бир киши фалон нарса фалондай деса, иккинчиси йўғ-е, писмадондай деб, бир пастда тортишиб қолишар, ўртага уч-туртта ҳайбаракаллаци тушиб, кичикрок зиёфат ундириларди. Уртадагиларга ким ютиб, ким ютқизишининг мутлақо фарқи бўлмасди, чунки, нима бўлганда ҳам улар зиёфатга шерик бўлишар эди-да.

Шундай баҳслардан бирида Эркин аканинг қўли баланд келди. Умрида ютқазмаган Абдуворис ака (ёшлар матбуотида узоқ йиллар ишлаган бу устозимизни кўплар Алсапий деб чақаришар, бу ном у кишининг ўзига ҳам маъқул эди) ютқаздилар. Шарти — Эски Жўвада энди-энди урф бўлаётган хонаки кабобдан тўйгунча олиб бериш. Зиёфат иштирокчилари — ўзаро баҳслашган икки киши, мең ва улфатимиз Аъзамжон ака.

Ўзаро келишувга мувофиқ, шанба куни эрталаб соат олтида кабобхонага айлантирилган чоққина ҳовли эшиги олдида учрашадиган бўлдик. Абдуворис ака: «Бир дақиқа кеч қолган киши ўз ҳисобидан кабоб ейди», деб йиғилиш шартини анча оғирлаштирдилар.

Кечаси деярли ухламай (бунақа текин зиёфат яна қачон бўладию) ўн минути кам олтида белгиланган жойга келсам, мендан бошқа ҳамма аллақачон етиб келиб, кабобхона эшигининг очилишини кутиб туришган экан. Ичкарига кириб, сикха тортилган кабобларнинг қўрага терилишини томоша қилиб ўтирдик.

Ниҳоят, зиёфат бошланди. Эркин ака кабобпазга: «Укажон, саккизта-саккизта қўяверасиз, совутмай иссиқ-иссиқ тушираверамиз», деб тайинладилар. Абдуворис ака, аввалига, «Нима, есаларинг олтитадан кабоб ейсизлар-да, кўпи эрталабда ошқозонга зиён қилади», деб бамайлихотир ўтиравердилар. Аммо, кабоб текин бўлгандан кейин одамнинг иштаҳаси бошқача очилиб кетар экан. Аъзамжон ака икки марта тўрттадан еб, бас қилди. Мен у кишини бироз ортада қолдирдим.

Эркин ака нақд ўн олтитасини туширди. Пулини тўлаши керак бўлган устозимизнинг ўзлари тўртта билан кифояландилар, майли-майли, енглар, ош бўлсин, деб чойдан ҳўплаб ўтиравердилар. Аммо Эркин ака кабобпазга: «Ҳой ука, яна саккизта кўйвор», деганида росмана жаҳллари чиқиб кетди.

— Эркин, — дедилар бошқа кабобхўрлар эшитиб қолмасин дея паст овозда, — шартимиз нима эди ўзи?

Эркин ака дарҳол жавоб қайтарди:

— Тўйгунча кабоб...

— Ҳа, баракалла, тўйгунча, ўлгунча эмас!

Абдуворис ака бу гапни шунақа оҳангда айтдики, дастурхонга фотиҳа ўқишдан бошқа чора қолмади...

## МИРОБИДОВ ШУНДАЙ ДЕЙДИ

Ёшлар нашриёти Алишер Навоий номидаги кўчада жойлашган йиллари ноширларнинг тушлиги асосан раҳматли Маҳмуд мўйловнинг лағмонхонасида бўлар, тушлик баҳона жамики ижодкор деганингиз шу ерга йиғилиб, лағмонхўрлик одатда жиддий адабий гурунгларга айланиб кетар эди. Таниқли ёзувчилар, санъаткорлар шу ерда овқатланишар, аслида эса, улар учун лағмондан кўра ҳам ўзаро мулоқот, ҳазил-ҳузул гаплар муҳим эди.

Шаҳсан менинг ўзим етмишинчи йилларнинг ўрталарида жуда кўп устоз ёзувчиларни, ҳозирги Миллий академик театримизнинг таниқли санъаткорларини биринчи бор шу ерда кўрганман. Адабиётшунос олим Тўхтасин Жалолов: «Менинг бу ҳаётда эришган энг катта ютугим шуки, Маҳмуд мўйловнинг қудаси Фотима опа менга лағмонни навбатсиз беради», дегучи эди. Беназир санъаткор Қудрат Хўжаев: «Таомни, айниқса, чойни биров совутиб ичган маъқул», деган фикрни такрор-такрор ўқидирдилар. У кишининг овқатланиши, ҳеч муболағасиз, катта санъат эди. Моҳир таржимон Эркин ака Миробидов бўлса, биз ёш лағмонхўрларга: «Ҳамирини узмай енглар, ана ўшанда маза қиласизлар», дея насиҳат қилиб, овқатланишнинг бу ноёб усулини амалда намойиш этар эдилар. Нашриёт корректура бўлимининг бошлиғи Саидгани бўлса устозларга чой ташишнинг ҳадисини ҳўб олган эди.

Лағмонхона эрталабки ўн бирлардан бошлаб мижозлар билан тўлиб кетарди. Эркин ака: «Ким лағмон емоқчи бўлса, ўн иккига қолмай тушсин, шунчаки қорин тўйғизмоқчилар пешингача бемалол тушаверса бўлади», деб огоҳлантириб турардилар.

Бир куни айна шу мавзуда суҳбатлашиб турган эдик, муҳаррирлар ўтирадиган хонага қутилмаганда нашриёт директори Абдулазиз Ваҳобов кириб қолди. Ўша кунлари қўлёзмаларни босмахонага топшириш режаси бажарилмай, йиллик муқофот пулимизнинг тақдирини ҳал бўлмаётган эди. Эркин ака директорни пайқамай мавзуни давом эттираверди:

— Лағмоннинг гули соат ўн бир яримда бўлади-да. Ҳамири роса етилади, шўрваси тобига келади, сув аралашмайди. Тушликка бориб ҳаммаси айнаийди. Лағмон емоқчи бўлган одам...

— Ие, Эркинжон, бундан чиқди, сиз ишни ташлаб, соат ўн бирдаёқ лағмонхонада бўлар экансиз-да? — деб қолди Абдулазиз ака жиддий қиёфада. — Режа бажарилмаётганининг сабаби мана, қаерда! Давлатнинг иши сизга ўйинчоқми?

Эркин ака шошиб қолмади, дарҳол жавоб қайтарди:

— Узим тушиб кўрмаганман, ўлай агар, Миробидов шундай дейди...

## ҚАЛТИС САВОЛ

Нашриётда кунда, кунора бир ҳангома бўлиб турарди. Китоби нашр режасига кирган муаллиф хурсанд, кирмагани хафа, адади «двойной» бўлиб, қалам ҳақи дурустроқ чиққан бўлса — чойхонада ош, камроқ бўлиб қолган бўлса — димоғфироқ. Бунинг устига баъзи муаллифлар, хафа бўлишмасину, масалан олим-ёзувчиларимиз нашриёт муҳаррирларининг таҳрирлари билан келишмас, ора-чира даҳанаки «жанг»лар ҳам бўлиб турарди.

Шундай «жанг»лардан бирига гувоҳ бўлганман. Эркин ака ижтимоий-сиёсий мавзуда ёзилган бир қўлёзмани ўқиб, ҳафсаласи пир бўлди. Менга, Абдуворис акага, айна шу мавзу таҳририни жиддий ўзлаштирган Муборак Фозиловага айрим жойларини ўқиб берди — қўлёзма газета мақолаларидан, айна шу мавзуда аввал чиққан китобу китобчалардан олинган кўчирмалардан иборат эди. Шу са-

бабли ҳам, муаллифга қўнғироқ қилиб, нашриётга бир келиб кетишини илтимос қилди.

Эртасига эрталаб хонага ўрта ёшлардаги савлатли олим бир киши кириб келди. Эркин ака чой дамлаб кутиб ўтирган эди, худди эски қадрдонлардай астойдил сўрашиб, меҳмонни ўтиришга таклиф этди. Биз чурқ этмай, ишимизни давом эттиравердик. Улар ўртасида, тахминан, мана шундай мулоқот бўлиб ўтди:

Эркин ака: — Яхши келдингизми, домлажон, соғлигингиз яхшими, бола-чақалар тинчми?

Домла: — Яхши, яхши, қўлёмани ўқидингизми, қаери ёқмади?

Эркин ака: — Ўқидим, умуман ёмон эмас. Аммо...

Домла: — Нима аммо, чайналмай айтаверинг, иккинчи парада дарсим бор, вақтим зиқ.

Эркин ака: — Нима десам экан, баъзи жойлари такрор бўлиб қолибди-да. Мана, масалан...

Эркин ака муаллиф билан суҳбатга жиддий тайёргарлик кўрган экан, ҳаммасини бир бошдан кўрсатиб берди. Аввалига домланинг жаҳди чиқди, «Фалон институтнинг домласиман, профессор деган номим бор, сен ўзинг ким бўлибсан, умрингда бир нима ёзганмисан, китоб қандай ёзилишини биласанми?» деб азда-базда жанжал кўтарди. Аммо кейинроқ, Эркин аканинг кўпдан-кўп далилларига изоҳ бера олмай, мулойимлаша бошлади.

Эркин ака: — Мана бу жумлаларга қаранг, домлажон, жуда чиройли ёзилган, гап йўқ, аммо, бундан икки йил аввал ўзимизда чиққан мана бу китобчада ҳам айни шу фикрлар бор. Бор бўлганда ҳам айнан сўзма-сўз, кўринг-а. Ешлар тарбиясига оид мана бу таклифингиз уч йил аввал ўзим таҳрир қилган мана бу брошюрада юрибди. Шу жойларига сал тушунмай турибман-да, домлажон. Пиёлангизни беринг, чой қуйиб берай...

Домла: — Шошманг-шошманг, шогирд болалар сал чалкаштирганми дейман-да. Қани, менга берингчи, ёш болани ишга буюр, орқасидан ўзинг югур, дейдилар-ку. Бировга бир нарса топшириб бўлмайди-я. Ўзим уйда яхшилаб кўриб келаман, бундай бўлиши мумкин эмас.

Домла, гарчи кайфиятлари анча бузилган бўлса-да, билдирмасликка ҳаракат қилиб, ҳаммамиз билан хайрлашиб чиқиб кетдилар. Эшик олдида Эркин ака кўнгилларини кўтаргандай бўлди:

— Домлажон, айбга буюрмайсиз, сиздан бир нарсани сўрасам майлими?

— Майли-майли, сўрай қолинг.

— Одам одамдан бўладими?

Бу савол профессорни тамомила довдиратиб қўйди. Эркин ака жиддий деди:

— Хафа бўлманг домлажон, китоб ҳам китобдан бўлади-да...

## БИЗГА ТЎҒРИ КЕЛМАЙДИ

Саксонинчи йилларнинг охири эди. Эркин ака умр бўйи тўплаган мақолларидан бир қисмини анча югуриб-елиб нашр эттирдилар. Баъзи олим акахонларимиз: «Мақол тўплаш — илмий ишга киради, дуч келган одам шуғулланаверадимми, бу соҳанинг ўзига яраша тадқиқотчилари бор», дегандай сал ланжлик қилишди. Эркин ака: «Бу менинг илмий-тадқиқот ишим эмас, олимликка давоим йўқ, шунчаки савоб бир иш», деб расмий равишда ёзиб берганларидан кейингина ишлар юришиб кетди. Аммо, қалам ҳақи тўлаш масаласига келганда, пул ўлсин, нашриёт мутасаддилари билан бироз нари-берига бориб қолишди.

Хонада шу баҳсли масалани жиддий муҳокама қилиб ўтирган эдик, фаол муаллифларимиздан бири кириб келди. Бир ой Японияда бўлиб қайтган эканлар, тушликкача сафар таассуротларини гапириб берди. У кишининг айтишича, бу мамлакатда бордию бирор киши раҳбаридан хафа бўлиб қолса, у билан ади-бади айтишиб ўтирмас экан. Раҳбарнинг қабулхонасига барча бошлиқларнинг резинадан ишланган бюстлари ўрнатилиб қўйилар экан, эркаклар боксчиларга ўхшаб муштлаб-муштлаб, аёллар бўлса жуводиз санчиб, хуморларидан чиқишар экан. Компьютер ким қанча мушт еди, жуводиз неча бор санчилди — ҳаммасини ҳисоблаб, тегишли жойга маълум қилиб турар экан.

Қалам ҳақини қандай қилиб бўлмасин ундириш тўғрисида ўйлаб ўтирган Эркин ака:

— Яхши одат экан, — деди чуқур хўрсиниқ билан, — лекин бизга тўғри келмайди. Бу тажрибани мабодо нашриётда синаб кўрадиган бўлсак, ҳайкалчалар

мушт ва жуволдиз зўридан бир ҳафтага етмай титилиб кетади. Бунча резинани қайдан топамиз.

## БАЪЗИ ЎҚИМАГАНЛАР

Ёшлар кўмитасида ўтказиладиган йиғилишлардан бирига Эркин ака билан бирга келган эдик. Тушликда ошхонага кириб, одатимизга кўра, лағмон емоқчи бўлдик. Виложлардан келган бир неча таниш котибу котибалар биз билан бирга ўтиришди. Эркин ака қошиқни нари суриб, лағмонни Эркин Миробидов усулида санчқи билан узмай ея бошлади. Буни кўриб ҳамроҳларимиз мийиғларида кула бошлашган эди, Эркин ака дарҳол жавоб қилди:

— Ё тавба, баъзи ўқимаганлар лағмонни қошиқда майдалаб ейди-я, ундан кўра мастава ич, шундоқ таомни хор қилиб нима қиласан...

Бу гапдан кейин ҳамроҳларимиз дув ўринларидан туриб санчқи излаб кетишди. Чунки, уларнинг ораларида «ўқимаганлари» йўқ эди-да...

## СОВҒА

Эркин ака ҳар 8 март байрамида нашриётда ишлаётган хотин-қизларга бири-биридан ноёб, ҳали шу чоққача бирор-бир кишининг хаёлига келмаган антиқа совға-саломлар улашар эди. Совғанинг ўзидан кўра уни топшириш маросими муҳим бўлиб, ҳатто эркаклар ҳам, «Мулла Эркинбой бу йил қанақа каромат кўрсатар экан», дея байрам кунини аёлларга қўшилиб кутишар эди.

Нашриётда неча йил бирга ишлашган бўлсак, Эркин аканинг аёлларга аталган навбатдаги совғалари нима бўлишлигини ҳатто тасаввур ҳам қила олмаганмиз. Корректур ақиладиган хонада деярли бутун жамоа иштирокида усти ялтироқ қоғоз қутичалар очилиб, ҳамма бирданига «ваҳҳ» деб юборганидагина кўрардик уларнинг нималигини.

Бир йили ҳамма аёлларга ошни дамлашда ишлатиладиган дамчўп совға қилганларини биламан. Бошқа бир гал қозонювгич, мўйчинак, чойнак жумрагига илиб қўйиладиган шама илгич улашганлар. Энг қизиқ совға саксон тўртинчи йилининг баҳорида топширилган эди.

Байрамдан бир-икки кун аввал, одатдагидай, корректур хонасига тўпландик. Ўшанда нашриётимизда уч-тўртта янги оила қурган келинчаклар бўлиб, Эркин ака анчадан бери уларга махсус совға тайёрлаётганларини айтиб юрардилар. Ҳамма йиғилгач, совға қутиларини очишдан қўрқмайдиган Зоя Нажотова маросимни очиқ деб эълон қилди. Бундай деяётганимнинг сабаби, баъзи йиллари шунақа совғалар ҳам топширилганки, ҳозир мен айтсам бўлмас, қизиққанлар ўша йиллари нашриётда ишлаган эркаклардан сўраб, билиб олишлари мумкин.

Хуллас, совғаларни топшириш маросими бошланди. Ҳайҳотдай рангли телевизор қутисини гулдурос қарсақлар остида хонага кўтариб олиб киришди. Қути ичида кичикроқ шундай қути, унинг ичида янада кичикроғи. Энг охиригисини очишган эди, чиройли қилиб ўралган тўрт бўлак совға чиқди. Биринчисининг ичида бешта пластмасса чақалоқ — иккитаси қиз, учтаси ўғил, пишиллаб ухлаб ётишибди. Иккинчисида — тўрт ўғил, тўрт қиз. Учинчисида — беш ўғил, беш қиз ва, ниҳоят, тўртинчисида — еттита қиз, биттаси жингалак соч...

Эркин ака аёлларни мана шундай табриклар эди. Ҳисоб-китоб, режалаштириш ва ишлаб чиқариш бўлимларининг русийзабону бошқазабон хонимларини қий-чув қилишларига қарамай хонама-хона юриб, юзларидан атай овозини чиқариб чўлпиллатиб ўпар экан, бу турфа хил бўсаларни нашриётда ишлашнинг ягона даромади дея, ўзига-ўзи тасалли берарди. Энг муҳими ва кулгилиси, ўпишиш пайтида юзига юқиб қолган камалакнусха лаббўёкларни иложи бўлса иш кунни охиригача артмай, ҳаммага кўз-кўз қилиб юрарди.

## ЧЕТДАН БОРИНГ...

Одатда нашриётда ишловчи аёллар кеч соат бешлардаёқ уй-уйларига жўнаб қолишар эди. Эркин ака эшик олдида туриб олиб, уларнинг кўпчилигини кузатиб қўяр, нимагадир, «Четдан боринг!» деб қўяр эди. Бу гап йиллар давомида такрор-ланаверганидан, эркагу аёлларга сингиб кетган бўлиб, ҳеч ким Эркин ака бу билан нима демоқчи эканлигини ўйлаб ҳам ўтирмасди.

Бир кун иш бошқаларга нисбатан шаддодроқ сингилларимиздан бири эрталаб

ишга келаётиб Эркин акага дуч келади. Салом-алиқдан сўнг аканинг ҳазил-хузулларига монанд қилиб шундай дейди:

— Четдан келдим.

Эркин ака дарҳол жавоб қайтаради:

— Ие, кеча уйга бормадингизми?...

### КАМПИРНИНГ ҚАЙСАРЛИГИ...

Бу ўқиганларингиздан Эркин аканинг бутун ҳаёти шумлик-қувликдан иборат экан-да, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. У кишининг ҳам ўзига яраша дардлари, изтироблари бўлар, аммо бу тўғрида ҳеч кимга оғиз очмас эди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам турмуш қийинчиликларини, энди айтса бўлаверди - бошларига тушган ногаҳоний савдоларни кулги билан, ҳазил-хузул билан енгиб кетардилар. Етишмовчиликлари бор эди, баъзан нонга пул топилмай қоларди. Шундай пайтларда ҳам ўзларини бу дунёдаги энг бахтли, энг омадли, энг бой одам қилиб кўрсатиш одатлари эди. Узоқ йиллар бирга ишлаб, бирга юрт кезиб, у кишининг бирор-бир одамни беҳуда хафа қилганларини ённки кўнглини чўктирганларини эслай олмайман. Аксинча, диллари изтироб алангасида қовурилиб турса ҳам, суҳбатдошига яхши кайфият бахш этсам, дерди.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига ишга ўтганимдан кейин ҳам Эркин ака билан алоқамиз узилмади. Бир ҳафта кўришмасак ё мен уйларига ўтиб хабар оламан ё ўзлари ҳазил-хузул билан таҳририятга, баъзан эса, Дархондаги уйимизга кириб келардилар.

Шанба кунларидан бирида уйда шунчаки ёзув-чизув қилиб ўтирган эдим, телефон жиринглаб қолди. Гушакни кўтарсам, Эркин ака. Дам олиш куни эмасми, шопилмай бир-биримиздан хол-аҳвол сўраган бўлдик, ҳазил-хузул қилдик. Гап орасида:

— Соат ўн иккиларда бир оғайнимиз боксёрлар чойхонасида ош қилаяпти, вақтингиз бўлса келинг, бир мириқамиз, фалончи-писмадончи дўстларимиз ҳам бўлишадди, сиз яхши кўрадингиз ичимликлардан олинган, дедим. Эркин ака кутилмаганда узр айтиб қолди:

— Э, афсус, чойхона паловни роса соғингандим, аммо, ярим соат-қирқ минутлик ишим чиқиб қолди, бўлмаса жон деб борардим-а...

— Нима иш экан? — қизиқсиниб сўрадим.

— Сизга қандай тушунтирсам экан, шу десангиз, кампирни биласиз, ёшлари бир жойга бориб қолган, бугун эрталаб эски одатлари қўзғаб, қайсарлик қилиб туриб олдилар. -Ҳой онам, онажоним, қўйинг шу ишни, вақти эмас, десам кўнмадилар- кўнмадилар-да.

— Нима бўлди?

— Қўрмайсизми, ҳозиргина бандаликни бажо келтириб ўтирибдилар-да. Жағларини боғлаб, сизга телефон қилаяпман...

Бу гапдан ҳанг-манг бўлиб қолдим. Ишхонага қандай етиб келганимни билмайман. Жаноза вақтигача чор-атрофга қўнғироқ қилдим.

Тумонат одам тўпланди. Эркин ака жаноза пайти ҳаммага «Чўлпон» нашриётида чоп этилган «Мухтасар» китобидан биттадан тарқатдилар. Дафн маросими туғаб, қабристондан чиқаётсак, юз ёшдан ошган нуроний оталари бир четдаги ўриндикда ўзлари ёлғиз ғамгин бўлиб ўтирибдилар. Эркин ака югуриб бориб, оталарига тасалли бердилар:

— Ада, кўпам ғам қилаверманг, сўққабош бўлиб қолмасиз, худо хоҳласа бир йўлини топармиз.

Оталарининг жавобларини қулоғим билан эшитдим:

— Ҳа, баччағар-а, сочи оқарса ҳам, ақли кирмади бу болани.

\* \* \*

Шу сатрларни қоғозга тушираётганимда яна бир воқеа ёдимга тушди. Нашриётда ишлаб юрган кезларимиз эди. Эркин ака бир куни ишхонага ўзларига ўхшаман ҳолда кириб келдилар. Одатларига кўра, ҳаммамизни кулдирмоқчи бўладилару ўхшамайди. Билиб турибмиз-ки, нимадир бўлган.

Нима бўлганини эртасига эшитдик. Болалардан бири сал шўхлик қилиб қўйибди. Зудлик билан беш минг сўм топиш керак экан. У пайтлари беш минг сўм деганингиз қулоққа ҳозирги беш минг доллардай эшитилар эди. Ошна-оғайни, таниш-билиш қилиб, икки кун деганда аранг тўрт ярим минг сўм тўпладик. Бундан

ортигининг иложи бўлмади. Эркин ака пулни халтага жойлаб уйга бизнинг қистовимиз билан эртароқ қайтдилар.

Эртасига эрталаб хотиржам ишга келганларини кўриб, демак, иш битибди, дея ҳаммамиз хурсанд бўлдик. Аммо, иш қурғур битмаган экан.

Эркин ака пулни кўтариб уйга борсалар, маҳаллада бойваччалиги, қўли очиқлиги билан кўпчиликка таниш бўлиб қолган оғайниларидан бири кутиб ўтирган экан

— Эркин ака, — дебди у овозини пасайтириб, — биров эшитмасин, ўғлим камалиб қолди, беш минг сўм топиб бермасангиз бўлмайди. Жон ака, йўқ деманг, биттаю битта ўғлим...

Тўрт ярим минг сўм пулни қўшинининг олдига шундоқ қўйибдилар. Яна узр сўрабдилар:

— Қўшни, мен дуракни кечиринг, уйда бори шу экан, сиздек одам пул сўраганда хўб демасам, мен ким деган одам бўлдим.

Алқисса, бойвачча қўшинининг ўғли кутулиб қолибди, аммо...

...У киши тўғрисида яна шунча ва яна шунча ёзишим мумкин. Ажабтовур ҳангомаларга гувоҳ бўлганлар бир мен эмас. У кишининг «қилмишлари»ни айтиб, ёзиб адо қилиб бўлмайди. Оталари бир юз олти ёнда, оналари юз ёшни қоралаб оламдан ўтишди. Шундай қувноқ, хушчақчақ, дили ва тили тоза одам камида, ҳеч бўлмаганда ота-оналари ёшига етсалар керак, деб юрардим. Афсуски, бундай бўлмади. Умрларининг сўнгги кунларини шаҳар касалхоналаридан бирида ўтказдилар. Кўргани борсам, бош ҳакимдан тортиб кичик ҳамширагача, ёнларидаги беморлардан тортиб, келиб-кетувчиларгача, сал лофи билан айтсам, қоринларини ушлаб, бир-бирларини нуқиб, кўзларидан ёш оқиб кулиб ётишибди. Касалхона эмас, томошахона. Гурр-гурр кулги. Узларининг бўлса аҳволлари танг...

Дафн маросимида дўстларидан бири: «Митинг қилайлик, бир-икки киши гапирсин», деган эди, аммо Эркин ака вафотларидан бир-икки кун олдин маҳалла мутасаддисига: «Билиб қўйинг оқсоқол, анойилардан эмасман, ўзимни ўлганга со-ли-иб ётаман, бордию митинг қилсаларинг, тобутни ташлаб, кийимсиз Тахтапулга қараб қочаман, шарманда бўласиз, ишдан кетишингиз мумкин», дея тайинлаб қўйган экан, шунинг ҳам иложи бўлмади.

...Эркин ака раҳматли шунақа одам эди.

Қадрдон дўстимизнинг охиратлари обод бўлсин.



Турсунбой Адашбоев

## Ултарманинг беданаси

### Хуррак ва бозор иқтисоди

Қодиржоннинг тўйида,  
Собиржоннинг уйида,  
Ҳордиқ олиш кўйида,  
Дустлар билан ётдим ман,  
Уй-саного ботдим ман.

Сизга айтсам, аввало,  
Хуррак деган бир бало  
Ҳамхонамга муфтало,  
Бошни қашлаб ётдим ман,  
Уй-саного ботдим ман.

Оҳанглари фаройиб,  
Қўш карнай, бўлмас койиб,  
Лол, имлар Мелибоев...  
Янтоқ узра ётдим ман,  
Уй-саного ботдим ман.

Ёзганим йўқ жўрттага,  
Тушиб қолдим уртага,  
Бошни буркаб кўрпага  
Тонгни кутиб ётдим ман,  
Уй-саного ботдим ман.

Бекиёс хуррак эрди;  
— Тенги йўқ, қойил — дерди,  
Ёқубжон Ҳўжамберди,  
Соат санаб ётдим ман,  
Уй-саного ботдим ман.

Отган эдик қиттайин,  
Буёғи сизга тайин,  
Игна ютган итдайин  
Иложим йўқ, ётдим ман,  
Уй-саного ботдим ман.

Карнай авжда — тобида,  
Хуррак отиш бобида  
Муҳаммаджон дўстимга  
Қўймоқ керак обида.  
Шу хаёлда ётдим ман,  
Уй-саного ботдим ман.

Хурракнинг зарбин қаранг,  
Қўшни уйда сержаранг,  
Одил Ёқубов таранг,  
Изтиробда ётдим ман,  
Уй-саного ботдим ман.

Тижоратнинг кўйида,  
Савоб олиш уйида,  
Агар бўлса харидор  
Минг сўм қирғиз пулига  
Шу хурракни сотдим ман,  
Сотдим мано, сотдим ман.

### ЗУМРАША

Ултарманинг беданасин  
Ўта хушкор сайраши бор,  
— Бит-билиқ, — деб жўр бўлар  
Унга қўшним мулла Сардор.

Миттигина жониворнинг  
Ва-ваглашин қаранг энди,  
Шу қўшчанинг нағмасидан  
Хаёл чил-чил — таранг энди.

Ҳап доридан капла отиб,  
Чойдан ютгач гўлтиллашиб,  
Беданадан хабар олгин,  
Хой, қайдасан Абдулатиф?

— Лаббай бобо!  
— Янгилаб кўй  
Қўшнинг суздон, хўрагини,  
Акангга айт, кўйга қараб,  
Терсин кана — жўлагини.

Топшириқни уддалайди  
Набираси қойиллатиб.  
Бобо хушнуд дуо қилар;  
— Балли, ўғлим Абдулатиф.

Шўх бўлса ҳам яхши ўқир,  
Ҳар соҳада билгир чиқди.  
Кўз тегмасин зумрашага,  
Анча зийрак, дилгир чиқди.

Кенжатоини синаш учун  
Савол берар қалаштириб.  
Жавоблари қисқа, лўнда,  
Чучук тилга яраштириб.

— Пеле, Яшин, Марадонна,  
Футболчилар сараси-да  
Ва Миржалол Қосимов бор,  
Ана шулар орасида.



— Елкаси ер искамаган  
Айт-чи, болам, қайси полвон?  
— Амир Темур совриндори,  
Эралидир марду майдон.

— Жаҳон аҳлин лол қолдирган  
Яна қайси чемпион бор?  
— Уми, Акбар Қурбоновдир,  
Ота ўғли, довқалб сардор.

— Балли, полвон, шахматдан-чи?  
Сўрар бобо чойга қониб.  
— Шахматданми, ҳозир бизда,  
Машҳур Рустам Қосимжонов.

— Қойил ўғлим, бугун жуда  
Кўнглим тоғдек кўтарилди,  
Энг охирги саволимга  
Дангал жавоб айтгин энди.

Бехудага санқиб юрмай  
Китобга ҳам кўйдинг ихлос,  
Бурро-бурро сўзлаб ўғлим  
Мени хурсанд қилдинг хўроз,

Болалиқдан ёд олгансан  
Шеърларини севиб жондан:  
Ҳабиб Раҳмат, Кавсарбону,  
Ҳамда Анвар Обиджондан,

Ўзига хос Дилшод Ражаб,  
Фикри тиник, яхши ёзар.  
Сенга дастхат ёзиб берган,  
Қамбар Ута, Рустам Назар.

Ҳа, шулардан қай бири зўр,  
Тўғри жавоб айтгин бироқ?  
— Бобо, буни китобхонлар,  
Билар мендан ҳам яхшироқ.

Бобо кулиб дейди: — Бўтам  
Олим бўлар сиёғидан.  
Эркалатиб набирасин,  
Чўзиб кўйди қулогидан...

\*\*\*  
**Кириб келди,  
Кириб келди,  
Янги йилжон,  
Янги йил.**

**Рауф Толиб «Янги йил» шеъридан.**

\*\*\*  
**Яшнар она замин,  
Уйна, кул Наврўз.  
Янги орзу, янги кун,  
Янги йил— Наврўз.**

**Рауф Толиб. «Наврўз» шеъридан.**

\*\*\*  
Ким завқ олмас аслида,  
Янги йилдан, кўкламдан.  
Машқингизни ўқидик,  
Янги чиққан тўпلامдан.

Арзон, сийқа гап билан  
Болаларни овутманг,  
Китобхоннинг ихлосин  
Ўзингиздан совутманг.

\*\*\*  
Компьютерлар замони,  
Авжи тийрак ёшдамыз,  
Саксонинчи йиллар ўтди,  
Бизлар тамом бошқамиз.

Холис сўздан шоир тоға,  
Яна юрманг биздан нолиб.  
Зўр ёзсангиз ўқир эдик,  
Ҳаттоки дарсдан қолиб...



## МУНДАРИЖА

<b>НАСР</b>	
Иброҳим Мухаммад. Ялпиз ифори. Ҳикоя . . . . .	3
Мухаммад Али. Улуғ салтанат. Тарихий роман . . . . .	43
<b>ШОИРУ ШЕЪРУ ШУУР</b>	
Эркин Самандар. Неки пок кўзга келтир . . . . .	24
Усмон Кўчқор. Шукӯҳли тоқингда руҳим мушаккал. . . . .	27
<b>ҲИКОЯЛАР</b>	
Ҳасан Манзуоров. Мехр. . . . .	30
Сирожиддин Салоҳиддинов. Оқпопук. . . . .	34
<b>МУШОИРА ЭТАДИ ДАВОМ</b>	
Шамс нурларидан эсар саодат . . . . .	39
<b>УЛУҒИМСАН, ВАТАНИМ</b>	
Миртемир. Ёруғлик. . . . .	127
<b>ЙИЛЛАР, ТАҚДИРЛАР, ВОҚЕАЛАР</b>	
Шарап Уснатдинов. Менинг Озод дўстим. Эссе. . . . .	128
<b>БУ ИШҚ СИРРИН КИТОБ ЭТДИНГ...</b>	
Лутфий. Нигоро, сенсизин мендин не ҳосил. . . . .	146
<b>ДАФТАРЛАРДА ҚОЛГАН САТРЛАР</b>	
Мирмуҳсин. «Мен келажақни, буюк ватанимни уларнинг кўзлари билан кўриб турибман...» . . . . .	147
Тилак Жўра. Умид ёмғиридан ёрилади тил . . . . .	149
<b>ДУРДОНА</b>	
Қадимги дунё ривоят ва ҳикоятлари . . . . .	151
<b>БОЛАЛАР ДУНЁСИ</b>	
Зафар Диёр. Дарак бериб баҳордан қувонтирдинг шунчалар. . . . .	159
<b>АДАБИЙ МЕРОС</b>	
Абдусаттор Жуманазар. Ҳиндистонлик забардаст Нақшбандий аллома Шайх Аҳмад Сирхиндий «Мактубот»идан намуналар. . . . .	161
<b>НАЗМ</b>	
Чоршамъ. Садоқатни бошинга туғ эт-э, кўнглим . . . . .	168
Умида Абдуазимова. Дилимни эркалар бир ширин туйғу . . . . .	171
Рустам Мусурмон. Туйғуларим беғубор осмон. . . . .	173
<b>ЗАКОВАТ НУРИ</b>	
Виктор Алимасов. Конфуций. . . . .	175
<b>АДАБИЁТШУНОСЛИК</b>	
Йўлдош Солихонов. Баҳрамандлик. . . . .	179
Мирзааҳмад Олимов. Пафосни бадиийлик мезони сифатида ўрганишга оид айрим мулоҳазалар . . . . .	182
Нилуфар Мирсаидова. Ажнабий қахрамонлар мисолида. . . . .	183
Гулчеҳра Имомова. Ҳикояда бадиий синтез ва рамзий тасвир . . . . .	185
Бегали Мўминов. Бир қисса таҳлили ҳусусида. . . . .	188
<b>ГУЛҚАЙЧИ</b>	
Аҳмаджон Мелибоев. Эркин қизиқ нима дейди? . . . . .	191
Турсунбой Адашбоев. Ултарманинг беданаси. . . . .	206

**Компьютерда саҳифаловчи: Манзура Файзиева**

\* Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин. Таҳририятга келган бир босма табоққача бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди. \* Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. \* Обунага монъелик кўрсатилса ёки журнал етиб бормаса Тошкент — 700000, Амир Темур тор кўчаси, 2. Республика «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси ёки унинг вилоят, туманлардаги тармоқларига мурожаат қилинсин.

Теришга берилди 20.09.2005 й. Босишга рухсат этилди 11.11.2005 й. Қоғоз бичими 70x108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма табоғи 13. Шартли босма табоғи 17. Нашриёт ҳисоб табоғи 15,4. Адади — 1600 дона. Буюртма № 1990

**ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРХДА**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
(700000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41) да чоп этилди.**



Бугунги кунда «Ўзавтойўл» Давлат акциядорлик компанияси мамлакатимиздаги 42530 км узунликдаги автомобил йўлларини сақлаш, таъмирлаш ва такомиллаштириш режаларини тўлиқ бажарган ҳолда, транспорт ҳаракати узлуксизлиги ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминламоқда.

2005 йил 9 ойи давомида бажарилган ишлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 141.3 фоизни ташкил этди. Сирдарё вилояти ҳудудидан ўтадиган 35 км узунликдаги «Гулистон - Гагарин» автомобил йўли қайтадан таъмирланди. Фидойи йўлсозларнинг меҳнати туфайли «Бектемир - Чирчиқ - Ғазалкент - Чорбоғ кўргони» автомобил йўлининг «Чорбоғ сув омбори халқа йўли» туташувидаги транспорт ечими. Чирчиқ дарёси кўприги ва унга бориш йўллари қуриб битказилди. «Тошкент халқа йўли», «Тошкент - Чиноз» автомобил йўлларида катта ҳажмда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Йўлсозларнинг Тошкент шаҳрида бажарган ишлари туфайли пойтахтимиз қиёфаси тубдан ўзгармоқда. Сирғали туман ҳудудидаги катта чорраҳада барпо этилган йўл ўтказгич-кўприк транспорт оқимида катта қулайликлар яратди. Кўнлаб шаҳар кўчалари кенгайтирилиб йўлнинг ўтказувчанлиги оширилди ва ободонлаштирилди.

Шунинг билан бирга Ватанимизни Европа шаҳарлари билан боғлайдиган энг қисқа Е-40 ва Е-60 халқаро транспорт йўналишларининг Ўзбекистон ҳудудидан ўтадиган қисми «Кўнғирот - Бейнов» ва «Самарқанд - Ғузор - Термиз» автомобил йўлларини қайта қуриш жадал олиб борилмоқда.

Бугунги кунда «Тошкент - Ўш» автомобил йўлини замонавий талабларга жавоб бериш даражасига етказиш мақсадида ҳам кенг миқёсдаги ишлар давом этмоқда.

Xp. 3760 c

Eng ajoyib choy bilan  
hissiyotlaringizni uygʻoting

Oliy navli

*Alokozay-Tea*

Yuqori sifatli



Alokozay-Tea choylaridan xarid qiling va kutilmagan  
sovgʻaga ega boʻling.

Xarid qilish va bu daqiqani nishonlash vaqti kelgʻi.